

ҚЎҚОН УНИВЕРСИТЕТИ

*Ўзбекистон Республикаси
давлат мустақиллигининг
30 йиллигига бағишланади!*

ИҚТИСОДИЁТ ИЛМИ ОСМОНИДА ЮЛДУЗГА АЙЛАНГАНЛАР



*Турли йилларда иқтисодиёт бўйича Нобель
мукофотиغا сазовор бўлган олимлар билан
қизиқарли суҳбатлар жамланмаси*

ИЛМІЙ-ОММАБОП РИСОЛА



ТОШКЕНТ – «МАЪНАВИЯТ» – 2021



УЎК: 910.4(100)

КБК: 26.89(0)

М 34

Иқтисодиёт илми осмонида юлдузга айланганлар. Илмий-оммабоп рисола [Матн] – Т.: «Маънавият», 2021. – 352 бет.

ISBN 978-9943-04-396-1

Мазкур рисолада иқтисодиёт бўйича Нобель лауреатига лойиқ деб топилган олимлар билан суҳбатлар ўрин олган. Олимлар билан суҳбат давомида иқтисодчилар томонидан яратилган назариялар, ўша даврда жаҳон иқтисодиётида юз берган муҳим воқеа-ҳодисалар, мамлакатлар ҳукуматлари томонидан олиб борилган иқтисодий сиёсатнинг асл моҳияти қизиқарли далиллар асосида очиб берилган.

Мазкур рисола иқтисодиёт соҳасига қизиқувчи талаба-ёшлар, илмий-назарий тадқиқотлар билан шуғулланаётганлар, айниқса, олий таълим муассасаларида «Иқтисодий таълимотлар тарихи» фанидан дарс машғулотларини олиб боровчи педагоглар учун мўлжалланган.

Рисола Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 30 йиллигига бағишланиб нашр этилган бўлиб, сиз азиз китобхонларга манзур бўлади деган умиддамиз.

Нашрга тайёрлаганлар:

***Шерзод Мустафакулов** – иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;*

***Низомиддин Ўрмонов** – иқтисодиёт фанлари номзоди, доцент;*

***Қобилжон Исаев** – илмий изланувчи.*

Т а қ р и з ч и л а р:

***Саидахрор Фуломов** – Ўзбекистон Фанлар академияси академиги,
иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;*

***Бахтиёр Салимов** – ТДИУ «Тармоқлар иқтисодиёти» кафедраси
профессори, иқтисодиёт фанлари доктори.*



КИРИШ



Инсон доимо уни қуршаб турган оламда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга, жамиятнинг ривожланиб боришига ўз муносабати ва қарашларини баён этиб келган. Турли хилдаги таҳлилларни амалга оширган ҳам, чуқур илмий изланишлар олиб бориб, илм-фанда кашфиётлар қилган ҳам инсоннинг ўзи. Инсон доимо атроф-муҳитдаги ўзгаришларга, ер сайёрасида ва коинотда юз бераётган эврилишларга, оламнинг яралиши билан боғлиқ гипотезаларга, иқтисодий ҳаётда тез-тез қайтариладиган инқирозларнинг асл сабабларига ўз ақл-заковати, теран қарашлари билан муносабат билдириб келган.

Жамиятда учрайдиган муаммоларга бошқалардан кўра чуқурроқ ёндашадиган, унинг келиб чиқиш сабаблари ва бартараф этиш йўлларини кўрсатиб берадиган, муаммо доирасида илмий тадқиқотлар олиб борадиган, фанда янги назария ва қарашлар ижодкорларини бир сўз билан олимлар деб атаيمиз.

Фан соҳасида юқори натижага ва чўққига эришганларга Нобель мукофоти берилади. Нобель мукофоти – буюк илмий изланишлар, инқилобий ихтиролар ёки маданият ва жамиятнинг ривожига катта ҳисса қўшгани учун ҳар йили тақдим этиладиган нуфузли халқаро мукофот ҳисобланади.

Маълумот ўрнида: Нобель мукофоти 1833–1896 йилларда яшаб ўтган швед олими, ихтирочи ва тадбиркор Альфред Нобелнинг васияти асосида таъсис этилган бўлиб, дунёдан кўз юмар чоғида у ўзи йиққан мол-мулкдан ҳар йили илм-фанда катта ютуққа эришган олимларга мукофот тариқасида бериладиган жамғарма ташкил этилишини васият қилган. Унинг васиятига кўра, мукофот катта илмий ютуқларга эришган ва инсоният тараққиётига хизмат кўрсатган олим, жамоат фаоли ва ёзувчиларга 5 қисмга бўлиниб, ирки, миллати, жинси ва динидан қатъи назар, физика, кимё, физиология (тиббиёт) соҳасида



кашфиётлар қилган, бадий асарлар, халқлар дўстлиги ва тинчлигини мустаҳкамлаш йўлида кўрсатган фаолияти учун тақдим этилади.

Мукофот 1901 йилдан буён топшириб келинади. Маросим ҳар йили 10 декабрь санасида, яъни мукофот таъсисчиси Альфред Нобель оламдан кўз юмган санада Стокгольмда ўтказилади. Шу куни дастлабки беш йўналиш бўйича лауреатлар Швеция пойтахтига етиб келади ва шахсан қиролнинг қўлидан олтин медал ҳамда пул мукофотини қабул қилиб олишади.

1968 йилда Швеция Марказий банки ўзининг 300 йиллиги муносабати билан иқтисод фанлари соҳасидаги ютуқлари учун ҳам бериладиган кўшимча Нобель мукофотини таъсис этган. 1969 йилда иқтисодиёт соҳасида илк Нобель мукофотига сазовор бўлганлар: норвегиялик Рагнар Фриш ва голландиялик Ян Тинберген ҳисобланади. Уларга мукофот иқтисодий жараёнлар таҳлилини амалга оширишда динамик моделларни қўллаганликлари учун тақдим этилган.


Мазкур рисолада турли йилларда иқтисодиёт соҳаси ривожига қўшган улкан хизмати, амалга оширган илмий изланишлари, яратган назариялари учун Нобель мукофоти тақдим этилган 14 нафар олим билан бўлиб ўтган алоҳида-алоҳида тарихий суҳбат жамланган. Рисола Низомиддин Ўрмоновнинг бевосита саъй-ҳаракати ва магистратура босқичи талабалари билан (Тошкент давлат иқтисодиёт университетида Иқтисодиёт мутахассислиги бўйича таҳсил олган МЭҚП гуруҳи талабалари билан) олиб борган дарс машғулотлари натижаси сифатида яратилган.

Рисоладан ўрин олган суҳбатларнинг барчаси инглиз тилидан таржима қилинган бўлиб, унда Нобель мукофотини қўлга киритган олимнинг шахсий ҳаёти, илм-фанга қўшган ҳиссаси, ўзидан олдинги иқтисодчиларнинг олиб борган изланишларига муносабати, устозлари ва шогирдларининг муваффақиятлари, ҳукумат раҳбарларининг иқтисодий сиёсатни амалга ошириш борасида қабул қилган қарорлари мазмун-моҳияти билан боғлиқ қарашлари савол-жавоб тарзида тизимлаштирилган.

Тез орада иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган бошқа олимларнинг ҳам илм-фанга қўшган ҳиссалари, яратган назариялар, ишлаб чиққан иқтисодий моделлари, уларнинг ҳаёт йўллари билан боғлиқ суҳбат тафсилотлари бўйича ҳам нашрларни амалга ошириш кўзда тутилган.



ВАСИЛИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ ЛЕОНТЬЕВ



1905 йилнинг 5 август санасида Германиянинг Мюнхен шаҳрида таваллуд топган. Келиб чиқиши рус бўлган америкалик иқтисодчи, тармоқлараро таҳлил назарияси асосчиси. 1973 йил иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Тадқиқот мавзуси: «Харажатлар самарадорлиги услубини ишлаб чиқиш ва уни муҳим иқтисодий муаммоларга татбиқ этиши».

1925 йилда у Ленинград университетида фалсафа ва социологияни чуқур ўрганган. Кейинчалик Леонтъев Берлинда иқтисод соҳасида ўқиган ва «Иқтисодиёт эврилиши» мавзусида диссертация ёзиб, фан доктори илмий даражасига сазовор бўлган. У бир неча йил давомида (Хитойга сафари тўғрисида бир йиллик танаффус билан) Киль шаҳридаги Жаҳон иқтисодиёти институтида ишлади.

1928 йилда Леонтъев темир йўл вазири маслаҳатчиси сифатида Хитойга расмий таширф бўйича таклиф олади. Унга Хитой саёҳат тизими ва юрларни ташишининг оптимал вариантини ҳисоблаш вазифаси топширилади. 1931 йилда Василий Леонтъев Америкага жўнаб кетади ва у ерда «Иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси» директори Уесли Митчеллнинг ходими бўлиб ишга қабул қилинади. Кейинчалик, у синовдан ўтиб, Гарвард ва Нью-Йорк университетларида маърузачи, Америка иқтисодий таҳлил институти асосчиси ва раҳбари бўлади. Шунингдек, бир пайтнинг ўзида БМТ Бош котибининг маслаҳатчиси вазифасида ҳам меҳнат фаолиятини олиб боради.

Иккинчи жаҳон уруши бошлангандан кейин у АҚШ ҳаво кучларида иқтисодий режалаштириш бўйича маслаҳатчи бўлиб ишлаган. Унинг раҳбарлиги остида Германия иқтисодиёти учун кириш-чиқиш матрицаси ишлаб чиқилади. Матрица Ҳаво кучлари учун мақсадларни танлаш учун асос бўлиб хизмат қилади.



ВАСИЛИЙ ЛЕОНТЬЕВ БИЛАН СУҲБАТ

*«Тизимни тузатишни хоҳлайсизми?
Яхши. Лекин, дастлаб уни ёритиб беринг,
кейин эса, униг ҳолатини яхшиланг».*

Василий Леонтъев XX асрдаги иқтисодиёт фани қиёфасини таърифлаб берганлардан биридир. У «даромад – харажат» таҳлили назарияси (кўпгина адабиётларда «харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» ёки «харажатлар – чиқариш» деб юритилади) ва бугунги кунда таркибий-иқтисодий таҳлил воситасига айланган «даромад – харажат» жадвалларининг техник-иқтисодий маълумотлар асосида қуриш усулларини ишлаб чиққан. 1940- ва 1950-йилларда бу назария умумий иқтисодий мувозанат концепциясини аниқлаб олишда ҳам муҳим аҳамият касб этган.

Шунингдек, Леонтъев талаб назарияси, халқаро савдо ва иқтисодий ўсишни ривожлантиришга ҳам амалий ҳисса қўшди. Монетар сиёсат назарияси, эконометрика, атроф-муҳитнинг иқтисодий муҳофазаси, аҳолишунослик муаммолари, техник тараққиётни тақсимлаш, қуролсизлантириш, капиталларнинг халқаро ҳаракати, иқтисодий режалаштириш ҳамда Собиқ Иттифоқ ва бошқа социалистик иқтисодиётлар ҳолатларини тадқиқ этишда самарали ижод қилди.

Леонтъев технология, савдо, демография, экология ва ядро қуроллари устидан назорат соҳасидаги миллий ва халқаро сиёсатни ишлаб чиқишда фаол иштирок этган. Шунинг учун, у замонавий иқтисодий назария усули ва ёндашувларнинг етакчи танқидчиси ҳисобланган. Леонтъев 1973 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти билан тақдирланган.

Василий Леонтъев билан уюштирилган суҳбат 1997 йил 14 апрелда унинг Нью-Йоркдаги «Вашингтон-скуэр» боғининг ёнида жойлашган квартирасида бўлиб ўтди. Василий Леонтъев меҳмонхонада юмшоқ курсида ўтирар, Леонтъева хоним эса квартиранинг қайсидир хонасида бирор юмуш билан банд бўлиб, вақти-вақти билан унинг ҳолидан хабар олиб турарди. Унинг кўриниши ўзгача, яъни ўйчан, лекин доим мафтункор бўлиб кўринарди. Баъзан унинг сўзлари ҳар чоракда бонг уриб турувчи соат жаранги ва Нью-Йорк шахрига хос шовқинни босиб кўярди.



Фоули: *Маркс «Капитал» асарининг иккинчи жилдидаги такрор ишлаб чиқариш схемалари билан «даромад – харажат» усулининг алоқаси тўғрисида катта мунозара бўлди. Маркс Сизнинг иқтисодчи сифатида шаклланишингизда қандай аҳамият касб этган?*

Леонтъев: Мен диплом ишимни Россияда ёзганман ва айнан шу ерда мен марксизмни ўргандим, лекин мен иқтисодчи-марксист эмасман. Ўзимнинг «даромад – харажат» усулимни ишлаб чиққаним ҳолда талаб ва таклифнинг классик ва неоклассик таҳлилидаги камчиликларни бартараф этишга ҳаракат қилдим. Мен уни доим тизимга эга эмас деб ҳисоблайман. Тахминимча, Сиз менинг Президентга мактубимни ўқиб чиққансиз. Менинг фикримча, умумий мувозанат назарияси ҳақиқий маълумотлардан қай тарзда фойдаланишни тушунтириб бермаган. Ва, шу сабабли, ҳақиқий асосни таъминлаш, мунтазам тарзда далилларни рўйхатга олиш ва шу орқали тизимнинг амал қилиш механизмини янада тушунарлироқ қилиш учун ўзимнинг махсус «даромад – харажат» усулимни ишлаб чиқдим.

Фоули: *Маркснинг такрор ишлаб чиқариш схемалари сизнинг концепциянгизни шакллантиришида қандай роль ўйнади?*

Леонтъев: Аслида, ҳеч қандай роль ўйнамади. Маркс яхши математик бўлмаган. У ҳамма вақт рақам ва формулаларда адашган, қийматнинг меҳнат назарияси у қадар мазмундор эмас, лекин, аслида, мен Марксни, Маркс эса мени талқин қилган бўлиши мумкин. Менга Кенэ ва унинг ғоялари таъсир этган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Университетда мен иқтисодчи мутахассислигига ўқиганман. Ўша вақтлардаёқ мен XVII асрдан бошлаб барча иқтисодчиларнинг асарларини мунтазам равишда ўқий бошладим. Мен тинмай ўқиб-ўрганганим сабабли, иқтисодий таълимотлар тарихи соҳасида яхши тайёргарликка эга бўлдим, шунинг учун мазкур фаннинг ҳолатини баҳолай оламан.

Фоули: *Сиз совет ҳукуматининг илк даврларида Совет Иттифоқида яшаганмисиз?*

Леонтъев: Мен 1925 йилда Совет Иттифоқидан кетганман. Мен у ҳукуматнинг баъзи тартиботлари маъқул бўлмади, ишимни давом эттириш учун у ердан кетишга мажбур бўлдим.

Фоули: *Ўша даврларда Совет Иттифоқида режалаштиришнинг асоси сифатида статистика тўғрисида кимдир бош қотирганми?*

Леонтъев: Йўқ. Моҳиятан қарасак, бунга қайсидир маънода алоқадор бўлган ҳолат, бу – миллий даромад таҳлилидир. Ҳар қандай таҳлил сингари у ҳам ҳаддан ташқари умумлаштирилган. Сизга бирор-



бир рақам берилади, лекин ўша даврдаёқ мен тизимнинг тўлақонли амал қилиши учун битта рақамнинг ўзи камлик қилади деб ўйлаганман. Мен тизимни яхшилашга эмас, балки у қандай ишлашини англаб олишга ҳаракат қилдим. Албатта, тузатишдан кўра яхши тушуниб олиш афзалроқ, аммо, менинг фикримча, иқтисодий тизим қандай ишлашини тушуниб олиш, бу – иқтисодчининг биринчи вазифасидир.

Фоули: *Ўша даврда Сиз, яъни 1925 йилда Берлинга эмиграция қилинганмидингиз?*

Леонтьев: Ҳа. Мен ўз диссертациямни жуда тез ҳимоя қилганман. Ўша даврда мен иккита профессор, яъни тарихчи-иқтисодчи, профессор Зомбарт ҳамда иқтисодчи-математик Борткевичга ассистент бўлиб ишлаганман. Лекин профессор Зомбарт математикани яхши тушунмаган.

Фоули: *«Даромад-харажат» жадвалини тузишнинг статистик жиҳатлари уларни ҳам қизиқтирганми?*

Леонтьев: Йўқ.

Фоули: *Сиз қанча вақт Берлинда яшагансиз?*

Леонтьев: Тахминан икки йил. Илмий даража олганимдан сўнг мен Жаҳон иқтисодиёти институтида ишладим (Килдаги катта институт). Мени АҚШга таклиф этишди. Айнан ўша ерда мен ўзимнинг «даромад – харажат» усулимни ишлаб чиқдим.

Фоули: *Килда бошқа олимлар ҳам шу муаммо ёки у билан боғлиқ масала билан шуғулланганми?*

Леонтьев: Йўқ, мен мутлақо мустақил фаолият олиб борганман.

Фоули: *«Даромад-харажат»ни таҳлил қилиш, статистик асосини яратиш жуда катта меҳнат талаб қилган бўлса керак?*

Леонтьев: Ҳа, албатта. Мен мазкур усулдан амалиётда қандай фойдаланиш кераклигини кўрсатиш лозим деган қарорга келдим ва бир кишидан бунга ёрдам беришини илтимос қилган эдим. Иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси мени Қўшма Штатларга таклиф қилди. Мен жамғармалардан биров пул олдим ҳамда ёрдамчим билан бирга кўп ишладик, ўзимизнинг эҳтимолий ахборотларимиз ҳамда техник ва, табиийки, рўйхатга олиш маълумотларидан фойдаландик. АҚШда аҳолини рўйхатга олиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг энг яхши статистик ҳужжати ҳисобланган. Кейинроқ мени Гарвардга таклиф этишди, у ерда мен 45 йил ишладим. Уруш бошланганда «даромад – харажат» усулига қизиқишим янада ортди.

Мен иқтисодий режалаштириш бўйича маслаҳатчи вазифасини бажариб, уруш вақтида катта аҳамиятга эга бўлган ҳарбий ҳаво кучларида ишладим. Энг яхши «даромад – харажат» матрицаси ҳарбий ҳаво



кучларида тузилган. Уларда Германия иқтисодиёти учун тузилган «даромад – харажат» жадвали мавжуд бўлиб, бу уларга мақсадни танлашда ёрдам берган эди. Одатда, мен бировнинг ишига аралашмайман, лекин агар сиз ниманидир устидан иш олиб борсангиз, у ҳолда тегишли вазифаларни тушунишингиз лозим бўлади. Ҳарбий ҳаво кучлари ҳолатида бу мақсад ва шунга ўхшаш ҳолатни танлашда уларга «даромад – харажат» усули катта қизиқиш уйғотган эди.

Фоули: *Сиз Кейнснинг 1930-йиллардаги ишини қандай баҳолайсиз? Ўша вақтдан бери Сизнинг унинг қарашларига бўлган муносабатингиз ўзгармадими?*

Леонтьев: Йўқ, мутлақо йўқ. Менинг муносабатим етарлича танқидий бўлди. Кейнс таҳлилчи эмас, балки сиёсатчиликка мойилроқ эди. Гарчи биринчилардан бўлиб, Кейнс қарашларига бағишланган қатор мақолаларимни ёзган бўлсам-да, мен ҳеч қачон кейнсчи бўлмаганман. Сиз уларни ишларимнинг орасидан топасиз. Лекин мен унинг концепциясини сиёсий жиҳат эмас, балки ёндашувларини мунтазам равишда таҳлил қилишга ҳаракат қилдим, фикримча, у ҳаддан ташқари прагматикдир. «Тизимни тузатишни хоҳлайсизми? Яхши. Лекин, дастлаб уни ёритиб беринг, кейин эса, унинг ҳолатини яхшиланг».

Фоули: *Ўша даврда сизда иқтисодий депрессияни бартараф этишининг муқобил назарияси мавжудми?*

Леонтьев: Йўқ. Менинг фикримча, иқтисодий тебранишларни назарий фаҳмлаш учун, авваламбор, бу жараёнлар динамик характерга эга эканлигини тушуниб олиш лозим. Мен, бу тебранишларни дифференциал тенгламалар билан ифодаланган деб ҳисоблайман. Таркибий ўзгаришлар, айниқса, ҳозирги вақтда катта аҳамиятга эга. Динамика доим мавжуд бўлган. Бу ўзаро алоқалар ва тенгламалар тизими бўлиб, лекин миқдорий ёндашув барибир муҳимдир. Бинобарин, мен кузатиш ва назария ўртасидаги алоқага кўпроқ эътибор қаратиб, бир вақтнинг ўзида, аслида, математик ҳисобланган «харажат – маҳсулот ишлаб чиқариш» усули бўйича таҳлил назариясини ишлаб чиқдим ва маълумотлар тўплашга ҳаракат қилдим. Фикримча, мен иқтисодий статистика фанининг мазмунига таъсир кўрсата олдим.

Фоули: *Ҳа. «Харажатлар – маҳсулот чиқариш» усули ва миллий даромад таҳлили 1940–1950-йилларнинг энг муҳим икки ютуғи эди.*

Леонтьев: Фикрингизга қўшиламан. Бунда қарама-қаршилик мавжуд эмас деб ўйлайман. «Харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» усули, менинг фикримча, батафсилроқ усул ҳисобланади. Масалан, БМТ учун иқтисодий статистик кўрсаткичлар тизимини ишлаб чиқиш ва-



зифаси топширилган. Стоун миллий даромадни ҳисоб-китоб қилишда мураккаб кўрсаткичлар учун асос сифатида «харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» усулига катта аҳамият берган.

Фоули: *Бу каби тизимда, одатда, доим талаб сингари таклифнинг ҳам таъсирини моделлаштиришга ҳаракат қилинади.*

Леонтьев: Талабни алоҳида таҳлил қилишга уринишлар доим хавотир уйғотган менда. Фикримча, хўжалик, бу – бутун тизимнинг бир қисми холос. Тўғри, назарияга мурожаат қиладиган бўлсак, хўжалик – иқтисодиётнинг йирик тармоғидир.

Фоули: *Классик мактабнинг «аҳолини қайта тузиш – иқтисодий тизимни такрор ташкил этиш жиҳатларидан бири» гоёси билан маъқулланади.*

Леонтьев: Мутлақо тўғри. Бу ҳақда Кенэ ҳам ёзиб қолдирган.

Фоуле: *Таркибий ўзгаришлар ва ишбилармонлик фаоллигидаги тебранишлар ўртасидаги ўзаро алоқа тўғрисида биз Ричард Гудвин билан суҳбатлашганмиз.*

Леонтьев: Ричард Гудвин – менинг собиқ талабам. У менинг қўлимда ўқиган ҳамда менга ассистентлик қилган. Гарвардда у ўзига доимий иш жойи топа олмагач, Англияга жўнаб кетди. У жуда яхши дўст ва ажойиб инсон эди.

Фоули: *Бир сафар мен Гудвин билан шу ҳақда суҳбатлашган эдим. 1940-йилларнинг охирларида у Гарвардда вақтинчалик иш топганини айтган эди.*

Леонтьев: Ҳа, вақтинчалик иш топди, лекин доимий иш жойи топа олмади ва Англияга жўнаб кетди.

Фоули: *У ҳам шу ҳақда гапириб ўтган эди, аммо 1940-йилларнинг охирларида шундай тадқиқотлар билан шуғулланган Гудвиндек инсон Қўшма Штатларда иш топа олмагани мени ҳайратга солади.*

Леонтьев: Бунга сиёсат айбдор, чунки у бошқа оқимга мансуб бўлган деб ўйлайман.

Фоули: *Айнан шундай ҳолатлар унинг илмий хизматларини йўққа чиқарган кўринади. Нима дейсиз?*

Леонтьев: Ростини айтадиган бўлсам, ҳа, иш айнан шундай тус олган.

Фоули: *Сиз ҳозир ҳам даврий-иқтисодий тебранишлар асосий сабабини таклифдаги таркибий ўзгаришларда деб баҳолайсизми?*

Леонтьев: Ҳа, таркибий ўзгаришлардан, аммо жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш лозим, чунки динамик тизим таркибий ўзгаришларсиз, шунингдек, тебранишларнинг ёпиқ ички сабабларига эга бўлиши



мумкин эди. Ҳозирги вақтда техник тараққиёт муҳим аҳамиятга эга, албатта. Бу иқтисодий ўзгаришларнинг муҳим омили ва ижтимоий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Фоули: *Нима деб ўйлайсиз, бу тебранишлар сўнувчи ёки портловчи характерга эга бўлиши мумкинми?*

Леонтьев: Математика нуқтаи назаридан, улар сўнувчан бўлиши шарт эмас. Лекин нега портлаш юз бермаяпти деган савол туғилади? Портлашга йўл қўймайдиган баъзи кучлар, шу жумладан, сиёсат ва бошқа нотекис таъсирлар каби иқтисодий кучлар ҳам мавжуд.

Фоули: *1930-йилларда Маршак билан талаб таҳлили бўйича келишмовчилик юзага келган эди, шундайми?*

Леонтьев: Ҳа, бунинг тафсилотларини тўлиқ эслолмайман, аммо Маршакнинг ёндашувларида мантиқий жиҳатдан камчилик мавжуд бўлган деб ўйлайман.

Фоули: *Айтинг-чи, «харажатлар – ишлаб чиқариш» усули иқтисодий ҳаётда қандайдир роль ўйнаганми?*

Леонтьев: «Харажатлар – ишлаб чиқариш» усулини аслида Килда ва Миллий бюрода ишлаган давримда яратганман. Миллий бюрода мен «тагидан кавлаш» фаолиятини олиб борганман, чунки Митчелга кўра, у тор амалий масалалар билан шуғулланган, менда жуда кучли назарий сезги бор эди. Жараённи тушуниш учун назарияга эга бўлиш лозим. У ерда мен яширин назарий семинарлар ташкил этдим. Чунки, семинарлар Миллий бюро тамойилларига мос келмаганлиги учун ҳам яширин олиб борилган.

Фоули: *1940-йилларда Миллий бюро ва Коулз жамғармаси ўртасида эмпирик усул ва назарияларнинг ролларини қиёслаш бўйича кескин зиддиятлар бўлган. Ўша даврда Кумпанс жуда кескин мақола ёзган.*

Леонтьев: Бинобарин, мен математика улкан ва жуда муҳим аҳамият касб этади деб ҳисобларканман. Мен доим Коулз Комиссияси томонида бўлардим.

Фоули: *Лекин, институционал равишда Сиз Миллий бюрога яқин бўлардингиз, шундайми?*

Леонтьев: Мутлақо тўғри. Ўзимнинг президентлик мактубимда қайд этиб ўтганимдек, агар ҳақиқатда эмпирик фанни тушунишни хоҳласангиз, у ҳолда, сизда далиллар бўлиши лозим деб ҳисоблайман. Муаммо ҳам ушбу далилларни қандай ташкил этишда.

Фоули: *Сизнинг фикрингиз ушбу икки нуқтаи назарнинг ўзига хос синтези бўлган тўғрими?*

Леонтьев: Ҳа, айнан шундай.



Фоули: *1940-йилларда Коулз Комиссияси иқтисодиёт ва ўлчов муаммолари ечимига ўзига хос ёндашувни ишлаб чиққан. У Сизда тушунча ҳосил қилганмиди?*

Леонтьев: Йўқ. Мен дарҳол танқид билан чиқдим.

Фоуле: *«Харажатлар – ишлаб чиқариш» усули иккинчи жаҳон урушидан кейин давлат сиёсатини ишлаб чиқишида қўлланилишини кутганмидингиз? Бу балки келгуси ўн йиллик учун намуна бўла олиши билан қизиқдир!?*

Леонтьев: Аввало, нафақат давлат, балки тармоққа хослиги билан ҳам қизиқ. Бироз вақт ўтгач, Америка иқтисодиётида автомобиль санотининг ўрни тўғрисида савол туғилганда санотчилар ассоциацияси «Леонтьевга мурожаат қилинг» деди: чунки мен мисол тариқасида автомобиль санотидан фойдаланилган бир ишни нашр этдим. Мен эмпирик ишни чоп этдим, менинг тамойилим назарий хулосаларга келишда ҳар гал ҳақиқий маълумотлардан фойдаланиш, яъни фақатгина гапириш эмас, балки бу қандай ишлашини ҳақиқатда тушунишдан иборат бўлган, гарчи мен унга баъзан риоя қилолмаган бўлсам-да.

Фоули: *Айтайлик, сиз автомобиль саноти ёки бошқа муайян тармоқларни ривожлантириш учун «харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» усулидан фойдаландингизми?*

Леонтьев: Совуқ уруш даврларида Хоффенберг деган иқтисодчи яшаб ўтган. У кўп маротаба эмпирик таҳлил билан шуғулланган, Қўшма Штатлар учун «харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалини тузишда жуда муҳим роль ўйнаган. У ҳақиқатда ёрқин сезгига эга эди. Статистика билан шуғулланиш учун эса, алоҳида усулларга эга бўлиш лозим. Мен биринчи харажат ва натижалар жадвалини жуда қиска вақтда тузганимда кўп марта телефон орқали суҳбатлашдим. Деярли ҳамма компанияларга, айниқса, савдо компанияларига қўнғироқ қилиб, улардан маълумотлар олдим.

Фоули: *Дистрибьюторлардан уларнинг буюртмачилари тармоқлар бўйича тақсимланишини сўраганмисиз?*

Леонтьев: Ҳа, айнан шундай! Мен дистрибьюторларга тўғридан-тўғри мурожаат қилдим.

Фоули: *1946 йилда Америка ҳукумати «харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» ишчи жадвалига эга бўлганми?*

Леонтьев: Ҳа-ҳа. Савдо вазирлиги, Иқтисодий таҳлил бюросида. Иқтисодий таҳлил бюроси миллий даромадни ҳисоб-китоб қилган ва уларда харажат ва натижалар ҳисоби жадвали мавжуд бўлган. Меҳнат вазирлигида энг яхши жадвал ҳам тузилган. Рузвельт давридаги



меҳнат вазири Фрэнсис Перкинс президентга урушдан кейин Америка иқтисодиётининг аҳволи қандай бўлишини билиш учун менга мактуб йўллаган эди. Президентга қандай жавоб қайтариш ҳақида боши қотган эди. Бунинг ечимини топиш учун улар адабиётларга мурожаат этиб, излашга ҳаракат қилишди, лекин муаммога қандай ёндашиш кераклигини билмаган эдилар. Ўша даврда менинг илк мақолаларимдан бири чоп этилган, шунда улар мендан: «Балки сиз бизга буни қандай бажаришни ўргатарсиз?» деб мурожаат қилган эди. Менинг олдимга вазирлик вакилини жўнатишди, шунда мен: ҳақиқий маълумотлар ва яхши назария керак дедим. Рузвельт даврида ҳукумат жуда ақлли ва фаол эди. Жуда яхши, маълумотларни тўпланг деб айтишди. Вашингтонга келинг ва ҳақиқий маълумотларни тўпланг дейишди.

Аммо буни мен рад этдим. Вашингтонда ҳақиқий маълумотларни тўплашнинг иложи йўқ эди. Мен бу ишни Гарвардда бажаришим лозимлиги уқтирдим. Шунда улар билан бирга Гарвардда Литтауэр мактабида Меҳнат статистикаси бюроси бўлимини очдик. Мен у ерда, асосан, иқтисодчиларни эмас, балки муҳандисларни топдим, ҳамда улар билан «харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалини туздим. Харажат ва натижалар ҳисобининг навбатдаги батафсил жадвалини Мудофаа вазирлигининг маблағлари ҳисобига туздик. Нақд маблағга эга бўлмаган ҳолда «харажатлар – ишлаб чиқариш» жадвалини тузиш жуда қийин кечди, бинобарин, бу жуда ресурсталаб машғулот бўлганлиги учун биз Мудофаа вазирлигига таяндик, чунки уларнинг маблағи етарли эди.

Фоули: *Урушдан кейин кейнсчилар талабни бошқариш ва иқтисодиёт таркибини такомиллаштиришга қаратилган харажат ва натижалар таҳлилига асосланган иқтисодий сиёсат бўйича қандай фикрларни бера оласиз?*

Леонтьев: Кейнсча ёндашув маълум даражада ғолиб бўлди деб ўйлайман. Айтарлича рақобат бўлмаган ва Кейнс ғолиб бўлган.

Фоули: *Бу нима учун юз берган?*

Леонтьев: Чунки Кейнс жуда прагматик эди. Руҳан сиёсатчи, жуда яхши сиёсатчи бўлган у. Ўз назариясини моҳиятан сиёсат соҳасида шахсий тавсияларини асослаб бериш учун ишлаб чиққан деб ўйлайман. У жуда ақлли инсон эди.

Фоули: *Сизнинг Меҳнат, Мудофаа ва Савдо вазирликлари билан сиёсий алоқаларингиз қандай эди?*

Леонтьев: Яхши. Лекин, биласизми, улар бошқачароқ бўлган. Нисбатан соддароқ. Меҳнат вазирлиги меҳнат бозоридаги таклифлар, турли кўникмалар билан боғлиқ масалаларни ўрганган, яъни нисбатан торроқ



нарсалар билан шуғулланган. Уларда, аввалгидек, харажат ва натижалар таҳлили билан шуғулланувчи бўлинма, яъни Меҳнат статистикаси Бюроси мавжуд бўлган.

Фоули: *Ортга боқиб, 1940-йилларнинг охирларида иқтисодий фанда методикалар синтези юз берган дейиш мумкин. Иқтисодий назария ва эконометрикада методикалар консенсусини ишлаб чиқиш учун «даромад – харажат» усулининг ўрни қандай бўлган? Бу усул консенсусга қўмаклашганми?*

Леонтьев: Мен мос келувчи талаб эгри чизигини излашга бироз скептик муносабатда эдим. Мен кўпроқ техник маълумотлар ҳақида ўйлардим. Иқтисодиёт тўғрисида ўхшаш тасаввурга статистлар эмас, балки ишлаб чиқарувчилар эга бўлади, лекин техник кўрсаткичларни моделлаштириш бироз мураккаброқ. Менинг ғоям таркибни эконометрик ёки статистик усуллар ёрдамида билвосита йўл билан аниқлаш эмас, балки бевосита техник ва иқтисодий кўрсаткичлар манбаига мурожаат қилишдан иборат бўлган. Менда баъзи таклифлар бўлган, лекин маблағ етишмаганлиги бунга тўсқинлик қилган. Эмпирик таҳлил жуда қиммат эди ўшанда.

Фоули: *Харажат ва натижалар таҳлили ҳам билвосита статистик тадқиқотга нисбатан қимматроқми?*

Леонтьев: Ҳа, жуда қиммат. Биз билвосита статистик усуллардан фойдаландик. Менда назариётчилик яхши ривожланган деб ўйлайман. Аслида, мен назариётчиман. Лекин мен, назария, бу – реал тизимлар қандай амал қилишини англаб олиш имконини берувчи концепциялардан ташкил топган деган фикрда эдим. Бу оддий ташкилий тамойил экан, аксарият иқтисодчилар учун эса, назария – қандайдир мустақил ҳолат.

Фоули: *Баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, назария башорат қилиши ёки хатти-ҳаракатларни тушунтириб бериши лозим.*

Леонтьев: Ҳа. Агар математик тизимнинг расмий характери нима ни англатишини билсак, у ҳолда тизимнинг умумий характериға кўра маълум башоратларни қилиш мумкин. Мен башоратлаш бўйича иккита мақола чоп этганман. Миқдорий таҳлилда қисқа ва узоқ муддатли муаммолар мавжуд. Менинг фикримча, одатий башоратлаш қисқа муддатли муаммоларға мос келади, лекин бутун иқтисодий ривожланишни ҳаракатлантирувчи куч ҳисобланган техник тараққиёт – узоқ муддатли жараёндир.

Фоули: *Бинобарин, шу нуқтаи назардан кишиларнинг хатти-ҳаракати ёхуд қутилмалар ёки афзалликларни шакллантиришиға тааллуқли муайян гипотезалар ёрдамчи роль ўйнаши мумкинми?*



Леонтъев: Ҳа, мен, айнан бозор тизимида, капиталистик тизимда йирик саноатчилар ҳақиқатда катта ўринга эга бўлиб, улар қисқа вақтда фойда олиш, технологияни танлаш, фойдани кўпайтиришга ҳаракат қиладилар деб ўйлайман. Бунда, давлат сиёсатини ҳам унутмаслик лозим, лекин бизнес, албатта, қисқа муддатли тизимдир.

Фоули: *Узоқ муддатли инвестицияларни талаб этувчи транспорт ёки электроэнергетика тармоқларида ҳам шундай ҳолат юзага келиши мумкинми?*

Леонтъев: Ҳа, фикрингизга қўшиламан. Машинасозлик, электро-энергетика ҳамда бугунги кунда айниқса муҳим бўлган атроф-муҳит муҳофазаси узоқ муддатли режалаштиришни талаб этади.

Фоули: *Сиз пул ва ресурс муаммоси ҳақида гапириб ўтдингиз. 1950-йилларда АҚШда анъанавий тарзда қўлланилган миллий даромад ҳисоб-китоби усули билан «харажатлар – ишлаб чиқариш» усули ўртасида ресурслар учун рақобат бўлганми?*

Леонтъев: Савдо вазирлигида миллий даромадни ҳисоб-китоб қилиш учун «харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» усулининг қийматини англаб етишган деб ўйлайман. Гап шундаки, маълум вақт (балки ҳозирда ҳам) миллий даромадни ҳисоб-китоб қилишда асосан «харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» таҳлили натижалари қўшилган. Молиялаштириш доим муаммоли ҳолат бўлган. Харажат ва натижаларни таҳлил қилиш, айниқса, техника тараққиётини таҳлил қилиш учун биз кўпроқ муҳандислик билимларига эга бўлишимиз лозим, чунки бугунги кунда техника тараққиётини ҳаракатлантирувчи куч – илмий тараққиёт ҳисобланади.

Фоули: *Иқтисодиётда илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини аниқлашда тесқари алоқа ҳисобга олинади деб ўйлайсизми?*

Леонтъев: Шубҳасиз. Аввало, бу мудофаа саноатига хос ҳисобланади. Илмий тараққиёт ҳарбийларга фойда келтирди.

Фоули: *1960–1970-йиллар бошларида иқтисодий фанда яна бир муҳим ўзгариш, кейнсчилик консенсусдан ҳозирги кунда рационал кутилмалар ва бозор клиринги концепцияси ва идеал башорат деб номланувчи моделларга ўтиш юз берди. Сиз ўша вақтда Гарвардда ишлардингиз. Сизнинг фанингизда рўй бераётган ҳолатларни қандай баҳоладингиз? Бу ўзгаришларни қандай омиллар белгилаб берди?*

Леонтъев: Илгари иқтисодий таълимотда Кейнс устунлик қилган. Бу инқилоблар кутилмалар назариясида олдинга ҳаракатланишга қай даражада кўмаклашганини билмадим. Математика нуқтаи назаридан



ўйлаб қаралса, бу – жуда нозик нарса, мен эса ҳозир адабиётларни аввалгидек кузатиб бормаяпман, лекин кутилмаларни оладиган бўлсак, уларга тааллуқли алоҳида таҳлил бўлмаган. Бу фақат куруқ гап эди. Мен кутилмалар назариясига қандайдир муҳим ҳисса қўшилганини кўрмадим, лекин даврий ўзгаришларни қисқа муддатли башоратлашга маълум ҳисса қўшилган ва улар муҳим аҳамиятга эга бўлган деб ҳисоблайман.

Фоули: *Демак, сиз, бу силжиш янги ёндашувни маълум эмпирик устунлигининг натижаси деб ўйлайсизми?*

Леонтьев: Йўқ, мен бундай деб ўйламайман.

Фоули: *Балки, кейнсчилик ўзини барбод қилгандир?*

Леонтьев: Тахминимча, ҳа.

Фоули: *Сиз, Кейнс нуқтаи назари аввалбошданоқ ишончли эмасди, деб айтдингиз, демак, буни сиз афсусланмай илгари сурмоқдасиз, шундайми?*

Леонтьев: Ҳа, мен монетарист эмасман, лекин пул оқимининг чуқурроқ таҳлили бу йўналиш ривожига кўмаклашади деб ўйлайман.

Фоули: *Пул ҳаракати тўғрисида ҳисоботлар тайёрланганми?*

Леонтьев: Ҳа, лекин улар жуда мураккаблаштирилган. Иқтисодий тизим қандай ишлашини тушуниш учун осонлаштириш муҳим аҳамиятга эга.

Фоули: *Пул оқимлари таҳлилини харажат ва натижалар таҳлили билан боғлаш мумкинми?*

Леонтьев: Ҳа, лекин мен кимдир бу амални бажарганини кўрмадим. Албатта, бу ерда пуллар иштирок этмайди, лекин пул оқимлари жуда муҳим деб ўйлайман. Фикримча, пул оқимларини юқоридан пастга эмас, балки пастдан юқорига боғлаш лозим, чунки ҳар бир компанияда пул оқимлари (бюджетлар, кредитлар ва х.) ва режалар тузиш учун масъул шахс бўлиши лозим деб ўйлайман. Ҳозирги вақтда фақат пул оқимлари режалаштирилмоқда, банкда айнан шу ишларнинг ҳаммасини бажарувчи шахс ҳам бор. Агар, адашмасам, компаниянинг заём маблағларини кўпайтиришга масъул менежер банкнинг кредитлар бўйича менежерлари билан ҳамкорлик қилади, у кўпинча алоҳида компаниялар учун масъулдир. Мен бунинг устида ишлаш бўйича бир неча таклифлар ишлаб чиқдим. Икки кишидан бир хил рақам олиш қизиқ, албатта. Қисқа муддатли инвестициялар йўналишини танлаган ҳолда, улар қай тарзда ўзаро таъсирга эга эканлигини англаб олиш фойдали бўлади.

Фоули: *Иқтисодиёт назарияси бу ҳақда алоҳида бош қотириб ўтирмаган. Аксарият моделлар мувозанатнинг алоҳида шартларидан келиб чиққан, шундай эмасми?*

Леонтьев: Албатта.



Фоули: *Бугунги иқтисодиётни фан сифатида баҳолаш аввалги ҳолида қолдими?*

Леонтьев: Ҳа. Бизларга иқтисодчилардан холисона, амалий тавсиялар керак деб ўйлайман. Иқтисодиёт қандай амал қилиши борасидаги фикрларим етарлича пухта эмас. Амалий тавсиялар сифатида шуни айтиш лозимки, бу тизим қандай ишлашини тушунишга кўпроқ асосланиш лозим.

Фоули: *Бугун Сиз математиканинг роли ҳақида бир неча бор эслатиб ўтдингиз. Баъзиларнинг фикрича, энди иқтисодий фанда математик расмиятчилик ҳаддан ташқари устунлик қилади.*

Леонтьев: Мен уларни маъқуллаймаман. Кўпчилик иқтисодчилар математик бўлган, лекин ҳақиқий математик даражасида етук мутахассис эмас. Шунинг учун иқтисодиётда доимо зерикарли бўлган математика уларга иқтисодчи бўлиш имконини берган.

Фоули: *Лекин, бошқа томондан, Сиз иқтисодиёт назариясида математиканинг ролини оширишга кўмаклашдингиз. Математика қачон фойдали ва қачон расмиятчи бўлади?*

Леонтьев: Менинг фикримча, математика, бу – мантиқдир. Масалан, айнан математика, бутун даврий ўзгаришлар, лаглар, яъни динамика билан ифодаланади деган хулосага келиш имконини беради. Бу айнан математик ёндашувдир. Математиклар буни яхши билишади. Ҳақиқатда, ўзимнинг назарий ишимда дуч келган жиддий муаммолардан бири – портловчи тебранишлардан қочишдан иборат, зеро, катта матрицаларда қийматлар шунчалик кўпки, уларнинг баъзилари портлаш динамикасини келтириб чиқаради.

Фоули: *Сиз қандай математик маълумотга эга бўлдингиз?*

Леонтьев: Мен математикани ўргандим, математик исботлар иқтисодчилар учун катта аҳамиятга эгалигини англаб етганимда, бу соҳадаги билимларимни кенгайтириш истаги туғилди. Мен университетда ўқиган давримда асосий курсни тингладим, доим нафақат назарий, балки эмпирик тадқиқотлар билан шуғулланишга ҳаракат қилдим. Иқтисодиётда бу математик усулларни, яъни тизимли таҳлил қилишни талаб этади.

Фоули: *Лекин сиз, иқтисодий тузилма ва ўзаро алоқаларни кўра билиш лозим деб айтяпсиз.*

Леонтьев: У ҳам, бу ҳам керак деб ўйлайман. Агар сизда бу ҳақда фақат тасаввур бўлса, у сизга ҳеч нарса бермайди. Мен Миллий иқтисодий тадқиқотлар бюросига келгунимга қадар «харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» усули устида ишладим, бунда математик нисбатларни яхши тасаввур қилиш жуда муҳим бўлган. Иқтисодиётда ўрта тартибли математикадан фойдаланилади. Масалан, неоклассик



иктисодий назарияни математика тилига ўгирган кишилар ҳеч қандай қизиқарли ғояларни таклиф этмадилар. Албатта, улар ниманидир таклиф этди, лекин иқтисодий тизимнинг амал қилиш механизмига нисбатан алоҳида қизиқиш намоён этмадилар, улар учун эмпирик таҳлил ҳам, пировардида, муҳим бўлмаган.

Фоули: *Бошқалар билан ҳам айнан шу мавзудаги суҳбатимдан шуни тушундим: кўпчилик, иқтисодийётни расмийлаштириш бирор-бир муҳим кашфиётлар қилиш имконини беришига ишонинган.*

Леонтьев: Рақамли маълумотларсиз бунинг иложи йўқ. Рақамли маълумотларсиз бу ҳеч нарса бермайди. Фақатгина мувозанат ва тенгсизлик тамойилларини ўрнатиши мумкин.

Фоули: *Бу билан, ушбу фанга реал ҳиссангиз бирор-бир жиҳатдан чекланади деб ўйлайсизми?*

Леонтьев: Менимча, ҳа. Улар, агар бизнинг ҳақиқатда сифатли, жуда батафсил эмпирик ахборотларимиздан фойдалансалар, маълум тараққиётга эришган бўлишарди. Масалан, замонавий техник тараққиёт меҳнатга бўлган талабга қандай таъсир этишини тушуниш қизиқ бўлур эди. У бу талабни камайтириши ва, ҳатто, ижтимоий муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Бинобарин, меҳнат ишлаб чиқариш омилларидан бири бўлмай қолади. У ҳолда сиз меҳнатни қўллаб-қувватлашингиз лозим. Давлат аҳолини таълим, соғлиқни сақлаш ва, албатта, ижтимоий таъминотга (балки бирор-бир ижтимоий ёрдам) харажатлар орқали субсидиялашига тўғри келади деб ўйлайман. Менимча, пировардида, ижтимоий таъминот тизими кишиларда истеъмол товарларини сотиб олишга маблағлари бўлиши учун даромадларни қайта тақсимлашни кўзда тутди. Ҳозир ҳам, ривожланган оилаларда ижтимоий таъминотга қандай маблағлар сарфланиши мени ҳайратга солади.

Фоули: *Бу кейнсча муаммо – давлат субсидиялари орқали талабни қўллаб-қувватлаши тушунилади.*

Леонтьев: Ҳа. Лекин, бу нафақат талабни қўллаб-қувватлаш, Кейнс, айни вақтда, мавжуд бўлмаган бандликни қўллаб-қувватлаган. Фақат талаб қўллаб-қувватланади. Сиз инсонларни боқинг. Техника бандликни оширмайди ҳам, қисқартирмайди ҳам. Менинг фикримча, техника меҳнат билан рақобатлашади. Агар сизнинг барча ишларингизни автомат ишлаб чиқарса, табиийки, сиз кўп ишчини жалб этмайсиз.

Фоули: *Бу юз бераётганларнинг реал таркибини ўрганиш маълум асосга таяниши лозим деган фикрингизни ифодалайдими?*

Леонтьев: Ҳа. Техник тараққиёт, ҳатто тарихий даврларда ҳам иқтисодий ривожланишнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлган, айниқса, ҳозир, илмий тадқиқотлар жадаллашиб бораётган бир пайтда, бун-



дай таҳлиллар жуда муҳим. Электр энергияси арзонлашса, техника тараққиёти катта аҳамият касб этади. Ҳозир ишлаб чиқариш нисбатан кўпроқ электр энергиясини талаб этмоқда.

Фоули: *Иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотида сазовор бўлиш сизнинг ишингиз ёки олим сифатидаги фаолиятингизга таъсир кўрсатганми?*

Леонтъев: Қайсидир маънода ҳаётимга таъсир кўрсатган, аммо ишимга эмас. Табиийки, буюртмалар олиш осонлашди. Аммо, энди молиявий кўмак олиш қийинроқ кечмоқда. Шунинг учун менинг илмий ҳаётим осонлашди. Бугунги кунда Нобель кўмитасининг фаолияти ҳам кенгайиб бормоқда. Ҳозир асосий эътибор аста-секинлик билан иқтисодчи-назариётчилардан институционал иқтисодчиларга ўтиб бормоқда. Иқтисодчилар бугунги кунда, мен ҳаракатлантирувчи куч деб ҳисоблайдиган янги технологиялар пайдо бўлиши билан ифодаланган институционал ўзгаришлар билан етарлича қизиқишмаяпти.

Фоули: *Қачонлардир сиз иқтисодиёт жамиятда физика ёки биологиянинг вазифасини бажариши лозим деб ҳисоблаганмисиз?*

Леонтъев: Бундан бирор-бир иш чиқади деб ўйламайман. Табиийки, иқтисодчи-математиклар физикага қарашни ёқтирадилар. Дарвиннинг ғояси маълум маънода қизиқ бўлган деб ўйлайман. Дарвин буюк интеллектуал инқилобчи бўлган. У нафақат биологияда, балки бутун ҳаётий жараёнлар таҳлилида ҳам улкан инқилоб қилган. Ньютон ва Дарвин – ижтимоий ўзгаришларнинг сабабларини тушуниш учун улкан ҳисса қўшган. Дарвинизм – жуда муҳим. Сизни айнан нима қизиқтиради?

Фоули: *Кейинги вақтларда мен илмий-техник тараққиётнинг эволюцион моделлаштирилиши билан ҳам шугулландим. Техника тараққиёти ҳал этувчи аҳамиятга эга бўлган узоқ вақт оралигида глобал исииш муаммоси ҳам мавжуд бўлади.*

Леонтъев: Ҳа, фикрингизни маъқуллайман. Технология муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Фоули: *Қисқа истиқболда мавжуд технологияларни алмаштириш маълум аҳамиятга эга бўлиши мумкин, лекин узоқ истиқболда илмий-техника тараққиёти йўналиши янада муҳимлашади деб ўйлайман. Уни назорат қилиш усули мавжудми?*

Леонтъев: Ҳа. Онгли равишда эмас, лекин... Энди, албатта, фан ва техника тараққиёти ўртасидаги алоқа янада узвийлашди. Ҳатто, илм-фан тараққиётисиз техника тараққиётини тасаввур қилиш қийин. Глобал исиишни ҳисобга оладиган бўлсак, булар янада чуқурлашиб боради. Биз нима қилишимиз мумкин деган табиий савол туғилади? Биз кўп



нарса қилишимиз мумкин. Масалан, иқтисодий ривожланиш суръатларини қисқартиришимиз мумкин.

Фоули: *Тез ривожланишни хоҳлаётганлар учун бу зоя унчалик ҳам хушланмайди.*

Леонтьев: Ривожланаётган мамлакатлар техник томондан бироз оқсаётгани ҳайратланарли.

Фоули: *Агар сизга «даромад – харажат» усули сифатида, айнан, шундай инноваторлик ва қимматли зояларни кашф этувчи ёш олимни таништирсалар, у ҳолда сиз унга қандай маслаҳат берган бўлардингиз?*

Леонтьев: Мен унга нимадир нашр этишни тавсия қилган бўлардим. Билмадим, бугун қандай ишларга кўп пуллар сарфланмоқда? Сўнгги вақтларда менда бу соҳадаги ўзгаришларни кузатиб боришга имкон бўлмади, чунки 90 ёшни қораладим. Албатта, тадқиқотларга эмас, балки маълумотлар тўплашга кўп пул сарфланади. Баъзи иқтисодчиларда яхши ғоялар мавжуд ва улар ҳақиқатда бу маълумотлардан фойдаланишлари мумкин, лекин иқтисодиёт бугун технологияларга янада яқинлашмоқда. Илмий-техника тараққиётининг иқтисодиётдаги ўзгаришларга таъсирини ўрганиш учун бирор-бир таклиф ҳажмини ҳисоблаб чиқиш лозим. Бунинг учун сизда жуда кўп ахборот бўлиши лозим. Мен буни қандай бажаришни ёритиб бердим, бу учун пул ҳам топа олдим. Менимча, ҳақиқатда ҳам катта, ишончли ва батафсил маълумотларга эга бўлган ҳолда маълум башоратларни амалга ошириш мумкин деб ҳисоблайман. Мен ишлаб чиқарувчилар жамияти, турли тармоқ ва соҳалар вакиллари билан фаолият олиб бордим, улар мени ахборотлар билан таъминлашга тайёр эдилар.

Фоули: *Иқтисодчиларнинг олам тўғрисида бирор-бир янги нарсани билиш имконини берувчи таснифлаш ва расмийлаштириш бўйича ишларини юқори баҳолайсизми?*

Леонтьев: Ҳа, менинг фикримча, бу – муҳим савол. Бинобарин, мени жамиятнинг муаммолари қизиқтиради, иқтисодиётни мен ижтимоий фан деб ҳисоблайман. Иқтисодчилар, инсоният жамиятининг қандай ривожланишига ўз хиссаларини кўшишлари шубҳасиз. Бунда иқтисодиёт фани вакиллари антрополог ва бошқа олимлар билан ҳамкорлик қилишлари лозим.

Дункан Фоули суҳбатлашди.

*Бернард коллежи,
Колумбия университети,
1997 йил 14 апрель*



МИЛТОН ФРИДМАН



1912 йил 31 июлда Нью-Йоркнинг Бруклин шаҳрида тугилган. Унинг ота-онаси Сара Этель (исм-шарифи Ландау) ва Енё Сол Фридман Карпат Россияси (Рутения, Венгрия) (ҳозирги Украинанинг Беровов шаҳри) Берег-сасдан келган яҳудий муҳожирлар эди.

Уларнинг иккаласи ҳам савдогар бўлиб ишлаган. Тугилгандан кўп ўтмай, оиласи Нью-Жерси штатидаги Ровейга кўчиб ўтади. Истеъдодли ўқувчи Фридман 1928 йилда, 16 ёшида Ровей ўрта мактабини тугатади. У Рутгерс университетиде рақобатбардош стипендия билан тақдирланади. У математика ва иқтисодий соҳаларда ихтисослашган ва иқтисодиёт профессорлари Артур Ф.Бернс ва Гомер Жонснинг зоялари таъсири остида бўлиб, улар Фридманни замонавий иқтисодиёт Буюк Депрессияни тугатишида ёрдам бериши мумкинлигига ишонтиришган.

Фридман 1932 йилда мактабни тугатган ва дастлаб актуарий (сузурта мутахассиси) бўлишни ният қилган. Аммо унга битирув-малакавий ишини бажариши учун иккита стипендия таклиф қилинади, улардан бири Браун университетиде математика, иккинчиси Чикаго университетиде иқтисодиёт соҳасида. Фридман иккинчисини танлаб, 1933 йилда магистр илмий даражасига эга бўлади. Унга Якоб Виннер, Фрэнк Найт ва Генри Симонс катта таъсир кўрсатган.

1976 йилда Нобель мукофотида Истеъмол назарияси монетаризм тарихи соҳасидаги ютуққа эришгани ва барқарорлик сиёсатининг мураккаблигини намоёниши эта олгани учун сазовор бўлади. Милтон Фридман Чикаго университети профессори бўлган. 1932 йил Реттерс мактабини ва 1934 йил Чикаго университетини тугатган. 1946 йил фалсафа фанидан, 1968 йил ҳуқуқ фанидан доктор бўлади. 1948 йилда Чикаго университети унга иқтисодиёт бўйича профессор илмий унвонини берган. У 1971–1974-йилларда АҚШ Президенти Р.Никсоннинг иқтисодиёт бўйича маслаҳатчиси бўлиб ишлаган.



МИЛТОН ФРИДМАН БИЛАН СУХБАТ

«Унинг қарашлари замондошларимизнинг баъзи фикрларига нисбатан бизнинг пул-кредит сиёсатига муносабатимиз ва иқтисодиётнинг кўпгина бошқа масалаларига катта таъсир кўрсатди». Милтон Фридманга бағишланган бу сўзлар иқтисодчи ва Федерал захира тизими (ФЗТ) бошлиғи Алан Гринспенга тегишлидир. У ушбу фикрларни бой тажриба ва бу оламда стратегик қарорларни қабул қилиш учун ҳақиқатда муҳим билимга эга инсон сифатида билдирган. Бу сўзлар муболаға эмас. Аксарият кишилар Милтон Фридманнинг хизматлари янада муҳим аҳамият касб этади дейишлари мумкин эди.

Ҳозирда пул-кредит сиёсати масалаларига бағишланган деярли ҳар бир анжуманда Фридманнинг ғоялари ёдга олинади. Макроиқтисодиёт бўйича иқтисодий, математик ёки статистик ғояларни ифодалашда олимнинг илк тадқиқотлари ёдга олинмаган ишларини топиш мушкул. Макроиқтисодиётни ўрганиш жараёнида олимнинг мақолалари, китоблари ҳамда аниқ ифодаларидан ҳайратланмаган талабани учратмасликнинг иложи йўқ.

Эҳтимол, собиқ социалистик мамлакатларда режали иқтисодиётнинг гуллаб-яшнаш даврида бозор тўғрисида ёзган Милтон Фридман ғояларига кизикмаган бирор-бир демократия тарафдори бўлмагандир. Таниқли газета ёки журналлар унинг нуқтаи назари ва ғояларига мунтазам мурожаат этади. Унинг макроиқтисодиётдаги ҳар қандай ютуғи (ёки, тўғрироғи, монетар назарияда, чунки олим «макроиқтисодиёт» атамасини ёқтирмаган) улкан саналади. Уларнинг рўйхати эса қуйидаги кўринишга эга:

- доимий (перманент) даромад назарияси;
- табиий ишсизлик даражаси назарияси;
- сузувчи валюта курслари ғояларини ҳимоялаш;
- пул массасининг ортиш қоидаси;
- пулларнинг қулай миқдори;

Қўшма Штатларда, хусусан, Буюк депрессия даврида, математик статистика соҳасидаги ютуқлардан ташқари, пул муомаласи ва пул-кредит сиёсати тарихи – табақали мезонлар, изчил ишлаб чиқиш ва хатарга мойилликдан фойдаланиш, шунингдек, давлат ислохотлари бўйича



новаторлик таклифлари миқдори – «салбий даромад солиғи»дан таълим ваучерлари, ягона солиқ ставкаси ва наркотикларни легаллаштиришгача.

Милтон Фридман – бош иқтисодчи, алоҳида ижобий иқтисодиёт фани методологияси асосчиси. Мутахассислар ҳозирги аксарият ғоялар ва иқтисодий сиёсатнинг кўпгина вариантлари – пул-кредит сиёсати принципларидан меҳнат даромади солиғи бўйича имтиёзларгача – Фридманнинг таклиф ва тавсияларига таянишни яхши билдилар. У 1976-йилда «истеъмол таҳлили, пул муомаласи тарихи, монетар назарияни ишлаб чиқиш соҳасида ютуқлар, шунингдек, мураккаб иқтисодий барқарорлик сиёсатини кўрсатиб берганлиги учун» иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофотиغا сазовор бўлган.

У сиёсий қарорлар ишлаб чиқиш билан боғлиқ ишларни четлаб ўтган, лекин кўп йиллар президентлар, бош вазирлар ва иқтисодиёт масалаларига масъул бошқа юқори лавозимли амалдорлар унга маслаҳат сўраб мурожаат этганлар. Милтон Фридман, гарчи кўпчилик у билан келишмаса-да, ўз фикрларини доим аниқ ифодалаган, шунинг учун у Чикаго университетида ўқиш даврида кўпинча жўшқин мунозараларнинг фаол иштирокчисига айланган. У бекиёс баҳс юритувчи, шу билан бирга, олижаноб ва самимий инсон эди.

Милтон Фридман 1912 йилда туғилган. Унинг болалиги Нью-Жерсидаги Ровей деган жойда ўтган, у шу ердаги маҳаллий давлат мактабида ўқиган. Сўнгра 1932 йилда Буюк депрессия даврида Ратжерс университетини тугатиб, иқтисодни ўрганиш учун Чикаго университетида йўл олади. У ерда Фридман бўлғуси турмуш ўртоғи Роуз билан танишган, Роуз бу даврда университет аспирантурасида ўқир эди. Чикаго университетини тугатгач, Фридман қарийб ўн йил ҳукумат ташкилотлари ва тадқиқот институтларида (Висконсин ва Миннесота университетларида ўтказилган даврларни ҳисобга олмаганда) ишлаган.

1946 йилда у университет ўқитувчиси лавозимига эга бўлди. Фридман 1977 йилга қадар Чикаго университетида ишлаб, 65 ёшида Стэнфорд университетининг Гувер институтига ўтиш учун ишдан бўшади. Милтон ва Роузни хушмуомала ва серғайрат кишилар эдилар, уларга атрофдагилар билан ўзаро муносабат хуш ёқарди. Улар чин маънода – Тинч океани соҳиллари бўйлаб сайр қилганларида ҳам, Жаҳон тармоғида сайр қилганларида ҳам ҳаётдан баҳра олардилар.

Мен суҳбатлашган кун ҳам истисно эмасди. Суҳбат 2000 йилнинг 2 майида Фридманнинг Сан-Францискодаги офисида бўлиб ўтган суҳбат икки ярим соат давом этди. Столда диктофон ва иқтисодий



графиклар чизилган қоғозлар ётарди. Милтоннинг орқа томонида катта деразадан Сан-Франциско атрофи ва қирларнинг ажойиб кўри-ниши гавдаланарди. Орқа томонимдаги жавонларда унинг китоблари, ишлари ва сувенирлар жойлашган.

Сухбат режалаштирилгандан бироз бошқачароқ бошланди. Биз офисга кирганимизда Милтон дарҳол ўз столидаги графиклар мухокамасига киришиб кетди, улар Интернетда топилган ахборот асосида тайёрлаб қўйилганди. Улар учрашувимиздан бир неча ҳафта аввал ўтказилган анжумандаги қатор масалалар бўйича менинг танқидий мулоҳазаларимга тааллуқли эди. Милтон Интернетда бу ҳақда ўқиган. Графиклар муҳокамаси бошланишида мен Милтондан диктофонни қўйиш учун рухсат сўрадим, чунки саволлардан бири ғояларнинг ифодаланиш мавзусига тааллуқли эди.

Юзага келган ғоялар муҳокамаси сухбат учун энг яхши мавзу бўлди! Мен диктофонни қўйгач, сухбат бошланди. Сухбатимиз олдиндан тайёрланган саволлар асосида тузилди (лекин, мен уни Милтонга кўрсатмадим). Биз сухбатимизни – ажобий тушликдан баҳра олиш ва олимнинг рафиқаси Роуз билан сухбатлашиш учун (матбуот учун эмас) тўхтатдик. Сухбат якунлангач, ёзувни расшифровка қилдим ва Милтон билан матнни таҳрир қилдик. Шундан сўнг савол ва жавобларни кенг мавзуларга бирлаштирдик:

- ▶ пул массасининг ортиши, пул муомаласини барқарорлаштирувчи воситалар ва Алан Гринспен;
- ▶ Буюк инфляция – бошланиш ва якунланиш сабаблари;
- ▶ иқтисодиётга юзага келган қизиқиш;
- ▶ иш жойидаги таълим ва магистратура;
- ▶ доимий даромад назарияси;
- ▶ монетар иқтисодиётдан тушум;
- ▶ фискал ва пул-кредит сиёсати қоидалари;
- ▶ монетар иқтисодиётда моделлардан фойдаланиш;
- ▶ изчил таҳлил усулларида фойдаланиш;
- ▶ реал бизнес даврлар, стандартлаш ва трендни чиқариш моделлари;
- ▶ табиий ишсизлик даражаси гипотезаси;
- ▶ оқилона кутилмалар;
- ▶ монетар иқтисодиётда мунозаранинг аҳамияти;
- ▶ капитализм ва ҳозирги эркинлик;
- ▶ пул иттифоқлари ва мослашувчан валюта курслари.



**ПУЛ МАССАСИНИНГ ОРТИШИ, ПУЛ МУОМАЛАСИНИ
БАРҚАРОРЛАШТИРИШ ВА АЛАН ГРИНСПЕН**

Фридман: (6.1- ва 6.2-чизмани кўрсатган ҳолда) Мен бу графикларни кўриш қизиқ бўлади сизга деб ўйлайман. Агар 1990-йилларда Федерал захира тизими (ФЗТ) пул муомаласининг такомиллашган тартибга солиш воситасидан фойдаланганда шу кўринишга эга бўларди деб ўйламанг.

Тейлор: *Мен пул массаси ва реал ЯИМ ўртасидаги нисбат қандай ўзгариши ҳамда иқтисодиётдаги тебранишлар амплитудаси қай даражада сезиларлиқ қисқарганини кўряпман. 1980-йиллар бошидан ўсиб боровчи барқарорлик кузатилади.*

Фридман: Ҳақиқатда 1992 йилда барқарорлик юзага келди.

Тейлор: *1982 йил бурилиш нуқтаси ҳисобланмаганми?*

Фридман: Фикримча, бурилиш нуқтаси 1992 йил (2-расмдаги графикларни кўрсатган ҳолда). Бу схемаларда логарифмли трендга нисбатан пул массасининг айланиш тезлиги (M1, M2 ва M3 агрегатлар) ифодаланган.





Figure 6.1 Year-to-year change in U.S. real M2 and real GDP,



Тейлор: Мен 1982 йилга эътибор қаратдим, чунки бу пайтда иқтисодий фаоллик орта бошлади. Турли олимлар тебранишларнинг сезиларли ўзгаришлари қачон юз берганини билиш учун ўтказган статистик тадқиқотлар ҳам мавжуд. Уларнинг аксарияти таъкидлайдики, бу 1980-йилларнинг бошларида юз берган. Айнан шу даврдан реал ЯИМ тебранишлари камдек туюлади. Иқтисодий пасайиш 1991 йилда юз берди, лекин у сезиларсиз бўлган.

Фридман: (1990–1991-йилларда реал ЯИМнинг ўсиши кескин қисқарганини кўрсатган ҳолда) Лекин бу етарлича жиддий иқтисодий пасайиш сифатида кўринади.



Тейлор: *Яхши, бурилиш нуқтаси қандай бўлганидан қатъи назар нима учун ҳамма нарса ўзгарган деб ўйлайсиз? Нима учун, фикрингизча, ФЗТ ҳозирда пул-кредит сиёсатидаги барқарорлаштириш воқитларини яхшироқ бошқаради? Нима сабабдан?*

Фридман: Билмайман. Мен ҳам шуни билишни истардим. Буни умуман тушуниш мушкул. Улар аввал билмаган янги нарсаларни билиб олмадилар. Ҳеч қандай янги ахборот ёки янги билимларни ўзлаштирмадилар. Нима ҳақда ўйлашни ҳам билмайман.

Тейлор: *Балки инфляция улар 1970-йиллар охирида тахмин қилганларига нисбатан янада салбий таъсир кўрсатаётганини тушунгандирлар, шунинг учун фоиз ставкаларига нисбатан тўзри сиёсат ёрдамида инфляция жараёнларини тўхтатиб туриш ҳамда тушиш ва портлашни камайтиришга эришгандирлар?*

Фридман: Мен бунда икки жиҳатни кўраман. Биринчиси, инфляцияни бошқариш ва иқтисодиёт барқарорлиги аҳамиятининг ўзгариши, бу 1980 йиллардан кузатила бошланган. Иккинчи жиҳат, пул массаси ва ЯИМ ўртасидаги ўзаро алоқанинг бузилиши. Бу 1990 йиллар бошида ЯИМнинг сезиларли пасайиши натижасида юз берди. ФЗТ мутахассислари иқтисодиётни қай тарзда тартибга солишни дарҳол тушунганликлари мени ажаблантиради. Алан Гринспен иқтисодиётдаги турли жараёнлар ва уларнинг бузилишига нисбатан бошқа кишиларда йўқ алоҳида идрокка эга деган тасаввур ҳосил бўлади.

Тейлор: *Балки шундайдир.*

Фридман: Бошқача изоҳ бериладиган бўлса, сиз муҳокамалардан бирида таъкидлаганингиздек, ахборот инқилоби компанияларга моддий ишлаб чиқариш захираларини бошқариш даражасини сезиларлича ошириш имконини берди. Лекин бу изоҳ саволга жавоб эмас, чунки номоддий активларда шундай ҳолат юз бермоқда.

Тейлор: *Розиман. Агар сиз якуний савдоларга эътибор берсангиз, барқарорликка нисбатан айнан шундай ўзгаришларни кузатасиз, лекин эътиборингизни иқтисодий фаоллик даврида реал ЯИМнинг чораклик ўзгаришлари сингари қисқа муддатли оқишларга қаратгунга қадар шу ҳолат кузатилади.*

Фридман: Аслида, ҳамма нарса ўзгариши мумкин. Эҳтимол, бу статистик оғишлардир. Эҳтимол, улар ўз услубларини маълум даражада ўзгартиришган. Сезиларли ўзгаришлар баҳо ва ҳисоб-китобларга учради.

Тейлор: *Лекин, ФЗТ катта билим ва ахборотга эгами деган масалага қайтганда, муомала тезлигидаги силжишлар мавжудлиги*



далилини тан олган ҳолда, улар ликвидлик ва пул массасини бошқаришни ўрганиб олишган деб ўйлайсизми?

Фридман: Айланиш тезлигидаги бу силжишларга назар ташласангиз, улар 1992 йилдан юзага кела бошлаганини кузатасиз.

Тейлор: *Бу нимани англатади?*

Фридман: Бу, аввало, M1 агрегатига тааллуқли, лекин M2 агрегати муддатсиз қўйилмалар бўйича фоизларни ҳисоблашга тақиқларни бекор қилиш натижасида юзага келган ўзгаришлар нуқтаи назаридан доим устувор бўлган. Шунинг учун фикримча, бунинг пул муомаласи тезлиги орқали изоҳлаш мумкин. Аниқроғи, улар 1991–1992-йилларда ёмон тартибга солиш воситасини яхшисига ўзгартиришга муваффақ бўлдилар. Демак, бошқа ФЗТ раисларига нисбатан Алан Гринспенни «яхши тартибга солувчи» деб айтиш мумкинми? Лекин бунга шубҳа билан қарайман.

БУЮК ИНФЛЯЦИЯ: БОШЛАНИШ ВА ЯҚУНЛАНИШ САБАБЛАРИ

Тейлор: *Ҳа, бунга ишониш қийин. Яхшиси, келинг, вазият унча яхши бўлмаган даврга қайтайлик. Сўнгги йилларда 1970-йиллардаги инфляция мавзуси – унинг бошланиш ва яқунланиш сабаблари катта қизиқиш уйғотди. Нима учун АҚШда 1960 йиллар охирида инфляция кучая бошлади.*



Фридман: Ҳа, буюк инфляция... Унинг кучайиш сабаблари кўп жиҳатдан иқтисодиётга нисбатан сиёсатга асосланган, чунки унинг кучайиши 1960 йилдаги Кеннеди сайловлари билан боғлиқ. У «яна илгарилашга мажбур қилиш» учун инфляциясиз иқтисодиётдан мерос қилиб олинган ҳолатдан фойдаланишга муваффақ бўлган. Инфляция кутилмалари сабабли монетар ва фискал юкламаларнинг ортиши асосан ишлаб чиқариш ҳажмига таъсир этди. Нархларнинг кечиктирилган ортиши 1960-йилларнинг ўрталаридагина ўз натижасини берди ва аста-секин муомала кучая бошлади.



Бу даврда Дэррил Фрэнсис (Сент-Луис Федерал захира банки) пул массасининг фавқулодда ортишидан шикоят қиларди. Кичикроқ иқтисодий пасайиш инфляция жараёнларини тўхтатди, лекин ФЗТ бу пасайишни «юралка жуда яқин» олиб, тегишлича таъсир кўрсатганда, ҳаммаси ўз изига тушди. Гарчи бу ҳақда гапиришни ёқтирмасам-да, Артур Бёрнсни 1970-йилларда мамлакатга таҳдид солган хавфдан хабардор бўлгани учун ҳурматга сазовор деб ҳисоблайман.

У конгрессдаги ўз маърузасида: «Агар пул таклифи йилига 6-7%дан кўп ошса, бу инфляцияга сабаб бўлади», – деб таъкидлаганди. Унинг бошқарув даврида эса ФЗТда бу ҳолат катта суръатларда ошди. У пул миқдори назарияси тарафдори бўлган, лекин ҳеч қачон мутлақ монетарист бўлмаган. У кўп жиҳатдан ўз сиёсатчилик сезгиси, шунингдек, ўз фикрига ишонган.

1960 йилда Никсоннинг маслаҳатчиси бўлганда, «Мамлакат иқтисодий пасайиш бўсағасида бўлади, бу эса бўлғуси сайловларда Никсонга кучли таъсир этади», дея таъкидлаганди. Бу вазият ҳақиқатда юз берди, шундан сўнг Никсон унга кўпроқ ишона бошлади.

ФЗТга Бёрнс раҳбар қилиб сайланган пайтдан эътиборан юз берган ҳамма ўзгаришларда, айниқса, Никсонга тааллуқли ҳолатларда, менимча, сиёсат асосий ўринни эгаллади. Буни мен шахсий тажрибамдан биламан. Мен Никсон билан 1970 йилда учрашганман. У Артурни муомаладаги пул миқдорини тезроқ оширишга ишонтиришимни истаганди (*қулади*). Мен Президентга «Сиз ҳақиқатда шуни истайсизми? Ахир натижада, агар сизни қайта сайлашса, янада катта инфляцияга дуч келасизку», – дедим. У эса: «Биз бу ҳақда мени қайта сайлашганда ўйлаймиз», – деб жавоб берди. Шубҳасиз, бу – Никсон учун айнан муҳим бўлган ўзига хос жиҳат.

Тейлор: *Сизнингча, Бёрнс инфляцияга алоҳида эътибор қаратмасдан вақт омилига амал қилганми? Ёки таваккал қилиш ва инфляция ҳисобига (Филлипс эгри чизигидан келиб чиққан ҳолда) ишсизликнинг паст даражасини сақлашни истаганми?*

Фридман: Асло. Артурнинг бу мавзуга тааллуқли ҳамма ишларида асосий фикрлардан бири юқори инфляцияга йўл кўймаслик бўлган. У кейнсчилар гуруҳига кирмаган. Айни пайтда, у кейнсчиларнинг ғояларига норозилик билдирган. Бироқ, бу фикрлар Вашингтондаги ФЗТ нима қилиши ва нима қилмаслиги керак деган фикрларга таъсир қилган. Шу тариқа, унинг инфляциянинг юз бериш эҳтимолига ишончи эмас, айнан шу омиллар ўз ўрнига эга бўлган.

Тейлор: *Айтишларича, Бёрнс кўпчилик сингари доимий ЯИМ-ни унча тўғри баҳолай олмаган. Унинг фикрича, мамлакат иқтисо-*



диёти тўла қувват билан ишламаган ва янада тезкор суръатда ривожланиши мумкин эди. Фикрингизча, буни омиллардан бири сифатида кўриб чиқиш мумкинми?

Фридман: Буни асосий омиллардан бири деб ўйламайман.

Тейлор: *Биринчи навбатда сиёсийми?*

Фридман: Ҳа.

Тейлор: *Буюк инфляциянинг яқунланиши хусусида нима дея olasиз? У Уильям Миллер, шунингдек, Пол Волкер давридаги сингари – Бёрнс давлат бошқарувидан кетгач ҳам давом этди.*

Фридман: Айнан нима инфляция яқунланишига сабаб бўлганига ҳеч шубҳа йўқ. Бу ҳолат Рональд Рейганнинг давлат бошқарувига келганида юз берди. Эсласангиз, сайловлар 1980 йилда бўлиб ўтган. 1979 йил октябрда Пол Волкер Белграддан қайтди, у ердаги анжуманда Волкер Кўшма Штатлар ҳақидаги танқидга жавобан, ФЗТ фоиз ставкасидан тартибга солиш воситаси сифатида фойдаланиш сиёсатидан банк захиралари ёки пул базасидан фойдаланишга ўтишини таъкидлади. Бироқ, кейинги давр бозордаги пул миқдори нуқтаи назаридан беқарорроқ бўлди. Пул агрегатлари ҳақидаги баёнот Волкерга фоиз ставкалари бошқарувига қайтиши учун зарур эди.

Мана, бу давр (*1-расмни кўрсатган ҳолда*) баъзан юқорига, баъзан эса пастга йўналади. (Номинал пул таклифи графиги реал пул таклифи учун ҳам деярли шундай.) Улар буни тез тўхтатдилар, бундан ташқари, 1980 йилнинг феврилида Картер истеъмол кредитини ўз назоратига олди. Иқтисодиёт тикланаётган даврда мамлакат сайловларга тайёрланди, ФЗТ ишларни тезлаштирди. Сайловлардан беш ой аввал пул таклифи тезкор ривожлана бошлади. Пол Волкер ҳам сиёсатчи эди. Сайловдан бир ой ўтгач, пул таклифи қисқарди. Картер ғалаба қозонганда қандай ҳолат юз беришини тасаввур қила олмайман ҳатто.

Лекин Рейган ғалаба қозонди, у инфляцияни тўхтатишдан манфаатдор бўлиб, таваккал қилишга тайёр эди. 1981 йилда жиддий иқтисодий пасайиш бошланди. Рейганнинг рейтинги тушиб кетди. Фикримча, урушдан кейинги даврдаги ҳар бир президент бу вазиятда ФЗТ курсини ўзгартиришга мажбур қилган бўларди. Лекин Рейган бу ишни қилмади. 1981-1982-йилларда пасайиш давом этди. 1982 йилда Волкер, ниҳоят, ўз сиёсати бўйича пул таклифини оширишга эришди. Шу даврдан иқтисодий пасайиш тугаб, иқтисодиёт ривожлана бошлади.

Тейлор: *Изоҳингиз Буюк инфляциянинг боши ҳамда охирида ҳам асосан гоълар даражасидаги ўзгаришлар эмас, балки юқори лавозимдаги амалдорларнинг фикридаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Фикрин-*



гизга кўра, булар Бёрнс, Никсон ва Рейган бўлганлар. Бу ҳақда ба-тафсил сўзлаб бера оласизми?

Фридман: Эҳтимол, мен Бёрнснинг ролини ошириб юборгандирман. Лекин мен Рейганнинг ролини оширмайман. Ҳар ҳолда мен шахсий кузатувларим юзасидан фикр юрита оламан. Мен Рейган билан бу мавзуда суҳбатлашганлардан бири бўлганман. Шубҳасиз, Рейган пул миқдори ва инфляция ўртасидаги ўзаро таъсирни тушунган. Унинг вазиятни тузатишга интилиши тушунарли эди. Унинг ўзи ҳам ҳаммасини яхши тушунарди, лекин бошқалар иқтисодиётни пасайтирмай, инфляцияни камайтиришга эришиш мушкуллигини уқтирардилар.

Тейлор: *Биринчи ҳолатда президент маслаҳатингизни эътиборга олмаган, иккинчи ҳолатда эса тинглаган.*

Фридман: Сабабсиз корреляция. Улар мутлақо бир-бирига ўхшамасди. Никсонда IQ Рейганникига нисбатан юқори бўлган, лекин унча қатъият бўлмаса ҳам, юқори даражадаги сиёсатчи эди у. Рейганда IQ етарли даражада, лекин Никсонникидек эмасди. Лекин унда қатъий принциплар бўлиб, иложи борича унга амал қилишга интиларди. Лекин, иккови ҳам мен билан учрашмай, айтганларимни тингламаганларида ўз билганларича иш кўришлари мумкин эди.

ИҚТИСОДИЁТГА ҚИЗИҚИШНИНГ ЮЗАГА КЕЛИШИ

Тейлор: *Мен мавзуну ўзгартириб, сиёсатдан сизнинг иқтисодиётдаги илмий фаолиятингизга ўтмоқчиман. Фикримча, айниқса макроиқтисодиётдаги тадқиқотлар тўғрисида билдирадиган фикрларингиз етарлича. Қарашларингиз қандай шаклланган? Ким сизга кўпроқ таъсир кўрсатган? Маълумотингиз ёки иш тажрибангизда нима янада сезиларли аҳамият касб этди? Тушунаман... бу анча олдин бўлган...*

Фридман: Ҳа, бу анча илгари бўлган! Лекин мен хотирамга таянган ҳолда шу ҳақда сўзламоқчиман.

Тейлор: *У ҳолда келинг, сизнинг Ратжерсдаги коллежда ўқиган даврларингиздан бошлайлик. Дастлаб, сиз математика билан фаол шуғуллангансиз, лекин кейин иқтисодиётга қизиқиб қолгансиз. Шундайми?*

Фридман: Моҳиятан, коллеждаги асосий фанларим математика ҳамда иқтисод бўлган.

Тейлор: *Яъни, коллеж давриданоқ иқтисодиётга қизиққанмисиз?*

Фридман: Ҳа.



Тейлор: *Илк даврларда, сўзларингизга кўра, сизга Артур Бёрнс ва Гомер Жонс катта таъсир кўрсатишган. Бу ҳақда батафсил сўзлай оласизми? Бёрнс қайси соҳада кўпроқ таъсир кўрсатган, микроиқтисодиётдами ё макроиқтисодиётда?*

Фридман: Кўпроқ макроиқтисодиётда. Бёрнс бизга семинар машғулотлари ўтказарди, машғулотларда унинг АҚШда ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналишларига бағишланган қўлёзмалари билан танишганмиз. Муаллиф ва унинг қораламалари билан бундай иш – мен олган беқиёс билим ва тажриба намунаси. Бундай семинарлар туфайли тадқиқотларнинг қай тариқа ўтказилишини тушундим. У ўзидан кичик ва мансаби ундан пастроқ кишиларнинг танқидини яхши қабул қиларди, бу ижобий тарбиявий самарага эга эди.

Гомер Жонсга келсак, у статистика ва суғурта бўйича маъруза ўқирди. У ўқитувчилик карьерасини энди бошлаганди. Жонс Чикаго мактаби вакили Франк Найтнинг ўқувчиси бўлиб, Чикаго иқтисодиёт мактаби аъзоси эди. Жонс менга нафақат ўқитувчи, балки инсон сифатида ижобий таъсир кўрсатди, у туфайли мен Чикагога бордим!

Тейлор: *Асосан статистикадан дарс берганми у?*

Фридман: Статистика ва суғурта... Бу фанлар доирасида иқтисодиёт масалалари ҳам кўриб чиқилган.

Тейлор: *Демак, бу даврда сиз макроиқтисодиёт ва пул назариясини деярли ўрганмаган экансиз-да?*

Фридман: Мен банклар ва пул муомаласи бўйича таҳсил олганман. Бу университетнинг макроиқтисодиёт масалаларининг бирор-бир муҳокамаси бўлмаган асосий стандарт фани эди. Мен Чикагога магистратурада ўқиш учун боргач, иқтисодиёт соҳасида жиддий тайёргарликни бошладим.

Тейлор: *Бёрнс ўзининг муфассал тадқиқотлари жараёнида ҳам талабалар билан ишлагани – қизиқ ҳолат.*

Фридман: Бёрнс у пайтда ўз диссертациясини яқунлаш арафасида эди. У ёш ва бошқалардан фарқ қиларди. У энди уйланган бўлиб, Гринич-Вилижда яшарди. Унинг сочлари ва тирноқлари узун бўларди. Биласизми, у ҳозиргидан умуман бошқача эди. Лекин доимо жуда қобилиятли, ўз ишини иложи борича яхши бажаришни мақсад қилган инсон эди. Бёрнс ва Маршаллнинг фикрлари қай тарзда зид бўлиб қолганини билмайман. У Маршаллнинг энг яхши талабаси ва мухлиси эди.

Тейлор: *У сизни Маршалл билан таништирганми?*

Фридман: Ҳа.



Тейлор: *Сиз эркин бозорни қандай тушунасиз – бу жамиятни ташкил этишининг яхши усулими? Сиз бу ҳақда микроиқтисодиёт бўйича семинарларда сўзлаганмисиз?*

Фридман: Ёдда тутинг, мен 1028–1932-йиллардаги воқеалар ҳақида сўзлаяпман. Бу ҳодисалар жамоатчилик фикри шу жиҳатдан ўзгаргунга қадар бўлган, у пайтда бу масала ҳозиргидек муҳим эди. Албатта, иқтисодий тизимдаги инкироз муҳокама қилинарди, лекин мен университетни 1932 йил июнь ойида тугалладим, мен у ерда таҳсил олаётган даврда 1928–1929-йилларда, «Агар бозорлар фаолияти ўз меъёрида бўлса...», бизга бу ҳақда гапирилмасди. Бизга фақат улар тўғрисида сўзлаб беришарди. Биз уни тўғри идрок этардик.

Албатта, социализм томонга йўналган интеллектуал моданинг кучли ҳаракати мавжуд эди, лекин уни кейингиси билан қиёслаб бўлмасди. Ўша даврнинг бош социалисти Норман Томас жуда ҳурматли инсон бўлиб, 1928 йилдаги сайловларда ҳам бошқа социалист номзодга нисбатан кўпроқ овоз тўплаган. Ўша даврнинг интеллектуал ҳамжамияти асосан социалистик ғояларга мойил бўлган, лекин буни иқтисодиёт факультети тўғрисида айта олмайман.

Тейлор: *Яъни, бу жиҳатдан, сизнингча, мутафаккирлар йўқ, шундайми?*

Фридман: Мен ҳеч қачон сиёсат билан шуғулланмаганман. Эҳтимол, мен ўзимни социалист дейишим мумкин эди. Ким билсин. Мен коллежни тугатганимда, ўша даврда ишонганларим ҳақида эссе ёзганман. Уни онамнинг уйида қолдирганман, мен юқори синфларда ўқиётган пайтда отам вафот этган. Бир неча йил ўтиб, уйга қайтганимда эссени топа олмаганман, бундан афсусдаман. Ҳозир ёшлигимда нима ҳақда ўйлаганим ҳақида билиб олиш учун қулай имконият бўларди.

Тейлор: *Сиз нима ҳақда ёзганингизни тахмин ҳам қилолмай-сизми?*

Фридман: Ишончим комилки, эсседа кейин афсус қиладиган ғоялар бўлмаган. Аниқроғи, нимадир қилишимиз зарур бўлган ишлар ҳақида стандарт фикрлар бўлган. Лекин менда аниқ таклифлар йўқ.

Тейлор: *Иқтисодиёт фани фалсафий кўринишга нисбатан кўпроқ техник кўринишга эга, у асосан бозорнинг қандай ишлашини кўрсатувчи талаб ва таклиф эгри чизигидан иборат. Шундайми?*

Фридман: Фикримча, у фалсафий кўринишдан анча кам.

Тейлор: *Гомер Жонс сизни Чикагога боришга қай тарзда ундади?*

Фридман: У нафақат мени у ерда боришга ундади, балки Чикаго университетиде ўқишим учун ҳамма ишни амалга оширди. Ҳозир ҳеч



ким илгариги ходисаларнинг қай тарзда юз берганини тасаввур эта олмайдди. У пайтда жами бир нечтагина талабалар стипендияси ажратилиб, илмий тадқиқотлар ўтказиш учун стипендиялар бўлмасди, ҳозирда стипендиялар ажратилиши одатий ҳолдек қабул қилинади.

Ратжерс университетини тугатгач, мен магистратурага кириш учун бир неча жойга сўровнома юбордим, лекин менга фақат иккита таклиф келди: бири, Браун университетига амалий математика бўйича; бошқаси, – Гомерга раҳмат, – Чикаго университетидан иқтисодиёт бўйича. Иккала таклиф ҳам таҳсил учун компенсациядан ташқари бошқа қўшимча пулларни кўзда тутмасди. Бу ўша даврнинг кенг тарқалган амалиёти эди. Магистратура талабалари, одатда, ўқиш учун ўзлари ҳақ тўлашарди.

Тейлор: *Сиз иқтисодчи сифатида қандай иш устида ишлашни тахмин қилганмисиз ўша пайтларда?*

Фридман: Мутлақо тахмин қилмаганман. Мен коллежга энди ўқишга кирганимда, актуарий бўламан деб ўйлаганман. Ҳатто имтиҳонларни ҳам актуарийликка топширганман, чунки у пайтда математика ёрдамида пул ишлай оламан деб ўйлаганман. Бу иш юқори даражадаги малакани талаб этарди. Бизга математика билан бир қаторда иқтисоддан ҳам дарс ўтилгач, бошқа йўллар ҳам мавжудлигини тушунганман. Шубҳасиз, ўша даврда мамлакат депрессияни бошдан кечираётгани иқтисодиётни муҳим соҳалардан бирига айлантиришга сабаб бўлди.

ИШ ЖОЙИДА МАГИСТРАТУРА ВА ТАЪЛИМ

Тейлор: *Сиз Чикаго университети магистратурасида бир йил ўқиб, кейинги йили таҳсил олиш учун Колумбия университетида кетгансиз, сўнгра яна Чикагога қайтдингиз. Тушунишимча, бу даврда Чикаго университети ўқитувчиси Генри Шульц, шунингдек, Колумбия университети ўқитувчиси Гарольд Хотеллинг ва Митчелл туфайли математик статистика ва маълумотлар билан ишлашга қизиқиб қолгансиз. Магистратурани тугатгач, сиз дарҳол Вашингтонда – истеъмол харажатларига бағишланган лойиҳада ишлай бошладингиз. Сўнгра Нью-Йоркка йўл олиб, у ерда Саймон Кузнец билан бирга америкаликларнинг даромадларини тадқиқ этиш маълумотлари устида ишладдингиз. Маълумотлар билан ишлаш ва математик статистика усуллари қўллаш қизиқарли бўлганми?*

Фридман: Ҳа, албатта. Чикагода ўқиш даврида мен Шульцнинг статистика бўйича маърузаларини тинглаганман, бир йилдан сўнг Колумбия университетидан қайтгач, унинг ассистенти бўлдим. Лекин Ратжер



университетида ўқиш даврим, Артур Бёрнсга қайтсак, унинг «АҚШда ишлаб чиқаришнинг ривожланиш йўналишлари» китоби (Production Trends in the United States), докторлик диссертацияси маълумотлар таҳлилига бағишланган. Унинг китобидаги бош ғоя ҳар бир тармоқда ўсишни секинлаштириш умуман иқтисодиётни секинлаштиришни кўзда тутмайди.

Тейлор: *Менда шундай таассурот туғилдики, маълумотлар билан илк ишлаш босқичларида далилларни ифодалаш ва иқтисодий модель ёки расмий назарияларга нисбатан математик статистика моделларини қўллашга урғу бергансиз.*

Фридман: Мен бундай фикрда эмасман. Мен олинган маълумотларни, бир неча даражалардан иборат моделлар ёрдамида эмас, балки норасмий усулда, асосан микроиқтисодиёт даражасидаги ўзаро боғлиқликларга нисбатан апелляцияга интилган ҳолда изоҳлашга ҳаракат қилганман.

Чикаго университетидаги таълимнинг дастлабки йили менга иқтисодиёт фанини назарий фан сифатида тушуниш имконини берди. Жейкоб Вайнер, Франк Найт ва Ллойд Минтс микро- ва макроиқтисодиёт деб аталувчи фанлар бўйича ўқитувчиларимиз бўлишган. Мен бу икки сўзни ёқтирмайман. Фикримча, бу – фақат нарх назарияси ва пуллар назарияси. Нима учун биз юнон сўзларидан фойдаланишимиз керак?

Ҳар ҳолда, ўша пайтларда Чикаго университетидаги бир йил, сўнг-ра Колумбия университетидаги бир йил таҳсил – ажойиб мослашувдек туюлган. Чикаго университети назарий билим беради, унинг ёрдамида баъзи маълумотларни талқин қилиш мумкин. Бундан ташқари, Чикаго университети, Колумбия университетидаги институционал ёндашувдан фарқли ўларок, ўз эмпирик йўналиши билан танилган.

1935 йилда мен Вашингтонга бордим ва Табиий ресурслар миллий кўмитасида иш бошладим, фаолиятим статистика ҳамда маълум маънода иқтисодий назария билан боғлиқ эди.

Тейлор: *Сиз Вашингтонга кетгунингизга қадар биринчи ишингиз – Кембриж университетининг машҳур профессори Пигу томонидан таклиф этилган усулни танқид қилган мақолангизни ёзишга улгурдингиз. Мақола 1935 йилда «Quarterly journal of economics»да чоп этилди. У сизнинг магистратурада таҳсил олган йилларингизда ёзилган. Бундай мақола ёзиш ва чоп эттиришингизнинг сабаби нима?*

Фридман: Шульцнинг китоби, унинг ёзилиш жараёнида мен ҳам иштирок этганман. У талаб назарияси ва уни ўлчашга бағишланган, Пигунинг мақоласи эса талаб эластиклиги масаласига тааллуқли эди.



Шу тариқа, мақола менинг Шульц билан биргаликдаги ишим натижаси бўлди. Эҳтимол, у менга бу мақолани ёзиш ва чоп эттиришни таклиф этгандир, аниқ эслолмайман.

Тейлор: *Пигу мақолангизни жуда жиддий танқид сифатида қабул қилиб, сиз билан мунозарага киришди. Ҳодисаларнинг бундай тус олиши сизга ёқдимми?*

Фридман: Аслида, бу воқеа шундай бўлганди. Мен ўз мақоламни «Economic Journal»га юбордим, у пайтда Жон Мейнард Кейнс журналнинг муҳаррири эди. У мақолани рад этди, чунки Пигу уни чоп этишни нотўғри деб ҳисоблаганди. Натижада, мен «Quarterly Journal of Economics»га мурожаат этдим, унинг муҳаррири Фрэнк Тауссиг эди. Мен ўз мақолам билан «Economic Journal»га мурожаат этганим, менинг мақолам рад этилгани, улар ноҳақ эканликлари тўғрисида сўзлаб бердим.

Тахминимча, мақоламнинг «Quarterly Journal of Economics»да чоп этилишига маълум даражада Василий Леонтьевнинг журнал тақризчиси эканлиги сабаб бўлди. Сўнгра Пигу Тауссиг ҳузурига келиб, танқидимга ўз жавобини топширди, муҳаррир эса менга танқидий мақоланинг нусхасини жўнатди. Охир-оқибатда, «Quarterly Journal of Economics»да Пигунинг танқидий мақоласи ҳамда менинг бу танқидга жавобим чоп этилди.

Тейлор: *Бундай тажриба мунозарага мойилликнинг ривожланишига сабаб бўлдимми?*

Фридман: Ҳозир айтиш қийин, чунки орадан 65 йил ўтди.

Тейлор: *Бу ҳодиса менга сизнинг тақризингизни эслатди, сиз уни American Economic Review муҳаррири бўлганимда мен учун ёзиб берган эдингиз. Сиз ўз «аноним» тақризингизни имзолагандингиз!*

Фридман: Мен доимо ўзим ёзган сўзга жавоб берганман. Мен аноним сифатида ҳеч нарса чоп этмаганман. Менда ҳеч қачон ўзим ёзмаган мақолаларни чоп этиш истаги бўлмаган. Бирор-бир ғояни илгари суриш учун бу ҳақда илтимослар бўлган, лекин мен бундай ишни нотўғри деб биламан.

Тейлор: *Иккинчи жаҳон уруши даврида Колумбия университетидаги Статистик тадқиқотлар гуруҳида ишлаган пайтларингиз ҳақида сўрамоқчи эдим, бу даврда сиз учун яна қандай муҳим воқеа содир бўлган?*

Фридман: Менинг иқтисодиёт ва статистика билан боғлиқ ишим ҳақида сизни қизиқтираётган саволлар нуқтаи назаридан таъкидлаш жоизки, Статистик тадқиқотлар гуруҳига киришга қадар икки йил АҚШ Молия вазирлигида ишлаганман, у ерда иқтисодиёт билан шуғулланиб,



статистика билан деярли шуғулланмаганман. Биз уруш даврида солиққа тортиш дастурларини ишлаб чиқардик. Афсуски, ҳозирги даромад солиқларининг катта қисми – уруш даврида солиққа тортиш соҳасида қабул қилинган қарорлар натижаси. Айнан шу даврда «солиқларни ушлаб қолиш» тушунчаси пайдо бўлган, ўшанда солиқ ставкалари орта бошлади, солиқ шкаласи янада ортди.

Шунинг учун илгари ҳам, ҳозир ҳам солиққа тортишга тааллуқли бир хил мавзу, шу жумладан, «оила юки» ёки «оила жаримаси» муҳокама қилинган ва муҳокама қилинмоқда. Биз Молия вазирлигида тайёрлаган таклифда «оила юкини» чиқариб ташлаганмиз, лекин қароримиз сиёсий жиҳатдан оқланмаган. У даврда вазирликда Лоуэлл Ҳаррис ва Уильям Викри сингари буюк иқтисодчилар ишлаган.

Тейлор: *Демак, у ҳарбий иқтисодиётнинг бир қисми бўлган экан-да?*

Фридман: Шубҳасиз. Мен вазирликда 1941 йил, уруш бошланишидан анча илгари ишлай бошладим, бу даврда нархларни назорат қилишни таклиф этганлар ҳамда солиқлар ёрдамида инфляциянинг кучайишини ушлаб туришни истаганлар орасидаги баҳсларни ҳал этиш катта муаммо бўлган. 1941 йилнинг ёзида мен ва Карл Шоуп бир тадқиқот лойиҳасида иштирок этдик, сўнгра «Инфляцияга қарши солиқлар» китобини ёздик. Мен у билан фахрланаман деб айта олмайман. У модель кўринишида ёзилган ва инфляцияни бартараф этиш учун қанча солиқ тўплаш зарурлиги тўғрисида фикр юритилган, лекин ҳозир бу ишни нотўғри деб ҳисоблайман.

Тейлор: *1942 йилда «American Economic Review»да инфляцион узилиш масаласига бағишланган ишни чоп эттирдиз. Унга Молия вазирлигидаги ишингиз ҳам таъсир этганми?*

Фридман: Ҳа, у ишни вазирликда ишлаганимда чоп эттирганман.

Тейлор: *Уруш даврида Нью-Йоркдаги Статистик тадқиқотлар гуруҳида ишлаган пайтларингиз ҳақида сўзлаб беринг. Бу кўпроқ статистика билан боғлиқ иш бўлган. Лекин, унда иқтисодий таркибий қисм қай даражада катта бўлган?*

Фридман: Ҳа, бу иш тўлалигича статистика билан боғлиқ бўлиб, иқтисодиёт тўғрисида фикр билдирилмаган. Гарчи у иқтисодиёт билан умуман боғлиқ бўлмаган дейишим лозим бўлмаса-да, бу иш уруш давридаги кашфиёт бўлиб, уруш давридаги ахборот билан боғлиқ кўпгина масалаларни ҳал этишда табиий фан вакилларига нисбатан ижтимоий фанлар соҳасида янада самарали иш эди. Гап шундаки, аввалгилари сифатсиз маълумотлар билан ишлашга одатланган бўлсалар, кейинги-



лари, аксинча, сифатли маълумотларга одатланганлар. Шунинг учун маълумотлар таҳлилидан фойдаланиш зарур бўлганда, ҳамма муаммоларга дуч келасиз.

Тейлор: *Ижтимоий фан соҳасидаги мутахассисларда аппроксимация қобилияти яхши ривожланган деган фикрдамисиз? Уларнинг устунлиги нимада?*

Фридман: Улар маълумотлар сифатини баҳолаш, билвосита ахборотлар, турли алмашув вариантлари ва уларни эҳтимолий баҳолаш усулларини топишга интиладилар. Агар Статистик тадқиқотлар гуруҳининг иши ҳақида сўзласам, биз бажарган ишларнинг ҳаммаси кўпинча унча маълум бўлмаган.

Тейлор: *Нима устида ишлагансиз?*

Фридман: Биринчи навбатда, зенит ракетаси борми-йўқми, портлашдан кейин парчаланувчи қисмлар миқдорини танлаш имконияти борми ё йўқ? Ёки у бир неча етарлича майда қисмларга парчаланиши керакми, уларнинг ҳар бири самолётни уриб тушира оладими, лекин бунда уриб тушириш эҳтимоли пастми? сингари муаммоларни ҳал этганмиз. Менинг лойиҳаларимдан бири снаряд парчаланиши лозим бўлган қисмларнинг қулай миқдорини ҳисоблаш билан боғлиқ эди. Бизда самолётнинг маълум қисми мўлжалга олинганда маълум ўлчамдаги снаряд билан портлатиш даражасига нисбатан турли синовда портлатиш маълумотлари бўларди. Бу – ўша даврдаги ўзига хос муаммо эди. Ҳозирги кунда бу иқтисодий кўринишга эга муаммодир.

Тейлор: *Иқтисодий муаммо нимадан иборат эканлиги тўғрисида батафсил сўзлай оласизми?*

Фридман: Мен кенг маънода айтяпман. Биз лойиҳа давомида дуч келган масалаларимизга, сиз ҳозирги кунда иқтисодиётда дуч келмоқдасиз. Агар сиз оддий кишидан АҚШдаги етакчи тармоқларни айтишни сўрасангиз, ҳар гал нотўғри жавоб оласиз. Кишилар пўлат куйиш ёки автомобилсозлик саноати тўғрисида сўзлайдилар. Хизмат кўрсатиш соҳасида пўлат куйиш ёки автомобилсозлик саноатига нисбатан кўпроқ, улгурчи ва чакана савдода янада кўпроқ киши ишлайди. Чунки бу тармоқларда аксарият кичик компаниялар фаолият юритади.

Шунинг учун бизнинг ракета лойиҳамизда ҳарбий денгиз ва курукликдаги қўшинлар бўйича экспертлар бир овоздан: снаряд нишонга текканда у портлаши учун бир неча йирик қисмларга парчаланиши керак деб таъкидлашган. Бизнинг ҳисоб-китобларимиз аксини кўрсатарди – снаряд бир неча майда қисмларга парчаланиши керак, чунки бу нишонга тегиш эҳтимолини сезиларлича оширади.



Мана шунинг учун мен бу муаммо иқтисодий кўринишга эга – чекловлар доирасида максималлаштириш деяпман.

Энди бошқа савол туғилади: битта катта ёки иккита кичикроқ ҳарбий самолёт керакми?

Тейлор: *Балки мунтазам синовлар мавзуси устидаги ишингиз тўғрисида гапириб берарсиз? Сиз бунга қандай эришдингиз?*

Фридман: Аллен Уоллис ўзининг «Journal of the American Statistical Association» учун мақоласида бу ҳақда фикрларини баён этган. Бир куни офисга келди ва биров аввал синов отишмаларини кузатиш учун ташриф буюрган ХДК (ҳарбий денгиз кучлари) капитани билан суҳбатлашганини айтди. Капитан: «статистлар доимо кўп миқдорда ўк отишга мажбурлар, лекин мен синовлар тугашидан аввал ҳам қайси ўк нишонга тўғри текканини биламан», – дейди. «У маълум маънода ҳақ», – деди Уоллис. Биз унинг фикрини маъқуллаб, бу вазифани ҳал этиш устида ўйлай бошладик. Мен, унда самарали тўхтатиш қондаси мавжудлигида камроқ танлов асосида хатонинг шундай эҳтимолий даражасига эришишни кўрсата олишим мумкин бўлган мисол ўйлаб топдим.

Бизга математика соҳасидаги билим, шунингдек, бундай ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун вақт етишмаслигини яхши тушунардик, шунинг учун ташқаридан мутахассисларни излай бошладик. Лекин биз муаммони шундай ифодаладикки, ҳатто статистика бўйича мутахассислар ҳам уни ҳал этишга киришмас эдилар. Биз: «Тўғри янада кучли мезонга нисбатан катта қувватга эга мезонни қандай яратишни биламиз», – дедик. Шу тариқа, статистиклар ҳеч нима қилмоқчи эмасдилар. Биз эса Абрахам Вальд билан гаплашиб кўришга қарор қилдик, лекин у ҳам дастлаб рози бўлмади. Эртаси куни у қўнғироқ қилиб, биз ҳақ эканимиз, буни қандай амалга ошириш ва жавобни биламан деди.

Тейлор: *Бу муҳим кашфиёт туфайли бошқа натижаларга ҳам эришилди. Сиз баъзи ҳолатларда бўлса ҳам бу кашфиёт иш бераётганини кўрсатиш учун кичикроқ сонли мисолни ишлаб чиқдингиз, шундайми?*

Фридман: Жуда оддий мисол, мен ҳатто бу мисол қандай кўринишга эга эканлигини эслай олмайман. Кейинги вазифаларимиздан бири ХДКга танланган текширув бўйича маслаҳат бериш эди. Шу тариқа, бу ишланмалардан фойдаланган ҳолда танланган текширув дастурларини мунтазам таҳлил киритган ҳолда кучайтирдик.

Мен шуғулланган муҳим муаммолардан бири бомбардимончи ёки қирувчи самолётга зенит қуролидан отишда қўлланилувчи масофадан портлатувчилар бўлган. Портлаш пайтида хатога йўл қўймаслик учун



масофадан портлатувчи нишонга яқинлашиши билан ишга тушиб кетарди. Портлатувчи радиосигнал жўнатади, у нишон мўлжалга олинганда акс этади ҳамда уни яқинроқдан топганда портлатувчи ишга тушади. Жўнатиловчи сигнал турлича бурчак ва турлича қувватга мўлжалланган бўлиши мумкин. Нишонни катта эҳтимол билан забт этишда масофали портлатувчининг қулай конструкцияси қандай бўлиши керак? Жуда қизиқ муаммо, уни ҳал этишга катта куч сарфланди.

Тейлор: *Ҳа, бу мураккаб вазифа эди. Бу масала юзасидан бирор-бир иш ёки ҳисобот ёзганмисиз?*

Фридман: Ҳа, албатта, улар қаердадир сақланади.

Тейлор: *Бундай муҳим ишларни ёзишда нимани ҳис этгансиз ҳамда уни дунёга танитиш учун чоп этишингиз мумкин эди-ку?*

Фридман: У даврда нималар юз берганини тасаввур эта олмайсиз. Уруш ўша даврда нафақат мен, балки ҳар бир киши учун энг муҳим иш эди. Кишилар деярли ҳамма ишларини ташлаб, урушда билвосита иштирок этишга ҳаракат қилардилар. Ҳеч биримиз тадқиқотлар тақдири қандай бўлиши ҳақида ўйлаганмиз дея олмайман. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўша даврда қилган ишларимиз менинг узоқ муддатли манфаатларим доирасига кирмаган.

Тейлор: *Статистик тадқиқотлар гуруҳида сиз фойдаланган оптималлаштириш услуби тўғрисида сўзлаб бера оласизми? Сиз уни кейинроқ иқтисодий тадқиқотларда, масалан, пул-кредит сиёсати қоидалари учун қўллаганмисиз?*

Фридман: Мен бошқача айтган бўлардим. Маълум чекловлар шароитида қулай қарорни излашга иқтисодий ёндашув мавжуд ҳарбий муаммоларни ҳал этиш усули эди. Бу қизиқ эди, чунки у биз қилган аввалги ишлардан тубдан фарқ қиларди.

Тейлор: *Бирор кўшимча киритмоқчимисиз?*

Фридман: Фикримча, кўшимчанинг ўзи йўқ. Статистик тадқиқотлар гуруҳи менга шундай кишилар билан ишлаш имконини бердики, бошқа вазиятларда уларни учратиш амри маҳолдир. Масалан, мен Жимми Сэвиж билан танишдим. Кейинроқ биз биргаликда бир неча иш устида ишладик.

Тейлор: *Эслийсизми, сиз Жимми билан фойдалилик вазифалари (функциялари) тўғрисида асар ёзишга қарор қилиб, унда паст даромадда таваккалчиликка (рискка) афзаллик берилган эди?*

Фридман: Ёдимда йўқ, тўғриси. Балки Жимми билан бу ҳақда гаплашгандирмиз, лекин тафсилотларини эслай олмайман. Жимми Сэвиж, шубҳасиз, даҳо, буюк шахс эди.

Тейлор: *Ҳамкорлигингиз қачон бошланган?*



Фридман: Биз Статистик тадқиқотлар гуруҳида ишлаш даврида та-нишганмиз. У пайтда Жиммининг ёзуви хунук бўлиб, мен унинг баъзи ишларини қайта ёзишга мажбур бўлардим. Кейинроқ у машхур ёзувчи бўлди. У деярли ҳеч нарсани кўрмагани. Жимми математика бўйича таҳсил олган ва математика бўйича илмий даражага эга бўлган, сўнгра статистика билан шуғулланган ва бу ерда ҳақиқий инқилобни бошдан кечирди. Лекин таваккалчилик бўйича иш ёзишга қарор қилганимизни эслай олмайман.

ДОИМИЙ (ПЕРМАНЕНТ) ДАРОМАД НАЗАРИЯСИ

Тейлор: *Ҳозир, суҳбатни сизнинг тадқиқотларингиз ҳақида да-вом эттирсак. Келинг, истеъмол функциясига бағишланган тад-қиқотларингиздан бошлайлик. Эслашимча, сиз уларни энг яхши ил-мий ютуқ деб ҳисоблайсиз.*

Фридман: Ҳа, шундай.

Тейлор: *Улар ҳақида батафсил сўзлаб беринг. Юқорида суҳбат-лашган воқеаларимиздан келиб чиққан ҳолда, бу гоёни ишлаб чи-қишда сизнинг маълумотлар ва математик статистика бўйича иш тажрибангиз ёрдам бердими?*

Фридман: 1930-йилларда мен Вашингтонда истеъмол харажатлари-га бағишланган тадқиқотда иштирок этишдан ташқари, Саймон Кузнец раҳбарлигида Миллий Иқтисодий тадқиқотлар бюросида бир неча йил ишладим. Ҳамкорлигимиз «Мустақил хусусий амалиётда даромадлар» китобида ўз аксини топиб, у менинг илмий даража олиш учун диссер-тациям эди. Бу қатор анкеталарни таҳлил қилган ҳолда маълум маънода статистик ва эмпирик иш бўлиб, уларни Саймон Кузнец Савдо вазир-лигида ишлаш жараёнида менга жўнатарди. Лекин иш турли касб ва-киллари даромадларидаги фарқларни изоҳлашда иқтисодий назарияни қўллашни ҳам кўзда тутарди. Бу инсон капиталини таҳлил қилишдаги биринчи қадам эди.

Истеъмол функцияси тўғрисидаги китобда хусусий амалиёт соҳа-сидаги даромадлар билан бир қаторда истеъмол харажатларини тад-қиқ этиш гоёлари, шунингдек, методология бўйича ишланмаларим жамланган (Улар ҳақида методология бўйича мақоламда баён этган-ман). Бу китобнинг менга маъқул жиҳати шундаки, у методологик принциплардан фойдаланишнинг энг яхши намунаси бўлиб, уларни мен ўз илмий фаолиятим давомида – методология бўйича эсседа ифо-далаб берганман. Дастлаб гипотеза илгари сурилади, сўнгра хулоса чиқариб, улар тўғри ёки нотўғри эканлиги текширилади. Агар хулоса нотўғри бўлса, гипотезани тузатишга ҳаракат қилинади.



Бу китобда реал ва номинал фоиз ставкаси тушунчалари ўртасидаги фарқларга асосланувчи гипотезага ўхшаш гипотезадан бошладим. Кишилар ўз тахминларини қандай тузатадилар? Ўз даромадларининг қайси қисмини сарфлашни қай тарзда ҳал этадилар? Шу асосда мен гипотеза яратдим. Уни текшириш ва хулоса чиқариш учун қулай қилиб ифодаладим. Текширув натижасида хулосалар тўғри ва илгари сурилган гипотезани тасдиқлаши аниқланди. Гипотезани текшириш учун кўшимча тестлар таклиф қилдим. Шу тариқа, методология нуқтаи назаридан ҳаммаси аниқ бўлди.

Кўшимча тарзида китобда илгари сурилган гипотеза, фикримча, олинган маълумотларнинг изоҳи ҳисобланади. Биласизки, таҳлилнинг дастлабки тор жиҳати вақтинча узоқ муддатли маълумотлар ҳамда истеъмол ва даромадлар бўйича қарама-қарши бюджет маълумотлари номувофиклиги бўлган. Муаммо бу ўзаро зид маълумотларни «мувофиқлаштириш»дан иборат эди. Бу муаммони ҳал этиш учун кўпгина гипотезалар таклиф қилинди.

Мен таклиф этган доимий даромад гипотезаси, фикримча, маълумотлар орасидаги фарқларни мантикий изоҳлашнинг ўзига хос усули саналади. У алоҳида ҳолатлар сифатида деярли ҳамма муқобил гипотезаларни кўзда тутаяди, шу тариқа эмпирик исботлар билан бир қаторда назарий таҳлилнинг катта қисмини бирлаштиради.

Тейлор: *Фикримча, сиганални ажратилиш йўли билан муаммони ифодалашингиз, ўша даврда инқилобий ҳодиса бўлган.*

Фридман: Уни менинг анча илгари ёзган ишим бошлаб берган, унда Саймон Кузнецнинг хусусий амалиётдан даромадлар бўйича маълумотлардан фойдаланганман. Бу ишда мен доимий ва қисқа муддатли даромад концепциясини соддалашган шаклда тақдим этганман, сўнг-ра эса уни шунчаки ўтказдим. Хусусий амалиётдан даромадлар бўйича маълумотлар тадқиқотида даромадларнинг уч тоифаси бўлган менда: доимий, квазидоимий (яъни оралиқ, мен уни шундай атаганман) ва қисқа муддатли. Кейинроқ мен уларни иккига бирлаштирдим.

Тейлор: *Иқтисодиётдаги бундай статистик декомпозиция усулларидан фойдаланиш қандай юзага келган?*

Фридман: Бу мен бир вақтнинг ўзида статистик таҳлил соҳасидаги экспертга айланганимнинг натижасидир.

Тейлор: *Бу устунлик намунаси ўзида шундай кичикроқ «кесишувчи чанглатилиш»ни яширади. Сизнинг истеъмол вазифаси бўйича ишингиз истеъмол вазифасини кейнсча тушунишнинг ўзига хос танқиди сифатида ифодаланади.*



Фридман: Мен бундай фикрда эмасман. Бу танқид эмас, бу – шунчаки кейнсча истеъмол вазифаси узоқ муддатли эмас, балки, Кейнснинг таърифига кўра, қисқа муддатли эканлигининг тасвири.

Тейлор: *Сизнинг назариянгиз Кейнс моделининг беқарор кўринишини назарда тутишига рози бўлармидингиз?*

Фридман: Фикримча, бу билан баҳс боғлаган бўлардим.

МОНЕТАР ИҚТИСОДИЁТДА ТУШУМ

Тейлор: *Монетар иқтисодиётга қачон қизиқиб қолгансиз?*

Фридман: Бу мен 1941–1943-йилларда Молия вазирлигида ишлаган вақтларда бошланган, чунки унда инфляцияни тўхтатиб туриш учун нима қилиш кераклиги кун тартибидаги масала эди. Биринчи жаҳон уруши даврида солиқларнинг кичик қисмигина уни молиялаштиришга сарфланганини ҳамма биларди, иккинчи жаҳон уруши бошланганда эса ҳукумат ҳарбий ҳаракатларни молиялаштиришда солиқлар улушини оширишга қатъий қарор қилди.

Шу билан бирга, инфляцияни прогнозлаш муаммоси ҳам мавжуд эди, шунинг учун ҳам мен у ерда ишлай бошладим. Мен солиқлар соҳасидаги тадқиқотлар билан шуғулланувчи бўлимда ишлардим. Биз конгресс учун солиқлар бўйича таклифлар тайёрлардик.

Сиёсий ҳамда илмий нуқтаи назардан қизиқарли муаммо шундан иборат эдики, Маъмуриятда нарх назорати тарафдорлари ҳисобланган бир гуруҳ кишилар мавжуд эди. Улар бизнинг солиқлар юзасидан ўз таклифларимиз билан чиқишимизни истамасдилар, чунки биз нархлар назоратисиз ҳам солиқлар ёрдамида инфляцияни тўхтатиш мумкинлиги тўғрисида сўзлашимиздан кўрқишарди. Улар нархларни назорат қилишни хоҳлардилар.

Биз инфляцияни тўхтатиш имконини берувчи солиқлар суммасини ҳисоблаш билан шуғулландик. Баҳоларимиз оппонентларимиз – нарх назорати тарафдорларининг тегишлича баҳоларидан бирмунча юқори эди. Бир ойдан сўнг «Нархларни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинган, уларнинг баҳолари бизникидан юқори бўлди бирмунча. Энди уларга ёрдам керак бўлиб, бу ёрдамни солиқ тизимидан олишни тахмин қилишганди.

Тейлор: *Инфляция ҳақидаги суҳбат давомида нима учун ҳеч қайсизимиз пул тўғрисида гапирмадик? Умуман пул муҳокама мавзуси бўлганми?*

Фридман: Баъзида. Кейнсчилик инқилоби натижасида пуллар иккинчи ўринга ўтди. Орқага назар ташлаб, ўзимга нима учун бундай қилдим деб савол бераман. Мен монетар назарияни Чикаго универси-



тетиди ўргандим, кейинроқ, кейнсчилик инқилобидан сўнг ҳамма нарса солиқ ва харажатлар ёрдамида тузилиб, фискал сиёсатга бирлашди. Шунинг учун мен «инфляцияни тўхтатиш учун солиқ даражаси қандай бўлиши керак» деган саволга жавоб топишга ҳаракат қилдим. Етарлича кучли пул-кредит сиёсатида тўпланаётган солиқларнинг ҳеч қандай миқдори вазиятни ўзгартиришга қодир эмасди. Савол нотўғри қўйилган экан. Аслида, «бизга қандай пул-кредит сиёсати керак» деган саволга жавоб топиш керак эди. Бу ўша даврга хос фикрлаш натижаси эди.

Тейлор: *Бу воқеа сиз 1942 йил «American Economic Review» учун инфляцион узилиш тўғрисида мақола ёзганингизда юз берган. Чикагода ўрганган асосий монетар назарияга яна қачон қайтдингиз?*

Фридман: Ёзувларимга кўра, 1953 йилда бу мақоланинг янги варианты «Essays in Positive Economics»да чоп этириш даврида. Мен унга пулга бағишланган бўлим ҳамда дастлабки мақолам бу бўлимсиз тўлиқ бўлмаслиги тўғрисида иқтибос (хавола) қўшдим. Эҳтимол, бу мен пул аҳамиятли эканлигини бирдан тушунишим ёки кимдир буни тушунишимга ёрдам бергунга қадар юз бергандир. Ҳозир эслай олмайман.

ФИСКАЛ ВА ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИ ҚОИДАЛАРИ

Тейлор: *Барқарор сиёсат бўйича илк бор ёзган икки ишингиз тўғрисида сўзлаб бера оласизми? Улардан бири фискал сиёсат қоидаларига бағишланиб, албатта пул масаласига тааллуқли эди. Иккинчисиди эса сиз пул массасининг ортиш қоидаларига урғу бергансиз.*

Фридман: Албатта. Мен бу ишларни ёзган пайтда пул муҳим, лекин пул миқдори даврга қарши ҳаракатда бўлиши – иқтисодий тушиш даврида ошиши ўсиш даврида қисқариши керак деб ҳисоблардим. Солиқ ва харажатлар учун қоидалар дефицит бўлиб, давр мобайнида ортиқча харажатларга қарамай, ўртача даражада мувозанатли бюджетга эга бўлиш имконини бериб, пул миқдорини автоматик тарзда тўғри тартибга солиши мумкин эди.

Мен пулнинг роли ҳамда пул массаси ва пулли даромад ўртасидаги боғлиқликнинг статистик таҳлили билан шуғулланганман. Ниҳоят, ҳамма нарса жуда мураккаб ва фискал сиёсатдан хавотирланиш ўринсиз, эътиборни пул таклифини доимий оширишни қўллаб-қувватлашга қаратиш керак деган хулосага келдим. Бундай хулоса эмпирик далилнинг натижаси ҳисобланади деган фикрдаман.

Тейлор: *Бюджетдаги танқислик ва ортиқча пуллар ҳамда пул массасининг ўзгариши, шунингдек, пул мультипликаторининг ўзгаришлари ўртасидаги ўзаро алоқа унча кучли эмас деган далил бунга сабаб бўлмаганми?*



Фридман: Қисман, ҳа. Бу фискал сиёсатнинг иқтисодиёт билан ҳеч қандай боғлиқлиги йўқлиги туфайли юзага келди.

Тейлор: *Ёдимда. Роберт Лукас сизнинг пул массасининг доимий ортиши тўғрисидаги фикрларингизга нисбатан айтганидек, улар узоқ истиқболга мўлжалланган, лекин қисқа муддатда ҳам ажойиб иш беради. Сиз кўпроқ узоқ муддатли истиқбол тўғрисида ўйлаганмисиз? Қисқа муддатда таклифларингиздан фойдаланишга тўғрисида нима дея оласиз?*

Фридман: Фикримча, мен узоқ муддатли истиқболни назарда тутганман. Мен доимо принципларни узоқ муддатни кўзлаб ишлаб чиқишга интилиш керак деган фикрдаман. Агар давлатнинг барқарорлигини истасангиз, ҳамма масалаларни узоқ муддатли истиқбол нуқтаи назаридан кўриб чиқишингиз керак.

Тейлор: *Бунини қисқа муддатда ҳам қўллаш мумкин деган фикрда эмасмисиз?*

Фридман: Йўқ, бундай эмас.

Тейлор: *Лекин, сизнинг биринчи таклифингиз бунини кўзда тутмаганми? Агар иқтисодий пасайиш даврида пул танқислигида пул базасини оширсангиз, бурилиш даврида юзага келган ортиқча пуллар туфайли аксинча пул базасининг ортишини тўхтатсангиз, у ҳолда, фикримча, бунини қисқа муддатли самара сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин.*

Фридман: Шундай ҳам бўлган. Бу кейнсча тафаккур ҳосиласидир. Аслида, фикримча, куч ва вақтни беҳуда сарфлаш – Кейнс ва монетарчилар ғояларини бирлаштиришга уриниш бўлган.

Тейлор: *Пул-кредит сиёсатини тартибга солиш мавзусидаги фикрларингиз ва статистик таҳлил соҳасидаги ишингиз маълум жиҳатдан ўзаро боғлиқми? Сиз уни тартибга солиш, барқарорлаштириш муаммоси сифатида кўриб чиққанмисиз?*

Фридман: Фикримча, шундай. Иқтисодий тартибга солувчи ёки барқарорлаштирувчи мавзуси ҳозирги кунда пайдо бўлди. Вашингтон университети олими Левис Кочин муомаладаги пул миқдори ва иқтисодиётнинг ҳолати ўртасидаги ўзаро алоқага таъсир этувчи иқтисодий тартибга солувчилар таҳлилига бағишланган бир қатор мақолалар ёзган.

Тейлор: *Пул ва пул-кредит сиёсати мавзусини давом эттирган ҳолда: 1950-йиллар бошида пул муомаласини ривожлантирган олимлардан бири бўлгансиз, лекин бу мавзудаги ушбу мунозара 1960-йиллардагина бошланган.*



Фридман: Бу мавзуда мунозара бўлмаган, чунки ҳамма мени эгоцентрик деб ҳисобларди. 1950-йилларда фақат Чикаго университетида, шунингдек, Лос-Анжелесдаги Калифорния университетида пул мавзусида баъзи муҳокамалар бўлган.

Тейлор: *Сизнингча, пул массасини белгиланган миқдордан ортиш суръати бўйича таклифингиз ва пул массасининг иқтисодиётдаги муҳим аҳамияти юзасидан эмпирик исботларингиз баҳсларга сабаб бўлганми?*

Фридман: Ишончим комил. Пул массасининг белгиланган ортиш суръатига келсак, моделда пул тушунчасидан фойдаланган ҳолда эмпирик исботланган назария зарур эди. Бу менинг ғоям эмас, бу принципни мен ўйлаб топмаганман, уни мендан олдин бошқа иқтисодчилар таклиф этишган.

Тейлор: *Лекин, сиз шу иш туфайли танилдингиз ва, фикримча, бунга муносибсиз.*

Фридман: Эҳтимол, мен бу ҳақда кўпроқ ва яхшироқ ёзгандирман.

Тейлор: *Лекин, бирор нарсани бошқаларга нисбатан аниқроқ ва батафсилроқ изоҳласангиз, ўзингизни катта хавфга қўясиз, катта масъулиятни ўз зиммангизга оласиз, шунинг учун маълум жиҳатдан ҳақ бўлсангиз, шон-шухратнинг катта қисмига сазовор бўлишингиз керак.*

Фридман: Албатта, пул иқтисодиётда муҳим аҳамият касб этиши, хусусан, АМ/ФМ радиомунозаралар (Андо ва Модильяни Фридман ва Мейзелманга қарши) натижасида илгари ҳам асословлар бўлган.

Тейлор: *Ҳа, бундай мунозаралар энди йўқ.*

Фридман: Улар тугаган, асосий масалалар бўйича ҳамма бир тўхтамага келган.

Тейлор: *Сизнинг фикрингизни маъқуллашганми?*

Фридман: Кўп жиҳатдан, лекин тўлиқ эмас. Мен ҳозирга қадар ҳам фискал сиёсатнинг, умуман, иқтисодиёт учун муҳим эмаслиги масаласига нисбатан баъзи кескин фикрлардан воз кечмаганман.

МОНЕТАР ИҚТИСОДИЁТДА МОДЕЛЛАРДАН Фойдаланиш

Тейлор: *Монетаристлар ва «фискалчилар» мунозарасига кўра, аксарият ишларингиз назарий эмас, эмпирик характерга эга. Баъзан уларда макроиқтисодий моделларни топши мумкин, лекин улар моделларда аҳамият касб этмайди. Шундайми?*

Фридман: Менинг ишларим бирор-бир самарага эришганининг сабабларидан бири, фикримча, эмпирик характердалигидандир. Ўйлай-



манки, чин дилдан айтишим мумкинки, мен ҳеч қачон пул-кредит ёки фискал сиёсат юзасидан фикр билдирмаганман, чунки эркин бозорга ишонганман. Бу жихатдан эмпирик ёндашув янада ҳаққоний ва мустақил деб ҳисоблайман. Фискал сиёсатга муҳимроқ аҳамият берилганда, бу маълум маълумотлар кўринишида намоён бўларди.

Тейлор: *Сизнинг истеъмол назарияси бўйича ишларингизда, масалан, пулга бағишланган ишларга нисбатан пухта ишлаб чиқилган моделлардан фойдаланасиз. Бу, пулларни ифодалашда баъзи моделлардан фойдаланиш жуда қийинлиги сабаблими? Макроиқтисодиётни микроиқтисодиётга нисбатан ифодалаш қанчалик қийин? Нима учун, фикрингизча, бундай фарқ мавжуд?*

Фридман: Билмайман. Фикримча, бу маълум даражада иқтисодиёт фанида математикадан фойдаланиш билан боғлиқ. Альфред Маршал ўз даврида иқтисодиёт фани ҳақида: «Олинган натижаларни инглиз тилига ўғиринг, сўнгра математикани олиб ташланг». Фикримча, иқтисодиётдаги ўзаро алоқани тушунишга ёрдам берувчи математикага эмас, балки оддий математикага жуда катта урғу берилган. Бирор киши 40 та даражадан иборат моделни ҳақиқатда тушуниши мумкинлигига ишонмайман. Келажакда нима содир бўлишини билмайди, натижага эришишининг бу усули энг ишончли усул эмас.

Тейлор: *Уруш даврида амалга оширган ишларингиз комплекс математик моделлардан фойдаланишини англаганми?*

Фридман: Баъзида. Ҳозирги кунда бундай моделлар глобал иситиш тадқиқотларига қўлланилади. Назаримда, бу моделлар ишончли ва аниқ кўринмайди. Масалан, физиклар, одатда, ўз моделларида фақат бир неча даражалардан фойдаланадилар. Ҳар ҳолда, агар моделда кўп даражалар бўлса, ҳар бир даража тушунарли бўлиши учун ҳар бирига хулоса келтириш керак. Моделни тақдим этиш ва: «Қолганини ўзингиз ҳал этинг», дейишнинг ўзи етарли эмас. Фикримча, бирор-бир моделни ўйлаб топган олим бу модель бошқаларга тушунарли бўлиши учун ҳамма ишни қилиши керак.

Тейлор: *Умумиқтисодий кўринишдаги масалалар билан шуғулланувчи аксарият кишилар ҳозир сиз айтган сабаблар бўйича моделлардан фойдаланишга шошмайдилар. Лекин моделлар кўп миқдордаги ўзаро алоқалар нуқтаи назаридан фойдали бўлиши мумкинми?*

Фридман: Моделлардан фойдаланишинингиз керак эмас дея олмайман. Модель билан келиб, мен ноҳақ эканлигимни исботлай олувчи бирор-бир киши топилади. Кишилар истаган ишларини қилишлари ке-



рак. Лекин, назаримда, келажакда катта миқёсли моделлаштиришдан фойдаланиладими деган савол туғилади. Моделсиз ҳеч нима қила олмайсиз – мени тўғри тушунишингиз учун. Инсон ҳаёлида бирор назарий тузилмага эга бўлиши керак, у моҳиятан модель ҳисобланади. Назаримда, катта моделлар концептуал жиҳатдан бир неча даражалардан тузилган моделлардан фарқланади.

МУНТАЗАМ ТАҲЛИЛ УСУЛЛАРИДАН Фойдаланиш

Тейлор: *Сўнги йилларда сиз ва Дэвид Хендри ўртасида пул соҳасидаги эмпирик тадқиқотларингизга кўра, статистика масалаларига бағишланган мунозара кучайган. Бу, биринчи навбатда, статистика маълумотларини тўплаш ва ишлов бериш, шунингдек, мунтазам таҳлил бўйича замонавий усулларга тааллуқли эди. Мунтазам таҳлилда фойдаланилувчи турли ёндашувлар юзасидан фикрларингиз билан ўртоқлаша оласизми? Сиз улардаги қандай афзаллик ва камчиликларни биласиз?*

Фридман: Фикримча, бу ерда бош масала маълумотлар қай даражада кенглигига боғлиқ бўлиб, улар асосида инсон ўз далилларини тузади. Баъзи замонавий ёндашувлар маълумотларни бир бутун сифатида тўплаш ва ишлов беришни ўз ичига олади. Муҳимликнинг статистик мезонларини қўллашга интилган инсон, ўз эркинлик даражаси қандайлигини ҳеч қачон била олмайди, чунки кўпгина интилишлар орасидан энг яхшиларини танлаб олади.

Ишончим комилки, инсон камроқ маълумот миқдорининг тўлиқ таҳлилига таяниш ўрнига турли шароитларни ўз ичига олувчи катта миқдордаги маълумотларнинг умумийроқ таҳлилини ўтказса, у ишончлироқ асосга эга бўлади. Кенг доирадаги саволлар бўйича ўтказилган табиий тажрибалар ҳар қандай тор доирадаги маълумотлар асосида олинган маълумотларга нисбатан ишончлироқ маълумотлар олиш имконини беради.

Бошқача айтганда, биз иқтисодиёт қандай амал қилишини тушунган ҳолда кичик ўзгаришларни маълум даражада прогнозлаш ёки ўзи-ча изоҳлашимизга ишонмайман. Сезиларли ўзгаришлар қай тариқа юз беришини тушуниш имкониятига ишониш эҳтимоли бўлган энг яхши ҳолатдир. Бунинг учун бирорта бирмунча кичик маълумотлар миқдори эмас, балки катта миқдордаги турли маълумотлар зарур. Агар сизда комплекс модель бўлиб, уни келгуси жараёнларга экстраполяциялашга интилсангиз, у ҳолда ишончли натижага эришмайсиз.



Мен Статистик тадқиқотлар гуруҳида ишлаганимда яхши тушуниб етганман буни. Мен шуғулланган муаммолардан бири металлургия ва авиадвигателларни яратишга тааллуқли эди. Уруш даврида юқори ҳароратни сақлаб турувчи қотишма яратиш бўйича катта лойиҳа мавжуд бўлган. Биз статистика соҳасидаги маслаҳатчилар сифатида таклиф қилиндик ҳамда бу муаммо билан шуғулланган бир неча гуруҳларда ишлаганмиз.

Мен турли тажрибалар давомида олинган катта миқдордаги маълумотларни бошқарардим. Натижада, қандай вақт оралиғида лопасть берилган ҳароратда силкинишини кўриш учун турбина лопастига оғирликни боғлаш ёрдамида ўтказилган тажрибалардан олинган маълумотлардан фойдаланган ҳолда кўпгина регрессия тенгламаларини ҳисоблаб чиқдим.

Мен регрессия тенгласида лопастьда ёриқлар ҳосил бўлувчи вақт ўлчовлари ва металлургиядаги илғор назариядан фойдаланган ҳолда бошқа ўзгарувчиларни қиёсладим. Мен ажойиб корреляцияга эга бўлдим. Шу тариқа, қандай қотишма лопастьда ёриқ ҳосил бўлгунга қадар сақланиш имконини беришини билиб олиш учун ўз регрессиямдан фойдаландим.

Белгилар соҳасида тажрибада фойдаланилган ҳар бир ўзгарувчи бўйича чекловлар киритишни талаб этишимга қарамай, ажойиб натижаларга эришдим. Ушбу тенгламага мувофиқ, металл емирилишига қадар қотишма тахминан 200 соатгача сақланиб туришга имкон берарди. Бу мавжуд қотишмаларга нисбатан улкан муваффақият бўларди.

Иқтисодиётдан фарқли ўлароқ бизда тахминларни текшириш имконияти мавжуд эди. Мен Массачусетс технологиялар институтидан мутахассисларни таклиф қилдим, улар шундай қотишма яратишлари ва синов ўтказишлари керак эди. Ёриқ пайдо бўлгунга қадар жами бир ёки икки соат ўтди. Бу муваффақиятсизлик эди! Натижада, мен катта миқдордаги ўзгарувчилардан фойдаланган ҳолда ҳам қатъий ўзига хос маълумотларга боғланиб қолмаслик мумкинлигини тушундим. Бунда мен жуда кўп маълумотлардан фойдаландим.

Зеро, у пайтда бизда ҳозиргидек, юқори тезликдаги компьютерлар бўлмасди. Мен иш учун Mark I ва IBMнинг Гарвард университетидаги қатор бошқа ҳисоблаш машиналаридан фойдаландим. Стол калькуляторлари ёрдамида регрессияни ҳисоблаш учун эса қарийб уч ой сарфланарди. Гарвардда эса бу ишга тахминан 40 соат сарфланди. Бу катта ютуқ ҳисобланарди. Ҳозирги кунда менинг компьютеримда беш сония сарфланган бўларди.



Тейлор: *Шу тариқа, турли регрессияларни ҳисоблаш учун сизга катта аниқлик зарур бўлармиди?*

Фридман: Шубҳасиз. Компьютер соҳасидаги ютуқлар муаммони янада мураккаблаштиради. Юқори даражали корреляцияни топиш анча осон. Мен шу усулда олинган корреляцияга ишонмайман. Ҳозирда мутахассислар маълумотлар сифатига камроқ эътибор берадилар, уларни ахборотни тўплаш ва таҳлил қилишнинг янада мураккаб усулларида фойдаланган ҳолда таҳлил қиладилар.

Тейлор: *Аввал айтганингиздек, университетни тугатгач, ишингиз катта миқдордаги маълумотларга ишлов бериш билан боғлиқ эди. Фикрингизча, ҳозирги кунда бундай иш катта дивидендлар келтирадими?*

Фридман: Йўқ, бундай фикрда эмасман.

Тейлор: *Аксарият ёш иқтисодчилар бундай ишни назарий ишга нисбатан қизиқарли ҳисобламайдилар. Бундай иш билан шуғулланиш сиз учун қизиқарли бўлганми?*

Фридман: Ҳа, бу иш менга илгари ҳам ёққан, ҳозирга қадар ҳам ёқади. Маълумотларда хато сабабларини топишга интилиш – жуда қизиқ иш. Нима учун бу ҳол юз беради? Бу фақат маълумотлардаги муаммо ҳисобланадими? Сўнгра биз буюк назарияларимиз воситасида бу маълумотларни изоҳлашга ҳаракат қиламиз. Мана шунда энг қизиғи бошланади.

МАВЖУД БИЗНЕС-ДАВРЛАР МОДЕЛЛАРИ, ТРЕНДНИ СТАНДАРТЛАШ ВА РЎЁБГА ЧИҚАРИШ

Тейлор: *Статистик таҳлил, хусусан, изчил таҳлил масаласи иқтисодиётдаги трендларга тааллуқли, детерминант трендга қайтасизми ёки йўқми, муҳим эмас. Мавжуд бизнес-даврлар бўйича баъзи ишлар мавжуд ЯИМ трендга қайтмайди деган гоя асосида яратилган. Мавжуд бизнес-давр ҳақида тўғрисида қандай фикрдасиз?*

Фридман: Мен доимо мавжуд бизнес-даврга бир томонлама муносабатда бўлганман, биринчидан, унинг эмпирик методологияси нуқтаи назаридан, у маълумотларни мослаштирамайди, балки стандартлаштиради. Ўйлайманки, уни зарур натижаларни олиш учун ишончли усул дейиш мумкин эмас. Евгений Слуцкий буни кўп йиллар илгари исботлаб берган.

Тейлор: *Бу масалага батафсилроқ тўхтала оласизми? Нима учун бу усулни нотўғри деб ҳисоблайсиз?*

Фридман: Бу гипотезани илгари суришга жуда мос келади, лекин уни текширишга ярамайди. Агар мен статистика маълумотларини ушбу



стандартлаш орқали маълум натижага эришасиз, у кузатув маълумотларига мос келади деб кўрсатсам, яхши, бу – қизиқ ҳолат. Лекин, уларни таҳлил ёрдамида текшириб, кўриб чиқсак, шу тариха мавжуд маълумотларни такрор ишлаб чиқиш ва давр прогнозини тузиш, у бўйича гипотезани ифодалаш пайтида сизда маълумотлар бўлмаслиги мумкинми?

Тейлор: *Демак, бунга битти бизнес-даври етарли эмас.*

Фридман: Мен ҳам шу ҳақда гапиряпман. Слуцкий буни тасодифий иқтисодий шокларни аккумуляциялаш орқали исботлаган. Эҳтимол, Слуцкий қаторлари бу ердадир (*6.1-расми кўрсатади*). Ишончим комилки, иқтисодиётдаги қисқа муддатли тебранишлар тасодифий шокларни аккумуляциялаш ҳисобланади. Мен бизнес-даврлар мавжудлигига ишонмайман. Фикримча, уларга таъсирнинг тебраниш ва механизмлари мавжуд. Иқтисодиётнинг турли ташкил этувчилари тизимдаги ўзгаришларга, мунтазам таъсир этади, лекин Митчелл ифодалашга уринган даврий такрорланувчи даврлар нуктаи назаридан, фикримча, улар мавжуд эмас.

Тейлор: *Иқтисодиёт пасайишдан сўнг трендга қайтиши ҳақидаги гояни маъқуллайсизми?*

Фридман: Ҳа, бу масала юзасидан бошқа фикрларни билмайман.

Тейлор: *Аксинча нуктаи назар шундан иборатки, агар сиз рецессиянинг қуйи нуктасида бўлсангиз, у ҳолда кейинчалик юқориловчи тренд бўлишини тахмин қиласиз.*

Фридман: Мен нима ҳақда сўзлаётганингизни тушундим. Йўқ-йўқ, асосий мувозанат нуктаси мавжуд ҳамда умуман иқтисодиёт айнан шу ерга қайтади. Лекин бу тренд баъзан ўзгариши мумкин. Албатта, агар бирор ҳолат 100 йил давом этаётган бўлса, у ҳолда сиз бу ҳолат бошқа юз бермайди дея гумон билан қарашингиз керак.

ТАБИЙ ИШСИЗЛИК ДАРАЖАСИ ГИПОТЕЗАСИ

Тейлор: *Келинг, мувозанат концепцияси, янаям аниқроғи, табиий ишсизлик даражаси ҳақида суҳбатлашайлик. У сиз туфайли шу даражада машҳур бўлган эди. 1967 йил декабр ойида Америка иқтисодий уюшмасидаги нутқингиз Филлипс эгри чизиги ва табиий ишсизлик даражасига бағишланган. У муҳим ҳодиса сифатида баҳоланган. Бу ҳақда сўзлаб бера оласизми?*

Фридман: Нутқимдаги асосий ғоялар менинг белгиланган мажлисдаги шарҳларимда дастлаб овозлаштирилган, унинг баённомалари Жорж Шульц ва Роберт Алибер таҳрири остидаги китобга киритилган (Солоу, 1966).



Ишончим комилки, асосий ғоя ушбу мажлисдаги мунозара натижасида, биринчи навбатда, Самуэлсон ва Солоунинг Филлипс эгри чизиғига бағишланган ишларига нисбатан пайдо бўлган. Менда қачон бундай ғоялар юзага келганини аниқ айта олмайман. Билганларим: 1967 йилдаги нутқимдан сўнг, илгари чоп эттирган ғояларга нисбатан янги ғоялар пайдо бўлмади. Мен нутқ сўзлаган пайтда Артур Бёрнс раислик қилганди. У, доимгидек, ҳамма нутқларни яхши қабул қиларди – унга, одатда, менинг ишларим маъқул эди.

Тейлор: *Ҳазиллашяписизми? У ҳамма ишларингизни ўқиганми?*

Фридман: Ҳа, ўқиган. Менга ҳам унинг ишлари ёқарди. Бёрнснинг ФЗТдаги раҳбарлиги ҳақида сўзлашимга қарамай, уни энг яхши иқтисодчи деб биламан. У тилни ўзгача ҳис этар, ундан унумли фойдаланарди. Бёрнс ишларимнинг беқиёс танқидчиси эди. Мени нотўғри тушунманг, у мен ёзган фикрларни маъқулларди, лекин ўша пайтда фикримни маъқуллашига ишонмагандим. Лекин у илк қораламалар босқичидаёқ ўз шарҳини берувчилар қаторига кирарди. У пайтда бу ғоя шундай самара беради деб ўйламаганман. Бу бахтли тасодиф туфайли юз берди, шундан сўнг сиз менинг ғояларимни тестдан ўтказдингиз.

Тейлор: *Ҳа, бу таҳсинга сазовор эди.*

Фридман: Бу прогноз кейинроқ тасдиқланган баъзи ҳолатлардан бири эди.

Тейлор: *Бу мавзу уюшмада нутқ сўзлаш учун қай даражада тўғри эканлиги тўғрисида узоқ ўйлаганмисиз?*

Фридман: Бу лаҳзада нима устида ишланганим тўғрисида доим сўзлашни истайсиз. У даврда менинг ишим пул-кредит сиёсати билан боғлиқ эди, шунинг учун мен пул-кредит сиёсатининг роли тўғрисида сўзлаганман.

Тейлор: *Албатта, бу иш бошқа мутахассислар томонидан шу мавзуда иш олиб боришларига тўртки бўлди. Айтиш мумкинки, оқилона кутилмалар соҳасидаги инқилоб шу тадқиқот туфайли юз берди, чунки асосий эътибор кутилмаларга қаратилган эди.*

Фридман: Фикримча, бу муҳим ҳодиса эди. Лекин оқилона кутилмаларга келсак, бу ерда Боб Лукаснинг ҳиссаси катта.

ОҚИЛОНА КУТИЛМАЛАР

Тейлор: *Шу муносабат билан пулларнинг қисқа муддатли таъсири сабаблари юзасидан савол туғилади. Айтинг-чи, бу маълум даражада амалга ошмаган кутилмалар омилими ёки бу ерда музлатилган пуллар ва иш ҳақи ўз ўрнига эга бўлдими?*



Фридман: Икковини ҳам, шубҳасиз, жиддий сабаб деб ҳисоблаш мумкин. Охир-оқибатда, иш ҳақи тўғрисидаги келишув бир кунга эмас, балки бир/икки/уч йилга тузилади. Нархлар ўзгариши жуда қимматга тушади, лекин, ўйлайманки, кутилмаларга қаратилган йўналишлар аввалги ҳодисаларни ҳисобга олиши ва уни тузатиш жуда тез юз бермаслиги янада муҳимдир. Ўтган ҳодиса таъсирида юз берган кутилмаларнинг ўзгариши маълум вақт талаб этади.

Тейлор: *Бу оқилона кутилмалар назариясини маъқуллашингизни аниқлашди?*

Фридман: Принципиал жиҳатдан «Ўз оқилона кутилмаларингизни қандай шакллантирасиз» деган савол йўқ. Сиз эртага нима бўлиши ҳақда сўзлайсиз. Нарх ё ошиши, ё пасайиши мумкин. Агар у ошса, унинг ошиши эҳтимоли бирга тенг, унинг пасайиш эҳтимоли нолга тенг.

Оқилона кутилмалар қуйидагича бўлади: сизда эртага ҳаракатнинг ортиш ёки пасайиш эҳтимоли қандай деган савол туғилади. Ўзингизга: «Ҳодиса қандай юз беради, у амалга ошган-ошмаганлигини билгач, кутилма бўлади. Таъкидлаганимдек, нархнинг юқорига кўтарилиши эҳтимоли 60 % га тенг эди, ҳақиқатда у ошди. Бу тасдиқми? Айта олмайман. Менга бундай мисоллардан кўпроғи керак». Шунинг учун «аниқ оқилона кутилмалар» ғояси алоҳида мазмунга эга эмас.

Агар ғоя эртага содир бўлувчи ҳодисани прогнозлашга интилишдан иборат бўлса, у ҳолда оқилона кутилмалар, шубҳасиз, аҳамиятга эга. Улар аввалги тажрибага асосан тузилади, шунинг учун кутилмада баъзи оқсашлар бўлиб, уларни енгиш керак.

МОНЕТАР ИҚТИСОДИЁТДА МУНОЗАРЛАРНИНГ ЎРНИ

Тейлор: *Ўйлайманки, макроиқтисодиётдаги бу баҳслар кишиларни ушбу фанга қизиқтириш, уларни шунга қизиқтириш янада фаол тадқиқот фаолиятига сабаб бўлади. Сизда мунозараларни ўзгартиришнинг бирор-бир стратегияси бўлганми?*

Фридман: Бундай деб ўйламайман. Лекин шундай бўлиб қолди. Ўз ўзидан юз берувчи аксарият ҳодисалар режалаштирилган ишларга нисбатан янада қимматли ва қизиқарли бўлиб қолади.

Тейлор: *Қай тарзда ажойиб мунозарачи бўлгансиз? Бу ҳам ўз ўзидан юз берганми?*

Фридман: Ҳа, айнан шундай.

Тейлор: *Сиз коллежда мунозарачи бўлганмисиз?*



Фридман: Мени мунозарага жалб этиш мумкин эди, лекин мен бу иш билан фаол шуғулланмаганман. Мен суҳбатлашишни жуда ёқтираман. Бахслашишни севаман. Ўз фикрини қўллаб-қувватлашга турли асосларни топиш рағбати мавжудлиги менга ёқади. Лекин мунозарачи бўлиш учун ҳеч қачон уринмаганман.

Тейлор: *Бу – кишиларни қизиқтиришнинг яхши усули.*

Фридман: Фикрингизга қўшиламан. Ўз фикри, ўз нуқтаи назарида катъий турадиганлар ёқади кишиларга. Иқтисодчига келсак, у ҳам бир аниқ нуқтаи назарга эга бўлиши керак.

Тейлор: *Мен «лекин бошқа томондан...» деб юбормаслик учун ўзимни назорат қилишимга тўғри келади.*

Фридман: Худди шундай!

Тейлор: *Бирор ишни бажариш-бажармаслик учун сизда аниқ қоидалар мавжудми?*

Фридман: Йўқ, ҳеч қачон. Аксарият кишиларнинг фикрича, мен узоқ муддатли режалар тузаман, бирор-бир ишни олдиндан режалаштираман. Менда бирон нарсани режалаштириш фикри бўлмаган. Ҳамма нарса ўз-ўзидан содир бўлади. Бунда фақат омад муҳим аҳамиятга эга. Буни маълум жиҳатдан президентлик сайловлари билан қиёслаш мумкин.

ҲОЗИРГИ КУНДА КАПИТАЛИЗМ ВА ЭРКИНЛИК

Тейлор: *Келинг, капитализм ва эркинлик мавзусидаги ишингиз ҳақида суҳбатлашайлик. «Капитализм ва эркинлик» китоби 1962 йилда чоп этилган ҳамда кўпгина мамлакатлардаги кишиларга таъсир кўрсатди. Лекин, китобнинг давомини ёзмадингиз. Нима учун?*

Фридман: Ўйлайманки, бу маънода «Танлов эркинлиги» шундай китоб ҳисобланиб, унинг мавзуси бошқа томондан кўриб чиқилади. Лекин, натижада, фан ва иқтисодиёт менинг асосий фаолиятим ҳисобланади, бошқа нарсалар иккинчи ўринга ўтади.

Тейлор: *Сиз «Капитализм ва эркинлик» китобини назарда тутаясизми?*

Фридман: Ҳа. Бу 1956 йилда Уобаш коллежида катта ўқитувчиларга ёзги конференцияда ўқиган маърузаларим бўлган. Ташкилотчилар мен эркин бозорларга эътибор қаратишимни истаганлар, бу маърузалар «Капитализм ва эркинлик» китобига асос бўлган. Дастлаб китоб бўлади деб ўйламаганман уни.

Тейлор: *Уларни тайёрлашга кўп вақт сарфлаганмисиз?*



Фридман: Маъруза ёзиш, шунингдек, китобни таҳрир қилиш учун менга кўп вақт керак бўлди, лекин у ишдан кўра ҳобби эди. Маърузадаги фикрларни кенгайтириш бўйича ишнинг катта қисмини турмуш ўртоғим амалга оширди.

Тейлор: *Яъни, бу китоб сизнинг жамоатчилик асосидаги ишингизнинг бир қисми бўлганми?*

Фридман: Бу – менинг севимли машғулоти. Кўпинча ёнимга ўз эркин ғояларини илгари суриш ёки сиёсат билан шуғулланишни истовчи талабалар келишарди. Маслаҳатим: буни касбга айланторманг. Ишонган ва амалга оширса бўладиган иш устида ишланг, бу бирон-бир мафкуравий таркибий қисмга эга бўлмаслиги керак, шу тариқа маълум асосни яратади. Сўнгра жамоатчилик иши билан шуғуллана бошлайсиз, ҳар ҳолда, у сизни ўзи топади ҳамда ишонган нарсангизга таъсир кўрсатади, бинобарин, ишончингиз унга кўпроқ таъсир этади. Шунинг учун кишилар Вашингтонда узоқ қолиб кетадилар деб ўйлайман.

Тейлор: *Ёдимда, Иқтисодий маслаҳат кенгаши аъзоси бўлиб, Вашингтонда ишлаганимда шундай дейишган менга ҳам. Сиздан сиёсат билан боғлиқ муҳим масалада қўллаб-қувватлашингизни сўраганман, сиз эса: «Стэнфордга қайтганингиз яхши эмасми? Бу ерда кўп қолиб кетдингиз», – деган эдингиз. Қандай қилиб бундай мавқега эришгансиз?*

Фридман: Мен Вашингтондан узоқроқ бўлишга интилганман.

Тейлор: *«Капитализм ва эркинлик» китобининг замонавий ҳодисаларга бағишланган янги наشري пайдо бўлишини истармингиз? Кўп жиҳатдан дунёда сиз аввал башорат қилган ҳодисалар юз бермоқда. Сизга яна бир китоб керакми? Дунё ўзгармоқда деб ўйлайсизми?*

Фридман: Ҳа, шундай китоб керак, лекин ҳозир уни ёза олмайман. Ҳар ҳолда, ҳамма нарса ёмонлашди. Ҳозирги кунда ЯИМдаги давлат харажатлари улуши «Капитализм ва эркинлик» китоби чоп этилган пайтга нисбатан юқори. Сезиларлича юқори. Адашмасам, у пайтда бу рақам 30 % ни ташкил этган, ҳозирги кунда 40 % ни ташкил этади.

Тейлор: *Сиз Қўшма Штатларни назарда тутаясизми?*

Фридман: Ҳа, Қўшма Штатларни. Лекин, жаҳонда ҳам шундай. Мен 10–12 та мамлакат бўйича маълумотларни бирлаштирдим, уларнинг ҳар бирида давлат харажатлари ортарди. Эркин бозор ҳамжамияти учун жамоатчилик фикри ишбилармонлар доирасига нисбатан аҳамиятлироқдир. Бизда ҳозирги кунда мавжуд тартибга солиш тизимига назар ташланг.



Тейлор: *Бу – ҳақиқат, ҳозирги кунда ижтимоий тартибга солиш кучлироқ, лекин жаҳондаги миллионлаб кишилар коммунистик тизимдан холи бўлганларига унча кўп бўлмади.*

Фридман: Ҳа, тўғри. Бу, шубҳасиз, биринчи навбатда, собиқ социалистик мамлакатларга нисбатан адолатли қарор. Лекин, Буюк Британия, Франция ёки Германия сингари мамлакатлар, назаримда, 30-40 йил аввалги ҳолатга нисбатан тартибга солинган. Бу улар нотўғри йўналишда эканлигини тасдиқлайди. Шунинг учун янги «Капитализм ва эркинлик» китоби бўйича шарҳга қайтган ҳолда ишонч билан айтиш мумкинки, бу китоб ишни ҳозир биз яшаётган даврдан бошлаш учун зарурдир.

МОНЕТАР ИТТИФОҚЛАР ВА МОСЛАШУВЧАН ВАЛЮТА КУРСЛАРИ

Тейлор: *Ҳозир глобал иқтисодиёт маъносида пул масаласи ҳақида сўзлашни истардим. Янги ягона Европа валютаси ҳамда Роберт Манделл мавжуд, у жаҳонга ягона валюта керак дея таъкидлаган. Аргентинани долларлаштириш ҳам муҳокама қилинмоқда, Бразилия эса ўзида сузувчи курсни амалга оширишга мойил. Бу нимага олиб келади?*

Фридман: Илмий нуқтаи назардан, евро – жуда қизиқ валюта. Ўйлайманки, бу мўъжиза бўлади. Эҳтимол, бу – анча қатъий фикр. Лекин, бу валюта катта муваффиятга эга бўлишининг эҳтимоли кам деб ҳисоблайман. Ҳамма шуни истарди. Мен сиёсий нуқтаи назардан, лекин... иқтисодчи сифатида янги валюта муваффақиятининг гувоҳи бўлишни истардим. Назаримда, Ирландия ва Италия орасидаги фарқни кўрганимизда реал муаммолар мавжуд.

Бу мамлакатлардаги пул-кредит сиёсатига турли ёндашувлар зарур, лекин ягона валюта шароитида буни амалга оширишнинг иложи йўқ. Бу мустақил мамлакатлар аксарият италияликларнинг Ирландияга, аксинча, ирландияликларнинг Италияга сафар қилиши – мушкул ҳолат. Шунинг учун мен Манделлнинг еврога нисбатан чексиз ташаббусини маъқулламайман. Лекин, бу иш қандай амалга оширилишини кўриш қизиқ. Масалан, менинг кўлимга шундай тадқиқот тушдики, унда муаллиф ягона валюта қай тарзда мамлакатлар ўртасидаги товар айланма ҳажмига таъсир этишини кўриб чиқишга интилган. Натижа беқиёс эди. Ягона валютанинг самараси географик яқинлик ёки мослашувчан валюта курсларига нисбатан тўрт баробар ортиқ бўлди. Бу – бир мисол, холос.



Тейлор: *Кўйлаб регрессиялардан эҳтиёт бўлинг!*

Фридман: Тўғри фикр! Маълум маънода евро учун хатарларнинг баҳоларидан бир нарса – ягона валютанинг мамлакатлар ўртасидаги товар айланма ҳажмига таъсирини чиқариб ташлашим мумкин. Агар бу савдога кучли таъсир этса, у ҳолда кишиларнинг мамлакатлар ўртасида фаол ҳаракатланиши ўрнини босувчи жиҳат бўлиши мумкин.

Тейлор: *Фикрингизча, евронинг қадрсизланиши – ёмон белгими? [ўша пайтда 1 евро = 0,9 АҚШ долл. бўлган].*

Фридман: Ҳечам. Ҳозирги кунда евро етарлича баҳоланмагани, АҚШ доллари эса ортиқча баҳолангани – тушунарли ҳолат. Евронинг етарлича баҳоланмаганлиги Европанинг оддий аҳолисидан фарқли ўлароқ, Европа ишлаб чиқарувчилари учун қўл келади. Бу, ўз навбатида, АҚШдаги истеъмолчи учун фойдали бўлса, америкалик ишлаб чиқарувчиларга зарар келтиради. Кейинги йилларда иккала валютанинг яқинлашиши учун ҳеч қандай ўзгариш юз бермайди – евро нархи бўйича долларга нисбатан кўтарилади, доллар эса қадрсизланади.

Тейлор: *Кенг тарқалган ишларингиздан бирида сиз мослашувчан валюта курслари зоясини ҳимоя қилгансиз, лекин бу мақолада макроиқтисодиётдан фарқли равишда микроиқтисодиётга кўпроқ урғу бергансиз. Бу ҳақда сўзлаб бера оласизми?*

Фридман: Мақола ёзиш фикри, 1950 йил Маршалл дастури сифатида танилган «Европа тараққиёт дастури»да маслаҳатчи бўлиб ишлаётганимда, Францияга уч ойлик сафарим натижасида пайдо бўлган. Бу пайтда Германияда тўлов баланси юзасидан муаммо юзага келиб, мендан бу муаммоларни ҳал этиш таклифлари бўйича таҳлил ўтказишни сўрадилар. Мен немис маркасининг сузувчи курсини йўлга қўйиш яхши фойда беради деган хулосага келдим, лекин бу ўша даврдаги қарашларга тўғри келмасди, шунинг учун ҳал этиш усули бекор қилинди.

Тейлор: *Бу мақола, кўпгина мақолаларингиз сингари, катта номувофиқликка эга эди.*

Фридман: Ҳа, шундай бўлди ҳам.

Тейлор: *Нима учун баъзи зоялар, бошқаларига нисбатан кўпроқ таъсир кўрсатиши тўғрисида ўйлаб кўрганмисиз?*

Фридман: Фикримча, қайси ғоя муваффақият қозонишини топишнинг деярли иложи йўқ. Бунинг ўзингиз ҳам яхши биласиз. Сиз «Тейлор қоидаси»ни яратиш давомида у умумқабул қилинган фикрга айланишини тахмин қилмагансиз-ку.

Тейлор: *Ҳа, сиз ҳақсиз.*



Фридман: Гоянинг маъқулланиши ёки рад этилиши, вазият тақозосидир. Кўп нарса муайян вазиятларга боғлиқ.

Тейлор: *Шу тариқа суҳбатимизни яқунлаш ҳам мумкин. Лекин, яна бирор қўшимча қилмоқчидирсиз?*

Фридман: Йўқ. Ўзи жуда кўп гапириб юбордим.

Тейлор: *Суҳбатингиз учун раҳмат. Мен ундан катта таассурот олдим.*

Э С Л А Т М А

Суҳбатни таҳрир этган ҳолда, Милтон Фридман «тартибга солувчи» тушунчасига қуйидагича таъриф берди: «Иситиш тизими мавжудлиги, лекин терморегулятор мавжуд эмаслигида хонадаги ҳарорат тизимга келиб тушувчи ёнилги миқдори билан ижобий корреляцияга эга бўлади ҳамда сезиларлича вариантлари бўлиши мумкин. Маълум ҳароратга мўлжалланган терморегулятор мавжудлигида тизимга келиб тушувчи ёнилги ва хонадаги ҳарорат орасидаги корреляция нолга тенг, тизимга келиб тушувчи ёнилги ва ташқи ҳарорат орасидаги корреляция салбий бўлади. Бундан ташқари, хонадаги ҳарорат ўзгариши сезиларсиз бўлади.

Айният бўйича муваффақиятли пул-кредит сиёсатисиз иқтисодиётни барқарорлаштириши (тартибга солувчи) учун пул миқдори (ёнилги) ва ЯИМ (ҳарорат) ўртасида ижобий корреляция кузатилади, бу 1-расмда кўрсатилган, 1992 йилга қадар иккови ҳам сезиларлича ўзгаради. Муваффақиятли пул-кредит сиёсати ўтказилганда пул миқдори ва ЯИМ ўртасида нолга тенг корреляцияни кўрамиз, бу эса 1992 йилдан сўнг 1-расмда кўрсатилганидек кўриниш олган. Бунда пул массаси сезиларлича ўзгариши мумкин, лекин ЯИМ сезиларсиз ўзгаради (1992 йилдан сўнг, 6.1-расмдаги ҳолатда бўлган)».

Суҳбатни Жон Тейлор олиб борди.

**Стенфорд университети,
2002 йил.**



ПОЛ ЭНТОНИ САМУЭЛЬСОН



1915 йил 15 майда АҚШнинг Индиана штатида дунёга келган. Пол Самуэльсон кичик Гари шаҳарчасида (Индиана) шу ерлик фармацевт Франк Самуэльсон ва асли польшалик яҳудий иммигрант Элла Липтон хонадонида дунёга келган. Полнинг укаси, иқтисодчи Роберт Суммерс ёшлигида фамилиясини ўзгартирган, Кеннет Арроунинг сингиси билан турмуш қурган, уларнинг ўғли, собиқ молия вазири Лоуренс Суммерс ҳисобланади.

Америкалик иқтисодчи, иқтисодиёт бўйича «статистик ва динамик иқтисодий назарияни ривожлантиргани учун» Нобель мукофоти совриндори бўлди. Иқтисодиёт соҳасидаги умумий таҳлил даражасини оширишга ҳисса қўйди. У Чикаго университетида ўқиган ва 1935 йилда бакалавр даражасини олган. 1936 йилда магистр даражасини, 1941 йилда эса Гарвардда фалсафа доктори илмий даражасига эга бўлган. Массачусетс технологиялар институти профессори бўлган. 1948 йилда Гуггенхайм стипендиясини қўлга киритган.

1960-йилларда у президентлар Ж.Ф.Кеннеди ва Л.Жонсоннинг иқтисодий маслаҳатчиси бўлиб фаолият юритади. Сўнгра, халқаро иқтисодий уюшма президенти (1965–1968), Эконометрика ҳамжамияти президенти (1952), Британия Академияси мухбир аъзоси (1960), Америка иқтисодий ассоциацияси Президенти (1961) бўлиб ҳам фаолият юритди. Сўнг АҚШ Миллий Фанлар академиясининг аъзоси (1970) бўлишга мушарраф бўлди. У Ж.Б.Кларк медали (1947) ва АҚШ Миллий илмий медали (1996) билан ҳам тақдирланган.

Пол Самуэльсон иқтисод бўйича энг машҳур «**Иқтисодиёт: муқаддима таҳлили**» дарслиги муаллифи бўлиб, унинг биринчи нашри 1948 йилда чоп этилган. Бу кейнсианизм тамойилларини тушунтирган иккинчи Америка китоби эди. Мазкур китобнинг дунё бўйлаб жами сотувлар ҳажми 4 миллион нусхани ташкил этади ва китоб 40 та тилга таржима қилинган.



ПОЛ САМУЭЛЬСОН БИЛАН СУҲБАТ

Одатда, суҳбат олиб борадиган киши ўз материални кириш қисмидан бошлаб, унда интервью олиб бориш ҳолатлари ҳақида ҳикоя қилади ва интервью мавзусининг мазмуни ва суҳбатлашаётган кишининг иши қанчалик муҳим эканлиги ҳақида қисқача тафсилот ҳам бериб ўтади. Бироқ, бу гал, журналнинг таҳрири сифатида, Пол Самуэльсондек, буюк олим нима иш қилганлигига баҳо бериш мен томондан йўл қўйилган беорлик бўлмасмикан деб ўйладим. Унинг ҳиссаси нақадар улкан ва чексизки (у 50 йилдан ортиқ вақт давомида тахминан ойига биттадан илмий иш ёзган), у замонавий иқтисодиёт назариясининг ҳар бир соҳасида из қолдирган! Унинг илмий мероси 550 та мақола ҳамда афсонага айланган китоблардан ташкил топган. Бир куни у «Кимга керак бўлса, у давлат қонунларини излайверсин, мен эса улар учун дарсликлар ёзаман» деган экан.

Пол Самуэльсон фаолияти тўғрисида ўзим ёзмасдан, Янги мактаб (Нью-Йорк) университети томонидан ташкил этилган The History of Economic Thought сайтидан олинган қуйидаги қитата билан чегараланиб қолдим:

Пол Самуэльсон, XX аср иккинчи ярмининг иқтисодиёт фанини ифодалаган шахс бўлса керак. Энг муваффақиятли ўқув қўлланмаси (1948) муаллифи иқтисодиёт фанининг гуллаб-яшнашига ўз ҳиссасини қўшганлар қаторига киритилган ва, бунинг натижасида, деярли ҳаммаси учун – тўғри ва нотўғри ишлари учун, бир вақтнинг ўзида уни ҳам мақташган, ҳам танқид қилишган.

«Иқтисодий таҳлил асослари» (1947) Самуэльсоннинг энг машҳур асарларидан бири бўлиб, ушбу китоб неоклассик иқтисодий назарияни вужудга келтирган ва иқтисодиётнинг математиклаш асри бошланишига тurtки бўлган. Пол Самуэльсон урушдан кейинги даврда микроиқтисодиётда Парето қоидаларини ва макроиқтисодиётда неокейнс синтезини қўллаганлардан бири. Шумпетер ва Леонтьевлардан сабоқ олган, Гарварднинг 1930-йиллар битирувчилари авлодининг «вундеркинди» Пол Самуэльсон – иқтисодий назария ҳақида ўта чуқур билим эгаси. Самуэльсон диссертацияси охирлай деб қолган пайтда, Шумпетер Леонтьевдан «Василий, сиз нима деб ўйлайсиз, биз



имтиҳондан ўта олдикми?» деб сўраган экан. Пол Самуэльсон Массачусетс технологиялар институтига кетади ва у ерда ўз замонасининг кучли иқтисодиёт факультетларидан бирини ташкил этади. Унга Роберт Солоу қўшилади ва у унинг сафдоши бўлиб қолади ҳамда вақти-вақти билан Самуэльсоннинг кўплаб асарлари ҳаммуаллифи сифатида намоён бўлади.

Пол Самуэльсон иқтисодиёт назариясига шунчалик улкан ҳисса қўшганки, уларни санаб ўтишининг иложи йўқ. У иқтисодиёт соҳасидаги асарларнинг энг самарали муаллифларидан бири бўлган. Унинг «Асослар»да яққол намоён қилинган назарияга бўлган ёндашуви неоклассик иқтисодиётнинг акси сифатида хизмат қилувчи икки қоидани ўз ичига олган. Ушбу қоидани қўйидаги тарзда ифодалаш мумкин: ҳар бир иқтисодий муаммога нисбатан 1) ўзгарувчан миқдорлар сонини қисқартириб, оддий иқтисодий ўзаро алоқалар миқдорининг энг кам миқдорини қолдириш; 2) иложи бўлса, уни берилган чегараланишлар билан оптималлаштириш муаммоси сифатида қайта ифодалаш керак.

Аниқланган афзалликлар назарияси (1938, 1947) унинг микроиқтисодиётга қўшган ҳиссаси бўлди. Мазкур назария, унинг миқдорий аниқлашлар ва афзалликлар фойдалилигининг интеграциялануви соҳасидаги тадқиқотлари Каби, Дебрё, Жорджеску-Регена ва Узаваларнинг кейинги тадқиқотлари учун йўл очиб берди.

У умумий мувозанатлашув моделларида динамик барқарорлик соҳасидаги кашфиётларида муваффақиятли қўлланилган «мувофиқлик тамойили» тушунчасини киритиб, қийёсий статика ва динамикадан фойдаланиш ташаббускори бўлган. Бугунги кунга келиб «Бергсон-Самуэльсон жамоат фаровонлиги функцияси» деб аталувчи кашфиёти ҳамда неоклассик назарияга «жамоат фаровонлиги» тушунчасининг киритилиши унинг кашфиётлари ичида муҳимлари бўлиб қолди.

Шунингдек, Самуэльсон замонавий ишлаб чиқариш назариясини яратишга шароит яратиб берди. Унинг «... асослари» асарида айланаб ўтиш тўғрисидаги теорема ҳақида ҳикоя қилинган ва харажатлар вазифаларининг тўлиқ тавсифи берилган. Шунингдек, у техник тараққиёт назариясига ўзининг улкан ҳиссасини қўшган. Унинг капитал назарияси бўйича асарлари, низоли бўлса-да, жуда машҳур.

У биринчилардан бўлиб, машҳур ноёблик назариясини киритди, унинг Солоу билан биргаликда яратган машҳур асари эса Леонтьевнинг динамик тизимлар таҳлилининг бошланишига асос бўлди. Самуэльсон буларнинг ҳаммасини ўзининг чизикли дастури бўйича 1958 йилда яратган машҳур асарида такрорлади. Мазкур асарда биз фон Нейманнинг



чизиқли тизимларнинг магистрал гипотезаси ҳақида аниқ тушунчага эга бўлишимиз мумкин. Бундан ташқари, Самуэльсон дастлаб ишлаб чиқаришнинг «алмашинувчи» функцияси мавзусини ҳимоя қилиб, кейинчалик эса ўзининг танқидий позициясини секин-асталик билан юмшатиб, «Капитал тўғрисидаги Кембриж дискуссияси»да Жоан Робинсоннинг асосий оппоненти бўлди.

Столпер-Самуэль назарияси ва ишлаб чиқариш омилида нархларни тенглаштириш теоремаси ҳамда савдо оқимлари ва капиталнинг ҳаракатланиши билан боғлиқ бўлган эски муаммо, марксча трансформацияланиш ва классик иқтисодиёт назариясининг бошқа масалаларни ҳал қилиши билан боғлиқ бўлган назарияси билан халқаро савдо назариясида ҳам ўз изини қолдирди.

Унинг мультипликатор ва акселараторлик макродинамик модели, худди дунёга Солоу ва Самуэльсон томонидан тақдим этилган Филлипс эгри чизиги каби, макроиқтисодиётда ҳаққоний эътироф этилди. У Аллэ билан ҳамкорликда яратган, кейинчалик макроиқтисодиётда ва монетаристик назарияда кенг қўлланилган «қайта қопланадиган авлодлар» моделини оммалаштиришга бағишланган асари билан ҳам донг таратди. Спекулятив-нархланишнинг ўсиши мавзуси устида олиб борган иши асосан молиялар назариясида самарали бозор гипотезасининг пайдо бўлишидан олдин кашф этилди. Унинг инвестицион портфелни диверсикациялаш, шунингдек, «ҳаётий портфель» бўйича олиб борган ишлари ҳам кўпчиликка маълум.

1970 йилда иқтисодиёт назарияси тараққиётига қўшган улкан ҳиссаси учун Пол Самуэльсон Нобель мукофоти билан тақдирланди.

Барнетт: Сиз билан бўлиб ўтадиган суҳбатимизнинг кириш қисми сифатида 1929 йилдан 2003 йилгача бўлган давр ичида макроиқтисодиётнинг асосий тенденциялари ҳақида озгина тушунча бериб ўтсангиз.

Самуэльсон: Ҳа, албатта, бироқ шу шарт биланки, менинг радикал кискартмаларим тақдим этилиши мумкин бўлган ҳужжатларга асосланишни талаб этади.

1920-йиллар охирларида макроиқтисодиёт тушунчасини чиқариб ташлашга эҳтиёж қолмади. Америкада ҳам худди Европадагидек банклар ва монетаризм ҳақидаги китобларда Фишер-Маршаллнинг $MV = PQ$ формуласидан фойдаланиш нуқтаи назаридан турли даражадаги трендлар кўриб чиқилмоқда эди. Бундан ташқари, бизнес-цикл бўйича курсларда, айниқса, Америкада, иқтисодий тебранишларнинг



сабаблари қилиб турли тушунчалар берилди: «қуёшдаги доғлар», «руҳий ишончлилиқ», «инвесторлашга етказмаслик», «қайта инвесторлаш» ва ҳ. Чикагода коллежда ва 1935 йилгача Гарвардда Уэсли Митчелл ва Готфрид Ҳаберлер обзорларида статистик тасвирлашларда ўқиганман. Шумпетер, Леонтьев ва Чемберлин каби машҳур олимлар томонидан ёзилган «Қайта тикланиш дастури иқтисодиёти» бўйича унчалиқ жиддий бўлмаган Гарвард китобини ўқиб чиқинг ва сиз обзор ёзувчининг «Гарварднинг энг зўр зукколари гуруҳи режа ишлаб чиқдилар...» сарлавҳасига рози бўласиз.

Канэ, Калецки ва Ж.Кларк каби мартабали ўтмишдошлари билан таққосланган Кейнснинг 1936 йилда чиққан «Умумий назария» асари секин-аста ўша пайтдаги мавжуд бўшлиқни тўлдирди. Бундан ташқари, турли сабабларга кўра, Фишер, Виксель ва Пигу каби, ўша вақтнинг макроиқтисодчилари каби $MV = PQ$ парадигмаси арбоблари «ўлди».

1920 йилнинг бошида Виксель боши берк кўчага кириб қолди, чунки у томонидан таклиф этилган 1914 йилгача мавжуд бўлган валюта паритетига қайтиш сиёсати натижасида, урушдан кейинги даврда ишсизлар сони ошиб кетди. Пулнинг нейтраллигини тасдиқлаган ҳолда, У Сэя қонунига қарши бўлган, бироқ ҳаётининг охирида барибир таслим бўлди. Фишерга келадиган бўлсак, 1924–1934-йиллардаги депрессия даврида унинг шахсий молиявий йўқотишлари уни VQ/V квазиконстанталари $MV = PQ$ тавтологиясида эканлигига ишонч ҳосил қилишга умидлантирди. Умумий қарздорлик дефляцияси ушбу фикрга зид бўлди. 1936 йилда Маршалл ва «классиклар»га нисбатан Кейнснинг анчагина ҳурматсизлиги туфайли юзага келган «Умумий назария»нинг танқидий тақризи шиддат билан бошлангандан сўнг, Пигу ўзининг 1950 йилда яратган «Кейнснинг умумий назарияси: ретроспектив қараш» асарида, «Умумий назария»да келтирилган ёндашувларни маъқуллади.

Бўлиб ўтган бу воқеани эслаганимнинг сабаби шундаки, Милтон Фридман олдин ўтган «худолар» каби ўз фикрини ўзгартирган пайтда, 1950-йилларга келиб, у яна такрорланди ва ўзининг энциклопедик мақолалари ва эмпирик тарихида яна пул ҳақида сўз юритди. Пул ва пул субститутлари соҳасидаги бундай ўзгаришлар юзага келган пайтда бундай обрўнинг эски ғолиблари қарши томонга ўтиб қолгани парадокс туғдиради – телефон ва бошқа замонавий коммуникация воситалари билан ўзаро боғланган ликвид бозорлари, қайд этилган нархга эга бўлган ликвидли қолдиқнинг фоизли ставкаси нарх трендига боғлиқ ҳолда йилига 15 % дан 1 % га ўзгариб турадиган «пул бозорининг хавфсиз фондлари»ни ликвидли қилади – улар аслида **М** катталигини вектор



билан алмаштирадилар ($M_0, M_1, M_2, \dots, M_{17}$, сотувчи курси ва сотиб олувчи ўртасида ўрнатилган фарқ билан беҳисоб облигациялар).

Биз – кўнгилчан олимлар – социалистик ғояларга умид боғлаб, хато йўлга туриб олдик. Бундай танлов ҳақида афсусланиш мумкин – у ESP ёки креационизм ёки шунга ўхшаш бошқа нарсаларни садоқат билан химоя қилувчиларнинг ҳар бирини таърифлаб беради. Коинтеграция, коллинеарлик ва ёмон сабаблар Грейнжерлик тасодифининг мураккаб ҳисобларсиз соддалаштирилган чизикли регрессия ҳамда бошқа эконометрик услублардан фойдаланиш орқали рақобатлашаётган назарияларни тестлашга уринаётган олим ҳам анча заиф. Масалан, Кристофер Симс M ва PQ/V ёки Q га тизимли таъсирини текшириш учун пул таклифи суръатининг доимий ўсишида кўплаб регрессияга M ва **фоизли ставкани** киритганда, фоизли ставка M агрегатидан алоҳида ишлаганда M мустақил ишлагандагига қараганда, фоизли ставкасиз яхшироқ ишлаши маълум бўлди.

Инглизча бир эски мақолда «Таомнинг қанақалигини билмоқчи бўлсанг, уни татиб кўр» дейилган. 1970 йилда Том Куннинг «Илмий инкилоблар тузилмаси» асари билан боғлиқ бўлган бир афсона бўлар эди. Кеннеди замонида яхшигина фойдаланилган кейсианлик ғояси, Қнинг ўсиш кўрсаткичлари ва нархлар даражасида барқарорлик асрининг бошланишига, тўлиқ бандликка эришишга асос яратди. 1966 йилдан сўнг макроиқтисодиётга янги, тубдан бошқача қараш пайдо бўлишига туртки бўлди. Янги парадигма, монистик монетаризм кўпроқ тўғри келади десак муболаға бўлмайди. Шундай қилиб, Қирол Кейнс ўзига нисбатан жамият ҳурматини йўқотди. Қирол ўлди. Яшасин Қирол Милтон!

Келинг фактларни кўрамиз. 1950–1980-йиллардаги 10 та машҳур истикболли даврий моделларни текшириб чиқинг: Уортон Таунсенд-Гринспен, Мичиган модели, Сент-Луис захира банки, Лиф Олсон раҳбарлигидаги иқтисодий департамент ва ҳ.

Федерал захира тизимининг мутахассиси моделларни мақсадли макроўзгаришлар вектори учун танлов ортидаги келажакни тасаввур қилиш аниқлиги нуқтаи назаридан аҳамият қаратганда, 1950-йиллардан кейин монетаризм ҳеч қачон муваффақиятли бўлмаган! 1970-йилларнинг бошида Ширли Алмон ўз тадқиқотларида бир неча квартал мобайнида моделлардан тақсимланган лаглар билан фойдаланган, реал маълумотлар билан бироз вақтинчалик келишувга дучор бўлган. Бироқ, кейинчалик мазкур услубдан Citybankда фойдаланиб, ҳатто Птолемей бўйича эпициклни эпициклга қўшгандан сўнг ҳам аниқ маълумотлар-



дан тизимли фарқ қиладиган монетаристик истиқболли маълумотларни олди.

Маълумотларнинг чуқур таҳлили, барибир статистик мазмунга эришиш имконини бермади. Раҳбарият иқтисодий бўлинишни оқланмаган исрофгарчилик деб ҳисоблаб, дарҳол ундан кутулиб олди. Бу орада, Федерал захира тизими, Массачусетс технологик институти ва Пенсильвания штати университети негизида яратилган ва Италия банкида фойдаланиб бўлинган эски моделни ялаб-юлқашда давом эттирмоқда эди. Бу ерда *М* пул агрегати аҳамиятга эга эди. Бирок, *М* ҳеч қачон 1950 йилдан кейин Фридман монетаризмида тахмин қилгандек тизимли равишда эътиборга олинмаган.

1970-йиллар етказиб беришдаги узилишлар истиқболларни ёмонлаштирди ва унга қарши фискал сиёсат ҳам, Марказий банк ҳам қарши бўлган стагфляциянинг юзага келишига олиб келди. Бу эса, ҳукумат муҳитининг ортиқча даражада ўзига ишонишини кўрсатди – монетаризм тўғри истиқболли иқтисодий сиёсатни юзага келтирмайди.

Барнетт: *Келинг, сизнинг 1936 йилдан кейин макроиқтисодийёт соҳасида ёзган асарларингизга, сизнинг муваффақиятларингиз ва муваффақиятсизликларингизга, маслакларингиз ва гоёларингиз эволюциясига қайтамиз.*

Самуэльсон: Ўзим билан ҳамда 1932 йилдан 1936 йилгача бўлган даврдаги ўқишим натижалари билан олиб борган бирозгина курашлардан сўнг, мен «Умумий назария»нинг асосий парадигмасидан фойдалана бошладим: миллионлаб ишсизлар ишловчиларга ҳавас қиладилар, ишловчилар эса ишламайдиганларнинг ўрнида бўлишни хоҳлайдилар ва бир вақтнинг ўзида ўз ишини йўқотиб қўйишдан кўрқиб яшайдилар. Ушбу аниқланган фактларнинг барчаси, кафолатланган тўлик бандлик таъминланганда, нархлар аукцион бозор талаб қилганчалик унчалик шиддатли эмаслигининг исботи сифатида хизмат қилади. 1936 йилда янги парадигмани яратиш учун рухсат этилган ушбу «микромашфиётлар»ни қабул қилсам, оқилона йўл тутган бўлар эдим.

Кейинроқ, Лейонхувуд деган олим Кейнснинг нозик интуицияси борасида ўзининг шубҳасини билдирди ва «Умумий назария»нинг ўхшаш вариантини ютқизиб қўйди. Мен биламан, у ноҳақ эди. Дебатлар учун мисол тариқасида Хикс диаграммаси IS-LM деб номланувчи Хикс-Ҳансен диаграммасини олиш мумкин. Ҳансен ҳеч қачон ушбу диаграммани қандайдир умуман янги деб ҳисоблашларини истамаган. Бирок, аслида, Гарольд-Кейнснинг тизимини худди шу муваффақиятга эришган деб аташ мумкин. Ҳар қандай вазиятда ҳам у аввал пайдо бўл-



ган Реддавей ҳамда Мид ва Лангнинг бир-бири билан боғлиқ бўлмаган кўплаб тенгламаларига нисбатан изоморф эди. Гарвардда иккинчи босқич талабаси бўлиб юрганимда Лейонхуфвуд томонидан асосий ғоясининг афзалликларини ерга уриш ва унинг асоссизлигини кўрсатиш учун танлаб олинган Кейнс тизимиغا Кейнс сўзларини киритганман.

Дарвинизмда дин бўлмаганлиги каби менинг кейнсчилик ғоялари тарафдори бўлган кезларимда ликвидлик қопқонлари кейнсчиликнинг содда моделидан устун бўлиб келган деб ҳисоблаганман.

1939 йилга келиб, Тобин диссертациясидаги тезислар туфайли бойлик тушунчаси тубдан истеъмол функциясига киритилди. Модильянининг 1944 йилда ёзилган ажойиб асари Кейнснинг 1936 йилги ғоясини ривожлантириб юборди. Бизнинг Кан ва Робинсондек инглиз ҳамкасбларимизнинг бўшлиги Надсен-Тобин, Мецлер, Самуэльсон, Модильяни, Солоу мактабига тегишли бўлган америкалик кейнсчиларнинг аччиғини келтира бошлади. Уларнинг идроксизлиги Редклифф Қўмитасининг 1959 йилдаги докладидан кейин аниқ билинди.

Рейганнинг бюджет дефицити ҳақидаги охиригача ўйлаб кўрилмаган сиёсати V нинг юқори фоизли ставкаларни рағбатлантириш йўли билан тизимли равишда ошишига олиб келиши мумкинлигини Фридман бўрттирганми ёки аҳамиятсиз деб ҳисоблаганми, унинг макроиктисодий модели анчагина эксцентрик бўлиши мумкин эди.

1980 йилдан бошлаб Массачусетс технологиялар институтида илмий даражани олган иқтисодчиларнинг кўпчилиги ўзларини кейнсчилар деб ҳисоблашларига гумоним бор. Бироқ, улар ҳам дунёдаги бошқа замонавий иқтисодчилар каби Самуэльсон, Модильяни, Солоу ва Тобин томонидан яратилган моделлардан фойдаланадилар. Гарварднинг 350 йиллиги нишонланаётганда профессор Мартин Фельдштейн иккинчи курсда ўқиётганида кейнсчилар уни жамғармалар концепциясига қарши қилишга уринганлигидан шикоят қилишади. Тобин ва мен ҳам ўша гуруҳда бўлганмиз ва дастлаб бу «нотўғри» ғояларни қабул қилдик, лекин 1955 йилдан бошлаб биз иккимиз ҳам, тўлиқ бандлик ва шиддатли солиқ-бюджет сиёсати келгуси демографик цикл арафасида асосий капиталнинг кўпайишига олиб келади деб тахмин қилинган неоклассик синтезнинг тарафдори эдик. Фельдштейннинг макроиктисодий обзорларида бугунги кунда менга ўхшаш кейнсчилар томонидан фойдаланиладиган парадигмаларни ошкор қилдим.

Бошқа томондан, ҳар қандай мактабнинг ичида бўлинишлар бўлади, Тобин ва Модильяни ҳеч қачон Роберт Эйснер ёки Сидни Вайнтра-



убни кейнсчилар сифатида тан олишмаган, чунки улар маълум фоизли ставкаларни пасайтириш асосий капитални жорий истеъмол ҳисобига ошириши мумкин деб ҳисоблашган. Шунингдек, мен бюджет дефицити мавжудлигига кўз юмадиган ва бу инфляциянинг ошишига сабаб бўлмагунча, Лернернинг оптимал варианты ва функционал молияларини кўриб чиқа олмайман.

1990 йилда мен, иш ҳақидан тўғридан-тўғри ажратмалар тамойилидан бизнинг янги ижтимоий суғурталаш тизимимизни молиялаштириш моделини шакллантиришда ёрдам берган Буюк депрессия вақтларида жой эгаллаган ликвидлик қопқонлари ёки жамғармалар парадокси билан реал дунёда ҳеч қачон тўкнаш келмайман деб ўйлар эдим. Иқтисодиётда истиқболи белгиланаётган нарса албатта рўёбга чиқади. Сўнгги 13 йил ичида Япония ликвидлик қопқонида турибди. 2003 йилда АҚШда ФРС ставкаларни 1%гача туширганда, бу анча «меъерий» ва 4–5% ли ставкаларга нисбатан деярли 0% га яқин дегани эди. Энг яхши макроиқтисодчилар ҳам, микроиқтисодчилар ҳам шу муносабат билан юзага келадиган бир қатор вақтинчалик ностационар қийинчиликларга тайёр туришлари лозим эди.

Вақт бизга имкон берса, кейинроқ мен Сэм қонунининг неоклассицизмлиги ва рационал кутилмалар, шунингдек, амалга оширилаётган тизимли ўзгаришлар билан ҳақиқий ўзгаришларда пулнинг нейтраллиги борасида ўзимнинг қарашларим билан бўлишган бўлар эдим.

Барнетт: *Фридманнинг 1950 йилдаги монетаризм Чикаго университетининг «унутилган анъанаси» натижаси эканлиги ҳақидаги анчагина мунозарали фикри борасида нима дея оласиз?*

Самуэльсон: Университетнинг барча фан чироқларини яхши билман ва университетдаги ёзувларимни сақлаб қўйганман. Фишер-Маршаллнинг макроиқтисодиётдаги $MV = PQ$ ташқари бошқа нарсанинг ўзи бўлмаган.

Дэвид Лайдлер ва Гарварддан чиққан Эллин Янг, Лочилин Керри ва Жон Уильямсларнинг ушбу мавзу асосизлиги ва қайсидир маънода қаршиликлари ҳақидаги фикрларида – ўша вақтда Чикаго университетида макроиқтисодий парадигмаларга Ральф Хоутрининг таъсири катта бўлган дейилган (Ҳамма анча вақт эътиборсиз бўлган). Ва мен ҳамон шундай деб ўйламайман. Катта «ўнлик» университетларидаги кўплаб курслар Хоутрига асосланган, бироқ буни унчалик такомиллаштирмаганлар.

Дон Патинкин мен билан Фридман борасида келишишидан олдин, у 1940 йилда Чикаго университетида бўлган вақтида – унинг универ-



ситетдаги ёзувларида ҳам, ҳаттоки хотирасида ҳам у ерда бирорта анъананинг мавжудлиги борасида ҳатто ҳеч қандай ишора бўлмаганлигини инкор этган. Мен бир неча йил Чикаго университетиде бўлганман – дастлаб 1932 йилда у ерда Фридман пайдо бўлгунича кузда, кейинроқ эса даромадлар ва харажатлар мавзусида тадқиқотлар ўтказишда иштирок этиш учун Колумбия университетига жўнаб кетишимдан олдин. Ўша пайтда Чикаго университети курсларида Минтс, Саймонс, Директор ва Дуглас томонидан макроиктисодиёт бўйича олиб борган курсларни тингладим. Найт, Вайнер, Интем, Минтс ва Гилеонс иштирокида Буюк депрессияга бағишлаб ўтказилган маъруза ва мунозараларда қатнашдим. Менинг ёзувларим ичида ва хотирамда Фишер-Маршалл-Питунинг $MV=PQ$ парадигмаси ҳақидаги Деннис Робертсоннинг машҳур «Пуллар назарияси бўйича Кембриж мактаби бошқаруви» китобида ёзилган нарсалардан ортиқ ҳеч нима йўқ.

Катта курсларнинг энг яхши талабалари сифатида мен Стиглер, Уоллис, Бронфенбренне, Ҳарт каби машҳур битирувчилар, шунингдек, Фридман ва Гомер Жонс билан мулоқотда бўлиш имконига эга бўлганман. Мен бунга ўхшаш нарсалар ҳақида эшитмаган ва ушбу мавзуда ҳеч қандай ишончли нашрларни учратмаганман, шунинг учун шунга ўхшаш афсонани ғояларни ривожлантириш тарихи сифатида кўрсатиш керак эмас деб ҳисоблайман. Ўша пайтда ҳали машҳур бўлмаган Тейлор Острандер ўз дипломини Чикаго университетиде тайёрлаган ва ўша пайтдаги ёзувларини сақлаб қўйган. Мен ундан ва Уоррен Самуэльсдан ўз ёзувларини қараб чиқишларини ва менинг фикрларимни тасдиқлашларини ёки инкор этишларини сўрадим.

1930-йилларнинг бошида Сэя қонуни ва пулларнинг нейтраллигига тегишли бўлган анъанавий ортодоксал ғоялари, АҚШдаги ва дунё инкирозига қарши тура олишга қодир эмаслигини пайқаш учун катта ақлга эга бўлиш шарт эмас. Сеймонс ва Вайнер каби чуқур фикрлай оладиган олимлар замонавий иқтисодий тарихдан, шунчалик оддий бўлган $MV=PQ$ парадигмаси адекватли эмас, унинг «***PQ***ни *M* бошқаради» деган хулосаси – ёлғон.

Албатта, Кейнс ўзининг Пигу томонидан таклиф этилган тизимли ўзгарувчанлик мавжудлигини тан олган ликвидлик афзаллиги парадигмаси ёрдамида виртуал революцияни амалга оширди. 1950 йилда у «Умумий назария»га 1936 йилда ёзган ўзининг шиддатли тақризиде, бу худди 1950 йилдагидек «монистик фридманизм»га айланганлигидан воз кечди.



Мен ҳали талаба бўлган пайтимда, 1935 йилгача Генри Саймонс «ликвидлик қопқони» феноменини аниқлаганига қойил қолиш керак. Агар очик бозорлардаги операцияларни пул таклифлари ҳажмига қўшасак ва бир вақтнинг ўзида уни жиддий пул субститутларини намоеън этувчи, муомаладаги квазинулли даромадга эга бўлган ғазналик векселларидан айириб ташласак, бунда харажатлар ва бандликка нисбатан озгина ортишнигина кутиш мумкин.

Буларнинг барчаси 1938 йилдан бир неча йил аввал, ғазна векселлари даромадлилиги шунчаки кулгили (ҳаттоки, баъзида салбий) даражага етган пайтда содир бўлганлигини қайд этиб ўтиш зарур. 1935 йилда Чикаго Федерал захира банкининг буюртмаси бўйича тайёрланган Вайнер ва Ҳардининг тадқиқотлари, бир қатор экспертларда катта таассурот қолдирди, бироқ уларнинг орасида катта сиёсатни ҳақиқатда тушунадиган одамлар унчалик кўп бўлмаган. Тадқиқотлар муаллифлари, ўша «ликвидлик қопқонлари даври»да эркин пул топиш қийинлиги туфайли, уларга ссуда берадиган қарз берувчиларнинг тажрибаларига изоҳ беришган. Ишончли ғазна векселлари арзонлигининг сабаби шундаки, кредит ресурслари етишмовчилиги ишбилармонлик фаоллигини пасайтиради ва шу тарзда бозордаги қисқа муддатли фоизли ставкаларни деярли нолга тушириб юборади. *V* пасайиш суръатларини секинлаштиришга олиб келган руҳий бош тортиш эмас, бу хато инвестициялар ва номаъқул харажатларнинг кутилаётган даромадлардан ошиб кетишидан иборат бўлган дунёда оқланган мослашув бўлиб, сизни имкон қадар ортиқча пул сарфлашдан қутқасади.

Келинг, Фридманнинг «Бутунжаҳон ижтимоий фанлар энциклопедияси» учун ёзган мақоласига қайтсак. Бу мақолада у *i* (фоиз ставкаси) ва бюджет дефицитининг *V* га бўлган таъсирининг турли вариантларини кўриб чиққан. Бу бизга Фридман узок вақт давомида тасдиқлаган Саймонс-Вайнер-Ҳардининг Чикаго афсонаси унчалик эски эмаслигини исботлаш имконини берди. Чикаго университетининг 1932 йилдаги бюджет маблағларининг дефицитли сарфланишининг ортиши борасидаги декларацияси, $\delta(PQ)$ δM нисбати ҳаракатлари чегараланганини тан олиш бўлди. Фридман ғояларининг замонавий логика позициясидан ёрқин тарафдори мазкур декларацияни имзолашдан бош тортиши керак эди. Шу орада Лондонда Хайекнинг «Нархлар ва ишлаб чиқариш» асари авваллари доно ҳисобланган Лайонел Роббинсоннинг қарашларига таъсир кўрсатди, чунки у шундан сўнг *MV* ва *PQ*ни оширадиган ҳар қандай нарса Депрессия вақтида вазиятни ёмонлаштиради деган ғалати фикрни билдирган.



Бернетт: *Чикаго университетида ўтказган даврингиз ҳақида нима дея оласиз?*

Самуэльсон: 1932 йилнинг 2 январини менинг иккинчи туғилган куним деб ҳисоблайман. Бу куни мен соат 08:30 да университет зали бўйлаб мальтузианлик бўйича маърузага борганман. Хатчинс раҳбарлигида тайёрланган Чикаго университетининг янги ўқув режаси туфайли мен физика, биологиядан бошлаб, ижтимоий ва гуманитар фанларгача аъло фундаментал таълим олганман.

Бу давр мен учун бир-бирига ўзаро боғлиқ бўлмаган икки сабабга кўра иқтисодиётни ўрганишни бошлашим учун жуда қулай фурсат бўлди. Буюк депрессия ўзининг бошланиш босқичида турган бўлиб, у иқтисодиёт фанига иқтидорли одамларни жалб қилди, уларга фикрлаш ва янги қарорлар қабул қилиш борасидаги изланишлари учун озуқа берди. Чикаго университети иқтисодиёт фани неоклассик йўналишининг етакчи марказларидан бири бўлди.

У ерда Фрэнк Найт, Генри Сейсмонтс, Жейкоб Вайнер ва Пол Дуглас ишлар эди. Мен ўзимнинг биринчи ўқитувчим Аарон Директорни (у ҳозир тахминан 100 ёшларда) яхши кўрар эдим. У доимо ностандарт шаклда фикр юритар эди. У «ўзининг катъиятли куёви Милтон Фридман» ҳақида гапира оладиган ягона одам эди кейинроқ. У Чикаго университети деворидан ташқарида кўп вақт ўтказганлиги сабабли унинг бу ердаги хизмати унчалик катта эмас. Бироқ, ҳеч қандай шакшубҳасиз, у – Фридман, Стиглер, Беккер (Найтдан кейин), Вайнер, Дуглас, Шульц, Неф ва Саймонс ҳамда ҳозирги антитрестлик инактивизми Чикаго мактаби асосчиларидан бири ҳисобланади.

Сенга ўта қизиқ ва, шу билан бирга, у нарса бўйича маълум қобилиятларга эга бўла бориш – жуда кам учрайдиган омад. Мен нима қилган бўлсам, ўзим учун катта ўйинга ўхшаш нарса бўлиб кўринади. Ва ҳар доим менинг уринишларим менга юз ҳисса бўлиб қайтиб келган.

Директорнинг босмадан чикқан асарлари деярли йўқ, бироқ у антитрестлик сиёсатига катта таъсир кўрсатди, унинг эгилмас нонконформизми туфайли, Фридман, Стиглер, Коуз ва Беккернинг иккинчи Чикаго мактаби дунёга келди. Университетни тугатмагунга қадар, коллежга ўқишга кирганлигим сабабли, мен 1931 йилнинг кузги чорагига – иқтисодиётнинг янги курси ўргатиладиган ижтимоий фанлар доираси соҳасидаги биринчи тадқиқотлар дастурига тушмаганман.

Бизга ўша пайтда секин-аста қисқартирила бошланаётган эски кириш курси ўтилар эди. Сличтер маърузалари асосида директорга те-



гишли бўлган «Замонавий иқтисодий жамият» асари ётар эди. Бироқ, директор бу китоби ҳақида кўп гапиравермас эди (Кейинги чоракда Ллойд Минтс бизга Ричард Илай бестселлери асосида тузилган ўз маърузаларини, шунингдек, Эллинг Янг микроиқтисодиёт бўйича асарларини ўқир эди). Директорнинг Густав Касселнинг «Ижтимоий иқтисодиёт назарияси» китобининг «Нархларни ҳосил қилиш арифметикаси» тўғрисидаги боби муаллиф Вальрасдан ўрганганлиги борасида айтилган фикри мен учун энг яхши совғалардан бири бўлиб қолди. «Модел Т» ҳукмронлик қилган вақтларда масаланинг иқтисодиётдаги умумий мувозанат билан боғлиқ бўлган томони ҳақида кўп одамлар тасаввурга эга бўлган.

Лекин, менга кўпроқ Генри Саймонс, Фрэнк, Найт ва Жек Вайнер катта таъсир кўрсатди. Балки, мен 1935 йилгача иқтисодиёт бўйича турли курсларни ҳаммадан кўп тинглаган бўлсам керак. Бунинг натижасида 1935 йилда Гарвард магистратурасига кирадиган вақт келганида жуда яхши тайёргарлик кўрган эдим. Ўша пайтда мен Фрэнк Найтнинг асарларидан завқланар эдим, бироқ вақт ўтиши билан ўтиб кетди бу.

Ўша пайтда Найт бизга етказмоқчи бўлган доно фикри шундан иборат эдики, депрессия пайтида, одатда, вақтинчалик Сэя қонуни шартлари ва бозор мувозанати ўрнатилади. Яхшиси, иқтисодиёт нормал ҳолатга бахтли ҳодиса туфайлигина қайтиб келиши, кейин ҳаёт аввалгидан ҳам яхши бўлиши мумкин. Балки шундайдир. Бироқ, ўша вақтда танлов коммунизм ва фашизм оралиғида турган эди. Найтнинг ўзи фашизмни танламаган бўлар эди. Кейинроқ у бу ғоядан воз кечди ва ўзининг машҳур бўлган асарига ўзгартиришлар киритди. Менда қаерлардадир матннинг биринчи нусхалари сақланиб қолинган.

Бу билан 1932 йилда мендек қони қайнаган ўсмир йигитни иқтисодиётни ўргана бошлаши нуқтаи назаридан нима учун шунчалик муҳим эканлиги сабабларини ҳам тушунтирса бўлади. Бу нарса, ҳал қилиниши лозим бўлган муаммоларга эга бўлган. Кунлардан бир куни мен бунни, ҳали бузилмаган Канада кўлидаги балиқ овига ўхшатганлигимни айтиб ўтган эдим. Қармоқни ташлаб, уни тортиб олганингизда, теорема ортидан теорема чиқиб келса. Бунга Вайнер яққол мисол бўла олади. У буюк иқтисодчи бўлган ва 1931 йилда унинг ишлари дунё бўйлаб кўпроқ ўрганилган. У жуда маҳоратли назариячи бўлган. Макгилл ва Гарвард университетидеги тегишли тайёргарлик кўриб, Вайнер энг етакчи математик-иқтисодчиси бўлиши мумкин эди. Бироқ, Стивен Ликок ва Фрэнк Тауссиг унга ҳеч қандай математик билим бермаган. Шунинг учун у ушбу соҳада унга рақобатчиликни



юзага келтириши мумкин бўлган менга ўхшаш ёш кишилардан чўчиб турар эди.

XX асрнинг учдан иккинчи даври ичида мен математик услублардан фойдаланиш даражасини оширишга кўп ҳисса қўшдим деб ўйлайман. Бирок, фаннинг ривожланиши бирорга дохийнинг келишини кутиб тура олмайди. Унинг ўрнига Хоттелинг, Эванс ёки Фришнинг асарлари билан танишиб бўлган бошқа даъвогарлар келишлари ва ушбу муаммони ҳал қилишлари мумкин.

Мен кўплаб етакчи математиклар ва физиклар билан таниш бўлсам ҳам, уларга ҳал қилинмаган муаммолар ҳақида сўзлаб бераётганимда, улар деярли ҳеч нима билан менга ёрдам бера олмасликлари мени хайратга солган. Бунинг хайратланарли жойи йўқ албатта. Бу дегани Биркхофф, Куин, Улам, Девинзон, Кац ёки Глисон менинг саволларимга жавоб бера олмадилар дегани эмас. Тўғрироғи, бу нима учун ўз вақтини тушунарсиз математик иқтисодиётдан олинган бегона моделларга сарфлаш керак экан, таъбиридаги мотивациянинг йўқлиги туфайли содир бўлган.

Яхшиям Гарвард ва Массачусетс технологиялар институти кутубхоналарига кириш ва ҳар қандай керакли китобни топиш имкони бор. Уилларднинг термодинамика бўйича Гарварддаги ҳимоя қилувчи мутахассиси бўлган Вилсон бизга аниқланган афзалликларни тадқиқот қилишда ёки 1945 йилдан кейин иқтисодий дастурлаш нотенглигида услублардан фойдаланишнинг бошланишида бизга фойдали маслаҳатлар берган.

Барнетт: *1936 йил бир неча ой давомида сиз Кейнснинг «Умумий назарияси» гоясига қаршилик кўрсатганингиз ҳақида афсона юради. Шу тўғрими?*

Самуэльсон: 1936 йил феврал ойида китоблар Кембрижга келтирилгач, мен «Умумий назария»ни нисбатан танқид қилиб чиқдим. Менинг Кейнс томонидан таклиф этилган парадигмалардаги инқилобий ўзгаришларни қабул қилишга бўлган рашким, биринчи навбатда, Генри Саймоннинг қисқа муддатли облигациялар, паст фоизли ставкалар шарти билан **М** пул агрегати субститутлари бўлиши мумкинлиги ҳақидаги фикри таъсирида қабул қилганман. Бунинг устига, мен нарх ва нархлар даражаси секин ўзгаришига рози бўлганман, шунинг учун нейтрал пуллар ва Сэя қонуни ўзининг реаллигини йўқотади. 1931–1934-йилларда юзлаб ишсиз қолиб кетган танишларим ва юзлаб ишли танишларим бор эди. Икки гуруҳ ҳам ҳеч қачон ўз хоҳишлари билан ўз ўринлари билан алмашмайдилар, чунки ишлилар худди ишсизлар эга бўлган



қобилиятларга эга бўла туриб ўзларини бахтли ҳис қилган бир пайтда ишсизлар, аксинча, ўзларини бахтсиз деб ҳисоблар эдилар. Бу аукцион бозордаги эҳтиёж ва таклифни таққослагандек нарса эмас, албатта.

Вақт омили жуда катта аҳамиятга эга. Бўш вақтларимни бирга ўтказадиган урушгача (1937–1940) дўстлашган дўстларим туфайли 1948 йилда «Иқтисодий таҳлил асослари» асарим босилиб чикди. Ёшлар дунё бўйлаб одатий йўналишлар ва омилларни қайта кўриб чиқишга киришиб кетдилар. Бироқ, бу 1947 йилдан кейинги ютуқларимнинг қисқача тафсилотларини кенгайтирилган босмага тайёрлаб қўйган пайтда содир бўлгани йўқ. Нима учун бу яхши китоб ундан олдинги китобларга қараганда ёмон сотилди? Чунки, XX асрнинг охирларига келиб дунёнинг барча мутахассислари ва амалиётчилари анча чиниқиб, тажрибали бўлиб қолдилар. Шумпетер бу борада етарли билимларни эгаллаб бўлгандан сўнг монополиянинг даромади пасаяди ва бу жуда тўғри деган.

Барнетт: *Нима учун сиз Чикагодан Гарвардга кетиб қолдингиз?*

Самуэльсон: Ихтиёрим қўлимда бўлганида, Чикагони ҳеч қачон тарк этмаган бўлардим. Бироқ, ёш иқтисодчи битирувчиларни чиқишга ваъда берган саккизта стипендиатни ажратган ижтимоий фанлар соҳасидаги тадқиқотларни қўллаб-қувватловчи янги стипендиал кенгаш, мени бошқа университетга кетиш ҳақидаги таклифи билан сотиб олди. Гарвард ёки Колумбия университетини танлашим керак эди. Чикагодаги ўқитувчиларим деярли бир овоздан Колумбия университетига жўнаб кетишимни маслаҳат бердилар. Ҳатто европалик эмигрантлар – Шумпетер, Леонтьев, Ҳаберлер, кейинчалик эса, Элвин Хансен туфайли кўтарилиш даражасини бошдан кечираётганлигини билмай туриб, хатога йўл қўйиб, мен Гарвардни танладим.

Уч йилдан сўнг эса Гарвардда Чикагодан кетганлигим учун Яратганга шукрлар қилдим – ахир мен XX юз йилликнинг иқтисодий тафаккуридаги учта буюк инқилобни: математик инқилоб, тугалланмаган рақобат, шунингдек, кейнсча самарали эҳтиёж инқилобини бой бериб қўйишим мумкин эди. Илмий фаннинг соғлом ривожланишини кузатиб борувчи қанақадир рақобат мавжудлигидан афсусдаман. Ўшанда консерватив Чикаго университетида қолганимда ёки 1947 йилда профессор бўлиш ҳақидаги фойдали таклиф қабул қилинган бўлганида, ўзим хоҳлаганимга қараганда, анча қатъиятли бўлишимга тўғри келар эди. Менинг мизожим билан эса хотиржамлик менга полемикада иштирок этишдан кўра фойдалироқ. Мен ўзим ҳақимда фикр билдирмоқдаман албатта.



Барнетт: *Франко Модильяни «Макроекономияс Динамикаси» учун берган бир интервьюсида, уни антисемит ва ксенофоб деб тавсифлаган иқтисодиёт факультетининг раҳбари туфайли карьерасининг бошланишида Гарвард университетининг бундай таклифидан бош тортганлигини таъкидлаб ўтган эди. Гарвард университетида докторлик даражасини олганингизда энг яхши талабалардан бири деб тан олинган эдингиз, сизнинг диссертациянгиз эса ноанъанавий ишлардан бири бўлган ва сизни Гарвард эмас, Массачусетс технологиялар институти таклиф қилган. Нима деб ўйлайсиз, ўша пайтда университет бундай кечириб бўлмас хатога йўл қўйганлигида Гарвард иқтисодиёт факультети раҳбариятининг бирор роли борми? Агар йўқ бўлса, нима учун сиз илмий даража олганингиздан кейин улар сизни дарҳол ўзларига ишга таклиф қилдилар?*

Самуэльсон: Иккинчи жаҳон урушидан аввалги академик муҳитдаги антисемитизм ҳамма жойда – бу ерда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам сезилиб турар эди. Албатта, менинг хотиним «ҳақиқий америкалик» бўлиб, мен карьерамни Гарварддан устун туришини билар эдим. Бироқ, 1940-йилларга келиб ҳаммаси ўзгара бошлади. Балки, маълум лавозимларга таклиф этилиши ҳақида қарор қабул қилинганда устунлик қилиб турувчи маълум бир одамлар олдида хушомад қилишга ғурурим йўл қўймаган бўлса керак. Массачусетс технологиялар институти менга кизик бир таклиф билан чиққанида бу нарса менга Гарвардда қолиш истаги юқори эканлигини текшириш имконини берди. Лекин, Гарвард университетидаги ҳамкасбларимиз қаттиқ туриб олганликларини кўрмадик ва биз оқим бўйлаб уч мил пастда жойлашган Чарльз дарёси қирғоқларига кўчиб кетдик.

Бу мен қабул қилган тўғри қарорларнинг бири бўлиб чиқди. Урушдан кейинги ўн йил ҳам ўтмай, Массачусетс технологиялар институти илғор иқтисодиёт фанининг марказига айланди. «Духоба лигаси» ўзининг бўлажак Родс стипендиатлари тармоғига жалб қилди. Биз иқтисодиёт билан шуғулланувчи Миллий фан фондининг кўплаб аъзоларини магнит каби тортиб олдик.

Барнетт: *1930-йиллардаги Гарвард ҳақида сўзлаб берсангиз.*

Самуэльсон: Гитлер ҳам, Ленин ҳам Америка фани учун кўп нарса қилган. Леонтьев, Шумпетер ва Хабер Гарвардни ҳаётга қайтардилар. Элвин Хансен, менинг назаримда, университетга катта таъсир кўрсатди. Иқтисодиётдан ташқари, АҚШ физика, тиббиёт ва биологияда ҳам устунлик қила бошлади. Иккинчи жаҳон урушининг охирида, ғалабага ҳеч қандай умид қолмаган бир пайтда, мени радиацион лабораториядан



«Чегарасиз фан» номли ҳужжат лойиҳасини тайёрлашга ёрдам бериш учун Ванневар Буш котибиятига юборишди. Биохимик Жон Эдсалл (Гарвард), психолог Роберт Моррисон (Рокфеллерлар оиласи фонди) ва мен Айседора Рабби, Эдвин Ленд, Оливер Бакли ҳамда юқорида қайд этиб ўтилган Буш Кўмитасининг бошқа аъзолари билан биргаликда хوماки матннинг катта қисмини тайёрладик. Бироз қаршиликларга қарамай менинг оптимистик истиқболларимдан юқори бўлган нарса ҳосил бўлди: Миллий фан фонди (асосан, ижтимоий фанлар), кенг масштабли Миллий соғлиқни сақлаш институтлари АҚШдаги ҳар бир округга тадқиқотлар учун дастлабки квоталардан ошадиган миқдорда аҳоли сонига асосланган субсидиялар ажратдилар.

Барнетт: *Сиз ҳам сезган бўлсангиз керак, Гитлер кўплаб ётакчи иқтисодчиларнинг, шу жумладан, Купманс, Леонтьев, Шумпетер, Маршак, Хаберлер ва Кузнец ҳамда Австрия иқтисодчилар мактаби вакиллариининг кўп қисмини Европадан АҚШга иммиграция қилинишига сабабчи бўлган. Ўз навбатида, улар ҳам Гурвиц, Дебрё, Бҳагват, Коуз ва Фишер каби Европа иқтисодчиларини ҳам жалб қилдилар. Бироқ, бугунги кунга келиб, олимлар учун АҚШнинг аввалгидек очиқдан-очиқ сиёсий устунлиги йўқ деб ҳисобланади. Ундан ташқари, Канадада ўқиш истагида бўлган америкалик талабалар сони ортиб бормоқда. АҚШда ақл эгаларини, хусусан, иқтисодчиларни жалб этиш учун бошқа мамлакатлар олдида рақобатли афзалликларнинг йўқолиш хавфи борми?*

Самуэльсон: Мен Америка фани учун ҳеч қандай хавфни ёки бошқа давлатлар томонидан рақобатнинг кучайишини сезганим йўқ. Бизда энг катта ЯИМ ва «миялар»нинг мамлакатга оқими айнан шу билан боғлиқ..

Барнетт: *Сизнинг тадқиқотларингизда, масалан «...асослар» асарингизда, бошиданоқ сезилиб турибдики, сиз, кўпинча, физик олимларга асослангансиз. Физиканинг бундай таъсири остига қандай тушиб қолгансиз. Ёки университетлардан бирида ўқиб юрган вақтингизда уларнинг адабиётлари билан танишганмисиз?*

Самуэльсон: Мен ижтимоий фанлар билан биргаликда табиий фанларга етарли даражада эътибор бермаганимда катта хатога йўл қўйган бўлар эдим. Бироқ, иқтисодий назарияда газлар ва суюқликларга нисбатан физикавий ҳисоблар учунгина тўғри келадиган тахлилий математикани қўлламаганимда ноҳақ бўлар эдим. Ўз асарларимда номувофик параллелларни (мен буюк америкалик назариётчи деб ҳайратланадиган) Ирвинг Фишер физикаси билан танқид қилганман. Жон фон Нейман



каби даҳо олим ҳам менинг танқидимдан четда қолмаган. Фақатгина Маршаллнинг келгуси иқтисодиётга анча биологик ва камроқ физикавий ёндашуви ғоясигина менинг мақтовимга сазовор бўлган. Бироқ, бу билан бир вақтда бу менга демографик генетика мавзусида ёзишимга ва Фишернинг ушбу мавзудаги баъзи асарларидан завқланишимга халақит бермаган. Балки, вақти келиб олимлар алоҳида ҳолатларни қайта ишлаб чиқишар.

Барнетт: *Сиз илмий фаолият билан фаол шугулланаётганингизда, доимо иқтисодиёт фанининг деярли барча соҳаларида «қўлингизни пульсда ушлаб туришга» ҳаракат қилгансиз. Бугунги кунга келиб эса бундай спектрдаги қизиқишларга эга бўлган иқтисодчиларни топши жуда мушкул. Иқтисодиётнинг бирорта соҳасида эътиборга эга бўлиш учун маълум даражадаги ихтисослашув талаб этилади ва бу анча кенг маънода таъсир кўрсатишни назарий жиҳатдан йўл қўймайди. Бу иқтисодиёт фани шу йиллар давомида ўз чегараларини кенгайтирганиданми ёки, шунчаки, ҳали «янги Самуэльсон» пайдо бўлгани йўқми?*

Самуэльсон: Бугунги кунга келиб назарий иқтисодчилар ва амалий иқтисодчилар сони кўпайиб кетганлиги сабабли, «янги самуэльсонлар»нинг мен каби кенг профилли олим бўлишига ҳеч қандай имконият йўқ. Агар билсангиз, мен ўзимнинг илмий карьерамни жуда эрта бошлаганман. Мен ўқиб тўймас эдим – Гарвард университети офисида ўтирган вақтимда бир нафасдан ҳамма янги чиққан журналларни «ямламай ютиб юборар» эдим. Умумий назарияда ишлатилган микроиқтисодий услубларнинг савдо назариясида ҳам ишлатиш мумкинлигини билганман. Мен посткейнсчилик макроиқтисодиёти умумий мувозанат услуби остида қурилишига шарт-шароит яратиб берганман. Молиявий постфишен назарияси бузилиш чегарасида эди. Бизга Гарвардда ўргатилган сийқа статистика, мени Фишер, Нейман-Пирсон ва Вальд-Сэвижни ўрганишни давом этишимга туртки бўлди.

Менга ўзимнинг адабий қобилиятларим ҳам ёрдам берди. Масчусетс технологиялар институти ректори Ральф Фриман оддий бир матнни ёзиб беришимни сўраганида, мен бир қатор нашрларни тайёрлаб қўйган эдим. Ҳансен туфайли мен Янги курс тарафдорлари ҳамжамиятига қўшилганман.

Барнетт: *Иқтисодий ҳамжамият деярли бир овоздан хатолик билан Иккинчи жаҳон урушининг мамлакат иқтисодиётидаги драматик натижалари ҳақида гапирган эди. Кўплаб ифтиодчилар, шу жумладан, сиз ҳам «New Republic»да берган мақолангизда, урушдан*



кейин мамлакатни иқтисодий инқироз кутмоқда деб тасдиқлаган эдилар. Бироқ, Элвин Хансен ва Самнер Сличтер бунга қўшилмаган эди. Нима учун кўплаб иқтисодчилар урушдан кейин мамлакатда иқтисодий вазиятнинг ёмонлашишини кутган?

Самуэльсон: Мен хатога йўл қўйишни ёмон кўришимни бир неча марта айтиб ўтдим. Бироқ, ҳамма хатолардан ҳам қутулиб бўлмайди. Хато фикр тарафида турадиганларни эса умуман тушунолмайман. Ўзимнинг илк ишларимни синчиклаб ўрганишга жуда эрта киришганман. Одам ўз хатоларидан кўп нарсани ўрганиши мумкин, бироқ ғалабаларидан эсанкираб қолади. 1945 йилнинг сентябрига келиб, катта ҳажмдаги жамғармалар мавжудлигига қарамай, мамлакат учун жиддий ва узоқ давом этувчи пасайиш хавф туғдирмади. Ва ҳар қандай қулай вазиятда мен ўзимнинг истиқболимда йўл қўйган аввалги хатоларимдан хулоса чиқаришга уринар эдим.

Хансен узоқни кўра оладиган ва урушдан кейинги истеъмол ўсишини олдиндан билган бўлишига қарамай, айнан унинг асарлари – Кейнснинг инвесторлаш учун имкониятларни қисқартириш ҳақидаги асарлари – менинг замондошларим урушдан кейинги депрессиянинг пайдо бўлишини тахмин қилганлар. Хансен ва Сличтердан фарқли равишда, Феллер ва Войтинский вазиятга тўғри баҳо бера олишди: уруш пайтида йиғилган жамғармалар, ресурсларни меъёрлаштириш ҳамда қулайлик ва мўл-кўлликка бўлган қониқарсиз интилиш ва, ниҳоят, бензин – ушбу омилларнинг ҳаммаси уруш эҳтиёжлари шароитларида эмас, балки тинч иқтисодиётда тўлиқ бандлик билан ишлай бошладилар. Шундай фикр борлигини билар эдим, бироқ унинг яшаш қобилиятига баҳо бера олмадим. Эски мактабнинг кўплаб иқтисодчилари 1946 йили иқтисодиётда тўлиқ бандлик кузатилишини тахмин қилишган. Агар шу фикр ортида Сэя қонунига бўлган сўзсиз ишонч турганида эди, уларнинг фикри мен учун етарли даражада ишонарли бўлмаган бўлар эди.

Самуэльсон томонидан 1940 йилда йўл қўйилган яна бир хатони қайд этмоқчи эдим. Мен бозорда мувозанатга эришиш учун реал фоизли ставка 3 % ва ундан паст бўлиши керак деган фикрни айтдим. Бу жуда катта хато эди ва у бандлик даражасига нисбатан янглишганлигим туфайли содир бўлди. Бу масалада ўз фикримдан воз кечишим учун эса менинг ўжарлигим халақит берди.

Барнетт: *Сиз Президент Жон Кеннедининг бош маслаҳатчиларидан бири бўлгансиз. Бугунги кунда ўз таклифларининг асосланлигини исбот қилишга уринаётган иккала партиянинг ҳам сиёсатчилари, кўпинча, Кеннедининг иқтисодий сиёсатига таянадилар.*



Кеннедининг иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқиш ва олиб боришда сизнинг иштирок этиш даражасиз қандай ва бунда яна ким фаол иштирок этган?

Самуэльсон: Мен сенатор Жон Кеннедининг унинг ақл марказига кўшилиш ҳақидаги таклифига ҳафсаласиз қараганман. Мен инаугурация кунигача унинг номзоди президент сайловларига киритила бошлаган вақтдан бошлаб иқтисодий масалалар бўйича унинг бош маслаҳатчиси бўлганман. Фикрларимизнинг ўхшашлиги ва бир-биримизни ўзаро ёқтиришимиз бирлаштириб турар эди бизни. Мен ҳеч қачон Вашингтонда ўтказган вақтимга ачинмайман. Бунга иккита сабаб бор. Биринчидан, тадқиқотлар – мен яхши кўрадиган фаолият. Иккинчидан, президент қошида ўша вақтдаги энг таниқли иқтисодий маслаҳатчилар гуруҳи бўлган. Унинг таркибига Геллер, Тобин, Гордон кирар эди (Мен уларни ҳам ишчи гуруҳга жалб этилишига эришдим). Фақат мендан кўпроқ вақтимни Вашингтонда ўтказишни талаб қилишганларида, мен тўполон қилганман, чунки бу Кембрижга зиён етказар эди.

Барнетт: *Қандай қилиб математик-иқтисодчи бўлиб қолгансиз? Айтишларича, сиз физика ва математикадан бошлагансиз, иқтисодга эса кейин кириб келган экансиз.*

Самуэльсон: Мен мактаб пайтиданоқ математикага жуда қизиқшимга қарамай, математика бизнинг авлодимиз ечиши лозим бўлган масалаларни ечишда математика қанчалик фойдали эканлигини иқтисодиётни ўргана бошлаганимдагина тушунганман.

Ўзи қари қиз бўлган Бьюл Шусмит таниқли математика ўқитувчиси бўлган. У Чикаго университетидан унчалик узок бўлмаган Гайдпарк ўрта мактабида дарс берар эди. Унинг баъзи тарбияланувчилари машҳур олим бўлиб етишишган. 1996 йилда фанга кўшган ҳиссаси учун медали билан саккизта тақдирланганларнинг иккитаси унинг ўқувчилари бўлган – Рой Рэднер ва менинг укам Роберт Саммерс. Мен математика, алгебра, геометрия ва (зерикарли) тригонометрия бўйича таклиф этилаётган курсларнинг кўпини тинглаганман.

Математика курсидан ташқари, мен ўзим мустақил ўқиш билан шуғулланганман. Мен, ҳали Жорж Стиглер аспирант бўлган ўша пайтда Генри Шульц томонидан детерминантлар кўрсатилмагунига қадар, детерминатларни зерикарли деб ҳисоблар эдим. Бу менинг улар ҳақидаги тасаввуримни ўзгартириб юборди. Лагранжнинг кўпайтувчилари ҳақида билганимга қадар мен Курно-Нэш дуополиясини ечишда Штакельберг модели модификациясини ишлаб чиқдим. Элиталар циркуляцияси назариясини ишлаб чиққанда матрицали кўпайтиришни



кашф қилдим. Бу Марков, Фробениус ёки Минковский матрицалари ҳақида билганимда бўлган. Чикаго ва Гарвард университетларида мен Бернард, Грейверс, Жорж Биркхофф, Хасслер Уитни, Маршалл Стоун ва, айниқса, Эдвин Бидвилл курсларини тинглаганман. Эдвин – Уиллард Гиббснинг Йелдаги ягона суянчиғи бўлган. Мен эса Вилсоннинг бош суянчиғи бўлганлигим ҳақида эса шуни айтишим мумкинки, мен ўзига яраша Гиббснинг «набираси» бўламан.

Худого шукр, мен тенгдошларим ичида иқтисодиётни яхши ўрганганман, шунинг учун кўп вақтимни кутубхонада ўтириб математика билан шуғулланишга бағишлашим мумкин эди. Мен учун ҳеч қачон анча мураккаб бўлган математикадан фойдаланишда яроқлилиқ чегараси бўлмаган. Олдимда турган иқтисодий масалалар менга математикани қандай йўналишда ўрганишда давом эттиришни айтиб турган. Албатта, Эдворт, Вальрас, Парето, Гиббс, Уилсон, Гриффит Эванс, Фрэнни Рэмси, Боули, Р.Аллен, Хикс, Фриш, Лотка, Леонтьев ва Нейман менинг ўқитувчиларим бўлишган. Ўқитувчиларимга нисбатан ўта инжиқ ва, кўпинча, танқидчи бўлганманми деб қўрқаман. Масалан, фон Нейман томонидан Лапласнинг стохастик танловида миқдорий фойдалиликни кашф этилганлиги Рэмс-Маршак-Сэвижнинг мустақиллик аксиомаси ҳақидаги масалани кўтарди, чунки у нолли аксиомани кўзлаган эди. Энг ёмони, бу борадаги ҳар қандай танқидни қатъиян рад этган.

Гарвардда 1935–1940-йилларда иқтисодчилар Уилсоннинг кичикрок семинарига қатнашишдан ташқари, статистикани деярли ўрганишмади. Шульцнинг махсус магистрлик курсини ҳисобга олмаганда, Чикаго университети иқтисодчи-талабаларининг ўқув режаси кўпчиликка яхшидек туюлар эди. 1930-йилларнинг бошида статистика ҳақида базавий тасаввурга эга бўлиш учун Терстоннинг кичик бир брошюрасини ўқиб чиқишимга тўғри келди. 1920–1930-йилларда Колумбия университетида Роберт Фишергина сабоқ берар эди. Вильд Феллнер, Тьюки ва Сэвиж пайдо бўлиши билан ҳаммаси ўзгарди албатта.

Барнетт: *Сизнинг Столпер, анча кейин Хекшер ва Улин билан биргаликда яратган асарингизни бугунги кун глобаллашувига қарши чиқишлар ўртасида қандай мутаносиблик бор? Ёшларнинг шунга ўхшаш чиқишларини сизнинг асарларингизда савдо ҳақида қилинган хулосаларга нисбатан чап оппозициянинг намоён бўлиши сифатида кўриш мумкинми?*

Самуэльсон: Савдонинг камбағал мамлакатлардан бой мамлакатларга оммавий миграцияланишдан сақлаши исбот қилинган. Америкаликлар илғор технология ва капиталга бўлган анъанавий монопо-



лияни йўқотдилар. АҚШнинг умумий реал ЯИМ 1950–2003-йилларда Тинч океани региони ва экспортга йўналтирилган Европа мамлакатларида иқтисодий ўсиш ҳисобига ошди. Бироқ, эркин савдо реал иш ҳақи ва ЯИМнинг ўсиш суръати мутаносиблигига тизимли таъсир кўрсатиши, умумий мувозанатсизликка таъсир кўрсатиши мумкин. Менинг Нобель мукофотига сазовор бўлган маърузамда камбағал мамлакат аввал бой мамлакат мавжуд бўлган соҳада рақобатли афзалликка эришса, бой мамлакат ўз пулларини йўқотишни бошлаши мумкин дейилган. Эркин савдонинг мақсади ҳаммага ва ҳар ерда ёрдам бериш дегани эмас.

Барнетт: *«Рационал кутилмалар» асосида ёндашиш ва реал бизнес-цикллар назарияси борасида қандай ўйларингиз бор? Роберт Шиллер билан бўлиб ўтган дискуссияларидан бирида, Жеймс Тобин реал бизнес-цикллар назарияси – «душман» деб айтган эди. Ўз навбатида, рационал кутилмалар назарияси ва динамик стохастик умумий мувозанатлилиқ назариясидан фойдаланиш журналда нашр қилинган кўплаб тадқиқотларда макроиқтисодчиларнинг сиёсий қарашларидан қатъи назар, уларнинг муҳитида кенг тарқалган ҳодиса ҳисобланади.*

Самуэльсон: Ҳа, «рационал кутилмалар» тушунчаси билан кўп нарса боғлиқ. Сэя қонуни ҳаттоки қисқа муддатли даврда ҳам амал қилишини тасдиқловчи «неоклассик доктрина» муҳим аҳамиятга эга.

АҚШ иқтисодиётига ёки, дейлик, 1929–1960-йилларда замонавий Германия ва Франция иқтисодиётига қараганда, Сэя қонунига биноан 1980–2003-йилларда АҚШ иқтисодиётида квазитўлиқ бандликка яқин шароитлар яратилди. Бироқ, Лукас-Саржентнинг янги методикасини қўллашни талаб этиш шарт эмас. Бунинг учун икки нарса етарли:

1. АҚШ ишчи синфи ва Тинч океани минтақаси мамлакатларининг яхши ўқитилган ишчи кучлари ўртасида 1950–2003-йилларда дунё савдосининг анча эркин характери туфайли юзага келган рақобатнинг кучайиши. Бундай рақобат, давлат сектори ва маҳсулотлари эркин бозорда намойиш этилмаган баъзи соҳалардан ташқари Америка касабачи уюшмаларининг анча заифлашишига олиб келди. Ва бугун касабачи уюшмасининг ҳар қандай ғалабаси, ҳатто, майда ғалабаси ҳам Америка саноати меҳнат ресурсларини қидириб чет эл давлатларига жўнаб кетадиган кунни яқинлаштиради.

2. 1980–2003-йилларда сайловчилари симпатияларининг ўнгчилар томон бурилиши, бу – «альтруизмдан» четланиши Буюк депрессия ва Иккинчи жаҳон уруши вақтидан бошлаб етарли вақт ўтганлиги билан



боғлиқ. Натижада, касаба уюшмалари фаол ҳукумат қувватланишини энди олмасликлари мумкин.

«Ранжиган» ишчи кучлари шиддатли корпоратив бошқарувнинг янги тизими қаноти остида жой топдилар. Япониядан фарқли равишда, агар Америка компанияси раҳбари ортиқча ходимдан халос бўлаётган бўлса, Уолл-Стрит бунга ушбу компания акциялари қийматини ошириш билан жавоб берди.

«Рационал кутилмалар»нинг яна бир заиф жойи бўлиб, унга розилигимни «Мени бир бор алдаб, ўзинг уялиб қолишинг, икки бор алдасанг, мен уялишим керак» ибораси балан билдирган бўлар эдим. Тарихчи-иқтисодчи Эрл Гамильтон олтиннинг нархи ошса 1500–1900 йилларда янги дунёда номинал иш ҳақи, одатда, иқтисодий ўсиш суръатларидан қолиб кетар эди. Кессель ва Алчиан, охир-оқибат, одамлар қайсидир маънода узоқ муддатли жараёнларни олдиндан кўра оладилар. Мен бунга қисман розиман.

Баъзи бир рационал кутилмалар тарафдорлари, менинг фикримча, «пулларнинг нейтраллиги» ва «ўзгарувчан реал ўзгаришларнинг кучсизлиги» қийматини оширганларида, ишлар жуда узоқ кетган бўлишди. Фридманнинг содалаштирилган «салом 1950» монетаризми анчагина эмпирик хатолари учун «сўлчилар» танқидига учради. Лекин, Фридманни $MV = PQ$ да M ни самарасиз бошқариш нархларнинг номинал даражаси кескин тебранишидан ҳам катта зарар етказиши мумкин деган хато Лукас давомчилари томонидан айбланиши унга шахсан тегиб кетган бўлиши керак.

Замонавий статистик методика, менинг назаримда, Лукас, Саржент, Хансен, Брок, Прескотт, Симс, Грейджер, Энгл ҳамда Сток ва Уотсонларнинг кўпгина кашфиётлари ва инновациялари учун миннатдор бўлиши керак. Бироқ, ҳозиргача кўп нарса таҳлилни талаб қилади. Қандайдир назария таркиби мавжуд бўлмаган векторли актогрессияларда ҳам худди шундай вазият юзага келган. Бундан ташқари, Грейджернинг сабабиятига тестлардан ўтган ўзгарувчанлари, бу тестлардан ўтмаганлари каби, келажакда ҳам худди шундай натижалар бериши мумкин. Иқтисодий тарихнинг ностационарлиги хижолат торттириб, ўтмиш мисоллари асосида қилинган хулосаларга ишонч даражасини заифлаштиради.

Бу мени нигилизмга олиб бормади, балки реализмга ва Оливер Твист каби анча чуқур тадқиқотларга олиб боради.

Федерал захира тизими органлари томонидан илмий маслаҳатчилар билан ўтказган мажлисларда иштирок этганларнинг бири, одатда, «ра-



ционал кутилмалар» назарияси тарафдори сифатида чиқар эди. Лекин хулосалар ва мулоҳазалар амалий қўллашдан шунчалик узок бўлардики, кейинги мажлисда яна бир «рационал кутилмалар» тарафдори пайдо бўлар эди. Ҳар йили менинг олдимга Миллий бюродан тестдан ўтишга «рационал кутилмалар» билан боғлиқ бўлган ўнлаб қўлёзмалар келади, лекин менинг олдимдан «тестдан ўтди» белгиси билан уларнинг кичик қисмигина кетар эди. Мен умид ва гумонларда яшашда давом этардим.

Баъзи бир доираларда макроиктисодиёт микроиктисодиётга қараганда камроқ қизиқиш уйғотади деган фикр мавжуд. Мен эса бундай деб ўйламайман. Мароиктисодиёт жуда истиқболли фан ва бугунги кунга келиб унинг ривожланиш босқичи анча юқори баҳоларни талаб қилади. Ҳар қандай тирик фан фақат мураккаб саволлар берилгандагина ривожланади, шунинг учун мен микроиктисодиёт эмас, макроиктисодиёт соҳасидаги тадқиқотларга кўп вақтим ва кучимни кўпроқ сарфлайман.

Мен минг жуфт, балки ундан ҳам кўп турли соҳадаги мақолаларни нашрдан чиқардим. Менинг учун асосийси: қизиқарли бўлиш эмас, иложи борича хато қилмаслик. Агар менинг гипотезам гипотеза бўлиб қоладиган бўлса, мен уни шундайлигича аниқлайман. Фикримча, самарали иқтисодий фан бизга замонавий иқтисодий тарихни тушунишга ёрдам беради. Яқинда содир бўлган воқеаларга мурожаат қилган ва буни масъулият билан қилган олим, ҳақиқатдан ҳам тарихни энг ривожланган босқичида ўрганаётган бўлади.

Сухбатни Уильям Барнет олиб борди.

*Канзас университети,
2003 йил 23 декабрь*





ЖЕЙМС ТОБИН



1918 йил 5 март куни Иллинойс штатидаги Шампейн шаҳрида туғилган. Унинг отаси Луи Майкл Тобин Шампейн округи қоқ маркази – Урбан шаҳридаги Иллинойс университетиде журналист бўлиб фаолият юритар эди. Отаси биринчи жаҳон урушида қатнашган, Иллинойсдаги биринчи юнон ташиклоти аъзоси бўлган ва «Уйга қайтиш»нинг ихтирочиси ҳисобланади. Онаси Маргарет Эдгертон Тобин ишчи бўлган. Қаҳрамонимиз Тобин Урбан шаҳридаги Иллинойс университети лицейида бошланғич мактабда ўқиган.

1935 йилда отасининг маслаҳати билан Тобин Гарвард университетига ҳужжат топширади. Имтиҳонларга етарлича вақт ажратолмай, яхши тайёрланмаган бўлса-да Гарвард университети талабаси бўлади. Ўқиш давомида у биринчи бўлиб 1936 йилда нашр этилган Кейнснинг «Иш билан бандлик, фоизлар ва пулларнинг умумий назарияси»ни ўқиб чиқади.

У Американинг Иқтисодий маслаҳатчилар кенгашида ишлаган ва Федерал захира тизимидаги бошқарувчилар кенгаши билан маслаҳатлашган, шунингдек, Гарвард ва Йель университетларида дарс берган. У Кейнс иқтисодиёти зояларини ишлаб чиққан бўлиб, ишлаб чиқаришни барқарорлаштириш ва таназзулнинг олдини олиш учун ҳукумат аралашувини қўллаб-қувватлайди. Унинг илмий фаолияти инвестициялар, пул-кредит ва солиқ-бюджет сиёсати ва молия бозорларини ўрганишга катта ҳисса қўшган. Шунингдек, у таниқли Тобин моделига асосланган цензурага боғлиқ ўзгарувчилар учун эконометрик моделни таклиф қилган.

1977 йилда ҳамкасби некейнсчи Жеймс Меад билан бирга 1980 йилда пул-кредит сиёсати сифатида номинал ЯИМ мақсадини таклиф қилади. Тобин 1981 йилда Нобель мукофотини молия бозорлари ва уларнинг сарф-харажатлари, иш билан таъминлаш, ишлаб чиқариш ва нарх-



лар тўғрисидаги қарорлар билан ўзаро боғлиқлигини таҳлил қилишидаги ижодий ва кенг кўламли фаолияти учун олади. Академия ташқарисида Тобин валюта операцияларига солиқ таклифи билан кенг танилган эди ва у энди «Тобин солиғи» деб номланади. У хавфли ва самарасиз деб ҳисоблаган халқаро валюта бозорларидаги чайқовчиликни камайтириши учун ишлаб чиқилган.

ЖЕЙМС ТОБИН БИЛАН СУҲБАТ

Ҳар бир университет ўзининг бетакрор тарихига эга, лекин ҳар бир университет – мавжуд олимларни акс эттирувчи катта касбий иқтисодий ҳамжамиятнинг бир қисми ҳамдир. Икки олимнинг ушбу суҳбатлари куйидаги саволга жавоб бериш мақсадига йўналтирилган: «Йель макроиқтисодиёт мактабини алоҳида кўрсатиб ўтиш шартмикин?» Бундай суҳбатни ташкил қилиш ғояси Боб Шиллер билан суҳбатлашиш чоғида келган эди Билл Барнетнинг хаёлига. Билл Бобга уни ташкил қилувчилар рўйхатини таклиф этганда улар мени танладилар. Мен мамнуният билан рози бўлдим, чунки Йель иқтисодиёт факультетида ёзилган ишлардан, у ерда мен хавас қилган ғоялар йиғиндиси мавжудлиги ҳамда у «Йель мактаби» деган ном учун даъвогар бўлишга ҳақлигини билар эдим. Боб Шиллер ҳам айнан шундай фикрда эди. Лекин, бу масалани ўрганиб чиқиш давомида куйидагиларни аниқлашга муваффақ бўлдик: ҳозирги кунда Йель университетида олиб борилаётган макроиқтисодиёт соҳасидаги ишлар «Йель мактаби»ни намоён этиши мумкин деган фикрларни баъзилар мақулламаяпти.

Йел иқтисодий анъаналарини алоҳида мактаб сифатида кўриб чиқишга қарши асосий тўрт нуқтаи назар шундан иборат. Биринчидан, «Йель мактаби» атамасининг ўзи 1960-йилларда Жеймс Тобиннинг монетаристлар билан баҳсдаги нуқтаи назарини ёритиб бериш учун фойдаланилган. Баъзи олимлар, агар ушбу атама аввалги давр ва нисбатан тор мавзудаги ғоялари билан боғлиқ бўлмаган янада кенгроқ илмий ишлар доирасини ёритиш учун фойдаланилса, биров ғалати ҳолат бўларди деб ҳисоблайдилар. Иккинчидан, бугунги кунда Йелда макроиқтисодиёт соҳасидаги тадқиқотларни «мактаб» деб аташ жуда бўрттирилган бўларди. Бугунги кунда Йелда амалга оширилаётган ишлар бошқа етакчи университетларнинг иқтисодиёт факультетларида бажарилаётган ишлардан ҳеч қандай фарқи йўқ. Йель университети олимлари томонидан олиб борилаётган ишлар илмий ишлар, масалан, Массачусетс технологиялар институти ёки Принстон университети олимларининг



ишларидан қай тарзда фарқланишини тушуниш қийин. «Мактаб» деб номланиш учун бунга янада яққолроқ ҳуқуққа эга бўлиш лозим. Учинчидан, Йелда илмий ишларда кўплаб турли хил ёндашувлардан фойдаланилади ва улар бир-бирлари билан қай тарзда қиёсланиши тушунарсиз. Масалан, Крис Симс ишларида сиз реал ишбилармон даврлар ва гипотезанинг статистик текширувларига бағишланган тадқиқотлар таъсирининг баъзи аломатларига эга вақтинчалик қаторларнинг анъанавий статистик таҳлилини қўллаш усулини кўришингиз мумкин. Шу билан бирга, Шиллернинг ишлари кейнсча анъаналарда бажарилган. Бундай ёндашувларни бир мактаб қошида бирлаштириш бироз қийинроқ кечади. Ва, тўртинчидан, Йель мактабида қулайлик тарихий занжири мен ўйлаганимдек, узоқ даврни олмас экан – Ирвинг Фишер ва Жеймс Тобин ўртасидаги алоқа сезилмайди. Буларнинг ҳаммасини биз қуйида келтирилган «суҳбатда» кўриб чиқамиз. Бу масalani Йелнинг қатор ўқитувчилари билан муҳокама қилиб бўлгач, мен суҳбатни Йель иқтисодиёт мактабининг мавжудлиги тўғрисида эмас, балки Йель анъаналари тўғрисида суҳбатлашишга тўғри келади.

Шунингдек, биз ушбу материал фақатгина Жеймс Тобин ва Боб Шиллер билан – Йель анъаналарини кўпроқ биладиган кишилар суҳбатини намоён этади. Мен ҳар бирлари билан алоҳида тартибда суҳбат олиб бордим, лекин саволлар кўпроқ бир хил бўлган ва асосий масалани муҳокама қилишга қаратилган – Йель мактаби алоҳида ажратиб кўрсатилган. Шу тариқа, биз Жеймс Тобин ва Боб Шиллер билан Йелнинг бошқа вакиллари вакиллари вакиллари вазифаларини муҳокама қилдик. Лекин улар олиб борадиган ишлар масаласига яқинлашмадик. Сиз бу ерда Йель анъаналари ва бугунги кундаги илмий фикрлар, шунингдек, макроиқтисодиётнинг баъзи масалаларини муҳокама қилишга нисбатан қизиқарли фикрларни учратасиз.

Коландер: *Сиз Гарвардда ўқиган-мисиз?*

Тобин: Ҳа, 1993 йилда мен бакалавр даражасини олдим ва Гарвардда яна икки йил аспирантурада ўқидим. Мен магистрлик даражасини олишим учун зарур бўлган кўпгина фанларни



Жеймс Тобин



бакалавриатурадалик давримда ўқиб улгурганлигим туфайли, магистрлик даражасини бир йилдаёқ олдим.

Коландер: *Лекин сиз диссертация устида ишлашни давом эттирдингизми?*

Тобин: Ҳа, мен маълум курслар, семинарларда қатнашишни давом эттирдим. 1941 йилнинг баҳорида мен Эд Мейсон олиб борган ҳарбий иқтисодиёт курсини ўтадим. Ундан ташқари, эконометрикадан дарс берганман. Гарварддаги Иқтисодиёт факультети ўша даврда замонавий статистика билан шуғулланмаган. У ерда статистика курси ҳам бўлиб, мен унда ҳам қатнашганман, лекин ўшанда ҳозирги пайтдагидек, эконометрика фани мавжуд бўлмаган ва иқтисодий статистика ўқитувчилари статистикадан фойдаланиш истагини билдиришмаган.

Асосан, улар бизга статистикани қўллашнинг сувости тошлари тўғрисида гапириб берганлар ҳамда Швейцариядан таклиф этилган профессор Ҳанс Штеле олиб борган талаб таҳлили бўйича семинардан ташқари Гарвардда бу соҳа бўйича бизга деярли ҳеч қандай дарс олиб борилмаган. Мен математика факультетида математик статистика фанидан ва Эдвин Уилсоннинг математик назарияси бўйича юқори мураккабликлар фанидан баъзи нарсаларни билиб олдим. У бошқалар орасида математик иқтисодиётда биринчи даражали мутахассис бўлган.

Мейсондан мен Қўшма Штатларда пўлатга талабни баҳолашим зарур бўлганда регрессион таҳлилдан фойдаланишни ўргандим. Эд ҳарбий эҳтиёжлар учун иқтисодиётни сафарбар этиш масалалари билан шуғулланган. У менга Вашингтонда қайта ташкил этилган ҳукумат агентликларидан бирига ишга жойлашишни таклиф этди, бу ерда фуқароларнинг эҳтиёжлари учун захиралари чекланган пўлат, алюминий ва никель каби металллардан фойдаланишни қисқартириш масалалари билан шуғулланишган. Вазифа, фақатгина ушбу металллардан фуқаролик мақсадларида фойдаланишни тақиқлашдан эмас, балки тақиқланмаган ноҳарбий йўналишлар ўртасида қисқартириш ва қайта тақсимлашдан иборат. Бу иш билан нархларни тартибга солиш ва фуқаролик таъминоти бўлими шуғулланган. 1941 йилнинг ёзида мен у ерда фуқаролик таъминоти бўлимида ишлашни бошладим.

Урушнинг бошларида мен ишлаб чиқариш бўйича Ҳарбий Кенгашга ўтдим, лекин Пёрл-Харбордан сўнг мен бутун уруш давомида бу билан шуғулланишни истамаган ҳолда лотга кўнгиллилар қаторида ёзилдим. 1942 йилнинг апрелида мени 90-кундузги офицерлик курсларига жўнатишди. Мен 1946 йилнинг апрель ойигача иқтисодиёт билан шуғулланмадим.



Коландер: *Кейин Гарвардга қайтдингизми?*

Тобин: Ҳа, мен Гарвардга қайтдим. Флотдаги хизматимни Рождестводан олдинроқ, яъни 1945 йил декабрь ойининг ўртасида ташлаб уйга қайтдим. Шу йиллар мобайнида мен битта эсминца хизмат қилдим. Ўша ватда давлат тузилмаларида ишлаган дўстларим менга ҳукуматда ишлашни таклиф этган эди. Давлат томонидан иқтисодиётни тартибга солиш соҳасида омадли мутахассис бўлганман, дўстларимнинг таклифлари ҳам бир-биридан қизиқ бўлган. Ҳукумат менга катта маош таклиф этган. Ўша вақтда бу катта пул эди. Бу вақт давомида мен Гарвардга қайтиш имконияти тўғрисида маълумотлар тўплашни бошлагандим. Мен, университетни яхши билган Сеймор Ҳаррисга хат ёздим. У, мен ҳеч қачон унинг талабаси бўлмаган бўлсам-да, менинг шахсим билан қизиқиб қолди. Мен ундан хона олиш учун коллежлардан бирига мураббий сифатида ишга жойлаштиришларини илтимос қилган эдим. Ўз навбатида, факультет деканидан ассистент лавозимига қабул қилишини илтимос қилдим. Ундан ташқари, мен иккаловларига Гарвардга қайтиш ёки қайтмаслик ва докторлик диссертацияси устида ишимни якунлаш, Вашингтонга қайтиш фикрини танлаётганим ҳақида ёздим.

Иқтисодиёт факультетини ўша даврда – жуда консерватив иқтисодчи олим Гарольд Бербэнк бошқарган. У факультетни бошқаришни хуш кўрарди. Мен унинг қўл остида ўқиган ва имтиҳонлар топширган ўқитувчиларнинг сўзларига кўра, менда буюк иқтисодчи бўлиш қобилияти бор эканлиги ва шунинг учун ҳам илм-фанни танламаслик хато бўлишини уқтиришган эди. Биз у билан дўст ҳам, душман ҳам эмасдик, лекин бу хат менга қаттиқ таъсир этди ва мен Гарвардга қайтдим.

Коландер: *Сиз докторлик диссертациянгизни 1974 йилда якунладингиз, 1950 йилда эса, Йель университетига ўтдингиз, шундайми?*

Тобин: Ҳа, шу билан бирга, мен Гарвардда ёш олим сифатида стипендия олдим. Ҳақиқатда бу менинг биринчи ишим эди. У менга докторлик даражаси ўрнини босган. Мен Гарвардда икки йил бўлдим, кейин эса Англияга Ричард Стоун институтига жўнаб кетдим, у ерда мен Кембриж қошидаги Амалий эконометрика факультетида ишладим. Кейинроқ мен Йелга қайтиб кетдим.

Коландер: *Сиз кўчиб ўтишининг бошқа вариантларини кўриб чиқмадингизми?*

Тобин: Мен иш излаган вақтимда Қўшма Штатлардан ташқарида бўлганман, шунинг учун почта орқали ёзишмаларни амалга оширишга тўғри келган. Уйдалигимдаёқ турли университетлар, шу жумладан, Калифорния ва Стэнфорддан менга таклифлар келган. Шунинг учун тан-



лаш имкониятига эга бўлганман. 1946 йилда Гарвардга қайтган даврим мен учун энг яхши кунларим бўлган – мен бўлажак турмуш ўртоғимни учратган эдим ўшанда. Биз 1946 йилнинг баҳорида танишдик, куз фаслида эса турмуш қурдик. Агар мен Вашингтонга кетганимда бу ҳолат юз бермаган бўларди. У менга Нью-Хейвендан ташқари исталган жойга боришини айтди, лекин биз барибир ўша ерга бордик ва ушбу шаҳарни рафикам ёқтириб қолди.

Коландер: *Келинг, Йель мактаби тўғрисида гаплашайлик.*

Тобин: Боб Шиллер ва Барнетга келсак, айтишим лозимки, Йель мактаби ва бошқа норасмий институтлар деб номлаш ўртасида баъзи чалкашликлар мавжуд. Бу гуруҳни Йель мактаби деб номлаш мумкин, чунки эски макроиқтисодиёт мактабига тааллуқли бўлганлардан ташқари унинг таркибига бошқа кишилар ҳам киради. Бизнесдаврлар тарафдори Крис Симс, жуда ажойиб инсон Мартин Шубик ва Жон Жинакполос, у билан бизнинг макроиқтисодиёт соҳасидаги қарашларимиз мос келади. Математик-назарийчи Герберт Скаф, шунингдек, йирик иқтисодчи-неоклассикчи Т.Шринивасанлар ҳам киради. Барнетт ва Шиллер томонидан тузилган рўйхатга тушганлар ушбу «кофе-гуруҳлар»нинг бир қисми ҳисобланади, лекин мен уларни Йель мактаби деб атамаган бўлардим. Бу Йель иқтисодиёт факультети доирасидаги руҳан яқин кишиларнинг қизиқарли гуруҳидир.

Коландер: *Ўша вақтда сиз Йель мактабини қандай таърифлаган бўлардингиз?*

Тобин: Кишилар Йель мактаби замирида кўзда тутаётганлари 1950-йилларга бориб тақалади. Ўз ишларимизда биз кейнсчиликнинг иқтисодий ғояларини тизимли қарашларга асосланган ҳолда намоён этишга ҳаракат қилганмиз. Монетар сиёсатга келадиган бўлсак, у ҳолда Йель мактаби ўзининг монетаризмдан фарқли бўлган, монетар ва фискал сиёсат имкониятларини қарама-қарши қўйган. Мен монетаристларга қарши курашга кўп вақт ва куч сарфладим.

1970-йилларда Йель битирувчиларига махсус майкалар чиқариб, унинг орқа томонида «Йель мактаби» деган ёзувни чиқариб, ҳаддан ташқари кўп реклама қилинган. Бу, асосан, «Чикаго мактаби»га жавобан чиқарилган эди. Майканинг олди томонидан «Фақат Q қийматга эга» деб ёзиб қўйилган. Кейинчалик мен уни «M қийматга эга» деган ёзув бўлиши лозим деб танқид қилган эдим. Ўйлайманки, бу мисол қайсидир маънода менинг «Йель мактаби» атамасининг аҳамияти тўғрисидаги фикрларимнинг тасдиғи ҳисобланади. Бу вақтда мактаб вакиллари нафақат макроиқтисодиёт, балки монетар назария билан



шуғулланувчилар қаторига ҳам кирмас эди. Уларнинг қаторида Вилл Феллнер, Генри Уоллич, Роберт Триффин ва Ричард Рагглз ҳам кирар эди. Уларнинг ҳар бири ўз ғоя ва қизиқишларига эга олимлар эди. Мактаб ичида яхши муносабатлар бўлган, биз доимо бир-биримиздан ўқиб ўрганганмиз.

Коландер: *Йель мактаби қандай мавқега эга эди?*

Тобин: Йель мактабининг мавқеи шундай: баъзан иқтисодиёт тўлиқ бандлик даражасида ёки унга яқин бўлган ёхуд, ҳатто, бироз юкорирок даражада бўлади. Мазкур ҳолатда, неоклассик иқтисодиёт таклиф этган муқобил қиймати мантиғи татбиқ этилади. Қолган ҳолатларда, иқтисодиётда бирор ҳолатни мутлақо рақобатли мувозанат эмас, балки ортиқча таклиф билан ёритиб берган яхшироқ (айниқса, меҳнат бозорида). Ушбу ҳолатда тегишли пул ва фискал сиёсат олиб бориш орқали агрегатлашган талаб ва таклифни ошириш мумкин. Бу муқобил қийматни ҳисоблашни истисно этмайди, лекин ҳисоблаш табиати ўзгаради. Макродаражада ҳисоблаш иқтисодиётни ривожлантириш суръатлари масаласига тааллуқли. Бундан келиб чиққан ҳолда таклиф ортиқча бўлган ҳолатда тўлиқ бандликка эришишнинг турли йўллари мавжуд бўлишидан келиб чиққан ҳолда мос келувчи вариантни танлаш учун фаровонлик даражаси таҳлилидан фойдаланиш зарур. Масалан, агар тўлиқ бандлик даражасига етмай туриб узоқ муддатли ўсишни таъминлаш учун нимадир қилишга уринсангиз, у ҳолда, солиқ ва йиғимларни ошириш эмас, балки пул таклифини кенгайтириш орқали иқтисодиётни жонлантиришингиз мумкин.

Коландер: *Неоклассик синтезнинг неокейнсча таркибий қисмига қарши далиллардан бири кейнсча иқтисодий назария талқини Вальрас моделига мос эмас, лекин неоклассик модел эса бирор-бир йўл билан уни ушбу модель доирасига жойлаштиришга ҳаракат қилади.*

Тобин: Йўқ, у узоқ вақт давомида тўлиқ бандлик иқтисодиётини моделлаштириш учун бу яхши ибтидо бўлиши мумкинлигини тан ололмайди. Шу нуқтаи назардан неокейнсча иқтисодий назария бизнес-даврни Вальрас бозор иқтисодиётидан чекиниш сифатида кўриб чиқади ҳамда мавжуд нархлар ва иш ҳақлари даражасида ортиқча таклиф ва ортиқча талаб эканлигини аниқ кўрсатиб беради. Шунинг учун мен буни қоралаш нотўғри деб ҳисоблайман. Бу фақатгина неоклассик иқтисодий назариядан чекиниш ғояларигина эмас.

Коландер: *Неокейнсча иқтисодий назариянинг аксарият таърифлари товар бозорларида соф рақобат мавжудлигини кўзда тутади.*



Тобин: Бунга зарурат йўқ. Бу қандайдир ўзгартиришлар киритиши мумкин, лекин савол устида бош қотириб кўрамиз. Кейнснинг фикрига кўра, баъзан меҳнат бозори якуний унумдорликка боғлиқ, бу неоклассик нуқтаи назар ҳисобланади. Мавжуд фонд ва технологиялардан келиб чиққан ҳолда якуний меҳнат унумдорлиги даражаси қанчалик кам бўлса, бандлик ҳам шунчалик юқори, бинобарин, ишсизлик даражаси ҳам паст бўлиши тахмин қилинади. Шунинг учун агар биз бандлик даражасини ошириш, тегишли равишда ишсизлик даражасини пасайтиришга ҳаракат қилсак, якуний унумдорлик бўйича пастга тушамиз ҳамда реал иш ҳақи даражасини қисқартирамиз. Бу бозор мувозанатлашмаган шароитда татбиқ этилган соф рақобат натижасидир.

Кейнс нима учун бундай йўл тутди? Фикримча, у буни: гарчи у классик доктринанинг катта қисмини маъқулласа-да, классик иқтисодий назария тарафдорлари баҳсига асосланганлигини исботлаб беришни хоҳлагани учун бажарган. Ва бу жуда кўрғазмали намунадир.

Кейинроқ Жон Данлоп каби иқтисодчилар эмпирик изланишлар олиб бордилар. Унга кўра, 1930-йилларнинг охирларида урушдан олдин реал иш ҳақи ишбилармонлик даврига қарши жойидан қимирламаган, лекин шундай бўлса-да, иқтисодиётнинг даврий жонланиши вақтида бироз кўпайди.

Коландер: *Неоклассикчилар баъзи микроасосларни таҳлил қилишга уринганларида ва Вальрас концепциясида мукамал рақобат товар бозорида ҳам, меҳнат бозорида ҳам мавжуд деб тахмин қилганларида, улар муаммо бўлмаслиги ҳам мумкинлигини кўрсатиб бердилар.*

Тобин: Ҳа, албатта. Йель мактаби ҳам айнан шуни қўллаб-қувватлайди. Бу – менинг фикрим. Вальрас қарори мавжуд нархларда ортиқча тавлиф мавжуд бўлган ҳолатларда татбиқ этилмайди, бунда нархлар бозорда (монополистик ёки соф) рақобат характерини ҳисобга олмаган ҳолда доимий нарх мувозанатини сақлаш учун етарлича тез ва етарлича тўғри ўзгармайди. Лекин, бу иқтисодиётни тадқиқ этишга амалий ёндашув сингари Вальрас моделининг обрўсини йўқотмайди.

Коландер: *Демак, Вальрас моделидан ҳозиргача узоқ муддатга мўлжалланган модель сингари қўллаш мумкин деган фикрни маъқуллайсизми?*

Тобин: Ҳа, узоқ муддатда монополистик рақобатга эга вазиятга эга бўлиш учун Вальрас моделини модернизациялаш мумкин. Бу, фирмалар монополистик рақобат шароитида нархлар ёки ўз ходимларининг ҳақини ўзгартириш учун бир-бирлари билан ҳеч қандай йўл тутмайди-



лар. Шу тарика, узоқ муддатли монополистик рақобат бозорни талаб ва таклиф мувозанати ҳолатига келтиришнинг ўхшаши ҳисобланади.

Коландер: *Жон Жинакоплос кўп вариантли иқтисодиётнинг микроасосларига таъсир этмайди. Бошқалар сингари у ҳам улардан узоқ муддатга мўлжалланган кўплаб вариантларга эга моделлардан фойдаланишлари мумкинлигидан шубҳаланган.*

Тобин: Бу, макроиқтисодиётни тўғри ёндашув эканлигига ишончим комил эмас, бинобарин, барқарор сиёсат, яъни қисқа муддатда макроиқтисодий сиёсат унда муҳим ўринга эга бўлишидан манфаатдорман. Кўпчилик Вальрас иқтисодий назариясидан ёхуд мувозанат вариантлари ёрдамида кейнсча хулосаларни сақлаб қолишга ҳаракат қиладилар. Менимча, олинган натижалардан келиб чиққан ҳолда, улар кейнсча характерга эга эмас. Бинобарин, бундай ҳар бир мувозанатда мажбурий ишсизлик, ортиқча таклиф мавжуд эмас. Ҳар бир мувозанат бозорда талаб ва таклиф тенглиги билан тавсифланади, шунинг учун неоклассик иқтисодий назария бозордаги талаб ва таклиф тенглиги ҳамда кейнсча хулосалар билан уйғунлашуви самарали деб ҳисобламайман.

Жон Жинакоплос ва силжувчи мувозанат тарафдорлари бўлган бошқа назарийчи-олимлар бозорлар мавжуд эмаслиги каби ҳолатлардан хавотирда эдилар. Агар Вальрас иқтисодий тизимининг замонавий назарияси Эрроу-Дебрё мувозанатини намоён этса, у ҳолда, мавжуд бўлмаган бозорлар тушунчаси ҳам мавжудлиги маълум. Баъзи бозорлар ташкил этилиши биланоқ тақиқланган. Масалан, сиз ўзингизни кулликка сота олмайсиз. Жон Жинакоплос каби олимлар ҳамма муаммолар, шунингдек, кейнсча муаммоларни ушбу амалий камчиликлар ёки соф назарий Вальрас хулосаларидан чекинишга мисол сифатида кўриб чиқишни афзал деб билишган. Мен уларга омад тилайман! Лекин бу Тобиннинг Йель мактаби эмас.

Коландер: *Клауэр-Лейонхуфвуд ёндашуви тўғрисида нима деб ўйлайсиз?*

Тобин: Унга қаршилигим йўқ, лекин мен у билан таниш эмасман.

Коландер: *Янгича кейнсчилик ёндашуви ҳақида нима дейсиз?*

Тобин: Сиз бунинг асосида нимани назарда тутаётганингизга боғлиқ. Агар бу Грег Мэнкьюга ўхшаш олимлар бўлса, у ҳолда, мен уларни кейнсчилар қаторига қўшмайман. Уларнинг назарияларида мажбурий ишсизлик каби тушунча мавжуд ёки бозорда талаб ва таклиф тенглиги мавжуд деб ҳисобламайман. Мэнкьюни кейнсчи деб аташ нотўғри бўларди.



Тепадан ва чапдан: Жеймс Тобин, Билл Нордхаус,
Рей Фаир, Билл Брайнард ва Роберт Шиллер

Коландер: *Реал ишбилармонлик назарияси вакиллари ҳақида нима дея оласиз?*

Тобин: Улар – менинг душманларим.

Коландер: *(Бироз жилмайди.)*

Тобин: Бу йиллар мобайнида биз Кейнс ва у классикчилар деб атаган иқтисодчилар ўртасида зиддиятларнинг қайтарилишига қарши



курашдик. Реал ишбилармонлик даври назарияси неоклассиклари ва тарафдорлари Кейнс ўз вақтида баҳслашганларга нисбатан кўпроқ экстремалдир, лекин аргументлар ўз ҳолича қолган. Аслида, Пигу Лукасга нисбатан иқтисодчи сифатида ишончлироқ эди.

Коландер: *Йелдан ташқаридаги Тобин мактаби ҳақида нима дея оласиз? Бунга кимни мисол сифатида келтира оласиз?*

Тобин: Ўз вақтида Йелдан Помонга ўтган Гэри Смитни айта оламан. У Йелда бўлган даврида биз бир нечта илмий тадқиқотлар олиб борганмиз. Шунинг учун у Тобин мактабига тегишли бўлган деб айтиш мумкин. Билмадим, бу саволга кўр-кўрона жавоб бериш қийинроқ.

Шунингдек, Йель Жанет Йеллен билан боғлиқ, у ҳозирги вақтда АҚШ Президенти қошидаги Иқтисодий маслаҳатчилар кенгашини бошқариб келмоқда. У менинг ассистентим ва ҳаммуаллифим эди, шунингдек, Жорж Акерлоф ҳам шулар жумласидандир. Мен бу рўйхатга менинг биринчи илмий ассистентим, ҳозирги кунда Висконсинда ишлаётган Дон Хестер, Дон Никольс ва Стив Дурлауфни, Берклидан Жим Пирсни, Брукинг институтидан Ральф Брайантни ҳам критишим мумкин.

Коландер: *Аксарият талабалар неоклассик назарияни афзал кўрганларини қандай тушунтириб берасиз?*

Тобин: 1960-йилларда кейнсча иқтисодий назарияга нисбатан юз берган аксилинкилоб бунга сабаб бўлган, у касбий ҳамжамият сингари, Вьетнамдаги уруш натижасида ва уруш оқибатидаги юқори инфляция туфайли жамиятнинг кайфиятида, шунингдек, 1970-йиллардаги нархлар сакрашида ҳам маълум ўринга эга бўлган деб ўйлайман. Менинг фикримча, кейнсча назарияни 1970-йиллар ва 1980-йилларнинг бошларидаги инфляция ўсишида ноўрин айблашган. Муаллифлар бўлиб ўтган молиявий ноқулайликларнинг ҳаммасини ҳеч қайси ташқи омилларни ҳисобга олмаган ҳолда ёмон пул-кредит сиёсатига ағдарганлар.

Фикримча, 1930–1950-йилларда кейнсча иқтисодий назария маълум маънода айнан шуни жалб этган, лекин 20 йил ўтгач, бу муаммолар ҳал этилди. Шунинг учун агар сиз ёш иқтисодчи бўлиб, ҳақиқатда қизик бўлган нарсани излаётган бўлсангиз, рационал тахминлар назарияси айнан сиз учун.

Коландер: *Мен Тобин мактабини амалий макроиқтисодиёт асоси сифатида кўриб чиққан бўлардим.*

Тобин: Мен ҳам шундай дейишни хоҳлардим, ундан ташқари, бу нуфузли журналларнинг саҳифаларида туғилган усулларни ривожлантириш ва фойдаланиш соҳасидир.



Буни давом эттириш зарур, чунки шуғулланиш ва ҳал этилиши лозим бўлган амалий характерга эга муаммолар ҳам мавжуд.

Шу билан бирга, аспирантлар ўша вақтда тасдиқланган услублардан фойдаланмасалар ўз изланишларини чоп эта олмайдилар. Бугунги кунга келиб, амалий масалаларни ҳал этиш билан боғлиқ иқтисодиёт бўйича улкан ишлар қилинган. Бу ишларда ижтимоий суғурта, соғлиқни сақлаш ва давлат бюджети каби муҳим иқтисодий муаммолар биз сиз билан суҳбат олиб бораётган макроиқтисодиёт тўғрисида кўп гапириб ўтилган. Мен, иқтисодий ҳамжамият жарга кулаётганини назарда тутмадим; мен макроиқтисодий характердаги масалаларни ўрганишга турли ёндашувларга эътибор қаратилса ёмон бўлмаслиги ҳақида гапирмоқдаман.

Коландер: *Шу билан суҳбатимизни якунлаймиз. Эътиборингиз учун раҳмат.*





РОБЕРТ ЖЕЙМС ШИЛЛЕР



1946 йил 29 мартда Американинг Мичиган штатида дунёга келди. Роберт Шиллернинг ота-онаси асли литвалик ҳисобланади. Унинг бобоси Жорж Игнас Силом 1908 йилда АҚШга келган ва шундан кейин уларнинг оиласи АҚШда муқим яшаб қолишган.

Роберт (Боб) Шиллер ўрта мактабни битириб Каламазу коллежида икки йил ўқиган, ундан сўнг Мичиган университетида 1967 йилда бакалавр дипломини олди. Кейин, 1968 йилда Массачусетс технологиялар институтида магистратурада ва 1972 йилда худди шу институтда докторантурасини тугатади.

Америкалик иқтисодчи, иқтисодиёт назарияси бўйича машҳур китоблар муаллифи, иқтисодиёт бўйича Нобель мукофоти совриндори (2013). Ҳозирда у Йель университетининг иқтисодиёт бўйича профессори ва Йель менежмент мактабининг Йель халқаро молия марказида илмий ходим сифатида фаолият юритади.

Роберт Шиллер инвестицияларни бошқариш бўйича «Макро Марквец» МЧЖга асос солган ва унинг бош иқтисодчиси ҳисобланади. «Рационал кутилмалар ва фоиз ставкалари» номли докторлик диссертациясини Франко Модильяни илмий раҳбарлигида амалга оширади.

Пенсильвания университети ва Миннесота штатидаги Уортон бизнес мактабида ҳам дарс берган. 1980 йилдан Миллий иқтисодий тадқиқотлар бюроси илмий ходими бўлиб фаолият юритган. 1982 йилдан бери Йель университетида дарс беради.



РОБЕРТ ШИЛЛЕР БИЛАН СУҲБАТ

Шиллер: Сиз Тобин билан суҳбатлашдингизми?

Коландер: *Ҳа, ўтган кунда.*

Шиллер: Менимча, у «Йель мактаби» тушунчасидан кенг фойдаланишни тушунаман.

Коландер: *Ҳа, у «Йель мактаби» янада торроқ аҳамиятга эга деб ҳисоблайди.*



Роберт Шиллер

дашувларда қийинчилик билан илғанадиган фарқлар талабаларнинг қарор қабул қилишига таъсир этади. Ўқишни қаерда давом эттириш ва кейинчалик қаерда ишлаш... Бу фарқларни ёритиб бериш қийинроқ бўлган бир вақтда катта эътибор қаратиладиган факультет рейтингларига нисбатан муҳимроқ аҳамият касб этади.

Бу каби Йель анъанаси мавжуд бўлиб, истасангиз уни Йель мактаби деб аташингиз мумкин – у Тобингача бўлган ва кейинроқ ҳам давом этган деб ўйлайман. Менинг фикримча, Йель иқтисодиёт мактабининг ибтидосига Ирвинг Фишер асос солган, кейин эса Фонд Коулснинг меҳнатлари билан у гуллаб-яшнади ва Тобин билан амал

Шиллер: Балки, улар ҳақдир. Ҳар қандай Иқтисодиёт факультетига нисбатан «мактаб» атамасидан фойдаланмаслигимиз лозим. Йелда ўтган йиллар мобайнида у жуда ўзгарди. Йель университети Иқтисодиёт факультети бошқа факультетлар сингари турли манфаат ва ёндашувларга эга кишилар гуруҳини намоён этади ҳамда маълум вақтда иқтисодий ҳамжамиятда содир бўлаётганларнинг акси ҳисобланади.

Ундан ташқари, анъана, фалсафа ва услубларда бир факультетни бошқасидан ажратиш учун фарқларни илғаб олиш қийинроқ, кишилар эса бундай фарқлашлар борасида жуда кўп бош қотирадилар. Иқтисодий ёндашувларда қийинчилик билан илғанадиган фарқлар талабаларнинг қарор қабул қилишига таъсир этади. Ўқишни қаерда давом эттириш ва кейинчалик қаерда ишлаш... Бу фарқларни ёритиб бериш қийинроқ бўлган бир вақтда катта эътибор қаратиладиган факультет рейтингларига нисбатан муҳимроқ аҳамият касб этади.



қилишда давом этди, кейин ундан кейин ҳам фаолият юритди. Ундан ташқари, бу анъана Иқтисодиёт факультетидан ташқари узоқроқ вақтга бориб тақаладиган Йелнинг гуманистик анъаналарига мос келиши мумкин.

Коландер: *Менга келадиган бўлсак, Йель мактабининг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Бу тушунчага мен Брюннер ва Мельтцер билан Жимнинг мунозараси нуқтаи назаридан унинг фикрларини ёритиб беришни ҳам киритаман.*

Шиллер: Жимни Милтон Фридманнинг оппоненти сифатида муҳокама қилишган вақтлар ҳам бўлган. 1965 йилда Жим «American Economic Review»да Фридман ва Шварцларнинг «Қўшма Штатларнинг Пул тарихига танқидий тақриз берган? 1970 йилда Фридман «Journal of Political Economy»да ўзининг «назарий асослар»ини чоп этди (Шиллер Фридманнинг «Монетар таҳлилнинг назарий асослари» деб номланган ишини назарда тутган бўлса керак). Шундай қилиб, ушбу мунозарадан кўпчиликка, агар Чикаго мактаби мавжуд бўлса, у ҳолда Йель мактаби ҳам бўлиши мумкинлиги бошқаларга маълум бўлиши даркор. Илмий мактаб жамоатчилик тан олган бир ёки бир нечта улкан фикрлар доирасида курилади.

Йель анъаналарига нисбатан айтилган яна бир муҳим фикр ҳам мавжуд. Тобин бир вақтнинг ўзида мустаҳкам иқтисодий назария учун мустаҳкам ва реал олам қийинчиликларига мослашувидан қийинроқ кечадиган ёндашувни қўллаб-қувватлайди.

Коландер: *Кўшиламан, Барнетнинг таклифини қабул қилган ҳолда мен Йелда маълум кишиларнинг ишларини бирлаштирувчи қандайдир услубий асослар ҳам мавжуд деб ҳисоблайман. Умумий услубий асослар доирасида мен тадқиқотнинг учта кўшимча йўналишини кўрдим.*

Биттаси – жуда назарийлаштирилган ва мавҳум. Унга Мартин Шубик ва Жон Жинакоплос ишларини киритишни маъқуллаган бўлардим. Менимча, уларнинг назарий ишлари «Чикаго мактабининг замонавий тадқиқотлари»га нисбатан мутлақо бошқа шароитдан келиб чиқади. Бунинг учун «ижтимоий образ» дейиш мумкин бўлган ҳолатлар талаб этилади. Масалан, Шубикнинг ишлари пулларга нисбатан иқтисодий ҳамжамиятда қабул қилинганига нисбатан бошқачароқ муносабатни талаб этади. Жон Жинакоплоснинг ишлари, менинг фикримча, ушбу назарий асосларга мос келган.

Крис Симснинг ишлари эмпирик характерга эга. Ва, ниҳоят, мен амалий йўналишда Рэй Фэейрнинг ишларини кузатдим, улар



мутлақо бошқа йўналишда амал қилган. Унинг эконометрик ишлари, бу – қандайдир даражада келишув, муросадир. Сизнинг ишингизни эса, мен бошқалар орасига жойлаштирдим ва уларни Тобин ёндашувининг табиий эволюцияси сифатида кўриб чиқдим.

Шиллер: Ҳа, баъзи умумий элементлар мавжуд.

Коландер: *Лекин, шу билан бир вақтда, «Йель мактаби» тушунчасидан фойдаланишда баъзи норозиликлар ҳам мавжуд бўлган, шунинг учун мен сиз ва Жим билан суҳбатларимни чегаралайман.*

Шиллер: Ҳа мен буни биламан, факультетимизнинг баъзи ўқитувчилари суҳбатда иштирок этишдан бош тортишган эди. Чунки бизнинг Йель мактабини тавсифлаш борасидаги ҳаракатларимиз, аксинча, чалғитиши мумкин. Уларнинг фикрига кўра, университетимизда бутун илм-фандагига нисбатан анъана ва усуллар уйғунлашуви бироз камроқ учрайди.

Мен бу хулосани маъқулламайман. Амалий иқтисодий сиёсатга қизиқиш, менимча, Йель мактабининг асосий тавсифларидан бири ҳисобланади, гарчи моҳиятан иқтисодий назарияда катта қизиқиш уни давлат сиёсатига қаратилган мактаблардан ажратса ҳам. Ҳамма иқтисодий факультетлар сингари факультетимизнинг аксарият талаба ва ўқитувчилари Вашингтонда маслаҳатчи сифатида ишлаган. Шунингдек, иқтисодчиларимиз бошқа мамлакатларда ҳам фаолият олиб бордилар. Масалан. Мексика Президенти Эрнесто Зедильо (1994–2000) иқтисод фанлари доктори даражасини бизда олган.

Коландер: *Труман Бьюли ҳам Йелга келгач, ўзининг тадқиқотлари дастурини ўзгартирди.*

Шиллер: Ҳа, Йелда қай йўл билан бўлса-да, профессор бўлиш ва амалий ўзгаришлар имкониятига яна бир мисол бўлди. У ўзининг мавҳум математик иқтисодиёт борасидаги тадқиқотларини эмпирик тадқиқотларга ўзгартиришга эришди. Иш ҳақини белгиловчилар билан юздан ортиқ шахсий суҳбатлари натижалари келтириб ўтилган китоби макроиқтисодиётнинг марказий муаммоларидан бирини чуқур англашни намоён этади. Нима сабабдан иш ҳақи бунчалик секин кўтарилади? Унинг ҳозир қилаётган ишлари мени ҳайратга солди. Шунинг учун Йель инсонларни шу тариқа ўзига жалб этади ёки у маълум қизиқишларга эга кишиларни ўзига тортади.

Коландер: *«Янги Йель мактаби мавжудми» деган саволга жавоб топиш учун Йель бошқа университетлардан нимаси билан фарқланиши ҳақида суҳбатлашиш лозим. Йелни Массачусетс технологиялар институти, Принстон ва Гарварддан нима ажратиб туради?*



Шиллер: Бу саволга биргина сўз билан жавоб бериш кийинроқ. Баҳолаш учун кишилар ва параметрлар жуда кўп, бунда ҳар бир университет ўзининг ҳар хил кишилар учун жозибали туюлиши мумкин бўлган илмий фикрларни ривожлантириш тарихига эга. Масалан, Массачусетс технологиялар институтини олайлик. У ҳақида ўйлашни бошлаб, дарҳол Самуэлсон Солоу, Модильяни ва Даймондларни кўз ўнгингизга келтирасиз. Уларнинг ва бошқа олимларнинг ҳаракатлари билан университетда уларнинг ишларидан қайсидир ҳолатларни мотивацияловчиларни жалб этувчи илмий фикрларни ривожлантириш борасида жуда қизиқ анъана мавжуд. Фикримча, уларнинг мерослари факультетга бошқалардан ажралиб туришда кўмаклашувчи оммавий фокус нуқтага айланиб бормоқда. Йелда бу ролни Ирвинг Фишер ва Жим Тобин бажаради.

Коландер: *У ҳолда сиз Самуэльсон ва Тобинни қандай тавсифлаб беришингиз мумкин?*

Шиллер: Улар буюк иқтисодчилар, мен улар билан фахрланаман. Улар тор иқтисодий моделлар доирасида фикрлар эмас, балки кенг дунёқараш ва ижтимоий фалсафага нисбатан мойилликка эгадирлар.

Коландер: *Ҳап микро- ва макроиқтисодиёт ҳақида борганида турли усуллардан фойдаланиш мумкинми?*

Шиллер: Макро- ва микроиқтисодиёт тушунчалари турли илмий мактаблар сингари турли ўрганиш предметларини ҳам англатади. Таърифга кўра, макроиқтисодиёт микроиқтисодий масалаларнинг бирикмаси ҳисобланади, лекин, аслида, илмий мактаблар ўртасидаги фарқлар фойдаланиладиган усуллар сингари ўрганиш предмети нуқтаи назаридан бир хил даражада амал қилади. Бу геометрия ва математикадаги ҳисоблашлар ўртасидаги мавжуд фарқларга ўхшайди. Геометрияда аксиомалаштириш усули мавжуд, бунда талабаларга аксиомалаштирилган тизим сифатида ҳисоблаб чиқариш усули жуда кам ҳолларда намоён этилади.

Бу нуқтаи назардан макроиқтисодиёт ҳисоблаб чиқаришга ўхшайди. Ҳаммаси сезишдан бошланади, биз моделларни кўрмаймиз, кўрганларимизни ҳам тўлиқ деб айта олмаймиз. Биз асосий тамойилларга асосланамиз, шунинг учун микроиқтисодиётга нисбатан макроиқтисодиётда, кўпинча, инсон хулқ-атворида реал оламнинг бутун мураккабликларини акс эттириш истаги туғилади.

Коландер: *IS-LM модели борасида нима деб ўйлайсиз?*

Шиллер: Мен ҳали-ҳануз ўз маърузаларимда бу ҳақда талабаларга сўзлаб келмоқдаман, гарчи бу янгона мавзу бўлмаса ҳам. IS-LM модели



тўлиқсиз модель бўлиб, у ерда белгиланган шартлар мавжуд. Агар бу сиз билганларингизнинг ҳаммаси бўлса, у ҳолда сиз ўз ҳаракатларингизни чеклаб қўйгансиз.

Коландер: *IS-LM модели асослари устида олиб борилган ишларнинг аксарият қисми Вальрас умумий мувозанат модели билан боғлиқ. Сиз бу ҳақда нима деб ўйлайсиз?*

Шиллер: Менинг асосий тамойилимга қайтган ҳолда, агар мураккаблиги ҳақида гапирадиган бўлсак, сиз инсон хатти-ҳаракатларини бирор-бир оддий қоидаларга кирита олмайсиз. Биз IS-LM модели ҳақида кейнсчилик модели тўғрисида мулоҳаза қилгандек гапиряпмиз. Лекин, Кейнс жуда катта масалаларни, шу жумладан, IS-LM концепциясига мос бўлмаган ижтимоий киёсловлар тўғрисида эълон қилмаган. Мен иқтисодий характердаги одатларни, қандайдир алоҳида сабабларсиз, миямиздаги хатти-ҳаракатларимиз сифатида тасаввур қиламан. Бу – аҳамиятли ҳолат. Кишилар номинал кўпликни афзал кўрадилар. Ушбу афзаллик макроиқтисодий назария учун асос бўлиши лозим.

Коландер: *Келинг, бунга асос солганларга қайтамиз. Бизнинг фикримизча, макроиқтисодиёт эволюцияси қанчалик табиий кўринишга эга бўлган? IS-LM модел яратилгандан сўнг, кейнсчилар Модильяни ва Тобин уни модификациялаш билан шуғуллана бошладилар. Бу уларнинг янада табиийроқ – модель хулосалари учун микроасосларни ишлаб чиқиш ютуқлари эди.*

Шиллер: Ҳа, бу табиий қадам эди, чунки Кейнснинг китоби мужмал эди. Кейнс нимани ифодалаб бераётгани тушуниш қийин эди, чунки у барча зарур деталларни қўйиб юборган.

Коландер: *Лекин мен бу ҳақда эмас, балки неокейнсчиларнинг тадқиқотларини микроасосларни яратишдаги биринчи қадам дейиш мумкинми деб сўрамадим. Бу, мураккаб саволларнинг оддий жавоблари бўлиши мумкин деган тахминларнинг ибтидоси бўла олдими?*

Шиллер: Авваламбор, мураккаб ҳодисаларнинг, масалан, иқтисодиёт учун табиий моделларга ўхшаш оддий изоҳига эга бўлиши маъқулроқ. Бу жуда яхши иш бўларди, лекин, менимча, физикада қўлланиладиган методика иқтисодиётга бироз мос келмайди. Биз иқтисодиётдан $F = MA$ каби кенг тарқалган ва муҳим универсал қонунларни излашга киришмоқчи эмасмиз. Менинг фикримча, қандайдир шунга ўхшашини топиш истаги баъзи ҳамкасбларимнинг иқтисодий тадқиқотларига зарар келтириши мумкин.



Коландер: *IS-LM модели билан Вальрас умумий мувозанат назарияси билан мослик даражаси ҳақида қандай фикрдасиз?*

Шиллер: Вальрас модели жуда мавҳум, ундан бошқа сайёрадаги та- раққиётга ҳам қўллаш мумкин. Кейнсча IS-LM модели XIX асрда инсти- тутлар ва инсон хатти-ҳаракатлари модели учун яратилган. Уни тўлақон- ли назарий модель деб айтиб бўлмайди. Бу сезги назариясидан баъзи дастлабки хулосаларни чиқаришга ёрдам берувчи оддий қўшимча холос.

Коландер: *Сизнинг монетаризмга муносабатингиз қандай?*

Шиллер: Милтон Фридман монетаризмнинг асосий ҳимоячиси бўлган. Милтон Фридманнинг амалга оширган ишларини ҳам жуда қадрлайман десам, муболаға қилмаган бўламан. Унинг Анна Шварц билан ҳаммуаллифликда ёзган «Пул тарихи» китобида пул мультипли- катори беқарорлиги масаласи сўнгги вақтларда мен учун долзарблик касб этган жуда қизиқарли китоб бўлган.

Мен, бир вақтнинг ўзида оптималлаштирувчи модел ётадиган макроиқтисодий ёндашувни шубҳа остида қолдирган ҳолда Фридман ва Чикаго мактабининг кўпгина аъёнларини қандай қилиб қадрлашим мумкин? Жавобим шундан иборатки, ҳақиқатда бизни бошқаларнинг ишларидаги, уларнинг ажралиб чиқишлари ва барчани уларнинг ғояларини қабул қилишга мажбурловчи догмалар қизиқтирмайди. Сиз фақатгина инсон бажарган ишнинг бир қисмидангина таъсирланишни, унинг догмаларини рад этишингиз мумкин. Милтон Фридманни раци- онал оптималлаштирувчи моделлар сингари кўриб чиқадилар, лекин мен унинг бу соҳадаги алоқалари борасида бошқача фикрдаман.

Фридман методология бўйича китоб ёзган, «Позитив иқтисодий фан тўғрисида эссе» номли. Ушбу китобнинг биринчи эссесидан кўпчилик далилларга зид бўлган таклифлар асосида пухта ишлаб чиқилган иқтисодий моделларнинг яратилишига асос сифатида фойда- ланишган. Бу эсседа у бильярд ўйинида тажрибали ўйинчининг хат- ти-ҳаракатларини қандай моделлаштириш ҳақида гапиради. Энг яхши йўл, бу – унинг ўйинларини назарий механикада оптималлаштириш муаммолари ҳал этилаётганидек ёритиб беради.

Агар бильярд ўйинчиси назарий механикадаги математик ҳисоб- китобларни тушуна олмаса, у ҳолда бундай моделлаштириш усулини танқид қилиш сингари кўринмайди. Фридман бу борада ҳақ эди ва унинг келтириб ўтган мисоли далилларга зид келувчи тахминлар асо- сида оптималлаштирувчи моделларни яратиш қимматини исботлайди. Купманснинг фикрига кўра, ушбу мисолдан фойдаланиб келаётганлар, унинг моҳиятини нотўғри тушунганлар.



Иқтисодий фаолият мавзусидаги йиғилиш, 1978 йил, январь. До Печман (чапда) Брукингда иқтисодий таълим раҳбари бўлган, Арт Оқун (ўртада) ва Георгий Перри (ўнгда) панел асосчиларидан эди.

Менинг фикримча, биз Фридманни кимдир унинг методологиясидан нотўғри фойдаланаётганида айблай олмаймиз. Агар унинг тадқиқот олиб бориш борасидаги шахсий усулини оладиган бўлсак, у ҳолда жуда кўп кучли томонлари ва маъносини кўриш мумкин. Масалан, унинг Анна Шварц билан ҳаммуаллифликда ёзган «Пул тарихи» китобини сабаб ва самараларни ажратиш учун илк табиий тажрибалардан бири деб ҳисоблаш мумкин.

Коландер: *Шундай қилиб, Тобиннинг макроиқтисодий гоялари ва монетаризмнинг баъзи қисман мос томонлари мавжуд дейиш мумкинми?*

Шиллер: Айнан шунинг учун биз Йель мактабини тўлиқ тавсифлай олмаймиз. Бу ерда қисман ўхшашлик мавжуд. Чикаго мактаби Чикаго университетининг деворлари билан чекланмайди, мен Йель ҳақида ҳам шундай дея оламан: Йель мактаби, бу – фақатгина Йель эмас.

Коландер: *Клауэр-Лейонхуфвуднинг ёндашуви тўғрисида нима дея оласиз?*

Шиллер: Уларнинг ишлари ёдимда, у – жуда қизиқ. Мен ҳатто ўзимнинг маърузаларимда ҳам талабаларга уларнинг гоялари ҳақида гапириб бераман, қисқа қилиб албатта. Мен назарий ва самарали талаб ва қатъий нархлар ҳақида гапириб бераман. Уларнинг тадқиқотлари му-



возанатсизлик бўйича ишлар кўринишида тараққиётга ҳисса кўшган, уларнинг баъзилар катта қимматга эга бўлган.

Коландер: *Йель мактаби ва кейнсчилик мактабининг қандай ўзаро алоқаси бор деб ўйлайсиз?*

Шиллер: Кейнсчилик бугунги кунда қийинроқ аниқланмоқда, кўпчилик уни сиёсат нуқтаи назаридан эмас, балки назария нуқтаи назаридан йўқ бўлган дейиши мумкин. Бироқ, мен аввал айтганимдек: «Ҳаммасини асосий тамойиллардан бошлашдан кўра, иложи бори-ча кўпроқ кузатилган ҳодисаларни қамраб олувчи моделни яратишга ҳаракат қилгани муҳимроқ». Шунинг учун, менинг фикримча, мотивация ва фалсафа нуқтаи назаридан Йель мактаби ва кейнсчилик мактаби ўртасида қандайдир узвий алоқа мавжуд.

Коландер: *Реал ишбилармонлик даврлари тўғрисида қандай фикрдасиз?*

Шиллер: Реал ишбилармонлик даври назарияси – Кидлан ва Прескотнинг 1982 йилда ёзилган машҳур «Қурилишлар даври ва жамланган тебранишлар» номли иши макроиқтисодий назариядаги сезиларли йўналишлардан бири бўлди. У иқтисодчилар орасида жуда тез тарқалди, кейинроқ дифференциация натижасида алоҳида йўналиш сифатида ажратилмайдиган бўлди.

Реал ишбилармон давр назариясини ишлаб чиқувчилар асосий макроиқтисодий маълумотлар, иқтисодиётнинг оддий тавсифларини қандай миқдорий кўрсаткичлар ва нисбий баҳолар ишбилармон давр мобайнида ўзгариши ва улар қай тарзда ўзаро боғлиқ индикаторлари сингари кўриб чиқадилар. Кейинроқ улар бу нархлар ва миқдорий ўзгарувчиларни индивидуал хатти-ҳаракатнинг эскича оптималлаштиришга ўтказишга ҳаракат қиладилар.





РОБЕРТ ШИЛЛЕР БИЛАН СУЎБАТ



Роберт Шиллер

«The Economist» журналидаги мақолаларнинг бирида муаллиф иқтисодчиларни «шоир» ва «сув қувурчиларига» ажратган. Унинг фикрига кўра, биринчилари иқтисодиётни радикал тарзда янгича талқинини овоза қилганлар, охиргилари эса, ушбу талқинни амалга ошириш учун зарур бўлган инфратузилмани яратиш билан тер тўкиб шуғулланишган. Роберт Шиллер ўзида «шоир» ва «сув қувурчиларини» бирлаштира олган иқтисодчилардан биридир. Ундан ташқари, у ҳам тадбиркор, ҳам билимдондир. Унинг ишлари молияни назарий, эконометрик, амалий ва, ҳатто, ижтимоий нуқтаи назардан тушунишга таъсир кўрсатган.

1970-йилларнинг охирларидан эътиборан, Шиллер молиявий иқтисодиётда устунлик қилувчи ортодоксал ғояларга қарши курашган. У ушбу нарх оғишишларини ўлчаш учун янги эмпирик усуллари ни ишлаб чиқди. 1980-йилларнинг бошларида Роберт Шиллер актив нархлари ҳаракатини яхши тушуниш учун иқтисодчиларга инвесторнинг психологияси тўғрисида билиши зарурлиги тўғрисидаги баҳсга қўшилди.

У хатти-ҳаракат иқтисодиёти, шунингдек, унинг янада машхур йўналиши – молиялар хатти-ҳаракати каби соҳа кашфиётчиларидан бири бўлган. Ўтган аср охирида Шиллер ўзининг кучли муваффақиятга эга «Иррационал оптимизм» («Irrational Exuberance») китобида молияларга бўлган фикрларини баён қилди. У шунчалик машхур бўлдики, TIAA-CREF компанияси ундан оммабоп нашрлардаги реклама кампанияларида иштирок этишни сўради.



Гарчи Боб инвесторлар молия бозорларини етарлича оқилона фойдаланган деб ҳисоблаган бўлса-да, бироқ у бу бозорлар алоҳида кишиларнинг ҳаёт шароитлари яхшиланиши учун улкан имкониятларни тақдим этади.

Ўзининг охириги ишларида у мамлакатларнинг турли минтақалари ва фаолият турларида гуруҳлар ичида хатарлар тақсимотини яхшилаш учун қай тарзда мавжуд молиявий бозорлардан фойдаланиш ва янги-ларини яратиш масаласини кўриб чиққан. У, хатарларни тақсимлаш вариантларини нафақат журнал мақолаларида, балки муайян венчур лойиҳаларида, шунингдек, 2003 йилда ёзилган «The New Financial Order: Risk in the 21st Century» номли китобида таҳлил қилган.

Роберт Шиллер билан суҳбат олиб бориш мен учун фахр эди. Мен илмий даража олаётган Йелга Бобнинг ташрифи менинг иқтисодчи сифатидаги мавқеимни белгилаб берди. Боб, молия бозорлари макро-иқтисодиётда марказий ўринга эга бўлиши ва макроиқтисодий кўрсаткичларни яхшилаш имкониятига нисбатан идеализм бўлиши лозимлиги ҳақидаги ишонч билан Йелда макроиқтисодиётни ўқитишга анъанавий ёндашувни ҳаётга татбиқ этди. Дастлаб илмий раҳбар сифатида, кейин эса ҳаммуаллиф, устоз ва дўст сифатида Боб мен бу анъаналарни ривожлантиришга қай тарзда ҳиссамни қўша олишимни кўрсатди.

Бизнинг суҳбатимиз 2003 йилда Вашингтонда Бирлашган ижтимоий фанлар ассоциацияси (Allied Social Science Association)даги ҳар йиллик учрашувда бўлиб ўтди.

Кэмпбелл: *Боб, мен сизнинг иқтисодчи сифатидаги фаолиятингизнинг аввалидан гап бошлашни хоҳлайман. Айтинг-чи, қачон сиз иқтисодиёт билан илк бор тўқнаш келгансиз? Сиз у билан қандай шугуллана бошлагансиз?*

Шиллер: Биринчи навбатда, мен Самуэльсоннинг «Экономика» («Economics») китобини ёдга оламан. Мендан тўрт ёш катта акам бор менинг. Унинг коллежида иқтисодиёт фанига кириш ўқитиларди, акамга ҳам ушбу дарслик берилган. Таътилда акам бу китобни уйга олиб келди. Ўша вақтларда мен эндигина ўрта мактабга чиққан эдим. Мен бу китобни қўлга олиб, уни варақлай бошладим, агар у жаҳон миқёсидаги катта муаммоларни ҳал этишда фойдаланилса, оддий иқтисодий таҳлил жуда кучли нарсалигини тушундим ва бу ғоя менга жуда ёқди.



Мен катта акамнинг китобини ўқиб чиққанман десам, ғалати туюлса керак. Мен ўқиб чарчамасдим ва қўлимга қандай китоб тушмасин, ҳаммасини ўқиб чиқардим.

Кэмпбелл: *Масалан?*

Шиллер: Менинг онам бир воқеа ҳақида гапиришни ёқтирарди, бу воқеа мен ўрта мактабда ўқиб юрган вақтларимда содир бўлган. Унинг оёқлари оғрир эди, онам бир куни кутубхонадан айнан шу мавзудаги китобни олишга қарор қилди. Онам китобни стол устида унутиб қолдирди ва мен уни ўқиб чиқдим.

Кэмпбелл: *Сиз ортопед-шифокор касбини танламаганингиз қизиқ.*

Шиллер: Мен ҳамма соҳадаги китобларни ўқиб чиққанман, лекин ҳеч бири менда иқтисодиёт каби таассурот қолдирмаган.

Кэмпбелл: *Ўша даврда иқтисодиёт сиз учун коллежда мутахассислик фанингизга айланиши ҳақида ўйлаганмидингиз?*

Шиллер: Йўқ, бу кейинроқ юз берди. Менинг маълумотим кўпроқ математика билан боғлиқ эди. 14 ёшга етганимда геометрия ўқитувчим Рожер Саучи ёрдами билан математикага муҳаббат пайдо бўлди. У тадқиқот иши олиб бориш фикрини уйғотди менда. Биз ўша вақтда энди доира периметри ва айлана юзасини ҳисоблаш учун формулаларни ўтган эдик. Унинг таъсирида спирал узунлиги формуласини чиқариш бўйича ўз ишимни ёздим. Бунда қандайдир ҳисоб-китоблар мавжуд бўлмаган, мен эса сўнгги исбот ҳақида бош қотирдим. Геометрия ўқитувчимнинг ташаббуси билан миқдорий тадқиқотлар билан қизиқиб қолдим, лекин бу иқтисодиёт соҳасига тааллуқли бўлиши ҳақида мен коллежда англаб етдим.

Кэмпбелл: *Демак, коллежга кирибоқ математика билан шуғулланмай қўйдингиз?*

Шиллер: Мен физикани ташладим, гарчи у билан айтарли фаол ишламаган бўлсам-да. Умуман таъкидлаш жоизки, иқтисодчилар орасида физикага қизиқиш – кенг тарқалган ҳолат. Иқтисодиётга келадиган бўлсак, мен коллежда ўқиб юрганимдаёқ бир қарорга келганман. Мен ихтисослик танлашга узоқроқ вақт сарфладим.

Айнан нима менда таассурот қолдирди, бу ҳолат ҳозирги эркин жамиятда ёшларнинг карьера қилиш учун имкониятлари доираси кенг бўлган. Биз ўз йўлимизни отамиз шуғулланган касб ёки ўсмирлик даври-мизда орзу қилган касбдан келиб чиққан ҳолда танлашимиз шарт эмас. Ушбу танлаш эркинлиги бизга тақдирнинг бебаҳо тухфаси, ўзимиз-



Очиқ иқтисодиётда монетар механизми мавзuida конференция, Хелсинки, 1975 йил. Маърузачи Стенли Блэк. Олд қаторда Франко Модильяни. Унинг рўпарасидан чапдан ўнгга: Роберт Шиллер, Бенжамин Фридман, Якоб Френкел ва Эдмунт Фелрс, Орқа қаторда Гарри Жонсон.

нинг ички мақсад ва эҳтиёжларимиз, иқтидоримизни амалга ошириш имкониятидир. Менга нима қилишим кераклигини уқтирмасликлари учун ҳаммасини тақдир ҳукмига ёки шахсий кучимга ташлаб қўйишни хоҳламадим.

Ўзимнинг келгуси фаолият йўналишим, магистратурада ўқишни давом эттиришим учун ихтисослик танлашга ундаган ўқув режаси – буларнинг ҳаммаси менда кучли ҳаяжон уйғотди. Мичиган университети қошидаги коллеждаги сўнгги курсда мен кампус бўйича ҳаётимда нимага эришишни хоҳлашим тўғрисида бош қотириб сайр қилиб юрдим. Ёдимда, оёғимга яра тошиб шифокорга бордим, шифокор менда метатарзал етишмовчилик ёки солдатларда узоқ вақт давом этадиган маршировкалар пайтида пайдо бўладиган оёқ касаллиги борлигини айтди.

Кэмпбелл: *Натижада, сиз бу айнан иқтисодиёт бўлиши лозим деган хулосага келдингизми?*

Шиллер: Шундай муваффақиятлар билан ҳар қандай соҳани танлашим мумкин эди, лекин мен иқтисодиётни танладим, чунки мазкур соҳа, менинг ички туйғуларимга кўра, менга жуда яқин соҳа эди. Эҳтимол, бунда менинг ҳис-туйғуларим, ҳаётимизда иқтисодий нати-



жалар ва иқтисодий омилларнинг муҳимлигини тушунишим, шунингдек, уларни бошқариш имконияти катта роль ўйнагандир. Мен ҳатто иқтисодиёт соҳасида ишлашга ҳақиқий интилишни ҳис этганман.

Кэмпбелл: *Магистратурага киришингизда сизга йўл кўрсатган ва, ҳатто, таъсир ўтказган бирор-бир ўқитувчининг номини айта оласизми?*

Шиллер: Мичиган университетида мен Вольфганг Столлердан Столлер-Самуэльсон теоремаси мавжудлиги тўғрисида билиб олдим. Роберт Стерн билан бирга девальвацияни қай тарзда башорат қилиш мумкинлигини тушунишга ҳаракат қилганимизни эслайман. Шори Петерсон менга ишларни ёзиш ва иқтисодий асосларда ёрдам бериб, йўналтириш вазифасини ўз зиммасига олган эди. Жорж Катона илк бор хулқ-атвор иқтисодиёти нимани англатишини кўрсатган.

Қайд этиш жоизки, бизнесда карьера қилишни афзал кўрган курсдошларим ҳам таъсир кўрсатган менга. Мен суҳбатимиз давомида Брюс Вассерштайн номини кўп марта такрорладим шекилли, у кейинчалик Wasserstein Perella инвестиция банкига асос солди.

Кэмпбелл: *Ва сиз коллежни тугатибоқ магистратурада ўқишингизни давом эттиришга қарор қилдингизми?*

Шиллер: Ҳа, лекин бизда танлаш имконияти йўқ эди. Чунки, биз магистратурага ўқишга кетишимиз ёки Вьетнамга урушга жўнатишимиз хавфи ҳам мавжуд бўлган. Мен бизникиларнинг Вьетнам билан уруш олиб боришларига қатъиян қарши эдим, шу билан бирга, иқтисодиёт оламига янада чуқурроқ кириб бориш истаги мени тинч қўймасди. Мен Миллий илмий жамғармадан стипендия олдим ва магистратурага кирмасликнинг ҳеч қандай сабабини кўрмадим.

Кэмпбелл: *Нима учун сиз айнан Массачусетс технологиялар институти магистратурасини танладингиз?*

Шиллер: Ихтисослигимни танлашда вақтим тифиз эди. Массачусетс технологиялар институти, бу – айнан боришим керак бўлган жой эди. Албатта, мени у ердаги ўқитувчилар таркиби ўзига жалб этган. Улар орасида мен бир неча бор эслаб ўтган Пол Самуэльсон бор эди. Талабалик давримдаёқ мен Франко Модильяни ва Роберт Солоу билан фахрланганман.

Кэмпбелл: *Сиз қачон Массачусетс технологиялар институтига қабул қилингансиз ва у қандай ҳолатда эди? Сизнинг кутганингиздек эканми у? Ўша даврларда Массачусетс технологиялар институтида қандай «қизгин» мавзулар ҳал қилинарди?*



Шиллер: Ўша даврда рационал тахминлар соҳасида инқилоб юз берган. Бу Лукаснинг «Танқиди» пайдо бўлгунга қадар юз берган (Lucas, 1975). Ва жуда ажойиб бўлган бу. Ричард Сатчни ҳам жуда яхши эслайман, биз у билан Массачусетс технологиялар институтида бир йил давомида бирга иш олиб борган. У фоиз ставкаларининг вақтинчалик тузилиши тўғрисида диссертация ёзди, бунда у фоиз ставкалари учун башорат характеридаги рационал тахминлар тенгламаси ва авторегрессион тенгламаларнинг келишилганлик предметиға вақтинчалик тузилишини тест қилди (Sutch, 1978). Диссертациям (Sgiller, 1972) раҳбари Франко Модильянининг ташаббуси билан Ричард қилган ишлар асосида тайёрланди. Кейинроқ биз Франко билан бирга баъзи олинган натижалардан фойдаланган ҳолда иш ёздик (Modigliani and Shiller, 1973).

Лекин ростини айтсам, мен рационал тахминлар назарияси ғоялари билан қаттиқ шуғулланмаганман. Ўша даврда бунинг устида қаттиқ ишлаш керак эди. Кишилар ўз тахминларини шунчалик ҳисоб-китобли бўлишларини охириги вақтга қадар ишонмагандим. Ўша вақтда ўз фикрларимда ҳам хулқатвор иқтисодиётининг баъзи элементлари пайдо бўлди, гарчи нашрларда улар ҳақида қайд этиб ўтмаган бўлсак-да.

Мен 1967 йилда Массачусетс технологиялар институтиға етиб келганимда Жереми Сижелни учратдим. Институтға қайта келган талабаларнинг флюорографиядан ўтишлари алифбо тартибидан олиб борилган. Сижел мендан кейин турарди, биз навбат пойлаб турганимизда суҳбатлашиб олиш имконимиз мавжуд бўлган. Жереми биринчи учрашувимиздаёқ менда кучли таассурот қолдирди. У ҳайрон қоладиган тарзда реал мавжуд бўлган масалалар ечимига миқдорий таҳлилни лойиҳалаштиришни билганлиги менга жуда



1989 йил. Чапдан ўнгга, олди қаторда: Жери Сижел, Бенжамен Шиллер ва Эндрыю Сижел. Орқа қаторда: Эллен Сижел, Виржиния Шингел (Дерек Шиллери кўтариб олган), Жереми Сижел ва Роберт Шиллер.



ёқди. Узоқ вақт Жеремида турли назарияларнинг ҳаёт фаолиятини тест қилдим.

Кэмпбелл: *Массачусетс технологиялар институтидаги биринчи йилингиз қандай ўтди?*

Шиллер: Айтиш мумкинки, бу даврда миқдорий иқтисоднинг ролини ўрганиш билан шуғулланганман. У қандай аҳамиятга эга бўлиши, шунингдек, рационал иқтисодий агентларнинг ролини тушуниш учун менга бироз вақт керак бўлган.

Кэмпбелл: *Биринчи йили сиз учун юлдуз даражасидаги ўқитувчилар таркиби билан учрашиш имконияти бўлган.*

Шиллер: Самуэльсон маърузалари кўпроқ онг оқими бўлиб туюлган. Баъзи талабалардан фарқли ўлароқ, мени улар ҳақиқатда ўзига жалб этган. Улар ҳайратомуз эди. Шубҳасиз, Солоунинг ўсиш назариялари бўйича маърузалари ҳам бебаҳо. Мен, шунингдек, Кембриж университетидан тарихчи-европашунос М.Постанни ҳам яхши эслайман. У ўзига хос техник иқтисодчи бўлган ва у мени қўллаб-қувватлаган ва илҳомлантирди. Кейинроқ Берклидан Роберт Ҳолл келди, у ностандарт, оригинал фикрлаш қобилиятига эга.

Кэмпбелл: *Кишилар ёки мавзулар ва сиз магистратурада йўлларингиз тўқнаш келган кишилар, яъни сизга магистратурани якунлагандан кейин шугулланишни мўлжаллаганларингизга таъсир этувчи кишилар бўлганми? Масалан, сиз ишлашни бошлаган Франко Модильяни.*

Шиллер: Мен Франкога мафтун бўлганман, у иқтисодиётнинг тақдирот моделларини яратган. Унинг иқтисодиётга ёндашувида реал ва материалистик ҳолатлар бўлган, айнан шу мени ўзига ром этди. Касб ҳамжамиятининг катта қисми Модильянининг моделига қарши чиқарди, унинг тўлиқ миқёсли эконометрик моделларида амалий ва аҳамиятли ҳолатлар мавжуд. Биз Рэем Фэйр билан ҳамкорликда иш олиб бордик (Fair, Shiller, 1990), унда биз шундай тўлиқ миқёсли моделларга асосланган башоратларда ахборотлар қандай сақланиши кўрсатиб берилган, буни сиз вектор авторегрессион моделлар ёки эксперт баҳоларида фойдаланилган башоратларда кўрасиз.

Франко шу тарзда ўзининг ахлоқ тамойиллари билан ҳайрон қолдирган. Биз ўша вақтларда Вьетнам уруши ҳақида кўп гапирардик. Ундан ташқари, кўпчилик талабалар орасида, шу жумладан, мен ҳам мавҳум иқтисодий назариянинг релевантлик масалаларини шиддат билан муҳокама қилиш юзага келди. Мен оқилона тахминлар на-



зарияни янада релевант ва ҳақиқатнамолаштиришга ҳаракат қилдим. Шунинг учун қарорларимдан бири қуйидагича жаранглаган: агар кишиларда, иқтисодчиларга нисбатан ахборотлар манбалари тўплами кенгроқ бўлса, у ҳолда ахборотларнинг умумий манбалари асосида уларнинг тахминлари башорати маълум ахборотлар манбалари тўплами асосида ҳақиқий башоратларга монанд бўлиши лозим. Маълумки, кишилар қандайдир ҳисоб-китоблар қилмайди, лекин ҳақиқатга яқин бўлади, бу эса, улар бундан-да яхши иш қила олишларини англатади.

Кэмпбелл: *Бу, уларда баҳоланадиган авторегрессиялар мавжудлигига ўхшайди.*

Шиллер: Ҳа, мутлақо тўғри.

Кэмпбелл: *Лекин буни, улар ҳаддан ташқари кўп ўқишига танқидий жавоб деб бўлмайди.*

Шиллер: Бу улар ҳақиқатда қандайдир ҳисоб-китобларни амалга оширишга йўл қўйишдан озод қилишини англатади. Фойдали қўйилган пулларда авторегрессия мавжуд эмас, лекин уларни бажарган кишилар маълумотларга кўпроқ эътибор қаратишган, шунинг учун ўзларининг шахсий услубларидан фойдаланган ҳолда улар авторегрессия ёрдамида қилинганга нисбатан кўпроғини бажара олганлари ҳақиқатга яқинроқ. Ҳар қандай ҳолатда ҳам бу фақат гоё эди. Мен ўзим учун рационал тахминлар назариясини янада ҳақиқатга яқинроқ қилишга ва уни янада асослашга ҳаракат қилдим. Диссертациямда мен қуйидаги мисолни кўриб чиқишга ҳаракат қилдим, бунда фоиз ставкаларининг вақтинчалик тузилишидаги ўзгаришлар инвесторларда шундай имкониятлар мавжуд бўлсагина биз кутганимизга мос келади.

Ундан ташқари, ўзимнинг диссертациям учун мен функцияларнинг силлиқлиги априорлигидан иборат тақсимланган лагларни баҳолаш усулини яратдим (Shiller, 1973). Мен тақсимланган лаглар мавзусини жуда муҳим деб ҳисоблаганман, бинобарин, ўзаро иқтисодий алоқаларда ҳеч нарса шундай рўй бермайди ва лаглар ҳам вақт жиҳатдан тақсимланган бўлиши мумкин. Кичик ўзгарувчилар самараси лаг мавжуд бўлганда ўсиши мумкин, кейин эса симптомсиз нулга тенглаштирилиши мумкин, лекин лаглар учун мавжуд эконометрик назариялар ҳаддан ташқари баҳсли бўлган ва мен ишонқирамаган ўзаро алоқалар ҳам баҳоланган. Энг ёмони, улар ҳар чораклик маълумотлардан фойдаланишда битта ягона чораклик лагни ва бир йиллик маълумотлардан фойдаланишда йиллик маълумотларни белгилай олганлар, бунда



уларга маълумотларни вақтинчалик тўплашда лагнинг давомийлигини ҳам белгилаш имконини беради. Ўзининг рационал лаглари Роберт Со-лоу Ширли Алмоннинг ярим номинал лаглари ёрдамида мавжуд амалиётни яхшилаш имкони пайдо бўлди. Улар жараённинг артефактлари каби кўринишга эга бўлган лагларнинг нотўғри конфигурацияларини яратган.

Биз тақсимланган лагларга нисбатан қандай амалларни бажаришни хохлашимиз менга жуда қизиқ туюлган. Мен ўша вақтда мавжуд бўлган ёндашувлар бизга керакли ахборотларни олиш имконини бермади. Уларнинг чекланганлиги бизнинг ҳақиқий устунликларимизга мос келмаган. Биз таҳлилимиз негизида лагнинг тузилиши тўғрисидаги зарур ахборотни қўйишимиз лозим, чунки лагнинг тузилиши ҳамма вақт етарлича силлиқ бўлиши керак. Ундай қилиб, мен Байес эконометрикасини ўрганишни бошладим ва функцияларнинг априор силлиқлик деб номловчи усулдан фойдаланган ҳолда нопараметрик баҳолашга ўтдим.

Кейинроқ мен Висконсин статистика департаментидан Грейс Вахба ҳам функциялар силлиқлиги ғоясига ўтган, унинг ёндашуви ҳам меникига нисбатан радикалроқ, лекин тақсимланган лаглар баҳоси билан боғланмаган эди. Ундан ташқари, кейинроқ функциялар силлиқлиги ғояси «Ходрик-Прескотт фильтрида» амалга оширилган. Мен ўша вақтда ишлаб чиққан тақсимланган лагларни баҳолаш усули фоиз ставкаларининг вақтинчалик тузилишини тадқиқ этаётганимда менга асқотган диссертациямда жуда яхши қўлланилди.

Ўша вақтдан бери аксарият олимларнинг ҳаракатлари билан нопараметрик баҳолаш тадқиқотнинг маълум соҳасига айланди. Байес эконометрикасида ҳам мавжуд фаоллик амалга оширилди. Афсуски, ҳозир ҳам иқтисодий ҳамжамият маълум ҳисобда амалий мақсадларда фойдаланиш учун бу каби усулларни қабул қилмади.

Массачусетс технологиялар институтида ҳеч ким ва ҳеч қачон Байес усули ҳақида қайд этиб ўтмаганини бироз эсламан. Лекин мен Гарвард университети катта ўқитувчиси Эд Лимер иқтисодиётга илмий усулларни мослаштириш учун Байес ишланмаларидан фаол фойдаланганлигини кузатдим (Leamer, 1978).

Кэмпбелл: *Эконометрикани ким ўқитган сизга?*

Шиллер: Эконометрикада идентификациялаш муаммоси бўйича китоб ёзган Франклин Фишер (Fisher, 1966). Биз ушбу таълимотни батафсил ўрганиб чиқдик, эҳтимол, бир мавзу учун бу жуда кўпдир.



Эдвид Кухнинг эконометрика курси менинг хотирамда яхши сақланиб қолмаган, лекин бунда у мени ҳозирги вақтда ҳам баъзилар фойдаланиб келаётган услублар, кузатишларнинг ажратилган аниқловчи маълумотлари ва регрессия ташхисининг зарурлигига ишонтирди (Belsley, Kuh, Welsch, 1980).

Ушбу машғулотлардан олган асосий дарсим эконометрика тадқиқотлар натижаларини шубҳа остига олиш лозимлигидан иборат. 1968 йилда Леонэлл Андерсон ва Жерри Жордан Америка иқтисодиётининг Сент-Луис тақдимоти билан Массачусетс технологиялар институтига келганликларини эслайман (Anderson, Jordan, 1968). Тадқиқотнинг ажойиб натижалари олинди, лекин ўша вақтда улар Массачусетс технологиялар институтида муносиб баҳоланмади. Кейинроқ бизнинг скептицизмимиз ўзини йўқ қилди. 1985 йилда Бен Фридман ушбу моделни таққор баҳолади ҳамда ўтган давр мобайнида олинган янги маълумотлар уларнинг натижаларини барбод қилди (Friedman, 1977). Эконометрик таҳлил хато натижаларга олиб келиши мумкин бўлган мисоллар ҳам кам эмас.

Кейин мен вақтинчалик қаторлар таҳлили фанини ўқиб чиқдим.

Кэмпбелл: *Сиз Бокс ва Жинкинсни ўқиганмисиз?*

Шиллер: Албатта, ўқиганман, лекин мен улар ҳақидаги суҳбатни Байес усули мавзуси билан бирлаштиришни хоҳлардим. Чикаго университетидан Арнольд Целлер қайсидир маънода мени «кашф» этди: у мени магистрлик давримданок Байес эконометрикаси бўйича анжуманга таклиф этди. Ушбу анжуманлардан бирида 1972 йилда мен илк бор Сенди Гроссман билан учрашдим, ўша вақтда у 19 ёшда эди, лекин даҳо эди у. Оқибатда, мен у билан бирга бир неча ишни ёзиш бахтига муяссар бўлдим.

Байес статистикаси ва вақтинчалик қаторлар таҳлиliga қизиқишим менинг болалигимданок физикага бўлган қизиқишим билан боғлиқ деб ҳисоблайман. Узоқ вақт мен олимларга нисбатан қизиқишни ҳис қилдим. Байес усули иқтисодиётга илмий усулларни мослаштириш, таҳлил қилишда биз билганларга таянишимизга ёрдам бериш ва маълумотларда биз билмаганларни кўрсатиш имконини бериши мумкин бўлган деб ҳисоблайман. Байес эконометрикасини мен карама-қарши моделга эга бўлмаган яхши ёндашувни кўриб чиқдим. Аслида, априорлик аввалги таҳлилдан, яъни аввалги апостериор таҳлилдан олинган. Шунингдек, фан ўзининг моҳиятига кўра, ҳиссий деб ҳисоблар эдим. Чарльз Дарвин унга тегишли бўлмаган тадқиқотлар дастурига



Қизил майдон, Москва, 1989 йил. *Чандан ўннга:* Алан Аурбач, Роберт Шиллер, Лауренс Катз, Девид Визе ва Лауренс Саммер.

риоя қилмаган. У буларнинг ҳаммаси қандай ишлаши ҳақида ўйлашга ҳаракат қилган ишларини кузатиб борар эди. Лимер «Шерлок Холмс хулосалари»га таянган, бинобарин, детективлар қаҳрамони деталларига эътибор қаратган, лекин мен идеал сифатида «Чарльз Дарвиннинг хулосалари»ни қайд этишни ҳам хоҳлардим.

Кэмпбелл: *Сиз Лукас кашфиётлари тўғрисида гап бошладингиз.*

Шиллер: 1975 йилда илк бор Лукаснинг ишларини ўқиб чиққанимда унда ҳеч қандай янгилик йўқ деб ўйладим. Модильяни ва Сэтчнинг ҳаракатлари билан рационал тахминлар ғояси бу вақтда Массачусетс технологиялар институтида танилиб улгурган эди.

Кэмпбелл: *Лекин, улар сизнинг эконометрик моделлаштириш борасидаги фикрингизни ўзгартирмади. Уларнинг ишлари белгиланган тузилишнинг мавжуд бўлишини кўзда тутган.*

Шиллер: Агар сиз ўша вақтда Франкни бир тарафга қўйсангиз ва ундан сиёсатни ўзгартиришда хатар бор-йўқлигини сўраган бўлсангиз, тахминлар тузилмаси ҳам ўзгариши мумкин, у сизга – «сўзсиз» деб жавоб қилган бўлади. Лекин, Лукас бунини жуда ишончли намоён этган... Лукас – буюк ёзувчи.

Кэмпбелл: *Ўша вақтда яна бир ғоя мавжуд эди, самарали бозорлар гипотезаси эди у. Магистратурада ўқиган вақтингизда сиз у билан тўқнаш келганмидингиз?*



Шиллер: У яхши танилган эди.

Кэмпбелл: *Ўша даврда сиз магистратурада уни қай даражада ва қанчалик фаол муҳокама қилгандингиз?*

Шиллер: Менинг диссертациям самарали бозорлар моделларидан бирини намоён этган вақтинчалик тузилмага нисбатан тахминлар назариясига бағишланган. Биз бу мавзуда кўп бор гаплашганмиз.

Кэмпбелл: *Ўша вақтда сизга қатъий онг «уруғи» сингдирилган бўлиб, у оқибатда муваффақиятли ўсиб-ундими?*

Шиллер: Аввал айтганимдек, оддий кишилар, ўша давр моделларида намоён этилганидек, авторегрессив баҳолашади. Авторегрессияни баҳолашда, агар коэффицентлар қийматига улардан бири ягона илдиз бўлиши учун қисқа муддатли фоиз ставкалари авторегрессиясида бўлишида мен чекловлар қўйганимда, узоқ муддатли фоиз ставкалари волатиллигини тушунтиришга яқин эди. Сумма ва бир коэффицент ўртасидаги фарқни баҳолаш қийин эканлиги, бошқача қилиб айтганда, ягона илдиз бор ёки йўқлигига нисбатан маълум ноаниқлик бўлгани мени хавотирга солган эди. Бу етарлича баҳсли бўлди.

Кэмпбелл: *Бу Дики ва Филлерлар ёки бошқаларнинг эконометрикада ягона илдизлар бўйича ишлари пайдо бўлгунга қадар бўлган (Dickey, 1975, Fuller, 1976).*

Шиллер: Мен ягона илдизлар масалалари билан жиддий шуғулланганман ўша вақтларда. Фикримча, бу – ортиқча расмиятчилик. Замонавий тузилма ҳолатида агар қисқа муддатли фоиз ставкалари билан боғлиқ жараёнларда ягона илдиз бўлмаса, демак, узоқ муддатли фоиз ставкаларидаги ортиқча расмиятчиликни тахмин қилиш мумкин. Ўзимнинг диссертациямда ягона илдиз ва ортиқча расмиятчиликнинг ўзаро алоқа масаласини кўриб чиқмаганман, лекин мен унинг ечими устида бош қотирдим.



Шиллер Виес йўналишини асосчилари, 1991 й. Олд қаторда: Роберт Шиллер ва Чарльз Лонгфелд; орқа тарафда: Карл Кейс ва Алан Веиз.



Кэмпбелл: *Давом этамиз. Сиз магистратурани тамомладингиз. Миннесота университети сизнинг биринчи иш жойингиз бўлди. Ўша вақтда нима юз берди?*

Шиллер: У ерда мен билан Том Саржент, Крис Симс каби ажойиб инсонлар ишлади. Лекин, бу ҳаётимдаги илмий карьерам нуқтаи назардан энг ўпирилиш даври бўлди. Бир неча йил давомида мен биронта ҳам мақола чоп этмадим. Шунда шахсий ҳаётимда нимадир қилишим керак деб ўзимга-ўзим айтдим. Бўлажак турмуш ўртоғим Жинни билан учрашган вақтимни энг катта ютуғим деб ўйлайман. Бахтли турмушимизга ҳозир 27 йил бўлди.

Кэмпбелл: *Кейин ортиқча расмиятчилик мавзусига қўл урдингизми?*

Шиллер: Мен вақтинчалик таркибга татбиқан рационал тахминлар модели тўғрисида ёздим, лекин узоқ муддатли фоиз ставкаларига нисбатан жиддий ўзгаришлар сабаби устида бош қотириб, бунга бошқача таъриф излай бошладим.

Кэмпбелл: *Биринчи ишим узоқ муддатли фоиз ставкалари мавзусига бағишланган эди (Shiller, 1979).*

Шиллер: Менга узоқ муддатли ставкаларнинг ўзгариши нафақат рационал сабабга эга бўлиши аниқ ва реал туюлади.

Кэмпбелл: *Сиз ушбу таҳлилни фонд бозорига қай тарзда ўтказадингиз?*

Шиллер: Бу – жуда оддий. Вақтинчалик тахминларга татбиқан рационал тахминлар назарияси, бу – жорий қийматга келтириш моделидир ва фонд бозорига татбиқан самарали бозорлар назарияси ҳам жорий қийматга келтириш моделидир. Фонд бозори ортиқча расмиятчиликни намоён этиши учун яна бир энг яхши мисол бўлиши мумкин деб ўйлайман. Фонд бозорининг яна бир афзаллиги у ерда кўпроқ зарур маълумотларни тўплаш мумкинлигидан иборат. Мен Фонд Коулз маълумотларини кузатдим ва 1871 йилдан бошлаб нарх, дивиденд ва фойда учун динамик қаторларни қурдим. Бу айнан керагидир, жорий қиймат билан ўзаро алоқа бу йилларга тарқалиши маълум эди.

Кэмпбелл: *Сиз ўзингизнинг илмий карьерангиз аввалида ўтган йилларнинг молиявий ахборотларини ўрганиш билан шугулланганингиз жуда қизиқ. Маълумки, Жереми Сижел шунга ўхшаш фаолият билан шугулланган. Сиз буни у билан муҳокама қилганмисиз?*

Шиллер: Ҳа, албатта. Кўпчилик қисқа вақт учун танланган маълумотлардан фойдаланиш илмий характерга эга, бинобарин, улар пух-



та тўпланган нисбий миқдорлардан фойдаланиш зарур деб ҳисоблайдилар.

Шунинг учун аксарият, вақтинчалик оралиқлар давомийлигига эмас, балки танловнинг юқори частотасига ишониш зарур деб ўйлайман. Сиз, яқин давр учун кунларга тақсимланган маълумотлар олишингиз мумкин, агар узоқ вақт давомида вақтинчалик қаторларни тадқиқ этган бўлсангиз, у ҳолда сиз айлана тақсимлаган ҳолда ёки бир йил учун маълумотлар топишингиз мумкин бўларди. Шунинг учун аксарият янада янги маълумотлардан, балки иккита маълумотдан фойдаланишни афзал кўришган, бу – жуда «илмий ёндашув». Лекин мен «янги ёндашув» тўғрисида умуман бошқача тасаввурга эгаман. Мен фан ва олимлар тўғрисида ўқиганларимдан келиб чиққан ҳолда олимлар қийин ўлчайдиган, бир-бирига зид маълумотларни кўриб чиқишлари лозим деб ҳисоблайман.

Кэмпбелл: *Сиз жорий қиймат билан ўзаро алоқадаги узоқ оралиқда тест қилиш узоқ танловни талаб этишига жавоб бера оласизми?*

Шиллер: Ҳа, сезиларли. Талабам Пьер Перрон билан бирга узоқ йиллар давомида танловларнинг белгиланган ҳажмидаги чексизликка



Йель университетидаги Роберт Шиллер офисида, 2003 йил, ҳамкасблари билан (чандан ўннга): Уильям Гоетзман, Уильям Бернад, Стефано Атаналиус ва Карол Купланд.



интилувчи кузатишлар частотаси сифатида мезонларнинг кучлилиги бўйича монтекарлча тадқиқот намоён этилган ишни ёздик (Shiller, Perron, 1985). Биз кўриб чиққан ишда қувват кузатишлар миқдори сифатида чексизликка интилмайди. Кейинроқ Пьер Питер Филлипс билан ҳамкорликда буни тасдиқловчи яхлит назарияни яратдик (Perron, Phillips, 1988). Шунингдек, мен яна бир талабам Андреа Белтратти билан активлар нархи ўртасидаги ортиқча ковариацияни кўриб чиқиш учун ортиқча расмиятчиликни қўллаш чегараларини кенгайтиришга қаратилган ҳамкорликдаги ишимиз тўғрисида ҳам эслатиб ўтишни хоҳлардим.

Кэмпбелл: *Бугунги кунда ортиқча расмиятчилик соҳасида 20 йил аввал қилинган ишларга назар солган ҳолда бу молия соҳасига қандай таъсир этади деб ўйлайсиз?*

Шиллер: Самарали бозорлар нуқтаи назаридан ортиқча сансалорлик, айниқса, муҳим мавҳумликдир деб ҳисоблайман. У самарали бозорларнинг эҳтимолий барбод бўлишига урғу беради.

Кейинроқ хулқ-атвор молиялари пайдо бўлди, лекин бунинг асосий сабаби нимада эканини билмадим. Ортиқча сансалорлик бошқа мавҳумликлардан сезиларли фарқ қилади. «Душанбанинг самараси» сингари ёки «январ самараси» каби бундай мавҳумликлар ва бошқалар, менимча, асосий эмас. Фаманинг «Самарали капиталлар бозори»ни очинг («Efficient Capital Markets») (Fama, 1970), у моделнинг бирор-бир башоратларига зид келувчи бироз оғишиш натижаси кўринишидаги мавҳумликлар ҳақида қайд этиб ўтган. Лекин сиз, оғишишлар айнан ортиқча сансалорликнинг сабаби деб ўйламасангиз керак. Оғишишлар секинлаштиради ёки силлиқлайди, сансалорлик эса маълум даражада ортиқча ҳолат. Шунингдек, бу кишилар бозорга боқиб ҳис этадиган сезиш туйғуларига мос келади, шунинг учун мен ушбу туйғуларнинг илмий асоси борлигини кўрсатиб ўтишни хоҳлардим.

Кэмпбелл: *Келинг, хатти-ҳаракат молияси, яъни сизнинг илмий карьерангиздаги энг муҳим мавзулардан бирига ўтамыз. Сиз ўша даврда маълум нарсаларга ўзига хос муқобил нуқтаи назарни яратгансиз. Агар ортиқча волатиллик сиз Франко раҳбарлиги остида ёзган диссертациянгиз дебочаси бўлса, у ҳолда ушбу мавзунини ишлаб чиқишда нима туртки бўлди?*

Шиллер: 1974 йилда мен Жинни билан танишдим. У билан турмуш қурганимиздан сўнг Жинни ҳам Пенсильвания университети яқинида жойлашган Делавэр университетининг Психология бўйича дастурига



қабул қилинди, ўша даврда мен у ерда дарс берардим. Биз Нью-Йорк (Делавэр штати)да истиқомат қилар эдик, мен Филадельфияга ишга қатнар эдим. Шу тариқа мен кундузлари иқтисодиёт профессори, кечки пайтларда ёш руҳшунослар даврасида иштирок этар эдим. Уларнинг баъзи фикрлари менда катта таассурот қолдирарди.

Ўша вақтдан бери Жинни менинг кўчиб юришларимда ҳамроҳим бўлган, дастлаб мен Кембриждаги иқтисодий тадқиқотлар Миллий бюросида биров бўлдим, кейин эса, Массачусетс технологиялар институтида ва, ниҳоят, 1982 йил Жиннига Йель штатидаги Йель болаларни ўрганиш марказида ишлашни таклиф этишди. Шу йиллар мобайнида биз Жинни билан унинг ва менинг ишим тўғрисида кўп гаплашдик. У менга доимо ижобий таъсир ўтказган ва ўтказиб келмоқда.

Кейинроқ, яъни 1982 йилда мен Дик Талер билан танишдим. Мени Корнелл университетидан нутқ сўзлашга таклиф қилишди, у ерда Дик катта ўқитувчи лавозимида ишлар эди ва биз тезда дўстлашиб олдик. Унинг жуда ажойиб қобилияти бор эди – у бошқаларга нисбатан иқтисодиётда рўй бераётган жараёнларга бирмунча кенгроқ қараган, шунингдек, уларни психологик нуқтаи назардан кўриб чиққан. Ўша даврдаёқ у Дэниел Канеман ва Амос Тверски билан таниш эди.

Кэмпбелл: *Яъни, сиз улар ҳақда Дик Тайлердан билим олдингизми?*

Шиллер: Шундай деса ҳам бўлади. Канеман ва Тверскининг истиқболлар назарияси 1978 йилда пайдо бўлди, мен ҳам мазкур иш ҳақида Дик билан танишишдан аввалроқ эшитган эдим. Менинг фикримча, Дик мендан аввалроқ уларнинг таъсирига тушиб, ушбу назариядан билиб олганларини мен билан ўртоқлашди.

Талернинг 1974 йилда Рочестер университетидан ёзган диссертацияси, унинг илмий иши ҳамма ўзини оқилона тутиши шарти билан иқтисодий нуқтаи назардан ҳаёт қийматини баҳолаш масаласига бағишланган эди (Thaler, Rosen, 1976). Кейинроқ эса, у Канеман ва Тверски билан танишди. У аввал



Роберт Шиллер ва Жон Кэмпбел,
2003 йил, Литтаур маркази,
Гарвард кўчасининг олдида.



қилган ишларидан бошқа тарафга ўтирилди. Менда бундай бўлмаган. Мен тадқиқодларда рухий-таркибий тузилишларга нисбатан камроқ эътибор қаратганман. Менинг тадқиқотларим миқдорий характерга эга бўлган ва мен ўз эътиборимни кўпроқ анъанавий иқтисодиётга қаратдим.

1991 йилдан эътиборан Дик Талер билан Иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси шиори остида хатти-ҳаракат молияси бўйича анжуманларни ташкил этиш билан шуғулланиб келмоқдамиз, Фонд Рассел Сейж унинг ҳомийси бўлган. Ундан ташқари, мунтазам равишда хатти-ҳаракат макроиқтисодиёт бўйича анжуманлар ўтказила бошлади, 1994 йилдан бошлаб уни ташкил қилиш масъулияти менинг ва Акерлоф зиммасига юклатилган эди.

Кэмпбелл: *Сизда яна бир тадқиқот йўналиши бор, яъни капитални истеъмол қилиш асосида унинг қийматини баҳолаш. Сиз Сэнди Гроссман билан бирга ушбу мавзуда иш олиб бордингизми?*

Шиллер: Менга бу мавзу жуда ёқади, гарчи баъзи шубҳаларим бўлса ҳам. Капитални истеъмол қилиш асосида унинг қийматини баҳолаш модели учун бу ҳолат ҳақиқатнамо эди деб ўйлайман, лекин мен бу моделга тўлиқ ишонч ҳосил қилмаганман. Сэнди билан мен бу мавзу устида жуда кўп бош қотирдик, моделларни муҳокама қилдик, лекин кунларнинг бирида бу модель менга ёқмаслигини унга айтганим ёдимда.

Кэмпбелл: *У эса ишонишини айтдимиз?*

Шиллер: Мен унинг барча фикр ва мулоҳазаларини умумлаштиришим қийинроқ. Лекин, Сэнди ҳам жуда қатъиятли йигит. Бу моделни қанчалик чуқур кўриб чиқишга кўра анчагина фалсафий масала эди. Бу жуда қизиқ модель бўлиб, бизнинг Сэнди билан ҳамкорликда олиб борган илмий ишимиз, у кўп нарсани англатади (Grossman Shiller, 1981). Лекин, бу билан бир вақтда капитални истеъмол қилиш асосида унинг қийматини баҳолаш моделининг муҳим камчиликлари ҳам бор эди.

Масалан, у ўриндош меъёрларнинг вақтлараро ўртача меъёрлари вариациясининг қуйи чегарасини акс эттирган тенгсизликни кўрсатиб берди ва маълумотлар унга риоя қилмаганлигини пайкаб қолди (Shiller, 1982). Кейинроқ Ларс Ҳансен ва Рави Жаганнатан (1991) бундай қоидабузарликнинг миқёси ва аҳамиятини аниқлаш бўйича ажойиб иш олиб бордилар.

Бундан сўнг мен бирор-бир бошқа иш билан шуғулланишни хоҳладим. Сэнди бошқа бир ишга ўзини жалб этди.



Кэмпбелл: *Сизнинг хатти-ҳаракат молиялари устида олиб борган илмий ишингизнинг бошланишида бу мавзу жуда мунозарали бўлган. Ўша даврдаги воқеа-ҳодисалар ҳақида нима дея оласиз?*

Шиллер: Ортиқча волатиллик ғояси ўша вақтда етарлича кескин жавоб реакциясини олди. Аслида, уни айтарлича яхши қабул қилишмади. Қайсидир маънода у сиёсий жиҳатдан камчиликларга эга эди.

Кэмпбелл: *Агар хотирам панд бермаса, 1984 йилда сиз Брукинг институтида илмий ишингизни ёздингиз, бунда сиз кейинчалик хатти-ҳаракат молиясининг стандарт парадигмасига айланган ҳолатларни баён этгансиз. У ерда гап жамиятнинг таъсири ва тасодифий битимларни тузувчи трейдерлар ва оқилона арбитражларнинг ўзаро алоқаси ҳақида борарди (Shiller, 1984).*

Шиллер: Йўқ, бундай деб ўйламайман. Баъзи кескин таъсир бўлган, лекин бироз сустроқ. Бу, сизнинг ўзингиз ҳис эта оладиган, доимо менга ташланишни хоҳлаган кишилар эди. Бунинг ўрнига улардан баъзилари бизнинг айтганларимизни кескинлаштиришга ҳаракат қилишган. Улар бу назарияга қарамай туриб, уни рад этишга уринишган. Улар шунчалик бўрттиришардики, гўёки биз қандайдир кўпол хатога йўл қўйганмиз. Бошқа томондан, у умумий ҳолатда аввалбошданок салбий реакция эди деб ўйламайман.

Мен ушбу Брукинг ишидан бир параграфни эслайман, унда кўпгина иқтисодчиларнинг мулоҳазаларида битта муҳим хатони кўрсатиб ўтганман. Бозорлар мутлақ самарали ва кутилган даромадлилик доимий бўлган ҳолатда нарх келтирилган қийматнинг кутилган миқдори келгусида кутилган дивидендлар қийматига тенг бўлади. Бу эса айни ҳақиқатдир.

Кэмпбелл: *Қизиқ. Иқтисодий таълимотлар тарихидаги улкан хатолар тўғрисида ёзганингизни бироз эслайман. Шунда мен, аксарият кишилар ўз ишларига нисбатан шахсий мулоқотда янада кескинроқ бўлишлари, сиз эса қоидаларни тасдиқловчилардан бири бўлсангиз керак деган хулосага келдим.*

Шиллер: Ҳа, эҳтимол, ўз тадқиқотларимга мен жиддийроқ ёндашман. Мен бирон нарсани ёзаётганимда умуман бошқа кишига айланиб қолсам керак деб ўйлайман. Бу эса мен нима сабабдан 12 йилдан буён кундалик тутиб келаётганимни англатади. Ниманидир ёзиш менинг миямни янада чархлашга ёрдам беради. Кундалик юритиш ва ўз-ўзи билан суҳбат олиб бориш сизнинг нуқтаи назарингизни янада бетакрор қилади.



Кэмпбелл: *Шу тариқа ўз-ўзингизга таъсир ўтказа оласизми?*

Шиллер: Ҳа, бу тахминан шундай кўринишга эга бўлса керак. Сиз ҳам кундалик тутасизми?

Кэмпбелл: *Йўқ, лекин бу мен учун ҳам зарур бўлса керак.*

Шиллер: Менинг фикримча, шу тариқа – фикрларимни ёзиб бориб, уни ҳаётга тарғиб этган ҳолда ўз ғояларимни такомиллаштирирман. Йўқса, мен уларни унутиб қўйишим мумкин. У ғояларни мулоҳаза қилиш жараёнига тизимли ёндашиш ва уларни ҳаётга татбиқ этиш учун қарорларни мослаштиришга ёрдам беради. Бу ўзимнинг аввалги ғояларимни ёдда тутиш имконини яратади.

Кэмпбелл: *1980-йилларнинг охирида сиз сўровлар услуги ҳам иш олиб бордингиз. Сиз 1987 йилда ҳам, яъни қимматли қозғалар бозоридаги инқироз вақтида ҳам сўров ўтказганингиз ёдимда. Кўнлаб иқтисодчилар масалаларга жуда скептик эди. Бу Жиннининг саъй-ҳаракатларими?*

Шиллер: Балки, бу – Жиннининг таъсирidir. У тадқиқотнинг бу йўналиши, карьерам нуктаи назаридан, деярли ҳеч қандай маънога эга эмаслиги, лекин мен бунга қаттиқ ишонганимга қарамай, мени қўллаб-қувватлади.

Милтон Фридманнинг «Ижобий иқтисодий назариялар шарҳлари» («Essays in Positive Economics», 1953) ёдимда, у кишиларнинг шахсий иқтисодий мотивларига нисбатан фикрларига ишонишга қарши чикди. Психологлар орасида буни бажармаслик керак деган фикрлар ҳам учрайди. Кишилардан буни нима учун қилганларини сўрамаслик ва уларнинг жавоблари эвазига соф танга олмаслик лозим. Бу иқтисодиёт эмас, лекин психология ҳам эмас.

Бошқа томондан, Милтон Фридман каби иқтисодчилар, бу сўровлардан фойдаланишнинг ягона имконияти деб ҳисоблаб, унинг эвазига иқтисодчилар фақатгина расмий оптималлашган моделларга таянишлари мумкинлигини маслаҳат беришган. Ундан ташқари, бу статистик маълумотлар, яъни нарх ва бошқа миқдорий ахборотдан фойдаланиш асосида тест ўтказиш имкониятидир. Лекин, менимча, иқтисодчилар қандайдир вакуумда яшайдилар. Одатда, кишилар бирор-бир ҳаракатларни нима сабабдан амалга оширишлари, иқтисодчилар эса буни инкор этишларига жуда оддий изоҳлар мавжуд. Биз кишилар нима қилаётганликларини – уларнинг эътибор ва тахминлари жамланиш нуктасини топиш учун билишимиз, лекин улар айтаётганларини борича қабул қилмаслигимиз лозим.



1986 йилнинг сентябрь ойида фонд бозорларида котировкалар кескин тушиб кетиши рўй берди, мен шу ондаёқ инвесторлар учун кичик анкета туздим, унда инвесторлар рўй берган ҳолат бўйича қандай фикрда эканликлари сўралган эди. Анкетамга олинган жавоблардан ва келгуси тадқиқотларимдан шуни тушундимки, ҳали ҳеч ким бу каби тадқиқот ўтказмаган – ҳеч ким инқироз вақтида кишилар нима ҳақда ўйлашлари ҳақида қизиқмаган. Кейинроқ Мертон Миллер 1946 йилги фонд бозорлари иштирокчиларининг шарҳлари асосида ўтказилган қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича Комиссия тадқиқотларини менга кўрсатди.

Менинг фикримча, илм-фанда кўп нарса оммавийлик самарасига бўйсунган, кўпчилик олимлар бир хил ишни бажаради. Улар бу ишларни, биринчи навбатда, карьера тасаввурларидан келиб чиқиб бажардилар, лекин агар уларнинг ҳар бири ўз йўлидан борса, истикболда жуда самарали ишлайдилар. Айнан шунинг учун мен волатилликка эътибор қаратдим ва бу мавзунини ишлаб чиқдим.

Кэмпбелл: *Шундай қилиб, инқироз рўй берганда сиз ҳар томонлама қуролланган экансиз-да.*

Шиллер: Ҳа, 1987 йилда фонд бозорларида инқироз юз берганда, менинг ҳаётимда бир имконият, яъни чайқовчилик кўпиклари масаласини тадқиқ этиш фикри пайдо бўлган деб ўйлайман. Дастлаб яна кимдир мен каби тарихдан маълум бўлган энг йирик инқироз, яъни фонд бозорининг инқироzi вақтида кишилар нима ҳақда ўйлашларини тадқиқ этиши мумкинлигидан хавотирланганман.

Бу эса тадқиқотларимга жиддий салбий таъсир этиши мумкин эди. Лекин, ўйлаб кўриб, мен у ҳеч қачон маъносини йўқотмаслиги ва ҳеч ким буни дарҳол бажаришга уринмаслигига ишонч ҳосил қилдим. Менинг кўлимда бетакрор тадқиқот олиб бориш имконияти пайдо бўлди. Бир неча ойлардан сўнг АҚШ Президенти Рональд Рейган ташаббуси билан ташкил этилган Брэйди Комиссияси инвестициялар соҳасидаги мутахассислар орасида сўров олиб борди, бу эса, биржа инқироzi ҳисоботининг бир қисмига айланди, лекин, ундан ташқари, вақт ўтганлиги ва кишилар инқироз давридагига нисбатан бошқача ҳолатда эканликлари маълум бўлди – шу тариқа улар инсонлар инқироз вақтида нима ҳақда ўйлашларини била олишмади.

Бундай сўров ўтказиш учун мен деярли икки кеча мижжа қоқмадим – 1987 йилнинг 19–20 октябрь кунлари. Мен лимондек сиқилган ҳолатда бўлиб, лекин сўровни айнан инқироз вақтида амалга киритганимдан



бошим осмонда эди. 2000 та анкета хусусий инвесторларга, яна 1000 та си институционал инвесторларга жўнатилди. Натижада, деярли 1000 та тўлдирилган анкетани қабул қилиб олдим.

Мен сўров натижаларини бирор илмий журналга жўнатишни хаёлимга ҳам келтирмагандим. Шунинг учун уларни ўзимнинг «Бозорнинг волатиллиги» номли китобимга киритдим («Market Volatility», 1989).

Кэмпбелл: *Мен психологияни яхши билмайман, лекин кескин бихевиоризмда инсоннинг ҳаётида нималар юз бераётганини ўрганишга ўтиш тенденцияси мени ҳайратга солди. Агар сиз иқтисодиётда айнан бир хил ғояни маъқулласангиз, бизда эса иқтисодий агентларга маълум мақсадларни белгилаб берувчи моделлар мавжуд бўлса, у ҳолда, биз уларни нима ҳақда гапираётганликлари ва нима қилмоқчи эканликларини кўриб чиқишимиз лозим. Шундай қилиб, бу ерда психология билан мутаносиблик ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.*

Шиллер: Менимча, ҳа. Ижтимоий фанларда ғояларни ўрганиш бўйича баъзи йўналишлар мавжуд. У ижтимоий фанда интерпретацион ёндашув номини олган. Албатта, ғоялар классик иқтисодиётнинг бир қисми ҳисобланади. Оптималлаштирилган модель, бу – ғояларни қай тарзда намоён этиш, лекин у ғояларни ҳамда улар билан боғлиқ дунёқараш ва оммабоп моделлар нимани акс эттириши ҳақидаги маълумотларни тўплашни ўз олдига мақсад қилиб олмайди, бунда қандай йўл тутиш керак. Иқтисодчилар ўз моделларини текшириб кўриш учун ғояларни эмас, балки ҳаракатларни тадқиқ этишга ҳаракат қилдилар.

1987 йилда айнан шундай тадқиқот олиб боришим керак, йўқса, иккинчи имконият бўлмайди деган фикрга келдим. Ҳатто, агар ҳеч ким менинг маълумотларимдан иқтисодиётда тўлиқ фойдаланмаса-да, мен бу нарса қачонлардир содир бўлишига ишонардим.

Кэмпбелл: *Шундан сўнг сиз ўз тадқиқотингиздан бошқача фойдаланиш йўлини топдингиз.*

Шиллер: Мен Чип Кейс билан танишдим. Биржа инқирози юз бергандан бир йил ўтиб, 1988 йилда биз кўчмас мулк харидорлари орасида сўров олиб бордик – бунда биз Калифорниядаги кўчмас мулк бозорида чайқовчилик кўпиклари ва Бостонда етилиб турган кўпикларни ўрганиб чиқдик (Shiller, 1988). Биз Милуоки шаҳрини – ғалаён вақтидаги, ғалаёндан кейинги ҳамда ғалаён бўлмаган ҳолатларини қиёслаб чиқдик.



Биз баъзи асосий лаҳзаларни билиб олдик. Масалан, штат аҳолиси кўчмас мулк бозорига индифферентлигини кузатдик. Чайқов бозорлари жозибадорлиги ва уларга бўлган эътибор географик жойлашуви, биринчи навбатда, маҳаллий бозорларнинг турли-туманлиги туфайли вариацияланади.

Кэмпбелл: *Кейинги саволим ҳам айнан шундан келиб чиқади. Кўчмас мулк бозорига сизни нима етаклаб келди? «Кўчмас мулк бозорига ҳам сансалорлик мавжуд, уни ҳам тадқиқ этиши мумкин» деган гоя бўлганми?*

Шиллер: Олимларнинг оммавий хатти-ҳаракатлари ҳам менга маълум даражада таъсир этди. Иқтисодчилар ўз-ўзидан тадқиқот йўналишини танлашда оммавийликка учрайдилар, шунинг учун умумий мавзулардан ташқари ўрганилмаган масалалар ҳам жуда кўп. Мен кўчмас мулк бозори ёки кўчмас мулк баҳоси самарадорлиги бўйича чоп этилган барча нашрларни ўрганиб чиқдим. Уйларга самарали нархлар мавзусида ҳеч нарса ёзилмаганлиги маълум бўлди. Сиз бу ҳақда ўйлаб бошлаганингизда бозорнинг жорий қиймати нуқтаи назаридан кўчмас мулк мавзуси фонд бозори мавзуси сингари ўта муҳимдек туюлади. Нима сабабдан барча тадқиқотлар кўчмас мулк бозорига эмас, балки фонд бозорига қаратилган эди?

Кэмпбелл: *Шунинг учун сиз уй-жой қурилиши бўйича иқтисодчи-мутахассисни излаган экансиз-да? Сиз Чипни топдингизми?*

Шиллер: У Рэем Фэйр билан боғлиқ эди – улар биргаликда китоб ёзишган. Ундан ташқари, Чип – жуда яхши инсон. 1986 йилда у Бостон уй-жой бозори тўғрисида мақола ёзган. Мақолада у бозорнинг ҳамма асосий таркибий қисмларини ўрганиб чиқиб, 1980-йилларнинг ўрталарида уй-жой баҳосини 40 % гача кўтарилганда ҳам ҳеч қандай ҳодиса юз бермайди деган деган хулосага келди (Case, 1986). У – жуда яхши ҳаммуаллиф, биз ҳам ушбу кўпик шишганда инсонларнинг бошларидан нималар юз бераётгани тўғрисида кўп нарсани билиб олдик деб ҳисоблайман.

Кэмпбелл: *Кейин эса сиз кўчмас мулк бозорини илмий тадқиқ этишида давом этдингиз ва шу тариқа компанияга асос солдингиз.*

Шиллер: Йель университетидаги талабаларимдан бири Аллан Вайс университетни тамомлагач, 1989 йилда биз Чип билан ишлаб чиққан индексларни яратиш устида иш олиб бордик. Буни доимий равишда бажариш учун ҳам айнан компанияга асос солинган. Аллан, жумладан, кўчмас мулк бозорига хатарларни бошқариш имкониятлари тўғрисида



хам бош қотириб – у индексларни ишлаб чиқиш бўйича бизнесни йўлга қўйган ҳолда ушбу мавзуда олға силжиш мумкин деб ўйларди. 1991 йилда биз Case Shiller Weiss Incни рўйхатдан ўтказдик. Аллан компаниянинг президенти этиб тайинланди, мен билан Чип эса, бошқарув аъзолари бўлдик. Аввалбошданок биз индекслар фьючерс шартномалари асосига айланишига ишонган эди, лекин ҳанузгача бу юз бермади.

Биз уй-жой учун нархлар башоратларини амалга оширдик. Кейин эса, биз уйларнинг онлайн тартибда тезкор баҳоланиш имконини берувчи автоматлаштирилган баҳолаш модели, эконометрик модел таъминотчисига айландик. Биз бу иш билан қулай вақтда шуғуллана бошладик, ушбу борадаги илк қадамларимиз ипотека маҳсулотлари бозорида онлайн-кредитлаш тезкорликда тарқалиши билан мос келди, шу тариқа кредитчилар бизнинг мижозларимизга айланди. Аллан компаниямизни супермуваффақиятли қилди. 2002 йилда биз уни Fiserv, Inc топширдик – у бош компаниядан алоҳида шаклда, лекин Fiserv CSW. Inc бренди остида ишлашни давом эттирди.

Буларнинг ҳаммаси 1980-йилларнинг охирларида биз Чип билан ушбу бозорнинг самарадорлигини баҳолаш учун кўчмас мулк баҳоси индекси тизимини яратишимиз зарурати туғилганлиги сабабли рўй берди. Ўша вақтда, аслида, бозорнинг самарадорлигини баҳолашда фойдаланиш мумкин бўлган кўчмас мулк баҳоси индексларини топишнинг иложи йўқ эди.

Уй-жой ўртача баҳосининг қулай кўрсаткичи эса вақт жиҳатдан, яъни, фикримизча, сотилган уй-жой тузилишининг ўзгартирилиши оқибатида ўзгаришларга ўта боғлиқ бўлган. Чип ўзининг 1986 йилда чоп этган мақоласида Бостон учун ишлаб чиққан қайта сотувлар асосида нархлар индекси ҳақида фикр юритади. Чип ушбу услубга мустақил равишда ёндашаётган бир вақтда, 1960-йилларнинг бошларида Мартин Бейли, Ричард Мут ва Хью Нурслар қайта сотувлар асосида нархлар индекси ҳақида илмий иш олиб борганликларини (1963) эшитиб қолдим.

Шу вақтдан бери чорак аср ўтди, лекин ҳанузгача ҳеч ким уй-жойга доимий асосда ёки бирор-бир катта ҳудуд учун бундай нархлар индексини тузмади. Шунинг учун биз уларни ишлаб чиқишимиз зарур эди. Биз қайта сотувлар услубини такомиллаштирдик, керакли маълумотларни топдик ва индексларни ярата бошладик. Менинг Йелдаги талабам Уилл Гецманн қайта сотувлар мониторинги асосида индекслар бўйича



диссертациясини ёзди ва уни суръатлар бозорида қўллади. Ҳозирда у Йелдаги ҳамкасбим бўлиб, университетдаги Халқаро молия марказини бошқариб келмоқда.

Биз Чип билан индекслар билан боғлиқ бирор бизнес ҳақида ҳатто ўйлаб ҳам кўрмадик, лекин тўртта шаҳар учун кўчмас мулк баҳоси индексларига боғишланган мақоламизни чоп этдик. Кейин эса ушбу индекслардан фойдаланган ҳолда бир оиланинг уй-жой баҳоси учун самарали бозорлар гипотезаси тестини ўтказдик (Case, Shiller, 1989). Биз уй-жой нархларига таъсир этувчи мавжуд омилларни топдик. Менинг хавотирларим, биринчи бор микроскопга қараган Левингукнинг хавотирларига ўхшар эди. Биз ўз схемаларимизда кўчмас мулк нархларида нима юз бераётган, акциялар котировкасидан фарқли ўлароқ, уларнинг текис динамикасини кузатдик. Кишилар, бу нархларнинг сустлашиши эканлигини ҳиссий тарзда тахмин қилишлари лозим эди, лекин улар, аслида, ҳеч қачон уни кузатишмаган. Ҳеч ким эконометрик усуллардан фойдаланмай, алоҳида уйлар баҳосига нисбатан ахборот шовқини ва уй-жой объектлари савдолари тўғрисидаги маълумотлар ассиметриклиги туфайли уй-жой нархларининг ҳақиқий ҳолатини кўра олмайди.

Талабам Аллан Вайс кўчмас мулк нархлари индексини тузишни бизнесга айлантириш мумкин деб ўйларди. У компанияга асос солгач, барча қийинчиликларни бошдан кечирди – кўз олдида ҳеч қандай қойил қоларли ҳолат кўринмади. Мен маслаҳатчи, ҳатто, ундан-да яқинроқ эдим. Мен барча иқтисодий ҳисоб-китобларни амалга оширдим ва компания ҳозирги кунга қадар фойдаланиб келаётган индексларни тузиш учун компьютер дастурини тайёрладим.

Аллан ва Чип билан бирга индексларимизнинг амалий татбиқи устида ишладик. Уччаламиз, фьючерс биржалари ва кўчмас мулк соҳасида хатарларни ҳисоб-китоб қилиш ва бошқариш учун бозорни яратишга ҳаракат қилган ҳолда хатарларни бошқариш билан шуғулланувчи бошқа компаниялар бўйича беллашувларни амалга оширдик.

Бу жуда қизиқ тажриба эди. Иқтисодчи-олим учун бизнес, бу – яхши амалиёт. Аллан компанияга тегишли бўлган барча ҳолатларни мен билан муҳокама қилар эди. Бошланишида биз Аллан билан ишчиларга маош бериш учун компаниямиз шахсий пулларини сиқишга мажбур бўлганмиз, шунинг учун биз бизнес оламининг барча «ажойиботларини» бошдан кечирганмиз дея оламиз. Бу менинг иқтисодиётга бўлган муносабатимга ҳам таъсир этган деб ўйлайман.



Кэмпбелл: *Ҳозир мен 1990-йилларнинг охирларида фонд бозорини қайта баҳолаш тўғрисида ҳамда бозор қайта баҳолашиб бўлинганини англаган ҳолда нимани ҳис этганингиз тўғрисида гаплашишни хоҳлардим.*

Шиллер: Менинг «Иррационал оптимизм» («Irrational Exuberance») (2000) номли китобимда айнан шу ҳақда ёзганман. Бунгача, албатта 1996 йилда бизни Федерал захира тизими бошқарувчилари Кенгашига нутқ сўзлашга таклиф этишган.

Кэмпбелл: *Менда, Гринспен бизнинг учрашувимиздан аввалроқ иррационал бойлик тўғрисида ўз фикрини ифодалаган деган таассурот пайдо бўлди.*

Шиллер: Сўзсиз, ҳақсиз. Йўқса, уни шунча фикрлар билдирилган учрашувга буни айтишга чорлаш бироз қийинроқ бўларди.

Бу менга, сиз билан ҳамкорлигимиз каби муҳим масалага йўл берганимизни ёдга солди. Биз биргаликда ўндан ортиқ ишларни ёздик, мен ҳеч ким билан бунчалик узоқ вақт бирга ишламаган эдим. Сиз ҳам менга жуда кучли таъсир кўрсатгансиз. Сизнинг ёрдамингиз билан менинг таҳлилим янада қатъий бўлди. Биз вектор авторегрессия ва коинтеграцияланган вектор регрессия моделини ишлаб чиқдик, сиз эса менга турли, биринчи навбатда, ягона илдизларга нисбатан танқидларни муҳокама қилишда катта ёрдам кўрсатдингиз. Мен ишонч билан айта оламанки, ахборот ўзгарувчилари сифатида «дивиденд-нарх» ёки «фойда-нарх» нисбатидан фойдаланган ҳолда турлича ишлайдиган вектор авторегрессия яратиш, бу – сизнинг ғоянгиз эди.

Кэмпбелл: *Ҳа, мен меҳнат бозори билан шугулланган вақтларимда турлича ишлаш (коинтеграция) тўғрисида кўпроқ маълумотлар олиш учун Сан-Диегога борганимни эслайман. Ушбу мавзу бўйича Роберт Энгл ва Клайв Грейнжер фаол тадқиқотлар олиб боришган. Улар мувозанатсизликни тузатиш ёки мувозанатли қисқа муддатли эмас, балки узоқ муддатли истиқболда қисман тузатиш нуқтаи назаридан турлича ишлашини кўриб чиқишган. Яна, мен уларнинг фикрларини бироз нотўғрироқ деб ўйлаганимни ҳам эслайман. Айнан бир хил иқтисодий модел мувозанатни узоқ истиқболга белгилагани сингари мувозанатни қисқа истиқболда ҳам тузата олиши мумкин. Бу, танқидчилар кўтарган масала, яъни сизнинг ортиқча расмиятчилик мавзуингизга жуда мос келади.*

Шиллер: Бу якуний босқичлиги маълум эди. Ўзимнинг ортиқча расмиятчилик бўйича мавзуим устида олдинга силжимадим мен. Бу



бизнинг, дивидентларнинг келажаги тўғрисидаги янги ахборотларга тегишли ҳамда келгуси тушумлар тўғрисидаги ахборотларга тегишли маълумотларнинг декомпозициясига олиб келди.

Кэмпбелл: *Бу ҳамкорликда ишимизнинг яна бир қисми эди. Биз ишлаб чиққан логарифмик линеаризация вақт жиҳатдан ўлчанадиган фоиз ставкали жорий қийматларга келтириш моделини кўриб чиқиш имконини берди (Campbell, Shiller, 1988). Сизнинг фоиз ставкаларига нисбатан логарифмик линеаризациялаш имконини берган «кенгайтириш» усулингиз билан келганингиз учун ўзингизга тегишлисини олишингиз лозим, мен улардан истеъмолга нисбатан фойдаланганман. Тенгламани логарифмик линеаризациялаш имконияти зояси асосий бўлиб, мен уни ошкора, шаффоф деб қабул қилганман.*

Шиллер: Бу бир неча ишларимни ёзишимга туртки бўлди.

Кэмпбелл: *Келинг, ортга, яъни 1990 йилнинг охирларига назар ташлаймиз. Бизнинг фонд бозори жуда юқори кўтарилиши мумкинлиги тўғрисидаги зояларимиз халқчиллашгандан сўнг, бир неча йил давомида бозор ўсишда давом этди. 1998 йилга келиб биз, бозор хавфли даражада юқориликсини эълон қилган ишимизни чоп этдик. Биз уни «Journal of Portfolio Management» (Campbell, Shiller, 1998)да нашр этдик.*

Шиллер: Биз нашр этиш учун тайёрлаб қўйган кўшма эълонимиз эди. Ўша вақтда биз илк бор кенг омма учун ушбу фикримизни баён қилдик. Натижада, бизнинг шахсимизга аввалги фикрларимизга нисбатан камроқ норозиликлар янгради.

Кэмпбелл: *Ўша вақтда ўз фикрингизда мустаҳкам туришда бирон қийинчиликка дуч келмадингизми, шунини билишни истардим. Менга келадиган бўлсак, жуда қийин бўлган. Сиз ўз фикрингизда мустаҳкам тургансиз ва буни «Иррационал оптимизм» номли китобингизда ҳам қайд этиб ўтгансиз.*

Шиллер: Бозор ва ўша вақтда биз бошдан кечирган иқтисодиётга нисбатан жамоавий хомхаёллар мени бунга қарши нимадир ёзишга ундади. Китобим 2000 йилнинг март ойида, яъни бозор айни чўққига чиққанида чоп этилди. Бу мен учун омадли вақт бўлди. Буларнинг ҳаммаси тез орада тугашини ҳис этган ҳолда ушбу китобимни ёзишга киришдим.

Кэмпбелл: *Ҳозир ёки ҳеч қачон деган ҳиссит биланми?*

Шиллер: Мен бу китобни ҳаддан ташқари тезликда ёздим.



Кэмпбелл: *Менимча, Жереми Сижел сизга туртки берган.*

Шиллер: Мутлақо тўғри. Мен ўз ишларим тўплами бўйича яна бир «Бозор расмиятчилиги» («Market Volatility») номли китобни нашр этиш тўғрисида ўйлаб турганимда Жереми янги китоб ёзишим кераклиги ва бу айнан ўз вақтида бўлишини айтди.

Кэмпбелл: *У «ўз вақтида» дедими, у ҳам бозор қайта баҳоланган деб ўйлаган бўлса керак?*

Шиллер: Шундай бўлса керак... қизиқ савол... у бу китобни ёзиш вақти келди деб айтди. Фикримча, у менинг баъзи ғояларимни маъқуллаган. Орадан тўққиз ой ўтгач, яъни 2000 йилнинг март ойида «Wall Street Journal»да унинг технологик компанияларнинг акцияларига юқори нархлар тўғрисидаги мақоласи чоп этилди (Siegel, 2000). Ўша вақтда у билдирган фикрлар менинг фикрларим билан мос эди, лекин у ўз эътиборини маълум акциялар тури, яъни бутун бозорнинг эмас, балки технологик компанияларнинг акцияларига қаратган фикрларидан ташқари.

Айнан фикрларнинг турличалиги туфайли кўп нарсага эришдик: у – буқа, мен – айиқ, лекин, одатда, кўплаб масалаларда фикрларимиз уйғун эди. У, менинг китобим фақат технологик компаниянинг акцияларига тааллуқли бўлиши мумкин деб ўйлаган. Шунингдек, китобининг охири нашрида «Узоқ муддатга акциялар» («Stocks for the Long Run») (Siegel, 2002) хатти-ҳаракат молияларига бағишланган бобдир.

Фалсафамга кўра, катта лойиҳаларни илҳомланиш таъсири остида бошлайман, акс ҳолда, ҳеч ким ва ҳеч қачон киришмайди бунга. Шунинг учун менга Жереми қўнғироқ қилганидан сўнг мен дарҳол китоб устида ишлашни бошладим.

Кэмпбелл: *Сиз инқироздан сўнг фонд бозорида олиб борган сўровингиз билан ҳам шу ҳолат юз берганми?*

Шиллер: Ҳа, бу ҳам айнан шундан импульс эди. Яратганга шукрки, ўша куни менинг ҳеч ким билан учрашувим йўқ эди, шунинг учун мен шу ғояни муҳокама қилган ҳолда сайрга отландим ҳамда илҳомим сўнмасидан ва миямда бу амалдаги лойиҳа сингари мустаҳкамланиб қолиши учун шу китобни ёзишга киришдим. Кейин эса муҳаррирлар, шу жумладан, бу китобни чоп этишда катта ҳисса қўшган Принстондаги Питер Доэртига қўнғироқ қила бошладим.

Ўша вақтда мен бошқа китобни тайёрлаётган эдим ва уни ярмида тўхтатиб қўйишимга тўғри келди. Буларнинг ҳаммаси туйғуларга асос-



ланган, яъни кимдир китоб ёзади ва тўхташни хоҳламайди, кимдир бу ишни ҳеч қачон қила олмасликдан қўрқади.

Кэмпбелл: *Бу қандай китоб эди?*

Шиллер: Натижада, у «Янги молиявий тартиб: XIX асрдаги хатарлар» номини олган ва 2003 йилда чоп этилди. Мен 1997 йилда унинг устида иш бошладим, лекин ярим йилдан сўнг уни четга олиб кўйишга тўғри келди. Яратганга шукрки, Питер Доэрти ёрдами билан менда аввалги ғайрат уйғонди ва мен китобимни ёзиб тугатдим. Доэрти «Иррационал оптимизм» номли китобимга масъул муҳаррир бўлди, шунингдек, у «Янги молиявий тартиб» китобимга муҳаррирлик қилганидан ҳам бошим осмонга етди. Жараёни нозиклик билан бошқарган ҳолда, яхши муҳаррир яқунланган ишни мукамаллаштириши мумкин. Шунини ҳам айтиб ўтишим лозимки, рафиқам Жинни ҳам қўлёзмамни ўқиб чиқиб, ўзининг танқидларини айтди. Бундан ташқари, у китобдаги ғояларни муҳокама қилиш босқичида менга кўмаклашди.

Кэмпбелл: *«Иррационал оптимизм» кишилар фонд бозорини тушунишларига қандай таъсир этган деб ўйлайсиз?*

Шиллер: Ҳар ҳолда китоб мен уни қандай тушунишимга таъсир этди. Менинг барча ғояларим батафсил ёритилган ва бирлаштирилган. Мен кўп йиллар мобайнида ўқиб-ўрганганларим, буларнинг ҳаммаси бугунги кунга қанчалик мос келиши ҳақида ўйлаганман.

Оммабоп китобни ёзишни мақсад қилмаган эдим. Баъзилар бу китоб ҳақиқатда оммабоп экан дейишган. Лекин бунинг сабаби мен китоб мазмунидан фақатгина математикани олиб ташлаганим бўлиши мумкин. Бу сиз билан олиб борган ҳамкорликдаги ишларимиздан бирининг хулосаси ёки ўзига хос мунозара кўринишига эга бўлган. «Иррационал оптимизм» деб номланган китобимда иккита тенглама мавжуд, лекин улар китобнинг охиридаги фикрларда яширинган.

Қайсидир маънода, мен бу китобни ўзим учун ёзганман. Бу фақат менинг нуқтаи назарим эди. У мен молиявий тадқиқотларни кенг ракурсда кўриб чиқаётган чоғимдаги ўйлаганларимни акс эттирган. Шунинг учун мен китобим оммавий адабиёт – «The New York Times»нинг топ-варағига тушиб қолганини кўрганимда ҳайратда қолдим. Академик адабиёт учун бу мутлақо хос эмас. Оммани янада кенгроқ жалб этиш учун қилган ягона ишим – мен уни, авваламбор, ўзим учун қизиқарли ҳолатда тайёрлашга ҳаракат қилдим.

Қайд этиш лозимки, иқтисодиётда нарсаларга кенг қарашлар асосида ҳодисаларни тадқиқ этиш мумкин. Иқтисодиёт бошқа фанлар-



га ўхшамайди. Бунда барча ҳолатларни қисмларга бўлиб, ўрганиш кийинроқ. Кимёда бирор элементнинг маълум таркибини олишингиз ва таҳлил қилишингиз мумкин, иқтисодиётда эса бунинг учун янада кенгроқ лойиҳа (проекция) талаб этилади. Иқтисодиётда кимёга нисбатан кўпроқ хатар мавжуд.

Кэмпбелл: *Сиз ҳақсиз деб ўйлайман. Девор қилиш учун кўп гишт лозимлигини уқтирувчи фан мавжуд, иқтисодиётда бундай гишталар камроқ.*

Шиллер: Ҳа, бизда Аҳолини қайта рўйхатга олиш бюроси тўплайдиган маълумотлар, яъни пойдевор сифатида қуриш учун тайёрланган кўплаб гишталар мавжуд. Кейин биз иқтисодчилар ушбу пойдевор устига бирор супер қурилма, бирор-бир заиф иқтисодий моделларни кўямиз.

Кэмпбелл: *Сиз иқтисодчилар қиладиганларнинг татбиқийлиги тўғрисида гапирясизми? Молиявий инновацияларга киритиш мумкин бўлган баъзи гоёларингиз, амалиётда сўзсиз татбиқ этилиши эҳтимолдан холи эмас. Сизнинг инфляциядан келиб чиққан ҳолда индекслаштириш соҳасида қилганларингиз сингари...*

Шиллер: Бунинг бир қисмини сиз билан қайта ишлаганмиз.

Кэмпбелл: *Розиман. Ундан ташқари, илмий фаолиятингизни бошлашда Жерми Сижел билан бироз вақт инфляция мавзуси устида иш олиб боргансиз. Шунинг учун сиз яқка тарзда инфляцияни ўрганиш билан шуғуллангансиз. Ушбу мавзу билан шуғулланиш фикри қаердан пайдо бўлди?*

Шиллер: Бу – мен жавоб бера олмайдиган бошқа масала. Яна менга ўргатганларига қайтаман. Физика фани устидан қилган хулосаларимдан бири ўлчов бирлигини тўғри танлаш муҳимлигидан иборат. Иқтисодий таълимотлар тарихида бир қатор муҳим хатолар ўлчов бирликлари билан боғлиқ бўлган.

Иқтисодчилар капитални пул оқимлари билан адаштирган, XIX асрда юзага келган иш ҳақи фондлари назарияси бунга яққол мисол бўла олади. Менинг Мичигандаги ўқитувчим Шори Петерсон ҳам физика ўқитувчиларим сингари ўлчов бирликлари тўғрисида алоҳида тўхталиб ўтган. Бизнинг аксарият узоқ муддатли шартномаларимизда доллар – вақт ўтиши билан ўзгариб борувчи ўлчов бирлиги гавдаланади. Агар биз XIX асрда ҳам бу каби ўлчов тизимидан фойдалансак, ғалати туюлмасмикан?

Бу каби гоёлнинг пайдо бўлиш тарихи ҳам қизиқ бўлган. Компенсацияланган долларни таклиф этган биринчи киши астроном Саймон



Ньюкомб бўлган (Newcomb, 1879). У ўлчаш тизимлари бўйича эксперт эди.

Сўнг, монетар сиёсатни ишлаб чиқишда инсонларнинг заиф томонларига алоҳида аҳамият берган Ирвинг Фишер ҳам менда жиддий таассурот қолдирди (гарчи мен у билан ҳеч қачон учрашмаган бўлсам ҳам) (Fischer, 1928). Бу хатти-ҳаракат иқтисодиётини ривожлантиришга асос бўлди.

Иқтисодчилар кишилар маълум миқдорий кўрсаткичлар билан операцияларни амалга оширадиган моделларни куришлари мени хайратга солади. Лекин, аслида, кишилар мутлақо бошқа координатлар тизимидан фойдаланаётганликларини ўйлаб ҳам кўрмайдилар.

Вақтинчалик фоиз ставкалари назариясининг асосий қисми реал фоиз ставкалари назарияси билан тўқнашади. Агар назариётчиларга, сўнгги вақтгача бизда реал фоиз ставкаларининг вақтинчалик таркиби бўлмаганлигини кўрсатсак, улар номинал вақтинчалик тузилма назарияси тартибсиз, кўпол бўлиши мумкин эди деб даъво қилган бўлардилар. Номинал фоиз ставкалари моделни кўполлаштирадиган инфляция он таркибий қисмдан иборат.

Кишилар ўзларини иқтисодчилар таъкидлаганидек тутмасликларидан келиб чиққан ҳолда жаҳон янада индекслаштирилган бўлиши лозим. Биз инфляцияга индексланган, Чилидаги ривожланиш ўлчовига ўхшаш ўлчов бирлигини ўрнатишимиз лозим. Шу тариқа биз кишилардаги рухий координатлар тизимини ўзгартиришимиз мумкин. Шу билан бирга, биз бошқа кўпгина йўналишлар бўйича ўлчаш тизимини яратишимиз лозим.

Айнан шу ҳақда мен «Янги молиявий тартиб» номли китобимда таъкидлаб ўтганман. Инфляциянинг ўлчов бирлиги сингари, ўртача иш ҳақини акс эттирадиган иш ҳақининг ўлчов бирлиги ҳам мавжуд бўлиши лозим. Бунинг учун бизга иш ҳақининг янада сифатли индекслари зарур. Бугунги кунда мавжуд бўлган индексларни кўп марта фойдаланиладиган индекслар деб аташ мумкин эмас, чунки улар алоҳида фуқароларнинг иш ҳақларидаги ўзгаришларни акс эттирмайди. Кейин биз меҳнат унумдорлигининг ўлчов бирлиги тизимига, катта ёшдаги аҳолининг алоҳида тоифалари учун турли истеъмол саватчаларига эга бўлсак айтиш мумкин бўларди. Ўлчов бирлиги ушбу тизимлардан исталганига нафақат валюта нуқтаи назаридан, балки айнан шундай ўлчов тизими эга кредит карталаридан фойдаланиш нуқтаи назаридан ҳам мос келадиган чек ёзиб бериш имконияти мавжуд бўлиши лозим.



Мен, инфляция бўйича индексланган ўлчов бирлигини, истеъмол нархи индекси асосида ётувчи истеъмол саватчасига ўхшаш «саватча» деб аташни хоҳлардим. Натижада, чекларни долларда эмас, балки «саватчаларда» ёзиб бериш мумкин бўлармиди. Айтайлик, 10 саватча учун чек реал товарлардан ташкил топган 10 саватчани бериш кўринишига эга бўлса, белги эса бундай чекни ёзган ҳолда улар айнан шу ишни бажараётганликларини тушунишларига кўмаклашсин.

Кэмпбелл: *Бу қандайдир Ўрта асрларга қайтишга ўхшайди: у даврда феодаллик бадаллари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари бочкалари билан ўлчанган.*

Шиллер: Иқтисодий назарияга келганда эса индекслар назарияси иқтисодиёт назарияси ривожига муҳим таркибий қисм бўлиб, уни амалиётда фаол қўллаш зарур деб ҳисоблайман. Бу жамиятга сезиларли устунликлар бериши мумкин. Ҳисоб-китобларнинг индексланувчи бирликлари маълум маънода Ўрта асрга қайтишдек кўриниши мумкин. Лекин, аслида, илғор назария мавжудлигида олдинга интилиш бўлади.

Кэмпбелл: *Бошқача айтганда, келажакка қайтиш.*

Шиллер: Ҳа, айнан шундай. Бу янги электрон технологиялар билан ҳам боғлиқ. Ирвинг Фишер компенсацияланувчи долларни таклиф этган ҳолда трансакцияларни ўтказишни бизга нақд валюта зарур деб таъкидлаган эди (Fischer, 1913). Мазкур ҳолатда валютанинг реал қийматини мутлақ барқарорлаштиришни тушуниш мушкул бўлар эди. Ирвинг Фишерни индексация учун талаб қилувчи ҳисоб-китоблар хавотирга солар эди: кишилардан газеталарни харид қилишда ҳар гал мураккаб ҳисоб-китобларни ўтказишларини тахмин қилишнинг иложи йўқ. У ушбу муаммонинг ечимини компенсацияланувчи долларда кўрган эди. Ҳозирги кунда электрон пуллар ёрдамида буни амалга ошириш анча осон бўлди, бирликнинг реал қийматини индекс ёрдамида аниқлаш мумкин бўлиб, у доимий ва автоматик равишда компьютер орқали ҳисобланади. Ҳозирда кредит карталари, смарт-карталар мавжудлигида мураккаб ўлчов бирликларига эга бўлиш айтиш муддао, улар тўғрисида мактабдаги болаларга сўзлаб берадилар ҳамда шу тарихи тузиладиган шартномалар қулайроқ бўлиши учун иқтисодиётга мослаштирилади. Бу мавзуларни мен «Янги молиявий тартиб» китобида баён этганман.

Кэмпбелл: *Сиз китобни эслатиб ўтдингиз, лекин бу тадқиқот дастурининг бир қисмигина холос – рисклар тақсимотини яхши-*



лаш учун янги молиявий воситаларни илгари суриш вазифаси ҳам мавжуд бўлган. Сизда макробозорлар бўйича Кларендон маърузалари бўйича тайёрланган китоб ҳам бор эди (Shiller, 1993). Баъзи кишилар: «Бозорнинг ортиқча расмиятчилиги тўғрисида сўзлаган ўша Боб Шиллер бир вақтнинг ўзида молия бозорларини кенгайтириш зоясини илгари сурмоқдами?!», дейишлари мумкин. Бу сизга қандай таъсир этади?

Шиллер: Бозорлар ортиқча расмиятчиликка эгалиги туфайли керак эмас дейиш реал оламда юз бераётган ҳодисаларга ёндашувни ҳаддан зиёд соддалаштириш демакдир. Ҳеч ким, шу жумладан, мен ҳам ортиқча расмиятчилик туфайли фонд бозорларини ёпишни таклиф этмасди.

Кэмпбелл: *Аллан Блайндер фонд бозорини бир йилда бир марта очиқ бўлиши керак деган фикрни билдирган эди.*

Шиллер: Бу «сунъий тўсиқлар» назариясини бироз ёдга солади. Балки Жим Тобин буни маъқуллаган бўлармиди, лекин, ҳатто, Блайндер ҳам бозорларнинг ёпилишига чорламайди. Ортиқча расмиятчилик, бу – фақатгина инсон хулқ-атвори ўзгарувчанлигига яна бир мисол. У сизларни ҳайрон қилиши мумкин бўлган ҳисобларни олиб боришга қодир, лекин, шу билан бир вақтда, ноўрин хатоларга йўл қўйиши мумкин. Шунинг учун реал одамлар ишлаши мумкин бўлган ҳамма ишни бажаришимиз лозим.

Масалан, самолётларда ўта ишончли тизимлар мавжуд. Улар учувчининг кичик хатоси туфайли ўз йўналишини ўзгартирмайди. Биз ҳам ўз молиявий институтларимизни шу тарзда яратишимиз керак. Албатта, муаммо бу ишни қандай бажаришдан иборат. Инсонларнинг имкониятларини қайта кўриб чиққан ҳолда атрофдаги ҳамма ҳодисаларни ўзгартириш ва кишиларга ишни жуда яхши бажариш имконини бериш зарур. Аксарият одамлар ўз ҳаётини, ўз хатарларини бошқаришга қодир. Биз бу ишни етарлича яхши бажариш имконини берувчи механизмларни яратишни истаймиз, лекин стандарт воситалар тўпламини ўрнатишни ҳам истаймизки, улар кишиларга ҳар қандай ҳолатда ҳам нисбатан яхши турмуш кечириш имконини бериши керак.

Шу тариқа, ортиқча расмиятчилик – инсон хатти-ҳаракатининг вақтинча намоён бўлиши, бундай вақтинча ҳолат, аксинча, ҳатто уруш, инқилоб кўринишида ҳам акс этиши мумкин, шунинг учун мен бозорларнинг кенгайтишини тўғри ҳодиса деб ҳисоблайман.

Кэмпбелл: *Сиз бозорларни кенгайтириш ва ўз компаниянгиз ва маслакингиз кучи билан янгиларини яратишга интилгансиз.*



Шиллер: Кўп нарсалар юз бермоқда ҳозир. Менга янги деривативлар бозорини яратиш ёки рағбатлантириш орқали ижтимоий мақсадларга янгича ёндашувни хоҳловчи кишилар кўнғироқ қилади. Бу ўз-ўзидан содир бўлади.

Кэмпбелл: *Сиз фьючерс биржаларида ишловчи ёки бирор-бир жиҳатдан Macro Securities Research (сиз ва Адан Вайс томонидан ташкил этилган компания) билан боғлиқ кишилар доирасида суҳбатлашганингизда бундай зояларни амалга ошириш йўлида турган тўсиқларни кўрасизми? Эҳтимол, сиз бозорларнинг муваффақиятли ривожланишига тўсқинлик қилувчи чекловлар, инерция тўғрисида кўпроқ билим олгандирсиз.*

Шиллер: Алан, мен, энди эса, Macro Securities Research компанияси директори Сэм Мазуччи ҳам кўп йиллар давомида рискларни бошқариш тизимини яхшилашга интиланганмиз. Институционал инерционлик тўғрисида бизга кўп нарча маълум.

Бу мен индексациянинг амалий тизимини ишлаб чиқишни қанчалик хоҳлаганимнинг сабабларидан биридир. Биз уйлар қийматини суғурталаш механизминини яратиш борасида фикр юритгандик. Фьючерс биржалари вакиллари билан учраша бошлаганимизда, уй эгалари учун хатарларни бошқаришнинг оддий маҳсули уйнинг номинал қийматини эмас, реал қийматини ҳимоя қилиш фикри туғилди. Агар кишилар номаълум инфляция даражасида номинал қийматни суғурталасалар, улар суғурталаш мавжуд бўлмаган вазиятга нисбатан реал қийматнинг кучли тебранишига сабабчи бўлишлари мумкин.

Кэмпбелл: *Яқин кунларда сизнинг «Янги молиявий тартиб» номли китобингиз чоп этилди. Уни ёзиш зояси қачон тузилган сизда? Сиз бу китоб устида 1997 йилда ишлай бошлагансиз, сўнгра тўхтаиб қўйгансиз.*

Шиллер: 1993 йилда «Макробозорлар» китобини ёзганман. У ўта технологик китоб бўлиб, бунда мен такрорий ўлчовлар ва дастлабки расмиятчилик асосидаги индекслар тўғрисида фикр юритганман. Унда янада кенгрок мавзулар ёритилган. Мен институционал ўзгаришлар бозорлар ва ҳаётимизга қай тариха таъсир кўрсатиши ҳақида ҳам фикр билдирганман. Китоб The New York Times адабиётлар шарҳига кирган. Менга шарҳловчи Питер Пассел кўнғироқ қилди ва кенг жамоатчилик учун китоб версиясини тайёрлашим кераклигини айтди: «Бу математика китобхонни зериктиради – асосий зояларни тушуниш учун кераги йўқ унинг». Мен кенг жамоатчилик учун моҳиятан техник мавзуда ки-



тоб ёза олмайман деб жавоб бердим. Натижада, бу ғояни яхши даврларга қолдирдим.

Бир неча йил ўтди. Ўз талабам Стефано Атанасулис билан бирга бир қатор китоблар чоп этдим, уларда институционал модель маъносида асосий рискларни бошқариш математик назарияси ғояси илгари сурилган (Athanasoulis, Shiller, 2001). Биз сермахсул ишладик.

Асосий рағбат шундаки, рисклар бошқарувидаги реал тўсиқларни ҳал этишдан иборат. Бу китоб мени ҳақиқатда жуда тўлқинлантирди. Лекин, унинг устидаги иш машаққатли кечганди. Бу китобдан фарқли ўлароқ «Иррационал оптимизм» китобини деярли тўққиз ой давомида ёзиб тугатдим. Гарчи унга 1987 йиллардаги қайдларим киритилган бўлса-да, китобнинг асосий қисми тўққиз ой давомида ёзилди. «Янги молиявий тартиб» китобининг тайёрланиши қийин бўлиб, кўп вақт талаб этди.

Кэмпбелл: *Китобингиз сўзбошида айтганингиздек, сизга Йелдаги 20 йил маълум тарзда таъсир этган.*

Шиллер: Мен Йелга Жим Тобин, Билл Брейнард, Билл Нордхаус ва ўша пайтда ишлаган бошқа кишилардан хайратланганим сабабли борганман. Брейнард ва Долбеарнинг (1971) мақоласида ҳаракатланиш воситалари билан боғлиқ рискларни суғурталар тўғрисида фикр юритилган. Бу ушбу мавзудаги илк иш эди. Тобин ўз тадқиқотларида ўзига хос хатарларни суғурталаш тўғрисида фикр билдирмаган.

У кўпроқ институционал ўзгаришлар билан шуғулланган. У Йель муқобили – талабаларга қарз бериш воситасида умр давомида молиявий рискларни бошқариш имконини берувчи дастурни яратди (Yale Tuition Payment Option). Ташкил этиш миқёслари режалаштирилганига нисбатан жуда оддий туюларди, лекин Тобин Йель университети раҳбариятини уни яратишга ишонтирди.

Кэмпбелл: *Бу университетга қимматга тушди, чунки дастур бўйича катта тўловларни амалга оширган кишилар университетга пулли хайриялар учун номзод эдилар. Бундай ҳисобрақамларни олганларида газабланишди ва пул беришдан бош тортдилар.*

Шиллер: Дастур ёпилди, қолгани қайтарилмаган қарзлардан «воз кечилди». Режанинг баъзи камчиликлари ҳам бор эди. Бошқа муаммо шунда эдики, тўловлар фойдага федерал солиқ шаклида белгиланган эди. Талабалар кейинроқ турмуш қурганларида ўз турмуш ўртоқларини солиққа тортиш масаласини ҳам ҳал этар эдилар. Улар бунни кутишмаган, бу ҳолат адолатсизликдек кўринарди. Кейинги масала юзага келган вазиятни қай тариха ҳал этишдан иборат эди.



Кэмпбелл: *Турмуш қуриш мумкин, лекин ҳужжатларни мустақил равишда топшириш мумкин эди-ку.*

Шиллер: Бу жорий солиқ қонунчилигига зид эди. Агар даромад солиғини бошқариш автоматлаштирилган бўлганда осонроқ бўларди – тугмани босасиз ва турли шаклларни киритасиз. Бундай технология мавжуд эмаслиги туфайли Yale Tuition Payment Option компания солиқ декларацияси бланкидан фойдаланишга мажбур бўлди. Янги китобимнинг мавзуларидан бири шундаки, ҳозирги кунда технологиялар шу қадар ривожланмоқдаки, институтлар янада мураккаб бўлиши керак.

Кэмпбелл: *Агар солиқ кодексига қаралса, бу юз бера бошлаганини кўрамиз. Солиқ кодекси мураккаблашиб бормоқда, чунки турли ҳисобларни амалга ошириш имконияти пайдо бўлган.*

Шиллер: Маълумки, хатарларни тўғри бошқариш учун мураккаблик зарур. Лекин ҳар ҳолда Ирвинг Фишернинг ишларидан кўпчилик ҳайратланган, у новатор эди. У индексланган облигацияларни чиқаришга интилган. Унда иқтисодиётга амалий ёндашув мавжуд бўлиб, ҳатто сўровлар ҳам ўтказган.

Кэмпбелл: *Ҳақиқатданми, бундан беҳабар эдим.*

Шиллер: У «Пуллар иллюзияси» китобида Германияда гиперинфляция даврида дўкон эгалари орасида ўтказилган сўров ҳақида сўзлаган. У нархларни нима сабабдан кўтарилганлигини сўрайди ва қарор қабул қилишда инфляция қандай ўрин тутишини тушунишмаган деган хулосага келади. Бу Йелдаги анъананинг бир кўриниши – иқтисодий сиёсат диққат марказида бўлган амалий тадқиқот ўтказиш.

Айтганча, «Macroeconomic Dynamics» Йель анъаналари тўғрисидаги мақола-ку. Дэвид Коландер мен ва Жим Тобин билан иқтисодиётда Йель анъаналари тўғрисида суҳбатлашдик (Collander, 1999).

Кэмпбелл: *Охирги савол. Келажак ҳақида сўзлашсак, истиқболли ҳисобланган тадқиқотлар учун – сиз ва фан учун кейинги 10 йилда бирор-бир мавзу борми? Агар ҳузурингизга магистрант келиб: «Тадқиқот учун соҳа ёки зоя изламоқдаман» – деса, сиз қандай маслаҳат берасиз?*

Шиллер: Бундай узоқ давр учун ҳаракатларни прогнозлаш жуда мушкул ҳеч қачон мен ўз тадқиқотларимни олдиндан режалаштирмаганман. Лекин бу масалада нима дейишни биламан.

Биринчидан, эҳтимол, аксарият иқтисодчилар ахборот инқилоби туфайли харажатлар қанчага камайди деган саволга ҳеч қандай жавоб беришмайди. Биз иқтисодчи сифатида бундан қандай фойдаланиш мумкинлиги тўғрисида ўйлашимиз керак. Шунинг учун тадқиқотчи-



иқтисодчилар мураккаброқ иқтисодий институтларни яратиш учун нима қилиш кераклиги тўғрисида ўйлашлари лозим. Биз кўпроқ молиявий муҳандислик ва зарур механизмларни яратиш соҳасида тадқиқотлар ўтказмоқдамиз.

Фикримча, рискларни бошқариш назариясини умумий иқтисодий назарияга бирлаштириш учун кўп иш қилишимиз керак. Бу асосий назарияни илгари суриш жуда муҳим. Афсуски, ҳозирги илмий ҳаётда шундай йўналиш мавжудки, миллионлаб кичик чекинишлар бирор катта ишни амалга оширишга тўсқинлик қилади. Мен беминнат ёрдамчим Кэрол Коуплендга ўз вақтимни тўғри ташкил этишда ёрдам берганлиги ва бундай чекинишлардан сақлаганлиги учун миннатдорчилик билдиришим керак. Ўз тадқиқотларини суиистеъмол қилмаслик учун ўзгаларнинг маслаҳати, шунингдек, ўз ички овозига кулоқ солиш керак.

Иқтисодчилар бажарадиган ишларнинг аксарияти жуда мавҳум. Мен уларга Миллий фондга (АҚШ) таклиф киритиш эмас, балки амалиётда фойдаланиш мумкин бўлган ишлар билан кўпроқ шуғулланишни маслаҳат берган бўлар эдим. Бизнинг назариядан амалиётда фойдаланиш катта фойда келтириши мумкин.

Фикримча, кейинги ўн йилда юқорида баён этганларимни амалга оширишда бошқаларга ёрдам бераман. Новатор бўлиш – жуда мушкул иш, чунки бу илмий ҳамжамият вакилларига хос эмас. Бу бемаъ依ликдек туюлади. Аксарият кишилар ака-ука райтлар аэропланни лойиҳалаштиришга уринганларида уларни бемаъ依ликда айблашган. Ҳозирги кунда замонавий самолёт конструкторлари жуда ҳурматли кишилар ҳисобланади. Иқтисодиётнинг техник қурилиши ёки бирор-бир лойиҳавий жиҳатига келганда, биз ака-ука райтлар ҳолатига тушамиз.

Шунинг учун яқин йиллардаги муҳим вазифаларимдан бири молия соҳасидаги инновацияларни қўллаб-қувватлаш бўлади. Ҳозирги кунда кўпгина таклифлар мен орқали ўтади. Улар деярли бир хил бошланади: «Менда ғоя бор, лекин ҳеч ким бу ҳақда эшитишни истамаяпти», баъзан ғоялар «бемаъ依и» бўлиши мумкин, лекин кўпинча жуда муҳим бўлади.

Сухбатни Жон Кэмпбелл олиб борди.

*Гарвард университети,
2003 йил 4 январь*



КИЧИК РОБЕРТ ЛУКАС



1937 йилнинг 15 сентябрида Американинг Вашингтон штатидаги Якима шаҳрида туғилган. Роберт Эмерсон Лукас ва Жейн Темплетон Лукаснинг тўнғич фарзанди бўлган.

Лукас Чикаго университети тарихида биринчи марта ВА, яъни Bachelor of Arts (санъат ва фан йўналишлари бўйича бакалавр) дастурини тамомлаган. У 1959 йилда Калифорния штатидаги Беркли университетиде аспирант сифатида ўқиётганида молиявий сабабларга кўра, Беркли шаҳрини тарк этади ва 1960 йилда Чикагога қайтиб, докторлик диссертациясини ҳимоя қилади. Унинг «АҚШ ишлаб чиқаришида меҳнат ва капитал ўртасидаги ўрнини босиш (1929–1958)» номли диссертацияси Х.Грегг Люис ва Дейл Йоргенсон раҳбарлигида ёзилган. Лукас 1975 йилгача Карнеги-Меллон университетининг Олий саноат маъмурияти мактабида (ҳозирги Теппер бизнес мактаби) дарс берди, сўнг эса Чикаго университетига қайтди.

Лукас рационал кутилмалар назарияси тахминининг оқибатлари бўйича олиб борган текиширувлари билан танилган. Лукас (1972) рационал кутилмалар зоясини динамик умумий мувозанат моделига киритади. Лукас моделидаги агентлар рационалдир, яъни мавжуд маълумотларга асосланиб, улар келажакдаги нархлар ва миқдорлар тўғрисида тахминларни шакллантиради ва ушбу кутилмалар асосида улар умр бўйи кутилган фойдали дастурни максимал даражада ошириш учун ҳаракат қилишади.

Шунингдек, у Милтон Фридман ва Эдмонд Филлипснинг пулнинг узоқ муддатли бетарафлиги ҳақидаги қарашлари учун назарияни асослаб берди ва Филлипс эгри чизигида тасвирланган ишлаб чиқариш ва инфляция ўртасидаги ўзаро боғлиқликни тушунтириб берди.



Лукас таъминот назариясини ишлаб чиқди, у одамларни тизимсиз пул-кредит сиёсати билан алдаб қўйиши мумкинлигини таклиф қилди, яъни инсон капиталини тўплашнинг Узава-Лукас модели (Хирофуми Узава билан биргаликда) ва «Лукас парадокси», унда нега кўпроқ капитал ривожланган давлатлардан ривожланаётган мамлакатларга оқиб келмаслигини кўриб чиқади. Лукас ва Пол Ромерлар эндоген ўсиш назариясининг туғилиши ва 1980-йилларнинг охири ва 1990-йилларда иқтисодий ўсиш бўйича тадқиқотларнинг тикланиши ҳақида прогноз қилишган.

Шунингдек, у хулқ-атвор иқтисодиётига асос солиб, инвесторларнинг мантиқсизлиги асосида битта нарх қонунидан четга чиқишни тушуниш учун интеллектуал асос яратди. Рационал қутилмалар назариясини ишлаб чиққанлиги ва қўллагани учун 1995 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган.

КИЧИК РОБЕРТ ЛУКАС БИЛАН СУХБАТ

Роберт Лукас – охири 25–30 йиллар ичида макроиқтисодиёт ва монетаризм билан шуғулланувчилар орасида машхур ва тан олинган иқтисодчилардан биридир. Унинг ишлари таълимни бутунлай қайта кўриб чиқиш, уни жонлантиришга, оптимал қутилмалар таъсирини кўришга ундади. Унинг ёрдамида даврий тебраниш назарияси пайдо бўлди. Ўша пайтда тахлилий ташкил этувчиларни ёритиб бериш, давлат сиёсатини ишлаб чиқиш учун эконометрик моделлардан фойдаланиш зарур бўлган. Ушбу ютуқлари эвазига иқтисодиёт соҳасида 1995 йилда Роберт Лукас Нобель мукофоти билан тақдирланган. Бундан ташқари, унинг бошқа соҳаларга қўшган ҳиссаси яна бир нечта мукофотга «тортиши» мумкин эди. Улар орасида – активлар қийматини аниқлаш, иқтисодий ўсиш ва ривожланиш, валюта курсини аниқлаш, энг қулай фискал ва инфляцион сиёсат ҳамда динамик рекурсив моделлар тахлили учун асос ҳисобланувчи илмий ишларни келтириб ўтиш мумкин.



Чикаго университети иқтисодчи ҳаётида муҳим роль ўйнади. Бу ерда у бакалавр ва докторлик даражасини олиб, 1975 йилдан факультетга



ишга ўтди. Бундан ташқари, Чикаго университети Иқтисодиёт факультети декани ва 2 семестр давомида «Journal of political economy»да Бош муҳаррир лавозимларида ишлади. Лекин бунга қарамасдан, Карнеги-Меллондаги мен ва менинг ҳамкасбларим олий саноат бошқарув мактабида 1963 йилдан 1974 йилгача Роберт Лукаснинг профессор бўлиб ишлаганини вақти-вақти билан эслаб тураимиз. Бу ораликда у ўзининг муҳим илмий изланишларини чоп этиб, Нобель мукофотиغا сазовор бўлди. Шунинг учун мен суҳбатдошимдан университетимизда ўтказган дамлари ҳақида бир неча савол беришдан ўзимни тўхтатолмадим.

Кўпчилик тадқиқотчилар Лукаснинг ақл-заковатиغا, аниқ фикр юриштиши ва иш услуби, ўрганиши учун мавзунини тўғри танлаш қобилиятига лол қолишарди.

Унинг ҳар бир лойиҳаси тагида муаммолар ечимини топишга бўлган қизиқиши ва, шу билан бир вақтда, иқтисодий сиёсатда истиқболдаги юксалиш жуда муҳим. Ўзининг тадқиқотларини Лукас ҳеч қачон муҳим бўлмаган муаммо ечимига йўналтирмас эди, суҳбат давомида у буни яна бир бор эслатиб қўйди. Ҳамкасблари ва яқинларининг таъкидлашича, Роберт Лукас бир сўз билан ўз фикрини баён этиш мумкин бўлган пайтда 3 сўздан фойдаланмас, ҳар бир сўзни ўз ўрнида ишлатар эди. Ушбу суҳбатимиз ҳам бунга ёрқин мисолдир. Оддий амалиётдан фарқли равишда, суҳбат олиш пайтида ишлатиладиган журнал, бу суҳбат муҳаррирининг руҳсати билан масофа орқали электрон почталар ёрдамида ташкил этилди. Ўйлаймизки, китобхонларга манзур бўлади. Суҳбат олиш пайтидаги барча қийинчиликларга қарамасдан, ушбу ишдан мен ўзимга кўп нарса олдим ва бундан қониқиш ҳосил қилдим.

МакКаллум: *Қачон ва қай тарзда Сиз иқтисодиёт билан қизиқишни бошладингиз ва нима учун бу касбий фаолиятни танладингиз, суҳбатимизни ушбу саволдан боиласак.*

Лукас: Етти ёки саккиз ёшлигимда дадам мендан сен эътибор қилганмисан, неча хил компания юк машиналари бизнинг кварталга келади деб сўрагандилар. Ўша пайтда юк машиналаридан бири Дариголд компанияси томонидан сут олиб келса, бошқаси Сарнатиондан ва ҳ. Бизнинг ҳисобимиз бўйича кварталга 5 ёки 6 та компания номи туширилган юк машиналар қатнар эди.

Ота-онам ҳам (1930-йилларда) мен каби эркин бозор фикрларини ажрата олишар эди. Биз иқтисодиётни ақлий бошқариш керак деб ўйлар эдик ва бу қандай бўлиши мумкин, бу учун нима қилиш кераклиги ҳақида ҳар куни кенг мулоқот қилар эдик.



1950 йили Чикаго университетига ўқишга кирдим, шунда мен учун илмий изланиш энг керакли эканлигини тушуниб етдим. Коллежда менинг қизиқишларим тарихни ўрганишга етаклади. Магистратурада ўқиган пайтларимда иқтисодиётни жиддий ўрганишга киришдим.

МакКаллум: *Нима учун Сиз Чикагога бордингиз ўқиш учун?*

Лукас: Мен уйда қолиб Сиэтлдаги Вашингтон университетига топширишим ҳам мумкин эди. Бироқ, Чикаго университети барча харажатларимни қоплаш учун менга стипендия тақдим этди. Бу менинг она шахримдан чиқиб кетишим учун катта имконият эди, айниқса, ўша пайтлари бу мен учун жуда муҳим эди.

МакКаллум: *Нима учун иқтисодиётга ўтишга қарор қилдингиз?*


Лукас: Мен тарихдан иқтисодиётга ўтаётганимда, иқтисодиёт қандай ишлаши ва иқтисодчилар нима билан шуғулланиши ҳақида тушунчага эга эмас эдим. Бироқ, яқин орада мен ўзим учун буни очдим, иқтисодиёт учун муҳим ролни математика фанлари ташкил этар экан.

МакКаллум: *Математика бўйича бундай чуқур билимга қандай эришдингиз?*

Лукас: 1960 йил бошларида иқтисодчи бўлиш учун математик билимга эга бўлиш шарт эмаслигини кўпчилик унутиб қўйди. Ҳали коллежда, тарих билан жиддий шуғулланишимдан олдин, мен ҳисоблаш математикаси ва дифференциал тенгламаларни ўрганган эдим. Самуэлсоннинг китобларидан мен ҳам бошқа ҳамкасбларим каби математиканинг иқтисодиётда асосий ўрин тутишини билиб олган эдим. Магистратурада ўқиб юрган пайтларим, мен чизиқли алгебра курсини ва ҳисоблаш математикасининг чуқурлашган курсини тугатдим. Бундан ташқари, Чикаго университетининг Статистика факультетида ўқитиладиган математик статистика курсига қатнардим. Шундай кўп билимга эга бўлишимга қарамай, мен яна кўпроқ мустақил шуғулланар эдим, ҳозирда қўлланиладиган математик аппаратларни эса магистратурани битирганимдан кейин ўрганганман.

МакКаллум: *Чикаго университетиде аспирантурада ўқиб юрган пайтларингиз қайси устозингиз сизга катта таъсир кўрсатган?*

Лукас: Милтон Фридман барча талабаларга, шу қатори менга ҳам, катта таъсир кўрсатди. Унинг назария йўналишидаги 2 та курси ажойиб эди. Шунчаки бизнинг дунё ҳақидаги тасаввуримизни ўзгартирди у. Ўша пайтларда мен барча нарсани ўзимга қабул қилиб, бошқа педагоглардан ҳам кўпгина нарсани ўргандим. Ел Ҳарбергер миқдорий мувоzanатнинг умумий моделлари билан шуғулланарди ва бу ҳозирги пайтда ҳам замонавий кўринишга эга. Макроиқтисодиёт соҳасида Мартин



Луис Чан, Роберт Лукас, Чи-Ва
Юен Гонгконгда

хам катта таассурот қолдирди менда. Дон Бир ҳам иқтисодчилар учун математика курсини малакали тарзда олиб борар эди.

МакКаллум: *Узава ҳам сизга қандайдир даражада таъсир кўрсатган деб ўйлайман. Адашдимми ё?*

Лукас: Узава Чикаго университетига университетни битирганимдан сўнг 1 йил ўтиб келган, шунинг учун у менинг устозим бўлмаган. Лекин, мен Чикаго ва Йелда Узава ва Дэвид Касса томонидан ташкил этилган иқтисодий динамика назарияси бўйича 2 та ёзги конференцияда қатнашганман. Конференциялар менга бошқа ёш иқтисодчи-назарийчилар билан яқиндан танишишимга имконият яратди. Менга Узава ва Кассанинг идеализмга жиддий ёндашишлари ёқди. Менга шунчалик ишонч билдириб конференцияга таклиф қилишганидан ва бунда мен кўпгина янги маълумотларни билиб олганимдан жудаям хурсанд бўлдим.

МакКаллум: *Кимнинг семинар-амалиётини қолдирмасдан иштирак этар эдингиз?*

Лукас: Ҳозирга қараганда ўша пайтлар семинар-амалиётлар кам ўтказилар эди. Эконометрика бўйича семинарларда иқтисодий ва математик назариялар кўриб чиқилар эди. Уларни Цви Грилихес ва Лестер Телсерлар олиб боришарди. Мендан ташқари бизнес мактабдан Мартин Миллер ва Ден Орр ҳам қатнашиб туришарди доим. Ел Ҳарбергер давлат молияси тўғрисида семинар-амалиётини олиб борганда барча талабалар, ҳамкасблари ва мен ҳам унда қатнашардик. Грег Люис ўзининг семинар-

Бейли, Карл Крист ва Гарри Жонсонлар ҳам бизнинг мураббийимиз бўлишган. Грег Люис ўзининг семинарларидан бирида касаба уюшмаси китоби ҳақида гапириб берди ва бундан мен янада кўп нарсани билиб олдим.

Ёш педагоглар орасида эконометрикадан дарс берадиган ва мен каби техникларни қўллаб турадиган Цви Грилихесни алоҳида ажратаман. 1962–1963 йилларда университетда ишлаш учун таклиф қилинган Дейл Йоргенсон



ларида меҳнат муносабатлари ҳақида такдимот қилишимга чақирар эди, бироқ мен унинг семинарларида онда-сонда иштирок этар эдим.

МакКаллум: *Унда сиз пул муносабатлари ва банклар тўғрисидаги семинарларда қатнашмаган экансиз-да?*

Лукас: Ўша пайтларда семинар-амалиётларда фақат таклиф қилинганларгина қатнашишар эди, лекин мени пул муносабатлари ва банклар тўғрисидаги семинар-амалиётларга таклиф қилишмаган. Бунга сабаб ҳам йўқ эди. Бу соҳа билан мен қизиқмас эдим. Мени кўпроқ эконометрия ва давлат молияси қизиқтирар эди. Шу билан бирга, мен Фридман билан ишламас эдим.

МакКаллум: *Сиз 1963 йилда Карнеги-Меллонда (у вақтларда Карнеги технологиялар институти) катта ўқитувчи (доцент) лавозимида эдингиз. Шундайми?*

Лукас: Ҳа, мен ишимни олий саноат бошқарув мактабида 1963 йил сентябрь ойидан бошладим. Трен Долбир, Мел Ҳайнич, Морт Кемийен, Лестер Лейв ва Тим Магуайрлар билан бирга. Биз янги факультет декани Дик Сайертнинг биринчи қаторида эдик.

МакКаллум: *Рационал кутилмаларни ўрганишни қандай бошладингиз? Жон Мут қай даражада сизга кучли таъсир кўрсатди?*

Лукас: Чикаго университетини тарк этганимда Цви Грилихес менга Жон Мутнинг ишларига этибор беришимни таъкидлади, мен ундан кўп нарсани ўрганишим мумкин эди. Бу жуда яхши маслаҳат эди! Мен ҳақиқатдан ҳам Жекдан кўп нарсани ўргандим, лекин мен рационал кутилмаларни жиддий қабул қилишим учун бир неча йил ўтиб кетди. Бу Едом Прескотт билан «инвестициянинг ноаниқлик шароити» мавзуси бўйича ишлаганимизда содир бўлди.

МакКаллум: *Нима деб ўйлайсиз, Мут ўзининг рационал кутилма гипотезаси ёндашувига қандай келди?*

Лукас: Унинг «Рационал кутилма ва нархнинг ҳаракат назарияси» мақоласи жудаям қизиқарли ва маълумотга бой. Бу ерда Герберт Саймоннинг иқтисодий хулқ ишига қандай таъсир қилганини ва бунга Мут қандай қараган ва рационал кутилма гипотезасига қандай етиб келганлиги ҳақида кўриш мумкин. (Бир вақтлар мен уни Гербертнинг ўзи билан муҳокама қилмоқчи эдим бизга катта таъсир ўтказганлиги мисолида, бироқ у мендан ранжиб таклифимни қабул қилмади.)

Жек Хоултон, Модильяни ва Саймонлар билан бирга ёзилган «ишлаб чиқаришни режалаштириш, захира ва ишчи кучи» монографиясига ҳаммуаллиф эди. Бу меҳнат меъёр ва таҳлил операцияларига бағишланган эди. Унда менежерларнинг ҳар хил ўзгаришларига қараб қандай қарор



Ед Прескотт, Том Саргет, Боб Лукас ва Буз Брок конференцияда

қилишлари ҳақида ёзилган эди. Мен аниқ биламанки, айнан ушбу монография билан ишлаганда Мут кутилмани жиддийроқ кўриб чиқиш кераклиги, маълумотлар коррекциясида регрессия тенграмасидан фойдаланишни чекламаслик кераклиги ҳақидаги тўхтамга келган.

Карнегида мен ўзимга асосий дарслардан бирини Мутдан, балки кўпроғини Дейва Кассадан олдим, бу билимим асосида тақсимлаш эффектини нормативга қараб ўтказиш мумкинлигини ўргандим. Бу ҳаракат фақат тушунтириб беради, лекин ўзгартирмайди.

Мен ўқиб юрган вақтларда Чикаго университети муҳити бизни ҳеч қачон режалаштириш бўйича фикр юритишга ўргатмаган. Масалан, у ёки бу вазиятда ресурсларни қандай тақсимлаш зарурлиги? Кутилмадан натижага эришиш учун қандай қилиб инсонлар берилган ахборотлардан фойдаланиши лозимлиги? Бу саволлар барча иқтисодчилар учун муҳим. Отамнинг социализм пайтида сутни тарқатиш лозимлиги тўғрисидаги фикри хато бўлиб, лекин бу ишни режа асосида бажариш фикри тўғри эди.

МакКаллум: *Олий саноат бошқарув мактаби сизнинг етук мутахассис бўлишингизга яна қандай таъсир кўрсатди?*

Лукас: Герберт Саймон, Дэвид Касса ва Ед Прескотт таъсири ҳақида мен юқоридаги Мутнинг таъсири ҳақидаги саволингизга жавоб берган эдим. Умумий қилиб айтганда, олий саноат бошқарув мактаби менга ҳар хил инсонлар билан мулоқотда бўлишимга имкон яратди, яъни Ле-



онард Реппинг ва Алан Мелцер – уларнинг иқтисодий қарашлари менга яқин эди. Саймон, Мут, Касс ва Прескотт билан менинг хаёлимга ҳам келмайдиган мавзуларни қараб чиқар эдик.

МакКаллум: *Сизнинг нуқтаи назарингизда касбингиз ривожланиши учун жуда муҳим бўлган 1974-1975-йилларда Чикагога қайтганингиздаги муҳим ҳақида гапириб берсангиз, илтимос.*

Лукас: Биринчидан, мен касбий малакамни Чикаго талабаларига макроиқтисодиёт фанидан дарс беришдан бошлаганман (Аллан Мелцер буни амалга оширган). Бу мен учун рағбат эди. Менинг изланишларим «Даврий бизнесни тушуниш» ва «Даврийликнинг метод ва муаммолари» тўғрисида бўлиб, бу эса аспирантурага дарс бериш имконини ҳам берган эди.

Маккаллум: *Бошқа қизиқишларга ўтишдан олдин, шунақа пайтлар бўлганми, мавзуга тааллуқли бўлган бирор иш қилишни хоҳлаганмисиз?*

Лукас: Машҳур олимлар сингари, ўйлашимча, мени ҳам олдинги интилиш, ривожланиш қувонтирган. Шунинг учун макроиқтисодиётдаги умумий барқарорлик ютуқларидан хурсандман. Бошқа томондан хурсандманки, мен ҳақиқий иш даврининг (циклининг) жуда кўп тадқиқотларини ўргандим. Мен ўйлайманки, ҳозирги назария 15 йил олдинги ўй-фикрларимдан бутунлай фарқ қилади.

МакКаллум: *Назарингизда, қанчалик даражада муҳим технологик шоклар бизнес даврини яратишда аҳамият касб этган?*

Лукас: Қайси цикл ҳақида гапиришимизга боғлиқ. Агар 1930 йилдаги депрессия ҳақида гап борадиган бўлса, унда технологик шок жуда муҳим ва бошқа реал шоклар бу воқеанинг 80% ига ҳам етмайди.

МакКаллум: *Аmmo, «Технологик ва бошқа реал шоклар» давлат харажатларини, олди-сотди шартларини ва бошқа нарсаларнинг бўлишини афзал кўради. Ишлаб чиқаришда қанақа технологик қийинчилиги бор деб ўйлайсиз?*

Лукас: Мен билмайман, 80% деб ўйлаганимни ҳисобга олсак, буларни ва бошқа реал шокларни синдириш демакдир. Мен ҳаттоки «Тоza технологик зарба» борлигига ишонмайман. Ўйлайманки, мен учун энг муҳим қийинчилик рақобатбардош бозорларда эффективликни таъминлаш.

МакКаллум: *Фикрингизча, муҳим иқтисодий ҳодисаларда бир хил баҳо бўлиши мумкинми?*

Лукас: Ҳа. Амалиётда, айниқса, бу жуда оғир монетар назария бизни кутилмага олиб келганидан кўра замонавий иқтисодиётни кўйиш афзалроқдир. Мен «каттиқ баҳо» устида албатта ўйлаб кўрмоқчиман.



МакКаллум: *Фикрингизча, охирги 25 йиличида микроиқтисодиёт йўналишида танқид билдирадиган ҳодисалар бўлганми?*

Лукас: Охирги 15 йил ичида кўп жойларда микроиқтисодиётнинг назарий ўйинларидан кўп фойдаланилди (Чикагодан ташқари). Лекин, назарий ўйинлар бизга қандай қилиб ресурсларни тақсимлаш ҳақида ахборот билан машҳур бўлиш сирлари тўғрисида муҳокама қилишни ўргатди.

МакКаллум: *Сизнинг қатор муҳим ишларингиз, яъни активларни баҳолаш, иқтисодий ўсиш билан боғлиқ эконометрик таҳлилларингиз катта қизиқиш уйғотди. Шулар тўғрисида нималарни айта оласиз?*

Лукас: Бир куни Чикагодаги офисимда Массачусетс технологиялар институтида фалсафа доктори илмий даражасига эга ва ҳозирда иш излаб юрган Пентти Коури билан суҳбат ўтказган эдим. Коури вақтни беҳуда сарфлашни истамай мендан сўрашни бошлади: Сиз қандай қилиб келажак иқтисодиёти учун активлар баҳосини берасиз? Кейин эса, илмий ишимда кўриб чиқилган моделлар тўғрисида сўради. Мен доска олдида бордим ва Беллман тенглигини ёзишни бошладим. Бир неча дақиқадан кейин шу нарса маълум бўлдики, баҳо активлари учун функционал тенглик шарт эмас экан. Менинг қиладиган ишим ва ёзаётганларимга Коури қўшилмади.

МакКаллум: *Сизнинг иқтисодий ривожланиш концепцияси ҳақида қизиқишингиз қандай?*

Лукас: Мен талабаларга иқтисодий ривожланиш назарияси курсидан Карнеги-Меллонидан дарс берганман. Бу курс рўйхатидан бири эди. Қанчалик мен ўзимни танисам, мен доим бу вилоят билан қизиққанман. Лекин, менинг ҳамма изланишларим интуиция билан боғлиқ эди. Мен қаерда кўпроқ ютуққа эришишимни ҳис қилардим. Мен ўзимни бизнес даврий циклида топдим ва, ўйлайманки, бу жуда омадли бўлди.

МакКаллум: *Кўпгина машҳурлар орасида сизнинг қарашларингизга ўзгача ҳавас билан қарашишади. Сиз ўз устингизда ишлайсизми?*

Лукас: Мақтов учун раҳмат. Мен кўп ишларимни тез-тез қайта кўриб чиқаман ва кўпроқ кучимни тўғридан-тўғри мантиққа қаратаман, шаклга эмас. Бундан ташқари, жуда кўп ўқийман. Ва булар орасида чинакам яхши ёзувчиларни ҳурмат қиламан.

МакКаллум: *Чекишни ташлашингизга нима туртки бўлди?*

Лукас: Мен чекишни 13 ёшимдан бошлаб 56 ёшимгача давом эттирганман. Бу муаммо тўғрисида бирор маслаҳат беролмайман. Мен бунга никотин пластирлари ёрдамида ташлашга муяссар бўлганман.



Бунда бошқа омиллар, яъни кўрқув, яқинларимнинг доимий норозиликлари ҳам қайсидир маънода таъсир кўрсатган.

МакКаллум: *Сиз 1980 йилда иқтисодий ўсиш назарияси ҳақида Пол Роммер билан ҳамкорлик қилгансиз. Ушбу ҳамкорлик ҳақида гапириб берсангиз?*

Лукас: Макроиқтисодиёт курсини бериш жараёнида кўпгина давлатларда машҳур бўлган Солоунинг иқтисодий ўсиш модели билан дарс ўтганман. Полни бу мавзу кизиқтирарди ва у мустақил равишда бу моделни қайта ишлаб чиқди. Менинг бу ҳақда хабарим йўқ эди. Шервин Роззен ва Тед Шульц Полга Эллин Янг ишлари ҳақида гапириб беришган. Бу ҳақда ҳам билмаганман. Полга диссертациясини ҳимоя қилишга Жозе Шейнкман кўмаклашган эди.

Маккалум: *Мамлакатнинг иқтисодий сиёсати қизиқтирадимизми сизни?*

Лукас: 1960 йил охирларида Жорж Шульц Никсон маъмуриятида вазир бўлганида мени ўзига маслаҳатчи сифатида ишга таклиф қилган эди. Бу ишга менинг ўртоғим Жек Гулд тайинланди. Никсон қийин иқтисодий саволларга Шульц кўллашига ишонарди. Кейинчалик Шульц Маъмурий бюджет бошқармасига ишга ўтди. Менга берган таклифига розилик билдирганимда, ҳозир мен ҳам у билан бошқа ишга ўтардим. Шульц менга шахсан ўзи телефон қилди. Шунда менинг котибам ва, ҳаттоки, мени ҳам ҳайратда қолдирди. Лекин, ўша пайтда мен илмий ишим билан овора эдим, ишимни ярим йўлда қолдиришни ва Вашингтонга кетишни хоҳламадим.


МакКаллум: *Сизнинг ҳар доимги газета ёки журналларда чоп этилиб келинаётган иқтисодий қарашлар тўғрисида фикрингиз қандай? Сизга қизиқиш уйғотадимиз?*

Лукас: Балки бирор пайт бўлар, лекин ҳозир эмас. Менга интеллектуал тараққиётларнинг очилишини ҳис қилиш ёқади. Бу фикрни билиш учун кўп вақтни муаммоларга сарфлаш керак. Кўп ҳолларда инсон бунини тушунмайди, қачондир тушуниши ҳам ноаниқ. Бу – жуда оғир меҳнат. Қанча ёшингиз улғайгани ва машҳур бўлганингиз сари сизда жуда қизиқарли ва ёқимли нарсалар пайдо бўлаверади.

Сухбатдош: Беннетт МакКаллум

Карнеги-Меллон университети,

1998 йил.



РОБЕРТ ЖОН АУМАНН



Исроиллик математик, Нобель мукофоти совриндори, кўплаб иқтисодий назариялар муаллифи.

У 1930 йил 8 июнда Германиянинг Франкфурт шаҳрида яхудий оиласида дунёга келган. Яхудийларни немис фашистлари томонидан таъқиб қилиш кучайиши оқибатида унинг оиласи 1938 йилда АҚШга кўчиб кетган.

У Нью-Йоркда ўсган, иешива (яхудийлар диний семинарияси)да қатнашган, ўша ерда ўрта маълумот олган. Нью-Йорк шаҳридаги коллежни тамомлагач, Массачусетс технологиялар институтига ўқишга киради ва олий маълумотли бўлади. Сўнгра эса, шу ерда математика бўйича докторлик диссертациясини ҳимоя қилган.

1956 йилда у Исроилга кўчиб келиб, Қуддусда яшай бошлади. Пенсияга қадар у Яхудий университети Рационал тадқиқотлар маркази профессори бўлиб фаолият юритди. 1983 йилда Ауман Ҳарви мукофотига сазовор бўлди. 1994 йилда профессор Ауманн профессор Майкл Бруно билан бирга Исроилнинг иқтисодиёт бўйича давлат мукофотига сазовор бўлди.

Томас С.Шеллинг билан 2005 йилда иқтисодиёт бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлган. Ауманнинг иқтисодиётга қўшган асосий ҳиссаси математик ўйин назарияси фани мавзусидаги такрорий учрашувларни таҳлил қилишни ўз ичига олади.

Ауманн биринчи бўлиб классик Нэш мувозанатида нисбатан мослашувчан бўлмаган кооператив ўйинлардаги мувозанатнинг бир тури бўлган ўйин назариясида ўзаро боғлиқ мувозанат концепциясини аниқлади. Бундан ташқари, Ауманн ўйин назариясида умумий билим тушунчаси тўғрисида биринчи аниқ расмий ҳисоботни киритди.



РОБЕРТ АУМАНН БИЛАН СУЎБАТ


Роберт Ауманн ким? Иқтисодчими ёки математик? Олим-рационалист ёки тақводор кичими? Алломами ёки хушчақчақми? Бизнинг фикримизча, ушбу барча бир-бирига зид бўлган сифатларни Ауманндан топиш мумкин. У соф математик ва, шу билан бирга, машҳур иқтисодчидир. У ўйинлар назариясини ишлаб чиқишда марказий ўринга эга, шунингдек, унинг замонавий иқтисодиётда муҳим роли тан олинган.

Асосан, ушбу соҳанинг пайдо бўлишида Ауманнинг тадқиқотларга – онгли, шунингдек, математик даражада ишлов беришга асосий ва инновацион ёндашувлари муҳим ўрин тутди. Ўз иши билан Ауманн кўпчиликка катта таъсир этган, ўз талабалари, ҳаммуаллифлари, ҳамкасблари, унинг ишини ўқиган ёки нутқини тинглаганларни илҳомлантирган.

Ауманн турли соҳаларда оқилона хатти-ҳаракатга унификацияланган ёндашувни: биринчи навбатда, иқтисодиётда, шунингдек, сиёсат, биология ва компьютер фанлари ва ҳ.ларда илгари суради. У кўпгина соҳаларда новаторлик қилган, лекин уларнинг орасида кенг тарқалгани – *мукаммал рақобат, такрорий ўйинлар, коррелятив мувозанат, интерактив билимлар ва оқилоналик, шунингдек, коалициялар ва ҳамкорлик.*

Ауманн «фил суягидан ясалган минорада» яшовчи назарийчи олим эмас. Уни амалий характердаги ҳодиса ва муаммолар қизиқтиради ва бу уни тадқиқ этиш предметидир. У ўта тақводор бўлиб, лекин бу унга Иерусалим Европа университети қошидаги Оқилоналикни ўрганиш полиматематика Маркази фаол аъзоларидан бири бўлишига халақит бермайди.

Ауманн чанғида учиб, альпинизм ҳамда ошпазлик билан шуғулланишни ёқтиради, лекин у кўпроқ мураккаб иқтисодий масалаларни ишлаб чиқиш ёки бирор теоремани чиқариш билан қизиққан. У – оилапарвар, жуда кучли ақлга эга, меҳрибон ва самимий, шу билан бирга, ўта зийрак инсон.



Боб Ауман, 2000 й.



Ушбу суҳбат ёрдамида биз Роберт Ауманнинг қизиқарли олами сирларини бироз очиб беришга ҳаракат қиламиз. Ушбу матн Роберт билан менинг 2004 йилнинг сентябрь ойида бўлиб ўтган суҳбатимиз асосида тузилган. Ўйлаймизки, китобхон ушбу суҳбатдан роҳатланади ва кўпгина янгиликларга эга бўлишига ишонамиз.

Харт: *Хайрли тонг, профессор Ауманн! Албатта мен сиз билан суҳбатимиз давомида сизни бундай деб атамоқчи эмасман. Лекин сизга қандай мурожаат қилишимни айтинг – Исраэл, Боб, Жонни дебми?*

Ауманн: Одатда, сиз мени Исраэль деб чақирасиз. Ҳозир ҳам мени шундай деб атайверинг. Аслида, менинг исмларим билан баъзи муаммолар мавжуд. Менинг учта исмим бор – Роберт, Жон ва Исраэль. Дастлабки икkitаси менга туғилганимда қўйилган, Исраэль номини эса менга хатна қилинганимдан сўнг беришган. Кўпчилик мени Роберт исмимни қисқартириб Боб деб чақиради. Бир куни Яхудийлар университетининг талабалар базмида ҳазиломуз танлов бўлиб, унда куйидаги савол ўқилган: «Ўқитувчиларнинг қайси бирида тўрт исм бўлиб, у исмларининг ҳаммасидан фойдаланади?» Менинг исмларим билан боғлиқ яна бир воқеани келтириб ўтмоқчиман. Менинг рафиқам фарзандларимизни ўз паспортига ёздириб қўймоқчи бўлди. У менга тўлдиришим лозим бўлган икки анкетани тутқазди, мен анкеталарнинг бирини Исраэль, бошқасини Роберт деб имзоладим. Рафиқам иккала анкетани топширмақчи бўлганида уларни нега икки хил имзоланган: «Бу киши ким? Фарзандларингизнинг оталари иккитами? Биз ҳужжатларингизни қабул қила олмаймиз дейишди.

Харт: *Сиз билан Тель-Авив университетида ишлаган даврингизда содир бўлган воқеа ёдимда. Сиз қандайдир анкетани тўлдираётган эдингиз ва шу пайт тўхтаб қолиб рафиқангизга кўнгироқ қилдингиз. «Эстер мен Тель-Авив университетида қайси исмимдан фойдаланаман?» деб сўрадингиз.*

Келинг, сизнинг олим сифатидаги таржимаи ҳолингиздан бошлайлик. Илмий фаолиятингиздаги қайси асосий ҳолатларини ажратиб кўрсата оласиз?

Ауманн: Мен Нью-Йоркдаги Сити-коллежда математика бакалаври даражасини олдим. Кейин эса Массачусетс технологиялар институтига қабул қилиндим, бу ерда Жорж Уайтхед раҳбарлиги остида Алгебраик топология бўйича докторлик диссертациясини ёқладим. Кейинроқ Принстонда ва математика факультети қошидаги операцияларни тадқиқ этиш гуруҳида бўлдим. У ерда мен ўйинлар назарияси билан қизиқиб



қолдим. Принстондан мен Иерусалимдаги Европа университетига ўтдим, бу ерда ҳозирги кунгача дарс бериб келяпман.

Энди батафсилроқ. Математикага қизиқиш менда катта синфда ўқиётган вақтларимдаёқ бошланган. Нью-Йоркда яҳудийлар семинарияси руҳонийси – Иаков Иосифда ўқиганман. Менинг математика ўқитувчим Жозеф Ганслер жуда ажойиб инсон эди. Синфларимиз жуда кичик бўлиб, у, одатда, ўқувчиларини ўз столи олдига йиғиб дарс ўтар эди. Ўша вақтда мени геометрия, теоремалар ва исботлар алоҳида ҳаяжонлантирган. Буларнинг асосий сабабчиси айнан Жоуи Ганслер эди.

Кейроқ мен Сити-коллежга қабул қилиндим. Лекин мактабни тугаллаш арафасидаёқ, менда талмудчи бўлиш ёки дунёвий илмларни ўрганиш мақсадида университетга кириш йўли турарди ва мен иккилашиб қолдим. Бироз вақт мен бир йўла икки фанни ўқидим. Тонгги 6:15 уйғониб, Нью-Йоркнинг чеккасида жойлашган университетга Бруклиндан метрода етиб келар эдим. Бунинг учун менинг тахминан бир ярим соат вақтим кетарди. Мен бу ерда математика билан шуғулланиб, сўнг Қуйи Ист-Сайдда жойлашган яҳудийлар диний семинарияси – иешивага етиб олардим. Бу ерда бироз кўпроқ вақт қолиб, кейин 139-кўчада жойлашган Сити-коллежга қайтиб, кечки соат 10 гача шуғулланар эдим. Шундан сўнггина уйга қайтардим, уй вазифаларим ёки бирор иш билан шуғулланар эдим. Ҳар куни шу ҳолат такрорланарди. Мен шу тариқа бутун семестр давомида таҳсил олдим, кейин эса бу мен учун жуда қийин эканини англадим ва мен учун қабул қилиш оғир деган қарорга келдим: бу йешивани тарк этиб, фақат математикани ўқиш эди.

Ҳарт: *Айнан шундай қарорга келишингизга нима тurtки бўлди?*

Ауманн: Ҳозир бироз эслолмайман. Фақат, ўзим бу қарорга келганимни биламан. Ота-онам мустақил қарор қабул қилиш имконини яратишганди. Гарчи Талмудни ўрганиш менга жуда ёққан бўлса-да, математика мени янада қаттиқроқ ўзига жалб этган эди.

Сити-коллежда жуда фаол математик-талабалар гуруҳи йиғилган эди. Математик ўқитувчилар таркибида мантиқ бўйича машҳур мутахассис Эмиль Пост алоҳида ажралиб турар эди. У математик мантиқ, ҳисоблаш назарияси бўйича Тюринг ва Чечра мактаби вакили бўлган. 1940 йил ҳам охирлаб бораётганди. Пост жуда қизиқ инсон бўлиб, у менга турли ўзгарувчилар функциясига бағишланган, яъни ўлчаш, интеграциялашни ўргатган. Бутун дарслар у берган машқлардан иборат бўлиб, талабалар буни ечишлари ҳамда доскада изоҳлашлари лозим эди.



Бу Мура усули бўлиб, у маъруза эмас, балки фақат амалий машғулотдан ташкил топган. Коллежимизда, шунингдек, кўплаб жуда ажойиб, доно ўқитувчилар ҳамда жуда фаол математик-талабалар гуруҳи ҳам мавжуд бўлган. Биз доимий равишда фикр алмашардик. Қаҳвахонада ҳатто «математиклар столи» деб номланган махсус стол бор эди. Дарсларнинг ўртасида биз ҳордиқ чиқариб музқаймоқ тановул қилишимиз мумкин эди.

Харт: *Тешиққулчалар турини муҳокама қилармидингиз?*

Ауманн: Ҳа, тахминан шундай. Биз кўп маротаба шахмат ўйнардик ва математика ҳақида суҳбатлашардик. Бизнинг шахсий семинарларимиз ва ўзимизнинг математик клубимиз бор эди. Коллеж битирувчилари орасида жуда машҳур математиклар – Жек Шварц (Данфорд-Шварц функционаллари тақдим этиш теоремаси), Леон Эренпрайз, Алан Шилдс, Лео Флатто, Мартин Дэвис, Д. Ньюманлар ҳам бор эди. Буларда катта тажриба бўлган. Коллеждан кейин мен Массачусетс технологиялар институти магистратурасига жўнаб кетдим. У ерда Жорж Уайтхед раҳбарлиги остида мен алгебраик топология бўйича докторлик диссертациясини ёздим.

Кези келган экан, мен ҳозир диссертациям тўғрисида тўхталиб ўтишни хоҳлардим. Мен коллежда ўқиб юрган вақтларимда инсонларнинг аналитик ва алгебраик назария бўйича кўплаб турли адабиётларни мутолаа қилганман. Сонлар назариясида қойил қоларли томони нимада, бу муаммоларни ҳал этишнинг чуқур ишланган усулидан фойдаланиш, у қандайдир маънода «табиий» бўлиб, жуда оддий таърифланади.

Мактаб ўқувчиси Фермнинг охирги теоремасини тушуна олади, лекин уни исботлаш учун ўқувчига умуман бошқа усуллар керак бўлади. Ўқувчи оддий сонлар нима эканини тушуниши мумкин, лекин оддий сонларнинг тақсимланишини тушуниш учун Риманнинг гипотезаси билан узвий боғлиқ комплекс ўзгарувчилар функцияси назарияси талаб этилади ҳамда уни таърифлаш учун икки, ҳатто, уч йил университетда математикани ўрганиш талаб этилади. Лекин, у ханузгача исботини топмаган. Сонлар назариясининг яна бир қизиқ жиҳати унинг мутлақ фойдасизлигидир. Бу математиканинг «соф суви» эди.

Магистратурада мен Жорж Уайтхеднинг алгебраик топология бўйича қизиқарли дарсини тингладим. Уайтхед тугунлар тўғрисида камроқ қайд этиб ўтган, лекин мен уларни аввалроқ ўрганиб чиққан эдим. Тугунлар сонлар назарияси сифатида қаралган эди. Муаммолар шунчалик оддий таърифланадики, буни ҳатто мактаб ўқувчиси ҳам осон тушуна олади: Фермнинг сўнгги теоремаси ва оддий сонлардан фарқли ўлароқ



– улар жуда оддий, уларга оддийлик ва натураллик хосдир. Бироқ улар билан боғлиқ бирор ҳолатни исботлаш жуда қийин: бунинг учун алгебраик топологияларнинг мураккаб усуллари зарур.

Сонлар назарияси сингари тугунлар назарияси ҳам мутлақ бўлиб, мутлақо фойдасиздир. Шунинг учун менга тугунлар усули жуда ёқар эди. Мен Уайтхед ёнига бориб у билан бирга докторлик диссертациямни ёзиш истагимни айтдим ва ундан муаммони таърифлаб беришини сўрадим. Лекин, бу оддийгина муаммо эмас, балки тугунлар назариясининг ечилмаган муаммоси бўлиши лозим эди. Шунда у менга машҳур, шу билан бирга, жуда мураккаб мавзуни, яъни мана йигирма йил мобайнида ечилмаган ҳамда бу вақт давомида бу муаммо устида жуда кўплаб уринишлар қилинган кесишувлар «асфериклиги» муаммоси мавзусини олишни маслаҳат берди.

Гарчи мен бу муаммони ҳал этмаган бўлсам-да, хусусий ҳолат учун ечимни топдим. Мутахассис бўлмаган шахслар учун тасдиғимнинг тўлиқ исботи маълум қийинчиликларни келтириб чиқаради, лекин у ҳатто ўқувчига таниқли бўлган етарлича қизиқарли оқибатларга эга.

Шу тариқа мен ўз мақсадимга эришдим – нимадир қила олдим: а) «оддий» саволга жавоб бўлади; б) осон таърифланади; в) жуда чуқур ва мураккаб исбот талаб этади; г) мутлақо фойдасиз, яқуни соф математика ҳисобланади.

Бу 1954 йилнинг кузида бўлган эди: ўша вақтда менда зарурий натижаларни олиш ва исботлашда калит вазифасини бажарган гениал ғоя туғилди. 1956 йилда мен ўзимнинг «Annals of Mathematics» (*Aumann, 1956*) номли диссертациямни нашр этдим, лекин исботим 1954 йилнинг кузидаёқ тайёр бўлган эди. Шундан биров вақт ўтиб мен тугунлар назариясидан менга ҳозиги кунга қадар аҳамиятини йўқотмаган соҳалардан тадқиқотлар олиб боришга ўтдим.

Ҳарт: Ҳақиқатан, бу – ҳайратомуз ҳолат. Эҳтимол ҳаммага маълум бу «катта муаммо» ҳал этилганлигидан беҳабардирсиз?

Ауманн: Ҳа, мени диссертация нашр этилгач, тахминан бир йилдан сўнг математик Папакирьякопулос асферикликнинг умумий муаммоси ечимини топди. У Принстон университетида расман ишламаса-да, у ерда қарийб ўн саккиз йил давомида бу муаммо устида ишлади. У ўзига хос стипендия оларди. Бу вақт давомида у фақатгина ушбу мавзу бўйича бир неча ишлардан ташқари, деярли ҳеч нарса нашр этмади. Унинг ечими ва исботи жуда чиройли эди. Кейин эса, у бирданига ғойиб бўлди, вақт ўтиши билан у ҳақда ҳеч қандай маълумот топилмади. Табиийки, бу менинг ишим натижаларини ҳам босиб кетди. Папакирьякопулоснинг ҳамма ишларни ёпиб қўйди, фақат битта иш, яъни



Сергио Харт, Майк Машлер, Боб Ауман, Боб Вилсон ва Оскар Моргенсон. 1994 йил, Моргенсон маърузаси, Исроил.

унинг илмий ишида муқобиллашувчи тугунлар ечилмаслиги тўғрисида гапириб ўтилмаганди. У ечилмайдиган тугун асферик ҳисобланади деб исботлади. Мен эса, барча муқобиллашувчи тугунлар асферикдир деб исботладим. Ечилувчан тугун асферик ҳисобланмайди, бинобарин, муқобиллашувчи барча тугунлар ечилмайди. Диссертациямнинг ушбу жиҳати менинг зиммамда қолди.

Кейинроқ буларга эътибор қаратмаган ҳолда Дик Кроуэлл муқобиллашувчи тугунлар ечилмайди деди – у бунинг учун мутлақо бошқа асфериклик билан боғлиқ бўлмаган усулдан фойдаланган.

Харт: *Яхши, энди ҳаммамиз тугунлар билан «боғланганмиз». Келинг, тугунларни ечиб суҳбатимизда давом этамиз. Сиз Массачусетс технологиялар институтида алгебраик топология бўйича илмий унвонга эга бўлдингиз. Кейин нима бўлди?*

Ауманн: Принстонда операцияларни тадқиқ этиш билан шуғулланувчи гуруҳга қўшилдим. Бу кескин бурилиш бўлди, аввал айтганимдек, агар алгебраик топология математикада соф сув ҳисобланса, операциялар тадқиқоти эса, жуда амалий нарсадир. Бу кичик гуруҳ, яъни 10 кишидан ташкил топган бўлиб, Принстон университети қошидаги Форрестол тадқиқот марказида фаолият юритарди.



Харт: *Ўша вақтда операциялар ва ўйинлар назарияси тадқиқоти етарлича кучли боғланган. Менимча, сиз шу тариқа...*

Ауманн: ...ўйинлар назарияси билан қизиқиб қолгансиз демоқчимисиз. Ҳа, жуда тўғри. Мен Массачусетс технологиялар институтида Принстонда докторлик даражасини химоя қилганимдан сўнг 1953 йилда институтга келган Жон Нэшни учратдим. Мен магистратуранинг охирги курси талабаси эдим, у эса ёш математик учун жуда обрўли ҳисобланган ўқитувчи лавозимида ишлар эди. Шундай қилиб, у мендан анча катта бўлиб, олим сифатида иерархик табақада ҳам юқорирокда турарди. Биз учрашдик ва мен ундан ўйинлар назарияси ҳақида эшитдим. Биз фаолроқ муҳокама қилган муаммолардан бири дуэлларга, яъни шовқинли ва шовқинсиз дуэлларга тааллуқли бўлган.

Шундай қилиб, мен Принстонга келганимда бироз камроқ бўлса-да, лекин ҳар ҳолда ўйинлар назариясидан хабардор эдим. Bell Labs компанияси биз ҳал этишимиз лозим бўлган муаммони эълон қилганда, бу Нэшнинг айнан бизга айтганлари бўлсак керак деб ўйладим. Келинг, ушбу нуқтаи назардан ўрганишни бошлаймиз. Қолганлари тарих ҳолос.

Харт: *Сиз ўйинлар назарияси борасидаги ишларни ўқишни бошладингизми?*

Ауманн: Муаммонинг ечимини топиш учун мен ўзим учун зарур бўлган фанларни ўқиб чиқдим.

Харт: *Ўша даврларда Принстондаги олимлардан қайси бири ўйинлар назарияси билан шуғулланган? Сиз улар билан мулоқотда бўлганмисиз?*

Ауманн: Бироз, фақат математика факультети ўқитувчилари билан. Ўша вақтда мен тугунлар назарияси билан шуғулланганман ҳамда Жон Милнор ва, албатта, тугунлар назарияси корифеи Р.Фокс билан ҳам мулоқотда бўлишдан манфаатдор эдим. Лекин, мен, шунингдек, ўйинлар назарияси соҳасидаги мутахассислар, яъни бир вақтнинг ўзида тугунлар ва ўйинлар назариялари билан шуғулланган Милнор, Фил Вульф ва Гарольд Кун билан ҳам мулоқотда бўлганман. Ўша вақтларда Шепли RANDда бўлганлиги туфайли бизнинг дўстлигимиз бироз кейинроқ юзага келди.

1956 йилда мен Яхудийлар университетига ўтдим. Кейинроқ 1960-йилларда ўз академик таътилимни Принстон университетига Оскар Моргенштерн гуруҳи – Иқтисодий тадқиқотлар дастурида ўтказдим. Гарчи дастур иқтисодиёт факультети қошида бўлган бўлса-да, мен бироз вақт Файн-Ҳоллда математика факультетида бўлганман.



У билан бирга бир қизиқ воқеа бўлган. Мен академик таътилга жўнашим кераклигини тушунганимда ўзимга иш излай бошладим ва ҳар томонга ўз таржимаи холим критилган хат жўнатдим. Мактубларимдан бирини мен Принстонга Моргенштернга жўнатдим. Яна бирини IBM Yorktown Heightsга, яъни нуфузли жойга жўнатдим. Ральф Гомори ҳам ўша вақтда шу жойда математик департаментни бошқарган. Уларнинг иккаласидан таклиф келтирилган мактубни олдим. IBMда менга бир йилга 14 000 АҚШ доллари таклиф этишди, ҳозирги вақтда бу қиймат унчалик катта бўлиб туюлмади, лекин 1960 йилда бу жиддий сумма эди, ҳозирги пулларга ўгирганда тахминан 100 000 долларни ташкил этади. Бу маош энди иш бошлаётган ёш йигит учун – яхши таклиф. Моргенштерндан мактуб офисга, IBMдан эса уйимга келди, рафиқам менга келган мактубларни очиб қарамади. Табиийки, мен улар ҳақда рафиқамга айтган эдим. Бунга жавобан рафиқам «Таклифни уйга нима учун юборганларини биламан. Ушбу мактубларни мен бириничи бўлиб ўқишимни хоҳлашган», деб айтди.

Мен Моргенштерннинг таклифини танладим. Эстер мендан: «Сен кутилмаган ишларни қилиш учунгина бу таклифни қабул қилганингга аминмисан?» деб сўради, «Шундай бўлиши ҳам мумкин, лекин Принстонга бориш мен учун яхшироқ вариант бўлса керак деб ўйлайман», деб жавоб бердим. Ва бу борада бироз афсусландим. Айнан Принстонда мен илк бор Милно-Шеплининг ишини кўргандим ва мазкур иш менинг «Иштирокчилар континуумига эга бозорлар» деб номланган ишимни ёзишимда туртки бўлди ҳамда карьерамда муҳим роль ўйнади. Мен ҳаётимда кўрганларим учун афсусланмайман.

Харт: *Ахир сиз компьютер билимларига катта ҳисса қўшишингиз мумкин эди.*

Ауманн: Эҳтимол. Ким билади?! Лекин мен хоҳламайман. Моргенштерн билан танишиш ва бирга ишлаш, бу – жуда ажойиб эди. Бу мен учун катта тажриба бўлди.

Харт: *Нейман билан ҳам учрашганмисиз?*

Ауманн: Мен уни танир эдим, лекин у мени танийди дейиш қийин. Биз 1955 йилда ўйинлар назарияси бўйича анжуманда танишдик, шундан икки йил ўтгач, у вафот этди. Шуни ҳам айтишим мумкинки, у жуда машҳур бўлган. У вақтда мен жуда ёш эдим, Нейман эса илм-фан оламида ёрқин юлдузга айланиб улгурганди.

Лекин Моргенштернни жуда яхши танир эдим мен. У ҳам машҳур инсон. У фон Нейман ва Абрахам Вальд каби олимларнинг ишларида иқтисодий аҳамиятни кўради ва уларнинг салоҳиятидан фаол фойдалана



нишда илғор бўлган. Мен у билан ишлаган йилларда Клайв Грейнджер, Сидни Афрейт ва Рейнхард Зельтенлар билан бир гуруҳда эдим.

Моргенштерн ўйинлар назариясида ўз ғоялари, фикрлари ҳамда муҳим тадқиқотларига эга бўлиб, кооператив ўйинларда фон Нейман-Моргенштерннинг қарорлари ҳам уларнинг бир қисми ҳисобланган. У иқтисодиёт учун минимаксли теореманинг аҳамиятини тушунган. Агар у кишилар билан бирор илмий масала бўйича келиша олмаганда ҳам уни илгари суриш ва оммавийлаштириш учун уларга ҳалақит бермаган ҳатто.

Масалан, унга мукамал рақобат ғояси ва ядро ғояси ёқмаган. У мукамал рақобат, бу – саробдир, бозорда ўйинчилар сони кўп бўлиши баъзан мукамал рақобатга олиб келмайди деб ҳисоблаган. Ва, албатта, агар сиз Нейман-Моргенштерннинг қароридан фойдалансангиз, бу кўп сонли иштирокчиларга эга бозорларда мукамал рақобатни яратишга олиб келмайди. Шундай қилиб, Сержиу сизнинг докторлик диссертациянгизда шундай деб қайд қилган.

Принстонда мен Фрэнк Энскомб билан ҳам танишдим.

Харт: *Сиз у билан янада муҳим иш ёзгансиз (Aumann, Anscombe, 1963)...*

Ауманн: ...Ҳа, унинг ғояси ҳам ўша вақтда туғилган. Субъекти эҳтимолликнинг умумқабул қилинган таърифи, бу – Сэвиж берган таърифи бўлган. Энскомб эҳтимоллик асослари фанини олиб борган, бунда у ўша вақтларда янгилик саналган Сэвиж назариясидан кўпгина ҳолатларни келтириб ўтган. Сэвижнинг китоби 1954 йилда нашр этилди. Натижада, биз Энскомб билан 1963 йилда чоп этилган муқобил таърифни ишлаб чиқдик.

Харт: *Сиз ўша вақтда Шепли билан ҳам танишганмидингиз?*

Ауманн: Ўйинлар назарияси билан шуғулланиб, сиз бундай кишиларни билишингиз шарт эди, лекин мен Шепли билан бироз кейинроқ танишдим. 1961 йилнинг куз фаслида, яъни менинг Принстондаги ишим охирига етай деб қолганда, Моргенштерн ва Гарольд Куан раислигида «Ўйинлар назариясидаги сўнгги ютуқлар» номли анжуман ўтказилган. Анжуман натижаларига кўра, ҳозирги кунда топиш жуда қийин бўлган, ҳаммага таниқли оловранг китоб нашр этилди. Ўша вақтларда мен «югурдак бола» эдим ҳамда анжуманни тайёрлаш бўйича барча майда ишларга масъул бўлганман. Ушбу анжуманда Шепли таклиф этилган маърузачилардан бири эди. Ўша вақтларда мен уни биринчи марта учратгандим.

Фикримча, барча китобхонларга таниш бўлган анжуманга таклиф қилинган маърузачилардан бири, кейинчалик АҚШ давлат котиби ла-



возимига кўтарилган Генри Киссинжер ҳам иштирок этган. Мен Исроил тарихи бўйича етарлича кенг билимга эга эканлигим маълум бўлди. 1973 йилдаги Йом-Кипр урушидан сўнг у Исроил ва Мисрга бориб, уларни мураса қилишга ҳаракат қилди. Иерусалимда у шаҳарнинг энг яхши меҳмонхонаси Keng David меҳмонхонасида тўхтаб ўтди. Кўпчилик унинг ҳаракатларидан хайратланиб, у Мисрни ёқлапти деб ҳисоблашарди.

Keng David меҳмонхонасида укаловчи бўлиб ишлайдиган жияним Стив Штраус ҳам шундай фикрда эди. Шундай қилиб, бунга ўйинлар назарияси ва Ауманнлар ўртасидаги муносабатдан бири деб ҳисоблаш мумкин. Анжуманда Киссинжер ўйинлар назариясини дипломатикда қўллаш ва совуқ уруш вақтида халқаро муносабатларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш тўғрисида гапириб ўтган. Ўша вақтларда кишилар тинчлик поёнига етмоқда деб ҳисобларди. 1963 йилдаги Кариб инқирози бунга яққол мисол бўла олади. Ушбу инқирозни ҳал этиш, халқаро муносабатларни ўрнатиш ва қўллаб-қувватлашда ўша вақтда танилган ўйинлар назарияси мактаби Кеннедига таъсир эта олди.

Киссинжер ва Герман Канн бу ерда асосий ўринда эдилар. Ҳозирги вақтда Кеннедининг инқироз давридаги хизматлари қайд этиб ўтилган эди. Лекин, ўша вақтларда кўрилган чоралар хавфли туюлганди. Ушбу барча воқеалар, гўёки тенглик истаган пайтда емирилиши мумкиндек, яъни нафақат Кариб инқирози вақтида, балки ундан олдин ёки кейин ҳам содир бўлиши мумкиндек туюларди.

1950 йилнинг охири, 1960 йилнинг бошлари совуқ урушдан йироқда бўлган деб ҳисобланарди. Тахминан 1960–1961 йилларда ҳамма ақлдан озиб, ядро урушидан ҳимояланиш учун ерости биноларини қура бошлаган эди. Ўйинлар назарияси бўйича мутахассислар ҳукуматнинг эътиборини, бу каби ҳаракатлар баъзилар томонидан агрессияга тайёргарлик сифатида баҳоланиши мумкин деган мурожаат билан чиққан эдилар. Нима сабабдан улар ерости бинолари қурилиши агрессия сифатида қаралиши керак? Ҳаммаси жуда оддий. Сиз нима учун пана жойлар қурасиз? Сабаби: сиз ядро урушидан қўрқасиз. Нима учун ядро ҳужумидан қўрқасиз? Бунинг сабабларидан бири, ўзингиз ҳужум қилишга ва жавоб қайтаришга тайёрланмоқдасиз. Агар сиз пана жойлар қураётган экансиз, шахсий ҳимоянгиз ҳақида ўйласангиз, у ҳолда тинчликда яшашга интилиш каби кўриниши мумкин. Шундай қилиб, кимдир сизга ҳужум қилиши мумкин деяпсиз, чунки ўзингиз бу ишни қилмоқчи эмассиз. Шунинг учун ерости биноларини қуриш жуда агрессив кадам бўлиб кўринган.



Харт: *Бир сўз билан айтганда, агар сиз ерости биноларини қураётган бўлсангиз, сизнинг ядро уруши вақтидаги йўқотишларингиз қисқаради, лекин урушни ҳал этиш имкониятлари ортиб боради. Агар биз бундай мавзуларга ўтиб бошлаган экансиз, келинг, математика тўғрисида гаплашайлик. Сизнинг такрорланувчи ўйинлар устидаги ишингиз тўғрисида гапириб беринг илтимос. Лекин дастлаб такрорланувчи ўйинлар нимани англатишини тушунтириб беринг.*

Ауманн: Бу битта ўйин бир неча марта такрорланганда содир бўлади. Унинг аҳамияти ушбу «кўпликни» сиз қандай моделлаштиришингизга боғлиқ, лекин, одатда, сифат нуқтаи назаридан у қадар юкори эмас бу.

Харт: *Нима учун бу моделлар шу қадар муҳим?*

Ауманн: Улар доимий ўзаро алоқаларни моделлаштиришади. Реал оламда биз ушбу муайян ўйиннинг оқибатлари туфайли берилган ўйин вазиятларига камроқ мурожаат қиламиз, чунки бизнинг бирор вазиятдаги хатти-ҳаракатимиз келгуси вазиятларнинг натижасига таъсир этиши мумкин, бунда айнан шу ўйин такрорланади.

Масалан, кимдир бизларга ниманидир ваъда қилган, биз унга ишонган эдик, лекин ваъдасида турмади ва, оқибатда, бизни уялтирди. У қисқа муддатли истиқболда ғолиб бўлиши мумкин, лекин узоқ муддатлида у мағлубиятга учрайди. Агар биз яна тўқнаш келсаг-у, бирга ўйнаш – интерактив ҳолат иштирокчилари бўлиш имконияти берилса, у ҳолда иккинчи бор мен унга ишонмайман. Мен ҳам, биз иккаламиз ҳам оқилона йўл тутдикми, буларнинг ҳаммаси нафақат бугун биз жалб қилинган ушбу муайян вазият натижаларига, балки бу келгуси ҳолатга қандай таъсир этиши мумкинлигида акс этади.

1959 йилда менинг такрорланувчи ўйинлар борасидаги ишим нашрдан чиқди (Aumann, 1959). Ушбу ишнинг асосий жиҳати, бир марталик ўйиндаги кооператив хатти-ҳаракатлар такрорланувчи ўйиндаги мувозанат ёки эгоистик хатти-ҳаракатга мос келади. Бу жуда содда қилиб айтилганди.

Харт: *Яна бир «халқ теоремаси» мавжуд. 1970-йилларда сиз такрорланувчи ўйинлар тадқиқотида буни шундай деб номлагансиз. Ушбу ном сақланиб қолди. Айтганча, бугунги кунда ҳам «халқ теоремаси» атамаси классик натижаларни белгилаш учун бошқа соҳаларда ҳам қўлланиб келинмоқда. Эволюциянинг халқ теоремаси, ҳисоблашларнинг халқ теоремаси ва ҳ.*

Ауманн: «Халқ теоремаси»нинг асл варианты менинг 1959 йилда ёзилган ишим сингари, лекин нисбатан оддий ва саёзроқ. Сизнинг сўз-



**Вернер Хилденбранд Боб Ауман
билан бирга, Обервалф,
1982 йил.**

ларингизга кўра, кейинроқ илмий адабиётларда ҳам кенг танилди. Мен уни «халқ теоремаси» деб атадим, чунки унинг муаллифлиги халқ мусикаси, халқ кўшиқлари сингари номаълум. Бу 1950-йилларнинг охири ва 1960-йилларнинг бошларида ҳал этилмай қолди.

Харт: *Сиз тўлиқ расмий таъриф берган ва шунга ўхшаши исботни биринчилардан бўлиб таклиф этганлардан бирисиз. Ҳатто Люис ва Райффнинг «Ўйинлар ва ечимлар» («Games and Decisions») номли машҳур китобида ҳам «халқ теоремаси» мавжуд эмас.*

Ауманн: Мен ўзимнинг 1959 йилда чоп этган китобимда кўриб чиққан пул қийматли такрорланувчи ўйинлар тўғрисида илк бор Люис ва Райффлар эълон қилиб ўтган. Лекин сиз айтган

нингиздек, улар «халқ теоремаси» қайд этиб ўтмаганлар. Шубик ўзининг 1959 йилда чоп этган «Бозор стратегияси ва тузилиши» («Strategy and Market Structure») номли китобида «халқ теоремаси»дан исботи билан фойдаланилган ҳодисаларни келтириб ўтган. Ўша вақтларда олимлар билганларининг ҳаммасини ҳам нашр этаверишмаган. Аслида, улар чуқур қайта ишланган натижалар ёки ҳақиқатда қизиқарли ва математик нуқтаи назардан нетривиал ҳодисаларни, танилган ишларининг бир қисмини нашр этганлар. Бу ҳақиқатда энг тўғри ёндашув ҳисобланмайди. Муҳим ҳисобланган баъзи кашфиётлар математик нуқтаи назардан тривиал сингари кўриниши мумкин.

Харт: *Ёдимда, бир кунни дарс пайтида сиз исботнинг ўртасида тўхтаб қолдингиз. Сиз ташқарига чиқиб, дарҳол чуқур ўйга толган ҳолда қайтдингиз. Кейин яна чиқдингиз. Охир-оқибатда, йигирма сониядан сўнг қайтиб, «Ахир бу тривиал-ку» деб айтдингиз.*

Ауманн: Ҳа, мен тўхтаб, ўйга чўмдим. Дастлаб талабалар ўзларини босиқ тутдилар, лекин кейин шовқин сола бошладилар, шунда мен диққатимни жамлай олмадим. Шундан сўнг ташқарига чиқиб, йўлакда ўнгдан сўлга юра бошладим ва шу онда жавобни топдим. Ортимга, синфга қайтиб бу тривиаль деб айтдим, талабалар кулиб юборишди. Шунинг учун мен «тривиал» тушунчасини бироз нотўғрироқ деб айтдим.



Канторнинг диагонал усули каби бирон нарсани эслаб кўринг. Ҳозирги кунда уни тривиал деб аташ мумкин, баъзан у ҳақиқатда тривиалдир. Лекин, шуни унутмаслик керакки, масалан, Гёделнинг тўлиқсизлик тўғрисидаги машҳур теоремаси замирида айнан у ётади.

Ҳарт: *«Изоҳда тривиал» ва «олишда тривиал», булар – икки хил нарса. Амалиётда бу биров тушунмовчиликни келтириб чиқаради. Сиз буни олишингиз биланоқ ниманидир изоҳлаш мумкин. Бошқа томондан, буни кашф этиш ва тушуниш қийроқ кечади.*

Ауманн: Ҳа, тўғри таъриф катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Диагонал усулга кўра, ҳатто соф математика доирасида ҳам қандайдир тривиаллик муҳим бўлиши мумкин. Албатта, бундан ташқари, математик нуқтаи назардан тривиал саналган кўплаб турли кузатишлар ҳам мавжуд. Масалан, «халқ теоремаси». Мен бу теорема ҳақида 50-йилларнинг охирларидаёқ эшитганман, лекин унинг аҳамиятини англаш учун ҳали жуда ёш эдим. Мен жиддийроқ нарсага қўл урмоқчи бўлдим, пировардида, 1959 йилда уни нашрдан чиқардим. Бу яхши иш, яъни менинг ўйинлар назарияси борасидаги биринчи ишим эди. Лекин «халқ теоремаси» оддийлигига қарамай, катта аҳамиятга эга.

Эҳтимол, буни бошқалар ҳам билишган бўлса керак. Кимдир такрорланувчи ўйинлар, динамик ўйинлар, узоқ муддатли таъсир каби мавзуларда фикр юритиб улгургани. Масалан, Шеплининг стохастик ўйинлар, Эвереттнинг рекурсив ўйинлари, Gillette компаниясининг амалиётини ҳам келтириб ўтиш мумкин. Мен такрорланувчи ўйинларни тадқиқ этган ягона олим эмасдим. Такрорланувчи ўйинлар билан қизиққан ҳар қандай киши, айниқса, у математик бўлса, тез орада «халқ теоремаси»га тўқнаш келади.

Ҳарт: *Бу 1959 йилда содир бўлган. Келинг, кейин нима бўлгани ҳақида айтинг.*

Ауманн: 1960-йилларнинг бошида Моргенштерн ва Кун Принстондаги штаб-квартираларида Mathematica деб номланган консалтинг фирмасига асос солдилар. Бу номни ҳозирги кунда айнан шундай номланаётган дастурий таъминот билан адаштирманг (Wolfram Research маҳсулоти назарда тутилмоқда).

Ҳарт: *Сиз ўзингиз ҳақингиздаги бирор ахборотни ёритиб беряссиз. Масалан, қисқа муддатли истиқболда қандай ҳаракатлар оптимал бўлиб, оппонентингизга сиз тўғрингиздаги реал маълумотларни ёритиб бериши ва шу тариқа узоқ истиқболда сизга зарар келтириши мумкин.*

Ауманн: Мутлақо тўғри, мазкур ахборот келгуси ишларимда мавжуд эмас. Бу ишларимда ҳаммаси, ҳатто хатти-ҳаракат ҳам келгуси ўзаро му-



носабатга таъсир этишига тааллуқли масалалар ҳам юзада бўлган. Шунинг учун Машлер ва мен ҳамда кейинроқ бизга қўшилган Штернс ҳам тўлиқсиз ахборот шароитида такрорланувчи ўйинлар назариясини яратдик. Бу назария 1966–1968-йилларда нашр этилган бир нечта ҳисоботда баён қилинган, лекин кўп йиллар давомида тақиқланган эди.

Харт: *Лекин ротапринтда нашр этилган қароқчилик нусхалари тарқатган назария тарафдорлари учун эмас. Лекин, уларни қўлга киритиш ҳам жуда қийин кечган.*

Ауманн: Пировардида 1995 йилда улар MIT Press (Aumann, Mascher, 1995) нашриётида чоп этилди, бунда 1960 йилдан эътиборан юз берган ҳамма ҳолатлар батафсил ёритиб берилган. Бу жуда катта тажриба эди. Математика нуқтаи назаридан мазкур йўналишдаги жиддий ишлар 1970 йилнинг бошларида Бельгияда, COREда ва Исроилда, аввал ўз талабалари, кейин эса уларнинг талабалари билан олиб борилган. Бироз вақт ўтгач, у Франция, Россия ва ундан узокроққа кенг тарқалган. Бу жараён ханузгача давом этиб келмоқда.

Харт: *Кашифётларингизнинг қайси бирини энг муҳим деб ҳисоблайсиз?*

Ауманн: Ҳар сафар буларни қисқача қилиб айтадиган бўлсак, бу ҳақида қандайдир ёлғон тасаввур қолади. Лекин, мен ҳаракат қилиб кўраман. Узок истиқболда сиз ахборотлардан уларни ёритмаган ҳолда фойдалана олмайсиз. Сиз ахборотдан ўзингиз ёритишни хоҳлаган ҳажмдагина фойдаланишингиз мумкин. Овоза қилинмайдиган ахборотга эга бўлган ўйинчи ушбу ахборотдан фойдаланмасликни ўзи танлаши лозим – шунда у ахборотни ёритмайди. Бу – жуда мураккаб танлов.

Харт: *Сиз Милнор-Шеплининг «океанга хос ўйинлари» ҳақида гапириб ўтдингиз. Мен бу ҳақда бироз батафсилроқ тўхталиб ўтишни хоҳлардим. Мазкур усул сизни «Иштирокчилар континуумили бозорлар» деб номланган: континуумар ёрдамида мукамал рақобатни моделлаштириш каби катта ишни яратишга ундади.*

Ауманн: Аввал ҳам айтиб ўтганимдек, 1960-1961 йилларда Милнор-Шеплининг «Океанга хос ўйинлар»и (Oceanic Games) менга жуда ёқди. Улар ўйинларни океанга қиёслашарди – бугунги кунда биз буни континуум деб атаймиз – майда ўйинчилар ва кам сонли катта ўйинчилар, муаллифлар уларни атом деб аташган. Кейинроқ 1961 йилнинг куз ойларида Генри Киссинжер ва Ллойд Шепли иштирокидаги анжуманда Герберт Скаф катта бозорлар мавзусидаги маърузаси билан иштирок этди, маърузада гап ўйинчиларнинг чексиз сони ҳақида борарди. Бундан олдин 1959 йилда Мартин Шубиннинг «Эджворт бозори ўйинлари»



(Edgeworth Market Games) номи билан нашрдан чиқди, бу китобда катта бозор ўйинининг С-ядроси ва рақобатли мувозанатли бирлаштириди. Баъзан Скафнинг модели шароитларни қаноатлантirmасди, Герберт эса буни англаб етганди. Пировардида, у 1963 йилда Дебрё билан «International Economic Review»да чоп этган ишида шароитларга анча мос келадиган версияни илгари сурган.

Ушбу барча версияларни яхлит ҳолга келтириш учун анчагина вақт керак бўлди ва, пировардида, мен иштирокчилар континууми тўғрисида ягона теоремани ишлаб чиқдим. Теорема баъзи камчиликлардан холи эмас, лекин у қандайдир якуний натижани намоён этмайди. У фақатгина катта бозор ядроси кўплаб рақобатли натижаларга ўхшашдир. Бу иш 1964 йилда «Econometrica»да чоп этилган.

Ҳарт: *Континуум, бу – содир бўлаётган воқеа-ҳодисани билишнинг энг яхши усулими? Агар сизда у мавжуд бўлса, у ҳолда сиз тахминий қийматдан фойдаланиш ва якуний натижани олишингиз мумкинми?*

Ауманн: Ҳа, якуний бозорлар ғояси ёрдамида қилинган бу каби аппроксимациялар 1960-йилларнинг охири ва 1970-йиллар бошида фаолроқ муҳокама қилинган мавзулардан бирига айланган. 1964 йилда «Econometrica»да чоп этилган ишимнинг кетидан 1966 йилда иштирокчилар континууми бозорларда рақобатли мувозанат амал қилишига бағишланган мақолам чиқди. 1975 йилда ҳам «Econometrica»да шундай бозорларнинг қимматликлари тўғрисидаги мақола пайдо бўлди. Кейинроқ, мустақил равишда ва ҳаммуаллифликда ёзилган бир нечта ишим нашр қилинди, уларда мен континуум ғоясидан фойдаланганман (Aumann, 1973, 1980; Auman, Kurz, 1977 a, b; Aumann, Gardner, Rosenthal, 1977; Auman, Kurz, Neyman, 1983. 1987). Шунингдек, Вернер Хильдербранд ва унинг мактаби вакиллари ҳамда бошқалар билан ҳам бир нечта ишларни ёзганман.

Ҳарт: *Нархлар ҳақида нима дея оласиз?*

Ауманн: Ўйинлар назариясида нархлар концепцияси агар ўйинчилар ўйиндан чиқса уларни қандай ҳолат кутаётгани априор баҳолашдан иборат. 1953 йилда Ллойд Шепли бунга қарата ўзининг таърифини келтириб ўтди, менимча унинг фикри ҳозирда катта аҳамиятга эга. Баъзан сайловларда нархлар даражаси кўрсаткичи сифатида намоён бўлади (Шепли, Шубик, 1959). Мен юқорида 1975 йилда олиб борилган тадқиқотлар натижаси ҳақида эслаб ўтдим, улар катта иқтисодиётлар ва бозорнинг рақобатли натижалари идентифлигини кўзда тутганлар (Aumann, 1975). Мендан олдин ҳам бу масала бўйича кўплаб олимлар



бўлган, улардан энг ёрқин намуна 1964 йилда «RAND»да нашр этилган Шепли меморандумидир.

Харт: *Сизнинг келишувлар тўғрисидаги теоремангиз ҳам илм-фанда муҳим аҳамиятга эга бўлади. Лекин умумий билимлар ҳақидаги оддий ва элегант расмийлаштирувингиз янада каттароқ аҳамиятга эга. У «интерфаол эпистемология» каби соҳанинг пайдо бўлиш хабарчисига айланди. Сизнинг кашфиётингиз, нафақат ўйинлар назарияси ва иқтисодиётда, балки компьютер фанлари, фалсафа, мантиқ соҳаларида ҳам кўплаб ишлар ёзиш катализаторига айланди. У оқилоналик каби мураккаб масала ҳамда мувозанат билан боғлиқ барча масалаларда таҳлил олиб бориш имкониятини берган. Энг қизиги шундаки, бу сизни деярли ортга, яъни коррелятив мувозанатга қайтарди.*

Ауманн: Мутлақо тўғри. 1977 йилда ушбу муаммоларга бағишланган ишим нашрдан чиқди (*Aumann, 1987*). Умумий билимлар ғояси ҳақиқатда коррелятив мувозанатнинг «тўғри» таърифини беради. Бу Нэшнинг мувозанатни бироз ёпиқ ҳолда кенгайтириши ҳисобланади. Аксинча, агар кишилар ўзларида мавжуд бўлган ахборотга оптимал даражада таъсир этсалар, бу ҳаммага маълум бўлса, у ҳолда улар коррелятив мувозанатга эришадилар. Лекин, бу ерда мувозанат асосий эмас. Коррелятив мувозанат, бу – оқилоналик, шунингдек, умумий устунликлар ҳақидаги умумий билимлардир.

Харт: *Келинг, Яҳудийлар университетидаги ишингиз тўғрисида гаплашамиз. Сиз бу ерга 1956 йилда боргансиз ва ҳозирда ҳам шу ерда фаолият юритмоқдасиз.*

Ауманн: Мен сизга бир гап айтаман. Амалий математиканинг таркибий қисмлари ўйинларнинг математик назарияси ҳисобланади. Мен талабалик давримда кўплаб «соф» математиклар амалий математикага осмондан қарашган.

Харт: *Келинг, бир йўла 1991 йилга ўтамиз. Бу вақтда Яҳудийлар университети қошида Оқилоналикни ўрганиш марказига асос солинган эди.*

Ауманн: Мен ҳатто бу кимнинг ғояси эканлиги – Йорам Бен-Поратми ё Менаҳем Йаарникими ёки уларнинг ҳамкорликдаги ғояларими, билмадим. Университет ректори Бен-Порат Йаари, Итамара Питовский, Мотти Перри ва мендан Оқилоналикни ўрганиш марказини ташкил этиш бўйича ўз таклифларингизни беринг деб сўради. Бундай марказни қандай деб аташ ҳам номаълум эди. Ўйинлар назарияси, иқтисодиёт ва фалсафа билан боғлиқ бирор соҳа. Биз кўплаб учрашувларни амалга



оширдик. Пировардида, сиз, Сержиу дастлабки саккиз йил давомида бошқарган Оқилоналикни ўрганиш марказига асос солинди.

Жаҳонда ўйинлар назарияси билан шуғулланувчи бир нечта тадқиқот марказлари мавжуд. Одатда, уларни иқтисодиёт факультетлари қошида ташкил қиладилар. Йелда Фонд Коулз, Бельгияда Лёвен католик университети қошида Операцияларни тадқиқ этиш ва эконометрика маркази, Стэнфорд университети қошида Ижтимоий фанлар ва иқтисодиётда математик тадқиқотлар институти. Европа университети қошида Оқилоналикни ўрганиш маркази улардан фарқланади, унинг манфаатлари анча кенгроқ. Асосий ғояси – «оқилоналик»: Кимнингдир манфаатларини ҳимоя қилувчи хатти-ҳаракат. Бу кўпгина академик фанларга тааллуқли ва турли контекстларда амал қилади.

Марказнинг аъзолари турли соҳа: математиклар, компьютер фанлари, эволюцион биология, умумий фалсафа, фалсафа фани, психология, ҳуқуқ, статистика, бизнес-таълим ва умумий таълим ўқитувчилари ҳисобланишади. Аъзоларимиз орасида сиёсатшунослик соҳаси бўйича мутахассис умуман йўқ. Бу – бизнинг камчилигимиз, чунки дастуримизнинг ўзига хос «туйнуги» ҳисобланади. Аъзоларимиз орасида тиббиёт бўйича бирор мутахассис бўлиши лозим, чунки бу соҳада фойдалиликни оширишнинг оқилона хатти-ҳаракатлари жуда катта аҳамиятга эга ва бу соҳада ўрганиш учун алоҳида масалалар мавжуд деб ўйлайман. Лекин, бугунги кунга келиб, бизда тиббиёт бўйича мутахассис мавжуд эмас.

Камрови кенглигига қарамай, Марказ фаолияти етарлича фокусланган. Бу бирор зиддият, яъни кенглиги ва фокусланганлиги каби кўриниши мумкин. Бу ерда жуда кўп турли фанлар, шу билан бир вақтда, биз эътиборимизни иштирок этиш-этмаслик масалаларига қаратамиз. Биз ушбу фанларнинг ҳаммасини кўриб чиқамиз, улардан ҳар бирининг маълум сегментини тадқиқ этамиз, кейин эса бу сегментлар бир-бирига қанчалик мослигига қараймиз.

Ҳарт: *Журналдан ўқувчилар учун иккита мисол келтира оласизми? Улар, эҳтимол, баъзи ўзаро алоқалар тўғрисида эшитиб ҳатто хайратланишар.*

Ауманн: Ҳаракат қиламиз. Оқилоналик ғоясини қўллашнинг баъзи вариантларини кўриб чиқайлик. Компьютер фанларида кўплаб турли процессорлар мавжуд бўлган тақсимланган ҳисоблашлар каби тушунчалар мавжуд. Муаммо, сони юздан ортиши керак бўлган ва ҳар бири ўз ҳолича ишлайдиган ушбу процессорларнинг ишини мувофиқлаштиришдан иборат.



Харт: *Яъни, марказдан узоқлаштирилган процессорлар қай тарика умумий мақсадга эришади?*

Ауманн: Мутлақо тўғри, яна бир фойдаланиш варианты – компьютерларни хакерлардан химоя қилиш. Бу – жуда қаттиқ ўйин. Ҳаммаси худди урушдагидек, ставкалар ҳам жуда юқори, лекин, бу – барибир ўйин-да. Бу – компьютерлар ва ўйинлар назарияси ўртасидаги ўзаро алоқанинг бошқа варианты.

Яна бир вариант ҳам компьютерлар билан боғлиқ, улар ўйин таклиф этади, ўйинларни яратади ва такрор ишлаб чиқади. Масалан, Интернет орқали кимошди савдолари. Бу ўйинларда компьютерлардан фойдаланиш вариантлари бўлиб, бунда биз компьютер фанларида ўйинлардан фойдаланишни муҳокама қилдик.

Иқтисодиёт, сўзсиз, ўйинлар назариясини татбиқ этишнинг асосий соҳасидир. Ҳаммаси фон Нейман ва Моргенштерннинг «Ўйинлар назарияси ва иқтисодий хатти-ҳаракат» («The Theory of Games and Economic Behavior») номли китоби нашр этилишидан бошланди. Иқтисодиётда, кишилар Тверски ва Канеманга мурожаат қилмасдан, кишилар фақат шахсий қизиқишларидан келиб чиққан ҳолда ҳаракат қилишлари шарт эмас деб айтмасларидан олдинроқ ўз фойдаларини максималлаштириш мақсадидан келиб чиққан ҳолда амал қилишлари кўзда тутилган. Бу Оқилоналикни ўрганиш марказида нооқилоналикни ўрганиш психологияси қай тарзда намоён этилганлигининг яна бир мисолидир.

Биз компьютер фанлари, психология, иқтисодиёт, сиёсатда ўйинлар назариясини қўллаш тўғрисида гаплашдик. Халқаро алоқалар соҳасида ҳам ўйинлар назариясидан кенг фойдаланилади. Биз буни ҳам Киссинжер ҳақида гаплашганимизда эслаб ўтдик. Яна бир миллий сиёсат, хусусан, турли сайлов тизимлари мавжуд. Масалан, Исроилда ҳозирги вақтда шу муаммо устида бош қотирилмоқда.

Хуқук... Биз тез-тез иқтисодиёт ва хуқукда ҳам ўйинлар назариясига тўқнаш келмоқдамиз. Қонунлар кишиларнинг, хуқуқбузарларнинг ҳамда полициянинг хатти-ҳаракатларига қандай таъсир этишини ўрганадилар. Буларнинг ҳаммаси ўз ҳаракатлари билан боғлиқ.

Харт: *Қоидалар ва уларнинг талқинига қайтамиз. Сиз ким билан ишлаш ёки сайловларда қандай овоз беришни билиш учун раввинга мурожаат қилган бўлармидингиз?*

Ауманн: Йўқ, бормаган бўлардим, бошқалар ҳам бормаган бўларди. Лекин яна бир бошқа кишилар, яъни раввиндан шундай саволлар бўйича маслаҳат сўраган ҳолатлар ҳам бўлган. Бу ерда биз жуда қизик стратегик мувозанатни кўрамыз – ҳар бири учун унга нисбатан бундай



ёндашув оптимал ҳисобланади, шунинг учун ҳамма унинг олдига боради! Сўзсиз, у жуда ҳақгўй ва одил инсон бўлиши жуда муҳим, бу эса ахлоқ қоидалари билан белгиланган.

Лекин бу мувозанатни ташкил этувчи ҳамдир, чунки у бундай ҳислатларга эга бўлмаса, ҳеч нарса қилиб бўлмайди.

Митнагдим вакиллари орасида мен ҳам борман, ушбу феномен ҳам мавжуд. Исроилда рабби Фирер деб аталувчи киши бўлиб, у мамлакатда тиббиёт билимдонидир. У шифокор эмас. Агар кимнингдир саломатлигида ноодатий ёки жиддий муаммо бўлса, унинг ёнига бориши ёки қўнғироқ қилиши мумкин. Масалан сиз унга 1:17 да қўнғироқ қилиб, ўз муаммоингизни тасвирлаб берсангиз, у сизга қаердан шифо топишингизни айтади. Бу тахминан бир дақиқа давом этади. У сизни нафақат Аризонага тиббий марказга жўнатади, балки, агар зарурат туғилса, у ерга етиб олишингизга кўмаклашади. У ҳам хасидларнинг раввини сингари, у бутун ахборотни миждозлар ва шифокорлардан олади, шу билан бирга, у фавқулодда машҳур инсондир.

Шу вақтгача биз ўйинлар назариясининг меъёрий томонини муҳокама қилдик. Масалан, алоҳида кишиларга нимани ва қандай қилишлари лозимлиги борасида маслаҳатлар бердик, лекин унинг бошқа томонлари ҳам мавжуд. Масалан, «давлат меъёрий»лиги. Дин сизга сайловларни қандай олиб бориш ҳисоб ставкасини қандай камайтириш ёки ҳукуматни қай тарзда шакллантириш йўлини кўрсатмайди. У сизга тақсимланган компьютер тизимини қандай яратиш ёки кимошди савдосини қай тарзда олиб бориш ёхуд касалхоналар бўйича интернатларни қандай тақсимлаш борасида маслаҳат бера олмайди. Яна бир томони – «тасвирий»дир. Дин сизга, ривожланиш натижасида турли ҳолатлар қай тарзда яратилган ёки рақобат тамойили нима учун ишлашини изоҳлаб бера олмайди.

Ҳарт: *Агар юқорида таъкидланганларнинг ҳаммасини кўшсак, диний оламда ўйинлар назарияси ҳам маълум ўринга эга. «Микродаража»да хулқ-атвор қоидалари – фақатгина маълум масалаларни қамраб олувчи тамойиллардир, лекин «қарорлар эркинлиги» ҳам мавжуд. «Макродаража»да юзага келувчи тузилмалар ва ўз-ўзидан хулқ-атвор қоидалари ўйинлар назарияси асосида: улар нима учун ва қандай пайдо бўлганлигини таҳлил қилиш предмети ҳисобланади. Сизнинг фикрингиз тақводорларнинг умумий нуқтаи назари ҳисобланадими?*

Ауманн: Эҳтимол. Тақводорлар орасида бу каби масалалар жуда кам муҳокама қилинган. Ёшлигимда дин вакиллари томонидан фан ва динни «яраштириш»га кўплаб уринишлар бўлган. Масалан, олам яра-



лишининг ҳар олти куни алоҳида геологик даврни намоён этувчи жараён сифатида кўриб чиқилиши мумкин. Аввалги даврларда, эҳтимол ҳозирги вақтда ҳам фан динни инкор этади, уларни яраштириш зарур деган фикр мавжуд бўлса керак. Кечирасиз, лекин мен бундай ёндашувни маъқуллайман.

Харт: *Масалан, олам яралишининг олти кунини оламиз. Ростми-ёлгонми, бунинг қабул қилинган қарорлар ва хатти-ҳаракат тизимларига ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бу – бошқа масала.*

Ауманн: Бу – оламга бошқача назар, уни идрок этишга бошқача ёндашувдир. Мана шунинг учун мен сизнинг саволингизга Ер думалок деб жавоб қилар эдим, бу ҳам оламни идрок этиш вариантларидан биридир. Оламни эволюцион-геологик ракурсдан кўриб чиқиш ҳам мумкин. Агар биз кўпгина қарашларни маъқулласак, у ҳолда ҳақиқат, турли моделлари, оламга турли қарашлар тўғрисидаги турлича тасаввурларни кўриб чиқишимиз мумкин.

Харт: *Менимча, олимлар бундай муаммога дуч келмайдилар. Дин вакилларида сиз ҳозир айтганларингиз борасида муаммолар бўлади-ми?*

Ауманн: Кишилар сони қанча бўлса, фикрлар сони ҳам шунча бўлади. Уларнинг баъзиларида бу борада муаммолар бўлиши мумкин. Айтгандек, иқтисодчиларнинг ҳеч бирида бундай муаммо бўлмайди деб ишонч билан айта олмайман. Баъзи олимлар – доктриналарнинг тарафдорлари жуда кўп.

Харт: *Оқил кишилар бундан дин оламида жуда яхши яшашлари мумкин. Сиз фан ва динни жуда яхши бириктирдигиз. Бу жуда қизиқ бўлганди.*

Ауманн: Мен уларни бирлаштирмадим ва бунинг учун бирор ҳаракат ҳам қилмадим. Бу – турли хил нарсалар.

Харт: *Сиз бунинг уларнинг мавжудлиги нуқтаи назаридан амалга оширдигизми? Келинг, энди таржимаи ҳолингиз ҳақида гаплашайлик.*

Ауманн: Мен 1930 йилда Германиянинг Франкфурт шаҳрида эътиқодли яҳудийлар оиласида дунёга келганман. Отам тўқимачилик маҳсулотларини улгуржи савдоси билан муваффақиятли шуғулланган. Биз Германиядан 1938 йилда жўнаб кетдик. Аслида, биз бу мамлакат ҳукуматининг бошига Гитлер келган вақтда, яъни 1933 йилдаёқ тарк этишни режалаштирган эдик, лекин қандайдир сабабларга кўра, яъни бу унчалик ёмон эмас, ҳаммаси яхши бўлиши, бу кунлар ўтқинчи деб айтганлиги учун бу режамиз бироз чўзилди.



Харт: Айниқса, кескин ўзгаришлар эмас, балки ушбу секин ривожланиб боровчи жараён, яъни ҳар гал оз-оздан бўлса, сиз буни кам деб ҳисоблайсиз, лекин агар буларнинг ҳаммасига яхлит ҳолда қарайдиган бўлсангиз, мазкур ўзгаришлар сезиларли тус олганлигини кўрасиз.

Ауманн: Бу – бир жиҳат. Лекин, асосан, буни кўриш жуда қийин. Бироз олдинроққа, яъни 1933 йилдан 1967 йилга назар ташлаган ҳолда Олти кунлик урушдан олдин юз берган инқироз даврида мен Исроилда бўлганман. Ортга қарасак, Исроил бу зиддиятда ғолиб бўлиб чиқиши лозимлиги яққол намоён бўларди. Лекин ўша даврда бу номаълум эди.

Мен онгли равишда Исроилда қолиш тўғрисида қарор қабул қилдим. Инқироз даврида Герберт Скаф ҳам ушбу мамлакатда эди. Лекин уруш бошланишидан икки ҳафта олдин мамлакатни тарк этди, хайрлашув олдидан биз энди учраша олмаслигимизни билар эдик. Мен буларнинг ҳаммасини воқеаларнинг қоқ марказида бўлгандагина ўша вақтда қанчалик қийин кунлар бошимиздан ўтганини кўрсатиш учун айтиб бердим.

Сиз катта кўлда сузаётганингизда, қаршингиздаги кирғокни кўришга қийналасиз, чунки сиз сувда, яъни кўлнинг юзасида бўласиз. Немислар ёки бошқа европалик яҳудийларнинг 1930 йилда Европани тарк этмаганликлари учун уларни айблаш нотўғри, чунки ўша вақтда юзага келган вазиятни баҳолаш жуда қийин эди.

Келинг, тарихимизни сўзлашда давом этайлик. Биз 1938 йилда Германияни тарк этиб АҚШга бордик. Биз иммиграцион визалар олдик. Ота-онам бунга ҳамма пулларини сарфлашди. АҚШда улар жуда кўп ишлашларига тўғри келган, лекин шундай бўлса-да, менга ва укамга диний ва дунёвий таълим бера олишди. Мен бошланғич ва ўрта таълимни кундузги яҳудийлар мактаби – иешивада олдим. У ерда Талмуд ва бутун яҳудийлик таълими сингари, дунёвий билимлар ҳам бериларди. Юкоридаги суҳбатимизда мен иешивадаги математика ўқитувчим Жо Ганслер ҳақида гапириб ўтдим. Менинг Талмуд ва яҳудийлик таълими бўйича ҳам жуда ажойиб ўқитувчиларим бўлган.

1948 йилда Исроил ташкил этилгандан сўнг, мен у ерга жўнаб кетишни қарор қилдим, лекин бу 1956 йилдагина амалга ошди. 1954 йилда мен Исроилдан Қўшма Штатларга келган Эстер Шлезингерни учратиб қолдим. Биз бир-биримизга кўнгилик кўйдик ва, пировардида, турмуш курдик. Биз беш нафар фарзанд кўрдик. Лекин, менинг тўнғич ўғлим Шломо 1982 йилда Ливандаги «Галилей учун тинчлик» операцияси вақтида халок бўлди. Қолган фарзандларимиз оила куришди.



Шломонинг беваси ҳам яна турмуш қурди, лекин шунда ҳам бизнинг кизимиз бўлиб қолаверди. Ҳозирги кунда бизнинг йигирма нафар нева-ра ва битта эварамиз бор.

Оиламиз жуда ажойиблиги билан бирга, аксарият ишларни ҳам ҳамкорликда амалга оширамиз. Масалан, биз биргаликда чанғи учамиз. 4-5 йилда бир марта биз энди 30 кишидан ташкил топган бутун оила бир ерда жамулжам бўлади.

Харт: *Шахсан ўзим бунга гувоҳ бўлганман, ҳақиқатда Ауманнинг оиласи жуда маишхур, меҳмондўст ва уюшган деб айтиши мумкин.*

Ауманн: Рафиқам Эстер олти йил аввал саратон касаллигидан вафот этди. У жуда ажойиб аёл эди. Бошланғич мактабни тамомлагандан сўнг у Безалель санъат мактабига қабул қилинди. У ўта иқтидорли қиз бўлган. Мазкур мактабда Эстер кумуш билан ишлашни ўрганди, ундан ташқари, у жуда чиройли чизар эди. Эстернинг қўллари ҳам, юраги ҳам мисоли олтиндек бўлган. У эллик ёшга етганида кексалар учун махсус марказ – Франкфортер-марказга ишга жойлашди. Эстер у ерда тўғарак ташкил қилиб, кексалар ўз қўллари билан нимадир яратишлари мумкинлигини исботлади, масалан аппликация яшаш, тўқиш, тикиш, гилам тўқиш ва ҳ.л.р. Бу унга иккита севган иши билан шуғулланиш имкони-ни берди, яъни санъат билан шуғулланиш ва инсонлар билан ишлаш, шунингдек, уларнинг ҳар бирига шахсий муаммоларида кўмаклашган.

У санъат мактабига қабул қилинганида Безалель етарлича илоҳий жой бўлган. Эҳтимол, бу ҳозир ҳам шундайдир, лекин ўша вақтларда бу мактаб эскичароқ ва махсусроқ эди. Унинг ота-онаси Эстер у ерда ўқишига қатъиян қарши эди. Эътиқодли яҳудий оиласи учун ёш қизлар бундай жойга ўқишга жўнаб кетиши мисли кўрилмаган ҳодиса эди. Лекин, Эстер шахсий фикрига эга бўлган. У жуда кичик эди, лекин ниманидир истаса, албатта бунга эришарди.

Харт: *Сиз 1956 йилда Исроилга жўнаб кетиши қарорини қабул қилиши тўғрисида қандайдир қизиқ тарих мавжуд.*

Ауманн: 1956 йилда мен Принстонда докторлик ишимдан кейинги ишларимни тугатдим ва энди нима қилишим кераклиги ҳақида ўйладим. Аввал айтганимдек, мен Исроилга кетдим. Мен таржимаи ҳолимни нафақат Иерусалимдаги Яҳудийлар университетига, балки бир нечта жойга юбордим, чунки мен томонимдан «тухумларни бир қутига жойлаштириш» нотўғри бўларди. Натижада, бир нечта таклифлар олдим. Улардан бири Мюррей-Ҳилл даги Bell Telephone Laboratories компаниясидан олинган, улардан бири Иерусалимдан ва яна кўпгина жойлардан эди.



Мен нимани танлашга бошим қотиб қайта-қайта таклифларни кўриб чиқардим. Охир-оқибат, Bell Labs нинг таклифини қабул қилдим ва шу ондаёқ уларга бу ҳақда хабар қилдим. Ўша куниёқ биз уй излашга киришдик.

Оқшомда уйга қайтгач, мен бу масалада янглишганимни тушундим. Мен қарийб уч ҳафта давомида тўғри қадамни излаш истагида қийналдим, лекин, ниҳоят, қарор қабул қилганимда унинг нотўғри эканлигини англадим. Мен тезроқ Исроилга жўнаб кетиш истагида эканлигимни тушундим ва менга ҳеч нарса, ҳатто, Исроилга сафар учун пул ишлаш зарурати ҳам тўсқинлик қила олмаслиги, акс ҳолда, Қўшма Штатларда узок йиллар қолиб кетишим мумкинлигини англадим.



Боб Ауманн Эстер Шлезингер билан, 1955 йил, январь.

Агар биз бутунлай кўчиб кетишни истасак, у ҳолда буни дарҳол амалга оширишимиз керак эди. Мен Bell Labs компаниясига қўнғирок қилдим ва қароримни ўзгартирганимни айтдим, агар ишласам ҳам бир йилдан сўнг кетишимни ҳам хабар қилдим. Улар менга: «Ауманн, сен бизга ишлашга мажбур эмассан. Агар хоҳламасанг, компаниямизда ишлашинг шарт эмас». Мен: «Яхши, лекин ҳозир июнь ойи, Исроилда ўқув йили октябрдан бошланади. Бу вақтгача мен Bell Labs да ишлашим мумкинми?» – деб айтдим. Улар бунга рози бўлишди ва бу жуда оқилона келишув эди.

Ушбу тўрт ой жуда ҳам ажойиб ўтди, бу вақтда мен компьютер илми соҳасида мутахассис саналган Жон Маккарти ҳамда математик, мантиқшунос ва Тюринг машиналари бўйича мутахассис Жон Эдисон билан танишдим. Ўша йили ёзда Эдисон билан бир қизиқ воқеа юз берди. У Тюринг машиналари тўғрисидаги бир иш ёзди ва уни Bell Labs номидан нашр этишни хоҳлади. Лекин, компаниянинг патентлар департаменти бунга аралашди. Улар Тюринг машиналарининг такомиллаштирилишини патентлаш мумкинми ёки аксинча ҳолатни билишни истардилар. Эдисон уларга Тюринг машиналари аслида машина ҳисобланмаслигини тушунтиришига жуда кўп вақт сарфланди.

Мен амалий қарорларни қабул қилиш қанчалик оғир эканлигини сўзлаб бериш учун жуда узок ва батафсил гапиряпман. Бундай қарорларни қабул қилиш бизнинг моделларимизга нисбатан анча мураккаброқ. Сиз



Боб Ауманн ўз oilаси билан бирга, 10 октябрь, Исроил, 2005 йил.

бу қарорни қабул қилмай туриб, уни тўғри ёки нотўғри эканлигини била олмайсиз.

Харт: *Бу, сиз ўз тажрибаларингиз қандай идрок этишингиз ва амалий қарорларни қабул қилишингизга яхшигина мисол бўла олса керак. Бу ҳақда ниманидир қўшимча қилишни хоҳламайсизми?*

Ауманн: Эҳтимол. «Хулқ-атвор иқтисодиёти»га нисбатан бироз шубҳам бор, чунки, аслида, бундай деб ҳисобланмайди. Мазкур атама, аслида, кишилар ўзларини қандай тутишларини кўзда тутлади. Бирок, назария бу ҳақда таъкидламаяпти. Хулқ-атвор иқтисодиётида бу деярли мавжуд эмас. Аксинча, хулқ-атвор иқтисодиётининг катта қисми яхши ҳолатда, сунъий лаборатория билан ишлайди, ёмон ҳолатда эса, ижтимоий тадқиқотлар, сўровномалар билан иш олиб боради.

Харт: *Келинг, алкоголь мисолида тўхталиб ўтамиз. Нима учун бу хатти-ҳаракат ёндашувига зид келади?*

Ауманн: Хулқ-атвор иқтисодиёти, кишилар ўзларини нооқилона тутишлари, улар иқтисодий рағбатларга тахмин қилганларидан таъсирланишмайди. Эмпирик иқтисодиётда кишилар иқтисодий рағбатлардан аниқ таъсирланадилар.

Харт: *Айтилганларнинг барчасини қўшсак, у ҳолда эмпирик иқтисодиётдагидек бўлади. Кишилар, аслида, қандай қарорлар қабул қилишади, тажрибаларга асосланган ҳолда амалга оширил-*



ган ишлар кўпинча сунъий бўлади, бундай кишилар ҳам ўзларини реал ҳаётдагидек тутмайдилар.

Ауманн: Сиз ҳақсиз. Лекин мен озгина кўшимча қилмоқчиман. Хулқ-атвор иқтисодиёти, кишилар ўзларини оқилона тутадилар деган тезисга қарши чиқади – у кишилар ҳамма ишларни онгли равишда ҳисоблайдилар ва ҳар сафар оқилона ҳисоб-китобларга асосланган оптимал қарорларни қабул қиладилар. Эҳтимол, хулқ-атвор иқтисодиёти бу ҳолат бошқача намоён бўлади деганда ҳақдир. Уларнинг тажрибалари, ижтимоий сўровлар сингари кишилар маълум вазиятларни нооқилона қарорлар қабул қилишларини кўрсатади. Бироқ, ҳеч ким улар «қўриқчи» билан курашаётганларини билмайди. Иқтисодий агентлар, «оқилоналик тасаввурларидан келиб чиққандек» ёритиб бериш мумкин бўлгандек тутадилар.

Ҳарт: *Бу энди 1990-йилларда изчил равишда илгари сурган «оқилоналик қоидалари» масаласига тааллуқли.*

Ауманн: Сиз ҳақсиз. Бу энди оқилоналик қоидалари соҳасига тегишли. Асосий дастлабки ҳолат, бу – кишиларни излашидир. Кишилар ўзларини қандай тутишлари кераклиги билиб оладилар. Хатога йўл қўйганларида, келгусида уларни такрорламаслик учун, ўз хатти-ҳаракатларини тузатадилар. Бу оптималлаштириш жараёни эмас, балки ўқитиш жараёнидир. Бу гоё ҳам янгилик эмас. Масалан, Милтон Фридманнинг фикрига кўра, кишилар агар оқил бўлганларида ўзларини қандай тутишар эди. Оқилона қоидалар кишилар қарор қабул қилишаётганида фойдаланадиган хулқ-атвор қоидаларини чиқишаради ва бу қоидаларни оптималлаштиришади. Улар ҳар бир алоҳида қарорни оптималлаштирмайдилар.

Ҳарт: *Кейинроқ бу турли шаклларда кўпайтирилди. Ҳа, бу – жуда машҳур тажриба.*

Ауманн: Ушбу тажриба турли шакл ва ўлчамларда олиб борилади. Мана, вариантлардан бирини келтириб ўтаман. Икки киши 100 немис маркаси олишди (тахминан 150 – 200 ҳозирги еврода) уларга буни ҳар қандай вариант ёки усул билан тақсимлашни таклиф этдилар. Лекин, агар улар келиша олмасалар, у ҳолда икковлари ҳам ҳеч нарса ололмайдилар. Кишилар бир-бирини кўрмаган ҳолда компьютерда ишларди. Улардан бири пулни тақсимлашни таклиф этди, компьютер экранида таклиф пайдо бўлиши билан иккинчиси рози бўлиши ёки рози бўлмаслиги керак. Агар у «ҳа» деса, у ҳолда пул тақсимланади, «йўқ» деса, бунда икккаласи ҳам ҳеч нарса олмайди.

Мазкур тажрибани бир неча марта такрорладилар. Ҳар бир жуфт фақат бир марта иштирок этди. Улар бинога бир эшикдан кириб, бошқа-



бошқа эшиклардан чиқиб кетардилар ҳамда бошқа учрашмасдилар – тажрибанинг бутунлай мавҳум (аноним)лиги шунда. Ўйиннинг мутлақ мувозанати шундан иборатки, бунда биринчи шахс иккинчи шахсга пулнинг кам қисмини таклиф этади, бу қандайдир пулларни намоён этарди. Масалан биринчисига 99, иккинчисига 1.

Харт: *Гоя, иккинчи шахс, ҳатто, 1 маркадан ҳам воз кечмаган ҳолда «йўқ» дейишидан иборатми?*

Ауманн: Бу – оқилона фикрлардан келиб чиққан ҳолда кутилиши мумкин бўлган ҳолат. Мен «бўлиши мумкин эди» деяпман, чунки ўйинлар назарияси башоратларига мос булиши шарт эмас. Ўйиннинг бошқа бир неча мувозанатлари мавжуд. Лекин оқилона фикрлар пулларни 99 ва 1 га тақсимлашга олиб келиши мумкин.

Аслида, кўпгина таклифлар 65 ва 35 атрофида бўлган. Камроқ бўлганлари, масалан, 80 ва 20 доим эмас, лекин кўпинча рад этиларди. Аксарият ҳолатларда тажриба иштирокчиси 20 дан камроқ миқдорда немис маркасини таклиф этсалар, бутунлай улардан бош тортган ҳолатлар ҳам бўлган, шунинг учун лойиҳачи буларнинг олдиндан кўрабилган ҳолда кўпроқ пул таклиф этарди.

20 немис маркасидан воз кечиш, оқилона хатти-ҳаракатларга қарши таъсир ҳисобланади. Бу айнан оқилона ҳаракатлар нуктаи назаридан қарама-қаршиликдир. Назария нуктаи назаридан буни қандай тушунтириш мумкин? Жавоб: кишилар ҳар бир ҳаракатини максималлаштиришмайди, балки, аксинча, хулқ-атвор қоидаларини яратадилар. Бир яхши қоида мавжуд: бошқаларга сизни муҳокама қилишларига йўл қўйманг. Бегоналарга айбсиз бўлсангиз, сизни туртиб ўтишларига йўл қўйманг. Кўрқоқ бўлманг. Агар сизга кимдир шундай муносабатда бўлса, албатта жавоб қайтаринг. Бу яхши қоида кишилар бир-бирларини кўриб турадиган ҳолатлар учун яратилган.

Оқилоналикка яна бир мисол – рози қилишга уриниш. Сиз бирга иш олиб борадиган кишиларни рози қилишингиз – жуда яхши фикр. Сиз буларни онгли равишда ёки, умуман, ўйламай қилишингиз мумкин. Аксарият кишиларга маълумки, сайловларда овоз бериш ҳам кишиларга яхшилик қилишининг бир тури. Камил Фукс – Исроилда ижтимоий сўровлар бўйича таникли мутахассислардан бири. У Оқилоналик марказида сўзга чиқиб, Исроилдаги сўнгги сайлов вақтида, сайлов участкаси ёпилгандан бир неча соат ўтгач, кишилардан улар овоз берган-бермаганликлари сўралганда 90 % киши ишонч билан «ха» деди, лекин аслида 68 % киши овоз берган бўлган.

Харт: *Савол тугилади: Биз ижтимоий сўровлар орқали нимани билиб оламиз?*



Ауманн: Бу сўровларни шубҳа остида қолдиради ва улар борасида янада кўп саволларни келтириб чиқаради. Масалан, кишилар ижтимоий сўровларга жавоб қайтариш давомида интервью улардан қандай жавоб кутаётганини англашга ҳаракат қилишади. Натижада, улар «ҳақиқатни» эмас, балки «тўғри» жавоб берадилар. Яна бир бор таъкидламоқчиман, улар буни англамаган ҳолда қилишади.

Ҳарт: *Сизнинг айтганларингиздан келиб чиққан ҳолда, ҳаракатларни ҳар бир қарор нуқтаи назаридан эмас, балки узоқ истиқболда баҳолаш зарур экан-да. Шунингдек, биз аниқ ҳисоб-китоблар қилолмаслигимиз ва ҳар бир қарорни баҳолаёлмаслигимизни эътиборга олиш зарур. Биз нисбатан оддий ва турли вазиятларга татбиқ этиш мумкин бўлган қоидаларни чиқаришимиз зарур.*

Ауманн: Бу ҳам сабаб бўлиши мумкин. Кишилар нима сабабдан ҳар бир ҳаракатларини оптималлаштириш эмас, балки янги қоидаларни яратишларининг асосий сабабини ёритиб беради? Бу жуда қимматга тушади.

Ҳарт: *Канеман ва Тверскининг сўзларига кўра, кишилар ҳаддан ташқари кўп ҳолларда эвристика ва оғишишлардан фойдаланадилар, охиригилари эса эпизотик эмас, балки тизимли характерга эга бўлади. Сиз тизимли характер, агар сиз қоидалар даражасига қарайдиган бўлсангиз, у ҳолда булар албатта тизимли бўлади деб айтдингиз. Улар ҳар бир ҳаракат учун оптимал бўлганлиги сабабли оғишишлар юзага келади. Тизимли оғишишлар оқилона қоидалар билан мос келади.*

Ауманн: Жуда яхши таъриф. Агар сиз тизимли оғишишларга диққат билан қарайдиган бўлсангиз, улар қоидалар учун қулайлигини кўрасиз. Аксарият ҳолатларда кишилар бундай тизимли оғишиш ҳолатига тушиб қолганда қандайдир тўғри йўл тутиш – энг яхши ечимдир.

Ҳарт: *Бу энди, фаолиятингизнинг бошқа соҳаси билан – айнан биология ва эволюцион экология билан боғлиқ. Бу ҳақда бироз тўхталиб ўта оласизми?*

Ауманн: Эволюциянинг ўйинлар назарияси билан алоқаси сўнгги 30–40-йиллардаги асосий воқеалардан бири бўлган. Бу 1960 йиллар, яъни катта иқтисодий ютуқлар давридаги, кооператив ўйинлар назарияси соҳасидаги улкан кашфиётлардан бири эди. У 1980–1990 йиллардаги нокооператив ўйинларнинг шиддат билан ривожланишининг ибтидоси бўлган.

Бу кашфиёт ўйинлар назарияси, биология ва иқтисодий назарияга жуда катта таъсир кўрсатди. Бу биология чегарасидан чиқувчи ўйинга ёндашувдир. Бу кишилар яшай олишлари ёки ғойиб бўлишларига



имкон берувчи хулқ-атворларига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда қандай йўл тутишларига ёндашувдир. Ҳаммаси худди биология қоидаларига ўхшаш. Бу Нэш мувозанатининг онгли танлов, онгли равишда максималлаштиришни англаторувчи оддий, эскича талқинидан қатъи назар онгли танлов масаласи эмас. Бу биз юқорида қайд этиб ўтганларимиз, яъни оқилона қоидалар, оқилона ҳаракатларга нисбатан ўйинлар назариясининг янада тўғри талқини ҳисобланиши билан боғлиқ.

Ҳарт: *Ўйинлар назариясининг ўзи нима деб сўрашнинг ҳозир айна мавриди?*

Ауманн: Ўйинлар назарияси, бу – оқилоналик нуқтаи назаридан ўзаро алоқаларни ўрганишдир. Ҳатто оқилоналик онгли бўлиши шарт эмаслигига қарамай, у ханузгача асосий ҳисобланади. Шунинг учун биз атрофимизда оқилона нуқтаи назарларни кўришимизни талқин этамиз. Бошқача қилиб айтадиган бўлсак, агар бошқа кишилар, қарорлар қабул қилувчи бошқа шахслар, ўз қарорларини оптималлаштириш истагида бўлган бошқа объектлар бўлса, кишилар қандай йўл тутишлари кераклигини сўраймиз. Ўйинлар назарияси – турли мақсадларга эга бошқа субъектлар мавжудлигида қарорлар қабул қилишнинг энг қулай йўлидир.

Ҳарт: *Ҳар бир субъектнинг қарори қаерда ҳар бир субъектнинг якуний натижасига таъсир этади? Уларнинг ҳар бири ўз қарорларини оптималлаштириш билан шуғулланаётганлиги ва шахсий мақсадларини илгари суришга ҳаракат қилаётганлигини эътибордан қочирмаслик зарур.*

Ауманн: Зеро, кўплаб фанлар, қиёсланмайдиган фанларни кўриб чиқиш мумкин. Иқтисодиёт ёки сиёсатшунослик каби фанларга бошқа ёндашувлардан фарқли ўларок, ўйинлар назарияси мукамал рақобат, монополия, олигополия, халқаро савдо, солиққа тортиш, овоз бериш, кўрқитиш (сақлаб қолиш воситаси сифатида), ҳайвонларнинг хатти-ҳаракатлари каби алоҳида масалаларни ҳал этиш учун тор йўналишга эга лойиҳалардан фойдаланмайди. У барча интерфаол ҳолатларга мос келувчи методикани яратади, кейин эса ҳар бир муайян ҳолатда нима юз бераётганини кузатади.

Лекин, ўйинлар назариясини ушбу барча фанларнинг ҳимоячиси сифатида кўриб чиқиш ўрнига, уни ҳар бир фаннинг алоҳида жиҳати таҳлилига ёндашув деб ҳисоблаган яхшироқ, менимча. Ушбу фанларда мазкур жиҳатга алоқаси бўлмаган кўпгина ҳолатлар мавжуд. Компьютер илми, математика, иқтисодиёт, сиёсатшунослик фанларининг кўпгина масалаларига ўйинлар назариясини татбиқ этишнинг иложи йўқ.



1995 йил конференцияси, Ауманн таваллудининг 65 йиллиги, Исроил, 1995 й. Чапдан ўнг томонга қараб: Абрам Нейман, Боб Ауманн, Жон Нэш, Рейнард Селтон, Кен Эрроу ва Сержиу Ҳарт.

Ҳарт: *Эҳтимол бу бошқа фанларга восита сифатида, шакллантириш тили ва таҳлили сингари фойдаланиладиган математикага яқиндир.*

Ауманн: Қизиқ ўхшатиш. Математика маълум жабҳаларда расмийлаштирув зарур бўлмаган кўплаб фан соҳаларида ёрдам беради. Ўйинлар назарияси бу маънода математикага ўхшайди: у кўплаб фанларга кўмаклашади, айниқса, оқилона масалаларга тааллуқли бўлса.

Ҳарт: *1999 йилда ўйинлар назариясини ўрганувчи халқаро жамиятга асос солинган (Game Theory Society). 2003 йилгача сиз унинг биринчи Президенти бўлгансиз, тўғрими? Ҳозир ўйинлар назарияси нимани англатиши ва ўйинлар назариясини ўрганиш маркази нима билан шуғулланиши ҳақида гапириб беришингизнинг айти мавриди бўлса керак.*

Ауманн: Ўйинлар назарияси энг жиддий фанлар, айтиш мумкинки, бу фанлараро тузилмага айланди. Ўйинлар назарияси бўйича барча мутахассисларни бир ерга жамлашнинг вақти келди деб ўйлайман. Масалан, анжуманлар, журналлар, интернет-ресурслар. Ўйинлар назариясини ўрганиш жамияти, бу – қаҳвахонадаги «тинчлик» деб номланувчи курсидир, бу ерда кишилар ўйинлар назарияси борасида турли масалаларни муҳокама қилишлари ва ғоялар билан ўртоқлашишлари мумкин.

Ҳарт: *Нима деб ўйлайсиз, ўйинлар назарияси қандай йўналишда ривожланади?*



Ауманн: Айтиш қийинроқ. Ҳайвонлар назарияси қайси йўналиш бўйича ҳаракатланишини билишнинг деярли иложи йўқ. 2000 йилда Бильбаода Ҳайвонлар назариясини ўрганиш бўйича халқаро жамият конгрессида нутқ сўзлаб, мен келгуси тадқиқотлар учун бир қатор масалалар муҳокамасини ўртага ташладим.

Агар умумий қирралар ҳақида гапирадиган бўлсак, у ҳолда олимлар турли йўналишларда фаол ҳаракат қиладилар. Яқин вақтларда биз фаннинг турли йўналишларда «кечишини» кузатишимиз мумкин бўлади. Бир қатор олимлар қатъий равишда жуда мураккаб математика йўналишида ҳаракатланаётганларини кўриш мумкин. Биз Ҳайвонлар назариясининг тажрибавий ва техник татбиқига бир қатор мисолларни кузатяпмиз. Келгусида Ҳайвонлар назарияси билан шуғулланувчи инсонлар камдан-кам ҳолатларда бир-бирларини тушуна оладилар.

Харт: *Сиз бобилча оломон тўқнашуви таҳдид солади демоқчимисиз?*

Ауманн: Бу – жуда мураккаб таъриф. Албатта, бу менга ёқади деб айттолмайман, лекин бу назариянинг ривожланиш аломати ҳисобланади.

Харт: *Ҳайвонлар назариясида фойдаланиладиган турли ёндашувлар ҳақида гапириб бера оласизми? Масалан, стратегик ва нокооперативга нисбатан аксиоматик ва кооператив, концептуалга нисбатан математик тўғрисида. Ёндашувларнинг бундай катта сони нима билан боғлиқ? Улар бир-бирига зид келадими ёки турли қарашларни намоян этадими? Ҳайвонлар назариясида баъзи ёндашувлар тўғри, баъзилари эса нотўғри дейдиган кишилар ҳам мавжудми?*

Ауманн: Ҳа, кооператив Ҳайвонлар аҳамиятсизроқ, норелевант ва қийин қўлланилади деб ҳисобловчи нокооператив Ҳайвонлар тарафдорлари ҳам мавжуд.

Мен нокооператив Ҳайвонлар ёки стратегик Ҳайвонлар назарияси, кооператив Ҳайвонлар назарияси ёки коалицион Ҳайвонлар назарияси ҳақида бироз тўхталиб ўтмоқчиман. Стратегик Ҳайвонлар назарияси стратегик мувозанат билан боғлиқ – атрофдагиларнинг таъсири билан, Нэш мувозанати ва коррелятив мувозанат каби вариантлари билан белгиланадиган индивидуал фойдалиликни оширишни англатади. Ушбу назария киши қандай йўл тутиши керак ва у қандай йўл тутари деган саволларга жавоблар излайди. Бошқа томондан, коалиция Ҳайвонлари назарияси диққатини олган натижалар тақсимотига қаратади, баъзан эса ушбу натижаларга эришиш учун нима қилиш зарурлигига ҳам эътиборини қаратади.

Амалий нуқтаи назардан стратегик Ҳайвонлар назарияси турли мувозанат тушунчаларидан ҳам фойдаланади ва Ҳайвонларнинг аниқ талқинига асосланади. Ўз навбатида, коалиция Ҳайвонлари назарияси:



С-ядро, Шепли бўйича ўйин қиймати, фон Нейман-Моргенштерн қарори, музокаралар кўрлиги, N-ядро каби тушунчалардан фойдаланади. Умумий музокаралар, тижорий музокаралар коалицион назария, кооператив ўйинларга кўпроқ мос келади.

Ҳарт: *Бир томондан, музокараларни, агар уларни қандай олиб бориш маълум бўлса, стратегик нуқтаи назардан таҳлил қилиш мумкин. Бошқа томондан, уларни нимани келтириб чиқариши мумкинлиги нуқтаи назаридан кўриб чиқиш мумкин, бу кооператив қарор ҳисобланади. «Нэш дастури» деб аталувчи дастур мавжуд, бунда кооператив қарорлар асосида нокооператив ижро ётади. Масалан, муқобилларнинг мавжуд бўлиши савдода етарлича табиий стратегик кўрсатма ҳисобланади ва Нэшнинг аксиоматик қарорларини аниқ олиб боради. Буни Рубинштейн ва Бинмор муваффақиятли исботлашган.*

Ауманн: Стратегик ва коалицион қарорлар ўртасидаги бундай «кўприклар» бундай ёндашувлар қиёсланмайди деб айтиш нотўғри. Бундай «кўприкни» куриш учун сиз тўқнаш келган ҳолатлар нокооператив ҳисобланишини аниқ билиб олишингиз зарур. «Халқ теоремаси»ни шундай кўприклар қаторига киритиш мумкин, биз булар ҳақда юқорида батафсил гапириб ўтдик.

Ҳарт: *Сиз аввал исботламай туриб, ҳеч нарсага ишонмайсиз.*

Ауманн: Мен математика ҳақида жуда кам мутолаа қиламан, ундан фақатгина менга нимадир керак бўлгандагина фойдаланаман. Шунинг учун мен мақолаларни ўқиганимда, улар буни қандай исботлаганлари – мен учун жуда қизик. Одатда, биринчи қарашда мен исбот топа олмайман, кейин исбот излашга киришаман.

Лекин, аслида, буларни талабаларимдан эшитиш – қизикроқ. Сиз бу борада қандай фикрдасиз, профессор Ҳарт?

Ҳарт: *Аксарият докторант-тадқиқотчилар ўз диссертациялари устидаги ишларини тезроқ яқунлашга ҳаракат қиладилар. Ауманнинг шогирдлари, аксинча, кўпроқ вақт ишлашни ёқтирадилар. Бу ҳаётимдаги энг яхши даврлардан бири бўлган, яъни фаол тадқиқот иши, профессор Ауманн билан доимий равишда юзага келувчи гоялар билан алмашиш. Бу менга келгусида ҳам жуда катта ёрдам берган. Докторлик диссертациясини ёзишда яхши раҳбарни танлаш, бу – энг яхши танловдир. Бу мавзуда жуда узоқ гапириш мумкин.*

Келинг, энди сизнинг ҳаммуаллифларингиз ҳақида гаплашайлик. Сизнинг асосий ҳаммуаллифларингиз Шепли, Маилер, Куриц ва Дрез-



Моргенштерн хотирасига бағишланган маъруза. Боб Ауманн (биринчи қаторда), Дон Патинкин, Майк Машлер, Кен Эрроу (иккинчи қатор, чандан ўннга), Том Шеллинг (учинчи қатор, чандан иккинчи), Маршал Сарнат, Жонатан Шалев, Майкл Бинсток, Дитер Балкенборг, Эйтан Шешински, Эдна Ульмани-Маргалит, Майя Бар-Хилель, Гершон Бен Шахар, Бенжамин Вайс, Рубен Гронау, Мотти Перри, Менахем Йаари, Цур Шапиро, Дэвид Будеску, Гэри Борнштейн. Иерусалим, 1994 й.

лар бўлган, тўғрими? Лекин, улардан ташқари яна юзлаб исмлар бор. Уларнинг ҳар бири диққатини бир муайян мавзуга қаратган.

Ауманн: Шубҳасиз, мен уларнинг кўпчилигидан қарздорман. Ким биландир ҳамкорликдаги ишлар, бу – жуда улкан иш. Бу ҳамма нарсани мураккаблаштиради, чунки ҳар кимнинг ўз шахсий фикри, шахсий дунёқараши бор ва, албатта, концептуал ҳолатлар бўйича фикрлар зиддияти ҳам юзага келиши мумкин. Бу соф математикада, мана сизга теорема, мана сизга исбот. Математикада қандай теоремани танлаш борасида мунозаралар бўлиши мумкин, лекин соф математикада сиз фикрлар қарама-қаршилигини кўрмайсиз.

Харт: *Биз сиз билан ҳаётингиз давомида барча жабҳалар, амалга оширган илмий ишларингиз ҳақида атрофлича суҳбатлашдик. Келинг, энди сиз истаганингиздек уруш ҳақида гаплашсак.*



Ауманн: Анча йиллар аввалроқ ўйинлар назариясининг етук олими, мутахассис, сиёсатшунос Барри О'Нейл бу ерда ўз маърузаси билан қатнашиб, биз ҳали узоқ вақт курашамиз, курашимиз яқунига етгани йўқ ҳали деган сўзлари мени ҳайратга солди.

Аслида, ҳеч нарса инсон ҳаётида бундай оғир, кўнгилга оғриқли ботувчи из қолдирмайди. Уруш ва дин, бу – ҳаётимизда доимо мавжуд бўлган ва бўлишда давом этувчи нарсалардир.

Бу худди саратон касаллигига ўхшайди. Бир томондан, саратоннинг маълум туридан келиб чиққан ҳолда куйидаги савол билан чекланиш мумкин. Уни енгиш учун биз нима қила оламиз? Кимёвий даволашми? Нурлантиришми? Жарроҳлик аралашувими? Даволаш усулларининг қайсиси самаралироқлигини билиш учун статистик тадқиқот олиб бориш лозим. Бу саратонга қарши курашнинг яна бир туридир. Бошқа ёндашув, яъни фақатгина ўзимиздан саратон, бу нима деб сўраш. У қандай кечади? Ҳеч ким ундан қутулиш йўлини излашдан воз кеча олмайди. Дастлаб, келинг, бу ўзи нима эканлигини тушуниб олайлик. Нимадан бошланади ва қандай йўл билан тарқалади? Қанчалик тезликда? Киши саратон касаллиги билан оғрив, қайси тўқималар тезроқ зарарланади? Фақатгина оддий йўл билан ушбу саволларни тадқиқ этинг. Ушбу саволларга жавоб олишингиз биланоқ сизда курашиш усули пайдо бўлар эҳтимол.

Ҳарт: *Шундай қилиб, уруш ва тинчлик масаласига стандарт ёндашув уни мисоли «қора қути» сингари кўриб чиқиши лозим. Шунинг учун махсус ечимларни қўллашга ҳаракат қиламиз. Сиз қайси ёндашувни тўғри деб биласиз. Бунинг ўрнига, симптомларга қарши курашиш эмас, балки «қора қути» ичида нима борлигини тушуниш лозим.*

Ауманн: Мутлақо тўғри. Эҳтимол, жуда кучли низони ҳал этиш жуда қийин.

Ҳарт: *Сухбатимиз яқунида бундай ажойиб суҳбатимиз учун сиздан жуда миннатдорлигимини изҳор этмоқчиман, устоз.*

Ауманн: Сизга ҳам жуда катта раҳмат, суҳбатимиз жуда қизгин давом этди.

Суҳбатни Сержиу Ҳарт олиб борди.

*Иерусалим Яҳудийлар университети,
2004 йил.*



ТОМАС ЖОН САРЖЕНТ



Америкалик иқтисодчи Томас Жон Саржент 1943 йил 19 июлда Калифорниянинг Пасадена штатида туғилган. Саржент ўрта мактабни аъло баҳолар билан тамомлаган. Гарварддаги Саржентнинг синфдошлари орасида Кристофер А.Симс ҳам бор эди. У АҚШ армиясида биринчи лейтенант ва капитан сифатида хизмат қилгандан сўнг, ўқитувчилик қилишга ўтади. Пенсильвания университети (1970–1971), Миннесота университети (1971–1987), Чикаго университети (1991–1998), Стенфорд университети (1998–2002) ва Принстон университети (2009)да ўқитувчи лавозимларида ишлаган.

Ҳозирда Нью-Йорк университети иқтисод профессори ҳисобланади (2002 йилдан буён). У 1976 йилда Эконометрик жамият президенти лавозимида ишлаган. 1983 йилда Саржент Миллий Фанлар академиясига, шунингдек, Америка Бадиий ва фанлар академияси президентлигига сайланди. У 1987 йилдан бери Стенфорд университетидаги Гувер институти катта ходими, Пенсильвания университети Пенн иқтисодий тадқиқотлар институти маслаҳат кенгаши аъзоси ва 2015 йилдан буён Сингапур менежмент университети Иқтисодиёт мактаби таниқли профессори ҳисобланади.

У 1964 йилда Калифорния штатидаги Беркли университетида «1964 йилги синфнинг энг таниқли олими» сифатида университет медали соҳиби бўлган ва Гарвардда докторлик диссертациясини 1968 йилда Жон Р.Мейер назорати остида ҳимоя қилган.



ТОМАС САРЖЕНТ БИЛАН СУХБАТ

1970-йилларда рационал тахминлар гипотезаси макроиктисодиётга осон кириб борган ва унинг ландшафтини узоқ вақтга ўзгартирди. Бунда микроиктисодиётда ўзининг устувор парадигмасини сақлаб қолган, оқилона тахминлар гипотезаси эса стандарт қарорлар концепцияси сифатида – назарий сингари, амалий макроиктисодий моделлаштиришда ҳам фойдаланилган. Гипотеза дастлаб 1960-йилларнинг бошларида Жон Мут кичик томонидан ифодалаб берилган. 1970-йилларда эса Томас (Том) Саржент ва Роберт Лукас ўзларининг оқилона тахминлар соҳасидаги тадқиқотларини намоён этган ҳолда макроиктисодиётда ҳақиқий инқилоб қилишди.



Томас Саржент

Саржентнинг 1970 йил бошларидаги янада муҳим ишлари эмпирик ва эконометрик тадқиқотларда оқилона тахминларни қўллаш билан боғлиқ бўлган. Ўзининг 1970 йилда ёзган «Жадаллаштирилган ўсиш тарафдорлари билан тортишувлар борасидаги белгилар» («A Note on the Accelerationist Controversy») номли ишида Томас рационал тахминлардан фойдаланишнинг яққол намуналарини келтириб, бунда ушбу ҳолатда табиий тенгламалар гипотезаси учун стандарт эконометрик тестларни қўллаш асосизлигини кўрсатиб берган. Бу нашрдан кейин рационал тахминлар гипотезасидан келиб чиққан ҳолда асосий макроиктисодий ўзаро алоқалар учун ўхшаш тестларни ўтказиш бўйича мавзулаштирилган асосий ишлари чоп этилди. Ўз навбатида, охиргилари ўзаро макроиктисодий алоқалар ва моделларни ўрганишнинг эконометрик усулини ишлаб чиқишни талаб этувчи «тўқнашувчи эгри тенгламалар чекловлари» деб номланган янги чекловлар шакли пайдо бўлишига олиб келди.

Том кўпгина соҳаларда янги ишларни амалга оширган. Унинг 1970-йилларда эконометрика бўйича илк ишлари, табиий ишсизлик дара-



Миннесота дарёси,
1974 йил, август.

жаси, пулларга нисбатан реал фоиз ставкалари нейтраллиги, меҳнатга талабнинг динамик модели, гиперинфляцияни амалий тадқиқ этиш, «классик рационал» тахминлар моделларида пуллар нейтраллиги тестларига тааллуқли бўлган. Рационал тахминлар эконометрикасига ҳисса қўшишдан ташқари Саржент бир вақтда назарий макроиқтисодиётда ҳам бир нечта йирик кашфиётларни амалга оширди. Масалан, рационал тахминлар мувозанати шароитида барқарор эгарли траекториялар таърифи, самарасиз сиёсат теоремаси (иккала ишни ҳам Нейл Уоллес билан ҳамкорликда амалга оширган), шунингдек, пуллар нейтраллигининг рационал ва иррационал назариясининг кузатилган эквивалентлигини ёритиб берди.

Кейинроқ Том иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида рационал тахминлар парадигмасидан фойдаланиш устида ўз ишини давом эттирди. Бунинг иккита ёрқин мисоли: инфляцияга нисбатан давлат бюджети чекловларидан фойдаланиш ва «монетаристларнинг ёқимсиз арифметикаси» (Нейл Уоллес билан ҳамкорликда) ҳамда Европада ишсизлик омиллари (Ларс Юнквист билан ҳамкорликда).

Томнинг рационал тахминлар гипотезасига асосланган ҳолда макроиқтисодиётга таъсири ушбу мавзу бўйича янада узоқроққа бориб тақалади. Унинг 1979 йилда чоп этилган «Макроиқтисодий назария» («Macroeconomic Theory») номли дарслиги талабалар-магистрантларни макроиқтисодиётнинг янги қирралари билан таништирди, бунда муваққат қаторлар таҳлили бутунлай макроназарияга ўзгартирилган, макроиқтисодий мувозанат эса стохастик жараён сифатида кўриб чиқилади.

Саржентнинг изланишлари рационал тахмин парадигмасини ривожлантириш ва татбиқ этиш билан чекланмади. Ҳақиқий олим сифатида у рационалликнинг назарий асослари билан ҳам қизиқди. Сухбатимиз давомида у рационал тахминлар концепциясини илк танқиди уни



1980-йилларда, «билимлар назарияси» (унинг доирасида рационал тахминлар асослари ўрганилган) деб номланган тадқиқот иши билан шуғулланувчиларнинг олдига қай тарзда етаклаб борганини сўзлаб берди.

Бу соҳада ҳам Том биринчи кашфиётчилардан бирига айланди. Унинг 1989 йилда Альберт Марсет билан ҳамкорликда чоп этган ишларида умумий концепцияда кичик квадратлар ва рационал тахминлар мувозанати тўғрисидаги билимлар конвергенцияси тахлили учун стохастик аппроксимация воситаларидан қай тариха фойдаланиш ҳақида баён этилган. Томнинг «Макроиктисодиётда чекланган рационаллик» («Bounded Rationality in Macroeconomics», 1993) номли китоби шундай ёндашувни кенгроқ тарғиб этишга кўмаклашди ҳамда 1990 йилда кузатилган, мавзунини ўрганиш борасидаги тадқиқотлар фаол ўсишининг бир қисмига айланди.

Томнинг «Америкада инфляцияга қарши кураш» («The Conquest of American Inflation», 1999) номли китобида мувозанат ҳолатидан тасодифий сезиларли чекиниш ҳисобланган «чекиниш йўллари» мавжуд бўлиши эҳтимоли кўрсатилганлиги эътиборни тортади ҳамда қизиқиш уйғотади.

Томнинг «Америкада инфляцияга қарши кураш» («The Conquest of American Inflation», 1999) номли китобида мувозанат ҳолатидан тасодифий сезиларли чекиниш ҳисобланган «чекиниш йўллари» мавжуд бўлиши эҳтимоли кўрсатилганлиги эътиборни тортади ҳамда қизиқиш уйғотади.

Ундан ташқари, ушбу мавзуга яқинроқ, масалан, моделнинг барқарор ва нотўғри ихтисослаштирилиши масалалари бўйича тадқиқотлар ҳам бўлган, бунда Том (Ларс Хансен билан ҳамкорликда) катта муваффақиятларга эришган.

Биз санаб ўтган, яъни Томнинг ютуқлари чуқур ва доираси улкан, лекин Том шу йиллар давомида бажаришга улгурган ишларнинг ҳаммаси эмас эди. Саржент иқтисодий тарих соҳасида ҳам катта тадқиқот ишларини олиб борган. Унинг ўртача ва тахминий инфляция билан боғлиқ тадқиқотлари (Франсуа Вельд билан бирга) нисбатан камроқ услубий характерга эга, лекин мазкур ишларда барча муаммолар ҳам рационал тахминлар нуқтаи назаридан кўриб чиқилишини сезмасликнинг иложи йўқ.



Гавайи, 1980 йил,
сентябрь.



Томнинг кўплаб ҳаммуаллифлари, тадқиқотчилар ҳамда талабалари унинг қобилияти ва қудратини яхши ҳис эта олишган. Бизнинг ноода-тий форматда олиб борган суҳбатимиз ҳам Том Саржентнинг фикрлаш тарзини тушуниш имконини берди. Биз суҳбатни асосий масалалардан бошладик, суҳбатимиз сўнгида эса Том ўзининг олим сифатидаги иш тажрибаси ҳақида гапириб берди.

РАЦИОНАЛ ТАХМИНЛАР ЭКОНОМЕТРИКАСИ

Эванс ва Хонкапохья: *Рационал тахминлар мавзусига қай тариқа келиб қолдингиз?*

Саржент: Мен магистратурада ўқиган давримда, макроиктисодчилар ва амалий иқтисодиёт ихтисослигига эга бўлган бошқа олимлар шуғулланган баҳолаш ва талқин этиш мавзулар рейтингининг юқори поғонасини эгаллаган эди. Тақсимланганлар юқори ўлчамли объектлар ҳисобланганлиги туфайли, Солоу, Йоргенсон, Грилихес, Нерлов ва Алмон каби олимлар ушбу тақсимотларни, масалан, лаг операторида қуйи тартибли полином коэффициентлардан фойдаланиш орқали янада мосроқ тарзда ўлчамлаштириш имконини излаш билан шуғулланганлар. Кейган ва Фридман кишиларнинг ўлчанувчан тахминлари сингари мослашувчан тахминлар учун ўзларининг геометрик тарзда тақсимланган лаг талқин этилади. Карнеги университетида Майкл Ловелл менга Жон Мутнинг 1960 йилда «Journal of the American Statistical Association»да чоп этилган «Экспоненциал ўлчанган башоратларнинг оптимал хусусиятлари» («Optimal Properties of Exponentially Weighted Forecasts») номли ишини ўқиб чиқишимни маслаҳат берди. Бу ишда стохастик жараённинг «қайта лойиҳалаштириш» ҳисобига доимий даромад учун такомиллаштирилган мос тахминларнинг Фридман модели ҳақида сўз борган. Кенгеннинг тахминлар формуласи келгуси даврларга даромадлари тарихидан келиб чиққан ҳолда келгуси даромадларни математик тахминига тенг. Муг, башоратлашнинг ушбу стохастик жараёни тақсимланган лаг сингари, келажакни башоратлаш учун фойдаланиладиган шартланувчи ўзгарувчиларни ҳам аниқлаши лозим.

Шартланган ўзгарувчилар масаласи макроиктисодиёт учун Грейджер-Винернинг сабаблилик концепциясининг аҳамиятини тушунишга мажбур қилади.

Эванс ва Хонкапохья: *Сиз қачон тақсимланган лаг ёки векторли авторегрессия учун ўзингизнинг эмпирик ишингизда рационал тахминлар концепциясидан илк бор фойдалангансиз?*



Саржент: Ўзимнинг 1975 йилдаги – табиий ишсизлик даражаси гипотезасини тест қилишдаги ишимда қўллаганман. Мен кесишувчи тенгламалар релевант чекловларини аниқладим ва улар асосан тақсимланган лагда «кўрсаткичлар йиғиндиси»ни тест қилишни кўзда тутмаслигини кўрсатиб бердим, чунки охириги табиий даража гипотезасини тест қилиш учун қўлланилган. Бу осон кечди, чунки ушбу муаммо учун мен инфляция экзоген омил ҳисобланиши ҳамда жараёнда фойдаланишини кўрсатиб бердим. Менинг 1973 ва 1977 йилларда ёзган рационал тахминлар ва гиперинфляция бўйича ишларим нисбатан қийинроқ масалани ҳал этиш билан боғлиқ бўлган. Ўз ишларимда мен, пул ва нархларнинг қайта лойиҳалаштирилиши орқали тебранишида кесишувчан тенгламаларнинг чекловлари қўшма жараён бўлиб, Кейган мос тахминлар формуласи оптимал башоратларни бериши ҳақида гапириб ўтганман. Кейган модели шу кўринишдаги маълумотларга мос келганлиги учун бу иш билан шуғулланишга арзийди. Рационал тахминлар Кейган тадқиқ этган гиперинфляция шароитида кўп ҳолатларда аҳамиятга эга бўлган пул ва нархлар ўртасида Грейнжернинг сабаблилик тузилиши тўғрисида кўп маълумотлар берган.



Эванс ва Хонкапохья: *Эконометрика нуқтаи назаридан рационал тахминларга нисбатан сизни нима кўпроқ хавотирга солган?*

Саржент: Кесишувчан тенгламалар чекловлари ва тахминлар билан боғлиқ бирор-бир эркин параметрларнинг йўқолиши.

Эванс ва Хонкапохья: *«Йўқолиш» замирида сиз нимани назарда тутдингиз?*

Саржент: Рационал тахминлар моделларида кишиларнинг маслаклари дастлабки маълумотлар эмас, балки назариялаштиришимизнинг натижаси ҳисобланади.

Эванс ва Хонкапохья: *Кишилар фойдаланадиган моделлар ўртасидаги фарқлар макроиқтисодий сиёсат доирасида муҳим баҳсларнинг таркибий қисми ҳисобланади деб ўйлайсизми?*

Саржент: Гап шундаки, рационал тахминларнинг ўзига хос моделларидан келиб чиққан ҳолда ушбу фарқлар тўғрисида гапиришнинг иложи йўқ. Чунки «Моделлар умумийлиги» тушунчаси мавжуд.



**Каролин билан бирга Санторинода,
2001 йил**

Барча агентлар моделнинг ичида бўлиб, айнан битта модель эконометрика бўйича мутахассисга ҳам тўғри келиши мумкин. Рационал тахминларни амалиётда самарали қўллаш, хусусан, кесишувчан тенгламаларни чеклаш ва умумлаштириш усули асосида лаҳзаларни баҳолашнинг маълум сонлар қонунига мурожаат қилиш кўп сонли моделларнинг натижаси ҳисобланади.

Эванс ва Хонкапохья: *«Лукас танқиди»да кесишувчан тенгламаларнинг чекланиши қандай аҳамиятга эга?*

Саржент: Энг муҳими. «Лукас танқиди» амалий макроиқтисодиёт вакиллари ва эконометрикашунослар кесишувчан тенгламаларнинг бу каби чекловларини қўллаш йўллари излашга чорлади. Унинг ишида учта мисол келтирилади. У ерда мавжуд бўлган кесишувчан тенгламаларнинг чекловлари тўғрисида, шунингдек, тахминларини ёритувчи эркин ўлчовларнинг йўқлиги тўғрисида ҳам гапириб ўтилган. Агар «Лукас танқиди» ҳақида қисқача айтадиган бўлсак, у рационал тахминларни «кесишувчан тенгламалар чекловларини менсимаслик, у иқтисодий сиёсатни баҳолаш учун ўта муҳимдир» деган сўзлар билан ёритиш мумкин.

Эванс ва Хонкапохья: *Кесишувчан тенгламалар чекловлари тўғрисида Роберт Лукас ўз «танқид»ининг биринчи қисмида нима ҳақда гапирган?*

Саржент: Деярли ҳеч нарса. Лукас кейнсчиларга зарба бериш учун кўшимча омиллар ва коэффициент чекинишлари исботларидан фойдаланган, лекин мен китобда кузатилган чекинишларни тушунтириб беришга ҳаракат қилдим. У келтирган учта мисол стационал тузилмаларни ҳам намоён этади. Мазкур ҳолатда, агар сиз кейнсчиларнинг «нотўғри» моделларидан бирдан фойдаланишга уриниб кўрсангиз-да, маълумотлар коэффициент чекинишларига эга бўлмайди. Шунинг учун мен ишнинг биринчи ва иккинчи қисми ўзаро суст боғланган дейишим мумкин.

Эванс ва Хонкапохья: *Сиз «Лукас танқиди»да иштироким бор деб ўйлайсизми?*



Саржент: Сиз нимани назарда тутишингизга қараб. 1973 йил баҳорида рационал тахминлар бўйича Миннесота университетида бўлиб ўтган анжуманда Лукас иштирок этган. Анжуманнинг эртасига Питтсбургдан қўнғироқ қилишди менга. Боб ўзининг қўлёмасини йўқотиб қўйди, бу воқеа анжуман вақтида юз берган бўлса керак. Мен Ford Hall га бордим. У ерда анжуман ўтказилаётганди ва мен бир даста сариқ қоғозга эга папка топдим. Бу «Лукас танқиди» эди. Мен қўлёмани почта орқали Бобга жўнатдим. Айтиш мумкинки, мен ҳам «танқид»га алоқадорман.

Эванс ва Хонкапохья: *«Лукас танқиди»га илмий доиралардаги фикрлар, сизнингча, қай даражада муҳим?*

Саржент: Улар иккита эди. Биринчиси, янада оптимистик-рационал тахминлар эконометрикасига тааллуқли. Рационал тахминлар мувозанати – тўғри функциядир. Уни ошириш керак.

Эванс ва Хонкапохья: *Нима учун оптимистик?*

Саржент: Ҳақиқатнамо функциясидан фойдаланиш учун ўз моделига ишонини зарур. У кишини қизиқтираётган объектни (афзалликлар, технологиялар, ахборот кўплиги, ўлчов жараёнлари) сиз ишонган модель маъносида аниқ баҳолаш имконини беради.

Эванс ва Хонкапохья: *Иккинчи фикр қандай бўлган?*

Саржент: Турли текширувлар. Уларни сизнинг назариянгиз ёрдамида олиниши мумкин бўлганларга нисбатан оптимистик руҳи камроқ. Сиз ўз моделингизга ишонмасангиз ундан фойдаланмайсиз. Сизнингча, моделингиз қисман нотўғри ёки тўлиқсиз ўзига хосликка эга ёки сиз кимнинг моделига ёки маълумотлар массивига кўпроқ ишонасиз. Эслашимча, Боб Лукас ва Эд Прескотт дастлаб рационал тахминлар эконометрикасидан ҳайратда эдилар. Лекин, пировардида, у бизга айнан ўша юқори стандартларни уқтириб, уларга амал қилмаганликлари учун кейнсчиларни танқид қилганмиз деди. Тестлар бажарилгандан кейин деярли беш йил ўтгач рационал тахминлар моделлари бўйича ҳақиқатнамо муносабатлар Боб Лукас ва Эд Прескотт фикрларича, бундай тестлар жуда кўп яхши моделларни рад этган дейилади.

Текширув ғояси моделни қўллашнинг қатор эҳтимолий вариантлари бошқаларини сақлаган ҳолда тан олмасликдан иборат. Текширув моделингиз нотўғрилигига қарамай, иқтисодий сиёсатнинг микдорий таҳлил этиш воситаси сифатида қимматга эга бўлиб бораётганлиги кўриб чиқилган.

Эванс ва Хонкапохья: *Нима учун сиз «турли текширув» деяп-сиз?*



Саржент: Турли кишилар текшириш замирида ҳар хил ҳолатни тушунишади. Баъзилар учун бу «ташқи баҳодан фойдаланиш»дир. Улар аввалги тадқиқотлардан олинган баҳоларни қўллайдилар ва уларни таниқли катталиклар сингари намоён этади. Маълумки, ташқи баҳолаш моделингизга зид бўлган эконометрик ихтисосликдан фойдаланишга дуч келасиз. Аввалдан маълум бўлган ташқи ўлчамларни кўриб чиққан ҳолда сиз уларнинг атрофидаги ноаниқликлар «булутларини» менсимайди – оригинал тадқиқотчиларга берилган баҳолаш ноаниқликлари билан боғлиқ «булутлар», шунингдек, бошқа тадқиқотчи ўз баҳосини ўтказиши асос бўлган эконометрик ўзига хосликка ишониш зарурати билан боғлиқ «ўзига хослик хатари»дан «булутлар»ни назарга илмай-сиз.

Бошқа олимлар, масалан, Ларри Кристиано ва Марти Эйхенбаум текширув замирида модель учун лаҳзаларнинг кўплик шартидан ва мавжуд маълумотлар массивидан фойдаланиш асосида лаҳзаларни баҳолашнинг умумлаштирилган усулини назарда тутишган. Моделларнинг сезиларли ноаниқ ифодаланмаган ёки шубҳали жиҳатларини изоҳлаш учун стандарт хатоларни аниқлашнинг турли усуллари мавжуд. Айтганча, стандарт хатоларни аниқлашнинг бу усуллари, биз Ларс Хансон билан фойдаланган робастли бошқарув назарияларидан бирини эслатовчи, минимакснинг аксига эга.

Эванс ва Хонкапохья: *Жавобларнинг максимал ҳақиқатнамоллиги қандай масала ва у баҳоланадиган шароитлар ёки уларнинг байес аналоглари аниқланишини биламизми? Жавоб учун қандай савол қарама-қарши бўлади?*

Саржент: Мен билган жавоблар орасида энг яхшиси Хансен ва бошқа олимлар томонидан ёзилган ЛУУ (лаҳзаларнинг умумлаштирилган усули) ишида келтирилган. Мазкур ишда улар нима сабабдан ЛУУ – сиз тўлиқ ишонч ҳосил қилмаган моделнинг тавсифларини баҳолашнинг энг яхши усули эканлигини кўрсатмоқдалар.

Эванс ва Хонкапохья: *Макроиқтисодиётда текширишдан фойдаланиш илк қадам деб ҳисоблайсизми?*

Саржент: Аксарият ҳисобларга кўра, ҳа. Мен буни Бобнинг фикрларини айтиб беришга конструктив таъсир сифатида кўриб чиқаман, «сизнинг ҳақиқат яқинлик назариясига мўлжалланган тестларингиз бир нечта яхши моделларни рад этади». Ўша вақт замирида рационал тахминларга асосланган макроиқтисодий ёндашув, обрўли шахслар томонидан қарама-қаршиликларга учраган. Ҳақиқатнамо муносабатларнинг бу каби тестларини яхлит моделлар синфини рад этувчилар син-



гари скептиклар ва оппонентлар нотўғри талқин этиш хавфи мавжуд бўлган, бу эса нотўғри эди. (Тўлиқ модель сингари ҳақиқатнамо функциянинг ички мантиқи ушбу масалани изоҳлаб беришга қаратилган).

Текширув, шунингдек, максимал ҳақиқатнамога нисбатан стандартларимиз даражасини қискартириш йўли билан рационал тахминлар моделлари ва маълумотларни келиштириш ҳамда моделларимиз белгилаши мумкин бўлган маълумотларнинг тавсифларига урғу беришда тажрибага эга бўлиш жараёнини давом эттириш йўли эди. Ҳақиқатнамо муносабатларнинг мудҳиш статистикаси нуктаи назаридан барбод бўлиши тўғрисида гапириш ўрнига сиз белгилашингиз мумкин бўлган тавсифлар тўғрисида эълон қилинг ва изоҳ талаб этувчи тавсифларни изоҳланмаган тавсифларига урғу беринг.

Ҳақиқатнамо муносабатларнинг бу каби тестларига мантиқий таъсир бўлганини айтиши мумкин. Бу ихтиёримиздаги ресурслар етишмаслигига ҳам таъсирдир. Динамик мувозанатнинг макроназариясини яратиш, уларни баҳолаш учун вақтинчалик қаторларнинг эконометрлик моделларини тузиш, бу – муҳим ва мураккаб вазифа эди. Кимдир «хужумнинг» изчил режасини ихтисослаштириш ва фойдаланиш вақти келганини айтди: келинг, дастлаб барча ресурсларни ўз нуктаи назаримиздан қизиқарли механизмларни бирлаштириш учун қатор ишончли мувозанат моделларини қай тариха яратишни тушуниб олишимиз керак. Кейинроқ, моделлаштириш технологиясига эга бўлганимиздан сўнг ўз баҳоларимизни белгилашда эҳтиёткор бўламиз.

Эванс ва Хонкапохья: *Ҳақиқатнамода турли усуллардан фойдаланиш макроиқтисодиётда яна оммалашаётгандек туюлмаётими?*

Саржент: Ҳа, сиз ҳақсиз. Рационал тахминлар мувозанати ҳақиқатнамолик функциясини намоён этади, шунинг учун уни доимий равишда эътибордан четда қолдиришнинг иложи йўқ. 1980-йилларда «ҳақиқатнамолик функциясини максималлаштириш жуда оғир» деб айтиш маъносиз дейилган вазиятлар бўлган. 2000-йилларда бундай вазиятлар камайди.

Биринчидан, компьютерлар янада кучайди, ҳақиқатнамо функцияси тушучаси учун тасодифий излаш алгоритмларидан бири ёки навбатдагисини қуриш сифатида кўриб чиқилиши мумкин бўлган Монте-Карло (МСМС – Markov Chain Monte Carlo) денгиз занжирлари алгоритми эса энди эскирган ҳисобланади. Ундан ташқари, қатор тадқиқотчи-олимлар етарлича шоклар сони ва, уларнинг фикрига кўра, маълумотлар ва ҳақиқатнамоликка асосланган тайёр тартиботларни биргаликда яхши



олиб борувчи рационал тахминлар моделини яратишди. Масалан, Отрок, Сметс ва Витурсларнинг сўнгги моделлари. Логарифмик аппроксимациялар ёрдамида улар, биз 1970-йилларнинг охири ва 1980-йилларнинг бошларида фойдаланган Гаус ҳақиқатнамолик функцияларининг энг рекурсив тасаввуридан фойдаланишлари мумкин.

Сўзсиз, мувозанатнинг баъзи нотекис моделлари учун ҳақиқатнамоликни ёритиб бериш қийин. Лекин, ушбу масалани ҳал этишда сезиларли тараққиёт кузатилган – Тон Смит, Рон Галан, шунингдек, Жорж Таухен ва бошқа олимларга максимал ҳақиқатнамолик даражасига яқин баҳоларни олишнинг турли усуллари ишлаб чиққанликлари учун раҳмат. Менга Галан ва Таухеннинг ҳақиқатнамолик функциясини осон ёритиладиган ёрдамчи моделларга мос келувчи максимал ҳақиқатнамолик учун биринчи тартиб – моментлар шартларидан фойдаланиш борасидаги ғояси маълум кўрсатма бўлди.

Эванс ва Хонкапохья: *Замирида ҳақиқатнамолик ётувчи ёндашувларда улардан макромоделлардан фойдаланиш учун қандайдир тўсиқлар мавжуд бўлган деб ўйлайсизми?*

Саржент: Ҳа. Масалан, агар тузилмани қолдирмасак, у ҳолда ихтисосликнинг асосий тавсифларига сезгирликни тўлиқ автоном таҳлил қилиш қийинроқ кечади.

Эванс ва Хонкапохья: *Ҳақиқатнамоликка асосланган бу каби усуллар замирида ЛУУ (лаҳзаларнинг умумлаштирилган усули) ётувчи усуллари йўқ қилади ва улар тўлиқ ҳақиқатнамоликдан нима учун фойдаланишди деб ҳисоблайсизми?*

Саржент: Йўқ бундай деб ўйламайман. ЛУУ ва бошқа текшириш стратегиялари, олим ўз ихтисослигининг бир қисмига бу барқарорликка тааллуқли бўлган вақтда катта аҳамиятга эга бўлади.

Эванс ва Хонкапохья: *Нима сабабдан сиз макроиқтисодиётда иррационал тахминлар назарияси билан шуғулланишни бошладингиз?*

Саржент: Дастлаб, бизларнинг рационал тахминларимиз тушунчасини мустаҳкамлаш ва кенгайтириш масласига тўхталсак. 1970-йилларда рационал тахминлар концепцияси, иқтисодиёт тўғрисида ҳаддан ташқари кўп билимларни берганлиги учун қатъий танқидга учради. 1970-йиллар ўрталарида рационал тахминларнинг макроиқтисодий назариялар билан шуғулланиш қизиқ бўлган, чунки рационал тахминлар доирасидаги бутун муҳит скептицизм руҳи сингдирилган эди.

Бундай танқидга қарши туриш учун мен Маргарет Брей ва Дэвид Крепсларнинг тадқиқотлари дастурига аъзо бўлдим. Уларнинг ғояси



рационал тахминлардан агентларнинг «мияларини тозалаш», кейин эса ўрганиш алгоритмлари ва маълумотлар хронологияси билан таъминлашдан иборат эди. Уларнинг хатти-ҳаракатлари, Дэвид Крепс таърифига кўра, «тахминий фойдалилик»ни мослаштириш имконини берган. Сиз ўтиш тенгламаларининг сўнгги баҳосини доимий сифатида кўриб чиққан ҳолда оптималлаштирасиз, ўзингизнинг ўтиш тенгламаларингизни янгиланг, янада оптималлаштиринг, яна янгиланг ва ҳ. (Бу ўйинлар назариясида «тасаввурларнинг роли»га ўхшайди. Крепс бу ҳанузгача «иррационал» бўлса, у ҳолда «рационал»ни аниқлаш қийин бўлганда, бу фойдаланиш маънога эга бўлмайди).

Крепснинг Шварц хотирасига бағишланган маърузаси унинг «тахминий фойдалилик» ғояси жозибадорлигига сизни ишонтирадиган қатор ажойиб ўйинларни ўз ичига олади. Маргарет Брей, Альберт Марсет, Майкл Вудфорл ва сиз иккалангиз, Сяхун Чен ва Хэл Уайт ва бошқалар агентларнинг бундай мослашувчан тизимлари рационал тахминлар мувозанатига чиқарилади. Биргаликда биз фикрлар уйғунлашадиган кенг шароитлар тўпламини кузатдик. Рационал тахминлар мувозанатига ўхшаш ҳолат, бу – мослашувчан агентларга эга тизимлар учун ягона эҳтимолий ўртача нуқтадир. Ўхшаш натижаларни эволюцион йўл билан ва ўйинларнинг мос назариясида эришиш мумкин.

Эванс ва Хонкапохья: *«Бирор номувофиқлик» ҳақида гапирётганингизда нимани назарда тутдингиз?*

Саржент: Сўнгги нуқтасиз амалий шакллар ва шартланувчи ўзгарувчилар нуқтаи назаридан агентларга қанчалик кучли таъсир этишингизга боғлиқ. Энг кичик квадратлар усулидан фойдаланиш бўйича илк ишларда агентларга дастлаб нотўғри, лекин тўғри амалий шакл ва шартли ўзгарувчиларга эга коэффициентлар топширилган. Бунда тизимлар, одатда, рационал тахминлар мувозанатига келтирилган.

Кейинроқ сиз иккинчис, Альберт Марсет ва мен ўз ишларимда агентлардан баъзи релевант шартли ўзгарувчиларни, релевант хронологияларни вақтидан олдин сезиш орқали тортиб олдик. Биз «Ёпик ахборотга таянганларнинг рационал тахминлар мувозанати» сингари кўриб чиқиладиган объектларга эҳтимолий маълумотларни топдик. Чем ва Уайт, агентлар доимий нотўғри амалий шаклларга эга бўлган вазиятларни ўрганиб чиқишди. Уларнинг мос тизимлари баъзи мувозанатга келтирилади, бунда агентларнинг башоратлари амалий шакллар билан қўллаб-қувватланган ахборотлар фильтрацияси синфи доирасида қулай, лекин улар агентларни чеклаб қўйган.



Эванс ва Хонкапохья: *Бу биров нотўғри ихтисосликка эга мувозанатлар рационал тахминлар мувозанатидан қанчалик фарқланади?*

Саржент: Улар кўп томонлама рационал тахминлар мувозанатига ўхшайди. Улар кўпгина ишчи тавсифлар нуқтаи назаридан рационал тахминларнинг тўлиқ мувозанатланишига ўхшайди. Масалан, уларнинг кесишувчан тенгламалар бўйича ўз тўпламлари мавжуд, иқтисодий сиёсатни таҳлил қилишда уларга асосланиш лозим. Улар башорат қилинаётган функцияларга эга агентлар синфи ичида «ўзаро етарлидир». Улар моделларнинг фарқланиш даражасини ўлчовчи Кульбак-Лейблер усули ёрдамида яқинлик даражаси аниқланадиган моделда кўзда тутилган релевант хронологияларга мўлжалланган математик тахминларга максимал даражада яқинлаштирилган. Бу башоратловчи функциялар сингари тавсифланиши мумкин (бу ҳақиқатнамоликнинг кутилган логарифмик муносабатларидир).

Агар улар бир-бирларига етарлича яқин бўлишса, бу ушбу мувозанатлардан бирида яшовчи агент унинг башоратловчи функциясини қанчалик яхшилаш мумкинлигини аниқлаш учун кўп вақт керак бўлиши мумкинлигини англатади. Бироқ, субоптимал башоратловчи функциялар, агар агентларга етарлича қайишқоқ амалий шаклларни берсангиз, масалан, Сяохун Чен ўрганган баҳолаш стратегиясини тақдим этсангиз қўллаб-қувватланмаслиги ҳам мумкин эди. У Уайт билан бирга, қайишқоқ амалий шаклларга мос келиши мумкин бўлган агентларга эга тизим рационал тахминларнинг нотекис мувозанатсизлигига келтириш мисолини келтириб ўтади.

Эванс ва Хонкапохья: *Рационал тахминлар мувозанатнинг ҳақиқатнамолигидан шубҳаланган кишилар ҳақ эдими ёки адашганмиди?*

Саржент: Буларнинг ҳаммаси сиз уларга нисбатан қанчалик бағрикенглик қилишингизга боғлиқ. Агар сиз агентларга тўғри амалий шакллар ва шартли ўзгарувчилар билан ўртоқлашсангиз, ҳатто шу ҳолатда ҳам рационал тахминларнинг фақат баъзи мувозанатлари молашувчан иқтисодиётларнинг ўртача нуқтаси ҳисобланиши мумкин. Сиз иккалангиз ўз китобингизда ўрганишни ҳаракатлантирувчи кучдан фойдаланишда рационал тахминлар қолган мувозанатлари беқарор ҳамда ўрганишда энг кичик кадратлар усули ёрдамида йўқ қилинишини ёритиб бергансиз.

Эхтимол рационал тахминларнинг ўша беқарор мувозанатлари ягона бўлиб, уларни танқидчилар мавҳум деб билганлар, гарчи уларга нис-



батан етарлича бағрикенг бўлсалар ҳам. Менинг фикримча, энг кичик квадратлар усулидан фойдаланган ҳолда ўрганишда йўқ қилинадиган мувозанатларнинг баъзилари шунга лойиқ. Масалан, гиперинфляция моделларида Лаффер эгрисининг «ёмон» мувозанати, у (мен, Альберт Марсет ва Стэн Фишер ҳамда Майкл Брунолар томонидан) аниқланишича, турли ўхшаш схемалар барқарор бўлмайди. Бундай кашфиёт катта инфляцияни камайтириш учун фискал сиёсатни аниқлашда катта аҳамиятга эга бўлади.

Эванс ва Хонкапохья: *Рационал тахминларнинг баъзи мувозанатларини маҳқум қилувчи ва бошқаларини сақлаб қолувчи барқарорликдан келиб чиққан натижалар мослашувчан ўрганишнинг асосий натижаси ҳисобланадими?*

Саржент: Бу натижалар ўрганиш назариясидан фойдаланиш жараёнида олинган. Лекин, барқарорлик теоремалари мувозанатни танлашга нисбатан муҳимроқ нарсани берган деб ҳисоблайман. Агар барқарорлик теоремасига қарасангиз, у ҳолда ўрганиш назарияси бизлардан рационал тахминлар замиридан тушунганларимизни муфассаллаштириб беришимизни талаб этади. Тахминларнинг нотўғри ихтисослигига эга мувозанатларга қўшимча тарзида, аввал таъкидлаб ўтганимдек, у иқтисодиётнинг турли моделлари доирасида ҳар хил баҳсларни кўриб чиқиш имконини берувчи рационал тахминлар мувозанати турларидан бирини кўрсатади.

Эванс ва Хонкапохья: *Сиз нимани назарда тутдингиз?*

Саржент: Ҳақиқатда биз рационал тахминлар мувозанатини «моделлар умумийлиги» нуқтаи назаридан таърифладик. «Модель» замирида мен маълум иқтисодий моделдан фойдаланишнинг барча харажат ва натижалари эҳтимоллигини назарда тутдим. Бундай рационал тахминлар натижалари доирасида агентлар турли ахборотларга, лекин битта моделга эга бўлишлари мумкин. Макроиқтисодиётда ҳам, ўйинлар назариясида ҳам ўрганиш назариялари – энг кичик квадратлар ўрганишнинг турли схемалари табиий ўртача нуқталарини – Крепс, Фуденберг ва Левинлар «ўзига тўқ мувозанатлар» деб атайдилар.

Ўзига тўқ мувозанатларда агентлар иқтисодиётнинг турли моделларига эга бўлишлари мумкин, лекин улар кўпинча мувозанат доирасида рўй берадиган ҳодисаларни ўзаро келиштиришлари лозим. Бу чеклов агентларга мувозанатсизликнинг оқибатларини маъқулламаслик ҳуқуқини беради. Бунинг сабаби шундаки, катта сонлар қонунида бу каби, камдан-кам учрайдиган ҳодисаларда ҳаракатланиш имконияти камроқлигидадир. Биз, кўпинча, макроиқтисодиётда фойдаланадиган



рақобат қоидалари турларида баъзи хусусий агентлар ўртасида мувозанатсизлик траекторияси оқибатларига нисбатан келишмовчиликлар аҳамиятсиз. Бу каби хусусий агентларга мувозанат траекторияси бўйича натижалар тақсимотини лойиҳалаштириш зарур. Агар унинг модели мувозанатсизлик траекториясига нисбатан хато бўлса, у ҳолда контрафактли тажрибаларга нисбатан, масалан, Рамсей муаммоларини ҳал этишда хатолиги учун иқтисодий сиёсатнинг нотўғри танловини амалга ошириши мумкин.

Ўзига тўқ мувозанатдан олинган ҳеч қандай эмпирик исбот ҳукуматни уларнинг моделлари хато эканлигига ишонтира олмайди, чунки у кўпинча тўқнаш келадиган барча ҳодисалар учун тўғридир. Ўз моделини олиш ва ўзгартириш учун ҳукумат тажриба ўтказиши ёки янги назариётчига кулоқ тутиши зарур. Назариётчининг ўзи эса, биринчи қарашда, ўзига тўқ мувозанатнинг аввалги натижалари учун ҳукумат моделига идентификацион кўринган моделни тақдим этиш, лекин ушбу натижалар билан боғлиқ контрафактлар таҳлилини яхшилаши зарур.

Эванс ва Хонкапохья: *Макроиқтисодиётда бунинг бирор-бир қизиқроқ мисоллари мавжудми?*

Саржент: Лукас 1972 йилда ЖЕТда чоп этган ишида табиий даража бўйича фикрлар билдирган дейиш мумкин. Агар 1977 йилда Кидлан ва Прескоттлар ёзган Лукас тарихини биров ўзгартирсак, у ҳолда уларнинг хоронологияловчи баённомаларини ўзгартириш ва Кидлан ва Прескоттлар мувозанатсизлик траекторияси натижаларининг янада сифатлироқ ҳукумат модели ёрдамида яхшилаш мумкин бўлган ўзига тўқ мувозанат сифатида таклиф этган субоптимал вақтга эга изчил мувозанатни янгича талқин қилиш мумкин.

Эванс ва Хонкапохья: *Бу сизнинг «Америкада инфляцияга қарши кураш» китобингиздан олинмаганми?*

Саржент: Ҳа, айнан шундай.

Эванс ва Хонкапохья: *Бинобарин, рационал тахминларни «ўзига тўқ»гача кенгайтирсак, рационал тахминлар таркиби доирасидаги моделларнинг мос келмаслиги тўғрисида гапириш мумкин.*

Саржент: Ҳа, бу – ўзига тўқ мувозанат моделларининг яхши тавсифи. Иқтисодий сиёсат борасидаги мунозарани ўқиб, бу ерда рационал тахминларнинг «коммунистик» модели доирасида акс этиши мумкин бўлган ахборот ёки манфаатлар фарқи асосланган баҳслар деярли йўқлигини кўрдим. Ҳукумат сиёсати тўғрисидаги баъзи баҳслар оппонентлар эмпирик асосга таянган ҳолда иқтисодиётнинг турли амал қилиш моделларини маъқуллашларидан келиб чиқади ва бу улар



моделларини танқид қилишда маълум қийинчиликларни келтириб чиқариши мумкин, чунки улар устувор мувозанатнинг аксарият маълумотларига мос келади.

Эванс ва Хонкапохья: *Ўрганиш назариясининг ҳиссаси яна нималарда намоён бўлган деб ўйлайсиз?*

Саржент: Яна иккита муҳим лаҳза мавжуд. Биринчидан, унинг таркибида конвергенция босқичларининг мувозанатни ҳисоблаш қанчалик қийинлигини англатувчи рационал тахминлар мувозанатига нисбатан натижалари мавжуд. Иккинчидан, биз, ҳатто конвергенция мувозанатнинг эҳтимолий моделида юз берганда ҳам танланган траекториялар «чекиниш йўли» каби экзотик траекторияни кўрсатиши мумкинлигини кузатдик. Улар ўзига тўқ мувозанатдан узоқ муддатли чекинишни кўрсатади ва «деярли мувозанат» сингари малакалаштирилган объектларга ташриф буюришлари мумкин.

Аъло даражада бошқариш муаммоси чекиниш траекториясига хос бўлиши мумкин ва ажойиб хусусиятларга эга «деярли мувозанатли» ҳаракатлантирувчи кучларни шакллантиришга кўмаклашади. Илк бор «Америкада инфляцияга қарши кураш» номли китобимда ишлаган вақтларимда шундай фикрга келган эдим.

Ўз навбатида, Ин-Ку Чо ва Ной Уильямс уларни ривожлантириш учун кўп иш қилишди. Келгусида чекиниш йўллари аниқлаш ҳозирда бизда мавжуд бўлган воситаларга фойдали кўшимчага айланади. Масалан, у Лукас ўз «Танқиди»нинг биринчи қисмида таъкидлаб ўтган дрейф параметрларни кўллаб-қувватлаш сифатида иштирок этиши мумкин, лекин бу сўнгги вақтгача мувозанатнинг оқибатлари сифатида баъзиларимиз талқин қилмаганмиз. Ўзига тўқ мувозанатдан чиққан ҳолда дрейф коэффициенти тушунтириш мумкин бўлган ўзига хос феноменнинг яхши мисоли, Альберт Марсет ва Хуана Пабло Николиннинг АЕРда нашр этилган даврий тақрорланувчи гиперинфляцияси бўйича илмий ишида келтирилган.

Эванс ва Хонкапохья: *«Лукас танқиди» сизнинг Тим билан илмий ишингизга таъсир этдими?*

Саржент: Ҳа, албатта, Симс дрейф тебранишлари учун ҳали етарлича асослар бор экан, дрейф коэффицентининг мавжуд бўлиши эҳтимолиги заифлашишини таъкидлаган. Шунинг учун биз ёмон макроиктисодий кўрсаткичларни олганимизда, бу бизнинг омадимиз келмагани, шунингдек, бу вақтда катта инқироз рўй берган. VARда AR-коэффицентларда дрейфларни аниқлаш, инновацион фаолият билан боғлиқ тебранишлардаги дрейфларга нисбатан бироз қийинроқ.



Бу молиялар билан ўзаро таъсирлашадиганларнинг ишларида фойдаланиладиган стационар кўрсатмаларида яққол намоён бўлган. Шундай қилиб, Симс ва «Омадсизлик ва нотўғри сиёсат» концепциясининг бошқа химоячилари Лукас томонидан белгиланган дрейф нотўғри талқин этилган деб қайд этишади. У дрейф тўғрисида қарор қабул қилиш қоидаси, масалан, дрейфнинг пул-кредит сиёсати қоидалари сифатида кўриб чиқилади. Бунинг сабаби, аслида, нотўғри йўналишларда проекцияланган ҳолда у агентлар томонидан қарорлар қабул қилиш қоидаларида дрейфни акс эттирувчи сифатида стохастик расмиятчиликни нотўғри ҳисоблашдан иборат. Бу эса дрейф коэффициенти сингари, тебранишларга йўл қўювчи эконометрик асосдан фойдаланган ҳолдагина ҳал этилиши мумкин бўлган муҳим масаладир. Тим ва мен, Крис, Тао Чжа ва Фабио Канова сингари ушбу масалаларнинг ечимини топишга ҳаракат қиламиз.

ИҚТИСОДИЙ ТАРИХ

Эванс ва Хонкапохья: *Сизнинг пул тарихи бўйича мақола ва китобларингиз бошқа ишларингиздан сезиларли фарқ қилади. Сизнинг иқтисодий тарих бўйича ишларингизда нима сабабдан тенглама ва расмий эконометрика тўғрисида кам гапирилган? Масалан, «Тўрт йирик инфляция натижалари» («Ends of Four Big Inflation») номли китобингиз ва Вельд билан Француз инқилоби тўғрисидаги ҳамкорликдаги ишингизда шу ҳақда кам эслаб ўтгансиз. Биз сизни нимададир айбламоқчи эмасмиз, лекин мазкур ҳолатда «янги авлод иқтисодий тарихчиси» эмас, балки «Эски тузум иқтисодий тарихчиси»га кўпроқ ўхшайсиз.*

Саржент: Бу – қийин масала. Мен аниқлашим бўйича машқлар ёки киёфаларни бўрттириш сифатида иқтисодий тарихда нималар қилмоқчи эканимни кўриб чиқаман. Сизнинг фикрларингизни торайтирувчи ва шу орқали уни янада ўткирлаштирувчи баъзи макроиқтисодий моделлар тўпламини ўрганиб чиқасиз.

Моделлар сизни маълум унсурлар, масалан, пул-кредит ва фискал сиёсатни мувофиқлаштиришнинг эҳтимолий йўллариини излашга чорлайди. Кейин сиз тарих ва иқтисодий тарих бўйича ишларни ўқийсиз ҳамда бунга хато рақамларни тўплаш сингари қарайсиз. Кўпинча келтирилган маълумотлар хато ёки тўлиқсиздир. Сиз замондошларингизнинг китобларини ўқийсиз, уларнинг бу борадаги фикрлари бир-биридан ҳамда бирор-бир ходиса ва воқеалар бўйича ўз фикрларини



билдирадиган тарихчилардан фарқ қилади. Шунда сиз кузатувларингизнинг баъзиларини текширасиз. Сиз бирон кўринишдаги тартибни жорий қиласиз ва макроиқтисодий назариялар тўпламингиз объектлари нуқтаи назаридан тарихни сўзлаб берасиз. Тарих тўғрилигига ишонайлик.

Эванс ва Хонкапохья: *Тарихни англашингизда сизга рационал тахминлар модели ёрдам бериши?*

Саржент: Ҳа. Сиз тарихий намояндаларнинг қарорларини баҳолашга ҳаракат қиласиз ва бунда, кўпинча, ўтмишга назар ташлашингиз тарихнинг қийинчиликларидан биридир. Ўтмиш тарихида воқеа ва ҳодисаларни тушуниш учун сиз ушбу тарихий намоянда ўрнида туришингиз ва у шу лаҳзада эга бўлган ахборотни ҳамда у таянган назарияни ва у кўзлаган манфаатларни қайта лойиҳалаштиришингиз зарур.

Бунга эришиш – қийин вазифа. Лекин, бизнинг рационал тахминлар назариямиз ва қарорларни қабул қилиш назариянгиз – таҳлил олиб боришда яхшигина баҳсдир. Айтганча, ҳаёлимда тарих сизни башоратлашнинг алоҳида моделларидан, кишилар ноаниқлик шароитларида башоратлашнинг нетривал муаммоларига дуч келадиган моделлар томон чорлаётгандек туюлди.

Эванс ва Хонкапохья: *Қизиқ. Лекин, сиз тарихга оид ишларингиз бошқа ишларингизга нисбатан нима учун норасмий деган саволимизга жавоб бермадингиз?*

Саржент: Мен билмадим. Мен бош қотирган аксарият тарихий муаммоларда бир рационал тахминлар мувозанатидан бошқасига ўтиш разрядига тааллуқли эпизодлар ҳам бўлган. Масалан, гиперинфляция даври якунланиши; Пуанкаре ва Тэтчер давридаги янги пул-кредит ва фискал сиёсати учун кураш; Француз инқилоби давридаги етакчи сиёсатчиларнинг пул ва фискал сиёсатнинг янги кўрсатмаларини мақсадга мувофиқ излашлари; сизнинг Франсуа билан майда танга борасидаги ҳамкорликдаги ишингизда пулларни ишлаб чиқариш назарияси, сиёсати ва технологиясини саккиз юз йиллик тараққиёти. Мазкур барча эпизодларда мен назариялар курашини кўрдим.

Бизга расмий нуқтаи назардан ўрганган ўтишларни таҳлил қилиш учун янги моделлар, парадигмалар силжишлари ва ғоялар инқилобини рағбатлантириш учун тажрибадан ижтимоий фойдаланиш жараёнларининг ишчи модели керак бўларди. Бу – етарлича Крепс дастурининг замирида ётувчи мураккаб муаммо. (Сизни Мутнинг регрессия ёрдамида рационал тахминлар моделларига таниқли ўтиши таъсирлантирмади-ми?) Биз бундай моделни қандай яратишни биламиз, лекин, шу билан



бирга, биз ҳаммасини жараён нуқтаи назаридан ёритиб бердик. Энди ўтмишда омадсиз тажриба ҳисобга олинган янги моделларни яратиш имконини берган дейиш мумкин.

Эванс ва Хонкапохья: *Сиз Хансен ва бошқалар билан робастли бошқарув устида ишлагансиз. Бу сизнинг рационал тахминлар ва ўрганиш назарияси устида олиб борган ишингиз билан қандай боғланган?*

Саржент: Бу у ва бу билан, шунингдек, текшириш билан боғлиқ. Ғоя, қарор қабул қилувчи кишини ўз моделидан шубҳаланишга ишонтириш ва у тўғри қарор қабул қилиши учун – у бирор бошқа модель унга керакли натижани беришидан хавотирланган ҳолатда ҳамма чораларни кўришдан иборат.

Эванс ва Хонкапохья: *Нима учун сиз бу моделни яхши деб ўйлаясиз?*

Саржент: Рационал тахминлар назарияси сингари ўрганиш назариясида ҳам мотивациялардан бири – иқтисодчининг модели қуйидаги хусусиятга эга бўлиши лозим: эконометрик мутахассис бирор ишни моделнинг ичидаги агентлардан яхшироқ бажара олмайди. Бу мезон, ўтмишда мослашувчан ва бошқа оддий тахминларнинг агентлик схемаларига тегишли амалиётни танқид қилиш учун фойдаланилган.

Шунинг учун рационал тахминлар назарийетчилари агентларни шартли тахминларни шакллантириш қобилияти билан таъминлади, масалан, мувозанат доирасида олинган чексиз маълумотлар мисолида ўртача ҳисоблаб чиқдилар. Албатта, рационал тахминларнинг тегишли моделида вазият мутлақо бошқача бўлган. Рационал тахминларга ёндашувчи эконометрикачилар кўпсонли тестлардан иборат таҳлиллардан фойдаланишмайди, бу эса уларнинг моделларини янада кўпол ва оддий қилиб қўяди (1980-йилларнинг бошларида Боб ва Эд менга нима деганлари ёздингиздами: «... сизнинг ҳақиқатномалик даражаси борасидаги тестларингиз кўплаб яхши моделларни чиқариб юборди).

Робастли бошқарув назариясидан фойдаланиш, бу – агентларимиз учун эконометрикачиларнинг тажрибаларини қўллаш демакдир. Ғоя, агент моделнинг ихтисосини нотўғри деб тан олиши ва уни тузатиши лозимлигидан иборат.

Эванс ва Хонкапохья: *Бу агентлар ва эконометрикачилар сифатида биз ҳам бир вазифани бажараятганимизга ишонч ҳосил қилиш учун керакми?*

Саржент: Ҳа, агент моделнинг нотўғри ихтисослашуви борасидаги хавотири ҳам, қизиқ миқдорий натижаларга эга бўлган хатти-ҳаракат



реакцияларини намоён этади. Масалан, моделнинг нотўғри ихтисослашуви борасидаги хавотирлар, баъзи маълумотлар турида хатарга мойил бўлмасликни ошириш каби кўринган фойдалиликнинг билвосита функцияларнинг таркибий қисмларига таъсир этади. Пратту бўйича хатарга мойил бўлмаслик даражасидан фарқли ўлароқ. Агар бунга бошқа томондан қарасак, у ҳолда қатъий қарорларни қабул қилиш моделлари эндоген афзалликларни бузиш тўғрисидаги қулай назарияни яратишга кўмаклашади.

Шунинг учун ҳам марказий банкларда кишилар ушбу мавзу билан жуда қизиқишади. Улар ўзларининг шахсий моделларига ишонишмайди.

Эванс ва Хонкапохья: *Бу қарорлар қабул қилиш модели Байес кўрсатмаларида ҳисоблаб чиқилиши мумкинми?*

Саржент: Бу, сиз келгусида нима қилмоқчилигингизга боғлиқ. Биз, буни бажариш йўлларини далиллар билан кўрсатиб бердик – сиз қарор қабул қилувчи киши танловини оқилоналаштирувчи нотўғри моделни, устунлигини топа оласиз. Лекин, сиз буни башорат қила олмайсиз – агент эҳтиёткорлик билан ёндашадиган нотўғри ихтисосликлар тўплами жуда катта ва у бу рўйхатда қандай устунликка эга эканини айта олади ёки, аксинча, айта олмайди.

Айтганча, Ларс ва мен турли агентларга эга мувозанатни яратдик, буни ҳақиқий катталиклардан фойдаланишга асосланган Байес таҳлили турли қизиқишларга эга агентлар турли «ўралган моделлар»га эга бўлади. Рационал тахминлар мавзуси билан шуғулланувчи эконометрикачилар нуқтаи назаридан, бундай агентлар турли маслақларга эгадек туюлади. Бу маслақларнинг турлилиги тўғри моделлаштириш усуллари билан биридир.

Эванс ва Хонкапохья: *Нима сабабдан Симс сизнинг робастлик борасидаги ишингизни танқид остига олди?*

Саржент: У буни, яъни Сэвижнинг Байес бир модели тузилмасини рад этишни нотўғри деб ҳисоблайди. Унинг фикрига кўра, Байес доирасида нотўғри ихтисослик борасидаги хавотирларнинг намоён бўлиши устида позитив иш олиб бориш таҳлилни сезиларли даражада енгиллаштиради.

Бироқ, Криснинг тақсимланган лагларни аппроксимациялаш бўйича илк ишлари бизнинг Ларс билан робастлик борасида олиб борган ишларимизга катта таъсир этганлигини айтиб ўтишим лозим. Криснинг минимакс таҳлил борасидаги талқинларидан бири, Симс менинг шарҳимга жавобан ёзган хатида рационал тахминлар масаласи билан



шуғулланувчи эконометрикачи мавсумий чекинишларни бартараф этиш орқали маълумотлардан фойдаланмаслиги лозим деган хабарга асосланган.

Айтганча, «Journal of Econometrics»нинг мавсумийликка бағишланган махсус сониди, 1993 йилда Эрик Гизел таҳрири остида мен билан Ларснинг мақоламиз чоп этилди. Ушбу мақолада Симс талқинларига урғу бериб ўтилган. Гизелнинг ушбу махсус сони робастлик соҳасидаги тадқиқотлар инъикоси учун мотивацияловчи омиллардан бирига айланди.

ИҚТИСОДИЙ ФАН ВА МИННЕСОТА

Эванс ва Хонкапохья: Карнеги-Меллон ва Чикаго билан бирга 1970-йилларда янги динамик макроиқтисодиётни ривожлантириш ва илгари суриш соҳасида Миннесота олдинги қаторлардан биринчи бўлган. Миннесота университети муҳитининг қандай асосий қирраларини айтиб бера оласиз?

Саржент: Кескинлик ва толерантлик. Бизда кучли фикрлар ва жиддий қарама-қаршиликлар мавжуд бўлган. Лекин, барча ўзини жуда маданиятли тутар ва талабалар олдида обрўимизни кўтарардик. Миннесота университетида етакчи иқтисодиёт факультети бўлган (у ҳозирги вақтда ҳам нуфузини йўқотмаган!) Лео Гурвиц ва Жон Чипман факультет фахри эдилар.

Улар ўқиш жараёнига пухта ёндашиш ва талабаларни математикани ўрганишга чорлар эдилар. Мен билан бирга Крис Симс ва Нейл Уоллес – менинг университетдаги икки энг яқин сафдошлар билан бирга ишлаганмиз. Биз доимий равишда фикр алмашардик, бир-биримизнинг ғояларимизни танқид қилардик. Ўртамизда жиддий фикрлар зиддиятлари келиб чиқарди, лекин биз уларни дўстона ҳал этардик. Бизлар жуда қизиқ семинарлар олиб борардик. Мен Крис ва Нейл билан диссертация ишим борасида жуда кўп мулоқотда бўлганман.

Миннесота университетида энг яхши хотираларим 1970-йилларнинг ўрталари ва 1980-йилларнинг ўрталарида содир бўлган, бу – университетнинг ажойиб талабалари ҳақидаги ҳодисалар билан боғлиқ. Уларнинг аксарияти бизнес мактабнинг биринчи бешлигига танлов асосида кира олмаганлар эди. Менинг макроиқтисодий ва вақтинчалик қаторлар борасидаги маърузаларимни Жон Гивик, Гари Скуг, Солих Нефтчи, Жорж Таухен, Майкл Салимий, Ларс Ҳансен, Рао Айижари, Денни Пелед, бен Бентал, Брюс Смит, Штуцер, Чарльз Уайтмен, Роберт



Литтерман, Цви Экштейн, Марти Эйхенбаум, Йоханан Шахмуров, Расду Сарак ўғли, Лари Кристиано, Рэндалл Райт, Ричард Рожерсон, Гари Хансен, Салоҳиддин Эброҳ ўғли, Оиша Эброҳ ўғли, Фабио Канова, Бет Инграм, Бонг Су Ли, Альберт Марсет, Рудольфо Мануэлли, Гюго Зопенхайн, Ларс Юнквист, Роза Матцкин, Виктор Рио Рул, Жерар Глом, Анна Виламил, Стейс Шреф, Андрес Хорнштейн ва бошқалар тинглашар эди. Ажойиб талабалар эди!

Бу – макроиктисодиёт ва макроэконометрикада «илғор»лар рўйхати. Буларнинг орасида ҳатто Марказий банк бошқарувчиси (Расду Сарак ўғли) ҳам бор эди. Менинг 1981–1982-йилларда Кембриж (Массачусетс)га ташрифимдан сўнг Патрик Кехое, Дэнни Куа, Пол Ричардсон ва Ричард Кларида 1982 йилда Миннеаполисда ёз мавсумининг асосий қисмини мен билан ўтказишди. Дэнни ва Патриклар илмий ассистент сифатида бу ерда қолишди. Бундай талабаларга дарс бериш жуда мароқли эди. Мен ўзим таълим берган талабаларимдан камрок нарса билишимни англадим. Миннесота университетида ўқитувчилар талабаларига нисбатан анча тажрибалироқ бўлишлари лозим деган тамойил амал қилар эди. Мен, шунингдек, Эд Прескоттнинг университетга таклиф этилишига кўмаклашганман. Бу воқеа 1980-йилларнинг бошларида содир бўлган, пировардида, университет яна бир кучли мутахассис билан бойиди.

Эванс ва Хонкапохья: *Миннесота университетининг 1970-, 1980-йиллардаги тарихи ҳақидаги гапларингиздан келиб чиққан ҳолда Симс ва Уоллес ва сизнинг ўртангизда «умумий муҳаббат» бўлган деган тасаввур юзага келади. Сиз ва Франсуа Вельденинг ЖМЕда нашр этилган майда тангалар тарихига бағишланган китобингиз ҳақида Нейл Уоллеснинг салбий қараишларини қандай изоҳлайсиз? Дўстлар шу тариқа ҳазиллашиши мумкинми?*

Саржент: Дўстлар бир-бирлари билан шундай гаплашадилар. Нейл олдиндан тўлаш моделлари фойдасиз ва у олдиндан тўлаш чекловларига тўқнаш келганида бу иш бермай қолиши мумкин деб ҳисоблайди. Мен Нейлга тўловни чеклаш моделидан ёмонроқ нима бор дея мурожаат қилганман. Икки чекловга эга модель. Бу айнан биз Вельде билан кўзда тутаётган моделдир. Олдиндан тўлашга бу иккинчи чекловга эпизотик ижобий мультипликатор, бу – бизнинг Вельде билан майда тангалар етишмаслиги билан даврий равишда такрорланувчи ҳолатлар ҳамда обрўли тангаларни майда тангаларга ўтказишда нарсалар ҳаракатини англаш учун бир воситадир.



Нейл деганда «ҳақгўйлик» гавдаланади. Унинг Вельде билан ёзган китобимизга берган баҳоси унинг ўзи билан ёзган китобларимизга берилган баҳога нисбатан яхшироқ. У товар пулларига бағишланган ишимизни истисно қилган ҳолда, мендан биргаликда ёзган китобларимиздан унинг номини чиқариб ташлашимни сўради.

Эванс ва Хонкапохья: У шунчалик бағрикенг инсонмиди?

Саржент: Мен бундай деб ўйламайман. У бу ишлар чоп этилмаслиги лозим деб ҳисобларди. Боб Лукас бизнинг JPE учун мақолаларимиздан бирига нутқни ўқиб чиққандан сўнг, тақризчилардан ҳеч қайсиси бизнинг мақоламиз тўғрисида ёзганларимизга нисбатан яхшироқ фикр билдирмаган. Ушбу танқидий сўзларнинг муаллифи Нейл эди.

Сухбатдошлар:

Жорж Эванс,

Орегона университети,

Сеппо Хонкапохья,

Кембриж университети

2005 йил 11 январь





КРИСТОФЕР АЛЬБЕРТ СИМС



1942 йил 21 октябрда Американинг Вашингтон штатида туғилган. Унинг отаси келиб чиқиши англиялик ва шимолий ирландиялик бўлиб, онаси яримнасоний яҳудий ва ярим насли инглиз эди. Унинг амакиси Йель иқтисодчиси Марк Лейзерсон эди. Симс 1963 йилда Гарвард университетининг математика йўналишида бакалавр дипломини олди. Сўнг 1968 йилда Гарвардда Хендрик С.Хаутаккер раҳбарлигида иқтисод фанлари доктори бўлди. У 1963–1964 йилларда Беркли шаҳридаги Калифорния университети аспиранти бўлиб фаолият юритди. Гарвард, Йель университетларида ва 1999 йилдан Принстонда ўқитувчилик лавозимларида ишлаган.

У карьерасининг энг узун қисмини Принстон университетида ўтказди ва 1999 йилдан ҳозирги кунга қадар ўша ерда дарс беради. Симс Эконометрик жамият аъзоси (1974 йилдан), Америка Санъат ва Фанлар академияси аъзоси (1988 йилдан) ва Миллий Фанлар академиясининг аъзоси (1989 йилдан). 1995 йилда у Эконометрик жамият президенти, 2012 йилда Америка иқтисодий ассоциацияси президенти бўлган. АҚШ Миллий Фанлар академияси аъзоси (1989). Ҳозир Симс Нью-Жерсида истиқомат қилади.

Симс ўзининг тадқиқот йўналишлари бўйича кўплаб муҳим мақолаларни нашр этди: эконометрика, макроиқтисодий назария ва сиёсат шулар жумласидандир.


Бошқалар қатори, у эмпирик макроиқтисодиётда вектор авторегрессиясини қўлашнинг асосий тарғиботчиларидан бири бўлган. Бироқ, бундай моделларда сақланиб қолган баъзи тахминлар асимптотик тақсимот назариясидан фойдаланган ҳолда нотўғри синовдан ўтказилган (Симс, 1980), чунки вақт қаторлари бўйича фақат



60 та кузатувдан фойдаланган ҳолда модел параметрлари бўйича 200 дан ортиқ чекловларни синаб кўриши мумкин эмас (Сарган, 1961). Шунингдек, у Байес статистикасини ҳимоя қилди, унинг иқтисодий сиёсатини шакллантириши ва баҳолашида унинг кучи ҳақида баҳслашди.

2011 йил 10 октябрда Кристофер А. Симс Томас Ж. Саргент билан биргаликда иқтисодиёт фанлари бўйича Нобель мукофотига сазовор бўлди.

КРИСТОФЕР АЛЬБЕРТ СИМС БИЛАН СУҲБАТ



Кристофер Симс

Кристофер эконометриканинг вақт кўрсаткичлари ва амалий макроиқтисодиёт фанлари бўйича таниқли олимлардан бирidir. Кўп сонли ишлари ва ютуқлари натижасида у Жамият эконометрикаси президенти бўлган ҳамда Миллий Фанлар академиясининг аъзосидир. Унинг фанга қўшган ҳиссаси шундаки, у вақт кўрсаткичларини аниқлашда статистик назарияларга ва амалий макроиқтисодиётга эътибор қаратди. Симс ўз фаолиятини макроиқтисодиётнинг ўта муҳим муаммоларини ўрганишга бағишлаган. Шунингдек, вақт кўрсаткичлари нуқтаи назаридан, регрессив усулларни ишлаб чиқиш жараёнида эмпирик тадқиқотлар билан тўлдирди.

Симс вектор-авторегрессив статистик методларнинг фаол ҳимоячиси ва танқидчиси бўлган эди. Унинг олиб борган фаолияти ва бажарган бошқа ишлари шундан далолат берадики, Симс пул-кредит тизими ва унинг таъсир этувчи оқимларнинг иқтисодий кўрсаткичларга қандай таъсир этиши борасидаги саволларга жавоб топишга ҳаракат қилган. Кристофер Симс билан суҳбат унинг кўп сонли кашфиётлари ҳақида яқинроқ билишга имкон беради. Симснинг саволларга берадиган жавобларидан шуни билиш мумкинки, иқтисодиётда бўлаётган жараёнларга ва муаммоларга унинг шахсий қарашлари бор.

Хансен: *Ўтмишга назар солиб, 1960-йиллар ўртасида сиз магистратурада Беркли ва Гарвардда таълим олаётган вақтингизда,*



сизнинг иқтисодиёт ва эконометрикага қарашларингизни ўзгартиришга нима катта таъсир кўрсатган?

Симс: Гарвардда магистратурада ўқиётган давримдан бошлаб диссертация ишимни статистика ва эконометрикага бағишлаган эдим. Таъкидлаш жоизки, менинг энг яхши кўрган фаним математика бўлган, кейинчалик катта курсларда эконометрикага қизиқа бошлаганман. Университетда эконометрика фани бўйича Френк Хаутаккер олиб борган, кейинчалик менинг кураторим бўлган. Статистика фани бўйича Демпстер томонидан ўтилган маърузаларни ҳам тинглаганман.

Ушбу иккала фан менга жуда катта таъсир кўрсатди, аммо бу вақтга қадар менда ҳам иқтисодиётга, ҳам статистикага қизиқиш пайдо бўлган эди. Аввал магистратурани математика йўналишида давом эттирмакчи эдим, эсимда шу масалани раҳбарим билан муҳокама қилганим, аммо, оқибатда, магистратурага Иқтисодиёт факультетига кирдим. 1963 йилда бир йилда Беркли университетига ўқишга кетдим, у ерда эконометрика бўйича Дейл Йоргенсон маъруза ўқир, иқтисодиёт назарияси бўйича Дан МакФад маъруза ўқир эди. Кейинчалик мен Гарвардга қайтиб келдим, у ердаги муаммолар учун эмас, балки шахсий шароитим туфайли қайтиб келдим.

Гарвардда иқтисодиёт назарияси бўйича янада кўпроқ маълумотларга эга бўлдим, аммо эконометрика бўйича эмас эди. Диссертация устида Хаутаккер билан ишлаш чоғида замонавий технологик тараққиёт ҳақида ёздим, у ерда олдинги моделлар дискрет вақтга жойлаштирилган эди. Аввалроқ Хаутаккер узлуксиз вақт моделлари ҳақида китоб ёзган эди, шунинг учун у ҳам, мен ҳам шу ўз моделларимизни яратишни ўйладик. Шу вақтда унинг гапларига кириб, кўп нарсаларни ўрганишга эришдим. Энг муҳими, у мени Гарвардда математика бўйича дарс берган Чипман билан таништирди. Албатта, кейинчалик бу менга узлуксиз ва дискрет аппроксимациялар тўғрисида ёзишимга ёрдам берди.

Хансен: *Сизнинг бошланғич изланишларингиз статистик аппроксимация билан боғланган эди. Масалан, узлуксиз вақт билан боғлиқ дискрет аппроксимация моделлари (Симс, 1971), динамик иқтисодиёт моделларига эга бўлган параметр ва лаглар аппроксимация модели (Симс, 1972), умрбоқий вақт оралигидаги параметрлар аппроксимациясининг умумий статистик муаммолари (Симс, 1971). Шундай ишларни амалга оширишингизда нима олдиндан таъсир кўрсатди сизга?*

Симс: Узлуксиз ва дискрет тизимларни моделлаштириш билан ишлашимда Хаутаккернинг роли катта бўлди. Мен ишлаган классик мо-



**Миллий Фанлар академиясида йиғилиш. Чандан ўннга:
Базз Брок, Рой Ранер, Крис Симс, Жон Чипман ва Гейл Жонсон, 1999 йил.**

деллар ишлаб чиқариш ҳажмини инвестициялаш тарихи каби акс эттиришга имкон берар эди, аммо мен ишлаб чиқариш жараёнини жорий қилиш тарихи каби акс эттиришим керак эди. Уларнинг кернфункцияси тўғри келгани учун чизиқли операторларнинг инерциясини топишим керак эди. Хаутаккер ўзининг истеъмол китобида акс эттирганидан кўра математик жиҳатдан бу мураккаб эди. Ушбу аппроксимация муаммоларини ҳал этувчи техник ресурсларни топишга муваффақ бўлдим. Аппроксимация билан қизиқишим, менинг айнан техник жиҳатдан бунга тайёр бўлганимда эди, лекин иқтисодиёт ва эконометрияка ўртасидаги мавжуд узоқликдан норози эдим. Динамик иқтисодиёт назарияси узлуксиз вақт оралиғида шаклланиб, иқтисодиётда эса ҳақиқий модель мавжуд, у дискрет вақтда ёзилган бўлиб, унда фақат параметрларнинг кўрсаткичи номаълум эди.

Хансен: *Ушбу ишларни қандай қабул қилишди? Ўша вақтларда бу иқтисодчилар учун техник жиҳатдан жуда мураккаб эди.*

Симс: Ўйлайманки, кўп иқтисодчилар у вақт уларни ўқимаганлар ҳам. Шунинг учун уларни бу кўрқитган эмас. Узлуксизлик ва дискрет аппроксимация ишлари (Sims, 1971) «Econometrica» журнаliga чоп этиш учун юборган эдим. Такризчиларнинг энг ижобийроғи шундай ёзган эди: «Ушбу ишда ёритилган ишлар аввал ҳам ёзилган. Дейл Йоргенсон шу вақтга қадар рационал аппроксимация лағлари атрофида суҳбатни олиб боришига қарамай, бундан чиққан ҳолда аппроксимациянинг маъноси статистик аппроксимация учун жуда заиф эди. Бу савол



дискрет аппроксимацияга ҳеч қандай аҳамиятга эга эмас эди унақасига ҳам, бошқачасига ҳам. Шу орқали, тақризчи лагларнинг тақсимланиш аппроксимацияси ва дискрет вақт ёрдамида ҳисоблаб чиқилган узлуксиз вақт оралиғидаги моделларнинг фарқига ҳам бормади.

Натижада, умрбоқий вақт оралиғидаги менинг ишларим ўша вақтда иқтисодий журналларда чоп этилган маълумотларга умуман тўғри келмас эди, мен «Annals of Mathematical Statistics» журнаliga мақола юбордим. Орадан бироз вақт ўтди ва муҳаррир менга жавоб хати ёзди: «Кечирасиз, шунчалик узоқ вақт ўтганига. Тақризчини излаб топиш қийин бўлди. Сизнинг ишингиз юзасидан тақриз юборяпман». Тақризда ёзилган эди: «Ҳақиқатда ушбу иш нима ҳақда эканлигини тушунолма-япман. Лекин мен бир нечта теоремани текшириб кўрдим ва улар, менимча, тўғрига ўхшаяпти. Шунинг учун мен бу ишни чоп этиш керак деб ўйлайман».

Ўйлайманки, ўша вақтларда кўпчилик эконометрист ва экономистлар бу ишни ўқиб чиқишмаган. Том Саржент истисно қилганда, албатта. У «Journal of the American Statistical Association» журналида чоп этилган узлуксиз вақт қўлланган аппроксимация моделлари ҳамда дискрет вақт ва тақсимланган лаглар қўллаган аппроксимация моделлари борасида ишларимни ўқиб чиққан, у ерда мен таҳлилнинг частота методларини қўллаган эдим, натижада, у менинг фикрларимни қўллаб-қувватлади. Албатта Томнинг мақолани ўқиши мен учун жуда муҳим эди, лекин барибир кўпчилик иқтисодчилар ушбу маълумотларни қийин деб қабул қилган.

Хансен: *Гарвард сизнинг биринчи иш жойингиз эди, қаерда сиз катта ўқитувчи лавозимида ишлагансиз. У ерда ёш ўқитувчи сифатида қандай ҳис қилгансиз Сиз ўзингизни?*

Симс: Менинг фикримча, Гарвардда ва бошқа таълим юртларида ёш ўқитувчи ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ. Лекин, албатта, Гарвард кейинчалик кўчиб ўтганим Миннесотадан фарқ қилади. Илмий унвон олишим билан Миннесотага ўтишни режалаштирган эдим. Ҳимояга тайёрланиш чоғида Гарвард ўзига Грилихес ва Йоргенсонни таклиф этганлиги сабабли вақтида кетишга эриша олмадим. Мен улар билан қисқача суҳбатлашиш қизиқ бўлар эди деб ўйладим. Икки йилдан кейин мен Миннесотага кўчиб кетдим, у ердаги фаоллик Гарварддан юқорироқ туюлар эди. У ерда мен Гарвардда бўлмаган интеллектуал юксалишни ҳис этганман.

Хансен: *Билишимча, 1970-йилларда макроиқтисодчиларда, хусусан, Фридманда сизнинг «Пул, даромад ва сабаб-оқибат боғлиқлиги»*



(«Monet, Income and Causality») номли мақолангиз катта қизиқиш уйғотган. Бу сизнинг кўп иқтисодчиларни жалб қила олган биринчи ишингизмиди? Макроиқтисодчиларда қандай таассурот уйғотди?

Симс: Ростини айтсам, бу биринчи катта қизиқиш уйғотган макроиқтисодий ишим эди. Бундан олдин ҳам шундай бир нечта ишим бор эди. Менинг кўшимча баҳо кўпайтирилган дефляцияси (Sims, 1969) ишим ҳозирга қадар муҳокама қилиниб келинади. Аммо, ҳозирги кунда кўпчилик инсонлар индекслар назариясига эътибор беришмаяпти. Вақтлар ўтиб бунга яна қайтилади, ҳозирча бу ҳақда кўп нарсалар ёзилмаган. Менда яна Даниянинг макроиқтисодий прогнозларига оид ишларим ҳам бор (Sims, 1967), бу ҳам катта эътиборни тортди. «Пул, даромад ва ўзаро алоқа» мақоламнинг шундай катта эътиборни тортганининг сабаби, у монетарчилар ва кейнсчилар ўртасидаги қарама-қаршилиқлар марказидан чиққанлигидир. Қарама-қаршилиқлар марказида айнан макроиқтисодий тадқиқотлар турар эди. Ўша вақт мен Гарвардда Чикаго университети билан ҳеч қандай алоқаси йўқ фалсафа доктори эдим. У ерда мен Фридманнинг барча гаплари ҳақиқат ва кейнсчилар нотўғри дея таъкидлаган эдим. Шунинг учун менинг ишимга қарши кейнсчиларнинг барча артиллерия ўқлари қаратилган эди.

Йелда ўз ишимни тайёрлаётганимда Тобин билан суҳбатлашиб қолдим. Менинг тадқиқотимга совуққонлик билан қарагани, аммо қолганлар каби унча кўп танқид қилмади. У пулнинг регрессив даромадда ташқи омил бўлса ва пул массасининг ўзгариши иқтисодиётнинг жавоб реакцияси сифатида характерланувчи ва бу фақат пул массасининг эмпирик бир қисмини кўрсатади деган. Ҳозир ҳам, кейин ҳам шуни аниқ айтиш мумкинки, инсонлар учун пул-кредит тизими жуда муҳимдир. Фридман ҳам олдин шуни таъкидлаган албатта. Тобин эса бошқа соҳалар ҳам шу каби муҳим деб ҳисоблар эди.

Фишер Блек билан шу мавзуда биринчи мартаба суҳбатлашганимизда, у шундай деган эди: олиндиган факт бўйича тўғри ва у тўғри айтган эди. Унинг сўзларига кўра, Грейджернинг ўзаро алоқа иши бўйича синовида биржа курси ҳамма нарсанинг сабабига айланиш мумкин, чунки уни тахмин қилиб бўлмайди. Мен буни билишим ва, унинг фикрига қўшилсам-да, пулнинг бу ерда алоқа бўлмаслигини таъкидладим. Фридман пул массасини Федерал захира тизими қаттиқ назорат қилишини қайта ва қайта таъкидлар эди. Бу фақат сиёсатчилар хоҳиши билан ўзгариши мумкин, шунинг учун, бу – фақат активларнинг баҳоси. Ўша вақт мен унга худди шундай жавоб берган эдим, лекин бу жудаям яхши вариантли жавоб эмас эди. Фишер Блек ушбу гапим-



ни инобатга олган ягона шахс эди. Кўпчилик танқидлар кейнсчилар томонини олар эди. Статистикачилар ва эконометристлар уларнинг қарашларини унчалик ҳам оқлашмас эди.

Хансен: *Ижозат бергангиз, жавобларингизнинг икки жабҳасига тўхталсак. Узлуксиз вақт оралигида ўзаро алоқа чекланганлиги ўз қийматини кўрсатган бўлса-да, «ўзаро алоқа» терминининг ўзи катта низоларни келтириб чиқаради. Ушбу суҳбатларнинг натижаси самара бердимиз ёки тескари бўлиб чиқдимиз?*

Симс: Кўпгина ҳолларда улар икки тарафга олиб кетар эди. Мен ҳозирга қадар, «ўзаро алоқа синови» – бу каби синовлар учун яхши номдир. Мен шундай иш ёзгандим (Sims, 1977), уни ҳеч ким ўқимаган, ўқиган бўлса ҳам умуман тушунмаган. Кўп ҳамкасбларим айтганди, кўп ўқидик-ку, лекин яхши тушунолмадик. Ушбу ишимда айнан ўзаро алоқанинг семантик жиҳатлари ва турли хил қўлланилиш усуллари тадқиқ қилинган эди. Ўйлайманки, кўпчилик ўзаро алоқанинг аниқ кўрсаткичларини чуқур тушунтиришга қийналишар эди. Шунга қарамай, биз «сабаб» терминини кўп ишлатамиз.

«Ўзаро алоқа» термини ҳозирда жуда кўп ишлатилмоқда. Грейнжер ва мен уни предметлар учун аниқловчи сифатида рекурсив тартибга солишда қўллар эдик. Тўғри инжинирияда ўзаро алоқа термини Грейнжер билан биз ишлатишимиздан анчагина аввал ишлатила бошланган. Ўзаро алоқа шу билан бирга бир томонлама тақсимланган лаглардаги алоқаларда ҳам қўлланилган, у ерда ўзгарувчилар экзоген ҳисобланган.

Эконометрика бўйича мутахассислар тўғри эконометрикада корреляцион алоқаларни эмас, балки ўнг томондаги ўзгарувчи регрессив ўзаро алоқаларни излашлари керак. Амалий ишларда ўзгарувчилар ҳам ўнг, ҳам чап томонда мавжуд бўлиши қарор қабул қилишда ўзаро алоқанинг мавжудлигини билдиради. Лекин, ҳеч ким шу вақтга қадар, ўнг томондаги регрессив тенгликнинг сабабли тартибланиш ва статистик аниқ ўзгарувчи ўртасидаги фарқни ўрганмаган. Грейнжернинг ўзаро алоқалари ушбу тушунчаларни аниқ бирлаштиради.

Ҳақиқатда тартиблаштирилган интуициялар фақат Грейнжернинг сабабли тартибларига тўғри келиши ёки келмаслиги ҳам мумкин. Фишер Блек бу борада ҳақ эди. У шундай мисол келтирдик, у ерда Грейнжернинг сабабли тартиблар исталган интуитив сабабли тартибга мос келмайди. Лекин, кўп ҳолатлар бўлганки, Грейнжернинг сабабли тартибга регрессив тенглик орқали ишланишининг мос келиши ҳам кузатирилган. Инсонлар буларнинг барчасини тушуна билишлари яхши бўлар



эди. Чунки, бунинг биринчи қўлланилиши катта низо орқали пайдо бўлган. Кўпчилик инсонлар Грейнжернинг сабабли тартибли алоқалари борасида ҳеч қандай иш қилмаслик кераклигини таъкидлашади. Лекин, бу катта хатолик деб ўйлайман.

Хансен: *Келинг, сизнинг «Пул, даромад ва сабаб-оқибат боғлиқлиги» номли ишингизга қайтсак. Агар сиз кейинчалик ёзган ишларингизга назар соладиган бўлсак, бир қизиқ эволюцион ҳолатни кўришимиз мумкин. Кейинги эмпирик ишларингизда асосий урғуни пул массасининг эндоген жиҳатларига қаратгансиз. Ҳозирда нархларнинг даражасини аниқловчи деб номланаётган фискал назариянинг асосий яратувчиларидан бўлгансиз. Ушбу фикрни қандай қилиб тушунтира оласиз, яъни бу макроиқтисодий сиёсатда қандай эмпирик кашфиётлар ва ўзгаришлар билан боғлиқ?*

Симс: Аввалроқ мен пул массасини бошқариш имкониятига эга бўлган давлат структуралари бизнес циклда юз берадиган тебранишларни йўқотишга ҳаракат қилишади дея ўйлаган эдим. Натижада, пул массаси экзоген ҳолатга келиши, лекин пул ва бизнес цикл ўртасида ўзаро алоқа «ўзаро алоқа» бўлмас эди. Бошида мен монетарчиларнинг асосий фикрларидан келиб чиқиб, бўлиши мумкин эмас бу деб ўйлардим. Чунки, пул массаси пул-кредит тизимида асосий инструмент хисобланар эди.

Монетарчилар кундан-кунга пул таклифини бошқариш қийин бўлиб бораётганлигини айтардилар, шундан билиш мумкинки, монетаризмга йўналтириган ҳукумат пул таклифини бошқармас эди. Кейинчалик Миннесотадаги менинг биринчи талабам Яш Мехра пул массаси тенглигининг ўзаро алоқаси синовини ўтказиб кўрди (Mehta, 1978). Бу тенгликларда пул чап томонда, фоиз ставкалари ва чиқариш ўнг томонда эди. Ушбу тенгликлар фоизларнинг экзогенлик ва чиқарилиш синовларидан ўтди. Ушбу кашфиёт олдин мен ёзган ишларимнинг (Sims, 1972) тескари талқини бўлди, аммо сифатли ва тўғри бўлиб чиқди.

Кейинги ишларимда (Sims, 1980) ушбу фикрни такомиллаштиришга қаратдим. Ўзгарувчи сонлар орқали фоиз ёрдамида тизимлардан фойдаланган ҳолда кўриб чиқдим. Шуни тушундимки, тизимда фоиз ставкаларининг қатнашиши пулларни башоратлаш ва башорат қилинган пулларнинг катта қисми уларни чиқариш билан боғлиқ. Лекин кашфиётнинг бир жиҳати монетарчиларнинг оддий бир тизимига тўғри келмас эди, табиий рационал кутилма даражасига мос эмас эди.

Бундай кашфиётлардан кейин, мен ҳокимият фоиз ставкаларини тенглаштирса, тенглик модели қандай бўлиши ҳақида ўйлай бошла-



дим. Агар улар фоиз ставкаларини тенглаштиришса, Фишер Блек ҳақ бўлиб чиқади, кейин эса бундай мураккаб моделлар билан ишлашнинг ҳожати қолмайди. Пул массаси биржа курсига параллел равишда кўпая бошлайди. Ҳозирги кунда, ўйлайманки, фоиз ставкаларини тенглаштиришга ҳаракат қилинаётган мамлакатларда монетарчи ҳокимият пул агрегатлари билан қаттиқ бошқаришни амалга оширмапти.

Мен кўп гапираман, яъни Филлипс эгрилиги, бу – Лукас танқидининг яхши кўриниши эмас. Рационал кутилмалар моделидаги тенгликларда топиш мумкин бўлган энг яхши нотўғри ўзаро статистика, лекин ҳозирда сиёсатнинг олиб борилишида қўллаб бўлмайдиган мисол, пул массасига нисбатан ЯИМнинг регрессив боғланиб қолиши.

Хансен: *Келинг энди, Майк Вудфорд, сиз ва бошқа олимлар фаол ҳимоя қилаётган нархлар даражасининг фискал назария асослари билан боғлиқ ишларингиз ҳақида гаплашсак. Сизнинг қарашингиз бўйича, улар қанчалик фойдали ва саволнинг том маъносига қанчалик ҳисса қўшади?*

Симс: Вудфорд билан биз бу ҳақда деярли бир вақтнинг ўзида ёзган эдик, аммо турли хил томонлардан. Вудфорд бу мавзу бўйича кейин ҳам ёзган. Миннесотадаги талабаларимдан бири Эрик Липер (Leeper, 1991) фискал назария учун маҳаллий ва уникалликни яратди. Жон Керрен давлат ва нодавлат бюджет ўртасида етарли фарқ йўқ деган (Cochrane, 2003). Мазкур назариянинг асосини ишлаб чиқиш, изоҳлаш ва текширишда бизнинг олиб борган ишларимиз катта ёрдам кўрсатган деб ҳисоблайман.

Ушбу мавзуга доир бошқа муаллифларнинг кўпгина етарли ишлари мавжуд. Улар ушбу назариянинг, умуман олганда, том маънога эгамийўқми, шуни топишга ҳаракат қиладилар. Бу орқали нимага эришиш мумкинлигини билишга ҳаракат қилардим. Асосан макроиқтисодиётда ишлатилмаётган моделлар ва уларнинг назариялари айнан кўпроқ шубҳага олинади. Бу каби моделларда Марказий Банк ва Ғазначилик бюджет чегирмалари мавжуд, булар бир-биридан мустақил равишда банкрот бўлишлари ҳам мумкин. Ўзимнинг бир ишимда шунга мос келувчи моделларни кўриб чиққанман (Sims, 2000). Бундай кўринишдаги моделлар Америка Қўшма Штатлари учун тўғри келмайди, аммо Европа Иттифоқи учун эса жуда мос, чунки маҳаллий институционал тизимнинг тузилиши Ғазначиликнинг банкротликка учраши билан бутун Европа Марказий Банкининг банкротлигига олиб келмайди. Бу пайт майдонга ўйинлар назарияси кириб келади, яъни хулосаларни фискал назария орқали чиқариш мумкин. Менинг фикримча, бу моделнинг



Массачусетс технологиялар институти ва Миллий тадқиқотлар институтида бир йиллик изланишдан сўнг Миннеаполисга қайтиш вақти. Симс болалари билан (ўнгдан чапга): Ненси, Бен ва Жоди. 1980 йил.

Фискал назарияда нархлар даражаси рақобатбардош тенглик моделларини, назарий-ўйин тизимига киритиб бўлмади дея танқид қилганлар ҳам бўлган. Марко Бассетто (2002) ишлари ҳам худди шундай ишлар қаторига киради.

Хансен: *Келинг, мавзуни озгина ўзгартирсак. Гарвардда озгина вақт ўқитувчи сифатида фаолият юритганингиздан сўнг, 1970-йилларда сиз Миннесотага кўчиб ўтдингиз. Ўша вақтда у ерда Том Саржент ва Нейл Уоллис ишлашар эди. Бир жойда макроиқтисодиёт бўйича кучли мутахассислар гуруҳи жамланиб қолган эди. Ўша вақтда Миннесота ўзини қандай кўрсатган?*

Симс: У ер жудаям ажойиб жой эди. Жек Карекенга Уоллис ва Саржентни таклиф этиш имконияти бўлган. Охирида бир қўнғироқ билан мени ҳам олишга эришди. Саржент макроиқтисодиёт бўйича ўқитишнинг янги фикрларини ўйлаб топишда уста эди. Саржент, Уоллис, Карекен ва Мёнчларда турли хил вақтларда биргаликда пул-кредит сиёсати мавзусида ишланган Миннеаполис федерал банки томонидан молиялаштирилаётган лойиҳалари бор эди, у ерда улар ярим ставкада илмий тадқиқот олиб боришар эди.

Ўша пайтда мен эконометрика ва макроиқтисодиёт фанларидан маъруза ўқир эдим. Макроиқтисодиёт бўйича тўрт йилда бир ёки икки йилда бир дарс берар эдим. Саржент ўзининг маърузаларида катта эъ-

тури фискал назарияда муҳим бир ҳодисадир.

Танқидчиларнинг бошқа тарафдан ўрин олганликлари, масалан, МакКаллум (2001) ёки Бьютер (2002) Марказий Банк ва Ғазначилик учун тақсимланган бюджет чекла-нишдан иборат моделларни таклиф қилишган, уларнинг асосий мақсади унификация-лаштирилган давлат бюджети моделларини танқидга олиш эди. Менинг ўйлашимча, давлат бюджетининг икки бошқа-бошқа чекловлар билан кўриладиган моделлари хато-дир.



тиборни стохастик эмпирик ишлар қийматига қаратар эди. Шу билан аниқ бўлар эди, яъни у билан диссертация ёзмоқчи бўлганлар, албатта, вақт кетма-кетлиги эконометрикасини билишлари лозим эди. Шундан келиб чиқиб, бундай иш шароити мен учун жуда қулай эди, фақат бироз сиёсий ва методологик низоларни ҳисобга олмаганда. Ўша пайтда Миннесотада яратилган атмосферада ҳеч қачон ишламаганман. Бу атмосфера ўзаро интеллектуал қўллаб-қувватлашдан яратилган эди.

Хансен: *Сизнинг авторегрессия устидаги вектор ишларингиз макроиқтисодиётнинг амалий тадқиқотига катта таъсир кўрсатган. Менимча, уни амалиётда қўллаш осонлиги бунга таъсир кўрсатган. Векторли авторегрессив моделларнинг жозибадорлиги қаттиқ белгилаб олинган параметрли моделларга асосланган бўлса-да, уларнинг шоклари назариянинг фойдаланиш асосида аниқланар эди. Вақтлар ўтиши билан бу борадаги фикрингиз ўзгардими? Агар адашмасам, «Макроиқтисодиёт ва ҳақиқат» номли ишингизда («*Macroeconomics and Realty*») (Sims, 1980) сиз асосан идентификациянинг рекурсив схемаси ҳақида фикр юритгансиз?*

Симс: Тўғриси, бу ишимда мен иккита идентификацион моделни кўриб чиққан эдим. Кўпинча ушбу ишимни ўқиганлар уни аниқ ёки тўлиқ ўқимаган бўлиб чиқишади.

Ҳозирга қадар мен қаттиқ параметрларни ўз ичига олган моделларга танқид билан қарайман. Мен ўйлайманки, макроиқтисодиётда эмпирик тадқиқотларни ўтказишнинг тўғри йўли назариядан олинган камроқ ва камроқ хатоликка йўл қўйиладиганини танлаб олиш керак.

Хансен: *Иқтисодиётнинг бузилиши бир хилликка тушиб қолиши ёки бир хилликдаги узоқ муддат давом этишидир. Қанчалик тўғри мулоҳаза?*

Симс: Ишлатиладиган 2 та тахминий фикр мавжуд. Биринчиси, йўналишга эга бўлган катталикларни тенглаштириш. Иккинчиси, тахминий фикр мувозанатининг бузилиши. Бу икки коэффициентнинг кесишиши бир вақтнинг ўзида жавобгарликнинг чегараланишидир. Қуйидаги чегара ўз-ўзидан Клоуз гуруҳига мос келади. Аммо, Клоуз гуруҳида ишлатиладиган муҳим чегара бор. Бир микдордаги йўналишга эга бўлган тузилишни мослаштиришда меъёрнинг бузилиши бир-бирига боғлиқ эмас. Клоуз гуруҳи томонидан тақдим этилган тузилишда тўғри бурчаклар йўқ.

Ҳар доим 2 та сўнги чегара бор. Биринчиси, норозиликни бошқаришда ўзаро боғлиқликка сушт муносабат билдирилади. Тенгликнинг



Саскатчеван университетидаги давра суҳбатидан сўнг. 1993 йил.
*Чандан ўннга: Крис Симс, Тао За, Манжира Дата,
Роберт Лукас ва Дэвид Сачман.*

Ўзгариши бошқа норозиликни билдирувчилар тузилишини ўзгартирмайди. Бундай шарҳлаш норозилик ичидаги ҳийлани йўқотади, олиб борилаётган сиёсат норозилигига таъсир қилмайди. Бу моделни ишлатиш учун, сиз қандай йўл тутишингизни билишингиз керак. Бундай сабаб кўшимча структурани бир миқдор ва йўналишга эга бўлган катталикни қўллашга сабаб бўлади. Кўпчилик ҳолатда, мен буни тўғри деб, ҳисобламайман.

Иккинчи усул математик жадвални узоқ муддатгача чегаралаш, бироқ бу ҳам тўғри бурчак хатоликларига йўл қўяди. Бундай усулларни кенг қўламда қўллаш мумкин эмас, чунки бундай чегаралаш номаълумликка олиб келади, натижада, жиддий муаммоларни келтириб чиқаради.

Агарда номаълумлик чегараланган матрицада қўлланилса, айёрлик билан камроқ муаммо чиқаради. Тенглаштиришнинг яна бир норасмий томони. Тадқиқотчилар маълум бир фикр билдириб, кейин уни ҳақиқатга яқинлигини текширишади. Масалан: техник шароитларда, пулни насияга олиш мутлақо нотўғри, кўпинча эълон қилинмайди. Бу баъзи кишиларда хавотир уйғотган эди. Булар орасида Юлий (2001), Фауст (1998) ва бир қанча олимлар бу саволларга жавоб излашган эди. Ҳақиқатда эса замонавий усуллар қулайроқ. Натижада, амалий фаолиятга монелик қилиш ишончли натижаларни беради.



Хансен: *Векторли авторегрессия ишларида, сизнинг фикрингизча, эмпирик жиҳатдан энг муҳими нима?*

Симс: Менга қолса, пул-кредит сиёсатининг эндогенлик жиҳати муҳимроқ, бу ҳақда мен қисқача гапириб ўтгандим. Ушбу ишлар инсонларда пул-кредит сиёсати тўғрисидаги фикрларига катта таъсир кўрсатди. Векторли авторегрессия орқали олинган натижалар сиёсий шоклар даврида пулнинг чиқарилиши ва баҳоларга таъсири камлигини кўрсатди, ҳозирда сиёсатни аниқлашда ҳам бу – муҳим жиҳатдир. Бу модел векторли авторегрессия вариацияларига ҳам тўғри келади.

Хансен: *Узоқ вақт Байсов статистикаси ва эконометрикага қизиққансиз. Тадқиқотларингизда (Sims and Uhlig, 1991), эконометрик изланишларингизда ва классик қарашлар амалиётида етарлича фарқларни келтириб чиқаришга катта эътибор қаратгансиз. Асосий мисоллардан бири сифатида, сизнинг ягона илдизлар бўйича ишингизни кўришимиз мумкин. Бу қанчалик муҳим?*

Симс: Ишимнинг қизиган вақтида Байес ва классика ўртасидаги фарқнинг муҳимлигини англамаган эдим. Шунинг учун мен Байес қарашларини ҳам қўлламам, ҳам ҳимоя қилмас эдим, чунки уларни йўқ деб ўйлар эдим. Кейинчалик ягона илдиз ишларида изланиш чоғида фарқ барибир борлигини сезиб қолдим. Авторегрессия учун ҳақиқийлик функциясининг узлуксиз вақт маълумотларини ўз ичига олган конструкцияси, ностационарлик мавжуд бўлса-бўлмаса таъсир кўрсатади. Ҳақиқийлик принципи асосида бажариладиган ишлар стационар ёки ностационар шароитларда мос келиши керак. Классик тақсимлаш назариясига кўра, авторегрессия ва ягона илдиз мавжуд бўлса, биз умуман бошқа методларни қўллашимиз мумкин.

Байес нуқтаи назардан, ностационар шароитда чиқувчи маълумотларнинг исталган хусусияти жорий шароитларга асосланган импликацияларнинг турли хиллигидан пайдо бўлиши керак (стационар ва ностационар шароитларда). Бундай кўринишдаги фарқларнинг пайдо бўлиши ҳамда уларда ягона илдизларнинг мавжуд бўлиши билан боғлиқ динамик моделлар билан ишланса, ушбу фарқлар кейинчалик илмий-тадқиқот ишларининг ҳисоботларида ишлатилишига асқотади.

Узилиш нуқталарини текшириш мобайнидаги мавжуд катта фарқ мисолини келтирадиган бўлсак, сиз Байес ёки классик методларни қўллашингиз мумкин. Битта узилиш нуқтасининг мавжудлиги борасида синов ўтказаетганингизда, Байес ва классик ёндашувларда ҳақиқийлик узилиш нуқтасининг функцияси сифатида кўрилади. Байес



ёндашуви сиз учун, узилиш нуқтасининг муаммоси белгиланган жойдаги узилиш нуқтаси ахборотининг аниқлиги ҳақиқийлик даражасига қараб аниқланади. Классик ёндашув намоёндалари ўз эътиборларини мумкин бўлган ҳақиқийлик функциясига қаратиб, буларни кузата олмасликлари ҳам мумкин.

Инструментал ўзгарувчиларни баҳолаш реаллик принципларига асосланмаган, лекин қўллаш мумкин бўлган моделларга киритиш мумкин.

Хансен: *Тадқиқотчи сифатида, методологик ва эмпирик қизиқишларнинг ўзаро уйғунлашувида ўзингиз яққол мисол бўла оласизми? Иқтисодиёт ва эконометрика каби жабҳалар ривожланиши натижасида мутахассислик саволлари муҳим бўлиб бормоқда. Эконометрика эндиликда алоҳида тармоқ бўлдими? Эконометриканинг ихтисослашуви хавотирга олиб келмайдими?*

Симс: Фаннинг ҳамма соҳаларида иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда абстракт назариялар эмпирик характерга эга. Эконометристрлар ичида назарий эконометрика ва амалий эконометрика мутахассисликлари мавжуд. Бир хил олимлар борки, уларни бирлаштиришга ҳаракат қилишади. Жамиятдаги ўзгаришлар инсонларни тобора ихтисослашувга чақирмоқда, бу эса кесишувдаги жабҳаларда ишлаётган инсонларга ноқулайликлар ва қийинчиликларни яратмоқда. Иқтисодчиларни стратегик саволларни кўриб чиқишда ҳамкорликка чақирсак яхши бўлар эди, чунки бу назария ва амалиётни бирлаштиришга ёрдам бериб, иқтисодиёт изланишларни иқтисодиётнинг реал муаммоларни ҳал этишга имкон беради.

Шунингучун эконометрикани иқтисодиётнинг қолган тармоқларидан ажратишга мен танқид билан қарайман. Бошқача олиб қараганда, яна бир хавф мавжуд, яъни танланган соҳа бўйича маълум бир билимга, тажрибага ва хусусиятларга эга бўлганларгина ҳақиқатдан «фойдали» эконометристрлар дейишади, менинг назаримда. Бир хил назариячилар эконометристрларга ва эмпирик методологиячиларга қарши бўлишади. Ҳамда эконометристрлар ва иқтисодчи нэконометристрларнинг ўзаро ҳамкорлиги ҳам муҳим. Ҳаммасидан яхшиси, эконометристрлар ва иқтисодчилар бир-бирлари билан ёнма-ён ишлашлари лозим. Жуда яхши бўлар эди, яъни бир кўринишда олим, ва кучли назариячи-эконометрист ва тадқиқотчи бир одам бўлса, аммо бу жудаям кам.

Хансен: *Менга маълум бўлишича, узоқ вақт давомида Федерал захира банкининг тадқиқотларига алоқангиз бор эди. Сизнингча, уз-*



луксизлик кетма-кетлигининг тадқиқотлардаги ўрни ва пул-кредит сиёсатини ташкил этиш ва бошқаришдаги роли қандай?

Симс: Яқинда мен бир ишни чоп этдим (Sims, 2002) унда қисман шу саволга эътибор қаратилган. Унда эконометрикачилар макроиқтисодий сиёсатнинг моделлаштиришга боғлиқлиги юзасидан муаммага тегишли яқуний хулосани чиқара олмайдилар деб ёзганман. Узлуксиз вақт оралиғини назарий моделлаштириш марказида ягона илдиз ва коинтеграция мавжуд бўлади, улар баҳолашни амалга оширишга қадар коинтеграция тизимининг аниқлашда иерархик статистик синовларни ўтказишга имкон беради. Лекин, барибир буларни катта моделларда қўллаш жуда қийинчиликлар яратади.



Крис ва Катие Симс, 2000.

Академик макроиқтисодий назариялашув рационал қутилмаларга ўз эътиборини қаратган, улар эса, ўз навбатида, ўз-ўзидан муаммони ҳосил этмайди. Саржент ва Лукас каби олимлар рационал қутилмаларни хатолик билан тенглаштиришарди, сиёсат «тартиби» таҳлили ва ўзгарувчан сиёсат ўзгаришлари таҳлили ўртасида катта фарқ мавжуд эди.

Ҳозирги кунда моделлар ёмон аҳволда қолмоқда, эндиликда бундай муаммолар ечимини топишда Байес ёндашувларидан фойдаланиш лозим. Бу борада Смит ва Вутерсларнинг охириги ишлари яхши ҳисобланмоқда.

Хансен: *Яқинда сиз «рационал эътиборсизлик» номли ишингизни (Sims, 2003) чоп этдингиз, у ерда сиз ахборот назарияси хулосаларидан фойдаланган эдингиз. Нима сизни бу йўналишда изланишга ундадидивақандай йўналишда, сизнингча, буй йўналишири вожланганми?*

Симс: Макроиқтисодий кўрсаткичларни сифатли ўтказишда нарх ва инерцияга боғлиқ бўлган ишланмаларни «Ноэгри» номли (Stickness, Sims, 1998) ишимда ёритганман. Унда эгилувчан нархларнинг мавжудлиги ва «аниқ эмас» бўлган ҳақиқий ўзгарувчилар ёки, тескараси, эгилувчан ҳақиқий ўзгарувчилар ва аниқ бўлмаган нархларга боғлиқлиги



Крис Симс Швециянинг Риксбанкдаги анжуманда, 2003 йил.

лининг ўтказувчанлик тезлиги тўғрисидаги фикрида ишлатилган моделлардаги тўсиқлар, инертлик натижасида малумотлар ўзини кўпроқ интуитив тутади. Сиз айтиб ўтган кейинги ишимда, чизиклик квадрат динамик оптимизациянинг умумий муаммоларига тааллуқли ишлар ёритилган бўлиб, кузатилаётган инерция сифатига айнан у жавоб беради.

Камдан-кам иқтисодчилар маълумотлар назарияси билан таниш, лекин кўпчилик менга формал ёндашувдан кўра интуиция камроқ жозибалироқ деб айтади. Ҳозирга қадар ушбу фикрлар камроқ қўлланилмоқда, чунки ростдан ҳам ривожланаётган соҳани олға силжитадиган инсонлар кўп эмас. Мен ҳам инсонларнинг фойдаланишида қулай бўлган ва юқорида айтиб ўтилган методларни қўлласа бўладиган дастурий восита яратишга ҳаракат қилмоқдаман.


Сухбатни Ларс Петер Хансен олиб борди.

*Чикаго университети,
2003 йил 5 ноябрь.*





ПОЛ ВОЛКЕР



1927 йилда тугилган. Умрининг асосий қисмини давлат хизматида: Кеннеди ҳузуридаги Молия вазирлигида (1962–1965), сўнгра Никсон ҳузуридаги пул-кредит сиёсати масалалари бўйича молия вазири ўринбосари (1969–1978), Федерал захира банки президенти (1975–1979), ниҳоят, Картер ва Рейган ҳузуридаги Федерал захира тизими (ФЗТ) Бошқарувчилар кенгаши раиси лавозимларида ишлаган.

Буюк депрессия ва иккинчи жаҳон уруши унинг ҳаётида мақсад сари ҳаракатланишига кучли таъсир кўрсатди. Депрессия миллат учун катта синовлар даври бўлиб, қадриятларни қайта баҳолаш ва чуқур ислоҳотларнинг вужудга келишига сабаб бўлди. Пол Волкер ислоҳотларнинг бевосита шитирокчиси бўлиш учун давлат хизматига ўтди, тақдир тақозосига кўра, халқаро миқёсда Бреттон-Вудс тизими ва АҚШдаги Гласс-Стигалл банк тизими инқирозига сабаб бўлган жараёнларни бошқаришига тўғри келди.

Ўтмишга назар ташлаганда, у ҳозирги кунда ўз карьераси юзасидан баъзи ноҳушликларни, лекин, шу билан бирга, муваффақиятни ҳам ҳис этди. Ҳар ҳолда бундан кейин депрессия ва жаҳон урушлари содир бўлмаган. Шу йилларда Волкерда тараққиётга ва унинг мавжудлигига ишонч пайдо бўлган эди.



ПОЛ ВОЛКЕР БИЛАН СУҲБАТ

Бу суҳбат Волкернинг Рокфеллер марказидаги (Нью-Йорк) офисида бўлиб ўтди. Тўртинчи қаватда жойлашган офис деразаларидан майдон манзараси ва Прометей ҳайкали яққол кўриниб туради. Нарироқда Нью-Йоркка, бир бора бўлса-да, ташриф буюрган кишиларга ҳам таниш бўлган General Electric компаниясининг муҳташам биносини кўриш мумкин. Асосий кириш йўлагининг юқори қисмида Исо Масих китобидан олинган ёзув бор (33:6 шеър):

«Сен учун нажот, донишмандлик ва меҳр-муҳаббатга бой хавфсиз давр келади».

Ушбу ёзув бинога шу қадар мослиги, у Буюк депрессия даврида қад кўтарганини ёдга солган ҳолда савлат билан туриши мени хайратга солди. Ҳозирги кунда бу суҳбатни ўқиганимда пул-кредит сиёсатини амалга ошириш билан боғлиқ бўлган воқеа-ҳодисаларни ҳам эслаймман.

Мерлинг: *Эслашимча, сиз айнан давлат секторидаги ишга доимо қизиққансиз. Болалигингиз Буюк депрессия даврида ўтган. Отангиз Тинеккдаги шаҳар маъмурияти вакили бўлиб ишлаган. Пул соҳасига қизиқишингизни қандай изоҳлаш мумкин? Иқтисодиётнинг монетар жабҳаларидаги муаммоларни ўрганишингизга нима сабаб бўлди?*

Волкер: Бахтга қарши, тақдир тақозоси. Академик даражада бу мавзу билан «Пул муомаласи ва банклар» маъруза курсини тинглаш даврида танишганман, уни Принстонда бизга Фридрих Лутц ўргатган эди. У пайтда Лутц иқтисодиёт бўйича таниқли профессор ҳамда мантик ва кескин фикрларга эга энг яхши ўқитувчи эди. Унинг маъруза курси мени жиддий қизиқтириб қўйди ва иқтисодиёт бўйича бошқа маъруза курсларига нисбатан мақсадлироқ кўринди. У пайтда мен молиявий ҳисобдорлик доимо тўғри тузилади ва берилган кредитлар тўғрисидаги маълумотлар ёки яна бирор-бир жиҳатлар воқеликка мос келади деган хаёллар оғушида эдим. Бу мавзу мен учун қизиқ эди.

Сўнгра мен Федерал захира тизими фаолияти тўғрисида тезис ёздим. Бу ўзига хос тасодиф эди. Мен кўп нарсани кейинга қолдиришни жуда ёқтираман. Ярим йилга ўқув жараёнидан узоқлашдим, чунки Принстонга ўқишга кирган пайтларимда ўқиш йилига уч семестрга бўлин-



ган эди. Мен диссертация ёзишим зарурлиги туфайли баҳорги семестр давомида сўнги курснинг биринчи семестрида ҳеч нима қилмадим, чунки нима ҳақда ёзишни билмасдим. Шу тариқа семестрни ўтказиб юбордим.

Федерал захира тизими ҳақидаги ғоя қаердан пайдо бўлганлигини билмайман, лекин у менга маълум маънода оддий ва бошқа мавзулардан тушунарлироқ кўринди. Бундан ташқари, аввал айтганимдек, пул муомаласи ва банклар мавзуси мен учун қизиқ эди. Ҳар ҳолда Фрэнк Грэхем илмий раҳбарим бўлди.

Мен ўқитувчилар билан яқин мулоқотда бўлмаганман. Менга ўқитувчиларнинг талабалар учун бўш вақти йўқдек туюларди. Лекин кейин мен Иқтисодиёт факультетининг етакчи ўқитувчисига «бириктириб» қўйилдим. Мен илк бор илмий раҳбарим билан учрашганимда (тўғрироғи, бу сентябрь ойининг охирларида бўлганди) мен ишни ёза оламанми деб шубҳаланаётганимни тан олдим. У бу иш учун вақтим кўплигини айтди. Мен: «Ҳаяжонланяпман, чунки январда ўқишни тугатаман», – дедим.

Илмий раҳбарим менга катта ёрдам берганини ҳеч қачон унутмайман. Мен тайёргарликдан ўтдим ва матнни ёзишга киришдим. Кутубхонада ўтириб бобларни кетма-кет ёзардим, сўнгра эса уларни Грэхемга берардим. Булар оддий услубда, ҳеч қандай қисқартиришларсиз ёзилган катта боблар эди. У ёзганларимни тез ўқиб, ўз шарҳлари билан менга қайтариб берарди. Ҳозирги кунда профессор шундай иш қилишини тасаввур эта оласизми? У иш машинада терилган бўлишини талаб қилиши ва камида бир неча кунда ўқишини айтади.

Мерлинг: *Диссертация Федерал захира тизимини яратиш, унинг тарихига бағишланганми?*

Волкер: Ҳа, мен ФЗТнинг пайдо бўлиш тарихини ифодалаб берганман, лекин, асосан, диссертация мавжуд (жорий) сиёсатга бағишланганди. Раҳбарларнинг учлиги тарих, монетаристик доктрина, «реал векселлар» доктринаси ва шунга ўхшашларга мослаштирилган эди. Бир неча йиллардан сўнг Принстонга маъруза ўқиш учун келдим. Маърузада талабалардан бири менга: «Сизнинг диссертациянгизни ўқиб чиқдим. Сиз ФЗТнинг мустақиллик ғоясидан воз кечишимизни айтяпсиз. Буни шарҳлай оласизми?», – деди. Ўшанда таълим жараёни коллежда яқунланмайди демоқчи бўлгандим. Кейинроқ ўша пайтда ёзганларимни таҳлил қилган ҳолда диссертациямнинг асосий фикрини белгиладим. У қуйидагича эди: агар ФЗТ аввалгидек, яъни Молия вазирлиги назорати остида амал қилса, унинг мустақил бўлиб қолишига



зарурат йўқ. ФЗТ шундай муваффақият билан Молия вазирлигининг бир қисми бўлиши мумкин.

Мерлинг: *Сўнгра сиз Гарвардга – Литтауэр давлат сиёсати мактабига йўл олдингиз. Бу Принстондан кейинги фаолиятингиз эдими?*

Волкер: Мен Принстон университетини январь-февраль ойларида тугатганман, олти ой бўш вақтим бўлган. Давлат сиёсатига қизиққанам учун Вашингтонга йўл олганман – шунчаки кадрлар агентликларига бориб, давлат тузилмалари, шу жумладан, ФЗТда бирор-бир бўш иш жой борми деб суриштирдим. Ҳамма жойдан рад жавобини олдим. Бу мавзуда ҳазил қилиш ва Федерал захира тизимида қандай рад жавоби олганимни эслашни яхши кўраман. Мен мустақил иш изладим, раҳбарлар суҳбатидан ўтдим, лекин ҳеч ким бир неча ойга ишга олишни истамасди. Натижада, Нью-Йорк Федерал захира банкига ишга қабул қилиндим. Бу ажойиб эди! Бу менинг дастлабки ҳақиқий ишим эди! Кейин магистратурага ўқишга кирдим.

Мерлинг: *Литтауэр мактабидан ўқиган пайтингизда танишганмисиз Элвин Ҳансен билан? Унинг машғулотларига борганмисиз? Жон Уильямснинг машғулотларига-чи?*

Волкер: Ҳа, Ҳансен бир семестрга мўлжалланган курсни олиб борарди. У «Банк тизими ва пул муомаласи» деб аталарди, шекилли. Бу Кейнс назариясининг аниқ, мантиқий баёни эди. Курс Кейнснинг «Умумий назария»сига асосланарди. Биз уни батафсил ўрганганмиз. Ҳансен жуда кучли ўқитувчи эди – у сўзлаган ҳамма фикрлар аниқ ва тушунарлидек эди.

Уильямс курснинг иккинчи қисмини олиб боради, у мавҳум ва баҳсли бўлган. У далилларини ҳеч қандай рақам билан асосламасди. Бу маъруза Ҳансен маърузаларининг акси эди. Ҳансен ҳамда Уильямс фискал сиёсат бўйича семинар машғулотлари ҳам ўтказарди. Бу семинар ўша пайтда яхши танилган, лекин мен уларга деярли бормасдим. Нима учунлигини айтиш мушкул. Эҳтимол, мен уни янада мураккаб ҳисоблагандирман.

Мерлинг: *Сиз Ҳансен тўғрисида Кейнс билан, Уильямс тўғрисида эса мавҳум фикрлар билан танишгансиз. Қайси дарс бериш усули кўпроқ ёққан сизга?*

Волкер: Ҳансен ўз фикрларини қанчалик содда ва тушунарли баён этиши ёдимда. Биз ўша пайтда ўқиган китоблардан бирини Ларри Клейн ёзган. Бу эконометрикага бағишланган китоб бўлиб, хотирам панд бермас, «Кейнс инқилоби» деб номланган эди. Ҳансен сўзлаган фикрлар-



га ўз ички таъсири яхши эсламан, Ларри Клейн уни кучайтирган эди. Кейинроқ у ажойиб инсон бўлгани, лекин ҳаммаси унча осон бўлмаганини англаб етганман. Аслида, оламдаги ҳамма ҳодисаларга ўзгача амал қилар экан. Улар ҳамма истеъмом вазибаларини умумлаштирганлар, лекин мен олам уларнинг тасаввурларидагига нисбатан бирмунча ноаниқ ва тизимга солинмаган деб тахмин қилардим.

Принстон университетиде иқтисодиёт билан боғлиқ кўплаб дастурлар мавжуд эди. Биринчи ёки иккинчи курсда таҳсил олиш давридаёқ, мен юқори курс талабалари учун иқтисодиёт назарияси бўйича машғулотларда иштирок этардим. Бу курс кейинчалик «Бизнес-даврлар» деб атала бошланди, лекин мен уларда Кейнс ҳақида сўзланганини эслай олмайман. Албатта, у пайтда «Умумий назария»ни ўрганмасдик. Мен у билан Гарвардда танишгандим, Принстонда асосан Австрия мактаби тақдим этилган. Биз Бём-Баверк ҳамда Австрия иқтисодий мактаби таклиф этган фикрларни ўрганганмиз. Моргенштерн иқтисодиёт назарияси курсида билдирган фикрлар маълум даражада айнан бу мактаб таълимотларига асосланганди. Мен бошланғич иқтисодиёт курсига бормасдим, лекин, фикримча, у ерда ҳам Кейнс ҳақида унча кўп сўзланмаган.

Мерлинг: *Сиз бизнес-даврлар ва 1978 йилда Москович маърузалар доирасидаги нутқларингиз ҳақида эслаб ўтдингиз. Улар «Бизнес-даврларнинг такроран очилиши» деб аталарди. Сиз аниқ йўналиш асосан ўтмиш билан боғлиқ ҳамда узоқ муддатли давр кечиктирилиши мумкин деб таъкидлагансиз.*

Волкер: Шундай дедимми? Мен, бизнес-давр психологик табиатга эга деганман.

Мерлинг: *Ҳа, сиз: «хасислик, қўрқув ва такаббурлик...», – дегансиз.*

Волкер: Наҳотки, мен шундай деганман? Йиллар ўтиши билан шундай хулосага келдимки, такаббурлик – кишиларни доимий таъқиб қилувчи иллат, лекин бундай фикр билдирганимни эслай олмайман. Шундай бўлса-да, ҳозир бу ҳақда сўзлаяпман!

Мерлинг: *1978 йилда ким ёки нима туфайли бизнес-давр ҳақида бундай фикрга келганингизга қизиқяпман. Принстон университети, Ҳансен ёки кимдир туфайлими?*

Волкер: Албатта бу ерда Ҳансеннинг ўрни йўқ. Унинг назарияларида хасислик, қўрқув ёки такаббурлик ҳақида фикрлар бўлмаган. Бундай фикрнинг шаклланишида менинг «Chase Manhattan»даги фаолиятим катта аҳамият касб этган, у ерда мен бозор тадқиқоти, шу-



нингдек, ФЗТ ва Нью-Йорк банкларидаги савдо операциялари билан шуғулланганман.

Мерлинг: *Биз бунга яна қайтамиз. Лекин, дастлаб Лондон иқтисод мактаби бўлган, шундайми?*

Волкер: Мен у ерда кўп вақт бўлмаганман. У ерга диссертация ёзиш учун борганман, лекин Лондонда чалғитувчи кўп омиллар бўлган.

Мерлинг: *Тасаввур эта оламан!*

Волкер: Бошқа томондан, бу сафар мен учун жуда фойдали бўлган. Ўша пайтда диссертацияни ёзмаганимдан афсусдаман, гарчи ҳозирга қадар ҳам бундан афсусланиш ўринлими, билмайман. Асосийси, мен Лондон иқтисод мактабида бажара олган ишлар, бу эса банк тизими бўйича магистрлик семинарларидаги, шунингдек, Ричард Соьерс ўтказган пул-кредит сиёсати бўйича семинарлардаги иштирокимдир. Одатда, бу семинарларга шахар ёки ҳукумат тузилмаларидаги кишилар таклиф этилар, улар Буюк Британиядаги иқтисодий сиёсат ва банклардаги мавжуд муаммолар ҳақида сўзлаб берардилар, бу албатта ўша пайтда мени жуда қизиқтирарди.

Мен ёзишни тахмин этаётган диссертация пул-кредит сиёсатини ўтказиш механизмлари ҳамда бунда Буюк Британия ва АҚШ ўртасидаги фарқлар тўғрисида бўлиши керак эди. Америка Қўшма Штатларининг ўз унитар банк тизими бўлиб, у кенг тарқалган ва турли-туман бўлган. Буюк Британияда ўша даврда 5 та катта банк ва 2 та жуда катта банк мавжуд эди. Бу ерда кредитлар назорати, истеъмол кредитлари назорати амалга оширилган, бирламчи ва иккиламчи захираларга талаблар қўйилган, шунингдек, бошқа маъмурий аралашув чоралари белгиланган пайтда юз берган. Асосан бу ўша даврнинг пул-кредит сиёсати ва бизнес-давр билан боғлиқ.

Мен Ротари клуби аъзоси эдим. Талабаларнинг фикрича, бу кўп вақтни талаб этар, лекин қаерга борманг, ҳамма Ротари клубларидан фойдаланиш имконини берар, бу эса жуда ажойиб ҳодиса эди. Мен банк тизимига қизиқувчи америкалик талаба эдим. Ниҳоят, бу имкониятдан оқилона фойдаланишга қарор қилдим. Ротари клубидаги аъзолигим ва Соьерснинг мадади туфайли йирик банк раҳбарларини киритган ҳолда Англиядаги банкирлар билан суҳбатлаша олардим.

Лондон ва унинг атрофи бўйлаб икки ойлик сайрдан сўнг Британия банк тизимининг фаолияти ҳақида етарлича яхши тасаввурга эга бўлдим. Шунингдек, мен Англия банки ва Молия вазирлигига ташриф буюрдим. Мен жуда яхши диссертация ёзган бўлардим! Менда пул-кредит сиёсатининг нозик жиҳатлари ва унинг институционал жиҳатини



ўрганиш учун ажойиб имконият мавжуд эди, лекин ҳар ҳолда мени олимнинг ҳаёти қаноатлантормасди.

Мерлинг: *У даврда сиз банк тизими бўйича классик асарлар, масалан, Бейжхотнинг «Lombard-street» асарини ўқимаганмисиз?*

Волкер: Ҳа, мен Бейжхотнинг баъзи китобларини ўқиганман. Лекин, кўпроқ Хоутрининг китобларини ўқиганимни эсламан.

Мерлинг: *«Пул муомаласи ва кредит» китобими? «Марказий банкни бошқариш санъати» китобими?*

Волкер: Лондонда ўқиган китобларимнинг номини эслай олмайман. Пул бозорида юз берувчи ҳамма воқеалардан бохабар бўлиш учун асосан иқтисод ва молия китобларини ўқиганман.

Мерлинг: *Демак, сиз пул-кредит тизими фаолиятини китоблардан эмас, балки уни бевосита кузатган ҳолда билиб олгансиз.*

Волкер: Йўқ, мен китобларни ҳам ўқиганман, пул-кредит тизими фаолиятини ҳам кузатганман. Айтиш керакки, мен Лайонел Роббинснинг маърузаларига мунтазам бормаганман, улар Лондон иқтисод мактабида иқтисодий назария бўйича асосий курс ҳисобланган. Улар Соьерс семинарларига нисбатан мавҳумлашган ва назарийлашгандек туюларди. Бундан ташқари, мен Принстон ва Гарвардда, ҳар ҳолда, Роббинс ўз семинарларида сўзлаган мавзу даражасида яхши назарий тайёргарликдан ўтганман.

Ёдимда, Соьерснинг семинарларидан бирига Лондондаги шаҳар банкидан бир ходим келди. У: «Ўша йилларда деярли халқаро молия бўлмаган, бунга иккинчи жаҳон уруши оқибатлари, қатъий назорат, вайроналик ва ишончсизлик сабаб бўлди. Лекин куни келиб, ҳамма нарса ўзгариши керак ва кредитлаш жараёни халқаро даражада амалга оширила бошлайди», – деб таъкидлади. Бироқ деди у: «Кўп йиллик тажрибамга кўра, халқаро кредитлар ҳажми кўп бўлганда бу операцияларни банклар орқали ўтказиш қулай. Бу ҳолатда инкироз юз берганда (бу эса қачондир муқаррар юз беради) очик бозор орқали кредитлаш амалга оширилганда вазиятни бошқариш осонроқ. Бундай шароитларда дунёдаги кредиторларни бирлаштириш мушкул». Шундан буён буни ҳеч қачон унутмадим. Ҳаёт банк ходими ҳақ бўлганлигини кўрсатди. 1980-йилларда 1990-йиллардагига нисбатан жаҳон молия инкирозини бошқариш анча осон бўлган.

Мерлинг: *Лекин Пол Волкернинг кейинги таълим босқичига қайтсак, у Нью-Йорк Федерал захира банкида ишлаб бошлаганиз. Сиз у ерда дастлаб Роберт Руза раҳбарлигида, сўнгра очик бозор-*



лар бўлимида ишлай бошладингиз. Буни, аслида, ўзига хос таълим дейиш мумкинми?

Волкер: ФЗТ Бошқарувчилар кенгаши раиси бўлишга интилувчи инсон учун менинг маълумотим етарли эди. Нью-Йорк Федерал захира банкидаги илк ишим банк захиралари таклифи ва ундай фойдаланишга таъсир этувчи омилларни тадқиқ этиш, шунингдек, прогнозлар тузиш бўлган. Бу очик бозорлардаги операциялар билан бевосита боғлиқ техник кўринишдаги иш эди. Мен ФЗТ тўғрисидаги қоидалар ва банк захираларини шакллантиришга таъсир этувчи омиллар: Федерал захира банкларнинг депозит муассасаларига кредитлари, пул маблағлари муомаласи, Ғазначиликда сақланувчи нақд пуллар, кундалик, мавсумий, ҳафталик тебранишларни ҳар томонлама ўрганардим.

Натижада, бу соҳа экспертига айландим. Бу менга пул бозорини амалий ҳамда назарий нуқтаи назардан кузатиш имконини берди. Сўнг-ра менда савдо операциялари бўлимида ишлаш имконияти пайдо бўлди, бу ерда бозор фаолиятини кузатишим мумкин эди. Бу иқтисодчи учун кутилмаган омад эди. У пайтда ҳамма нарса қатъий иерархия ва чекловларга бўйсундирилганди. Савдо операциялари бўлимида узок вақт ишламай, давлат қимматли қоғозлари дилери бўлиб, уларни харид қилиш ёки сотиш ишларини бажара олмайман. Касбий терминологиядан тўғри фойдалана олмайман, бозорни ҳис эта олмайман ҳамда эҳтиётсизлик туфайли бозорга нотўғри баҳо бераман деган ишончсизлик мавжуд эди. Лекин, менинг у ерда ишлашим вазият ўзгараётганидан далолат берарди. Роберт Руза Федерал захира банкидаги раҳбарлардан бири эди. У бошқарувчи иқтисодчилар ва бозордаги операциялар билан шуғулланувчи мутахассислар ўртасидаги бўлинишни тугатишнинг уддасидан чиқди. Мен иқтисодий маълумотга эга бўлган ҳолда, савдо операциялари бўлимига биринчилар қаторида ишга қабул қилингандим.

Менинг мажбуриятларим у қадар кенг эмасди. Мен ҳар куни бозорда юз бераётган ҳодисалар, ФЗТ қандай фаолият юритаётгани ва унинг сабаблари ҳақида узундан-узок ҳисоботлар ёзардим. Баъзида бу жуда зерикарли машғулот эди, лекин мен молиявий бозорлар қандай ишлаётгани ва бунда унинг ўрни қай тариқа шаклланишини ҳақиқатда ҳис этдим. Нисбатан паст савдо фаоллигида бозордаги тебранишлар сезиларлироқ эканлигини кўрган ҳолда, мен кутилмаларнинг муҳимлигини тушуна бошладим.

Бозордаги тебранишлар баъзи психологик омиллар таъсирида юз берарди. Ҳар куни бозорни кузатган ҳолда айнан тахминларнинг ўзгариши, одатда, бозордаги вазиятни ўзгартириб юборганини сезасиз. У



даврдa давлат қимматли қоғозларининг бозорда 4/32 пунктга тебранишида вазият нотинч саналарди. Албатта, ҳозирги кунда ҳаммаси ўзгарди. У пайтда бозор бир кунда бир пунктга ўзгаришини тасаввур этиш мушкул эди, ҳозирда эса одатий ҳолат.

Мерлинг: *«Chase Manhattan»даги иш кейинги босқич бўлганми?*

Волкер: Ҳа, бу ҳам яхши мактаб бўлган. Бунга қадар техник нуқтаи назардан ва ФЗТ позициясидан пул бозорларидаги кўриб чиққан жараёнларимни, энди катта банкдан кўриш имконига эга бўлдим. У пайтда депозитлар, фоиз ставкалари бўйича чекловлар мавжуд бўлиб, эркин айланувчи депозитли сертификатлар ҳали йўқ, бошқа кўпгина тақиқлар сақланиб қолганди. Мен иқтисодий департамент ва банкнинг бошқа бўлинмалари орасида ҳеч бўлмаганда молиявий таҳлил бўйича воситачи бўлганман.

Бундан ташқари, мен пул муомаласи ва кредитлар бўйича Комиссия учун ҳам катта ишни бажарардим, чунки Дэвид Рокфеллер «Chase Manhattan» президенти ва комиссия аъзоси эди. Де-факто, комиссияда ишловчи команданинг деярли аъзоси эдим. Бу қойилмақом иш бўлиб, менга молиявий бозорнинг комиссия билан маълум даражада боғлиқ етакчи мутахассислари ва бизнес ҳамжамияти етакчилари билан мулоқот қилиш имконини берди. Шу билан бирга, мен Марринер Экклз билан танишдим.

Мерлинг: *Ўқшингиз қачон тугаганини эслолмайман, давлат тузилмасидаги фаолиятингиз фақат 1962 йилда бошланган, шундайми?*

Волкер: Ҳа, балки. Ёшингиз нечада эканини билмайман, лекин сиз, эҳтимол, ҳақдирсиз...

Мерлинг: *Қирқ ёшдаман.*

Волкер: Ҳа, ўша давр ҳозирги кунда қадим тарихдек кўриниши мумкин. Сизнинг ёшингиздаги инсонга биз Кеннеди президент бўлиб сайланганда нимани ҳис қилганимизни тушунтириш мушкул. Бунга қадар Қўшма Штатлар Иккинчи жаҳон урушидан ғолиб сифатида чиқди ва ўзини дунё ҳукмдоридек ҳис эта бошлади, ўзига ишонч туғилди ва кучга тўлди. Биз урушда ғолиб чиқдик ва жиддий душманни енгдик. АҚШ дунёдаги, шу жумладан, иқтисодий жиҳатдан етакчи давлат бўлгани учун ушбу мамлакат ҳокимиятида ишлашга енгиб бўлмас интилиш мавжуд эди.

Бу ерда ҳақиқатда муҳим ҳаракатлар содир бўлиб, у истеъдодли кишиларни ўзига тортарди. Бу ажойиб ҳодиса эди! Эҳтимол, Эйзенхауэр бошқаруви даврида дастлабки ташаббус бироз тинчиди, лекин кейин



жуда келишган, кучга тўлган ва мағрур, ҳақиқий америкача етакчи сайланди. «Биз ҳамма қарорларни чиқариб, ҳар қандай муаммони ҳал этамиз», – деганди у. Мени, бошқа тенгдошларим қатори, бу фикрлар ўзига тортди.

Кеннеди бошқарувининг иккинчи йили менда Вашингтонга бориш имкони туғилди, чунки Роберт Руза пул-кредит сиёсати масалалари бўйича молия вазири ўринбосари этиб тайинланди. Ҳамма муҳим масалаларни мен боргунимга қадар ҳал этиб қўядилар деган фикрда безовталанганим ёдимда! Бу олдинда турган ҳал этилиши зарур бўлган мураккаб вазифалардан ҳаяжонланиш эди. Бу вазиятда инсон ўзини муҳим воқеанинг бир қисми сифатида ҳис этади. Менда ҳокимиятга нисбатан шундай ҳислар бўлган, чунки мен шундай тарбияланганман. Охир-оқибатда, бу катта омад эди, чунки Молия вазирлиги ўша даврда ҳукуматда асосий ўринга эга бўлиб, Роберт Руза эса даҳо эди.

Мерлинг: *Нутқларингизни кўриб чиқиш пайтида бошқа масалалар билан бир қаторда 1962 йилдан эътиборан жаҳон монетар тартиби масалаларига қизиқа бошлаганингизни сездим. Айнан шу даврда Бреттон-Вудс тизимида дастлабки дарзлар ҳосил бўлди. Бу давлат тузилмаларидаги ишингизнинг асосий мавзуси бўлдими?*

Волкер: Эҳтимол, сиз ҳақдирсиз. 1940-, 1950- ва, ҳатто, 1960-йилларда ўқитилган иқтисодиёт ташқи бозорларда эмас, балки АҚШда юз берган ҳодисаларга қаратилганини кўпчилик унутган. Аксарият курсларда халқаро жиҳат деярли ўрганилмаган. Ўша даврдаги исталган иқтисодиётга кириш курси дарслигини олсак, халқаро бозорларга бағишланган иккитагина бобни дарсликнинг охириги бетларида кўриш мумкин – бунда ўқитувчи, кўпинча, бу бобларга қадар етмаган.

Ҳар ҳолда бу баландпарвоз гапдек кўринади. Халқаро бозорлар аксарият кишилар учун қизиқ эмасди. Кейинчалик таҳлиллар ўз-ўзидан маҳаллий бозорларга мўлжалланди. Ҳансен халқаро бозорлар мавзусига батафсил тўхталганини эслай олмайман. Уильямсдан фарқли ўлароқ, у маҳаллий бозорларни ўрганган.

Мен Нью-Йоркдаги бюрократлашган Федерал захира банкидан JPMorgan Chase банкига ўтганимда, ҳамма банклар ҳам шундай деган саросимага тушганман. Албатта, Chaseда ҳам бюрократия мавжуд эди, лекин Федерал захира банкига нисбатан бирмунча либерал эди. У ерда тахминан бир ёки икки ой ишладим, банк президенти мен ўз хонасига ёзган баъзи бир ишларимни муҳокама қилиш учун чақирди. У нима эканлиги ёдимда йўқ, суҳбатимиздан сўнг у мени ёнига ўтиришга таклиф қилиб, халқаро вазият, доллар, тўлов ва савдо баланси ҳақида



сухбатлашмоқчи эканлигини айтди. Нью-Йорк Федерал захира банки президенти ҳеч қачон бу масалалар ҳақида суҳбатлашишни таклиф этмаган!

Ундан банкнинг ракобатбардошлиги тўғрисида хавотирланиши, иқтисодчилар фикрича, у пайтда ҳеч қандай нажот йўқлигини эшитганимдаги пароканда фикрларимни эслайман. Лекин, президент консерватив фикрловчи инсон бўлган. У банкир бўлиб, ишлар қай даражада ёмонлашганини ҳис этарди. Бу 1957 йилнинг охири ёки 1958 йил бошларида бўлган. Мен ўша даврда кенг тарқалган: «Биз доллар етишмаслигини ҳосил қилган ҳолда хориждан қанча кўп доллар сотиб олсак, бошқа мамлакатлар долларни шунча кўп сарфлайди» деган фикрга қўшилганман. Тахминан ўша пайтда олтин котировкаси пасая бошлади. Мен содда эдим. Бу амалиётчи банк ходими мендан кўра кўп нарсани биларди!

Ғазначиликда ишлаганимда иқтисодиётнинг халқаро жабҳаси мавзуси мени ҳақиқатда ўзига жалб этди. Боб Руза глобал даражада фикрларди. Нью-Йорк Федерал захира банки, гарчи у ерда ишлаганимда мени бу ишга жалб этмаган бўлсалар-да, ФЗТ доирасида халқаро мавзу билан шуғулланар эдим. Бу масала Нью-Йоркка ўтказилди, чунки Федерал захира банкида бошқа мамлакатлар марказий банклари билан муносабатлар йўлга қўйилган эди. ФЗТ бошқарувчилари кенгаши аъзоларида халқаро муносабатлар мавзусига, ходимлардан фарқли ўлароқ, ҳайъатда ҳам катта қизиқишни кўрмайсиз.

Ғазначиликда умуман бошқача ёндашув бўлган, чунки Европа валюталарини конвертациялаш тизими қайтмоқда, олтин бозори эса қисқармоқда эди. Руза иложи борича доллар курси барқарорлигига эришишга қарор қилганди. Маъмуриятда ҳеч ким валюта курсини алмаштириш ёки олтин нархи тўғрисидаги масалани кўтариш ҳуқуқига эга эмасди.

Мерлинг: *Бу 1963 йилда тизимни сақлаб қолиш учун хорижий қимматли қозғозларга фоизлар бўйича даромадлар ва бошқа маъмурий бошқарув дастакларига тенглаштирилган солиқ пайдо бўлганда юз берган. Улар бирор маънога эгамиди? Ахир сиз бу муаммоларни келтириб чиқаради деган эдингиз-ку?*

Волкер: Ҳар ҳолда биз Ғазначиликда ишсиз ва, умуман, ўзгаришлар мавзусида фикрлаб ўтирмаганмиз. Бундай қадамлар маълум муаммоларни ҳал этиши ва вақтинча ҳимоя чоралари сифатида зарур деган фикр ҳукмрон бўлган. 1964 йилда Боб Рузанинг ишдан кетиши натижасида янада жиддий ислохотлар ўтказиш истаги юзага келди.



Руза ишдан кетгач, махсус ўзлаштириш ҳуқуқларининг салмоғи орта бошлади. У ушбу соҳадаги бирор-бир ташаббусга, фикримча, асосан, доллар қийматига нисбатан саволлар юзага келиши мумкинлигини ҳис этганлиги сабабли қарши эди.

Мерлинг: *Сиз Молия вазирлигини Руза ишдан кетгач, тарк этиб, маълум вақтга «Chase»га қайтдингиз, сўнгра 1969 йилда Никсон ҳузурида яна Молия вазирлигига қайтдингиз ва пул сиёсати масалалари бўйича молия вазири ўринбосари этиб тайинландингиз. Сиз, асосан, Бреттон-Вудс валюта тизими инқирози билан боғлиқ масалалар билан шуғулланганмисиз?*

Волкер: Ҳа, ўша даврдаги валюта тизими инқирозга учраган эди.

Мерлинг: *Сиз ва атрофингиздаги кишилар услубан инқирозга қарши курашгансиз, умумий ёндашув шундан иборат эдими?*

Волкер: 1960 йил бошларида Молия вазирлигида доллар бирмунча ортиқча баҳоланган деган ўзаро миш-мишлар юрарди. У пайтда куни келиб, доллар ёрдамида бирор-бир ишни амалга оширишимизга тўғри келишига ишончимиз комил эмас эди. Лекин, мен пул-кредит сиёсати масалалари бўйича Молия вазири ўринбосари лавозимини эгаллаганимда бу фикрни сақлаб қолган эдим. У пайтда мен Бреттон-Вудс тизими инқирози ёки доллар девальвацияси шароитида валюта бошқаруви билан боғлиқ масалалар билан бевосита шуғулланганман. Натижада, мен бу ўйинни ўйнашим керак деган хулосага келдим.

Лекин, қанчалик содда бўлган эканман! Яқин кунларда қандайдир ходиса содир бўлиши аниқ эди. Бу лаҳзада нима қилиш, қандай қилиш мумкин, валюта курсини қай даражада ўзгартириш мумкин ва уни амалга ошириш мумкинми деган масала кўндаланг турарди. Бундан ташқари, ўз ҳаракатларимиз учун – вазият босим ўтказишидан аввал тўғри вақтни танлаш зарур эди. 1970-йиллар охирида мен асосан валюта курсини ўзгартириш учун олтин захирасининг бир қисмини сотиш керак деган фикрга келдим.

Биз бу пайтда 1960-йиллардаги олтин бозоридаги инқирозни барта-раф этгандик, бунда олтиннинг расмий нарҳини белгилаш сиёсати бир неча бор ўзгарди. Олтин нарҳини бир, икки, уч ва, ҳатто, тўрт баробар ошириш орқали тизимни ислоҳ этиш ғояси АҚШ учун муҳим психологик ҳимоянинг варианты сифатида, лекин, шу билан бирга, молиявий нуқтаи назардан огоҳлантириш сигнали сифатида ҳам кўриб чиқиш мумкин эди. Биз долларни олтинга вақтинча конвертациялашни тўхтатмай, валюта курсини ўзгартира олмасдик.



Мен доим ислоҳ этилган тизимга ўтиш босқичи нисбатан қисқа бўлади деб ўйлаганман. Шу сабабли, мен дастлабки режани ишлаб чиққандим, лекин тифиз вазиятда олдиндан ишлаб чиқилган режа ҳеч кимни қизиқтармайди. Инқироз даври бошланганда президент Никсон ва молия вазири Жон Кеннеди ўзларини руҳан сақлаб, дастлабки қадамни қўйиш, конвертацияни тўхтатишга тайёр эдилар. Лекин, улар яна бирор ишга қўл уришни истамасдилар, бу эса мени қийнарди. Мен тизимни жуда тез ислоҳ этиш мумкин деб тахмин қилган ҳолда жуда содда ўйлардим.

Мерлинг: *Бёрнс (ФЗТ бошқарувчилар кенгаши раиси) бу вазиятга қандай муносабатда бўлди?*

Волкер: Бёрнсда бошқа ёндашув мавжуд бўлиб, у таклиф этилган ҳаракатларнинг бирортасини ҳам амалга оширишни истамасди. Унинг конвертацияни бироз тўхтатмай, олтин нархини ўзгартириш мумкин деган фикрини ҳисобга олмаганда, у тизимни ислоҳ этиш бўйича бирорта реал ғояга эга бўлган деб ўйламайман. Бизда ички сиёсат масалалари бўйича, гарчи мен у сингари даромадлар сиёсати муҳокамасига чуқур киришга интилмасам-да, келишмовчиликлар мавжуд эди.

Инфляция муаммоси мавжуд бўлганлиги сабабли долларни қўйиб юборсак ёки уни девальвация қилсак, унинг психологик оқибатлари жиддий бўлиши мумкинлигига ишончим комил эди. Бу инфляциянинг кучайишидан кўрқишга сабаб бўлиши мумкин эди. Биз стагфляцияга учрадик, ҳамма маълум шубҳада эди: бундай юқори инфляцияда ўсиш жуда секинлашиши мумкин. Мени қўйидаги ғоя қамраб олганди: долларни «эркин сузиш»га қўйиб юбориш пайти келганда, биз нархларни ҳам вақтинча музлатиб қўйишимиз керак, бу ҳозирги кунда унча муҳим ғоя бўлиб кўринмаслиги мумкин.

Натижада, бу ҳодиса мен режалаштирган 90 кундан анча узоқ давом этди. Фикримча, бажаришимиз керак бўлган иш – кутилмаларни «тинчлантириш» эди. Лекин 90 кун қарийб икки йилга чўзилди ҳамда пул-кредит сиёсати жуда ноаниқ бўлди.

Мерлинг: *Ҳамма мўлжаллар чиппака чиқди.*

Волкер: Жуда тўғри. Бу ачинарли ҳодиса бўлиб, уни ҳозирга қадар унута олмайман. Бошқа давлат раҳбарларининг ушбу масалани ҳал этишга ёндашуви албатта бизникидан сезиларлича фарқ қиларди. Улар бизни танқид қилиб, ҳаракатларимиз вазиятни ёмонлаштиради деган фикрда эдилар. Биз долларни девальвация қилганимизда, улар ҳайратга тушдилар ва нима қилишни билмай қолдилар.



Биз валюта курсини бироз ўзгартириб, асосий ислохотни ўтказишни истардик. Улар эса, кейинроқ эски тизимга қайтиш учун валюта курсини 10 % дан камроққа ўзгартиришни таклиф қилдилар. Ўшанда валюта курсини ўзгартириш мавзуси юзасидан жуда кўп баҳслар бўлган эди.

Мерлинг: *Яъни, ислохотни реал қўллаб-қувватлаш гуруҳи бўлмаган ва Америка уни ярата олмасди, шундайми? Сизнинг асарларингизда «Тепаликдаги шаҳар» руҳини ҳис этиш мумкин, яъни Американи бошқалар учун намуна сифатида кўриш мумкин.*

Волкер: Ҳа, айнан шундай бўлиши ҳам керак.

Биз нимадир қилишга уринганмиз. Биринчи навбатда, бу девальвация ва Йигирмалик қўмитаси (Жаҳон валюта тизими қўмитаси)га тааллуқли эди. Бунга тахминан икки йил зарур бўлди. Ҳозирги кунда бу унутилди, лекин тизимни ислоҳ қилишга уриниш бўлган. Мен Молия вазирлигида ишлардим ва тизимни ислоҳ этиш музокараларида АҚШ манфаатларини ҳимоя қилганман. Музокаралар натижасида бирор-бир келишувга яқинроқ келганимизни айта олмайман. Буни амалга ошириш мушкул эди. Лекин келишув бироз яхшилана бошлаганда нефть инқирози содир бўлди. Шу сабабли ишни қайтадан бошлашга тўғри келди.

Ривожлантириш қўмитаси, Йигирма бешлар қўмитаси ислохотдан хотира бўлиб қолди. Ҳақиқатда мен Муваққат қўмита ва Ривожлантириш қўмитаси ташкил этилишига катта умид боғлагандим, бу – молия тизими бошқарувини яхшилаш ва ривожланаётган мамлакатлар мунозарасига киришиш нуқтаи назаридан муҳим эди. Ҳамма нарса биз режалаштиргандек, амалга ошди дея олмайман. Муаммолар илгари ҳам, ҳозир ҳам бир хил. Ҳеч нарса ўзгармайди. Киши улғая бошлайди, асослар эса аввалгидек қолади!

Биз ислохотни қўллаб-қувватлаш гуруҳини кенгайтириш, ривожланаётган мамлакатларни мунозарага жалб этишни истагандик. Шу билан бирга, нисбатан очиқ ва анланган фикр алмашувни ташкил этишни хоҳлагандик. Муҳим сиёсий қарорларни қабул қилувчи вазирлар, амалдорлар ўртасидаги бевосита диалог тартибидаги муаммоларни ҳал этиш учун нисбатан яқин алоқа ўрнатиш учун уларни бир жойга тўплашни мақсад қилган эдик. Моҳиятан Муваққат қўмита бошқарувчилар қўмитасига айланиши ҳамда, пировардида, Халқаро валюта фонди (ХВФ)да амалдаги бошқарув органи бўлиши керак эди. Лекин, биз жуда катта кучли бюрократик қаршиликларга учрадик.

Мерлинг: *Сўнгра сиз АҚШ Федерал захира банкига ишга ўтдингиз, бу ерда нефть инқирози оқибатлари ва 1970-йиллар ўрталари-*



даги жиддий стагфляцияни бошдан кечирдингиз. Бундай пайтда банк президенти лавозимида ўзингизни қандай ҳис этгансиз?

Волкер: Ҳафсалам пир бўлган эди. Ишим маълум даражада сиёсат нуқтаи назаридан анча кучли қониктирарди, чунки менда, раисни ҳисобга олмаганда, ФЗТда ҳеч кимда бўлмаган сиёсатга таъсир этиш имконияти бор эди. Лекин Нью-Йорк ва Вашингтон захира банклари ўртасида алоҳида кишилар билан бир қаторда институтлар даражасида ҳам рақиблик мавжуд эди. Шубҳасиз, йиллар ўтиши билан Нью-Йорк ўз таъсирини йўқотди, тизимдаги маҳаллий захира банкининг мустақиллик ҳисси ҳамда алоҳидалиги ҳам йўқолди.

Бу ФЗТ бошқарувчилар кенгаши катта ва кичик ишлардаги ҳар қандай, ҳатто қатъий маъмурий масалаларга аралashiши учун маъмурий воситалар ёрдамида амалга оширилди. Масалан, мен банкнинг янги биноси қурилишини унча хоҳламасдим, лекин Нью-Йорк Федерал захира банкдан ҳар бир лойиҳа учун экстенсив режалаштириш тизими мерос қилиб олгандим. Кенгаш иккиланди, лекин кейин лойиҳани умуман бекор қилишни хоҳлади. Бу катта муаммо эди. Лекин, бу менга кучли таъсир этмади, чунки уларда бунга сабаб борлигини билардим, бироқ кўпгина саволларга сабаб бўлди.

Банк раҳбарлари иш ҳақини қайта кўриш сифатидаги бундай саволлар умуман низоларнинг доимий манбаи бўлган. Яна кўп нарсалар чуқур норозилик ҳиссини бошдан кечиришимга мажбур этган. Бошқа томондан, яхши ҳолатлар ҳам бўлган. Ҳеч нимага қарамай, Нью-Йорк Федерал захира банки президенти лавозими мен учун Федерал захира тизимидаги энг яхши иш ўрни бўлган, фикримча, ҳозирда муносабатлар ҳам анча яхшиланди. Охир-оқибатда, иккала жойда ҳам ишладим!

Мерлинг: Кенгашга ишга ўтишингиздан бир йил аввал нутқ сўзлай бошладингиз шекилли?

Волкер: Мен фақат иккита нутқимни эслайман. Бири, халқаро валюта тизими бўйича «Долларнинг сиёсий иқтисоди» («The Political Economy of the Dollar») номли Хирш ўқишлари анжуманида, иккинчиси, 1978 йилда Америка Электрон саноат корхоналари уюшмаси съезидаги нутқларим. Нутқ мавзуси «Инфляция даврида пул массаси ортишининг мақсадли мўлжалларининг роли» («The Role of Monetary Targets in an of Inflation») деб номланган. Нутқ сўзлаш ғояси «амалий монетаризм»га қаратилган, чунки мен илк бор ФЗТ ўз сиёсатини тартибга солиш учун пул таклифининг мақсадли мўлжалларига кўпроқ эътибор қаратса, мақсадга мувофиқ бўларди деб очикдан-очик «хайқира» бошладим.



Бу қатор монетаристик ғояларимни қўллаб-қувватлаш гуруҳини тузишдан ташқари, ҳақиқатда изчил ва оқилона сиёсатни шакллантириш учун мослаштириш имконияти тўғрисида ўйлай бошлаганимдан далолат беради.

Мерлинг: *Қизиқ. Сиз Халқаро валюта тизимида асосан долларнинг ҳолатини ўзгартиришга бағишланган Хириш ўқишлари анжуманини эслатиб ўтдингиз. Адашмасам, нутқларингиздан бири «Халқаро валюта бозоридаги барқарорлик – иқтисодий ўсишнинг зарур шарт» деган гоядан иборат эди. Унда сиз 1930-йиллардаги депрессия халқаро валюта тизимига маълум жиҳатдан таъсир кўрсатиб, қулашини аниқ мураккаблаштирган эди.*

Қизиқ, 1979 йилда «амалий монетаризм»дан фойдаланиш юзасидан қарорингизга қайтган ҳолда деярли ички кўринишдаги – инфляция сингари масалаларга татбиқан халқаро миқёсдаги бундай гоялар қанчалик муҳим бўлган?

Волкер: Ўтмишга назар солган ҳолда, ўйлайманки, бу қарор асосан ички кўринишга эга бўлган... Лекин бу дунёда ҳамма нарса ўзаро боғлиқ ҳамда бирини иккинчисидан ажратишнинг иложи йўқ. Бу нутқим ташқи бозорга тўлақонли қаратилмаган, лекин долларнинг барқарорлиги у билан боғлиқ. Ишончим комилки, инфляциянинг ўсиб боровчи суръати ғоясини мен бошлаб берганман.

Мерлинг: *Бундай сиёсатнинг ўтказилиши кўпчиликда мураккаб ва ҳатто ноҳуш фикрларни келтириб чиқаради. Ҳар бир демократик мамлакатда бундай сиёсатнинг асосланганлигини кишиларга тушунтириш учун имконият ва йўللари топиш зарурлиги ҳамда буни кишилар маъқуллашлари лозимлиги тушунсангиз керак. Акс ҳолда қаршиликка учрайсиз ва ҳеч нарсани амалга ошира олмайсиз. Бу нуқтаи назардан монетаризм тили ўзини етарлича самарали ҳодиса сифатида тавсия этди, шундай эмасми?*

Волкер: Бундай сиёсатни ўтказиш юзасидан илгари ташаббускор бўлган баъзи Кенгаш аъзоларининг: «Бу фоиз ставкаларини оширишда айбловларнинг олдини олиш учун ўзига хос шов-шув воситаси эмасми», – деган фикрлари мени асабийлаштирарди. Мен бундай хисобламаганман, лекин аксарият кишилар шундай ўйларди.

Шубҳасиз, мен ўтказган сақлаб туриш сиёсати мададга муҳтож эди. Сиз фоиз ставкаларини ҳатто чорак фоизга ошириш тўғрисидага масалани муҳокамага қўйишингиз мумкин, бу нисбатан глобал ишлар доирасида деярли сезилмайди. Сўнгги йилларда ФЗТ фоиз ставкаларини беш марта оширди. Биз фоиз ставкаларини беш марта, лекин деярли



рамзий маънода оширганмиз. Бу уч марта Осиё инқироzi оқибатларини қоплаш учун амалга оширилган. Биз, аксинча, гайкаларни бурамаганмиз. Биз фоиз ставкаларини ўзгартириш бўйича пухта режалаштирилган кичик қадамларни қўйганмиз, лекин буни – оширилган фоиз ставкалари инфляцияга қай тариқа таъсир этганини изохлаш мушкул.

Менимча, соғлом фикрга асосланган қуйидагича тасаввур мавжуд: инфляция – камроқ товар сони ортидан қувувчи катта миқдордаги пуллар. Бу фикрни соддалаштириб, айтиш мумкинки: инфляция – пул масаси муомаласи билан боғлиқ оддий ҳодиса. Пул таклифи ва инфляция ўртасидаги ўзаро боғлиқликка нисбатан сўнгги ўн ва юз йиллар давомида юзага келган иқтисодий мазмун шунга сабаб бўлдики, бу маълум боғлиқлик кишиларнинг қонига сингган.

Шунинг учун, фикримча, биз кишиларга нафақат фоиз ставкаларини оширишимиз керак дейишимиз, балки инфляцияни бундай кўринишда тўхтатиш учун қўлланилаётган чораларнинг зарурлигини тушунтиришимиз мумкин эди. Адолат учун ҳам, беқарор инфляция вазияти кучайганда фоиз ставкаларини қанча ошириш зарурлигини аниқлаш учун бошқа яхши мўлжалимиз йўқ эди деб айтиш жоиз. Ҳар ҳолда ўзимизни тартибга солиш керак деган ғоя муҳим бўлган.

Бундай ҳолатда доимо кам ишнинг жуда кеч амалга оширилиш хавфи ҳам мавжуд. Ўйлайманки, буни ҳозирги вазиятда ҳам қўллаш мумкин. Шунинг учун жамиятда инфляция ҳукмрон бўлганда, назаримда, ўз-ўзини тартибга солиш учун бирор нарсадан кечиш жуда муҳимдир. Бунинг учун хатарлар қандайлигини билиш зарур, бу юқори инфляция шароитида муҳим ўрин тутати.

Мерлинг: *Сиз амалий монетаризм ҳақида Кенгашга ишга ўтгунга қадар фикрлай бошлаганман деяпсиз. Эҳтимол, Федерал захира тизимида ишловчи кишиларнинг баъзилари ҳам шу мавзуда фикр юритган бўлса керак, шундайми?*

Волкер: Маълум даражада, Сент-Луис Федерал захира банки қатъий монетар сиёсатини ўтказди. Лекин, ўз билим ва тасаввурларимни у ердан олмаганман. ФЗТ фрустрация ҳолатида бўлган ва у ерда ислохотларнинг монетаристик воситаларини қўллаш имконияти тўғрисида миш-мишлар юрган. Мен Кенгаш раиси бўлгунимга қадар ФЗТда ушбу мавзуда баъзи тадқиқотлар бўлган. Сиз ҳақсиз, ФЗТда бирор-бир чора кўриш керак деган умумий гаплар ва кўпгина норозиликлар бўлган, лекин иш охиригача амалга ошмаган.

Мерлинг: *1979 йилда иш стратегиясида туб ўзгаришлар юз берганда ФЗТ ходимлари қандай вазифани бажарганлари менга қизиқ.*



Волкер: ФЗТда жуда малакали мутахассислар ишларди. Умуман, улар етарлича маҳоратли бўлиб, лекин сиёсат мавзусида фикр билдиришни хоҳламасдилар. Баъзан мен тасодифан бирор кишини чақириб, «Сизнингча, нима қилишимиз лозим?» – десам, улар ўзларини ноқулай ҳис этардилар. «Буни сиз ҳал этишингиз керак» қабилидаги жавобни эшитардим. Ўз тажрибамдан биламанки, улар муқобиллар таҳлилига нисбатан каттароқ ишларга доимо истамай ёндашардилар.

Ушбу ҳолатда ФЗТ ходимларидан фақат баъзилари амалий монетаризм ҳақида билганлар. Бу икки ёки уч киши, шу жумладан, Стив Аксильрод бўлиб, у бундай ғояларни маъқуллаган ва янги ёндашувга кизиққан етакчи ходимлардан бири эди. Ҳамма ходимлар бу ғояларга илиқ муносабатда бўлган деб ўйламайман. Улар монетарист эдилар, ўйлайманки, амалий монетаризм ғояси улар учун ўта «монетарча» кўринарди. Лекин, ФЗТ фрустрация ҳолатида бўлиб, эҳтимол, бундай монетарча ёндашув ғояси ёқмаган ходимлар бошқа кишилар сингари ўзгаришларга тайёр эдилар. Бунга шубҳа йўқ.

Бу мени ҳақиқатда ўзгаришларни амалга оширишга ундади, зеро, бу дисконт ставкасини иккинчи марта ошириш эди. Овоз бериш натижаси: 4:3. Мен буни ҳақиқатда кучли қадам ва биз бозорда зарур таъсирга эга бўламиз деб ҳисоблагандим, лекин бу амалга ошмади. Бунга ФЗТ эркин нафас олди. Овоз бериш натижаси 4:3, демак, бу дисконт ставкасининг охириги ошиши» деган жавоб олдик. Бозор ФЗТнинг бундай қадамидан таъсирланди, бу мени ҳайратга солди. Фикримча, мен шу қадар содда бўлганман. Ҳамма ҳодисаларни аниқ эслайман. Мен қарши овоз берган уч кишини шу тариқа овоз бермасликка ишонтиришга қаттиқ уринмадим. Менда тўртта овоз мавжудлигини билардим.

Агар биз дисконт ставкасини яна бир бор оширишимиз зарур бўлганда, натижа 4:3 бўларди. Лекин бозор буни ўзгача қабул қилди. Натижада, ишонч муаммоси ўйлаганимдан ҳам жиддийроқ эканини тушундим. Бу мени ўзгача ёндашув ҳақида жиддий ўйлашга ундади. Ўз ғоямни тақдим этганимда ҳамма, ҳатто фоиз ставкасини оширишга қарши овоз берганлар ҳам мени бир овоздан қўллаб-қувватлашди.

Мерлинг: *Сиз Бошқарувчилар кенгашини назарда тутяпсизми?*

Волкер: ФЗТ Бошқарувчилари кенгаши ва Очиқ бозордаги операциялар кўмитасини назарда тутяпман. Кенгаш аъзолари мени кўпроқ ҳайратга солди, бу эса бироз безовта қилди. Улардан бирортаси матбуотда, ўз китоблари ёки нутқларида ўша пайтда содир бўлган ҳодисалар тўғрисида эслатиб ўтганини билмайман. Уларнинг ўрнида мен бу ишни амалга оширган бўлардим. Эслайман, овоз беришга қадар бўлган маж-



лизда: «Бу ишни бажаришни хоҳлашингизга ишонасизми? Бу – жуда муҳим қарор. Биз фоиз ставкалари тақдири қандай бўлишини билмай-миз. Сиз буни англайсизми?» – дедим. Мен ҳеч кимдан бирор-бир шарҳ ололмадим.

Мерлинг: *Сўнгра кредит назорати билан бироз дахлдорлик бўлди.*

Волкер: Бу нохуш ҳодиса эди. Бу пайтда (1980-йиллар бошида) фоиз ставкалари 17-18 % даражасида бўлган. Президент Картер навбатдаги сайловларга тайёрланаётган бўлиб, инфляцияга қарши алоҳида курашмади. Бюджет тақсимланган, лекин Федерал захира тизими у даврда мураккаб вазиятда бўлганига қарамай, бозор уни суст қабул қилди. Бу менинг онгимда аниқ ва тушунарли эди, лекин ўша пайтда матбуотда босиб чиқарилган мақолаларга назар солсак, у ҳолда ҳаммаси ойдинлашади. Бюджет фақат шубҳаларни ошириб, бусиз ҳам гумонлар етарли эди. Картер буни хис қилар ва бюджетга ўзгартиш киритиш масаласига қайтиши кераклигини билар эди. Бу, назаримда, яхши ғоя эди.

Мерлинг: *Уни молиявий нуқтаи назардан қатъийроқ амалга ошириш учунми?*

Волкер: Ҳа, айнан шундай. Бу мен учун жуда қизиқ тажриба – ҳамма қай тариқа ишлаётганини кузата олиш бўлган. Президент мен унинг одамларига қўшилишимни талаб қилди, шунинг учун бюджетга тааллуқли муҳим қарорлар қабул қилинишида унинг иштирокидаги мажлисларда қатнашардим. Бошқа томондан, бу мен учун ўзига хос очиқлик бўлди, чунки бундай ҳаракатлар сайловчилар, шунингдек, партия демократияси ва тақчилликни қисқартириш зарурати ўртасидаги мувозанатни топишга уринишдан иборат бўлган.

1970-йиллар бошида президент Никсонни эсанкиратиб қўйган қонун қабул қилинди, бу қонун кредит назоратини юритиш ваколатини берарди. Тартибот икки босқичдан иборат эди. Президент кредит назорати воситаларини киритишни ўзгартира оларди, лекин ФЗТ унинг ижроси билан шуғулланиши керак эди.

ФЗТ Бошқарувчилар кенгаши сингари бу ғоя ҳам ёқмасди менга. Биз буни муҳокама қилдик. Октябрда биз банклар томонидан спекулятив операцияларни кредитлашни чеклаш бўйича бир неча чораларни тақдим этдик, лекин улар ихтиёрий кўринишга эга эди. Янада кенг ва мажбурий кредит чекловларини киритиш ғояси бизга жозибалироқ кўринарди. Аввало, кредитлар борасида муаммонинг ўзи йўқ эди. Биз ортиқча кредитлашга бирор-бир ишора топа олмадик.



Ипотека кредити пасайишни бошдан кечириб, шунинг учун бу ерда бундай муаммо бўлиши мумкин эмасди, кўчмас мулк соҳаси эса кредит ресурсларининг энг катта истеъмолчиларидан бири бўлган.

Автомобилсозлик саноати ҳам кредитдан жуда фаол фойдаланмаган, шунинг учун бу ерда ҳам муаммо бўлмаган. Лекин, президент Картер, ўйлайманки, америкаликларга бизда жиддий муаммолар бўлиб, улар ҳар хил чекловларни талаб этишини кўрсатиш учун бирор-бир чора қўллашни истарди.

Кенгаш, мен каби бундай чораларни қўллашни истамади. Лекин, натижада, мен бунга бошқа томондан қарадим: мамлакат инқирозга юз тутмоқда, фоиз ставкалари ортмоқда, бюджет текширилмоқда ва президент бирор-бир чора кўришимизни истайди, бунда бизга ҳар томонлама мадад кўрсатади. Ҳар ҳолда, у норозилик учун сабаблар кўплигига қарамай, бизни танқид қилмайди. Агар буни амалга оширишни истаса ва бу ҳақда маълум қилиш истагидан оғишмаса, у ҳолда биз – ФЗТ аъзолари кредит назоратини татбиқ этишдан бош тортамыз деб айта олишимиз мушкул.

Ҳақ ёки ноҳақмидим, билмайман, лекин мен Кенгаш аъзоларига: «Ўзимизда мавжуд талабларни кредит назорати воситалари билан мослаштирган ҳолда, кичик бўлса-да, бирор-бир чора кўрайлик», – дедим. Сўнгра режа туздик. Биз ипотека кредити, автомобиль харид қилиш кредити, уйни таъмирлаш кредитини кредит назоратидан озод қилдик, хусусий шахсларга кредит маҳсулотлари орасида эса узоқ муддатга таъминланмаган кредитлар тоифасига тааллуқли нарсаларни фақат кредит карталари ҳимоя қиларди. Булардан ҳеч бири катта ҳисобда унча сезиларли бўлмади.

Биз ҳозирги қарздорлик даражасини оширишга сабаб бўлувчи воситаларни захиралаш бўйича алоҳида талабларни белгилаш ҳақида маълум қилдик. Бу ҳамма кредитлар учун якуний захиралаш меъёрлари эди. Биз чекланиши лозим бўлган қатор истеъмол кредитлари қийматини ошириш учун бозорни иложи борича талқин қилишга ҳаракат қилдик.

Мерлинг: *Бу етарлича натижа бермади.*

Волкер: Ҳа, мантиқан фикрласак, шундай. Лекин биз сезиларли самарани ҳам хоҳламасдик. Биз йўналишни кўрсатишни истагандик. Бир куни Оқ уйда президент кредитлар устидан назорат ўрнатиш ҳақида маълум қилди – эртаси куни тонгда иқтисодиёт барбод бўлди! Мен ҳеч қачон бундай ҳодисани кўрмаганман. Албатта, вазиятни яхшилаш учун маълум вақт керак бўлди, лекин ҳар куни бозор томонидан кескин таъсирга учрадик. Бир ҳафта ўтгач, тасодифан биз ҳимоя қилган авто-



мобиль трейлерлари, ҳаракатланувчи уйлар савдоси умуман пасайиб кетди.

Кишилар кредит карточкаларини синдириб, Оқ уйга: «Жаноб президент, биз ватанпарвар бўлишни истаймиз», – деган мурожаатлар билан чиқдилар. Икки ой давомида мамлакатдаги истеъмол издан чиқди.

Пул таклифи билан ҳам шу ҳолат юз берди, чунки кишилар ўз қарзларини кредит карточкалари бўйича қоплашарди. Либерал фикрдаги иқтисодчилар, шунингдек, монетаристлар: «Агар сиз пул таклифига тенглашсангиз, у ҳолда чекловларни камайтиришингиз керак», – дей бошлашди. Биз оғир аҳволга тушиб қолгандик: «Пул таклифи ортинини пасайтиришни хоҳлаганингизда, сизни қўллаб-қувватлагандик, ҳозир у ойига 6 % қисқармоқда», – шунга ўхшаш нарса баъзида бўлиши мумкин, – «сиз тизгинни бўшатишингиз керак».

Фоиз ставкаси оширилишига бир неча ойлик қаршиликдан сўнг иқтисодиёт нишабликка тушгандек туюларди, шунинг учун биз қаршиликни камайтирдик. Бу ишни истаганимдан кўпроқ даражада бажардик, лекин ҳамма нарсани пул таклифи билан мослаштиришга уриндик. Уч ёки тўрт ой ўтиб, фалокат миқёслари аниқ бўлгач, кредит назоратидан бош тортдик. Чекловларни тикладик, бу бизнинг тегишли сабабга биноан амалга оширган илк ишимиз эди. Якуний истеъмолчиларга савдо билан бириктирилган бизнес Оқ уйга бўйсуниб қолди.

Универсал дўконлар кредит назорати сабабли айниқса хавотирга тушган эди. Уларнинг хавотирланиш сабаби кредит карталари, шунингдек, юқори харид фаоллиги даврида (ноябрь ва декабрь) қопланмаган кредитлардан иборат эди. Бу пайтда уларда савдо ҳажми, мос равишда кредит карталари бўйича қарздорлик ортади. Улар чекловларнинг киритилиши савдоларнинг барбод этади деб қўрқишарди. Бу менинг хаёлимга келмаганди.

Кредит назорати қўлланилганда у 6–8 ой давом этишини тасаввур қилмагандим. Албатта, сиз бу чеклов фақат 6–8 ойга киритилмайди деб айта олмайсиз. Универсал дўконлар ушбу пайтда юз берган ҳодисалардан хавотирланмасди, чунки кредит карталари бўйича қарз мавсумий бўлмаганлиги туфайли пасаярди. Улар олти ойдан кейинги ҳодисалар хавотирлантирарди.

Мерлинг: *Кутилмалар мисоли экан-да.*

Волкер: Мутлақо тўғри! Ўйлайманки, бундай бевосита аралашув кўзда тутилмаган оқибатларга эга бўлганда, бу вазиятни беқиёс тасвирлайди. Ҳар ҳолда биз кредит назоратини иложи борича бекор қилдик. Табиийки, фоиз ставкалари пасайди ҳамда пулдан фойдаланиш имко-



ниятлари ошди. Иқтисодиёт қандай пасайган бўлса, шу қадар тез тикланди. Бунда биз ҳақиқатда жуда мушкул вазиятда қолдик. Биз учун иқтисодиёт ва инфляция ўсишини кузатиш мураккаблаша бошлади. Бу муваффақиятсиз тажриба эди, чунки биз, назаримда, саккиз ойгача ёки шунга яқин вақт йўқотдик.

Мерлинг: *Шу тариқа, ҳақиқатда қутилганларни ўзгартиришингиз учун сизга икки йил эмас, уч йил керак бўлди.*

Волкер: Мутлақо тўғри. Мен ҳеч қачон буни айбламайман. Президент Картер қисман кредит назоратини қўллашни сўради, чунки уни қўллаб-қувватлашига ишонарди. Ўйлайманки, охир-оқибатда, мен: «Жаноб Картер, нима қилишингиздан қатъи назар биз кредит назоратини амалга киритмаймиз», – дейишим мумкин эди. Лекин, мен бундай фавқулодда конфрантация – яхши ечим деб ҳисобламас эдим.

Мерлинг: *Сиз имкон тугилганда кредит назоратини бекор қилдик деяпсиз. 1982 йил октябрь воқеалари нуқтаи назаридан амалий монетаризм тўғрисида ҳам шундай фикр билдира оласизми? Инфляция тугатилган, Drysdale, Penn Square, Continental ва Mexico барбод бўлгач, сиз амалий монетаризмдан воз кечдингизми?*

Волкер: Мен ҳамма тафсилотларни эслай олмайман, лекин 1982 йилнинг бошлари ва ўрталари мураккаб давр эди.

ФЗТ ходимлари (уларни ҳамма нарсада айбладан маъно йўқ, фақат улар айбдор эмасдилар) баҳорда иқтисодиётда бирмунча ўсиш прогноз қилинди, пул таклифи режалаштирилганга нисбатан янада юқори суръатлар билан орта бошлади. Бу вазиятда иқтисодиёт яхши ҳолатда бўлмаганлигига қарамай, сиёсатни маълум даражада юмшатиш зарурлигига ишончим комил эмасди. Хусусан, инфляция юқорилигича сақланиб қолиб, ушбу масала юзасидан гумонлар (скептизм) сақланиб қолганди.

Ҳаммасини аниқ эслайман (тақдим этилган рақамлар қайта кўрилди, шунинг учун ҳозирги кунда фойдаланилувчи маълумотларга мос келмаслиги мумкин) бу тахминан июль ойида содир бўлиб, бунда пул таклифи тасодифан биз мурожаат этган мақсадли мўлжаллар доирасига қайтди. Мексикада инқироз юз бериш арафасида эди. Қутилган иқтисодий юксалиш содир бўлмади. Менимча, бу ўтказилаётган сиёсатни юмшатиш учун имкон эди. Биз бу йўналишда илк қадамни қўйдик. Лекин, бу қачон юз берганини аниқ эслолмайман июль ёки август ойларида. Албатта, бу ўша пайтда бозор учун айнан талаб этилган ҳодиса эди. У биз томондан бироз енгилликни ҳис қилди, акция ва облигация бозорлари дарҳол юқори кўтарилди бошлади.



Сўнгра октябрь ойида ёки тахминан шу пайтда пул таклифи (баъзи ўлчамлар бўйича) янада катта тезликда орта бошлади. Бу вазиятга изоҳ зарур эди, лекин биз пул таклифи бўйича маълумотлар билангина чекланиб, улар маълум жиҳатдан тартибга солишдаги ўзгаришлар ва банклар хатти-ҳаракатлари ёрдамида нотўғри кўрсатилган эди. Биз пул таклифи бўйича маълумотларгагина таяниш нотўғри бўлиши мумкин деган хулосага келдик, шунинг учун бундай ёндашувдан воз кечдик.

Мерлинг: *Инфляция устидан галабани қутилма оқибатларидан бири кейинги бир неча йил давомида доллар курсининг ортиши бўлиб, бу жаҳонда долларнинг мустақамланишига олиб келди. Сизнинг кейинги қадамингиз халқаро бозор йўналишида қўйилдими?*

Волкер: Маълум вақт доллар курсининг кўтарилишига эришиш яхши иш эди. Ёдимда эмас, бу 1984 йил ёки унга яқинми, лекин маълум вақтдан сўнг бу муаммога айланди. Бизнинг олдимизда нима қилиш керак деган савол турарди. Биз ўз сиёсатимизни кўпроқ юмшата олардик. Лекин, мен буни истамасдим, чунки биз ютуққа эришиб бўлдик деб ўйламагандим. Натижа шу қадар қалтис бўлдики... Мушкулот шунда эдики, ҳамма нарса бюджет танқислиги кўринишида юз берарди.

Эҳтимол, агар мен чекланган фискал сиёсат усулларида фойдалансам, яхши натижа бериши мумкин эди, лекин мен бу ишни қила олмасдим. Бундан ташқари, Молия вазирлиги ўтказилаётган сиёсатнинг ютуғи сифатида кучли доллар ғоясини мафкуравий жиҳатдан қўллаб-қувватлар ва аралашувга қатъиян қарши эди, шунинг учун бизда вазиятдан хавотирдамиз дея огоҳлантириш учун аралашиш имкони бўлмаган.

Биз саросимада эдик: деярли ҳеч нарса қила олмадик. Биз пул массасига босимни камайтириш ёки мустақил аралашишимиз мумкин эди, лекин мен буни хоҳламасдим. Бу пайтда пул массасига нисбатан иқтисодиётнинг тезкор ривожланиши асосида аралашув мавжуд эди. Шунинг учун биз юз бераётган ҳодисаларга мустақил аралашишни истамасдик, чунки Молия вазирлиги: «Сиз нотўғри иш қиляпсиз, аралашишга фақат биз ҳақлимиз», – дерди. Шу билан бирга, биз мақсадга эриша олмасдик. Бундан ташқари, биз институт сифатида зарбага учрардик. Биз Молия вазирлиги ўз фикрини ўзгартиргунга қадар нима ҳам қила олардик.

Ниҳоят, Тэтчер хоним президент Рейганга нимадир қилиш керак деб мурожаат этди. Фунт долларга нисбатан тарихан пасайишга эришганди, хоним бунга бефарқ қараб тура олмасди. Тэтчер хоним, кўринишдан, бошқаларга нисбатан анча қатъий эди, лекин биз маълум жиҳатдан



ўз йўлимизда давом этардик. Валюта курсини барқарорлаштириш учун деярли ҳеч нима қилмаган Бундесбанк 1984 йилнинг ёзида доллар курси кескин ошганда, катта интервенцияни ўтказди, лекин бу фақат вақтинча самара берди. Ўз уринишларимизни мувофиқлаштириш ва зарур чоралар кўра олмаганимиз менга нотўғридек туюларди.

Мерлинг: *1970 йилнинг бошларида валюта курслари тизими заифлашувга, сўнгра эса долларнинг тикланишига сабаб бўлди, бу бир неча устувор валюталар негизда умумий валюта тизимининг юзага келиш ҳолати бўлди. «Плаза» ва Луврдаги музокаралар [гап 1985 йилда Нью-Йоркдаги «Плаза» меҳмонхонаси ва 1987 йилда Парижда АҚШ, Франция, Германия, Япония ва Буюк Британия ўртасидаги, Парижда эса Канада билан ҳам музокаралар ҳақида боради] бу йўналишдаги илк қадам бўлган. Бу айнан шундай кўринишга эга бўлганми?*

Волкер: «Плаза» меҳмонхонасидаги музокаралар Молия вазирлиги ташаббуси билан ўтказилган, шунинг учун мени бу ҳодиса унча қизиқтирмади. Лекин фикримча, доллар курси маълум жиҳатдан пасая бошлади, Бейкер раҳбарлигидаги янгиланган Молия вазирлиги эса интервенция юзасидан янада мослашувчан бўлди. Заиф доллар, инфляция ва ҳоказо шароитда шахсий тажрибага таянган ҳолда, доллар курси назоратдан чиқишидан чўчиган ҳолда биз уни кучлироқ пасайтиришимиз керак деб ўйламаганман.

Узоқ муҳокамалар натижасида тайёрланган ва «Плаза»да имзола ниши лозим бўлган лойиҳа кўп жиҳатдан менинг нуқтаи назаримни акс эттирарди. Лекин, улар доллар курсини пасайтиришга қаратилган ҳаракатлар эди.

Луврдаги музокаралар маълум маънода қизиқарлироқ бўлди. Молия вазири Бейкер ва унинг ўринбосари Ричард Дарман мақсадли ҳудудлар, уларнинг доираси ёки шунга ўхшаш ғояларга қизиққанлар, бу мени ҳам камраб олди. Фикримизча, оқилона ёндашув қулай доллар курсидан бошлашдан иборат эди.

Маълум сабабларга кўра молия вазири мақсадли ҳудудлар ғоясига қизиқиб қолган, бундан ташқари, Япония ва Европа томонидан маълум босим ҳис этилган, чунки жуда заиф доллар уларнинг манфаатларига зид эди. У амалиётда валюта курсларини барқарорлаштириш йўли билан баъзи муаммоларни ҳал этиш мумкин деган қарорга келди. Пировардида, биз Лувр келишувига эга бўлиб, у «Плаза» келишувига нисбатан техник кўринишда эмас, балки концептуал кўринишда кўп жиҳатдан менга таклид қилади.



Техник нуқтаи назардан мақсадли ҳудудларнинг келишилган доиралари, назаримда, жуда тор ва уларни қай даражада қўллаб-қувватлаш мавҳум эди. Доираларни белгилашдан ташқари, баъзи таҳдидлар шароитида ким нима қилиши зарурлиги ҳақида ўйлаш керак. Агар ўтказилаётган пул-кредит сиёсатига ўзгартишлар киритиш зарур бўлса, у ҳолда уларни қай тарзда киритиш лозим ҳамда улар қанчалик муҳим? Келишувда пул-кредит сиёсати ҳисобга олиниши зарур бўлган муҳим омил эканлигига етарлича эътибор қаратилмаган.

Мерлинг: *Келинг, ўтмиш эмас, келажак тўғрисида суҳбатлашайлик. Агар тўғри тушунган бўлсам, 25 йилдан сўнг Фарбий яримшар ҳудудида, 50 йилдан сўнг эса жаҳонда ягона валюта амал қилади деб тахмин қилганмисиз? Бу ҳақиқатда шундайми?*

Волкер: Ҳа, мен ҳозир бу ҳақда кўп гапиряпман. Мени айнан тушунмаслик керак, лекин далил далилликча қолади – валютанинг онгли қисқариш истиқболи ҳозир бир йил аввалги ҳолатга нисбатан янада ишончли кўринади. Ҳамма нарса шунга қаратилган. Фикримча, де-факто, электрон савдо, ахборот инқилоби билан боғлиқ ҳамма нарса бўлиб, булар ушбу жараёнларга ёрдам берувчи муҳим омил ҳисобланади. Сиз ўз оламингизга мурожаат этиш, Интернет орқали харид қилиш ва сотиш, буни эса самарали амалга ошириш, лекин бунда турли валюталар ва доимий ўзгарувчи котировкалар борасида иш юритишни истамайсиз-ку. Бу мантиқсиз-ку!

Еврони амалга киритиш билан боғлиқ Европа тажрибаси, ўйлайманки, буни намоиш этишга ёрдам беради. Фикримча, уни муваффақият кутмоқда. Тахминан 1989 йилда Франкфуртда Артур Бёрнс хотирасига бағишланган дастлабки маърузамда: «Сиз ягона Европа валютасини яратиш йўлидасиз. Бу эса, бетакрор иш. Ҳамма ишларни XX аср тугагунга қадар амалга ошириш керак», деб таъкидладим. Ўша пайтда бу доктрина омалашмаган эди, лекин бу ҳодиса XX аср тугагунга қадар юз берди. Бу менинг прогнозларимдан бири бўлиб, у амалга ошди ва мен бу ҳодисани албатта эслайман! Ҳозирги кунда жаҳон иқтисодиёти интеграцияси бизни янада олға қадам ташлашга ундамоқда.

Иккинчидан, шундай зиддият мавжудки, иқтисодчиларнинг ҳар бир авлоди ўзидан олдинги авлод ғояларини қисман бўлса-да, рад этади. 1960–1970-йилларда иқтисодий доктрина сузувчи курслар тизимини Бреттон-Вудс паритетлар тизимига қарама-қарши қўйди. Бу эса дарсликларга киритилган. Лекин сузувчи курслар тизими таклиф этилган моделларга нисбатан расмиятчиликка яқинроқ. Ҳозирги кунда бизда шундай кайфият мавжудки, иқтисодчиларнинг янги авлоди сузувчи



курсларга эга моделларни унча яхши эмас деб ҳисоблайди, сиёсат эса назоратни йўқотган. Жаҳон валютаси мантиқи, уни яратиш ғояси 50 йил аввал нотўғридек туюлган, маълум даражада муҳокама қилиниши мумкин. Фикримча, бунинг учун асос аста-секин шакллана бошланмоқда.

Дастлаб мен жаҳон валютаси кейинги аср якунига қадар пайдо бўлади деб таъкидлаган эдим. 50 йилдан сўнг, кейин эса менинг умрим ўтгач дейишим мумкин. Лекин ҳозир ўзимни яхши ҳис этаётганимда, шу кунга қадар яшашим мумкин деб ўйлай бошлайман!

Мерлинг: *У ҳолда омад тилайман!*

Волкер: Ўйлайманки, бу – ўзига хос кураш – жаҳон валютаси сиёсий қарорни назарда тутати. Кўрасиз, бу қачондир юз беради, чунки мен етарлича реалистман, бу мен вафот этгандан сўнг содир бўлади. Дастлаб минтақавий валюталар ва бирор-бир валюта ўртасида кураш юз беради. Бизга кўпгина кичик валюталар керак эмас.

Умуман сузувчи курс ғояси иқтисодиётни бошқариш учун катта имконият беради. Тарбия мақсадида илгари сурилувчи ғоя: «Агар янги Англия ёки Калифорния ўз валютасига эга бўлса, мақсадга мувофиқ бўларди». Бундай ғоя кейинги 30 ёки 40 йил давомида иқтисодиётни ўрганган ҳар бир олимнинг онгига чуқур сингиб кетган. Иқтисодиёт фанининг марказий ғоялари шундаки, агар сизда сузувчи валюта курси бўлса, мустақил пул-кредит сиёсатини ўтказиш мумкин. Бу – мантиқий таклиф. Лекин, кўпгина, айниқса, кичик ва очиқ мамлакатлар учун сузувчи валюта курси жуда кўп ташвиш келтиришини кўрамиз, бу мустақил пул-кредит сиёсати келтирган ҳамма яхши нарсани нолга тенглаштиради. Кўпчилик кичик мамлакатлар учун инфляциясиз сиёсатга амал қилиш мушкул, валюта курсининг ортиқча расмиятчилиги узоқ сақланувчи иқтисодий оқибатларга эга. Харид қобилияти борасида нисбатан барқарор бирор-бир кучли валютага боғлиқлик кичик мамлакатда нархлар даражасини барқарорлаштиришга ёрдам бериши мумкин.

Бу ҳолатда мустақил пул-кредит сиёсатини амалга оширишга тааллуқли жиддий масалалардан бири ҳал этилиши керак. Лекин АҚШ валюта курси барқарорлиги учун бошқаларидан камроқ фойда олади. Бу нисбатан катта, нисбатан интеграцияланган ва етарли ҳудуддир. У ўзга дунёда, ҳар ҳолда унча кучли юз бераётган ҳодисаларга ҳар томонлама боғланиб қолишни истамайди.

Ўйлайманки, дастлабки хавф шундан иборат: кичик мамлакатлар валютасини катта мамлакатлар валютасига бирлаштириш йўли билан кўпроқ барқарорликка эришиш мумкин. Бизда катта Европа ҳудуди



ва катта доллар, шунингдек, эҳтимол Хитой юани ҳудуди – 25 йилдан сўнг бўлади. Лекин биз бирор-бир хавф мавжуд бўлган, ҳудудларнинг ҳар бири ўз ичига йўналтирилган, бу маълум оқибатларга эга бўлиш эҳтимоли мавжуд дунёни кўришни истаймизми?

Ҳудудлар ўртасидаги ўзаро таъсир ва барқарорликни таъминлаш учун халқаро стандартни ишлаб чиқиш масаласи ҳақида ўйлаб кўришимиз зарур, XX аср бошларида эса унинг вазифасини олтин бажарган. Олтинсиз ёки бирор-бир субститутсиз Жаҳон марказий банкига ўхшаш ташкилотни яратишингиз зарур, уни эса мен ҳали тасаввур этишга тайёр эмасман.

Мерлинг: *Шу тариқа, минтақаларнинг маҳаллий манфаатлари, шунингдек, хусусий сектор, молиячилар мақсадни илгари суришга тўққинлик қилиб, уларга расмиятчилик фойда беради.*

Волкер: Иқтисодчилар, интеллектнинг ғоявий қопқони ҳам (*қулади*).

Мерлинг: *Нимани назарда тутяпсиз?*

Волкер: Иқтисодчилар авлоди сузувчи валюта курслари миллий валютали алоҳидалик ва жаҳон ҳамжамиятига иқтисодий интеграцияни бирга олиб бориш имконини беради. Сузувчи валюта курсларининг беқиёс жиҳати шундай! Милтон Фридман 30-40 йил илгари ёзган фикрларни ўқинг. У сузувчи валюта курслари инфляция даражалари, таркибий фарқлар ва бизнес-давр фарқларини оқилона мувофиқлаштиради. Сизда фарқдаги кичик ўзгаришда валюта курсини тартибга солишнинг яхши ташкил этилган тизими мавжуд.

Амалиётда, фикримча, бунга ўхшаш жиҳатни кўрмаганмиз.

Мерлинг: *Айтишингизча, бунақаси бўлмаган. Лекин, бу тизим хусусий секторнинг ривожланишига сабаб бўлганига қандай қараш керак?*

Волкер: Фикримча, молиявий бетартиблик мени ташвишга солган яна бир мушкулотдир. Биз бозорлар нисбатан анча ҳаракатчан ва турли тартибга солиш органлари – Федерал захира тизими ёки яна бирор-бир шахс томонидан бирмунча назорат қилинувчи бўлган вазият билан иш олиб борамиз. Расмиятчилик қанча юқори бўлса, молиявий инқирозлар шунча кўп бўлади. 1930-йиллардаги қатъий инқироздан сўнг 1970-йиллар ўрталарига қадар инқирозларсиз яшадик. 1960-йилларда мен Молия вазирлигида ишлаганимда техаслик ёрқин ифодадаги популист, банклар ва вакиллар палатаси валютаси Қўмитаси раиси Райт Патман ўз нутқларидан бирида бизда банк банкротликлари жуда кам ва хатарлар жуда паст деб маслаҳат берганди. Биз бу муаммони ҳал этдик!



Мени очиқ рақобатбардош мослашувчан молия тизими афзалликларига қай тариха эришамиз, уларнинг расмиятчиликка мойиллигини ва инқироз муаммосини ҳал этмасликни енга оламиз деган фикр доим қийнади. Сизга айтсам, ФЗТ мен ишлаган пайтда банк томонидан тартибга солишга катта эътибор берарди. Эҳтимол, мен бирор ишни нотўғри бажаргандирман, лекин муаммо узлуксиз кўринишга эга.

Мерлинг: *Сиз алоҳида институтлар назоратини назарда тутаясизми?*

Волкер: Алоҳида институтлар ва, умуман, тизимни ҳам. Балки, бу мен томонидан нокамтарликдек кўринар, лекин мен Америка банклари учун капиталнинг етарлилигига тегишли стандарт талабларни яратиш учун ҳамма ишни қилдим. Биз Англия банки билан ҳамкорликда капиталга талаблар бўйича Базель келишуви учун асос яратдик. Кўпчилик бунга қарши бўлиб, бу масала бўйича халқаро келишувларни имзолашнинг иложи йўқдек туюларди. Талаблар идеал эмас, улар ўта қатъий, уларни ўзгартириш зарур деб таъкидлашарди. Лекин мен ҳеч нима қилмагандан кўра яхшироқ деб ҳисоблардим. Чунки, сизга ушбу масалада янада қатъий бўлиш зарур. Капиталнинг етарлилигига халқаро талабга айлантириш эҳтимолига эга бундай замонавий талабларнинг ўзи йўқ.

Мен банкларнинг риск-менежментга «замонавий» ёндашув ишлаб чиқиш ҳаракатларига шубҳа билан қараганман, улар математиклар яратган назарий моделларга асосланиб, молия бозори ҳақида бирор-бир тушунчага эга эмас. Бу ёндашувлар «хатарли сумма (қиймат)» концепциясига бирлаштирилиб, у математик статистика назариясидан олинган деб ўйлайман. Концепция меъёрий тақсимот эгри чизиклари ғоясига асосланади, лекин, фикримча, меъёрий тақсимот молиявий инқирозга сабаб бўлса, уни амалга оширишнинг иложи йўқ.

Бундай ёндашувлар, одатда, қийинчиликларга сабаб бўлади. Банклар натижалар меъёрий тақсимотга эга бўлган риск-менежмент тизимидан фойдаланишни истайди, лекин Осиё ва LTCM Хеж фондидаги инқирозларга кўра, бу ерда ҳам муаммолар мавжуд.

Сиз эслатмаган, мен севган яна бир мавзу, аввал айтганимдек, банк соҳаси ва тижоратни ажратиш қимматидир. Ҳозир молия ва тижоратни ажратиш деган бўлардим. Манфаатлар можароси нуқтаи назаридан, «зарарли» инқирозлар хатарларини камайтириш, шунингдек, давлат томонидан тартибга солиш борасида банк тизими тармоқ компанияларига боғлиқ бўлмаслиги керак деган ғоя жуда қизиқарлидек кўринади.



Тан олиш керак, улар орасидаги чегара қай даражада катта бўлса, шу қадар сезиларсиз...

Мерлинг: *...бозорда, бу ерда компаниялар ўз қимматли қозғоларини чиқариши мумкин.*

Волкер: Замонавий технологиялар туфайли ҳозирги кунда банк ва компаниялар илгари амалга ошира олмаган ишларини бажариши мумкин.

Мерлинг: *Юқорида айтилганларни умумлаштирган ҳолда қуйидагиларни таъкидлаш мумкин: ишингиздан келиб чиқувчи асосий гоялардан бири шундаки, бозорлар ўзини-ўзи бошқармайди. Уларга ҳаракат йўналиши тизимини бериш учун маълум даражада мувофиқлаштирувчи ёки шунга ўхшаш кўринишдаги «қўриқчи ит» зарур. Ўз-ўзидан тақдим этилган тизим бошқа йўлга ўтиши ҳам мумкин.*

Волкер: Адолатли фикр. Қатор пунктлар бўйича баъзи чекловларни белгилаш лозим.

Мерлинг: *Буни валюта курси тўғрисидаги гоя ҳам кўрсатиб, у бозор тахминларининг бозор бўйича тартибсиз ҳаракатининг олдини олиш учун уларга баъзи йўналишлар беради. Шундайми?*

Волкер: Шубҳасиз. Ўйлайманки, ҳозирги кунда бозор барқарор мувозанат нима эканлигини тасаввур эта олмайди. Лекин, фикримча, мувозанатнинг тўғри даражасини қандай беришни тасаввур этишнинг иложи йўқ, чунки иқтисодий назарияга мувофиқ, бозордан ташқарида ҳам маълум мувозанат мавжуд. Бу ёндашувнинг олдини олишдан кўра, унга оқилона доирада амал қилиш яхшироқ.

Мерлинг: *Шу тариқа, бозорлар, банклар ҳам мустақил бошқарилмайди – «хасислик, қўрқув ва такаббурлик» психологик қонуни амал қилади.*

Волкер: Ҳа, ишонаман. Бундан ташқари, бюрократлар ҳам ўзини-ўзи бошқаришга мойил эмас.

Мерлинг: *Яхши, бюрократлар ҳам. Аралашмаслик сиёсатига тесқари ўз ёндашувингизга қарамай, сиз бозор тарафдори бўлиб қоласиз. Бунинг сабаби нимада?*

Волкер: Бу борада баҳслашишим мумкин эди, лекин назорат мавжуд, бозор ишини ўзига хос умумий мувофиқлаштириш ҳам мавжуд эканлигини асосли исботлашимиз учун кўп вақт талаб этилади. Сиз бозорни тезкор бошқаролмайсиз, уларга бюрократик бошқарув тизимини мажбурий сингдиrolмайсиз, чунки у иш бермайди. Бу – оддий марказий банк ёндашуви. Одатда, марказий банклар билвосита инстру-



ментлар ёрдамидаги бошқарувни афзал билади. Бу одат, улар шундай фикрлайди.

Лекин фоизли даромадларга тенглаштирилган солиққа қайтсак, у қачон пайдо бўлганлигини ҳозир эслай олмайман, лекин ғоя ўша пайтдаги молия вазири Боб Рузага жуда ёққан, чунки солиқ концепцияси бозорга мўлжалланган эди. Биз бозор устидан назорат ўрнатиш, валюта назоратини мураккаблаштиришни истамаганмиз. Биз портфелли инвестициялар экспортига умумий солиқни қўллаш ёрдамида бозорни юқори даражада талқин қилишга ҳаракат қилганмиз. Ҳозир биламизки, фоизли даромадларга тенглаштирилган солиқнинг қўлланиши дарҳол маълум оқибатларга сабаб бўлди.

Мерлинг: *Сиз арбитраж операцияларни назарда тутаясизми?*

Волкер: Аксарият кишилар, арбитраж операцияларнинг олдини олиш учун аниқ чекловлар киритиш зарур деб таъкидлаган эди. Лекин баъзилар, агар АҚШ ҳукуматига капитал экспорти ёқмаса ва уни солиққа тортишга киришса, у ҳолда, ҳатто, бу солиқни тўлаш имкони бўлса ҳам, АҚШдан қарз олинмайди деган фикрда ҳам эдилар. Бу – жамиятга ва ватанпарварликка қарши фикр. Бу 1980 йилда авж олган кредит назоратига яқин ҳолат бўлган. Солиқ ҳақиқатда бозор эҳтиёжларини акс эттирмайди, пировардида, у кутилмаган тахминлар билан бозорга таъсир кўрсатади.

Мен бундан иккинчи марта сабоқ олдим. Биз бозорни талқин қилишга уриндик ва тахминларимизга зид таъсирга учрадик.

Мерлинг: *Яқуний қисмда мен Федерал захира тизими ҳақида суҳбатлашмоқчи эдим. Сиз ФЗТда ишлаган пайтингизда бу учун қурашганингизни биламан. Бу маълум маънода ҳукуматдан мустақил бўлиш масаласи бўлган. Айтинг-чи, алоҳидаликка эришиш бошқарув доирасидаги кишилар гуруҳининг бир лаҳзалик манфаати тўғрисида эҳтиётсизлик, балки узоқни кўзловчи режа бўлганлиги учун бу гоёни қўллаб-қувватлаганмисиз? Мустақиллик пулни қадрлаш ҳисобига ҳукуматни ўз дастурларини молиялашдан сақлаб туришдан кўра, бу кўпроқ аҳамият касб этувчи ҳодиса эканлигини аниқлашдими?*

Волкер: Ўйлайманки, бу – бирмунча аҳамиятли ҳодиса. Мустақиллик муаммосининг илдизи шундаки, раҳбарлар пул олиш имкониятидан ўз-ўзини молиялаштириш учун фойдаланишлари мумкин. Назаримда, бу пул олиш жараёни, ҳатто ҳукумат бевосита молиялаштирадими, қисқа муддатли, лекин узоқни кўзловчи сиёсий ғояларни суиистеъмол қилиш учун жуда қулай қабилдаги умумий тасаввурларга мос келади. Сиёсий жараён билан боғлиқ ҳамма ишларга ишониш керак эмас



демоқчи эмасман, чунки ўзим ҳам ФЗТ ёки Марказий банк борасида бу жараёнга маълум жиҳатдан ишонаман. Узоқ муддатли мақсадлар юзасидан бирор-бир чора қўллаш керак, бунда эса, таъбир жоиз бўлса, маълум сиёсий таъсир натижасида коррупцияга аралашмаслик керак.

Пул олиш жараёни – муҳим масала, лекин Марказий банк тартибга солиш учун масъул эканлиги доирасида банк фаолияти уни сиёсийлаштиришга интилишга ўта таъсирчан. Ҳозирги кунда банк фаолияти ўта сиёсийлаштирилган баъзи мамлакатларга назар солсак, таъкидлаш жоизки, бу жуда яхши иш бермаяпти. ФЗТ бундай сиёсий таъсирни четлаб ўтишни уddаламоқда, мен деярли ҳеч қачон бирор-бир сайловчилар гуруҳи манфаатини кўзлаб, бирор ишни талаб этувчи конгресс аъзолари ёки сенаторларнинг босимини ҳис этмаганман.

Сиз айтган фикрлар юзасидан фикрларингиздан маълум маънода фарқланувчи фикрларим бор: дахлсизликка эга бўлган давлат институтлари зарур, улар оммавий тан олинса дейман. Кишилар уларни маҳорат ва изчиллиги учун ҳурмат қилишлари мумкин. Ҳозирги кунда бу Қўшма Штатларда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам кам учрайди. Фикримча, бу – миллий мулк, бундай мустақилликка муносиб бўлиш эса, мазкур институтларга катта масъулият юклайди. Бу институтларнинг фаолияти етарли даражада лаёқат, маҳорат ва, айниқса, дахлсизлик билан амалга оширилиши керак.

Сиёсий таъсир ва коррупция Марказий банк учун катта бузғунчилик кучига эга. Россия Марказий банки етарлича кучли танқидга учрайди, тўғрими-йўқми, ҳар ҳолда у ерда коррупция гуллаб-яшнамоқда. Натижада, Россия муҳим институционал ресурсини бой бермоқда. Уни тиклаш учун эса кўп вақт талаб этилади. Лекин, бир вақтнинг ўзида маълум ҳисобдорлик тизимига мослашиш зарур. Мустақиллик ва ҳисобдорлик орасидаги мувозанатни қай тарика топиш мумкин? Бу – жуда мураккаб жараён.

Мерлинг: Сухбатимиз ўз ниҳоясига етди. Ташаккур!

Сухбатдош: Перри Мерлинг,

Бернард коллежи,

Колумбия университети,

2000 йил 18 апрель.



СТЕНЛИ ФИШЕР



Стенли (Шломо) Фишер Шимолий Родезиянинг (ҳозирги Замбия) Мазабука шаҳрида, яҳудий оиласида, 1943 йил 15 октябрда таваллуд топган. Исроил-Америка иқтисодчиси ва Федерал захиранинг собиқ раис ўринбосари. У дастлаб икки фуқароликка, яъни Исроил ва Қўшма Штатлар фуқаролигига эга эди. 13 ёшида оиласи билан Жанубий Родезияга (ҳозирги Зимбабве) кўчиб ўтди ва у ерда Хабоним сионистик ёшлар ҳаракатида фаол иштирок этди.

1960 йилда, у таъриф буюрган Исроил халқини ёшлар етакчилари учун қиш дастури доирасида турли дарслар ўрганади. Дастлаб, у Қуддуснинг Яҳудий университетида ўқишни режаслаштирган эди, аммо Буюк Британияга таҳсил олиш учун стипендия олганидан кейин ўша ерга кетади. Лондон Иқтисодиёт мактабида таҳсил олди ва у ерда илмий даражага эга бўлди.

У 2005 йилдан 2013 йилгача Исроил банки раиси бўлиб ишлаган. Унга қадар Жаҳон банкида бош иқтисодчи бўлиб ишлаган. 1977 йилда Фишер «Узоқ муддатли шартномалар, рационал қутилмалар ва пул билан таъминланишнинг мақбул қондаси» мақоласини ёзди ва у ерда Роберт Лукас сингари янги классик иқтисодчилар томонидан илгари сурилган рационал қутилмалар зоясини ривожлантирди.

Фаол пул-кредит сиёсати иқтисодий таназзул даврида маълум даражада бозор камчиликларини юмшатишга ёрдам бериши мумкинлигини таъкидлайди. Мазкур тадқиқот Фишерни неокейнсчилик иқтисодиётининг марказий шахсига айлантирди. Фишер янги классик макроиқтисодиётни танқид қилиш орқали чегараларни аниқлаштиришга катта ҳисса қўшди ва сиёсатнинг самарасизлиги тўғрисидаги турли таклифларни илгари сурди.



У уч машхур иқтисодиёт дарсликлари муаллифи ҳисобланади. АҚШ Федерал захираси қаҳрамонимиз ҳаётида жуда кўп муваффақиятлар калити бўлди.

Америка Президенти Барак Обама Фишерни 2014 йил январь ойида АҚШнинг Марказий банки Федерал захира тизими раисининг ўринбосари лавозимига номзод қилиб кўрсатди. 2014 йил 21 майда Сенат Фишернинг Федерал захира бошқарувчилар кенгашига тайинланганлигини тасдиқлади. 12 июнь куни бўлиб ўтган аҳолининг овоз беришида у раис ўринбосари этиб тасдиқланди.

СТЕНЛИ ФИШЕР БИЛАН СУҲБАТ

Мазкур интервью 2004 йилнинг май ойида Стэнли Фишернинг Исроил банки бошқарувчиси бўлиш ғояси туғилишидан олдин олинган бўлиб, бу лавозимни у 2005 йилнинг май ойида қабул қилганди. Интервью олиш режаси 2004 йилнинг апрель ойида Нью-Йорк шаҳридаги Доно Рассел Фондида бошланган эди. Биз бу суҳбатни бир неча ҳафта мобайнида Марказий Боғда югураётиб амалга оширдик.

Ишхонамдаги бу учрашув олдинги йиллардаги учрашувларимизга ўхшаб кетарди. Мен жуда муҳим инсон билан эмас, балки худди ўша 1973 йилда учратган, Чикагодан келган, профессорнинг ёш ассистенти Стэнли Фишер билан ўтирар эдим. Унда ўша пайтларнинг ўзидаёқ диққат билан эшитиш, гаплашиш, оддий ва соддагина қилиб тушунтириш қобилияти бор эканлигини пайқаган эдим. Бундан ташқари, унда ҳақиқий макроиқтисодиёт олами ривожланишига ҳисса қўша оладиган ҳаётий донишмандлик мавжуд эди.

Мен 1973 йили Массачусетс технологиялар институти (МТИ)га фан доктори сифатида келганимда, Стэнли тезда бўлимдаги энг муҳим шахс бўлиши кераклиги аён бўлган эди. Бир неча йил ичида у энг машхур ўқитувчиларидан бири бўлди. Биз унинг иш жойига кирганимизда, кечаси унинг учун изланиш олиб боришига энг қулай вақт эканлигини гумон қилгандим. Унинг маҳоратидаги энг қойил қолган нарсамиз



Стенли Фишер



шунда эдики, у ҳисоб-китобдан қай тарзда фойдаланишни билар эди, шунингдек, қийин саволларни олиб, жавобнинг мазмунига қараб соддалаштириш қобилиятига эга эди. 1975 йилда Руди Дорнбуш билан фаолиятини бошлагандан кейин, Массачусетс технологиялар институтида макроиқтисодиёт ва халқаро иқтисодиёт тез орада муҳим соҳага айланди.

Мен 1982 йили Массачусетс технологиялар институтига қайтиб факультет аъзосига айланганимда, Стэн аллақачон хурмат қозонишга улгурганди. У билан 1988 йилгача макроиқтисодиёт курсидан ўқитган ва ёздирган маърузаларим ҳаётимдаги энг тўлқинлантирувчи илмий саргузаштларимдан бири бўлди. Биз буни янги макроиқтисодиёт эканлигини ҳис этдик, унинг тузилиши ва фойдалилигини тушуниб етдик. Шунга қарамасдан, унинг тезда дарсликка айланишини ўйламагандик ва бугунги кунда ҳам унинг сотуви юқори суръатлар билан давом этаётганлиги кишига фахр бағишлайди.

Йиллар ўтиб, унга Руди билан гиперинфляция, Ўрта Шарқда тинчликни ўрнатиш бўйича Жорж Шалт билан олиб борган фаолияти катта тажриба мактабини ўтади, унинг қизиқишлари янада ортиб борди. 1988 йилда у академиядан ҳақиқий ҳаётга қадам қўйишга қарор қилди. У Жаҳон банкининг бош иқтисодчисига айланди. Кейинчалик эса, яна Массачусетс технология институти (МТИ)га қайтди. 1994 йили яна Вашингтонга қайтиб, 2001 йилгача Халқаро Валюта Фонди (ХВФ) расининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлади. Ҳаётининг бу даври оммавий ахборот воситалари (ОАВ)да кенг ёритиладиган бўлди: у Мексика, Россия, Осиё ва бошқа давлатлардаги инкироз билан боғлиқ ХВФ воқеалари марказида эди. Ўша пайтда ҳукм сурган инкироз ўчоғи орасида бўлиб туриб, Стэнли Фишер ўзининг макроиқтисодий назариясига таянган ҳолда хотиржамлик билан таҳлил қилиши мени хайратда қолдирган эди. Ўшанда, кўпчилик унинг ХВФни бошқаришига умид боғлаган эди. Аммо, узок ўтмиш қонунлари ва давлат сиёсат буни амалга ошишига имкон бермади. Яқунда ХВФ ўрнига у ўзининг хусусий бизнесига эга бўлди. 2002 йилда Стэн Citygroup International президентига айланди. У ҳамон макроиқтисодий сиёсат билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда ўзининг фаол ҳиссасини қўшиб келмоқда ва замонавий илм-фанда энг ёрқин иқтисодчилардан бири бўлиб қолмоқда.

Келинг, ушбу ўринда Стенли билан бўлиб ўтган суҳбатга эътиборингизни қаратамиз.



Бланшар: *Қачон ва нима учун иқтисодчи бўлишга қарор қилдингиз?*

Фишер: Мактабда ўқиган пайтим биз Жанубий Родезияда яшар эдик, кейинчалик оддийгина Родезия деб номланди ва охирида Зимбабвэга айланди. Мактаб Буюк Британия таълим тизимига асосланган бўлиб, охирги икки йил ичида мен ўзимга мутахассислик танлашим зарур эди. Биринчи навбатда, мен инженер, олим ёки математик бўлиш мақсадида физика, кимё ва математика фанларини танладим. Бироқ, бир куни Лондон иқтисодиёт мактаби (ЛИМ)да ўқиган ота-онамнинг дўстлари ва уларнинг ўғли билан танишганимда улар мени иқтисодиётга бўлган муҳаббатимни ошириб, қизиқишларимни уйғотишди. Уларнинг ўғли менга иқтисодиётдан бир қанча сабоқларни берди ва мени иқтисодиётга бўлган ҳавасимни янада оширишга сабабчи бўлди. Шундан кейин мен охирги ўқув йилида иқтисодиёт йўналишини танлашга қарор қилдим.

Бланшар: *Мактабда иқтисодиёт йўналиши? Ноодатий эшитиларкан.*

Фишер: Олтинчи синфда (Британия тизими бўйича) биз мутахассислик танлашимиз керак эди. Ўқитувчимиз жуда яхши эди. Биз Хикснинг «Ижтимоий таъминот»ини («Social Framework») ўргандик, ўшанда мен Кейнс ва унинг таълимотлари ҳақидаги фикрларни эшитдим. Коллеж ва мактаб таътили вақтида мен «Умумий назария»ни («General Theory») ўқиб тугатдим ва Кейнснинг китобига муҳаббатим ошган эди. Шундан кейин мен Англиянинг Лондон иқтисодиёт мактабига киришга қарор қилдим.

Бланшар: *Нима учун Лондон? Нимага Қўшма Штатлар эмас?*

Фишер: Ўша вақтда биз Қўшма Штатлар ҳақида ўйлаб ҳам кўрмагандик. Биз учун Англия бутун оламнинг маркази эди. Ўқитувчиларим менга Кембриж ёки Лондон иқтисодиёт мактаби (ЛИМ)га ҳужжат топширишимни маслаҳат беришди. Мен кейинги вариантни танладим. Нимагаки у ерда менга шу фанни таништирган инсон ўқиган ҳамда улар тезда ўзларининг жавобларини беришга тайёр эдилар (Жанубий яримшарда ўқув йили июнда эмас, балки декабрь ойида тугарди). Лондон иқтисодиёт мактаби обрўси салбий қарашларга эга бўлишига қарамаздан иқтисодиёт йўналишига бунинг алоқаси йўқ эди. Бизда анъанавий ўқув дастури мавжуд эди. Ричард Липси жуда яхши ўқитувчи бўлиб, у бизга «Иқтисодиётнинг асосий тамойиллари»дан дарс берарди. «Амалий иқтисодиёт»ни бизга Фрэнк Пейш ўргатарди. Яхши эсламан, 1963 йил бошларида у бизга слайдлар кўрсатаётиб шундай деганди:



«Кўрпясизларми, графикдаги чизик юқорига қараб ҳаракатланмоқда, кейин пастга, кейин яна юқорига. Яқунда, 1964 йил тўлов балансида бизни инқироз кутмоқда». Ҳақиқатдан ҳам у кўрсатган вақтда инқироз содир бўлди. Бу жуда хайратланарли эди.

Бланшер: *Бу эса, ЛИМдаги энг тўлқинлантирувчи дамлар бўлган кўринади. Нима деб ўйлайсиз?*

Фишер: Ҳа, бу энг мароқли дамлар эди. Бу менинг улкан дунёдаги биринчи таассуротим бўлди, аммо мен илмий ва интеллектуал ҳаётда чиникмаган эдим. Бизнинг мактабда сизни бунга ўргатишмайди, мабодо ўқитувчилардан кимдир сизга йўналиш бермаса. Мени ўқишдан асосий мақсадим – имтиҳонларни яхши топшириш деб ҳисоблардим.

Ортга боқиб шуни англадимки, Лондон иқтисодиёт мактабида интеллектуал ҳаёт хурсандчиликдан иборат экан. Бу эса, Редклифф Қўмитаси ҳисоботи устидаги қизгин баҳс-мунозара пайтига тўғри келар эди. Лондон мактабида ишлайдиган Ричард Сэйерс эса, бу ҳисобот устидаги ишнинг бош қатнашчиси эди. Ҳисобот маълумотларига кўра, мамлакатга янги пул-кредит сиёсати зарур эди. Кейинчалик ҳисобот Буюк Британиядаги янги пул-кредит сиёсатининг вужудга келиши асосида кўриб чиқилди, аммо чекловлар жуда кўп бўлди. Ҳисобот тузувчилар уч механизм асносида пул-кредит сиёсати тўғрисидаги ўз қарашларини баён этардилар. Шундай қилиб, Буюк Британия пул-кредит сиёсати бўйича ҳисобот ўз якунига етди. Иқтисодиётнинг кучли двигатели деб қаралган пул-кредит сиёсати янги даврни бошлаб берди.

Ўша кезларда Карл Поппер фалсафа факультети устидан кучли хукмронлик ўрнатганди ва ким бу фан бўйича дарс берса ёки ўрганса Поппер методологиясига бўйсунар эди. Шунингдек, бу ерда «Филлипс эгри чизиғи» асосчиси Олбан Филлипснинг ўзи ҳам бор эди. Гарчи, у менга таълим бермаган бўлса-да, мен унинг «иқтисодиёт машинаси»ни кўришга улгурган эдим. «Филлипс эгри чизиғи» ёрдамида биз кўпгина масалаларни ечганмиз.

Мен яна Боб Солоунинг маърузасини яхши эслайман. Ўша пайтлари у 40 ёшлар атрофида эди, лекин анча ёш кўринарди. У ҳаттоки ишлаб чиқариш функциясини гапиратиб ҳам кўп ҳазиллар қиларди. Эсимда, унинг гаплари: «Агар мен К. десам Кузнецни назарда тутган бўламан. Капитал, бу – Кузнец ўлчайдиган нарса». Мен яна кимдир менга «эконометрик модель» нималигини тушунтирганини, унинг ёрдамида қандай қилиб ўлчамлар баҳоси учун маълумотлардан фойдаланишни, агарда олинган натижалар таҳлил қилинса, иқтисодий ҳолатни тасвирловчи тенгликлар мажмуини олиш мумкинлигини эслайман. Бу мен



учун жуда қизиқ эди. Бу эса, иқтисодиётни бошқариш мумкинлигини англатарди.

Ўша вақтда Лондон иқтисодиёт мактабида биринчи ва учинчи курс охирида биз ёзма имтиҳон топширар эдик (ўқув йили уч йил бўлган) ҳамда курс баҳосини олардик. Шунинг учун ханузгача билмайман, мен яхши талаба бўлганманми ёки ўртамиёна!? Биринчи курс якунида мен иқтисодиёт тарихи бўйича танлов ғолиби бўлдим ва бошқа фанлардан бир нечта соврин олдим, лекин барибир гуруҳдаги бошқа талабалар билан таққослаганда менинг ютуқларим қай даражада эканлигини билмасдим. Мактабни тугатиб, банкда ишлашни режалаштирган эдим.

Бланшар: *Барибир бу амалга ошди, аммо бунинг учун кўп вақт талаб этилди.*

Фишер: Шундай! Мен ўзимнинг биринчи битирув малакавий ишимни ёздим, бу эса, яхши бажарганимдан далолат. Шу ёзда мен ишлаш учун Исроилга кетдим ва ўша ерда менинг грант ютганлигим ва ортга қайтиб тайёргарлик кўришим ҳамда магистрлик диссертациямни ҳимоя қилишим кераклиги ҳақида телеграмма олдим. Шунинг учун айтишим мумкинки, бакалавр даражасини олгунимга қадар олим бўлишимни ҳатто билмаган эдим.

Бланшар: *Бундай эҳтирос ҳали тугилмаган эди, шундайми?*

Фишер: Ҳа. Мен фанимни севаман, аммо изланиш биз қилган ишнинг асоси эмасди. Ҳаммаси кейин Массачусетс технологиялар институтида магистрлик диссертациямга тайёргарлик кўраётганимда содир бўлди. Барибир магистр даражасини Лондон иқтисодиёт мактабида олган бўлсам-да, мен иқтисодиётни буюк профессорлар қилган ва қилаётган ишлар деб ҳисоблардим. Талаба сифатида менинг ишим – улар гапирганларини ўрганишдан иборат эди.

Бланшар: *Массачусетс технологиялар институти Сизга ўқишни давом эттириш учун мантиқий танлов бўлди ёки Чикаго ҳам режада бормиди?*

Фишер: Массачусетс технологиялар институти мен учун мантиқий танлов эди. Бирок, кўпчилик сўрашди: «Нимага айнан Массачусетс технологиялар институтида ўқишни хоҳлаяпсан?» Қандай жавоб беришим мумкин эди: «Самуэльсон ва Солоулар учун». Ҳаттоки, ЛИМ ўқитувчиси Гарри Жонсоннинг Чикаго университетига бориб ўқишим тўғрисидаги тавсиясига ҳатто Фридманнинг пул ҳажми назариясининг янги формуласини ўқиган бўлишимга қарамасдан, Массачусетс технологиялар институти мен учун энг яхшиси эди. Шундай қилиб, мен Массачусетсга кетдим.



Бланшар: *Массачусетс технологиялар институти қандай эди?*

Фишер: Магистратурага боришимни ўйламаганим учун ҳали бакалавр даражасини олмаган эдим, шунинг учун мен ЛИМда бир йиллик магистратура дарсларини тингладим. Шу тариқа, мен Массачусетс технологиялар институтидаги бошқа магистрларга нисбатан яхши тўйланганим, аммо бу кўп давом этмади. Мен келиб чиқиши аргентиналик, Чикаго университети битирувчиси, Кембрижда хонадошим бўлган катта ўқитувчи Мигель Сидрауски билан яқиндан дўстлашдим. У ҳам мен каби шу йили Массачусетсга келганди.

Мигель ажойиб ўқитувчи эди. Унинг кичик ёки катта ёшдаги ўқитувчилар ва деярли ўз тенгдошлари бўлган магистратура талабалари билан муносабатлари жуда яхши эди. Биринчи курсдан кейинги ёзги таътил даврида биз бирга кўп ишлардик – мен нафақат Мигелнинг, балки Данкан Фулнинг ҳам илмий ёрдамчиси эдим. Массачусетс технологиялар институтига келганининг иккинчи йили Мигель саратондан вафот этди. Мен Массачусетс технологиялар институтига таклиф қилинган профессор ва мен учун кадрли бўлган Дон Патинкин билан ҳам ишладим. Шундан кейин илм-фан билан фаол шуғулланишим бошланиб кетди.

Массачусетс технологиялар институти менда жуда катта таассурот қолдирди. Ўқитувчилари ажойиб, ўқув дарслари аъло даражада эди. Факультет ўқув жараёни сифатига катта эътибор қаратарди ва хоҳлаган ўқитувчингиз билан суҳбатлаша олардингиз. Семестр ишларининг кўплигидан биз доимий равишда қандайдир изланишлар олиб борар эдик. Самуэлсон ўзининг дарсларида ҳар доим қизиқарли нимадир гапирар ёки бизга ўйланиш ва изланиш учун ўртага мавзу ташларди. Сидрауски ҳам Боб Солоу сингари ажойиб ўқитувчи эди, у ўзининг диаграммалар усулидан фойдаланган ҳолда бизни иқтисодиётни тушунишга ундарди. Фрэнк Фишер бизга эконометрикадан дарс берар ва бошқа ўқитувчилар сингари талабалар устидан қаттиқ назорат қиларди.

Муҳимлигини ҳисобга олмасак, мен гуруҳдаги энг ажойиб талабалар билан таҳсил олдим. Исмлари сизга жуда ҳам таниш бўлган инсонлар мендан бир курс катта босқичда таълим олишарди. Улардан илм-фанга ўзининг катта ҳиссасини қўшган: Боб Холл, Билл Нордхаус, Авинаш Диксит, Боб Гордон, Рэй Фэйр, Майк Ротшильд, Жо Стиглиц ва бошқалар бор эди. Авинаш Диксит *The Times* газетасининг кроссвордини 10 сонияда ечарди. Мендан бир йил кейин ўқиган Боб Мертон билан йил давомида бир жойда ишладик.



Бланшар: *Сизнинг диссертация мавзунгиз макроиқтисодиётга бағишланган. Шундай эмасми?*

Фишер: ЛИМ магистри бўлган пайтимда, макроиқтисодиётга катта эътибор қаратганман. Глобал саволлар билан ишлаш менга қизиқарли бўлгани учун мен макроиқтисодиётни яхши кўрганман. Балки бу жуда ҳам мантикий тушунтиришдир, аммо Кейнснинг «Умумий назарияси» мени ҳайратда қолдирганди.

Менинг диссертациям шахсий суғурта шартномасининг ҳаётийлиги юзасидан инвестицион портфель танловига бағишланган эди. Мен бу мавзунини ўша кезларда мазкур соҳа устида тадқиқотлар олиб борган Пол Самуэлсон ва Боб Мертонлар ишлашгани учун танлагандим.

Бланшар: *Нима учун сиз Чикагога кетдингиз?*

Фишер: Мен Чикагога докторант (1–2 йилга вақтинчалик шартнома асосида диссертация ҳимоясидан кейинги илмий изланиш) сифатида, Эл Ҳарбергер ҳомийлиги остида Лотин Америкаси дастури бўйича кетдим. Бу университет менга энг яхши таклиф билан чиққан эди. Докторант сифатида университетга борганимнинг биринчи йилидаёқ мен Эл Ҳарбергернинг пул муомаласи бўйича амалий семинари ва Милтон Фридман олиб борган пул муомаласига асосланган амалий семинарларида қатнашдим. Шу йили мен Руди Дорнбуш ва Жейкоб Френкеллар билан танишдим, бундан ташқари, Майк Мусса сингари ажойиб талабалар билан дўстлашдим. Чикаго университетида мен таҳлил қилиш қобилиятларини бирлаштиришни ўргандим ва буни Милтон Фридман ўзининг иқтисодий сиёсатида боғлиқ ғояларида гавдалантирган эди.

Бланшар: *Массачусетс технологиялар институти асосан назарияга ихтисослашган эдимми?*

Фишер: Ўша вақтда менда ҳам шундай таассурот бор эди. Массачусетс технологиялар институтида мен, 1968 йилги «Биз кўп иқтисодчиларни биламиз, лекин иқтисодиёт ҳақида кўп нарсани билмаймиз» деган Гарварддаги талабалар ўртасидаги мунозарани ҳануз эслайман. Бу вақтда Чикаго «малҳамга дори» сифатида намоён бўла бошлаган эди. Унинг устига, Чикагода ғайриоддий қобилиятга эга бўлган талабалар ҳам таҳсил олар эди. Ҳарбергер билан микроиқтисодиёт, кейинчалик эса, макроиқтисодиётни ўқидим. Эътибор беришим керак бўлган ҳолат шу эдики, Массачусетс технологиялар институтида 1960 йилнинг охирида нима бўлаётгани эмас, балки нималарга эришганим муҳим эди.

Бланшар: *Милтон Фридманнинг бу борадаги ўрни қай даражада эди?*



Фишер: Макроиктисодиётдами? Шубҳасиз, юқори эди. Макроиктисодиёт, бу – валюта симпозиуми ҳисобланади. Бу унинг дўкони эди. Ўша вақтлари биздан ташқари, хусусан, Боб Гордондан бошқа ноодатий устозлар йўқ эди. Кейинчалик ўйланиб қолдимки, Чикаго бўлмаганда, аҳвол нима кечарди, деб.

Бланшар: *Макроиктисодиёт соҳасида олиб борган ишларингиз билан бу одатларни ўзгартира олдингизми?*

Фишер: Бунга анча вақт керак бўлди. Кейинчалик Массачусетс технологиялар институти талабаси, сўнгра эса Чикаго Бизнес Мактабида профессор ёрдамчиси бўлиб ишлаган Фил Купер билан валюта коидалари борасида ишладим. Мен яна Руди Дорнбуш билан анча вақт фикрлар алмашиб, унинг изланишларида қатнашиб ҳам турдим.

Бланшар: *1973 йилда Массачусетс технологиялар институтига қайтиб бордингизми?*

Фишер: Чикагодалигимда 6 ойга Яхудийлар университетига йўлланма олдим, сўнг Исроилда яшаш ҳисси анчайин ошганди. 1973 йилнинг кузида Массачусетс технологиялар институтига қайтганимда 2 йил Исроилда яшаш ва Яхудийлар университетида таълим бериш ҳақида ўйлаб қолдим. Массачусетс технологиялар институтига қайтганимда, биринчи курс давомида Пол Самуэлсон билан талабаларга берган дарсим валюта иқтисодиёти бўлди. Мени ҳаяжон босиб турарди. У мавзуларни мендан яхшироқ тушунтирар эди. Кейин эса мени қай ҳолатдалигим ўзингизга маълум. Сиз 1973 йилда келдингиз, тўғрими?

Бланшар: *Тўғри, 1973 йил.*

Фишер: Аста-секинлик билан мен ҳаққоний ўқитувчига айландим. Макроиктисодиётга кириш курсини талабаларга ўқита бошладим, маърузамга кўплаб талабаларни жамлай олдим. Валюта борасидаги маърузалар ривож топган Чикагодан келиб, Массачусетс технологиялар институтида бу мавзунини гуллата олдим. Франко Модильяни ўзига тортадиган юлдуз эди. Мен тадқиқотларга маслаҳат беришни хуш кўрар эдим. Кейинчалик 1975 йилда ўз ҳамкасбларимни Массачусетс технологиялар институтига Руди Дорнбушни жалб этиш лозимлигини сўраган эдим. У Рочестерда таълим бериб, сўнгра Чикагога қайтганди. У жуда яхши таҳлилчи эди. У савдо оламига шунчачи иштиёқманд эмасди. Массачусетс технологиялар институтига келгач бир неча ой ичида ўзининг пухта ёзилган мақоласини яқунлади. Бизнинг ҳамкорлигимиз ўсди ва анча ривож топди. Шундай қилиб, менда ёши каттароқ бўлган ҳамкасбларим, ажойиб талабаларим, замондош бўлган буюк саф-



дошларим Рудининг кўринишида гавдаланди. Айтишим мумкинки, бу идеал жамланма эди.

Бланшар: *Шунда Исроил иккинчи даражали режага айланганмиди?*

Фишер: Биз ҳар доим яқин муносабатлар ўрнатдик, бир нечталаб йўлланмали алмашинувларни амалга оширдик, аммо 1975 йилда Қўшма Штатларда яшаб қолишга, орқага қарамасликка қарор қилдик. Фикримизни ўзгартириш ҳақида умуман ўйлаб ҳам кўрмаганмиз, сабаби Массачусетс технологиялар институти жуда мафтункор жой эди. Ундан ташқари, биз Бостонни севамиз. Яна фарзандларимиз ҳам улғайиб бо-раётганди.

Бланшар: *Турли хил мавзуларга мурожаат қилишни қачондан бошлаган эдингиз?*

Фишер: Даг Ҳаммаршёлднинг иқтисодчи бўлгани мени иқтисодиёт оламига бўлган қизиқишимга ўзига хос таъсир кўрсатганини таъкидлаб ўтишим лозим. Мактабда ўқиб юрган кезларимда, Даг Ҳаммаршёлд жуда буюк шахс эди. Бирок, у Берлин-Конго ёнида, эшигининг тагида ўлдирилиб кетилди. Унинг молия оламида қилган самарали ишларидан хабардор эдим, ота-онам ҳам мени бу оламда шундай ишлар қилишимни уқтириб борарди. Шунда мен ўрганган нарсаларимни доим амалда қўллашга ҳаракат қилардим.

Бу ҳолат эса, мени доим олдинга ҳаракат қилишга, курслардан қолмасликка ундарди. Менинг ишлашга бўлган иштиёқим 1979 йили Исроил банкига бориб, у ерда бир ой вақтимни ўтказганимдан кейин уйғонди. Инфляциядан азият чекаётганлигим сабабли, улар мени саволларга қўмиб ташлаганди. Менинг ҳақиқий имкониятим 1983 йили Исроил иқтисодиётини кураётган Жорж Шульц ўзининг маслаҳатчи гуруҳига таклиф қилган пайтда бошланган эди. Ўшанда менинг вазифам Исроил иқтисодиётидаги маълум маънодаги америкалик экспертнинг аралашувидан иборат эди. Бу, айниқса, сиёсий ўйинларга аралашганимда сезилди. Бу эса, тақдирнинг маълум маънодаги тухфаси эди. Давлат қўмитасининг ҳеч нарсани билмайдиган ёш йигитнинг ишга олиниши, унга маслаҳатчи лавозимининг берилиши, яна унга кенг имтиёзлар берилиши, ҳақиқатдан, ноодатий эди. Герб Штайн ва мени Исроил иқтисодиёти бўйича Жорж Шульцнинг маслаҳатчилари этиб тайинлашди. Имкониятлардан келиб чиқиб, Герб ва мен Исроилга ташриф буюрдик, биз Жорж Шульцнинг лавозимига руҳан суяниб турардик, «Давлат қўмитаси бунга ишонарди» дея олардик. Профессор



сифатида мени бу ҳайратга солмади, аммо «Давлатнинг ишониши» тунчаси деганда, иқтисодчиларга ҳеч ҳам кулоқ солинмасди.

Бланшар: *1980-йилларда тузилган режадаги қўлаб ишлар ҳавога учганмиди?*

Фишер: Хўш, атрофда кенг миқёсдаги инфляция авж олган пайт эди. Биз сабабларни ўрганиб, бундан чиқиб кетиш йўлларини ўргатдик. Инфляцияни қай йўл билан бўлса-да, ҳал қилишга йўналтирилган конференциялар сони чексиз эди, гўё биз ишлаётган давлатларда бош сиёсат шу эди. Булардан ташқари, чет давлатларга саёҳат қилишнинг ўз гашти бор эди. 1981 йили мен Гарварддаги Эзра Фогел томонидан ташкил этилган саёҳат сабаб Бен Фридман билан Японияга бордим. Мен ҳеч қачон шарқда бўлмаган эдим. Япониянинг сакраш тизимига асосланган, ҳайратланарли ишларни амалга ошираётган иқтисодиёти мени ўзига ром этган эди. Қисқасини айтганда, таассуротларимнинг ҳаммасини тушунтира олмайман, фақат айтишим мумкинки, бу имкониятлар ўз-ўзидан келиб қолмаган, улар ниҳоятда қизиқарли эди. Тахминимча, бу ҳолат ҳаққоний дунёга бўлган қизиқиш, саёҳат қилишга бўлган иштиёқ, қизиқарли муаммоларни олиб чиқишга бўлган шижоатларнинг қоришмасидан юзага келган.

Бланшар: *Жаҳон банки эса кейинги суҳбатимизнинг мавзусига асос бўлади.*

Фишер: Жаҳон банки дунё сиёсатида қатнашиш учун яна бир имконият эди ва бу таклифни қабул қилганимдан хурсандман.

Бланшар: *Ривожланиш, тараққиёт ҳақида ўша вақтда сизга нималар маълум эди?*

Фишер: Массачусетс технологиялар институтида тараққиёт ҳақида, ундаги иқтисодиёт ҳақида ўрганган эдим. Макроиқтисодиёт томонидан олсак, мен ривожланаётган давлатларнинг иқтисодиётидан анча хабардор эдим. Айни ўша вақтда йирик муаммолар кенг илдиз отганди, бир томондан, инқироз ҳолати. Мен булардан анча хабардор эдим. Жаҳон банкида таркибий тартибни ўрнатиш ва муаммоларга киришишни бошлаб юбордим. Биринчи навбатда, Хитойга, Ҳиндистонга ташриф буюрдим. Хитойда 10 кун бўлдим, кейинчалик 6 ойга Бош вазир бўлган Зу Зиянг билан учрашдим. Мен унинг ғарб иқтисодиёти бўйича кўп маълумотларга эга эканлигидан ҳайратландим. Унинг айтишича, менинг дунёқарашим Милтон Фридман ва Лоренс Клейнларникидан фарқланар экан.

Бош вазирнинг буларга эътибор беради деб ҳеч ҳам тасаввур қилмаган эдим, лекин у шундай қилди. Ҳиндистонга бўлган ташрифим



ҳам анчайин ажойиб тажрибаларга бой бўлди. Ривожланиш муаммоси мени қамраб олди. Бу мени ҳеч тарк этгани йўқ. Ҳаётимнинг дастлабки 13 йилини Шимолий Родезиянинг кичик бир шаҳарчасида, африкаликлар орасида ўтказган ҳолда улғайгандим. Шундай экан, ривожланиш муаммоси мен билан доим бирга бўлган. Мен яна икки ҳолатни тушуна бошладим, яъни ташкилотларнинг ишлаш тизими, масалан, Жаҳон банки ноодатий бўлган мукамал ташкилот бўлса, бошқаси эса, дунё дуч келётган муаммолар эди.

Бланшар: *Сиз Жаҳон банкида 2 йил ишладингизми?*

Фишер: Аслида, шартнома 2 йилга белгиланганди, лекин у ерда мен 2,5 йил бўлдим. У ерда қолиш борасида анча ўйладим. Массачусетс технологиялар институтидаги ишларимни ҳам ташламоқчи бўлдим, аммо Массачусетс технологиялар институтидаги ишларимни охирига етказмасдан ташлаб кетишга тайёр эмас эдим, унинг устига, оилавий сабаблар туфайли Массачусетс технологиялар институтига қайтишга қарор қилгандим. Бу қийин бўлган қайта мослашиш эди. Назарий дарсларга борганимни эслайман, бу йигит ҳақми ёки йўқми, нима фарқи бор, нима учун назарий билим ҳақида бир киши ўйлаши керак каби саволларга кўмилиб қолгандим. Лекин қайта мослашишни эплаёлдим. Мен нарсаларнинг сиёсий томонига кўпроқ қизиқадиган бўлиб қолгандим. Исроил давлати билан бўлган муносабатларимни давом эттирдим. Италия газеталари учун сарлавҳалар ёза бошладим. Америка газеталарига ҳам сарлавҳалар ёзишни бошлашни ният қилиб қўйдим. Шундан эътиборан халқаро ва Америка муаммоларига қизиқа бошладим. Мени макроиқтисодиёт бўйича эксперт бўлишдан кўра, халқаро иқтисодиёт бўйича эксперт бўлиш кўпроқ қизиқтирарди.

Бланшар: *Сизнингча, бугунги кунда дунёни тушунишимиз учун керак бўладиган макрорегуляторлар етарлими?*

Фишер: Микдорий назария бўйича инфляцияга қоқилиб, узок йўл юришга тўғри келмоқда. Сизга айтсам, иқтисодий сиёсат анча қийинроқ экан. Сиёсатнинг ечимини топишга ҳаракат қиладиган бир нечта гуруҳ бор бўлиб, савол шундаки, улар қандай қилиб бу саволларни ечишни уддаламоқда. Бунинг жавоби эса, менга Жаҳон банкида ишладан олдин, яъни 1985 йилда Исроил мувозанатини жорий этишга жалб қилинганимда аён бўлганди. Мувозанатлаштириш Майкл Бруно ва унинг ҳамкасбларига хос бўлган иш эди. Буни қай йўсинда амалга ошириш борасидаги мунозаралар жуда қизиқ эди ва ундан мен жуда кўп нарсаларни ўргандим. Шу ўринда дастурлаш борасидаги маъмурий ва сиёсий гуруҳлар фаолиятини кўриб, анча-мунча нарсани ўргандим.



Бланшар: *Ўша вақтдаги танқидий вазиятларда эркин, соф фикрлайдиган инсонларнинг таъсири қай ҳолатда эди?*

Фишер: Ҳа, айтгандай, буни таъсири катта эди. Бруно жамоаси шуни тушундики, сиёсатчилар бунга эътибор бермаган эди. Нималар бўйича тортишиш, нималар бўйича тортишиш керак эмаслигини булар яхши билар эди. Тортишувларнинг айримлари анчайин шиддатли бўларди, сиёсатчилар доим ўйлашарди: «Биз уддасидан чикдик, ана энди яна олдинги услубда иш юритамиз». Агар барқарорликдан сўнг, Бруно бошқарувидаги марказий банк бўлмаганида, бу иш бермас эди.

Бланшар: *Ўйлашимча, ХВФ мавзусига ҳам етиб келдик. Массачусетс технологиялар институтида факультет декани бўлиш етарли бўлмадими?*

Фишер: Массачусетс технологиялар институтида декан бўлиш, бу шунчаки рағбатлантириш бўлди. Ўқув соҳасида Альфред Каннинг раҳбар сифатида қилган ишларини сиз анча яхши биласиз: раҳбар бўлиш факультет учун ҳаводек зарур эди. Энди у даражада бўлмаса-да, лекин умумий ўхшаш жиҳатлари мавжуд эди. Мен 1990–1993 йилларда Ўрта Шарқда турли хил ўқув ташаббусларига жалб этилдим. Ўрта Шарқ иқтисодиёти борасида кўплаб ишларни амалга оширдим, булар ҳозирги давргача ўз самарасини йўқотмаган. Сўнгра ХВФга аъзо бўлдим. Ўрдак сувга осонлик билан тушгани каби мен ҳам бу ишга осонлик билан мослашиб кетдим. Бунга тайёр эдим. Жаҳон банкида ишлаш чоғимда бу институтлар нималарга йўналтирилиши лозимлиги борасида менда яхши ғоя пайдо бўлганди.

Макроиқтисодий барқарорлик борасида ўрганганим ва ўқитганим боис Жаҳон банкига нисбатан ХВФга анчайин яхшироқ мослашдим. Менинг кўплаб талабаларим дунёнинг турли хил фондларида фаолият юритаётганлиги боис, ушбу фондларга аъзо бўлган давлатларнинг ҳукуматлари менга ёрдам беришди. Давлат хазинасидаги котибликда ишлаётган Лари Саммерс дўстлигимиз сабабли, менга анча ёрдам қўлини чўзди. Шу боис, бу ерда ишлаш жуда мароқли эди. Мени бошланғич ишлардан озод этган Мишель Камдессюнинг бошлиқ бўлиши менга ҳаққоний тухфа эди. Дуч келгунимизга қадар анча вақт ўтди. Келган пайтларим у мени ХВФнинг танқидчиси деб тушунган. Келганимда ХВФни яхшигина танқид қилишим мумкин эди, лекин охириги 2 йил ичида муносабатларимиз анча илиқ бўлди. Келишим билан бир неча ой ичида Кўшма Штатлар Давлат Хазинаси яхшигина тажриба бўлган Мексика инкирозини бошдан кечираётган эди.



Бланшар: *Инқироз механизмлари турли хил бўлганмиди?*

Фишер: Бу инқирознинг бошқа кўринишдаги ҳолати эди ва Клинтон бошқаруви учун бу биринчи иқтисодий тушқинлик ҳолати эди. Қўшма Штатлар инқироз ҳолатини ўзи енгишга уриниб кўрди, лекин бўлмади. Бир давлатнинг бошқасига шартларни мажбурлаб юклаши халқаро ташкилотнинг ўзига аъзо бўлган давлатга шартларини юклашига қараганда анча мушкул масала эди. Қўшма Штатлар шуни ҳам тушуниб етдики, ХВФда инқироз ҳолатидаги давлатларга ёрдам бера оладиган гуруҳ бор эди. Ўзингизга маълумки, Мексика инқироzi йигирма биринчи асрдаги биринчи молиявий таназзул сифатида тан олинганди. Бу инқирозни Мишель Камдессю кўмагида чуқурроқ ўрганиб чиққан эдим. Унинг инқирозни «ипидан игнасиғача» ўрганиб чиқиши менга нисбатан синчковлигидан далолат берар эди. Биз билган ғарбий тараққиёт ўз якунига етди деб ўйлагандим. У эса буни олдиндан билган экан.

Бланшар: *Инқирознинг сиз тушунганингиздан ҳам чигалроқ эканлиги ҳафсалангизни пир қилдимми?*

Фишер: Ҳа, ҳамма нарса бўлиши мумкин эди. Тўсатдан давлат облигациялари ҳақида тўлиқ тушунчага эга бўлиш эҳтимолдан холи эмасди. Бироқ, бир нарсани билиш ва уни тасаввур қилиш ўртасида кескин фарқ бор. Азалдан улар 47 турга бўлинади. Инқирозни бошқаришнинг калити уларнинг қайси бири айнан содир бўлишини фаҳмлай олишдадир. Ҳар бир инқироз эътиборсизлик оқибатида юзага қалқийди. Жараёнларни олди-қочди назариялардан ҳам сезиш ҳеч гап эмас. Уларнинг нима учун давлат облигацияларига қизиқишини тўлиқ англаб етдим. Девальвация Мексика учун қимматга тушиши мумкинлиги тўғрисидаги ишора эди, шу боисдан девальвацияга мурожаат қилиш унчалик ўринли эмас эди. Бу эса, ойдек равшан эди. Муаммо шундаки, девальвация ўз харажати-ни қопламаслигида эди. Аммо, омад кулиб боқиб, Мексика инқироzi тезлик билан чекина бошлади. Мексика бозорга олти ой ичида қайтди. Кейинги асабий ҳолат 1995 йил, ноябрь ойида кузатилди, аммо бу тезда бартараф этилди. Шунга қарамай Мексика инқироzi бир мунча бетартибликларни олиб келгандек эди. Шундай кунлар ҳам бўлдики, назаримда, инқирознинг кўлами янада кенгайгандек бўлган. Масалан, 1995 йил, январ ойида Осиё бозорларига ҳам Мексикадаги инқироз бироз таъсир кўрсатган эди. Бунақаси ҳали бўлмаган деган хаёлга бордим, сабаби, Осиё иқтисодиёти етарлича кучли формада эди.

Бланшар: *Инқирознинг асл моҳиятини тушундим деган ўй кейинчалик кечдимми сизнинг хаёлингиздан? Масалан, Мексика, Россия ёки Осиёдаги инқироз ҳолатларини олиб қарасак.*



Фишер: Шунақа деб ўйлагандим. Шунда ҳам қандай қилиб молиявий секторлар зарбага учрайди деган савол мени қийнарди. Осиёдаги, аниқроғи, Тайланддаги инқироз, дастлаб, тўлов балансидаги инқирознинг эски кўринишига ўхшади. Банкларнинг инқироз ёқасига келиб қолганини аниқладик. Ҳукумат қандай бўлмасин банкларни кафолат йўли билан олиб чиқмоқчи бўлди. Осиё инқирозида банкларни қутқариб қолиш учун кетган харажатлар ўзини оқлади деб айта олмайман. Бразилиядан ташқари 1990-йиллардаги инқирозлар замирида заиф молиявий тизим ётарди. Инқирозлар билан олишув бўлаётган бир пайтда кўплаб танқидчилар каби бир чеккада бемалол, хотиржам қараб тура олмадим.

Мексикадаги муаммо катта эди, аммо Мексикага иқтисодий томондан оёққа туриб олишига тезда ёрдам бериш керак эди. Тессебоно эгаларидан ташқари Мексикага сармоя киритганлар мисли кўрилмаган зарар кўришди. Кўп давлатларда бўлган инқирозларга қарамай, нима учун инвесторлар кейинги сафар инқироз бўлса, молиявий ёрдам берилади деган тушунчага суяниб қолишганларини тушуна олмайман. Нима учун «оқсоқ» бозорга инвесторлар ўз сармояларини бемалол олиб киритиш зарарларидан хулоса қилишмаган деган одамларнинг гапига хайрон қоламан. Ҳанузгача шуни тушунмайман.

Бланшар: *Мексика инқирозидан яна нималарни ўргандингиз?*

Фишер: Ишончли ҳукумат ва жуда яхши техник ускуналар мавжудлигининг муҳимлигини. Мексика буни уддалади. Аммо, кўплаб давлатларда бу ҳозир ҳам мавжуд эмас. Президент Зедильонинг қатъийлиги, жамоанинг жипслиги ва америкаликларнинг ёрдами ўз натижасини берган эди. Мексика инқирозидан сўнг уни қандай қилиб тиклаш ва келгусида инқироз ҳолатига тушмаслик учун бош қотирдик. Биз статистика, реаллик, кўпроқ макроиқтисодиёт, молиявий секторлар ва бошқаларга эътиборимизни қаратдик.

Алмашинув тизимидаги хавф қанчалик даражада юқори эканлигини англаб етдим дея олмайман. Бу муаммонинг вужудга келишига замин ҳозирлашини билдим. Инқирозни чорлайдиган тизим деб тушундим, яна ким билсин дейсиз?!

Бланшар: *Нега?*

Фишер: Барча осиеликлар рейтинг ўрнатишда озми-кўпми анчамунча яхши ишларни амалга ошираётган эди. Тушундимки, улар вақти келиб анча яхши йўлга тушиб олишади. Тушуна олмаганим эса, кичик савдо марказлари сиёсатининг иқтисодиётга боғлиқлиги бўлди. Агар сиз савдо алмашинувини йўлга қўймоқчи бўлсангиз, кенг миқёсдаги ишлар



амалга оширишингиз лозим бўлади. Молиявий тизим эса, ўша савдо алмашинувига бориб тақалади. Бу тизимда қанча кўп қолсангиз, бундан чиқиб кетиш шунча қимматга тушади. Бу масалага қизиқишимнинг сабабларидан бири шуки, Исроилдаги тажрибамга кўра, ўшанда улар қандай қилиб рейтингни ўрнатганига ҳайрон қолгандим; баъзан яна сусаяр, кейин яна ҳаммаси ўз изига тушиб кетарди. Польша ҳам шундай қилганди. Исроил капиталнинг қайси томонга оқишини етарлича бошқара олди. Буни эса, Мексика уддалай олмаган эди.

Бланшар: Кейинчалик содир бўлган бошқа инқирозлар-чи?

Фишер: Россия инқирозидан кейин тезда Осиё инқирози, Қўшма Штатлардаги инқироз, кейин эса, бизни анча бошимизни қотирган Бразилия инқирози анчайин хавфли эди. 1997 йил, октябр ойидан то 1999 йил, март ойигача, яъни Бразилия тикланиши бошлангунига қадар бизда кучли жисмоний зўриқиш бор эди. Бир куни Кореядаги инқироз сабабларининг ҳисоботини ўқиб қолдим ва, умуман, бу воқеа ҳақида эшитмаганимга ҳайрон қолган эдим. Кейинчалик англадимки, биз ўша вақтда кенг қулоқ ёзган Индонезия инқирозининг олдини олиш бўйича чораларни кўраётган эдик.

Россия инқирози алоҳида мавзу. Тўпланган «Қора булут»ни 1998 йил, май ойида билдик. Инқирозни бошидан тўхтатишни иложи йўқ эди. 1998 йил, июл ойида охириги умид ХВФ кредитини қарз сифатида олиб кириш бўлиб қолди. Агар бу иш бермаса, иқтисодиётнинг бузилиши аниқ эди. Энди нима бўлади ва нималар қилиш керак деган саволлар Россия, қолаверса, бутун дунёда мунозарага айланган эди. Россия рублининг девальвациясидан кейин жаҳон капитал бозори ҳам зарбага учради. Сентябрь ойида эса ҳолдан тойган бозор инқирози саноатлашган давлатлар бозорига кўчаётгандек эди.

Яхшиямки, Федерал захира 1998 йил, октябрь ойида рейтингдаги жарималарни олиб ташлаш орқали ижобий таъсир кўрсатган эди. Бироз ўтгач, глобал инқироз ортда қолгандек бўлди. Албатта, биз ХВФда кўплаб самарали ишларни амалга оширдик. Совет Иттифоқининг парчаланиш жараёнида мен ўша ерда эдим, тушунишимча, у давлатларга анча ёрдам қўлини чўздик. Кейинчалик турли ёндашувларга асосланган иқтисодиётлар юзага кела бошлади. Масалан, Иорданияни мисол қилиб келтирса бўлади. Умуман олганда, менинг ХВФдаги ўтказган даврим катта тажрибаларга эга бўлишга замин яратди. Иқтидорли ҳамкасблар билан молиявий бўронлардан шижоаткорона ўта олдик. Бу ҳолат менга кўп нарсани ўргатди.



Бланшар: *Саъй-ҳаракатларингиз ўлароқ сиз «Сити-груп»га кўшилдингизми?*

Фишер: Уюшмани бошқа карьераларга кўтарилишим мумкин бўлган пайтда тарк этишга қарор қилдим. Қайси бирини танлашга бошим қотганди: илмий-тадқиқот институтларига боришми ё мустақил ҳаракат қилиш. Масалан, уйда ишлаш, иқтисодий маслаҳатчи бўлиш, конференцияларда қатнашиш ёки молиявий институтларга аъзо бўлиш?! Шунда мен яхшироқ эплай оладиган, тўплаган тажрибаларим ёрдам бериши мумкин бўлган йўналишни, яъни Молия институтини танлашни маъқул кўрдим. Мен ҳеч қачон шахсий секторда ўзимни си-наб кўрмаганман ва бу менга анча қизиқ эди.

Шу сабабдан, қарорим ҳам шу тарзда кечган. Номзодлар орасида мен учун «Сити-груп» анча жозибадор кўринди. У ерда мен билган Боб Рубин ва Жеф Шафер яна бошқа ҳамкасбларим бор эди. Шахсий секторда ишлаш анча мароқли кечди. Бизнинг гуруҳ ҳавас қилса арзигулик, ажойиб жамоа эди. Ечимини топиши керак бўлган чалкашликлар ҳам жуда мураккаб эди. 280 минглик ташкилотдаги муаммолар ҳам бекиёс эди. Мен бундай ҳолатда иқтисодчи бўлиб ишлашга рози эдим.

Бланшар: *Илмий ёндашувларда қандайдир хатоликлар, ютуқлар ҳам бўлиб турган бўлса керак?*

Фишер: ХВФдалигимда бирор киши буларнинг барчаси илмий ёндашув сабабли гумонларни йўқ қилишга ҳаракат қилганида бир гапни айтишга одатлангандим, яъни «Сиз эшитганларингизга асосланяпсиз, ваҳоланки, гумонлар мантиққа асосланган». Уларга ХВФда менинг тажрибам энг маъқули эди. У ерда молиявий ижролар муҳим эди. Менда эса, Массачусетс технологиялар институтида тўплаган анчагина тажриба бор эди. Макроиқтисодиёт бўйича етарли билимга эга бўлиш, шубҳасиз, фойдадан холи эмас. Савдо билан шуғулланганлар орасида бунга унчалик қизиқмаганлар топиларди. Уларнинг баъзилари савдода яхши эди, ҳаттоки, макроиқтисодиёт бўйича етарли билимга эга бўлмаса ҳам. Уларнинг ютуғи тажриба ва зукколикларида эди. Улар билан суҳбатимиз яхши кечар эди. Ҳаттоки, бир-биримизга камчиликларимизни айтиш ҳам хуш ёқар эди. Уларнинг ўй-хаёллари, бажарган ишлари менинг хаёлимга келмаслиги мумкин, менинг фикрларим ҳам уларнинг хаёлига келмаслиги мумкин эди. Улар ўз иши бўйича уста бўлса, мен ҳам ўз ишимни пухта билар эдим.

Бланшар: *У жойда академик бўлишнинг заиф томони борми? Биз, академиклар, жуда кўп ўйлаймизми? Бир муаммонинг 2 то-*



монига ниҳоятда берилиб кетамизми? Ёки бироз суст ҳаракат қиламизми?

Фишер: Бизнинг ниҳоятда асабий эканлигимиз – кулгили ҳолат. Академик бўлишнинг заиф томони ҳеч нарсани тушунмаган тақдирда ҳам қарор қилиш кераклигини тушунмаганлигимизда бўлиши мумкин. Кўплаб академиклар бир муаммо бўйича қарор қилиш кераклиги ай-тилганда шошиб қолишади деб ўйламайман.

Бланшар: *Сизга керакли бўлган маълумотлар анча кам бўлган ҳолатда муаммоларни ҳал қилишда зудлик билан қарор қабул қилиш керак бўлган вазиятларга неча мартаба дуч келдингиз?*

Фишер: Инқироз ҳолатида кўп бўлди. Инқироз, бу – барибир инқироз. Инқироз ҳолатида сиз бир қарорга келишингиз керак, яъни А ёки В, С, D ёки Е вариантларини ҳам қидираётган бўлишингиз мумкин. Аммо, вазият ёмонлашаётган бўлса, унда кўп инсонларнинг яшаш тарзига анча таъсир қилаётган бўлади. Вазият бундай пайтларда, қандай бўлмасин, ҳал этилиши керак. Сиз унча-мунча яхши вариантларни топишингиз мумкин, ўшанда қай бирини танлашга иккиланиб қоласиз. Сиз яна бир-икки кун ёки ҳафта хоҳлайсиз, лекин бунга вақт йўқ бўлади. Шахсий секторда ҳам шундай. Нималар бўлаётганини тушуна олмасангиз, бирор-бир яхши ғоянинг пайдо бўлиши қийин кечади, саволларга кўмилиб кетасиз. Боб Рубиннинг ютуқларидан бири шуки, у бундай вазиятларда тўлиқ хотиржам бўлади. «Кеча пул йўқотган бўлсам, демак, кеча хато қилган эканман», деб хатоликларга берилиб қолмайди. Кўпчилигимизда бундай матонат етишмайди. Пул йўқотиш ҳар куни такрорланса, демак, бу дегани сиз каердадир хато қиляпсиз.

Бланшар: *Илмий иқтисодиётга қайтсак. Бугунги кунда макро-иқтисодиёт ҳолатини қандай баҳолайсиз?*

Фишер: Бу соҳанинг мен билган олдинги ҳолатига қайтаётганидан, ҳеч бўлмаганда, қайтишга ҳаракат қилаётганидан мамнунман. Анча вақтгача бизнес оламига қараганда илмий методикага суяниб қолган давр қотиб қолганди, гўёки кутилган эҳтимолликлар бу оламни забт этгандек эди. «Макроиқтисодиёт бўйича маърузалар» китобимизда, албатта, мавзуга тааллуқли бўлмаса ҳам, бу ҳақда бир қанча фикр-мулоҳазаларни келтириб ўтганмиз.

Бугунги кунда 2 та тараққиёт йўли бор деб айтишим мумкин. Улардан бири, ҳозирда олдингиларга қараганда анча самарали бўлган илмий изланиш олиб боровчи тадқиқотчиларнинг мавжудлиги. Бизнинг соҳада ҳам кўпгина ишлар амалга оширилди. Мавжуд статистик маълумотлар билан кўплаб илмий тадқиқотларни амалга оширишимиз мум-



кин. Шундай бўлиб ҳам чиқди ва биз кўп нарсаларни кенг миқёсдаги маълумотлар ёрдамида тушуна бошладик. Иккинчиси, янгича ва эскича фикрлайдиган иқтисодчилар ўртасидаги йирик мутаносибликнинг тугаш даври бошлангани. Бу мени хурсанд қилади. Фарқ озмунча сезилса-да, унинг тугаши ҳам аён бўлиб бормоқда. Ўйлашимча, бунинг касбга таъсири катта. Тушунишимча, ҳозирда ҳаммаси изига тушмоқда. Ижобий ўзгаришлардан ҳузурланаман. Кўп инсонлар Лерри Саммерс каби кредит олади, бошқалари эса, Марказий бюрога боради.

Бланшар: *Кейинги савол нисбатан шунга яқинроқ. Бугунги кундаги макроиқтисодиётда биз кузатмаган йирик муаммолар, мунозарали ҳолатлар ҳақида нима дея оласиз?*

Фишер: Қачонки муаммога дуч келганимда, ечимини топиш учун йиғилган вариантлардан ҳам яхшироқ вариант бормикин деган тушунча қийнарди мени. Ўзи, биз чиндан ҳам ҳал қилиниши керак бўлган муаммолар устида ишляпмизми?! Нима ва қандай ҳолатлар кенг ривожланишга ёрдам беради, нима ишлаб чиқаришни оширади, нима баъзи иқтисодиёт соҳаларида нега айнан шундай муаммолар борлигини аниқлаб беради каби саволларнинг жавоби топилиши макроиқтисодиёт олдида турган муҳим вазифа бўлмоқда. Айнан шундай саволлар устида жиддий ишлар олиб бормоқдамиз. Қийин жойи, юқорида айтганимдек, сиёсий иқтисодиёт ҳисобланади. Бу гапни айтиш мени доим беҳузур қилади, лекин ҳозир, мана, яна айтдим.

Бланшар: *Африка ҳам бунга кирадими? Сиёсий-иқтисодий муаммоларни ҳисобга олмасак, у ердаги муаммоларни ҳал қилса бўладими?*

Фишер: Ҳақсиз. Африка масаласи борасида Осиёга қараганда камроқ тушунчага эгаман. Нима учун деб ўзимга савол беришим керак, аслида. Биз инсоният масаласида қанчалик кўп ишлар қилишимизни 2 гуруҳга бўлган ҳолда баҳолаганмиз: инсон капиталини куриш ва иқтисодий саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайдиган институтларни барпо этиш. Ҳа, бу масалалар ён атрофимизда, лекин булар устида ҳеч ким ишламаяпти дейиш тўғри эмас. Бу масала бўйича ҳамма ишляпти.

Бланшар: *Умуман олганда, бу соҳада сиз «узоқ йўлга» отлангансиз. Аҳамияти кам бўлган Лукасни сотиб олмоқчимисиз? Чиндан ҳам шундай бўлса керак?*

Фишер: Ўйлашимча, биз анча яхши, самарали йўлдамиз. Лукас масаласига келсак, иккита сабаби бор: биринчиси, ривожланиш, бу – ҳамма вақт узоқ муддатли йўл ҳисобланади. Адам Смитдан бери бу



тушунча кенг тарқалган. Шу боисдан кўплар анча вақтдан бери ривожланишнинг назарий томонлари бўйича ишламоқда. Инқироз бўлиш эҳтимоли кам, сабаби, мижозлар оқими етарлича. Ўсишга туртки бўладиган ҳолат мени ўзига жалб қилади. Сўрашингиз мумкин, «Хўш, баланс кўринишидаги бюджет мувозанати қай кўринишда бўлиши лозим, балки тараққиётга ўз фойдасини берар» деб. Бу эса, яна ўша сиёсий иқтисодга бориб тақалади.

Бланшар: *Охирги саволим. Жавоб беришингиз мумкин, агар хоҳласангиз, албатта. Ёш илмий изланувчиларга маслаҳатингиз.*

Фишер: Ёш бўлганингизда ўзингизни «катта» тутишингиз танқидга олиб боради.

Бланшар: *Талабалик давримда ҳам шундай дердингиз. Фикрингиз ўзгарманми.*

Фишер: Шу вақтгача бу масалада фикримни ўзгартирмадим. Агар касбимизга назар солсангиз, тақдир бизга тухфа қилган шундай инсонларни кўрасизки, бутун вақтини ўз вақтида нега иқтисод ёки алгебра билан чуқурроқ шуғулланмаганман деб нолиб қолишади. Чарли Киндлбергер каби баъзилар бу ҳолатлардан ўта олди. Баъзилари эса йўқ. Ўзингизга ўз соҳангизнинг техникасини биламан ва касбимни профессионал тарзда бажараман деган ишонч керак. Сўнгра, шундай муаммо топиш керакки, ҳам қизиқ, ҳам муҳим бўлсин. Кўринишидан гўёки кераксиз бўлган мавзу юзасидан менинг баъзи дўстларим изланишлар олиб борганида, хайрон қолардим, лекин вақт ўтиб ўта муҳим даражадаги масалани кўрган бўлиб чиқишарди. Массачусетс технологиялар институтида ўқиган дўстларимдан бири Канададаги газ қувурлари ҳақида илмий изланишлар олиб бродан эди. У қизиқса ҳам, лекин бу менга жуда зерикарли туюларди. Бироқ, 1973 йилга келиб унинг изланишлари оммалашиб кетди. Шу сабабдан сиз қўл урган мавзу қачондир муҳим бўлишига ишонишингиз керак. Ўша мавзу эса, албатта, сизга қизиқарли бўлиши лозим. Бир марта бундай мавзунини бажара олдингизми, кейинги илмий изланишингизда эса, кўплаб қизиқарли муаммоларнинг топилиши ўз-ўзидан осон бўлиб бораверади.

Сухбатни Оливье Бланшар олиб борди.

*Массачусетс технологиялар институти,
2004 йил.*



ДЭВИД КАСС



1937 йил 19 январда Гавайининг Ганолулу шаҳрида таваллуд топган. У 1958 йилда Орегона университетида иқтисод бўйича ва Гарвард юридик мактабида ҳуқуқшунослик бўйича ўқиган. Оилавий анъанага кўра у адвокат бўлишни ўйларди. У юридик соҳани ёқтирмаганлиги сабабли, 1 йилдан сўнг бу соҳада ўқишни тарк этди. 1959 йилдан 1960 йилгача армияда хизмат қилди. Қайтгач эса, Стенфорд университетига ўқишига қабул қилинди. У бу ерда Карл Шелл билан учрашди. Улар ўқишни битиргач, бирга ишлай бошлашди. 1965 йилда Касс номзодлик диссертациясини тугатди. Ўқишни битиргач 1965 йилдан 1970 йилгача Йель университетида доцент ва Нью-Хавендаги иқтисодиёт бўйича комиссия илмий ходими бўлиб ишлади.

Касс соф иқтисодий назарияга, асосан, умумий мувозанат назарияси соҳасига муҳим ҳисса қўшди. У оптимал ўсиш назарияси, қуёш нуқта назарияси ва тўлиқ бўлмаган бозор назарияси бўйича тадқиқотларни олиб борган. Диссертациясининг бир қисми бўлган «Умумий капитални тўплаш» моделидаги «оптимал ўсиш» мақоласи билан танилган. Ушбу мақолада у Фрэнк Рамсей томонидан кашф этилган неоклассик ўсиш моделида самарадорлик учун зарур ва етарли шартни исботлади.

Рамсейнинг стандарт ўсиш моделидан асосий фарқи шундаки, Касс келгуси даврларда истеъмол дисконтланган ҳолатни кўриб чиқди ва шу билан бевосита истеъмолчилар эртанги истеъмолдан кўра бугунги истеъмолни афзал кўришади. Рамсей ўсиш моделининг ушбу ўзгартирилган версияси Рамсей-Касс-Купманс модели сифатида ҳам танилган. У «Касс мезонлари» билан бир-бирининг устига чиқадиغان авлод моделлари ва неоклассик ўсиш моделида ва Карл Шелл билан ташқи ноаниқликнинг иқтисодий мувозанатга таъсири, шунингдек, қуёш



нуқта мувозанати концепцияси ёки қуёш доғлари назарияси деб номланган асарлари билан машҳур эди.

Жозеф Стиглиз билан биргаликда у фақат иккита ўзаро маблағларни сотиб олишни чеклаб қўйган ҳолда инвестор мақбул портфелни олиш шартларини исботлади. Улар, шунингдек, одатда, пулга бўлган талабни портфель назариясидан чиқариб бўлмаслигини кўрсатдилар. Касс, шунингдек, тугалланмаган бозорлар назарияси, асосий йўналиш назарияси ва вақт ўтиши билан доимо очилиб турадиган бозорлар билан иқтисодиёт назариясига катта ҳисса қўшди.

ДЭВИД КАСС БИЛАН СУҲБАТ

Дэвид Кассни, шубҳасиз, замонавий иқтисодий динамика назарияси асосчиларидан бири дейиш мумкин. Бу назарияга у оптимал ўсиш муаммолари, қайта копланувчи бўғин моделлари, куёшдаги доғлар мувозанати, шунингдек, тўлиқсиз бозорлар билан умумий мувозанат моделлари бўйича ўз ишлари билан фундаментал ҳисса қўшган. Унинг изланишлари кўп жиҳатдан ҳозирги кунда микро- ва макроиқтисодий тадқиқотлар ёрдамида шуғулланилаётган жабҳаларни белгилаб берди.

Касс тадқиқотлари замонавий макроиқтисодиёт назариясини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этди. «Касс-Купманс моделлари» реал иқтисодий даврлар назариясига асос солди. Иқтисодий динамика моделлари таҳлили, унинг умумий восита ва усуллари бизга монетар назарияни чуқур тушуниш имконини берди, шунингдек, ташқи ноаниқлик иқтисодиётини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. Касс – нафақат беқиёс олим, балки ёрқин, юқори даражали эрксевар шахс.

Биз бу суҳбатни ўтказиш орқали, аввало, Дэвид Касс таржимаи ҳоли ва унинг иқтисодий тадқиқотларга ёндашуви ҳақида маълумот олишни истагандик. Шунингдек, «Macroeconomic Dynamics» журналининг номи ва мақсадли аудиториясини ҳисобга олган ҳолда, уни замонавий макроиқтисодиёт назарияси фанини муҳокама қилиш ҳамда унинг ривожланишига олимнинг асарлари кўрсатган таъсирини билишга ҳаракат қилдик. Суҳбатимизнинг баъзи қисмлари жойни тежаш учун қисқартирилди, қолганлари деярли таҳрир қилинмади. Муштарийларимизга маълумки, Дэвид Касс Карл Шелл билан узоқ вақт ҳамкорлик қилган.

Биз Дэвид билан Пенсильвания университети Иқтисодиёт факультетидаги журналлар, китоб ва компакт-дискларга тўла хонасида тушликдан биров аввал учрашдик. У ўзининг оддий жинси шими ва



футболкасида сочлари тўзгиган ҳолатда ўтирар эди. Биз хонада бироз суҳбатлашдик, сўнгра уни тушлик пайтида давом эттирдик, кейин эса яна хонага қайтиб, бир неча соат суҳбат қурдик. Ўша куни ҳаво илиқ бўлиб, аниқ айтганда ўттизинчи февраль, жума куни эди. Бу кун бахтсиз кун деб қабул қилинган бўлса-да, биз учун жуда омадли бўлди. Умид қиламизки, бу суҳбатдан биз сингари баҳра оласиз.

MD («Macroeconomic Dynamics»): *Келинг, аспирантурадаги ишингиз ва раҳбарингиз Хирофуми Узава ҳақида гаплашайлик. У билан дастлаб қандай танишгансиз?*

Касс: Стэнфорд университетиде аспирантларни тайёрлаш дастури менга мутлақо тизимсиздек кўринди. Бунга бир мисол келтираман. Мен Стэнфорд университетига ўқишга кирган йили уларда биринчи семестрда оғзаки малака имтиҳони бўлди, ҳамма унинг бемаънилик эканлигини тушунарди. Кейинчалик бу талаб бекор қилинди, лекин у пайтда имтиҳон режалаштирилган эди, аммо уни қолдиришга қарор қилинди. Мендан имтиҳонни Кен Эрроу ва яна кимдир қабул қилди (у пайтда мен ўқитувчиларимни яхши билмасдим).

Эрроу ҳақида билгач, ҳайратга тушдим. Кен менга савол берганида, ахмоқона жавоб бердим. У эса, бирор кишининг жавобини қабул қилиш, сўнгра уни жуда мазмунли этиб таҳрир қилиш қобилиятига эга эди. Имтиҳоним шундан иборат бўлдики, мен Эрроуга қисқа жавоб берардим, сўнгра у жавобга бирор-бир маъно беришга интиларди.

Асосийси шундан иборат эдики, бу имтиҳонни мажбурий топшириш бекор қилинди, лекин барибир ўтказилди у, бу ўзига хос ҳолат эди. Стэнфорд университетидеги дастурлар асосан аспирантларнинг ўзларига қаратилган эди. Аниқ дастур мавжуд эмасди. Узава билан қандай танишганимни эслай олмайман. Лекин улар факультетда эмас, балки Серра-Ҳаус деб аталувчи кичик уйча – кампусда шуғулланувчи иқтисодчи математиклар гуруҳи бўлган. Мен алоҳида кадрловчи Стэнфорд ўқитувчилари: Эрроу, Узава, Скарф унинг таркибига киришарди. Бундан ташқари, ижтимоий фанларда математикани қўллаш бўйича мутахассислар ҳам бўлган. Карл Шелл қаердандир Серра-Ҳаус ҳақида билиб қолган ва биз у ерда шуғуллана бошладик.

MD: *Сиз ва Карл бир йилда кирганмисиз ўқишга?*

Касс: Ҳа, айнан Карл мени Серра-Ҳаусга олиб борган. Узава билан қандай танишганимизни эслай олмайман, лекин ҳар ҳолда танишганимиз. Эҳтимол, у семинар ёки шунга ўхшаш машғулот ўтказарди. У ҳақиқатда фан билан шуғулланиши ва аспирантларга яхши раҳбарлик



қилиши маълум эди, сўнг биз унга бириктирилдик. Шундан кейин мен Стэнфордда сўнгги икки йилда асосан Серра-Хаусда Узава билан ҳамкорликда ишладим (мен у ерда тўрт йил бўлдим).

У доимий равишда семинар машғулотлари ўтказарди. Назаримда, Узава – ёмон маърузачи, лекин ажойиб педагог эди. Унинг афзал томони шундаки, у сизга тайёр бўлса, у холда фанни қай тариха тушуниш кераклигини тушунтиради. Агар у тайёр бўлмаса, ҳозир ўзи ишлаётган мақола, йўл қўйган хатолари ва уларни тўғрилаш ҳақида сўзлаб беради. У бирор-бир ишни нима учун бажаришга қарор қилганини тушунтирар, бу сизга тадқиқот ўтказишни ўргатиш билан баробар эди.

Шунинг учун унинг бир неча маърузасини тингладим, улар бекиёс эди. Узава эконометрикадан дарс беради, баъзан қандайдир баҳолаш функцияси, эҳтимол, чекланган ахборотнинг максимал даражада тўғрилигини баҳолаш функциясини ҳисоблашни истарди, лекин у ҳақда деярли ҳеч нимани эслай олмас эди. Ярим курс шундай ўтди, Узава келиб, бу функция тўғрисидаги теоремани исботлай бошлаб, бунга бир ёки бир ярим соат сарфлар, сўнгра эса бошқа йўлдан бораётгани тушуниб, узр сўрарди.

Кейинги сафар у ҳаммасини бошидан бошлар, бу ақлга сиғмайдиган, лекин жуда қизиқарли ҳодиса эди. Унинг мияси бирор-бир ишни нолдан бошлаб, муаммони қандай ҳал этиш учун ҳақиқатда яхши ишларди.

Узавадан бирор нарсани ўрганиш кишига роҳат бағишларди. Мен ҳам аспирантлар билан ишлашда Узавадан олган сабоқларимни қўллайман. У аспирантларга бир хил муносабатда бўлар, турли вазиятда ҳам ҳар бир аспирант билан узоқ вақт ишларди. У нафақат ўз хонасида ишлар, аспирант билан бар ёки бошқа жойга ҳам бориши мумкин эди. У бизга кўп вақт сарфларди. Ҳозир ўйлашимча, Узава мен ёзган ишларни ўқимаган, ўқимаганлигига ишончим комил. Лекин, у бу ҳақда гаплашишни хоҳларди. Ўзи аспирантларини суҳбатга тортарди, семинарларда шундай аспирантларни учратиш мумкин эди. Ҳамма аспирантлар нима иш билан шуғулланаётганликларини яхши билишарди.

Албатта, унинг ўз йўли – ўсиш назарияси, аниқроғи, турли-туман вариантли ҳисоблашларни ўсиш моделларига максимум принципини қўллаш усули мавжуд эди. Шунинг учун касбий фаолиятимизнинг бошланиши моҳиятан бир хил бўлган, лекин менда, шахсий сабабларга кўра, Пенсильвания штати университети билан баъзи муаммолар юзага келди. Университет вакиллари ўз касбий фаолиятимни ижтимоий фаолият билан аралаштирмаслигимни хоҳлашарди, лекин мен «бу аспирантлар билан ишни ташкил этиш ҳақидаги тасаввурларимга мос



эмас» деб жавоб бердим. Сизнинг Узава билан қандай танишганлигим ҳақидаги саволингизга келсак, биринчи учрашувимиз тафсилотларини ҳозир эслай олмайман.

MD: *Ўша пайтда ўсиш назарияси билан шуғулланишни хоҳлашингизни билармидингиз?*

Касс: Йўқ.

MD: *Университетда ўқиш жараёнида тадқиқотларингиз мавзуси қандай бўлган?*

Касс: Россия иқтисодиёти.

MD: *Россия иқтисодиёти?*

Касс: Ҳа. Бу – ҳақиқатдан ғалати ҳолат, чунки мен тилларни жуда ёмон ўзлаштирганман.

MD: *Қаерда ўқигансиз?*

Касс: Орегона университетида. Мен юрист бўлишим керак деган фикрда бўлганман, чунки бу оиламиз анъанаси эди. Мен бир йил Гарвард ҳуқуқ мактабида ўқиганман ва у ерда ўтказилган ҳар бир дақиқани ёқтирмасдим. У ерда асосан буюк рус адабиёти намуналарини қайта-қайта ўқирдим ва имтиҳонларни дедуктив фикрлаш қобилиятим туфайли топширардим. Бир неча бўлимни эслаб қолардим ва улардан узоқлашардим, бу етарли эди.

Сўнгра армияда хизмат қилдим. Аспирантурага қайтиш ва иқтисодиёт билан шуғулланиш истаги жуда кучли эди, шунинг учун Ғарбий соҳилда қолишга қарор қилдим. Бу борада омадим келди. Аспирантура ҳақида ҳеч нарса билмасдим, лекин Беркли ва Стэнфорд университетларидан бирини танлашга тўғри келди. Тасодифан мен Берклини эмас, Стэнфорд университетини танладим, бу жуда тўғри танлов эди, чунки мен ҳақиқатдан ҳам нуфузли ўқитувчилардан сабоқ олдим.

MD: *Нима учун аспирантурада айнан иқтисодиёт билан шуғулландингиз?*

Касс: Менга иқтисодиёт ёқарди, дипломим ҳам айсбергнинг юқори қисми эканлигини тушунардим. У пайтда машғулотларда тенгламалардан энди фойдаланила бошланганди, мени бу ғоя, яъни ижтимоий фанларни ифодалаш ғояси қизиқтириб қўйди.

MD: *Эҳтимол, аспирантурага кирганингизда метаматика бўйича тайёргарлигингиз сустроқ бўлгандир?*

Касс: Аслида, бундай тайёргарлигим умуман бўлмаган. Аввалги университетимда тригонометрия, алгебра, геометрия фанлари ўқитиларди. Стэнфорд университетида ўқишнинг биринчи куни менга макроиқтисодиёт фани бўйича Боб Слайтон исмли ўқитувчи дарс



ўтди. Биринчи машғулотдаёқ умумий мувозанат моделини ёзиб, бу моделнинг ҳосиласи бўлган мультипликаторни ҳисоблашга қарор қилди. У доска ва аудитория деворининг бир қисмини ёзувлар билан тўлдириб юборди, мен эса ҳеч нарсани тушунмадим.

Мен ҳосила нима эканлигини билардим, лекин хусусий ҳосила нима эканлигини билмасдим. У бажараётган иш хусусий ҳосилани топиш деб аталарди. Албатта, кишилар ўша кунларда хусусий ҳосилани топиш билан шуғулланган ҳолда, аслида, нима қилаётганликларини тушунмасдилар. Улар дифференциал шаклини ёзиб олиб, дифференциал турлашда алоқадор муҳит деб атаб, комплекс хилма-хилликдаги ҳисоб-китоб билан шуғулланишган. Бу усул ҳали етарлича ўзлаштирилмаган эди.

Бу машғулотдан сўнг мен уйга қайтдим, иқтисодиёт бўйича аспирантурада ўқишга етарлича тайёр эмас эканман деган фикрга келдим. Шунинг учун математик таҳлил ва статистика гуруҳига ёзилдим ҳамда Слайтоннинг ҳамма машғулотларида иштирок этдим, улар эса беқиёс эди. Микроиқтисодиёт бўйича машғулотлар эса бошқа гап. Уларни меҳнат иқтисодиёти бўйича мутахассис Мелвин Редер олиб борарди. У биринчи кун машғулотга келиб, иқтисодиёт назариясини камситувчи фикр билдирди, шундан сўнг унинг машғулотларига бормадим.

Биринчи семестрни математик таҳлил ва эҳтимоллар назариясига киришни ўрганган ҳолда ўтказдим. Кейинчалик эшитишимча, эҳтимоллар назарияси бўйича машғулотларни нуфузли мутахассис олиб борган. Бу машғулот жуда қизиқарли эди, чунки у ҳамма тушунчаларни мисоллар билан тасвишлаб берарди. Кейинчалик эса имтиҳонларга осон тайёрланишимиз мумкин эди, чунки эҳтимоллар назарияси қандай фан эканлигини тасаввур эта олардик.

МД: *Карл билан ҳамкорликдаги ишингиз Стэнфордда бошланганми?*

Касс: Йўқ. Стэнфорддаги жуда қизиқ ҳолат, эҳтимол, аспирантларни тайёрлаш бўйича бошқа дастурларга ҳам хос бўлса керак. Бу шундан иборат эдики, ўқитувчилар томонидан келажакда порлокдек кўринган талабалар танлаб олинарди. Карл Принстонда математикани ўрганган ва Стэнфордга Кен Эрроуни ҳақида билгани учун ўқишга кирган. Карл айнан шундай бўлғуси юлдуз (у энг яхши битирувчи деб тан олинмади, танлаб олинган талабанинг исми эса ёдимда йўқ, у ишонччи оқламади).

Ўқишнинг биринчи йили иқтисодиёт йўналишига ёзилмасликка қарор қилганим учун иқтисодчи аспирантлар билан кам мулоқотда



бўлардим. Карл билан ҳам иккинчи йилнинг охирида танишганман. У мени Серра-Хаусга олиб борди, бу ерда аспирантлар Узава билан бирга ишлашарди ва биз ўзаро муаммоларимизни билганимиз учун осон суҳбатлашишимиз мумкин эди. Лекин ҳеч қайсимиз ишларни бирга ёзмаганмиз. Биз Карл билан кейинроқ, 1970-йилларнинг бошида бирга ишлай бошлаганмиз, лекин у диссертациям билан таниш, мен эса Карлнинг диссертацияси ва унинг тайёрланиш жараёнини билардим, шунинг учун Узаванинг аспиранти бўлган ҳолда ким қандай ҳисса қўшгани доим очиклигича қоларди.

MD: *Бундай диссертация мавзусини танлашга нима мажбур қилди?*

Касс: Оптимал ўсиш? Асосан, максимум принципи ва Узаванинг ўсиш принципи ёрдамида.

MD: *Бунга қадар қандай ўсиш назариясини билгансиз?*

Касс: Бу даврда биз шуғулланишни истаган оптимал ёки режалаштирилган ўсиш ҳамда Солоунинг қулай иқтисодий ўсиш назарияси ўрта-сидаги чегарани белгилаш қабул қилинган. У жуда машхур бир секторли модели устида ишлай бошлагандан бери жуда кўп қоғоз сарфлади, кейин эса муайян ўсиш моделларига бағишланган ишлар – товарлар кўп бўлган моделлар ва, эҳтимол, бирорта алоҳида технологияга ўтди. У ҳар доим (Маленво ўзининг машхур «Эконометрика» китобида яхшироқ кўрсатган) рақобатли мувозанат ва унинг самарадорлигини қандай ифодалаш кераклигини тақрорларди. Бу изоҳланган ўсиш назарияси эди. Сўнгра Рамсей машхур ишини ёзди ҳамда Узава неоклассик иқтисодий ўсиш моделининг икки секторли вариантыга қизиқиб қолди.

Узава ушбу мавзуда бир неча иш ёзди. Кейин оптимал ўсиш назарияси билан шуғулланишга қарор қилиб, асосан чизикли мақсад функциясига эга икки секторли моделга бағишланган иш ёзди. У оғишларнинг математик моделини деярли янгитдан яратди (бу ўзига хос фикрловчи инсон эди) ва ўзи учун максимум принципини кашф этиб, унга қизиқиб қолди. Узава иқтисодий тафаккур тарихи бўйича ҳам семинар машғулотлари ўтказар, бу семинарда ўтмишга қайтиб, у ердан Рикардо, Марксдан тортиб... иқтисодиётдаги буюк номларни олди ҳамда улар ўсиш модели сифатида шуғулланган ғояларни тақдим этарди. Узаванинг иши менга катта таъсир кўрсатди. Мен у пайтда Рамсей ҳақида эшитмагандим.

MD: *Бу қизиқ-ку, Рамсей ҳақида баъзан «сирли» классик деган фикрлар мавжуд. Бошқалар ҳам Рамсей ҳақида эшитмаганмиди? Узава-чи?*



Касс: Йўқ, бундай деб ўйламайман, мен Рамсей ҳақида оптимал ўсиш тўғрисидаги диссертациямнинг биринчи бобини ёзиб тугатганимдан сўнг эшитганман. Ўшанда, тўғрисини айтганда, иккиланиб қолганман.

МД: *Рамсейни қандай кашф этгансиз?*

Касс: Ҳозир эслолмайман. Эҳтимол, кимдир эслатгандир. Эҳтимол, Узава у ҳақда билгандир, аслида эса, у мени кашфиётчи деб ҳисобларди. Маълум маънода, бу – мутлақо нотўғри. Ҳақиқатан ҳам, мен, одатда, баъзида ноқулай ҳолатга тушаман, чунки бу иш доимо фойда келтиради, гарчи мен буни Рамсей моделини деярли қайта яратган ва унга нисбатан олдинга бирмунча кичик қадам қўйилган машқ деб ўйлайман.

МД: *Рамсейда дисконтлаш бўлмаган, сизда эса мавжуд. Бу фарқлардан бири, шундай эмасми?*

Касс: Рамсейда дисконтлаш бўлмаган. Маънавий нуқтаи назардан ижтимоий фаровонлик функциясининг тўғрилиги ҳақида кўп гапирган. Тьяллинг Кумпанс ҳам шунга ўхшаш иш ёзганида бунга кўп аҳамият берган. Бу муаммоларга дисконтлашсиз ёндашув анча мураккаб бўлади, чунки, ҳатто, функционал учун функцияни топиш талаб этилганда ҳам, бу функция чексиз белгили бўлиб қолиши мумкин ва уни изоҳлаш учун бирорта ўзгача усулдан фойдаланишга тўғри келади. Бир хил белгили маълум функцияга эга бўлиш учун истеъмол ва «олтин қоида»га мос истеъмолнинг фойдалилиги ўртасидаги фарқни тушуниш керак.

МД: *Бу дисконтлаш қўлланилмайдиган моделларга тааллуқлими?*

Касс: Ҳа, бу дисконтлашсиз моделларга хос. Бу капитал назариясидаги сиқиштиришнинг мавжуд эмаслиги деб аталувчи шартга алоқадор бўлиб, унда трансверсаллик заруратга айланади. Моҳиятан, айнан шу далил таксимловчи гипертекислик назариясидан фойдаланиш имкони беради. Мана, аввал нима ҳақда сўраганингизни унутдим!

МД: *Оптимал ўсиш муаммоларига қай тарихқа дуч келгансиз?*

Касс: Умуман, гарчи Узава ўтмишга қайтиб, адабиётларни ўқиб, улардан илҳомланса-да, мен бу хислатни қабул қилмаганман. Мен шунчаки бу мавзу устида ишлашга қарор қилдим, чунки бу ёндашувлар янги ва истиқболли бўлган, шунинг учун қизиқарлидек туюлган. Максимум принципи баъзи тенгламалар ва ҳоказоларни мустақил равишда – кишилар билан суҳбатлашиш, Узаванинг ишларини кузатиб, асосан математика бўйича китобларни ўқиган ҳолда ўзлаштиришга қарор қилганман. У пайтда энг муҳим китобимиз Понтрягиннинг максимум принципи тўғрисидаги ўзига хос китоби эди. Бу ҳам жуда қизиқ китоб



бўлиб, унда геометрия ҳақида фикр билдирилган, Понтрягиннинг эса кўзи ожиз эди.

МД: *Китоб рус тилида ёзилганми? У ҳолда сиз муҳим устунликка эга бўлган экансиз-да.*

Касс: Рус тилида кўп нарсани ўқий олмасдим, лекин бу китоб таржима қилинганди. Ҳар ҳолда муаллифнинг кўзи ожиз бўлганлиги учун унинг фикрлари геометрик тарзда бўлиб, ёзаётганларини чизаётгандек кўринади. Мен бу икки олимнинг ёндашувларини бирлаштирдим. Узава бу ишни беқиёс деб атади. Нима учунлигини билмайман, эҳтимол, бу муаммо устида Тъяллинг Кумпанс ишлагани учундир, Узава эса Кумпансга хавас билан қарарди. Умуман, Узава бошқалардан ўзиб кетишни ёқтирарди.

Кунлардан бирида Узава Кумпанс билан бу муаммони муҳокама эта туриб, «менинг бу муаммони ҳал этган аспирантим бор» дебди. Кумпанс бу гапдан ҳаяжонланиб кетибди, чунки муаллифлик, биринчилик ва шунга ўхшаш масалалар юзасидан асабийлашарди. Биз эса у билан ўзаро хат ёзишиб турардик. Кумпанс дисконтлашсиз вариантларга қизиқиб, маълум маънода дисконтлашни қўллаш муаммосидан ташқари ундан мураккаброқ муаммони ҳал этибди. У ҳамма шартлар учун ҳисоб-китобларни бажарган ҳолда таҳлилни бошидан охирига қадар етказибди.

МД: *Кейин сиз ўзингизга иш излай бошладингизми?*

Касс: Шу муносабат билан Узаванинг табиати хусусиятлари тўғрисида тасаввур ҳосил қилиш имконини берувчи воқеани сўзлаб бераман. Дастлаб у диссертациям ҳимоясидан сўнг Пердью университетида ишлашимни хоҳлади, у ерда яхши факультет мавжуд эди, лекин кейин Кумпансдан Коулз фонди кишиларни ишга ёллаётганини эшитибди. Узава Фондда ишлаш яхшироқ деган қарорга келди. Лекин, аспирантга ишга жойлашишга ёрдам бериш борасидаги унинг тасавури ўзига хос бўлиб, унинг фикрича, бир йўла иккита таклиф олиш мақсадга мувофиқ эмасди.

Шунинг учун қишда Коулз фонди ва яна иккита суҳбат намунаси билан Бостонга йўл олдим. Асосий вақтимни меҳмонхонада футбол кўриб ўтказдим, у ерда эса Карл билан бир хонада яшардим. Карл кўпгина суҳбатлардан ўтганди. Эртаси куни охирги суҳбатга бордим, Коулз фонди билан танишувим қандай ўтиши унга боғлиқ эди, суҳбат тушлик пайтида Кумпанс, Герб Скаф ва, эҳтимол, Жим Тобин иштирокида бўлди. Мен ўз диссертациям ҳақида бироз сўзлаб бердим, лекин Кумпанс уни билгани учун ўн йилдан сўнг нима устида ишлашим ҳақида



сўради. Келгусида нима билан шуғулланиш тўғрисида ўйлаш у ёқда турсин, ҳар қандай аспирант сингари мен ҳам икки ойдан кейин нима бўлишини билмасдим.

Баъзи сабабларга кўра, дастлаб Кумпанс ваъда берганидек, мени штатга қабул қила олишмади. У менга Коулз фондида бир йил илмий ходим бўлиб ишлашни таклиф қилди, кейин бу муддат узайтирилиши ва мен нафақат илмий ходим, балки доцент бўла олишим мумкин эди. У пайтда ойлик маош миқдори инфляцияни ҳисобга олганда ҳам қандай бўлганига ишонмайсиз. Менинг ойлик маошим дастлаб йилига 8000 долларни ташкил этарди.

МД: *Бизга Йель ҳақида сўзлаб беринг.*

Касс: Йелда ажойиб аспирантура мавжуд эди. У пайтда Коулз фондида пул кўп ва ассистент ўқитувчиларни жалб этишга интилиш кучли эди. Биз алоҳида бино, кичик уйчага жойлашдик. Тобин сингари кишилар бизни қўллаб-қувватладилар. Йелда ўтган кунларимни яхши хотирлайман. Дастлаб Нед Фелпс билан кўп мулоқотда бўлганман. Кейин, албатта, Мэнни Йаари билан танишдим, биз у билан кўп нарсалар ҳақида суҳбатлашганмиз, охир-оқибатда, шу муҳокамаларга асосланган ишларни ёзганмиз. Истеъмом кредити тўғрисидаги мақола айнан шу тариқа пайдо бўлган.

МД: *Ўшанда қайта қопланувчи бўгин моделлари билан шуғулланганмисиз?*

Касс: Ҳа, биз Мэнни билан бирга ишлаганмиз.

МД: *1960-йилларда кўпчиликни қайта қопланувчи моделлар қизиқтирганми? Тахминимча, йўқ, чунки Самуэльсоннинг 1950 йилда чоп этилган китоби эътиборни тортмади.*

Касс: Ҳа, унга нисбатан узоқ вақт фикр билдирилмади. Касс ва Йаарининг ишидан кўп фойдаланилди, чунки у, асосан, қайта қопланувчи бўгин моделларига қизиқиш уйғотди. Мен бу ишга алоҳида эътибор бермадим, чунки катта муаммоларга дуч келдик.

МД: *Бу ҳақда Карл билан ҳам гаплашганмисиз?*

Касс: Йўқ, эслашимча, Коулз фондидаги фаолиятимнинг дастлабки йилида бу ҳақда ўйлаганман.

Коулз мавзусини давом эттирадиган бўлсак, таъкидлаш жоизки, фонддаги фаолиятимнинг иккинчи ва учинчи йили Массачусетс технологиялар институтидан Жо Стиглиц, Марти Вайцман, Билл Нордхаус ва бошқалар ишга келишди. Вазият янада яхшиланди. Мен Жо Стиглиц билан бир хонада ишлардим. Эҳтимол, мен Жо билан ҳеч қачон танишмаган ва уни жиддий қабул қилмаган бўлардим, чунки у ҳамма



ишни тез ва пала-партиш қиларди. Лекин биз бир хонада ўтирардик, Жо эрталаб келиб ўтирар ва: «Мен бугун мақола ёзаман», – дерди. Ёзув машинкаси рўпарасида ўтириб, мақола ёзарди. Бу ҳолат мени хайратга соларди, чунки ўзим секин ишлардим. У бирор-бир ғоя билан келарди ва мен: «Қаердан биласан, шундай эканми?» – сўрардим.

Шу тариқа биз кўпгина ишларни ёзганмиз, чунки мен бу саволни берардим. Бу портфелни танлаш, айнан эса, бу танловни икки активдан бирини танлаш учун қандай юритиш кераклиги тўғрисидаги иш эди. Ўйлайманки, бу иш мураккаб бўлиб, биз ҳақиқатан ҳам жиддий натижаларга эришдик, лекин унда соддалаштириш асослаб берилганди. Танловни соддалаштириш заруратини исботлаш учун афзалликлар тўғрисидаги фикрлардан келиб чиқиш керак эди.

Умуман, Коулз фондида ҳамма нарса ўзгача эди, улар кишини ишлашга ундарди. Деярли ҳар бир киши ўз ғояси билан ўртоқлашар, ҳеч ким уни яширишга уринмасди. Ҳамма ғоялар муҳокама қилинарди.

МД: Ўаари сизни йўқлармиди?

Касс: Йўқ, Коулзда энди иш бошлаганди. Эслашимча, у доцент этиб тайинланди, лекин, одатдагидек, бу вақтинчалик ҳолат бўлган. Мен ҳам у ерда доцент бўлиб ишлаганман. Сўнгра доимий иш ҳақида ўйлаш вақти келди, у Исроилдаги Иерусалим университетига қайтишга қарор қилиши ёки Коулз фондида қолиши керак эди. Умуман, назаримда, Ўель университетига кадрлар масаласи юзасидан бир неча аҳмоқона қарорлар қабул қилинди. Бахтга қарши, бу университетда доимий равишда кўпгина катта ўқитувчилар тайёрлаш режалаштирилгани билан боғлиқ. Шунинг учун Мэннини тан олишмади. Бошқа жиддий хато эса Нед Фелпс номзодини бекор қилиш бўлган. Чунки, унда мен ва Ўаари сингари ижодий фикрларни айтувчилар кўп эди. Уларга катта ҳурмат ва эҳтиромдаман.

Агар билсангиз, мен ҳам университет ўзида қолдиришни истамаган ёшлардан бири эдим. Мени штатга жиддий тарзда қабул қилишни истаганлар деб ўйламайман, тўғрисини айтсам, мен бунга даъвогарлик қила олмасдим, чунки мақолаларим беш ёки олтита эди. Иш излаб Жон Ҳопкинс университетига борганимни яхши эслайман, у ерда факультет декани мақолаларим кам бўлгани сабабли номзодимни жиддий кўриб чиқа олишмаслигини айтди.

Лекин, Ричард Сайерт бир неча йил аввал, маълум сабабларга кўра, мени Карнеги-Меллон университетида учрашишга қарор қилганди. Дастлаб мен (эҳтимол, сиз ҳам буни ёзувларда қолдиришни хоҳламаган бўлардингиз) бу университет жиддий жой деб ўйлардим, лекин кейин-



чалик мақолалар, одатда, қуйидагича ёзилишини кузатдим: бирор-бир муаммони ҳал этишда Кун-Такер теоремаси қўлланилар экан. Бундай истиқбол мени қаноатлантирмасди. Лекин кейинроқ Карнеги университетига бориб, кичик ўқитувчилардан бири билан танишдим. Мен Роберт Лукасни яхши танирдим, бу менга қўл келди.

МД: *Лукас билан қандай танишгансиз?*

Касс: Боб Чикаго университетига бўлиб, Узава Стэнфорд университетидан бу ерга ўтганда мен уни тугатиш арафасида эдим. Боб Узава билан ҳеч қачон ишламаган, лекин Бобнинг тадқиқотлари ҳам бошқа ўқитувчиларда қизиқиш уйғотмади, чунки у Узава сингари иш билан шуғулланишни истарди. Шунинг учун у Узаванинг вакилига айланди. Мен бу эпизод мазмунини бўрттиришни истамасдим, лекин Бобнинг интеллектини баҳолаш имкониятига эга бўлганимни эслайман. У, эслашимча, «харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш» динамик модели билан боғлиқ, тармоқ тузилмаси, фирмаларнинг тармоққа кириши, шунингдек, бозордан чиқишига ўхшаш вазифа топширди.

Ҳар ҳолда мен Лукас билан танишдим, чунки Узава ўз аспирантларининг ишини кузатар ва, одатда, конференциялар ўтказарди, Чикагога борганида ҳам аспирантлар гуруҳини ташкил этди. Лукас мен борган конференциялардан бирида иштирок этди, биз шу ерда танишдик. У жуда ақлли, жуда жиддий инсон эди, биз яхши чиқишардик, у мени Карнеги-Меллонга боришга ундади. Мен Кун-Такер шартларини қўллашим учун тўғри келмаслигини билардим, у менда юзага келган фикрга мос келмасди.

Шундай қилиб, Карнегига йўл олдим ва у ерда бошқа кишилар билан танишдим. Масалан, Лен Рэппинг жуда ажойиб инсон бўлиб чиқди. Дастлаб у бозорга қаратилган Чикаго мактаби вакили бўлган, сўнгра Вьетнамдаги уруш даврида ўз қарашларини ўзгартирди, лекин барибир жуда қизиқ ва ақлли йигит бўлиб қолди. Менда таассурот уйғотган яна бир инсон Герберт Саймон ҳақиқатдан қизиқарли ва ижодкор киши эди. Ўшанда ўзимга: «Сенинг фикринг хато ва у ерга бориш жуда қизиқ», дедим. Карнегига борганимда, у ер бизнес мактабидан фарқли ўларок жуда яхши жой бўлиб; уларда анъанавий бизнес мактаби эмас, МВА дастури мавжуд эди.

МД: *1970 йилда бўлган эдимиз бу?*

Касс: Ҳа, айнан 1970 йилда. Ўқитувчилар кам ва МВА даражасига эришишни хоҳлаганлар нисбатан кам бўлган. Биз уларни ҳам аспирантларни ўқитгандек ўқитардик. Ўша пайтларда ҳозирги даврдан фарқли ўларок, ўқишга кирар, математика жуда мураккаб ёки бизнесга



алоқадор эмас деган норозилик билдирмай, ҳамма фанларни ўзлаштириш мумкин деб ҳисобланар эди. Карнеги, айниқса, иқтисодиётда кўпгина бизнес соҳаларида умумий асос сифатида фойдаланилувчи микдорий усуллар киритилган биринчи университет бўлди. Молия бўйича курснинг жиддийроқ курсга айланиши бунга яққол мисолдир.

Молия бўйича мутахассисларга бу ҳолат ёқмайди, лекин бу фанни ўрганиш, моҳиятан, иқтисодий усулларни ўрганишга боғланади, айнан дарс бериш жараёнини ташкил этиш хусусиятлари туфайли бу усул Карнеги университетига қўлланила бошлади. Агар бирор-бир курс бўйича маъруза ўқиш зарурати юзага келса, бу иш бирор-бир ўқитувчига топшириларди. Мертон Миллер ва Франко Модильянига молия бўйича маъруза ўқиш топширилар, улар бу курс бўйича машғулот ўтказишарди. Бирор нарсанинг ечими топилмаганда улар иқтисодий методологияни қўллардилар.

Карнеги университетига ҳамма нарса ажойиб бўлиб, МВА дастуридан қобилиятли аспирантларни излаш учун ҳам фойдаланиларди. МВАнинг бўлғуси битирувчиларига дарс бериш ёқимли бўлган, чунки уларга жиддий ҳолатларни ўргатиш мумкин эди. Бунда ахборотни қисмларга бўлиш талаб этилмас, чунки талабалар дастурлаштириш, жиддий иқтисодиёт, жиддий эконометрикани ўрганишлари кўзда тутилди. Карнегининг яна бир хусусияти шунда эдики, у ерда ўқитувчилар ҳамкорлигини рағбатлантириш бўйича жуда яхши тизим мавжуд бўлиб, у туфайли тадқиқот ўтказишга вақт қоларди.

Коулз фондидаги сингари у ерда ҳам ҳамма иш – ўқитувчилар юк-ламаси, ёзги мавсумдаги иш учун мукофот, яхши мутахассис бўлиб, бошқа университетларда ҳам ишлай олишга қадар транспорт ва бошқа харажатларни қоплаш яхши ташкил этилган эди. Шунинг учун мен Карнеги-Меллон университети, шу университет қошидаги Саноатни маъмурийлаштириш олий мактаби (GSIA), шунингдек, Ричард Сайерт раҳбарлигидаги гуруҳга ҳурмат билан ёндашаман. Дикни эса жуда ҳурмат қиламан.

МД: *Ўша даврда қандай иш устида ишлагансиз?*

Касс: Сайертга моҳиятан, Коулз фонди ва Карнеги-Меллон университетига орасида ўтказган йиллик таътилимга ҳақ тўлаганидан миннатдорман. Бу йилни эса Токиода ўтказиб, бир неча иш ёзганман. Энг яхши ишларимдан бири, фикримча, унча яхши ўқилмайди. Унда куйидаги муаммо ҳал этилади: агар неоклассик ўсиш моделида истезмолдан сифат мезони сифатида фойдаланилса, у ҳолда ноқулай, самарасиз бўлган рақобат мувозанатларига эга бўлиш мумкин. Ҳар ҳолда



капитални ортикча жамғаришга эришиш мумкин. Бунга яққол мисолни Нед Фелпс ўйлаб топган: агар шундай неоклассик моделга қаралиб, шунингдек, «олтин қоида» траекториясидан юқорида жойлашган барқарор ҳолатга эътибор берилса, у ҳолда бу барқарор ҳолатдан бирмунча орқага «олтин қоида»га мос капитал даражасига ўтиш, истеъмолнинг ўсиши ва доимо юқори истеъмолга эришиши мумкин.

Юқорироқ нуқта барибир рақобатли нархларни англатади, лекин улар самарали нархлар бўлмайди. Шунинг учун трансверсаллик шартни капитални ортикча жамғармаслик учун етарли шарт бўлади.

Қандай шарт етарли, қандай шарт зарур эканлигини аниқлаш жуда қизиқ бўлган мен учун. Трансверсаллик – самарадорлик учун етарли, лекин зарур бўлмаган шарт ҳисобланади. «Олтин қоида» траекторияси, аввал айтганимдек, тескари мисолдир. «Олтин қоида» траекторияси самарали, бирор-бир мезонда эса, парето-оптимал бўлади, лекин бунда трансверсаллик шартни бажарилмайди, чунки фоиз ставкаси бир хилда нолга тенг. Биз Мэнни Яри билан бу муаммо устида бундан икки йил аввал ишлай бошладик ва шарт кўринишидаги бир қарорга эга бўлдик, уни талқин этиш эса унча осон бўлмаган.

Ҳозир эса бу шарт менга нима учун ёқмаганини биламан. Мен нарх траекторияси учун ҳам зарур, ҳам етарли шартга эга бўлишни хоҳлардим, шунинг учун Японияда бу иш устида йил бўйи ишладим ва тўлиқ қарорга келдим. Бу иш менга ҳақиқатдан ёқарди.

Шундай қилиб, бу муаммо устида ишлаган ҳолда Японияда бир йилни ўтказдим, лекин ўзим хоҳлаган мавзуда фақат иккита мақола ёзишга муваффақ бўлдим. Улардан бири Солоу услубида бўлган. Мен Викселлнинг «харажат-ишлаб чиқариш» нуқтали моделини олиб, рақобат мувозанатини таҳлил қилдим. Бу иш ҳам менга жуда ёқади, лекин, у – жуда махсус иш. Бу ишни бирор-бир киши ўқишининг эҳтимоли камроқ. Ўша йили биз Жо билан портфелни танлашга бағишланган ишимизни якунладик. Бу ишда биз учун муайян ўлчамдаги шакллардаги ҳисоб-китобларни бажариш қийин кечди, чунки Жо ва мен бу иш билан шуғулланишни истамасдик ёки унча ҳаракат қилмадик. Шунинг учун теоремани тасвирлаш учун бу мисолларни тўғри ёзишга келишиш жуда қийин бўлди. Бу ишнинг якуний вариантыда алгебрага оид хатолар мавжуд эди, нима учундир ҳеч биримиз уни ҳисоблашга ҳаракат қилмадик.

Сўнгра тимсолли ифодада айтганда, мен «қирғоқда қармоқ билан ўтирдим». Мен кўпроқ ўсиш назарияси устида кўпроқ ишладим. Натижада, рақобатли динамик тизимларнинг умумий барқарорлик муаммо-



сига қизиқиб қолдим, у неоклассик ўсиш даври яқунланаётгани учун унча замонавий бўлмай қолганди. Биз Карл билан бу мавзуда мақола ёздик, гарчи ўша пайтда бу мавзу анча эскирган бўлса-да, у менга жуда ёқади.

МД: *Карл Шелл билан қачон ишлай бошлагансиз?*

Касс: У пайтда биз Карл билан илк ҳамкорликдаги ишимизни ёзганмиз ҳақиқатда. Карл унда Пенсильвания университетида эди. Мен Карнеги университетига қайтгач, бир неча, хусусан, самарали ишлаб чиқаришга гамилтон ёндашуви ва дуализм бўйича кичик ишлар ёздим; бироқ йирик ишлар бўлмаган. Эҳтимол, айнан Карнеги университетида дастурчилар билан мулоқотда бўлиб, дастурлаштириш билан боғлиқ ишлар ёзгандирман. Мен ҳақиқатда кўп суҳбатлашган инсон Роберт Жерослоу бўлиб, у математика мантиғи бўйича мутахассис ва дастурчи эди (уни яхши эслайман, у бир неча йил аввал вафот этди).

У пайтда ҳамма ишлар интеграл дастурлаш, алгоритмларни излаш билан боғлиқ бўлиб, улар интеграл дастурлаш муаммоларини ҳал этиш имконини берарди. Алгоритмлар кўп бўлиб, ҳеч ким нима учун ишлаётганини тушунмасди, Боб эса ҳақиқатда ҳар бир алгоритм учун доимо номувофиқ ҳисобланган тескари мисол ўйлаб топишнинг уддасидан чиқарди. Биз у билан кўп суҳбатлашардик. Унда иқтисодиётга қизиқиш уйғонди, мен эса дастурлаштиришга қизиқиб қолдим ва у бўйича қатор ишларни ёздим.

Шундан сўнг биз Карл билан барқарорлик бўйича иш ёза бошладик, бунга бир неча йил сарфланди. Сўнгра декан Сайерт маълум вақтга ректор бўлди, натижада, янги деканни таклиф қилишга тўғри келди. Карнегидаги ўқитувчилар таркиби бу жараёнда фаол иштирок этди ва биз кўп баҳслашардик. Баъзи сабабларга кўра, биз Чикаго бизнес мактаби вакили меҳнат иқтисодиёти бўйича мутахассис Арни Вебер номзодида тўхтадик. Бу университет ва мен учун ҳақиқий ҳалокат бўлди, чунки у Карнеги анъаналаридан беҳабар эди. У Карнегида математика, шу жумладан, иқтисодиётда математикани яхши кўришларини тушунмасди, бу атрофда ҳамма иқтисодчи бўлиши кераклигини англатарди.

Вебер декан этиб тайинлангач, бирор-бир сабабни баҳона қилиб мени хонасига чақирди, биз бироз суҳбатлашганимиз бунга исбот бўла олади. У, мен ҳашам воситаси эканлигим, зарур бўлмаган ишлар билан шуғулланаётганимни айтди. Ҳақиқатан ҳам, бизнес мактаби иқтисодиёт назарияси бўйича тадқиқотларимдан фойдалана олмаса керак. Лекин, у шу қадар менсимай гапирдики, мен асабийлашиб кетдим ва: «Мени тинч қўй, Арни!» – деб хайқирдим.



MD: *Шундай дедингизми?*

Касс: Ҳа, шунга ўхшаш гап айтдим, Карл билан ишляпманми, эҳтимол, Пенсильвания университетига ўтиб ишлаш керакдир деган қарорга келдим, лекин у ерда эконометрика моделлари билан ишлашга қизиқиш катта эканлигидан баъзи хавотирларим ҳам мавжуд эди. Бирок менга яхши таклиф бўлди ва мен ундан бош торта олмадим.

MD: *Карнегидаги фаолиятингиз ҳақида сўзлаб бера оласизми?*

Касс: Ҳа, албатта.

MD: *Сиз билан бирга ишлаган аспирантлардан бири Финн Кидланд бўлганми?*

Касс: Ҳа, Финн Кидланд бўлган. У диссертация ҳимояси билан шуғулланганида мен диссертация ҳайъати таркибига кирардим ҳамда у билан диссертациясининг бир неча бўлимлари устида ишлаганмиз. Унинг диссертацияси дастурлаштиришга бағишланган эди. Уильям Барнетт ҳам шундай аспирант бўлган. Унинг ҳимояси ўтган кенгашда расман қатнашганимни эслай олмайман. Биз у билан кўп суҳбатлашганмиз, лекин у аспирантурани яқунламай кетиб қолган, шекилли. Мен асосан Карнегида биринчи йил ишлаётганимда ўқишга кирган аспирантлар, масалан, Жон Дональдсон ва Роберт Форсайтлар билан ишлаганман. Уларни алоҳида эслаб қолганман.

MD: *Кидлан ва Эд Прескотт иши реал иқтисодий давр назариясини ишлаб чиқишга асос бўлган. Бу назариянинг асосий модели – Касс-Кумпанс модели эди. Сиз Финн билан ўсиш назарияси ҳақида суҳбатлашганмисиз?*

Касс: Йўқ, аввал айтганимдек, Финн аспирантурада ўқиш даврида дастурлаштириш билан шуғулланган.

MD: *Келинг, Лукасинг қайта қопланувчи бўгинлар моделидан фойдалангани ҳақида суҳбатлашайлик.*

Касс: Сизга айтсам, биз суҳбатлашадиган «Journal of Economic Theory»да чоп этилган бу мақола жуда қизиқарли. Мени макроиқтисодиёт унча қизиқтирмасди, мени Лукас билан мувозанатни топиш учун ўзгарувчан ҳолатлар муқаррар деган фаразимиз ҳайратга солган (айнан ўшанда менда куёшдаги доғлар ғояси туғилган). Биз у билан узоқ мунозаралар олиб борганмиз. Маълум вақт биз Карл билан буни муҳокама қилганмиз ҳамда куёшдаги доғлар деб номлаган ғояни ишлаб чиқдик, лекин бунга Лукас билан суҳбатлар мен учун дастлабки туртки бўлди.

MD: *Лукасинг иши иқтисодиётда илк бор сиқилувчи тасвирларга бағишланган эди.*



Касс: Ҳа, Боб белгиланган нуқталарни топиш учун сиқилувчи тасвирлардан фойдаланиш ёқарди. Ўйлайманки, у бу усулдан доим фойдаланиши мумкин эди. Эҳтимол, у Брауэр теоремасини ҳам билмас! Аслида, эса у теоремани билади, лекин унга сиқилувчи тасвирлар ёқади. Шунга қарамай, капитал назариясига кўра, фундаментал ҳолатлар бўшлиғидан фойдаланган ҳолда ноаниқлик, мос равишда вақт билан ишлаш мумкин.

Шунинг учун товар индекси вақт, ноаниқлик ва товарнинг эҳтимолий тавсифлари, масалан, жойни кўрсатиши мумкин. Ўсиш назариясига кўра эса, мувозанат – асосий ҳолатларга боғлиқ нархлардан иборат. Боб ишини давом эттириб, мувозанат кўпроқ асосий ҳолат ўзгарувчилари функциясига ўхшашини ҳал этди, аниқроқ айтганда, ҳолатлар муҳити кузатилаётган ўзгарувчилар орқали баъзи асосий жараёнлар ёрдамида ўз-ўзидан айланади.

Шу тариқа, ҳолатлар муҳити, масалан, пуллар ва бирор тасодифий иқтисодий шоклар бўлиши мумкин. Пул, аслида, ҳолатлар муҳити ёрдамида аниқланса-да, ўзгарувчан ҳолатлардан биридир. Дунёнинг ҳолати пуллар ва алоҳида ҳудудларга хос иқтисодий шоклар билан боғлиқ тасодифий ўзгарувчилар орқали ифодаланади.

Асосий савол: ҳолатлар муҳити нима?

МД: *Брок ва Мирманнинг тадқиқоти бошқа фундаментал иш бўлганми?*

Касс: Брок ва Мирманнинг тадқиқоти ўзига хос босқич бўлган. Мен Базз Брок билан Беркли университетида танишганман. Базз у ерда аспирант бўлиб, унинг диссертацияси, менимча, кўпсекторли моделда қулай ўсиш мавзусига бағишланган. Биз кейин ҳам бир неча учрашдик, кейинроқ Калифорния технология университетида ишлаганимда Базз ҳам ўша ерда ишларди. Брок ўсиш назарияси устида ишлаганда бироз мулоқотда бўлганмиз, кейинчалик йўлларимиз айро тушди. У – аввалгидек фаол. Мен унинг тадқиқотларини кузатганман.

МД: *Карнеги-Меллон университетида ишлаганингизда, Лукас ва Прескотт янги макроиқтисодий тадқиқот олиб боришган. Бу сиз учун қай даражада қизиқ эди?*

Касс: Аслида, мен бу ишни кузатмаганман.

МД: *Фикрингизча, бу тадқиқот микроиқтисодий бўлганми?*

Касс: У макроиқтисодиёт деб номланса-да, аниқ микроиқтисодий тадқиқот бўлган. Биласизми, мен бунини Боб билан алоҳида муҳокама қилмаганман. Биз яхши муносабатда бўлганмиз. Аксарият муаммоларга турлича ёндашганмиз, шунинг учун ишларни кўпроқ тушлик пай-



тида муҳокама қилардик, буни эса илмий мунозара дейиш мушкул. Эҳтимол, Боб Чигако мактаби вакили бўлгани учун эмпирик текширувга кўпроқ аҳамият бергандир. Шунинг учун кишиларни назария билан шуғулланиши ва унинг аҳамияти қандай эканлиги юзасидан фикрларимиз турлича бўлган. Мен назария кўпроқ олам ҳақидаги фикрларни ташкил этиш усули деган фикрни маъқуллаймаман.

Сиз Лаффер эгри чизиғи ҳолатидаги сингари сифат даражасида қолган ҳолда бирор ғояни таклиф этишингиз мумкин. Сиз тузган моделлар мутлақо турлича натижа бериб, бу дадил таклифларни шубҳа остида қолдиради. Рақамли маълумотлар қандай кўринишда бўлишини билмайман. Эҳтимол, аксарият регрессиялар турли-тумандир: агар сиз баъзи маълумотларни олиб, уларга бирор-бир эгри чизиқни мослаштириб, маълумотларни бу эгри чизиқ ёрдамида умумлаштирдим деб таъкидласангиз, фикрингиз шубҳали тус олади.

МД: *Сўнги ўн йилда Прескотт ва бошқалар томонидан тарғиб этилаётган назарий моделларни калибровкалаш (ўлчаш) ҳақида қандай фикрда эканлигингизни сўраш вақти келгандир.*

Касс: Калибровка (ўлчаш) билан боғлиқ асосий муаммо, назаримда, моделни мавҳумлаштиришдан иборат бўлиб, унда калибровка қўлланилади. Агар сиз, масалан, моҳиятан неоклассик моделни эслатувчи бирор нарсани калибрласангиз, бу ҳолат нимани англатиши мутлақо тушунарсиз эканлигини назарда тутмоқдаман. Мен бу ҳақда ўйлаганимда (тўғриси айтсам, буни муфассал ўрганмаганман), умуман, калибровка тушунчаси ва, сиз айтгандек, мавжуд маълумотларга яхши мослаштирилган моделнинг мавжудлиги менга ноаниқдек кўринди.

Масалан, калибровкалаш туфайли ўлчовнинг маълум белгилари учун кузатилаётган вақтинча қаторларга хос хоссаларга эга вақтинча қаторлар ҳам айланади дейиш учун, фикримча, дастлаб икки вақтинчалик қатор ўзаро яқин бўлганда қандай ҳолат юз бериши ҳақида келишиб олиш керак. Иқтисодий давр бўйича ишларга эътибор берганимда айнан калибровкага тааллуқли ҳолат ва яхши модель нима эканлиги ноаниқдек кўринди. Эҳтимол, мен реал иқтисодий ўсиш назарияси тарафдорларига нотўғри муносабатдадирман, чунки бу соҳада ҳақиқатда истеъдодли тадқиқотчилар ишлашади, балки улар калибровка ғоясини аниқлаб, дастлабки неоклассик ўсиш модели билан боғлиқ оддий ҳисоб-китоблардан узоқлашгандирлар.

Бу соҳада фаолият юритувчи шогирдим Жон Дональдсон – яхши мутахассис, уни жуда ҳурмат қиламан. Реал иқтисодий давр назарияси би-



лан боғлиқ муаммо шундаки, ҳозирги кунда у дин даражасидаги муҳим ходисага айланди деб ўйлайман. Биз бу мавзуни Виктор (Риос-Руль) билан муҳокама қилганмиз, унинг фикрича, бу – дунё ва иқтисодиётга муносабатнинг ягона усули. Мен бу фикрга шубҳа билан қарайман, умумий мувозанат назариясининг қўлланиши дунёга муносабатнинг ягона усули эканлигига ишонмайман. Ўйлайманки, ўйинлар назарияси менга кўп нарсани, стратегик ғояларга фикрни қаратиш, стратегиянинг аҳамияти ва ахборотнинг номукамаллигини ҳисобга олишни ўргатди.

МД: *Умумий мувозанат назарияси ҳам шуни талаб этмайдими?*

Касс: Эҳтимолдан холи эмас, лекин номукамал ахборот билан ишлашнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд, улар ҳам муҳим саналади. Лекин умумий мувозанат модели ўз-ўзидан муҳим ўринга эга. У, аввалгидек, муҳим намуна бўлиб, бу назария ёрдамида кўп ишларни амалга ошириш мумкин.

МД: *Бу жиҳатдан Прескотт билан фикрингиз ўхшаш.*

Касс: Мутлақо тўғри. Лекин, эҳтимол, Прескотт охирги ўринни эгалласа керак. Мен Пенсильвания университетида дарс берган ҳолда кўп нарса ўргандим, у ерда ўйинлар назарияси бўйича яхши мутахассислар ишлашарди. Ҳақиқатан ҳам, Пенсильвания университетида ишлаганим туфайли кўп нарсани ўрганиб, ўйинлар назариясидан дарс бера олардим, бунинг учун баъзи мақолаларни ўқиш шарт эмасди.

МД: *Келинг, Пенсильвания университетида ишлаган қайта қопланувчи бўғин моделлари билан боғлиқ даврларингиз ҳақида суҳбатлашайлик.*

Касс: Агар хотирам панд бермаса, биз Карл Шелл билан 1970-йиллар ўрталари ёки охирларида қайта қопланувчи бўғин моделлари устида яна ўйлай бошладик. Аниқроқ айтсак, 1977 йилда. Ҳаммаси нимадан бошланганини айтиб берай. Карл билан ўртамизда мунозара бўлиб ўтди, чунки ўша пайтда ассистент ўқитувчилар иштирокидаги семинар бўлаётган эди. Биз ҳам унда иштирок этдик. Бунда ўтмишга қайтиб, кишилар муҳокама қилишни хоҳлаган макроиқтисодиёт бўйича баъзи классик ишларни ўқишга тўғри келди.

Бундай ишлардан бири Лукасинг 1972 йилдаги иши бўлган. Карл ҳолатлар муҳитида ихтиёрий ўзгарувчиларга эга бўлиш тўғрисидаги ғояни ифодалашимиз мумкинлигини ўйлаб топди. Шу тариқа Карл куёшдаги доғлар мувозанатига дастлабки мисолни ишлаб чиқди, ўйлайманки, кейинчалик Маленво маърузасида айнан шу мисолдан фойдаланди. Бу қайта қопланувчи бўғинларнинг чизиқли модели (OLG)



бўлиб, унда уй хўжаликлари ресурслари тақсимоти куёшдаги доғларга боғлиқ, лекин у фаровонликка олиб келмайди, мен бу мисолни танқид қилдим. Мен Карлга: «Бу мисол ишончли эмас, у фаровонлик нуқтаи назаридан аҳамият касб этмайди», – дедим.

Биз Карл билан Сквом-Лейкда (Нью-Хэмпшир штатида) ўсиш назарияси бўйича ўзимиз таъсис этган конференцияга бориш арафасида эдик. Шу баҳсдан сўнг конференция пайтида ўз хонамда ўтириб, қайта қопланувчи бўғинлар моделида куёшдаги доғлар мувозанатига мисол ишлаб чиқишга ҳаракат қилдим, унда куёшдаги доғлар ҳақиқатда ресурслар тақсимотига таъсир кўрсатарди. Мен тайёрлаган дастлабки натижа квадрат функцияли фойдалиликка эга мисол бўлди. У шу қадар мураккаб эдики, конференцияда Карл билан у ҳақда сўзлаб бердик, лекин ғоямизни ҳеч ким тушунмади. Ўз тадқиқотимизни тақдим этганимизга қадар ҳеч ким ҳеч нарсани тушунмади, бу фикрни тушунган инсон Стив Сэлоп бўлди. Бундан жуда хурсанд бўлдик.

MD: Унда қайта қопланувчи бўғинлар моделида оптималлаштириш тўғрисида гап борганми?

Касс: Ҳа бу қайта қопланувчи бўғинлар модели бўлган, лекин бу моделда ўз фойдалилик функциясини эҳтиёткорона танлаш керак (буни Стивен Спир тасдиқлаши мумкин, чунки унинг диссертацияси айнан шу ҳақда бўлган). Ёдимда, мен стандарт ўлчамли шакллар учун куёшдаги доғлар мувозанатини ола олмаслигим, энди кроссмаҳсулдор ўлчамлар керак деган қарорга келдим, шунинг учун Карл билан ўз ғоямизга қайтдик, чунки у жуда истиқболли эканлигини билардик. Ҳамкасбларимизнинг унга муносабати бизни бироз хайратлантирди, шунинг учун бу ишга дарҳол киришмадик.

Карлнинг ташаббуси катта бўлди, у ушбу ғоя ҳақида кўп гапирарди. 1970-йилларнинг охирида у Парижга йўл олди, у ерда Маленво маърузасини ўқиб, унда юқоридаги ғояни мисол тарикасида келтирарди, бу ўз устуворлигимизни ҳимоя қилиш учун мутлақо ҳаққоний иш эди.

Карл, кўпинча, бу мавзунини Костас Азариадис билан муҳокама қиларди. Ўйлайманки, Карл Костага ўз ғоясини тушунтирарди, у эса, охир-оқибатда, бунга қизиқиб қолди ва шу мавзуда иш ёзди. Костас фойдалиликка эмас, балки биринчи тартибда Марковнинг эҳтимоллар тизимига асосланган ёндашувидан фойдаланган ҳолда куёшдаги доғлар мувозанатига эришиш мумкинлигини тушунди. Умуман, бу фикрни Стив ўз диссертациясида ривожлантирди, бунда эса муаммони, масалан, Азариадис ва Геснеридан олдин ҳал этди. Лекин, мен Коста-



сдан миннатдорман. У ўз ишини ёзганида, бу ғояни ривожлантиришни хоҳласак, буни бошлаш кераклигини тушундик.

МД: *Бу «Journal of Political Economy»да мақола пайдо бўлишига сабаб бўлдими?*

Касс: «Journal of Political Economy»даги мақолада, гарчи қайта қопланувчи бўғинлар моделининг хоссаларидан бири, баъзи бозорлардаги иштирокчи чеклаш натижасида тарқоқликка асосланган бўлса-да, қайта қопланувчи бўғинлар схемасидан фойдаланишни талаб этмайдиган оддий стандарт мисол келтирилган. Кейинчалик биз қайта қопланувчи бўғинлар моделининг яна бир жиҳати мавжудлигини кўрсатувчи китоб ёздик, унда вақтнинг чексизлиги муҳим аҳамият касб этади. Биз тўла бозорларга ва чекланмаган иштирокка эга мисол ишлаб чиқдик. Бу қайта қопланувчи бўғинлар модели бўлиб, бунда фақат биринчи даврдаги ноаниқлик мавжуд, сиз альфа ёхуд бетага эга бўласиз ҳамда ҳар бир ҳолат учун суғурта харид қилишингиз мумкин, лекин моделнинг чексизлиги сабабли куёшдаги доғлар мувозанатига эришасиз. Шунинг учун айтиш мумкинки, куёшдаги доғлар мувозанатининг икки сабаби мавжуд: бири қайта қопланувчи бўғинларнинг вақтинча тузилишига, бошқаси эса, бозорда активлардан етарлича фойдаланмасликка тааллуқли.

МД: *Эҳтимол, Жим Пек ўз диссертациясида иккинчи сабабни тадқиқ этганми?*

Касс: Ҳа, тўғри. Мен, айниқса, қайта қопланувчи бўғинлар моделида куёшдаги доғлар ҳақида жуда узоқ ўйламадим, лекин у OLG моделида куёшдаги доғларнинг нисбатан ностационар мувозанатларини умумлаштиради. Ўйлайманки, куёшдаги доғлар ҳақиқатда қизиқ, лекин Карл билан «Journal of Political Economy» учун мақола ёзганимизда ҳам кизиқишим ўзгарди. Сўнгра умумий мувозанат муаммоси устида ишлай бошладим, унда якуний ҳажм моделини яратиш мумкин. Албатта, бизда оддий, жуда муҳим теорема бор, унда: агар биринчи фаровонлик теоремасининг ҳамма зарур шартлари мавжуд бўлса, у ҳолда куёшдаги доғларга эришишнинг имкони мавжуд эмас.

Сўнгра Карл, одатда, Филадельфия фолки теоремаси деб номлаган теоремадан фойдаландик, унда шундай дейилади: агар бу шартлардан бири бузилса, у ҳолда куёшдаги доғлар мувозанатига эришиш мумкин. Бу унча тўғри эмас, чунки бунда теорема мавжуд бўлган ҳолат ҳақида фикр билдирилиб, унда A , B ва C , D ни кўзда тутуди, агар бу тахминлардан биридан воз кечилса, у ҳолда хулоса нотўғри бўлади. Лекин, ҳар бир вариантдаги хулоса, албатта, тўғри бўлиши ҳам мумкин.



Фикримча, айнан шу ерда мен ва Карлнинг фикрлари фарқланади, лекин уни қавариклик йўқлиги қизиқтириб қўйди. Унинг мисоллари тўғри ишлаб чиқилган. Лекин, бирор-бир ноқавариклик мавжуд бўлса, бу қуёшдаги доғлар мавжудлигини англатади деб таъкидлаш унча тўғри эмас, чунки (Гераклес Полемарчакис ва мен кўрсатиб берганимиздек) ноқавариклик ишлаб чиқаришда ҳам кузатилиши мумкин. Шундай қилиб, фойдани ошириш гипертекислик билан қиёсланганидек, ҳамма белгиларни гипертекислик билан алмаштириш ва буни кўпгина ишлаб чиқариш имкониятлари деб аташ ҳамда биринчи фаровонлик теорема-сига эришиш мумкин.

«Journal of Political Economy»даги мисол жуда оддий мисол бўлиб, унда оламнинг икки ҳолати мавжуд. Биз қайта қопланувчи бўғинлар моделида уй хўжалигининг икки тоифасини кўриб чиқамиз. Дунёдаги ўзгараётган шароитларга жавобан биринчи тоифа активларни сотади, бошқаси эса сота олмайди, кейинроқ юзага келгани учун реал товар бозорида сотишга мажбур. Лекин, мен қуёшдаги доғлар мувозанатига бошқа мисоллар ўйлаб топишни хоҳлардим. Хусусан, 1980-йиллар бошида Парижда бир йил яшадим, у ерда дастлабки ишим мавжуд бўлмаган бозор шароитида қуёшдаги доғлар мувозанатига бошқа мисоллар ўйлаб топиш билан шуғулландим.

Нима учундир «инсонда активлар мавжуд, лекин улар дунё ҳолатини ўзгартириш учун етарли эмас» модели ёрдамида буни амалга ошириш мумкин деган қарорга келдим. Шу тариха тўлиқсиз бозорларга қизиқиб қолдим. Бу «Асосий мисол» деб номланган мақола бўлиб, менга жуда ёқади. Уни чоп эттириш жуда қийин кечди, чунки уни «Journal of Political Economy»да қабул қилинган услубда биринчи мақоламнинг ўзига хос давоми сифатида ёзган эдим, Чикаго мактаби тарафдорлари фикрига кўра, қуёшдаги доғлар ҳеч нарсани изоҳламайди ва, умуман, қизиқарли эмас экан.

МД: *Карекен, Уоллес Касс ва Шеллинг машҳур мақоласида ёзилишича, таърифга кўра, қайта қопланувчи бўғинлар модели – ягона динамик жиҳатдан ажралган модель, у қизиқарли макроиқтисодий модель саналиши мумкин.*

Касс: Бунда қайта қопланувчи бўғинлар моделининг яратилиш даврига қайтишим керак. Қуёшдаги доғлар туфайли бу моделга қизиқиб қолганман. Сўнгра Окуно ва Зилч (эхтимол, бу Сквом-Лейкдаги конференцияда юз бергандир) маъруза такдим этишди, унда, агар қайта қопланувчи бўғинлар моделига пуллар киритилса, у ҳолда пуллар не-тривиал баҳога эга бўлган мувозанат албатта парето-оптимал бўлиши-ни исботлашга ҳаракат қилинган. Бу исботнинг нуқсони бор эди.



MD: *Нейл Уоллес Миннесотада бу ҳақда кўп гапирган.*

Касс: Улар ўз ишларида Нейл ишонган фикрни исботлашга ҳаракат қилишган. Мен уларнинг исботларини кўриб, уни диққат билан ўқидим, унда хато мавжуд эди. У маълум фойдалилик функцияси хоссаларига таянгани учун, эхтимол, нотўғридир деган қарорга келдим, шунинг учун унга тескари мисол ўйлаб топишга қарор қилдим. Пулларни қандай сарфлаш мумкинлиги, бирор-бир сабабга (гетерогенликка, ностационарликка) кўра парето-оптималликка эриша олмаслик масаласи юзасидан кўпгина тескари мисоллар ўйлаб топдим.

Яна қайта қопланувчи бўғинлар моделига қизиқиб қолдим. Карл билан ҳақиқатда унга ишонмагандик, қуёшдаги доғлар устидаги ишни яқунлагач, қайта қопланувчи бўғинлар модели устида ишлай бошладик. Ўша пайтда бу ишни ҳақиқатда жиддий деб ҳисоблаганмиз, унда пуллар маълум маънога эга эди. Албатта, охир-оқибатда, бошқа моделларга бағишланган машҳур иш пайдо бўлиб, унда пуллар асосий аҳамиятга эга бўлган.

MD: *Лекин, математик нуқтаи назардан, бу моделлар сизнинг моделингиздан унча фарқланмайди, шундайми?*

Касс: Ҳозир шу модел ҳақида сўзлаб бермоқчи эдим. Кийотаки-Райт модели менга жуда ёқади, лекин Рэнди аввал сизга айтганимдек: фикримча, бу икки моделнинг муҳим хусусияти режалаштириш доирасининг чексизлигидир. Ўз изланишингизни чегаралаб, пул бирор-бир аҳамиятга эга бўлишига эришмаган бўлардингиз. Шунинг учун бошқа моделни ўйлаб топишга тасаввуримиз етмади, бу эса, масалан, излаш ва чекланмаган доира билан боғлиқ муҳим модель бўларди, пулни юритиш зарурати моделнинг вақтинча чегараларини келтириб чиқаради деб таъкидлаганингизда ҳақ эдингиз. Мен ҳозир ҳам маълум кийматга эга, чунки кишилар усиз яшай олмайди. Уларни айнан шундай ўйлашга мажбурлаш ягона усули ҳам кишиларни инвестиция киритишга мажбур қилиш эмас. Бунда Кийотаки-Райт модели қайта қопланувчи бўғинлар моделига ўхшашдир.

MD: *Бу қизиқ, чунки пуллар аҳамиятсиз бўлган чексиз доирага эга моделлар ҳам мавжуд. Шунинг учун чегара етарли шарт ҳисобланмайди.*

Касс: Айнан шу тариқа чекланмаган доира пулларга бирор маънони таъминламайди. Бундан ташқари, сизда маълум номукамаллик, биринчи фаровонлик теоремасининг ҳаракат шартларидаги маълум номутаносиблик, масалан, иштирокнинг чекланганлиги ёки рақобатсиз хатти-ҳаракат (излаш модели) бўлиши керак.



МД: *Монетаризм назариясида ҳали бир қанча масалалар бўлиб, уларни энди ҳал этиш кераклигига розимисиз?*

Касс: Ҳа, албатта. Яхши бўларди, лекин зиддиятсиз моделга эга бўлишнинг иложи йўқ, унда чексиз келажакда пуллар маълум қийматга эга деган фикрдан воз кечишимиз керак, лекин уни тасаввур этиш мушкул. Жон Жинакоплосда пуллар ва олдиндан тўлов билан боғлиқ чекловларга эга тўлиқсиз бозорлар мавжуд. Бу моделда пуллар маълум қийматга эга, чунки пулларни банк чиқаради ва уни қайтаришга мажбур бўламиз. Лекин катта ҳисобда банк пулларни ҳавога совуради, аслида, бу модель ёпиқ ҳисобланмайди. Бу, албатта, камчилик саналади.

МД: *Бундай муаммолар чексиз доирали режалаштириш сабабли юзага келадими?*

Касс: 1980-йилларда чексиз доирага муносабатимни ўзгартирганман. Ўйлайманки, натижада, гарчи мен макроиқтисодий фикрга нисбатан кўпроқ умумий мувозанат нуқтаи назаридан оқилона тахминларни белгилаган бўлганимда, эътирозларим сабаби оқилона тахминлар билан боғлиқ бўларди. Назаримда, оқилона тахминлар шуни англатадики, сизда бир томонлама белгиланган ҳолатлар муҳити мавжуд, бу ҳолатларда ҳар бир шахс келгусида етакчилик қилувчи нархларга нисбатан умумий тахминларни маъқуллайди.

Бу тахминлар натижасида ҳозирги бозорларда мувозанат ўрнатилди. Бу режаларни ҳисобга олган ҳолда такрорланувчи ҳолат юзага келганда, реал товар бозоридаги ягона мувозанат башоратланувчи нархлар бўйича мувозанатдир. Лекин бир кичик муаммо мавжуд: ахир бошқача мувозанат ҳам бўлиши мумкин-ку.

Менга маълум ҳеч бир мувозанат моделида нархлар мувозанатига эришишнинг оқилона тартиботи мавжуд эмас. Шунинг учун мавжуд нархлар башоратланувчи нархлар билан мос келишининг сабаби ноаниқ. Ушбу масалага қайтган ҳолда, мен оқилона тахминлардан намуна сифатида фойдаланишни хоҳлашимни англай оламан. Лекин, одатда, жаҳон тузилмаси ҳолатига кўра, тахминларни қабул қилишингиз лозим. Назаримда, бу тахмин ва ҳамма нарсани била оламан деган ноаниқ тахмин орасида катта фарқ мавжуд. Бу муаммо мени жуда хавотирга солади.

МД: *Бирор-бир релевант масалаларда қисқа муддатли моделдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайсизми?*

Касс: Қисқа муддатли моделдан фойдаланиш мумкин деб ўйлайман, лекин маълум даврга етганингизда, унга эришишингиз шарти билан, кишиларда бу давр ортидан бошқа давр ҳам келади деган тахмин пайдо бўлади. Бу ўзига хос индуктив асосдир. Менга ушбу асоснинг



Ўзи тушунарли, аммо модель чексиз ҳажмда бўлиши керак деган хулоса ёқмайди. Тажрибамдан келиб чиққан ҳолда ўйлайманки, чексиз ҳажмли ва ҳажми чекланган моделлар ўзаро изоморфдир. Лекин қоғоз пулларга маълум ўрин ажратиш нуқтаи назаридан изоморф эмас, бу эса мени хавотирга солмоқда.

Мен, одатда, маъқулламаган сунъий тахминлардан бирини юритишни хоҳлайман. Хусусан, кишилар пул сарфламай фойда оладилар ёки модель ёпиқ бўлиши учун пул сарфламасликка нима мажбур қилади уларни деган тахмин. Мен учун чексиз доирани қўллашдан кўра, бундай тахмин афзалроқ. Биз Карл билан қайта қопланувчи бўғинлар моделини ҳимоя қилишда бундай ёпиқ сунъий моделларни тан олмаганимизни биламан, лекин ҳозир мен уларга катта ҳурмат билан қарайман.

МД: *Тўлиқсиз бозорлар тўғрисидаги суҳбатни давом эттирган ҳолда айтиш мумкинки, макроиқтисодий таҳлилдаги ҳозирги йўналишлардан бири молиявий интеграциядир.*

Касс: Ўйлайманки, макроиқтисодий таҳлилга молияни киритиш муҳим аҳамият касб этади. Лекин, фикримча, бу таҳлилнинг асосий воситаси мавжуд бўлмаган бозорлар бўлади.

МД: *Баъзилар тўлиқсиз бозорлар моделини жуда ўзига хос деб ҳисоблайди, чунки бозорларнинг маълум тоифаси шунчаки ёпиқ.*

Касс: Улар ҳақиқатда жуда ўзига хос, лекин бу муаммони тушунишга дастлабки қадам сиз тахмин қилган моделни тузишдир. Ҳозир кўпгина ишларда мавжуд бўлмаган бозорларни маъқуллашга уриниш мавжуд. Масалан, агар якуний ҳолатлар муҳити мавжуд бўлса, у ҳолда идиосинкразитик ўзгарувчилар ҳолат муҳитини белгилашнинг бир қисми бўлиши керак. У ҳолда, сиз маънавий хатар муаммоси туфайли идиосинкразитик хатар учун бозорларга эга бўла олмайсиз. Бошқа имконият ахборотнинг етишмаслигидир. Ҳозирги кунда кишилар янада расмий моделларни яратишга ҳаракат қилмоқдалар. Бу моделлар маълум маънодаги номукамал, стандарт ахборот асосида ишлайди. Бу тўлиқсиз бозорларга эга бўлишга олиб келади. Улар бу тўлиқсизлик эндоген бўлишини истайдилар.

Яна бир усул: тўлиқсиз бозорлар модели тузилмасини сақлаб қолиш, лекин активлар таркибини оптималлаштирувчи агентларни киритишдан иборат. Бу моделлар жуда муваффақиятли деб ўйламайман. Чунки улар, воситаларни яратишга ҳаракат қилаётган агентлар, башоратлаштиришни киритиши, сўнгра эса, бошқа агентлар амалга оширадиган ҳаракатларни бажариши ва мувозанат ҳолатини талаб қилишади. Расмий моделни яратиш учун ахборотга нисбатан жиддий тахминни амалга оширишингиз шарт.



Бу қандай муаммолар юзага келиши мумкинлигига яққол мисол бўла олади. Тўлиқсиз бозорларни ўрганиш бўйича натижаларимдан фойдаланган ҳолда Ив Бласко билан биргаликда илмий иш ёздик. Жон Жинакопелос ҳам Эндрю Масколелл билан шунга ўхшаш мақола ёзган. Унда тўлиқсиз бозорлар шароитида реал маънода мувозанатларнинг сезиларли ноаниқлигига эга бўлиш кўрсатиб берилган. Бу натижа ўз аҳамиятини сақлаб қолади деб ўйлайман.

МД: *Аслида, биз шу тариқа монетаристик моделларга қайтамиз, чунки бу тўлиқсиз бозорлар шароитида нейтрал пул-кредит сиёсатини кўзда тутамиз.*

Касс: Ҳа, мен яна бир қадам қўйишга ҳаракат қилмоқдаман. Оддий ноаниқлик варианти тўлиқсиз бозорлар ёрдамида турли даврларда турли нарх миқёсларини танлаш мумкинлиги сабабли юзага келади. Лекин ундан катта ноаниқликни келтириб чиқарувчи бошқа сабаб шуки, активлар тузилмасини модель ўлчами сифатида қабул қилиш мумкин.

МД: *Ахир сиз, оқилона тахминлар ва бозор мувозанати қўйишдаги доғлар ёки динамикага тааллуқли ҳолатларни якуний тарзда белгиламайди демаганмидингиз?*

Касс: Тўғри. Бу – ўзига хос ўз-ўзидан емирилиш.

МД: *Баъзилар кейнсча макроиқтисодий назария тарафдори бўлганликлари тўғрисида шундай мулоҳазаларни билдирадилар. Сиз-чи?*

Касс: Йўқ. Тан олиш керакки, бу ўзига хос мавҳумлик, чунки, пировардида, бузғунчилик табиатига эга бўлади. Мен рақобатли мувозанат моделидан қайтариш нуқтаси сифатида фойдаландим. Унда эса башоратловчи куч мавжуд эмас, шунинг учун бу – ўзига хос ўз-ўзидан емирилишдир. Бу – менга жуда қизиқ. Мувозанат айнан нимани белгилашини тасаввур этишга уриниш – мен учун жуда қизиқ. Ҳозир мен муаммога жавоб топа олмаслик босқичидаман.

МД: *Бу, шубҳасиз, келгусига белгиланган қизиқарли интеллектуал вазифадир.*

Касс: Ҳа, бу – интеллектуал бошқотирма. Тан олишим керакки, иқтисодиётдаги фаолиятимда мени доимо бирор-бир интеллектуал жумбоқ қизиқтирган. Бунга яхши мисол келтириш мумкин. Мен бир неча йил чексиз хажмли ўсиш моделида парето-оптималлик ва самардорлик тавсифи муаммоси устида ишладим.

МД: *Фикрингизча, микро- ва макротаҳлил, умумий мувозанат назарияси ва ўйинлар назариясининг келажаги нимада? Келажакда нима кутиш мумкин?*

Касс: Мен ўз ишларимни қисқа муддатли истиқболга режалаштирмаман. Доимо шундай қилганман. Ишлашга ҳаракат қилаётган келгуси



муаммо ҳақида ўйлайман олдиндан. Мен доимо грант олишга ҳаракат қилганимда фойдасиз ҳолатга тушиб қолганман, чунки келгусида қандай иш устида ишлашим ҳақида тасаввурга эга бўлмаганман!

МД: *Демак, биз меҳнат бозорига нисбатан Купманс берган саволга қайтамиз, шундайми?*

Касс: Ҳа, эҳтимол, муаммо айнан шундадир! Биз бу масалани батафсил кўриб чиқдик. Лекин, фанда бахтли тасодиф катта аҳамият касб этишини биламан. Агар сиз 15 йил аввал менга тўлиқсиз бозорлар билан боғлиқ умумий мувозанат билан шуғулланаман десангиз, у ҳолда мен: «Адашяпсиз», – деб жавоб бераман. Мазкур ҳолатда бахтли тасодиф шундаки, мавжуд бўлмаган бозорга эга қуёшдаги доғлар мувозанатига мисоллар ишлаб чиқишни хоҳлардим. Бунда модель билан боғлиқ қизиқарли жараёнлар мавжудлигини тушундим.

Хусусан, ноаниқлик билан шуғулланишим сабаби шундаки, қуёшдаги доғлар моделида мавжуд бўлмаган молиявий восита шарти билан қуёшдаги доғлар мувозанатига эришасиз; бу тўлиқсиз бозорларнинг умумий хоссаси бўлади. Ҳозир мен ҳал этишга уринаётган масала шундаки, мувозанатлар миқдорини нима реал камайтириши мумкин. Ишониш мумкин бўлган максимум мувозанатларнинг якуний сони бўлиб, фикримча, бунга жавоб нархларни меъёрийлаштириш учун пулларни сарфлаш моделнинг асосий элементи, унинг эндоген омили ҳисобланувчи бирор-бир ҳолат, барибир активлар тузилмаси мавжуд. Уни эндогенлаш зарур. Шунинг учун масала шу схемага асосланиб иш юритганингизда аввалгидек ноаниқликка эриша олишингизни кўрсатади. Бундай масала мени жуда қизиқтиради.

МД: *Демак, сиз активлар таркибини эндогенлашни хоҳлайсизми?*

Касс: Ҳа, айнан шуни хоҳлайман. Сиз активлар таркибини эндогенлаштиришда гўёки маълум маънода мувозанатни ифодалайсиз, лекин, аслида, бу нотўғри эканлигига мисоллар келтириш мумкин. Бунга яхши мисол сифатида Альберто Бизиннинг ишини, яъни моҳиятан ўйинлар назариясидан олинган ғоядан иборат диссертациясини келтириш мумкин. У шундан иборатки, баъзи уй хўжаликлари янги воситаларидан фойдалана бошлайди ва буни Нэш усули бўйича амалга оширади.

Маълумот сифатида ҳамма уй хўжаликлари амалга ошираётган ишлар олинади, кейин эса уларнинг ҳаракатларига боғлиқ ҳолда мувозанат белгиланади, сўнг оптимал қарор изланади. Бугунги кунда Нэш мувозанати кўплаб вариантларни кўзда тутиши асосий муаммо ҳисобланади. Молиявий воситалар тўплами аниқлангандан сўнг муво-



занат микдори қисқаради холос. Қай тариқа бўлса-да, унинг модели-да реал ноаниқликка тааллуқли ҳамда ушбу активлар тузилмаси билан боғлиқ мувозанат вариантлари сони камлигини кўрсатувчи бўлим мавжуд. Лекин сизда Нэш мувозанати билан кўплаб мувозанатлар мавжуд. Фақат сиз ноаниқликларни бир қадам ортга сургансиз.

МД: *Бир неча дақиқа аввал сиз тадқиқотлар билан қандай шуғулланганингиз, моделга қандай ёндашишингиз ва у, сизнингча, жавоб беришга ёрдам берувчи саволлар ҳақида таъкидладингиз. Шу мавзунини давом эттира оласизми?*

Касс: Мени фан билан шуғулланишга мажбур этаётган нарса кўплаб кишиларни фан билан шуғулланишга ундовчи ҳолатдан тубдан фарқ қилади. Мени ҳеч қачон аксарият кишилар реал олам муаммоси деб атовчи ҳолатлар мени ўзига жалб эта олмаган. Мен баъзи масалаларни ўрганаман, чунки улар қандай иқтисодий аҳамиятга эга эканлигидан қатъи назар мен учун жуда қизиқ жумбоқ.

МД: *Сизнинг олим сифатидаги таржимаи ҳолингиздаги қизиқ жиҳатлар шундаки, сабабидан қатъи назар (реал сиёсат билан қизиқмай) ушбу муаммоларни тадқиқ эта олардингиз. Касс-Купманс модели бу замонавий иқтисодий давр назариясининг асосидир. Қайта қопланувчи бўғинлар бўйича ишларингиз натижаларидан монетаризм назарияси соҳасидаги аксарият амалий тадқиқотларда фойдаланилмоқда, сизнинг қуёшдаги доғларни ўрганиш давомида қилган хулосаларингиз макроиқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда ҳисобга олинади.*

Касс: Ҳақиқий интеллектуал илмий назария жозибаси айнан шундан иборат. Унда мен каби инсонлар учун жой топилади.

МД: *Интеллект занжирининг қуйи қисмидами?*

Касс: Йўқ... сиз шунчаки ниманидир билиб оласиз! Интеллект масалага қай тариқа ёндашиш усулини айбламаслик лозим. Ахир бу ўйлаб топилган фикр, пировардида, ҳақиқатда қизиқ бўлади.

МД: *Лекин бунга 20 ёки 30 йил сарфланади.*

Касс: Бу ҳолат мангуликка дахлдор бўлиши ёки ҳеч қачон юз бермаслиги ҳам мумкин.

Суҳбатни Стивен Спир ва
Рэндалл Райт олиб боришди.

*Карнеги-Меллон ва Пенсильвания
университетлари,
1998 йил 13 февраль*



ЖАК ДРЕЗ



Белгиялик иқтисодчи, иқтисодий назария, эконометрика ва иқтисодий сиёсатга қўшган ҳиссалари ҳамда иқтисодий касбда етакчилик қилганлиги билан ажралиб туради. Дрез 1986 йилда Европа Иқтисодий Ассоциацияси биринчи президенти ва 1970 йилда Эконометрика ҳамжамияти президенти бўлган.

Стратегия ўйинлари ва табиатга қарши ўйинлар ўртасида ноаниқликлар қарор қабул қилувчи томонидан қисман бошқарилиши мумкин бўлган иккинчи даражали вазият мавжуд, бу фон Ньюманн ва Моргенштерн томонидан «куч ва маҳорат ўйинлари» деб номланган вазиятлар ёки кейинги ишда «ахлоқий хавф». Бундай ахлоқий хавф муаммолари Жак Дрез томонидан диссертация ишида муҳокама қилинган Рационал хулқ-атвор яна субъектив кутилаётган ёрдам дастурини максимал даражага кўтариш билан тавсифланади, бу ерда ёрдамчи дастур давлатга боғлиқ ва максимал даражага эришиши мумкин бўлган тўпلامдан оптимал субъектив эҳтимолни танлашни ўз ичига олади.

Жак Дрезнинг саксонинчи йиллар ўрталарига қадар ноаниқлик иқтисодиётига оид ишлари унинг 1987 йилда нашр этилган «Ишончсизлик остида иқтисодий қарорлар бўйича эсселар» жилдида тўпланган.

Китоб кетма-кет қарорлар назарияси, бозорни тақсимлаш, истеъмол, ишлаб чиқариш, тўлиқ бўлмаган бозорлар шароитидаги фирма, ишчи кучи ва жамоат қарорларини ўз ичига олган етти қисмдан иборат.

Етмишинчи йилларнинг бошларида, рискларни тақсимлаш самардорлигини оширишда нарх қатъийлиги потенциал ролига асосланиб, Жак Дрез нархлар қатъийлиги ва миқдор чекловлари билан мувозанатни аниқлашни ва уларнинг хусусиятларини умумий мувозанат шароитида ўрганишни ўз зиммасига олди.



1975 йилда чоп этилган (1971 йилда нашр этилган 36) нашрида «Дрез мувозанати» деб номланган бўлиб, унда нарх (настга қараб) юқорилигича қатъий бўлган тақдирда талаб чекланади, аммо олдиндан танланган товар (масалан, пул) ҳеч қачон рационаллашмаганлигини келтириб ўтади. Мавжудлик, нархларнинг ўзбошимчалик билан чегаралангани учун, ўша пайтдан бери қайта-қайта ишлатиб келинаётган ўзига хос ёндашув орқали исботланган. Ушбу концепция кенг тарқалган классик ҳисобланади. Ундан кейин яна бир қанча янги концепция хусусиятларини ўрганиб чиқди.

ЖАК ДРЕЗ БИЛАН СУҲБАТ

Жак Дрез 1929 йилда Бельгиянинг Вервье шаҳрида туғилган. У 1958 йилда Колумбия университетиде иқтисодиёт соҳасида илмий даража олган. Жак Дрез, умумий мувозанат назарияси, қарорларни қабул қилиш назарияси, ўйинлар назарияси, эконометрика, шунингдек, макроиқтисодиёт ва иқтисодий сиёсат каби соҳаларда кўплаб тадқиқотлар олиб борган ва иқтисодиёт фанига катта ҳисса қўшган. Дрез Эконометрика ҳамжамияти президенти ёрдамчиси, кейин эса «Econometrica» журнали ҳаммуҳаррири бўлган, кейинроқ эса, Европа иқтисодчилар уюшмаси асосчиларидан бири ва биринчи президенти, Халқаро иқтисодиёт уюшмаси президенти, шунингдек, Америка иқтисодчилар уюшмаси ва Миллий фанлар академияси фахрий аъзоси бўлган.



Лондон платинаси, 1949 йил.

Ўн бешта таълим муассасаси, шу жумладан, Чикаго университети унга фан доктори фахрий унвонини берган. У тадқиқотлар ва Европада олий таълим тизимини ривожлантириш ва илгари суришда фаол иштирок этган. У Операцияларни тадқиқ этиш ва эконометрика Маркази (CORE), шунингдек, миқдорий эконометрика бўйича докторантлар учун Европа дастури (EDP) асосчиларидан биридир. Ундан ташқари, Жак Дрез Европа иқтисодиётига тўкнаш келган мураккаброқ муаммоларни ҳал этишда фаол иштирок этган.



Суҳбатимизнинг мақсади Жак Дрезнинг фикрига кўра, унинг фанга кўшган ҳиссаси нимадан иборат ва макроиқтисодиёт соҳасида тадқиқотларнинг келажаги қандай бўлишини аниқлашдан иборат. Ҳаммаси 2002 йилнинг октябрь ойида Европа университетларидан бошланган. Давомий ва батафсил суҳбатлар давомида тўпланган катта материал бироз қайта ишлангандан сўнг, ушбу мавзу асосида шакллантирилди.

Суҳбат уч қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисмда Дрезнинг Бельгиядаги карьераси бошланғич босқичи ҳамда АҚШда эконометрикани келгусида ўрганиш ҳақида бормоқда. Иккинчи қисмда, Жак Дрезнинг тадқиқотчи сифатидаги турли қизиқишлари билан танишасиз. Учинчи қисми, унинг макроиқтисодиёт соҳасидаги сўнгги ютуқларига бағишланган, уларни қуйидаги тарзда ифодалаш мумкин: «тўлиқсиз бозорлар фаол иқтисодий сиёсатни олиб боришни талаб этувчи мувоzanатга олиб келади».

Суҳбати Жак Дрезнинг Европа тадқиқот институтларига кўшган ҳиссаси тўғрисидаги ҳикоя билан яқунланади.

Пьер Деэ ва Омар Ликардо – Жак Дрезнинг талабалари бўлишган, ундан ташқари, Деэ ва Дрез биргаликда бир неча ишни ёзишган, уларнинг баъзилари ушбу суҳбатда қайд этиб ўтилади.


Ликардо: *Мен Лёвен университетида ўқиган чоғларимда «Сизнинг иқтисодиётга қизиқишингизга нима сабаб бўлган?» деган саволга берган жавобингизда кўпгина турли талқинларни эшитганман: сизнинг банкдаги иш тажрибангиз, сизнинг касаба уюшмаларидаги алоқаларингиз, сизнинг Льеж университетида ўқиган вақтларингиз. Санаб ўтилганларнинг қай бири ва қай тарзда сизга ёрдам берган? Ўзингиз нимани кашф этдингиз ва бу сизнинг тадқиқот ишингизга қандай таъсир кўрсатди?*

Дрез: 1946 йил мактабни битиргач, Лёвен университетида фалсафа бўйича илмий даража олмақчи эдим. Лекин режаларим амалга олмади, чунки мактабни тугатишга бағишланган тантанали маросимга қадар бахтсиз тасодиф туфайли акам ҳалок бўлди. Бу ота-онамга оғир мусибат бўлди. Шунинг учун мен уларнинг ёнларида қолиб, отамнинг ёнига дастлаб котиб, хайдовчи ва ёрдамчи сифатида ишлаб, унинг иш юритиши ва бизнесни бошқариши билан боғлиқ тажрибаларни ўрганиб бордим. Шу билан бирга, Льеж университетида бизнес ва иқтисодиёт бўйича даража олишга қарор қилдим.

Отам шаҳарда банкир бўлиб, унда ҳамма нарса тўқимачилик саноати билан боғлиқ эди. Отамнинг бизнеси эса жуда оддий эди. Ўша



кезлари, уруш эндигина якунланган бўлиб, иқтисодиёт катта тезлик билан қайта тикланаётган давр бўлиб, отамнинг мижозлари ўз молиявий муаммоларини ҳал этишларига тўғри келган эди. Натижада, банкда менинг бирор-бир алоҳида мажбуриятим бўлмади, мен ишнинг асосий жиҳатлари – молия билан танишардим. Менга алоҳида топшириқлар берилар эди ва бу менга жуда фойдали эди. Масалан, хорижий валютада битимларни амалга ошириш учун Лондонда контрагентларни топиш; маҳаллий фирмага тўқимачиликда ишлаб чиқариш учун ўрнатилган жиҳозлар тўловини таъминлаш учун Финляндияда бартер келишувларини ташкил этиш; кичик оилавий фирма учун капитал жалб этиш ёки меҳнат бозорида воситачи сифатида иштирок этиш.



Жак Дрез ўз офисида.

Шунинг учун 21 ёшда реал иқтисодий муаммолар билан танишдим. Уларни ҳал этиш бизнес ва иқтисодиёт бўйича Льеж университети ўқув режаси фанларига нисбатан анча мураккаб эди. Урушдан кейинги дастлабки йилларда университетда замонавий иқтисодиёт бўйича таълим бериш ҳақида гап бўлиши мумкин эмас эди. Мен иқтисодиётни фан сифатида мавжудлигини билмаган ҳолда университетни тугатдим.

Дез: *Лекин кейин Америка сафари чиқди. Нима учун сиз Америка Қўшма Штатларига илмий даража олиш учун бордингиз. Нима учун айнан Колумбия университетига?*

Дрез: Университетда диплом олгач, мени стипендияга ариза бериш ва АҚШга ўқишга боришга ишонтирдилар. Университет маъмурияти Бельгия – Америка таълим фонди стипендиатлари орасида Льеж талабалари камлигидан норози эди. Шунинг учун улар аълочи битирувчиларни салоҳиятли номзодлар сифатида излардилар. Льеж университети профессорларидан бири Колумбия университети АҚШда иқтисодиёт бўйича энг яхши дастурга эга ва у ерда Жон Морис Кларк дарс беради деди.

Ҳақиқатда Кларк ўша пайтда тўққиз йилдан бери дарс бермаётгани маълум бўлди... Аслида, менга омад кулиб боқди, чунки Колумбия университетида 1950-йилларнинг бошида бир нечта истеъдодли ўқитувчи фаолият юритиб, улардан уч нафари билан, айниқса, яқин мулоқотда



**Франко Модильяни билан бирга Римда.
1992 йил. Баффи маърузасидан сўнг.**

эса, Стиглер менинг шу ерда яна бир йил қолиш режаларимга норозилик билдирди. Мен Бельгияга қайтиб, ҳарбий хизмат ўташ масаласи кўйилгунга қадар мутахассислик бўйича амалий имтиҳонларни топширишга тайёргарлик кўришни режалаштираётган эдим. Бунда Стиглер: «Фақат Колумбия университетида ўқиб, Бельгияга қайтиб кетма, мустақил фикрлашни ўрганишинг учун бизга қарши кишиларнинг фикрини ҳам тинглашинг керак, имтиҳонларни иложи борида тезроқ топшир ва Бельгияга қайтишдан аввал, бирор-бир университет ёки бир неча университетларга ўқишга кир», – деди.

Бу менга берилган энг яхши маслаҳат эди. Мен, албатта, унга амал қилдим. Январда тўртта имтиҳонни топширдим – назария, математик иқтисодиёт, фаровонлик ва даврлар, Стиглер уларни назариянинг тўрт тавсифи сифатида белгилаб берган эди. Кейин эса, Массачусетсдаги Кембриж университетида баҳорги семестрга йўл олдим. У ерда Самуэльсон, Леонтъев, Хаберлар семиналарида иштирок этиш, шунингдек, Дениэл Элсберг сингари ёш олимлар билан мулоқот қилиш имконига эга бўлдим. Ноаниқлик масаласига бағишланган диссертациямнинг эҳтимолий мавзуси учун асосномани тайёрладим. Мен май ва июнь ойларини Коулз комиссиясида ўтказдим. Бу ерда Маршак, Кубманс, Дебрё, шунингдек, Хаутаккер, Бекман ва Телсор билан алоҳида танишдим. Сўнгра Анн-Арборедаги ёзги мактабда иштирок этдим. У ерда илмий тадқиқотлар маркази томонидан истеъмолни молиялаштириш соҳасида сўровномалар ўтказилиб, катта база яратилган ва микроэконометрик усуллардан кенг фойдаланилган эди. У ерда Клейн, Жим Морган ва, албатта, психолог Жорж Катон фаолият юритар эди.

Шу билан бирга, 1953 йил декабрь ойида мен Франко Модильяни ҳаёт даври модели тақдимотида иштирок этдим. У менга жуда ишонч-



ли кўринди. Лекин, бутун умрлик даромад маълум жиҳатдан ноаниқ эди. Мен Модильянига хат ёздим, унда ноаниқлик моделини кенгайтиришга қизиқишимни баён этдим. 1954 йил май ойида Модильянининг таклифига биноан, унинг хузурига Питсбургга бордим. Биз 6 соат суҳбатлашдик. Бу вақтда фонд масалалари маъносида ноаниқлик вазиятда бир лаҳзалик ва кечиктирилган қарорлар қабул қилиш ўртасидаги фарқни аниқладик. Бу менинг 1972 йилда чоп этган ишимга асос бўлди.

Шу тариқа, мен илк бор тадқиқотлар ўтказишдаги муваффақиятли тажрибага эришдим. Бу бизнинг Франко Модильяни билан узоқ муддатли биргаликдаги ишимизнинг ибтидоси бўлиб, у менга олим сифатида катта таъсир кўрсатди. Менга Бельгия армияси қўмондонлиги томонидан тақдим этилган 3 ой мудатда 1954 йилнинг кузини мен Карнеги шаҳрида Модильяни ва Миллер, шунингдек, Герберт Саймон, Чарнес, Купер, Сайерт, Мартч, Жек Мут ва қарор қабул қилишдаги чизиқли қоидаларни ишлаб чиққан олимлар гуруҳи билан мулоқотда бўлдим. Эконометрикани ўрганишдаги бўшлиқни тўлдириш учун кўп ўлчовли статистика курсини тингладим, чунки Колумбия университетида бу фан бўйича таҳсил олмаган эдик.

Лиқадро: *Фан соҳалари: эконометрик назариядан иқтисодий сиёсатгача; эконометрикадан операциялар тадқиқотигача, умумий мувозанатдан ўйинлар назариясигача; микроиқтисодиётдан макроиқтисодиётгача қўшган ҳиссангиз ҳақида давом эттирсак. Нима учун сиз ўз тадқиқотларингиз соҳасини шу қадар кенгайтиришга қарор қилдингиз?*

Дрез: Менда бу масалани тушунтириш учун иккита жавоб бор: биринчиси шундан иборатки, ҳамма мавзулар эҳтимолий фарқларда ҳам ягонадир. Иккинчиси, қолдиқли фарқлар. Мени, биринчи навбатда, мавжуд жаҳон муаммолари, шунингдек, назариядаги ҳамма ютуқларни ягона ёндашувга, яъни умумий мувозанат назариясига бирлаштириш истаги қизиқтириб қолди.

Айнан шу фандан 25 йил давомида Лёвен университетида дарс бердим. Ноаниқлик мавзусига келсак, унга қизиқишим қарорлар қабул қилиш назарияси бўйича илк ишларимда бошланган. Тегишли равишда докторлик диссертациям ҳам «қисман назорат қилинувчи ноаниқлик шароитида ягона қарор қабул қилиш». Унда «Инсон табиатига қарши» ўйинларда ягона қарор қабул қилиш моделини икки хил кенгайтириш кўриб чиқилган. Буни Леонард Сэвиж «Статистика асослари» китобида аниқлаган. Улар ҳолат ва ахлоқий рисклар билан белгиланувчи



афзалликларга тааллуқли эди. Хавфсизлик масаласига нисбатан бу кенгайтиришларнинг қўлланилишини мен 1960 йиллар бошида кўриб чиққанман. У релевантликни аниқ кўрсатиб беради.

Дез: *Ҳақиқатда бу фойдаланишнинг жуда қизиқарли намунаси, уни мен чин дилдан 20 йил давомида сиз билан бирга ишлаб чиққанман. Бу ҳақда батафсил сўзлаб бера оласизми?*

Дрез: 1960 йилда икки француз муҳандиси йўлларда хавфсизлик даражасини ошириш учун қанча инвестиция киритиш кераклигини билишга интилишган. Улар сақлаб қолинган умрнинг иқтисодий қимматини аниқлашга ҳаракат қилишган. Улар қийматни доимий қурбонларнинг бўлғуси даромади миқдори сифатида ўлчашни таклиф этишган. Бундай нуқтаи назар 2001 йил 11 сентябрдаги фожеали ҳодисаларга қадар ҳам сақланиб қолган. Лекин шундай савол туғилади. Жамиятнинг соф йўқотишларини баҳолаш учун бўлғуси истеъмол қийматини чиқариб ташлаш керакми? Мен бу савол бундай ёндашувнинг асосий камчилигини кўрсатаётганини дарҳол тушундим: одамлар очликни эмас, балки яшаш ва истеъмол қилишни хоҳлашади!

Муаммо манбаига қайтган ҳолда мен хавфсизлик таҳлили учун ҳаётни баҳолашга ёндашувни ишлаб чиқдим. У ҳозирги кунда «тўлашга тайёрлик» сифатида маълум. Инсонлар бахтсиз ҳодиса юз бериш эҳтимолини камайтириш учун қанча маблағ тўлашга тайёр? Бу ҳолатда инсон, бир томондан, бунинг учун зарур ресурслар мавжудлиги, бошқа томондан эса, ўзи учун ушбу хатарнинг муҳимлик даражасидан келиб чиққан ҳолда, масалани ҳал этади. Бундай субъектив қийматни объектив ҳисоб-китобларга қадар етказиш мумкин эмас. У бахтсиз ҳодисанинг содир бўлиш имконияти даражасини ҳам камайтириб юборади. Йўлларнинг хавфсизлиги ижтимоий неъмат, ҳар бир кишининг ушбу ҳолатда бу неъмат учун ҳақ тўлашга тайёрлиги Линдаль-Самуэльсоннинг ижтимоий неъматлар назариясида келтирилган.

Дез: *Шубҳасиз, азизим Ватсон! Лекин бу сизнинг диссертациянгиз билан қандай боғланган?*

Дрез: «Ҳолат», «Тирик» ёки «Ўлик» тушунчалари билан белгиланганда афзалликлар ҳолатга боғлиқлиги маълум бўлади. Агар қарорлар хавфсизлик даражасини оширишга қаратилган бўлса, бирор-бир ҳолатнинг юз бериш эҳтимоли берилмаганлиги тушунарли, лекин у «танланган ҳаракат» йўналишига боғлиқ. Шунинг учун ушбу ҳолатда Сэвиж модели тўғри келмайди.

У ҳолатлар ёрдамида аниқланувчи афзалликлар, эҳтимоллик даражасининг ҳаракатга боғлиқлиги ҳисобига кенгайтирилиши мум-



кин. Бу – диссертациямда кўриб чиқилган кенгайтиришларнинг айнан ўзи. Адабиётлар маълум моделларга тўла бўлиб, уларда агентлар нафақат оқибат, балки ўзгарувчи эҳтимоллик мавжуд бўлган ҳаракатларга нисбатан кутилаётган фойдалиликка катта аҳамият берадилар. Мен бундай хатти-ҳаракатнинг аксиоматик асосини излаганман.

Дез: *Диссертациянгизда бу асослар тўғрисида нима дейилган?*

Дрез: Диссертацияда уч ҳолатни ўз ичига олган моделлар кўриб чиқилган. Мураккаброқ воқиталарни талаб этувчи $n > 3$ ҳолатига умумлаштириш қисман пайдо бўлган: дастлаб 1961 йил, сўнгра 1987 йилда якуний ифодада ва 2004 йилда бироз соддалаштирилган вариантда мен ўз диссертациямда кутилаётган фойдалиликни субъектив ошириш мантиқини стратегик ўйинларга ҳам қўллаш мумкин деган таклифни билдирганман. Бу таклиф, пировардида, Роберт Ауман билан ҳамкорликдаги ишимизда исботлаб берилган (2004).

Агар шундай ифодалаш мумкин бўлса, бу бир мавзуга узок қизиқишнинг яхши мисолидир.

Дез: *Сиз дарҳол 45 йилни ортда қолдирдингиз! Бу диссертациядан кейинги иш бўлганми?*

Дрез: Диссертацияни тайёрлаш вақтидаёқ мен Франко Модильяни билан ноаниқлик шароитида фондлар юзасидан қарор қабул қилиш устида ишлай бошлаганмиз (1972). Тез орада мен микроиқтисодий назариянинг бошқа бўлимлари ноаниқлик тушунчаси нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқилишини тушундим. «Ноаниқлик шароитида иқтисодий қарорлар қабул қилиш тўғрисидаги эссе» деб номланувчи ишлар тўплами бир неча қисмлардан иборат: шахсий ва жамоавий қарорлар, бозор мувозанати, истеъмол ва ишлаб чиқарувчи қарорлари, инсон капитали ва меҳнат шартномалари. У Жон Хей ва унинг бу китобни кўра олиш қобилияти туфайли чоп этилган. Менинг ноаниқлик ҳисобига кўпгина



Роберт Ауман (чап тарафда) билан Лёвен ланюда, 1986 йил. СОРЕнинг йигирма йиллиги.



Жерар Дебрё билан (ўнг томонда) 1989 йил. Иқтисодиёт назарияси ва эконометрика бўйича олтинчи халқаро симпозиум.

дунё ҳолати ва умумий мувозанат таҳлили учун ноаниқликнинг ташқи омилларини оддий ифодалаш сифатида «ҳодисалар дарахти»ни тақдим этди. Бу мавзунини тез орада Жерар Дебрё «Қийматлар назарияси» китобида давом эттирди. Бу ажойиб асар бўлиб, тўлиқроқ изоҳни талаб этарди. Субъектив эҳтимоллик эҳтимолий шароитлар сифатида нархларга қандай таъсир этади (бундай ҳолатда эса ҳолат билан белгиланган фойдали хусусиятлар)? Менинг «Ноаниқлик шароитида бозорни тақсимлаш» («Market Allocation Under Uncertainty», 1971) унинг ғояси 1961–1963 йилларда Чикаго университетига ташрифим чоғида туғилди. У эҳтимолий нархлар учун Мартингал ҳоссаларни асослайди – муҳим кашфиёт бўлиб, кейинчалик Харрисон ва Крепс (1979) бу ғояни ривожлантиришган.

Ундан ташқари, тўлиқ суғурта ва активлар бозорлари назарий тushунча учун, шубҳасиз, зарур мавҳумлик лекин эмпирик релизмдан маҳрумдир. Шу тариқа, Американинг ҳамма асосий ва иккиламчи бозорларида сотиладиган қимматли қоғозлар ЯИМнинг 7%ини ташкил этади. Шунинг учун тўлиқсиз бозорларнинг амал қилиши энди қоида тусига кирди. 1960-йилларда бундай фикр менинг ноаниқликлар тўғрисидаги фикрларимга асосий ўринга эга бўлган. Питер Даймоннинг «Умумий мувозанат моделида қимматли қоғозлар бозорининг роли» («The Role of a Stock Market in a General Equilibrium Model», 1967) номли новаторлик ишини кузатган ҳолда мен шу ондаёқ фирмалар фақат инвестициялар даражасини янада умумий технологияларга

иқтисодий моделларнинг кенгайтирилишини изоҳлаш зарурати масаласидаги иштироким, шубҳасиз, шу даврга бизнесдаги реал вазиятларга гувоҳ бўлган даврларимга бориб тақалади: ноаниқликка қарши кураш, отам ва унинг мижозларининг кундалик ҳаётининг бир қисми бўлган.

Дез: Тўнлам 1987 йилда чоп этилган, сиз яна илгарилаб кетяпсиз. Ўз карьерангизда оралиқ нуқталарни ажратиб кўрсата оласизми?

Дрез: 1953 йил Эрроу ўз новаторлик ишини ёзди. Унда



кенгайтиришни танлашларини тасдиқловчи нурли технологияларгача келтирилган таҳлилни кенгайтиришга ҳаракат қилдим.

Мен у олган самарадорлик кўрсаткичини такрорлай олмадим ва, пировардида, аксини исботладим: тўлиқсиз бозорлар шароитида фонд бозори мувозанати самарали бўлиши ва, ҳатто, мажбурий самарали бўлиши шарт эмас (Dreze, 1974). Ва бу ҳар бир фирма эгаси парето-самарали, фонд бозори эса, рақобатли ҳисобланиши нуқтаи назаридан ишлаб чиқариш режасини қабул қилади.

Дез: *Сиз тўлиқсиз бозорлар шароитида фирмалар томонидан қарорлар қабул қилиш учун «Дрез мезони» ҳақида гапиряпсиз. Сиз бу мавзуну кейин ҳам ишлаб чиққанмисиз?*

Дрез: Ҳа, бир неча йўналишларда. Мен бу мезонни фирмада қарорлар қабул қилишнинг мураккаб тузилмаларидан фойдаланиш учун кенгайтирдим. Бошқа ишларда нотижорат ташкилотлари ва меҳнат жамоалари билан бошқарилувчи фирмалар учун шу таҳлилдан фойдаландим. Ҳамкорликдаги ишда биз умумий моделда фонд бозорига хос самарасиз мувозанатни аниқладик. Ҳозирги кунда мен «Дрез мезони»ни бир неча даврларга тақсимлаш билан ва шу тариқа Гроссман ва Харт томонидан (1979) таклиф этилган ғояни бирлаштириш, лекин нисбатан умумий тахминлардан фойдаланиш асосида шуғулланаман.

Дез: *Бир мавзуну тадқиқ этишга узоқ қизиқишга яна бир мисол. Айтганларингиздан шундай таассурот пайдо бўладики, ноаниқлик мавзусига сизнинг сўнмас қизиқишингиз тадқиқот йўналишларининг шундай хилма-хиллиги сабаб ҳисобланади ва биз юқорида билдирган фикрларни тасдиқлайди.*

Дрез: Бу ерда тан олиш керакки, шундай айбим бор. Шунинг учун дўстим Арнар Сандмо мени «Ҳамма ерда мавжуд Жэк» деб аташни яхши кўради. Лекин, бирлаштиришга доимий интилишни ҳам унутмаслик керак. Агар ноаниқлик соҳасида асосий ишланмаларга қарасак, улар менинг 50 йиллик касбий фаолиятим давомида амалга оширилган. Бу ишланмаларнинг манбаларини уч ўзаро боғлиқ фанларга киритиш мумкин: статистик қарорлар назарияси, шахсий қарорлар қабул қилиш назарияси ва умумий мувозанат. Статистик қарорлар назарияси, айниқса, Абраҳам Вальд асарлари билан танишув (1950), Жимми Сэвиж учун қарорлар қабул қилиш назарияси бўйича иш яратиш ҳамда Кен Эрроу умумий мувозанатни ўрганишда (1953) илҳом манбаи бўлди. Мен эса икки йўналишда иш олиб бордим.

Дез: *Бу қандай рўй берди?*



Жан-Жак Херингсон билан (ўнг тарафда),
2003 йил. Қисқа кофе-брейк вақти.

тирувчи ва тушунтирувчи Байес технологияларидан фойдаландим. Бу қарорлар қабул қилиш назарияси билан шуғулланувчи кишилар учун табиий ёндашувлардан бири бўлди. Қарорлар қабул қилиш назариясидан Байес статистикаси ва ноаниқлик иқтисодиётига ўтиш табиийдир. Лекин, ўша вақтдаги эконометриканинг диққат марказида тенгламалар тизими бўлиб, бу классик ёндашув эди. Шунинг учун талабаларим Байес статистикасидан сўнг классик эконометрикага дуч келганда таълим яхлитлиги биров бузилганлигини ҳис этдилар. Айнан, шунинг учун 1962 йилда мен тенгламалар тизимининг Байес таҳлили устида иш бошладим, лекин бу ишим чоп этилмади, аммо баъзи олим ва талабаларга муҳим таъсир этди ҳамда мен ва талабаларим – Моралес, Мушара, Палма ва Ричардларнинг келгуси ишларимизнинг ибтидоси бўлди (1976).

Дез: Шундай қилиб, сиз юқорида санаб ўтилган барча йўналишларда фаол иштирок этдингиз. Сиз бугунги кунда Боб Ауман билан ҳамкорликда олиб бораётган ишингиз ҳақида гапириб ўтдингиз. Аслида, ўйинлар назарияси борасида аввалроқ ҳам кўплаб ҳамкорликдаги ишларингиз бўлган-ку.

Дрез: Мен ўзимни ўйинлар назарияси мутахассиси деб ҳисобламайман. Биз Боб билан бу вақтгача унинг техник билим ва тажрибалари менинг иқтисодий қизиқишларимни бирлаштирган ҳолда иккита ишни ёзганмиз. Менга Йосси Гринберг билан «Гедонистик коалициялар» мавзусидаги ҳамкорликдаги ишимиз ҳам менга жуда яқин, бу ишимизда коалициянинг бошқа аъзоларининг айнанлигига нисбатан ўйинчиларнинг афзалликлари тўғрисида гап боради! Мен бу қизиқарли мавзуга қачондир қайтишни хоҳлардим.



Дез: *Келинг, келажак ҳақида гаплашмайлик... Биз ҳали ўтмиш ҳақида кераклича гаплашмадик. Биз даврий равишда юзага келувчи ноаниқликлар мавзусида ҳамма нарсани муҳокама қилдик.*

Дрез: Агар ижозат берсангиз, сўнгги таърифга ўтайлик. Макроиктисодиёт ва ноаниқлик ўртасида бевосита ўзаро алоқа мавжуд, буни ҳозирги кунда макроиктисодиёт назарияси бўйича ҳар бир мутахассис тушунади. Менимча, бу ўзаро алоқа нархлар орқали амалга оширилади. Ижозат берсангиз, 1975 йилда ёзган «Нархлар суюқлиги шартида пул мувозанатининг мавжудлиги» («Existence of an Exchange Equilibrium Under Price Rigidities») номли ишимдан битта эслатмани ўқиб берсам, «Ушбу ёзувлар даромадларни суғурталашнинг бир қисми сифатида кўриб чиқилувчи ишсизлик бўйича нафақалар ва иш ҳақи қатъийлигининг оқилона жиҳатлари бўйича долзарб тадқиқотлар туфайли пайдо бўлган». Юқорида кўрсатиб ўтилган тадқиқотлар фаол ривожланди, натижада, менинг Кристиан Голлье билан ҳамкорликдаги ишим «Меҳнат бозорида рискларни тақсимлаш ва иш ҳақининг ўртача оптимал қатъийлиги» (1993) хатарларни тақсимлаш самарадорлиги ва меҳнат бозоридаги ишлаб чиқариш самарадорлигининг ўзаро боғлиқлиги бўйича бошқа ишлар юзага келди. Бироқ, шу пайтда макроиктисодиёт бўйича мутахассислар эътиборини нархларнинг ноэластиклиги шароитидаги мувозанат мавзуси жалб этди. 1970-йиллардаги нефть нархининг ошиши орқали келиб чиққан рецессия реал бўлиб қолди. Бундай ҳаракатланувчи реал иқтисодий муаммолар билан мен макроиктисодиётга ўтдим, лекин бу ерда ҳам тўлиқсиз бозорлар шароитидаги ноаниқлик мавзуси долзарблигича қолганди. Тўлиқсиз бозорлар нафақат иш ҳақи қатъийлигининг нооқилоналиги, балки инвестицион ва ялпи талабнинг расмиятчилигини ҳам келтириб чиқариб, у макроиктисодий тебранишларга асос бўлади.

Менинг «Ноаниқлик ва тўлиқсиз бозорлар макроиктисодиёти» номли тадқиқотим ноаниқлик ва макроиктисодиёт юзасидан билдирган фикрларимни бирлаштиради. Бунда биринчи қарашда турли кўринган мавзуларни яхлит ҳодиса сифатида кўриб чиқади. Бу ноаниқликнинг ташқи макроиктисодий омилларининг маълум ўлчамини кўшади. Шу тариқа макроиктисодиёт мени ноаниқлик мавзусига яна қайтарди. Занжир ёпилди.

Ликадро: *Сиз яна бир бор асосий бирхилликни таъкидламоқдасиз. Биз иш ҳақининг қатъийлиги ва макроиктисодиёт мавзусига яна қайтамиз. Лекин, дастлаб «ҳар ерда ҳозир Жэк»дан қай тариқа меҳнатни ташкил этиш масалалари билан қизиқа бошлаганини билмоқчиман?*



Дрез: Ҳаммаси мен Карнеги университетида бирор-бир маълум ихтисосликсиз профессор бўлганимда бошланди. Мени Ярослав Ваник бўлимига қўшиб қўйдилар. Бу пайтда у академик таътилда бўлиб илмий иш билан шуғулланарди. Бир куни Ланж факультет раҳбари Т.Лиу: «Ушбу мавзу агар Ярослав меҳнат жамоалари билан бошқарилувчи фирмалар меҳнатини тежовчи инновацион қарорларни ўз зиммасига олганлигини тушунтириб бера олса, менга қизиқ бўлади», – деб таъкидлади.

Кундузи мен Ваникнинг креслосида ўтириб меҳнатни ташкил этиш бўйича унутилган ишлар тўла шкафага қараб, Луи айтган гаплари ҳақида ўйлай бошладим. Фикрларим бирор шаклга эга бўлиши биланок, мени меҳнат жамоалари ёрдамида бошқарилувчи компаниялар иқтисодиётининг умумий мувозанат модели қизиқтира бошлади (1976).

Луининг саволига жавобим рақобатли мувозанат ва меҳнатни ташкил этиш мувозанати учун нисбий эквивалентлик хулосаси бўлди, бу режали иқтисодиёт шароитида фаолият юритувчи компанияларга нисбатан Оскар Ланге ва Фред Тейлор (1938) бажарган модель билан қиёсланувчи хулоса эди. Албатта, мен шу заҳотиёқ меҳнат жамоалари ёрдамида бошқарилувчи фирмаларни молиялаштириш ва ноаниқлик масаласини таҳлил қилдим.

Тадқиқотнинг ушбу йўналиши менинг тўлиқсиз бозорлар ва иш ҳақининг ўртача оптимал қатъийлиги соҳасидаги манфаатларга мос келарди, буни «Меҳнатни ташкил этиш, шартномалар ва капитал бозори» мавзусидаги Ян Сон маърузалари асосида кўриш ҳам мумкин.

Ноаниқлик шароитида фирманинг норматив назарияси бўйича тадқиқотларнинг биринчи босқичида мен Жерар Дебрёнинг тўғри маслаҳатларига қулоқ солиб, ижтимоий неъматлар билан самарали таъминлаш муаммосини тадқиқ этдим. Натижада, «Ижтимоий неъматларга нисбатан такрорий синовлар усули» номли асарим пайдо бўлиб (1971), унинг математик таркибий қисми Шамсорг томонидан умумлаштирилган. Ва 1990-йилларда макроиқтисодий кўринишдаги масалаларни ҳал этиш учун фойдаланилган (1991–1999).

Ликардо: *Жак, бу – номаълум. Сиз ҳиссий равишда иш ҳақининг қатъийлиги тўлиқсиз бозорлар шароитида ўртача оптимал тақсимлашнинг мавжудлигини қай тарзда тахмин қилиши мумкинлигини тушунтириб бера оласизми?*

Дрез: Қисқартиришга ноэластиклик тенг нархли иш ҳақини камайтириш ҳолатида меҳнат даромадларини суғурталайди, лекин унинг



қиймати меҳнатнинг реал қийматидан ошса, у ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлиги ҳам қисқаради. Мен, суғурта бадаллари ишлаб чиқаришнинг самарасизлиги ошмаслиги учун қандай йўл тутиш кераклигини ўзимнинг Голлье билан ҳамкорликдаги ишимизда (1993) сўзлаб ўтганман. Фикримча, бундай далил ойлик маошнинг кутилаётган қатъийлигини жиддий асослаб беради. Бу тахмин қилинаётган ишсизликка тааллуқли. Дастлаб 1970- йилларда Азариadis (1975), Бейли (1974) ва Гордон (1974) бунини шартнома билан ишловчилар учун асослаб бердилар. Ўз навбатида, усткурмамиз хатарга тортилмайдиган фирмаларнинг умумий мувозанатини қамраб олади (1993).

Дез: *Кўринадики, тўлиқсиз бозорлар адабиётларда «Дрез мувозанати» сифатида машҳур бўлган нархлар қатъийлиги шароитида мувозанат устида ишлашга ундади. Лекин, агар рағабатлантирувчи омилларни олиб ташласак, у ҳолда янги мувозанат концепцияси қаердан бошланади?*

Дрез: Бу самарали меъёрлаштирилган тақсимот устида ишлаш бўлиб (1980), чекланган етказиб бериш шароитида мувозанатлар бўйича ҳамкорликдаги ишимиз (1988), шунингдек, мувозанатсизлик эконометрикаси бўйича эмпирик иш (1986) ва ундан келиб чиқувчи «Европада ишсизлик муаммоси» (1990). Европанинг ўн мамлакатада ўтказилган бундай тадқиқотларга раҳбарлик қилганимда мен мувозанатнинг мультипликативлигини кўпроқ англаганман, бироқ эконометрик модель бунини назарда тутмаган. Кейинроқ 1990-йилларнинг бошида умумий мувозанат назарияси менинг тахминларимни тасдиқлади.

Бозорда талаб ва тақлиф мувозанати нархлар ёрдамида эмас, балки микдорий чекловлар ёрдамида яратилса, меъёрлаштирилган тақсимот даражаси кўшимча эркинлик беради: тенглик ўрнини тенгсизлик эгаллайди. Махсус бозорлар, масалан, алоҳида олинган минтақада ихтисослаштирилмаган меҳнат учун, бу – оддий ҳодиса. Талаб ортишида ўзгарувчан ишсизлик даражаси умумий мувозанат талабни эндогенлайди. Макроиктисодий мувозанатлар кўплиги ҳам янги тавсифга айланади.

Менинг бу бирлаштирувчи соҳага илк бор киришим 1997 йилда – Жон Робертс (1989) ва Жан-Жак Ҳерингсоннинг (1996) илк ишлари туфайли содир бўлди. У халқаро иқтисодий уюшма аъзолари ҳузуридаги нутқимга асос бўлди (2001). Унинг умумий моделини бошқа олимлар билан биргаликда сўнгги ишларимдан бирида ишлаб чиқдим (2001), ҳозирги кунда эса Жан-Жан Ҳерингсон билан тўлиқсиз бозорлар тuzилмаси учун қўллашга ҳаракат қиляпмиз. Бу иш макроиктисодий му-



аммоларни ҳал этиш учун умумий мувозанат методологияси афзалликларни тўғрисида ёзилган. Гарчи келишув хатолари макроназариётчилар ва бошқа каналлар эътиборига тушган бўлса-да (хусусан, Купер ва Жон томонидан 1988 йилда тадқиқ этилган макромоделлар ёки мувозанат моделлари орқали), нархлар қатъийлиги билан ўзаро алоқа умумий мувозанат таҳлили натижасида аниқланади.

Дрез: Келинг, ҳаракат қиламиз. Дастлаб бир фирмдан иборат иқтисодиётни кўриб чиқамиз, унда уй хўжаликлари ҳисобига таъминланувчи меҳнат якуний маҳсулотга айланади. Даромад қисқаради. Номинал иш ҳақи белгиланган. Уй хўжаликлари умумий ҳаракатлар билан N меҳнат бирлигини таъминлайди, иш ҳақи ва фойдага эга бўлади, шунингдек, якуний маҳсулотни харид қилади. Фирма фойдани оширади. N меҳнат бирлигидан кўп бўлмаган ишлаб чиқариш ҳажми тўлиқсиз бандлик ва ишлаб чиқариладиган маҳсулот нархининг ортиқча харажатларга тенг мувозанатини белгилайди. Ҳақиқатда фирма фойдани оширади. Уй хўжаликлари меҳнат таклифига чекловлар шароитида уни оптималлаштиради. Бозорлар эса талаб ва таклифни тенглаштиради.

Дез: *Бу Барро-Гросманнинг уч товарли моделига зид бўлиб, бунда классик мувозанат беқийсдир.*

Дрез: Мувозанатнинг бу модели нуктаи назаридан классик ва кейнсча ишсизлик ўртасидаги чегара номинал иш ҳақининг берилган даражасида ишлаб чиқарилувчи маҳсулотга индексланувчи нархлар орқали марказий кўприк сифатида белгиланади. Уч товарли моделда ҳамма номинал нархлар белгиланган. 1997 йилдаги ишимда бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга мослашувчан нархлар билан боғлиқ континуумдан маълум танловни англатишини кўрсатиб бердим. Аслида, континуум умумий хоссадир. Энди Эрроу ва Дебрё таклиф этган икки товар тўпламига эга: айтайлик, мослашувчан нархларга эга F товарлар ва мос бўлмаган қатъий номинал нархларга эга товарлар иқтисодиёт мисолини кўриб чиқамиз.

Миқдорий чекловлар фақат етказиб беришгагина қўлланилиши мумкин; биз «чекланган етказиб бериш шароитидаги мувозанат»ни топишимиз керак. Агар нархларнинг қатъийлиги «чақса», белгиланган номинал нархлар R берилган нисбий нархлар $R - 1$ ни кўзда тутари. Лекин R бозорлар етказиб бериш ҳажмларини чеклаш йўли билан талаб ва таклиф мувозанатига эришиши мумкин. Шу тариқа, эркин ҳаракат даражаси камаяди.

Бу мослашувчан ва қатъий нархларнинг умумий нисбатида бўлганидек, қатъий нархли товарларни меъёрий тақсимлаш умумий ҳажмига



ҳам мос келади. Вальрас қонуни бу икки макроиқтисодий ўзгарувчиларни Филлипс эгри чизиғи доирасида бирлаштиради. Филлипс эгри чизиғидаги нуқтани танлаш билан боғлиқ ягона эркинлик даражаси қолади. Бунда континуумдан қай тариқа элемент танлаб олинади деган савол туғилади. Иқтисодий моделимда номинал нархлар етарлича юқори бўлган шароитда рақобатли мувозанатлар ҳам мавжудлиги ҳисобга олинган.

Менинг дастлабки хулосам қуйидагича: вақтлараро мувозанат модели изчил мувозанатлар билан боғлиқ қисқа муддатли ўзгартириш жараёнини муфассаллаштириш билан тўлдирилиши керак. Муфассаллаштириш нархлар қатъийлигини белгилаш имконияти кўплик мувозанатидан бошқасига ўтиш, эҳтимол, ўз ишларимда тадқиқ этган қатор мисоллардаги нарх ва миқдор чекловларидаги бозор мувозанатини «сезиш» ёки «сезмаслик»дан келиб чиққан ҳолда ўз ичига олиши керак (1991, 1999), мувозанатлаштириш Филлипс эгри чизиғи кўп ўлчовли бўлганда, унинг эквивалентидан алоҳида мувозанатни танлаш имкониятини кўрсатиши ҳам керак.

Ликадро: Нима учун кўп ўлчамли?

Дрез: Эрроу ва Дебрё томонидан таклиф этилган моделлардан тўлиқсиз бозорларни тўлиқроқ реалистик муфассаллаштиришга ўтишда ноаниқлик даражаси ортиши мумкин! Қимматли қоғозлар бозорининг икки даврли моделида, S – ҳолат, J – активлар, J эса S дан кам, биз $S-J+I$ эркинлик даражасини олишимиз мумкин, яъни ўзгариш мувозанати кўпчилиги $S-J+I$! Ҳозирга қадар, мен макроиқтисодий адабиётларда бундай Филлипс эгри чизиғига дуч келмаганман. Бу ажабланарли ҳолат эмас, чунки кўпгина мувозанатларнинг оммавийлиги жуда чекланган. Лекин, умумий мувозанат назариясининг мақсади ҳаммасини умумлаштиришдан иборат. Агар дастлабки шароитлар кўпгина мувозанатлар мавжудлигини назарда тутса, у ҳолда оқибатларни бартараф этиш усулини тезроқ топиш мумкин.

Дез: *Сизнинг кейинги икки саволга жавобингиз номинал қатъийлик мавзусига тааллуқли. Фикримча, пул мавзусига қизиқиш уйғонганига унча кўп вақт бўлгани йўқ. Бу умумий мавзулар билан қандай қийсланади?*

Дрез: Гераклис Полемарчакис (2001) билан сўнгра эса Гаэтано Блуаз (2005) билан бажарилган ҳамкорликдаги тадқиқотда нақд пуллардан трансакциялар учун фойдаланилганда монетар иқтисодиётни изчил ва табиий аниқлашдан фойдаланганмиз; уларни банклар таъминлаб, улар нақд пулларни номинал фоиз ставкаси ёки белгиланган фоиз ставкаси



орқали қисқартиради. Шу тариқа, марказий банклар томонидан имитацияланган ва мувозанатлаштирилган ҳисобрақамларига тааллуқли «ички пуллар»ни кўриб чиқамиз.

Рақобатли мувозанат шароитида номинал фоиз ставкалари сақланиб қолганда, бу умумий нархлар даражаси ноаниқлиги кўринишида шундай моделга ўзгаради. Бир даврли модель учун айтиш мумкинки, ҳамма нисбий нархлар белгиланган, лекин нархларнинг умумий даражаси шартли – Эрроу-Добрё моделининг стандарт тавсифи шундан иборат.

Кўп даврли моделда ноаниқлик шароитида бундай тавсиф сақланиб қолади, нарх даражалари билан боғлиқ инфляция кўрсаткичлари эса изчил маълумотларда Фишер тенграмаси билан аниқланади. Кўпгина олимлар учун уларнинг ноаниқликка томон ҳаракатида, бу тескари алоқа ёки фискал назария қоидалари орқали бўлганидек, жўнатиш нуқтаси бўлди.

Ҳар ҳолда вақтлараро моделда ноаниқлик шароитида, яъни бирор-бир вақт давомида муқобил «олам ҳолати» сақланганда қуйидаги қўшимча ноаниқлик мавжуд: ҳар бир ҳодисада «бугун» ва «эртага» ўртасида кутилаётган инфляция кўрсаткичи фоиз ставкаси орқали белгиланади, лекин инфляция даражасининг вариантлилиги «эртага» турли сценарийлардан келиб чиққан ҳолда чекловларга эга эмас. Ягона восита, айнан эса номинал фоиз ставкаси ҳар бир ҳодисада ягона чекловни назарда тутиши тушунарли ҳолат.

Лиқадро: *Албатта, монетар иқтисодиётда нарх даражасидаги аниқлик – баҳсли масала. Ушбу масала бўйича сизнинг фикрингиз қандай?*

Дрез: Ноаниқлик даражаси – бош оғриғи ва бир вақтнинг ўзида неъмат ҳамдир: бош оғриғи эканлиги шундаки, нархлар буйруқ бўйича сакровчи кўғирчоқ эмаслигини ҳамма билади. Лекин, у неъмат ҳамдир, чунки мавҳум моделдаги ноаниқлик нарх даражасини белгилаш учун ташқи номинал қатъийлик омилига ўрин беради.

Лиқадро: *Яна бир сирли тасдиқ! Бунини тушунтира оласизми?*

Дрез: Мен Италия банкидаги Баффи хотирасига бағишланган ўз маърузамни қуйидаги саволдан бошлаганман (1992): «Форс кўрфазидаги урушлар туфайли нефть нархи юқорига кўтарилганда сиз китоб ва журналларнинг нархи пасайишини кута оласизми?»

Кўпгина нархлар интервал чегарасида доимий бўлганлиги туфайли кўпчилиги пасайишга мослашувчан бўлмаса, у ҳолда жавоб аниқ. Нисбий нархларнинг вариантларга ажратилиши натижасида нархларнинг



қатъийлиги инфляцияга сабаб бўлади. Бу – қисқа муддатли иқтисодий мувозанатни белгилашнинг бир қисми.

Кўплаб янги кейнсча макромоделлар нарх ўзгариши билан боғлиқ харажатлардан фойдаланади. Мен икки масалада: нарх қатъийлигини изоҳлашга тааллуқли (биз бу ҳақда гапиргандик, шунингдек, бу хулосаларнинг расмий таҳлилига рози эмасман), улар нархларнинг қатъийлиги билан боғланувчи реал ва номинал ноаниқликка олиб келади.

Ликадро: *Макроиқтисодиёт нуқтаи назаридан қандай хулоса қилишингиз мумкин?*

Дрез: Хулоса ҳам субстантив, ҳам методологик бўлади. Субстантив нуқтаи назардан, фикримча, макроиқтисодий назария ва сиёсатда нархлар қатъийлиги ва иш ҳақи билан боғлиқ мувофиқлаштиришдаги номутаносибликлар мавжуд, бу мувофиқлаштиришнинг кўринишидан қатъи назар.

Дез: *Сиз қандай концепциялар ёки мувозанат концепцияларидан фойдаланасиз?*

Дрез: Умумлаштириш, бинобарин, реализм даражаси ва талкин этиш имконияти ўртасида келишмовчилик мавжуд! Ихтиёрий якуний оралиқлар моделларида энг яхши жўнатиш нуқтаси Раднернинг мукамал башоратга эга мувозанати хизмат қилади (1972). Бу менинг кенгайтиришларим ва мувофиқлаштиришдаги узилишлар таҳлилига мос келади. Лекин, мукамал башорат кўплаб мувозанатлар шароитида кучли хатор бўлиб, А-ля Грамоннинг «муваққат мувозанат» руҳидаги умумий ифодаларни кўпроқ кўриб чиқишни истайман.

Ликадро: *Буларнинг ҳаммаси замонавий макроиқтисодиётдан жуда узоқдек туюлади.*

Дрез: Фикрингизга кўшиламан. Назаримда, кенгайтирилган модель кенг қамровли макроиқтисодиёт шароитини кўзда тутаяди! Макроиқтисодий назария хусусий моделлардан фойдаланади ва шахсий хулосалар чиқаради. Лекин, умумий ёндашув тор йўналишли ҳаракатларни истиқболга айлантиради.

Ликадро: *Биз макроиқтисодий назария билан боғлиқ кўпгина саволларни муҳокама қилдик. Сизнингча, макроиқтисодиёт ҳар томонлама сиёсатга нисбатан бирор-бир ўзига хос тавсияларни назарда тутадими?*

Дрез: Маълум даражада! Улар қандайдир алоҳида эмас, лекин илжи борича етарлича аниқ дейиш мушкул. Улар ресурслардан етарлича фойдалана олмаслик масалаларини ҳал этишга қаратилган, хусусан, етарлича фойдалана олмаслик, нафақат нотўғри нархлар ва иш ҳақи на-



тижасида юзага келади – бу тўлиқсиз бозор шароитида талаб ва таклиф ўртасидаги фарқни акс эттириш мувофиклаштиришдаги узилишларни ҳам ўз ичига олади. Компаниялардаги инвестициялар иккинчи тартибдаги харажатлар, лекин ялпи талабга биринчи тартибдаги самара сифатида ортга сурилади.

Жамғармалар ишлаб чиқарувчилар учун тасдиқланмаган ортга сурилган харажатларга мос келади. Тикланувчи ялпи талаб нисбатан юқори иқтисодий фаоллик ва бандлик ёрдамида ўзгармас нарх ва иш ҳақи шароитида мувозанатни ушлаб туриши мумкин. Бу маънода мен доимо талабни бошқариш сиёсати зарурлиги тарафдори бўлганман.

Ликадро: *Бу эски танқислик харажатига қайтиш эмасми?*

Дрез: Тўхтанг, мен ҳали яқунламадим. Мувофиклаштиришдаги узилишлар доимо такрорланиб туришини унутмаслик лозим. Ҳозир нима қилишимиздан қатъи назар эртага мувозанатлар континууми билан яна тўқнашамиз. Агар мувозанат беқарор бўлса, биз тинчлик сиёсатини ўтказиш йўли билан вазиятни тузатишимиз мумкин. Лекин ёдда тутиш керакки, бундай вазият юзага келганда ҳар гал шундай ишни амалга оширишга тўғри келади. Шу тариқа, танқислик харажати йўли билан ноқулай мувофиклаштириш муаммосини ҳал этишга қаратилган сиёсат фискал экспансия вақт тақозоси билан такрорланиши шароитида давлат қарзи даражасини доимий ошириб боришга олиб келиши мумкин. Натижада, бу мувозанатсизликнинг бир тури бўлиши мумкин. Бу баъзи тузатиш ҳаракатларини талаб этиб, узоқ истиқболда бундай сиёсат жуда барқарор бўлмайди.

Айнан шунинг учун мен муваффақиятсиз мувофиклаштириш масаласини танқис харажат ёки бюджетда тешиқларни яратиш йўли билан эмас, ижтимоий инвестициялар йўли билан ҳал этишни ёқлайман. Нархлар ва иш ҳақининг қатъийлиги шароитида ижтимоий фойдали деб аташ мумкин бўлган инвестиция лойиҳалари мавжуд бўлиб, гарчи, агар иш ҳақиға фақат хусусий харажатлар меҳнатнинг ижтимоий муқобил қийматини акс эттирмаса, улар шахсан инвестор учун фойдасиз бўлиши ҳам мумкин. Бундай инвестициялар тикланувчи ялпи талаб учун фискал экспансиянинг бошқа шакллариға эға бўлган аҳамиятни касб этади. Лекин, инвестициялар узоқ муддатли истиқболда беқарорликка олиб келмайди, чунки узоқ вақт хизмат кўрсатиш инвестициялардан тушум ҳисобига амалга оширилади. Инвестицияларни қоплаш учун шахсий жамғармалардан фойдаланишға ҳеч қандай сабаб йўқ. Бинобарин, Рикардо эквивалентлик қопқонларининг олдини олиш имконини беради. Албатта, сиёсатни қўллаш унча осон эмас: солиқларни



қисқартириш тўғрисидаги фармонни чиқариш ва имзолаш; фойда келтирувчи ва ялпи талабга шундай таъсирга эга инвестиция дастурларини яратиш анча мушкул.

Ликадро: *Келинг, шу жиҳатга тўхталиб ўтайлик. Емирилувчи мувофиқлаштириш шароитида бу иқтисодий сиёсат иши эди демоқчимисиз? Динамик тузилишда амалиётга кўра, мувозанатларнинг кўплиги нафақат бугун, балки эртага ва индинга ҳам қузатилиши мумкин. Шунинг учун агентлар ўз тахминларини нафақат ҳозирги кунга нисбатан балки келажакка нисбатан ҳам мувофиқлаштиришлари зарур. Сиёсатнинг бу оддий қоидаларида нимадир ўзгачароқми?*

Дрез: Мен тахминларни мувофиқлаштириш ғоясига урғу берма-япман. Менга келсак, у ҳолда турли агентларда турли тахминлар мавжудлигини табиий ҳолат деб ҳисоблайман. Ўтказилган тадқиқотлар ҳам айнан шуни тасдиқлайди. Бу мувофиқлаштиришдаги жиддий узилишлар, шунингдек, ресурслардан етарлича фойдалана олмасликнинг олдини олиш учун ҳақиқатда муҳим аҳамиятга эга. Зеро, бу прогнозлардаги оптимизмнинг маълум даражасидир. Бинобарин, биз етарлича қулай натижаларни тахминни мувофиқлаштириш тўғрисида сўзлашишимиз мумкин. Майкл Вудфорд сингари замонавий назариётчилар монетар сиёсат қоидалари инфляцион тахминларни мустаҳкамлашга қаратилганлигига урғу берадилар. Тахминимча, ҳукуматда давлат тураржой қурилиши соҳасида шаҳар бинолари, шаҳар транспортини, янада тезкор коммуникацияларни қайта тиклаш соҳасида инвестицион лойиҳаларни ишга туширишга тайёр катта портфель мавжуд.

Ликадро: *Шу тариқа сизнинг тавсияларингиз талабга маълум даражада қаратилган, шундайми?*

Дрез: Мен Европада сиёсатни моделлаштиришда бевосита иштирок этганман. У пайтда мен бир вақтнинг ўзида ҳам талаб, ҳам таклифга қаратилган икки томонлама сиёсат ғоясини ҳимоя қилганман. Кейинроқ, малакасиз меҳнат соҳасида юқорида айтганимиздек, минимал иш ҳақи ўрнига бандликни рағбатлантирувчи субсидияларни тўлашни таклиф этдим. Бу нархлар ёки иш ҳақининг қатъийлигига мувофиқлаштиришдаги узилишлар билан боғлиқ. Афсуски, иш ҳақининг ўртacha оптималлиги таҳлили унинг миқдорини эътиборга олмайди. Бу иш ҳақининг ортикча қатъийлигидан хавфсираш ва меҳнат даромадларини барқарорлаштириш, иқтисодий самарадорликнинг бир қисми эканлигини англашнинг яна бир сабабидир. Бандликни рағбатлантирувчи субсидиялар бунга жавоб бўлиб хизмат қилади. Мен



бунга касбий ҳамжамият ва маълум жиҳатдан сиёсатни белгиловчиларнинг эътиборини шу масалага қаратаман.

Ликадро: *Шундай қилиб, биз Европанинг келажаги билан боғлиқ муҳим масалалар муҳокамасидаги иштирокингиз мавзусига етиб келдик. Европадаги иқтисодчилар ҳозирга қадар сиёсий масалаларни муҳокама қилишда етарлича таъсирга эга эмасликлари далилини қандай изоҳлайсиз? Бу маънода Қўшма Штатларнинг тажрибаси нимаси билан қимматли?*

Дрез: «Ўсиш ва бандлик: Европа ташаббуси учун имкониятлар» маъруза матни 1990-йиллар бошида 30 бельгиялик ва франциялик иқтисодчи томонидан тайёрланиб, у Эдмон Маленво ва мен томонидан тайёрланган. Маъруза матни малакасиз ишчи кучи бозоридаги ҳолатнинг ёмонлашуви тўғрисида маълумот берувчи илк расмий ҳужжатлардан бири бўлган. Биз ишчилар учун ижтимоий суғурта учун ажратмаларни пасайтиришни таклиф этганмиз. Бу малакасиз меҳнатга харажатларни 30-40 % га пасайтиришга олиб келиши мумкин бўлган муҳим қарор бўлган. Ушбу икки ўлчагичдан биринчиси тўлиқ рад этилган. Ҳозирга қадар ҳам рад этилмоқда. Чунки, Европанинг расмий доираларида ялпи талаб устуворликлар каторига кирмайди. Қатор мамлакатлар бундай ўлчагичларни тақдим этди. Ҳозирги кунда Бельгия ва Франция тўғрисида кўпроқ маълумотга эгаман. Минимал иш ҳақида ижтимоий суғуртага ажратмалар Францияда тахминан 18 %, Бельгияда 15 % ни ташкил этади. Бу биз тавсия этгандан анча кам, лекин етарлича муҳимдир.

Ликадро: *Сиз бу жиҳатни истисно сифатида кўриб чиқасизми?*

Дрез: Шубҳасиз, Европадаги иқтисодчилар Қўшма Штатлардагига нисбатан кам таъсирга эга деган фикр кенг тарқалган. Бу масала юзасидан икки изоҳни келтириш мумкин. Биринчиси, Европада иқтисодиётни бошқарувчи давлат органи йўқ; Қўшма Штатларда эса иқтисодиётни бошқарувчи ҳукумат йўқ. Нима учун? Чунки Европа давлатлар Конфедерацияси, иттифокдир, иттифоқ даражасида эса қатъий ҳуқуқлар чекланган. Бу даражада қарорлар қабул қилиш даражаси мураккаб бўлиб маълум чекловларга эга. Европа комиссияси ҳузуридаги иқтисодиёт бўйича маслаҳатчилар қарор қабул қилувчилар, яъни Вазирлар Кенгашидан йироқдир. Қўшма Штатларда, аксинча, иқтисодиёт бўйича бош маслаҳатчи баъзи муҳим қарорлар қабул қилинганда Маҳкаманинг ҳамма мажлисларида иштирок этади. Бинобарин, маслаҳатчи қарорлар қабул қилиш пайтида иштирок этганда бирор-бир коммуникация схемасини яратишга зарурат йўқ.



Бундан ташқари АҚШдаги Маҳкама Европадаги Вазирлар Кенгашига нисбатан катта ваколатларга эга. Шу нуқтаи назардан Европадаги иқтисодиёт бўйича маслаҳатчи Қўшма штатлардаги нисбатан стратегик қарорлар қабул қилишда камроқ таъсирга эга.

Дез: *Сиз икки изоҳ тўғрисида сўзладингиз...*

Дрез: Албатта, бу масаланинг яна бир жиҳати бор. Иқтисодчилар орасидаги баҳслар ва иқтисодчилар ва жамоатчилик ўртасидаги алоқалар. Бу ерда Қўшма Штатларда юз берувчи катта фарқлар, шунингдек, Европада мавжуд бўлган ҳолатларни кузатиш мумкин. Зеро, таниқли америкалик иқтисодчиларнинг журнал ва гезаталарда маълум устунда иш юритишлари – оддий ҳолат. Бундан ташқари, Букинг институти ёки миллий иқтисодий тадқиқотлар бюросининг Америка иқтисодий уюшмаси тўпламлари доирасида махсус секцияларнинг юритилиши иқтисодчилар орасидаги баҳсларга сабаб бўлади. Европада эса бундай ҳолат кузатилмайди. Гарчи, Европада бундай ҳолат кузатилмаган бўлса-да, мен CERP ва Economic Policy журнаliga форум учун миннатдорчилик билдирмоқчиман.

Ликадро: *Европа иқтисодиёти ривожига қўшган ҳиссангиз фақат илмий тадқиқотлар билан чекланмайди. Сиз докторантлар учун Европа дастури COREни яратишда катта ҳисса қўшгансиз. Унда Европанинг нуфузли ўқув муассасалари, сиз раҳбарлик қилган Европа иқтисодий уюшмаси иштирок этади. Нима учун сиз бундай институтларнинг яратилишига катта аҳамият берасиз? Европада илмий тадқиқот фаолиятини ривожлантиришда бу институтларнинг роли қандай ва нима учун ҳозирга қадар иқтисодий тадқиқотлар соҳасида Америка университетлари етакчиликни сақлаб қолган?*

Дрез: Сиз мутлақо ҳақсиз, Европа иқтисодиётига қўшган ҳиссам ўз илмий тадқиқотим туфайли эмас, балки бошқаларга ёрдам беришимда ифодаланади. Ҳақиқатда бунга шахсий нуқтаи назардан қаралса, Европа иқтисодиётига қўшган энг катта ҳиссам, Жан Дрез бўлиб, у иқтисодиёт ривожига муҳим ҳисса қўшган. Ҳозирда эса Ҳиндистонда ижтимоий суғурта шаклларида бирини илгари суришда фаол иштирок этмоқда.

Саволингизга жавоб бериш ва CORE ҳақида сўзлашдан аввал қуйидаги жиҳатга тўхталишимга руҳсат берсангиз. 1958 йилда Карнеги университетига дастлабки ташрифимдан сўнг (1957–1958) Лёвен университетида қайтдим. Мутахассис сифатида мен Карнеги университетида жуда бахтли эдим. Бу ерда мен бирор-бир ишни амалга оширишда кўмак ва интилишни ҳис қилардим. Мени COREда бир неча йил фао-



лият юритганлар яхши тушунишади. Бельгияда эса ҳаммаси бошқача эди. Мен Лёвен университетидан таклиф олишга муассар бўлдим ва уни қабул қилдим. Лекин, бу ерда Карнеги университетида рағбатлар мавжуд эмас эди. Шунинг учун агар бу ерда сафдошлар пайдо бўлмаса, узоқ вақт қола олмайман деган қарорга келдим. Бу менинг кичикроқ тадқиқот ташкилотини яратишга интилишимни изоҳлаб, унда мен сингари кишиларни бирлаштириш имконияти туғиларди.

Дез: *Кичик тадқиқот ташкилоти деганда COREни назарда тутаясиз. Фақат камтарлик қилясиз.*

Дрез: Мутлақо, COREни яратиш имконияти фақат 1964 йилда пайдо бўлди, бу вақтда Роттердамдаги Эконометрика институти асосчиси Ханс Тейл Қўшма Штатларга жўнаб кетгандагина амалга ошди. Натижада, Менежмент институти (Карнеги университетидаги дўстларим катта таъсирга эга бўлган) Лёвен университетини қўллаб-қувватлашга ўтди. Бу кичик тадқиқот ташкилотга операцияларни тадқиқ этиш, эконометрика ва математик иқтисодиёт соҳасида университетнинг қўллаб-қувватлашига эришиш имконини берди. Университет хона ажратиши ва кичик бюджет, шунингдек, бизнес-мактаб ўқитувчилари, муҳандислик ва иқтисодиёт факультетлари ўқитувчиларини бирга тўплаш имкониятига бўлиши мумкин эди.

Мен 1964 йил Чикаго университетидан, бу ер америкаликларни ўз академик таътилини Европада ўтказиши эҳтимолига эга жой бўла оларди деган фикрдан қайтдим. Дарҳол америкалик дўстларимга CORE «таътилдагиларни» қабул қилишдан хурсанд деб хабар бердим. Дастлабки икки йилда бу ерга Мертон Миллер ва Жек Хиршлайфер сингари олимлар ташриф буюришди. 1966 йилда CORE нисбатан кичик, лекин, шубҳасиз, халқаро ташкилот бўлган.

Дез: *Кейин нима бўлди?*

Дрез: Бизга омад кулиб бокди. Менинг яхши дўстим Жорж Шульц Форд фонди, Европада бизнес ва иқтисодиёт соҳасига қизиқишни намён этмоқда деб шама қилди. Фонднинг АҚШда бундай иш бўйича ижобий тажриба мавжуд, ҳозирги кунда у Европада ҳам шунга ўхшаш ишни амалга ошироқчи, лекин алоҳида олинган мамлакат доирасида эмас, балки халқаро даражада. Мен Форд фонди мададини қай тариқа олганимизни батафсил сўзлаб беришим мумкин эди. Лекин 1968 йилда CORE ташкил этилган даврдан икки йил ўтиб, бизни қисман, лекин доимий асосда Форд фонди молиялаштириб турди. Фонд туфайли биз университетдан энг зарур нарсаларни олдик ҳамда академик йил давомида ташкилотимизга тахминан 7–8 нафар олим ташриф буюрди.



1968 йилда дарҳол хотирамга келадиган Тон Бартер ва Вернер Хилденбранддан ташқари COREнинг доимий иштирокчиларига айланган Жерар Дебрё, Карл Винд, Брижит Гродал, Исроилдан Давид Шмайдлер, Труман Бьюли ва ҳ.л.лар ташриф буюришди. CORE ажойиб масканга айланди.

Дез: *У даврда CORE Европа қитъасида беқиёс ҳодиса – вақт ўтиши билан зойиб бўлган монополия эди.*

Дрез: Йиллар ўтиб, Европанинг бир неча университетлари шунга ўхшаш ташкилотлар яратилганидан чин дилдан хурсандман. COREнинг Европа иқтисодиётига ҳиссаси маълум маънода ўтказилган тадқиқот иши, кўп жиҳатдан эса, ишларни тегишлича амалга оширишнинг намунаси бўлган. Бонн, Тильбургдаги лойиҳалар, бунда Тон Бартер раҳбарлигидаги CentER ўз фаолиятини COREнинг «ойнадаги акси» сифатида бошлади. Париждаги Delta, Марселдаги GREQAMCOREнинг тажрибасига таянарди. Шунинг учун бу нуқтаи назардан CORE Европада катта таъсирга эга эди.

Дез: *CORE – тадқиқот маркази. У талабаларга таълим бериш жараёнида қандай иштирок этди?*

Дрез: COREда тез орада докторантлар учун шахсий дастур яратишнинг мақсадга мувофиқлиги юзасидан қизгин баҳслар авж олди. Баъзилар бунга маъқуладилар, чунки у университет билан ўзаро муносабатларни мустаҳкамларди, докторантлар эса тадқиқот маркази ишида фойда келтиришлари мумкин эди. CORE аъзоларининг бошқа қисми эса яхши дастурни амалга ошириш имкони бўлмаса, талабаларни хорижга, айтайлик, АҚШ ёки Лондонга юбориш лозим деб таъкидлади. Бир неча йил давомида иккала томон ҳам ўз нуқтаи назарини ўзгартирмаслик учун курашди. 1975 йил бу масаланинг навбатдаги муҳокамаси пайтида CORE ҳайъати мажлисида чўзилиб кетган муаммони эҳтимолли ҳал этиш устида фикр юритарди. Ўша йили бизда COREда Лондон иқтисодиёт мактаби профессори Дэвид Хендри меҳмон бўлди.

**Сухбатни Пьер Дез ва Омар
Ликардо олиб боришди**

*Лёвен католик университети ва
Европа университети институти,
2004 йил, май.*



ФРАНКО МОДИЛЬЯНИ



1918 йил 18 июнда Италияда таваллуд топган. Келиб чиқиши яхудий-итальян миллатига мансуб америкалик иқтисодчи. Жейкоб Маршакнинг шогирди. Иқтисодиёт бўйича 1985 йили Нобель мукофотида «Молия бозори ва одамларнинг жамғармага нисбатан хатти-ҳаракатларини таҳлил қилганлиги учун» сазовор бўлган.

1939 йилда Рим университетини тугатган. Иккинчи Жаҳон уруши бошида у АҚШга кўчиб ўтган. 1942 йилда Колумбия университетида дарс беришни бошлади. 1944 йилда у Нью-Йорк ижтимоий тадқиқотлар мактабида докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. У Колумбия, Иллинойс, Шимоли-Фарбий университетларида, 1962–1988 йилларда Массачусетс технологиялар институтида дарс берган. 1950-йилларнинг охири, 1960-йилларнинг бошларида у М.Миллер билан биргаликда замонавий молиявий назариянинг иккита асосий теоремаларини яратди, улар «Модилиани-Миллер теоремалари» деб номланди.

1960-йилларнинг бошларида унинг Альберт Андо билан бирга ёзган 1963 йилги мақоласига Милтон Фридман ва Дэвид И. Мейселманнинг жавоби иқтисодчилар ўртасида «пул-кредит солиқ сиёсати мунозараси» деб номланди.

1975 йилда Модильяни, ўзининг собиқ шогирди Лукас Пападемос бўлган мақоласида «НАИРУ» [«non-accelerating inflation rate of unemployment», («ишсизликни тезлаштирмайдиган инфляция»)] тушунчасини, ишсизликнинг инфляциясиз даражаси, гўё яхшилланиши «ишсизликнинг табиий даражаси» тушунчаси устида иш олиб борган. Бу атамалар инфляция кўтарилган ишсизлик даражасини англатади.

1997 йилда Модильяни ва унинг набираси Лея Модильяни Шарп коэффициентидан келиб чиққан ҳолда инвестиция портфелининг тавак-




калчилик билан тузилган рентабеллигини ўлчаб, ҳозирда «Модильяни таваккалига мослаштирилган кўрсаткич» деб номланган формулани ишлаб чиқишди.

Модильяни солиқ-бюджет сиёсати бўйича олиб борган ишлари пост-кейнсчилик иқтисодиёти тарафдорлари томонидан танқидга учради, улар унинг нуқтаи назаридаги «кейнсианизм» билан баҳслашиб, унинг НАИРУ концепциясига қўшган ҳиссасини, шунингдек, молия танқислиги ҳақидаги умумий позициясини таъкидладилар. Модильяни-Миллер теоремаси шунинг англатадики, ёниқ иқтисодиёт учун давлат қарздорлиги фақат кейинга қолдирилган солиққа торттишидир, чунки давлат харажатлари фақат «пул босиб чиқариши», солиққа торттиши ёки қарз олиши йўли билан молиялаштирилиши мумкин, шунинг учун давлат харажатларини пул билан молиялаштириши кейинги мажбуриятларни назарда туттади. Гўё доимий даромадга аниқ солиқ солиши билан бир хил таъсир кўрсатадиган «инфляция солиги» деб номланган.

Шунга қарамай, улар унинг ишсизлик масаласида алоҳида овозини тан олдилар.

ФРАНКО МОДИЛЬЯНИ БИЛАН СУҲБАТ

Франко Модильянининг иқтисодиёт ва молияга қўшган ҳиссаси иккала соҳани ҳам ўзгартирди. Гарчи бу соҳалардаги бошқа кўплаб ишлар қилинган бўлса-да, Модильянининг қўшган ҳиссаси аҳамияти жиҳатдан вақт билан ўсадигандек туюлади. Унинг ликвидликни афзал кўриш ҳақидаги 1944 йилги мақоласи кейнсчилик мактаби авлодлари учун сўралган ўқув манбаи бўлибгина қолмай, балки барча иқтисодчиларнинг луғатидан муҳим ўрин эгаллади. Истеъмол ва сақлаш ҳаёт йўли гипотезаси ҳаёти чекланган моделларнинг макроиқтисодиёт билан бирлашишида асосий туртки бўлиб хизмат қилди ва Аллаис, Самуэльсон, Олмоснинг қисман қоплаш авлодлари усули моделлаштириш макроиқтисодиётида ўсиш учун асл ролни ўйнади.



Модильяни ва Миллернинг капитал нархи устида олиб борган ишлари корпоратив молияга айлантирилди ва инвестиция, капитал уску-



наларни нархлаш ва ҳосилалар устидан олиб бориладиган изланишлар учун замин яратди. Модильяни 1985 йил иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофотини кўлга киритди.

Макроиқтисодиёт дастурида Модильяни икки қитъада ўз таъсирини қолдирди. Қўшма Штатларда Федерал захира тизимининг катта микёсдаги чораклик макроиқтисодий моделининг яратилишида асосий ролни ўйнади ва тез-тез Вашингтондаги Федерал захира тизими академик маслаҳатчилари Бошқарувчилар кенгаши томонидан ўтказилган ярим йиллик йиғилишларда қатнашди. Унинг ОАВда чиқишларидан кейин деярли ҳамма уни машҳур инсон сифатида қабул қила бошлади. Европанинг қолган қисмларида эса у ўзининг машҳурлигини, бир гуруҳ Европа ва Америка иқтисодчилари билан биргаликда, бир нечта машҳур иқтисодчи томонидан маъқулланган ва имзоланган «Иқтисодчининг Европа Иттифоқидаги ишсизлик ҳақида манифести» орқали кучайтирди.

Ушбу интервью турли вақтда, икки жойда ва икки қисмда олинди, кейинчалик бирлаштирилди. Дастлабки интервью Марта Винеярдаги Модильянининг дам олиш уйида Роберт Солоу томонидан олинди. Қуйидагилар ўша суҳбатдан ёзиб олинган кассетадаги сўзлардир, суҳбатнинг қолгани эса, Массачусетсда, Гарвард университети яқинидаги Чарльз дарёсидаги Модильянининг кўп қаватли уйида Уильям А. Барнетт томонидан ўтказилди. Модильянининг молия ва иқтисод фанларига қилган таъсири шу соҳа вакиллариининг барчасига маълум бўлса-да, фақат ўзининг талабаларигина унинг бошқаларга бахш этган илҳомини тушунишади. Бироқ, Йел университететида Роберт Шиллернинг Модильянини «менинг қаҳрамоним» деб атаганида яққол ўз аксини топди.

Барнетт: *Қуйидаги Солоу билан муҳокамангизда, сиз Италияда талаба бўлганингизда кўп ўқимаётганингиз ва Қўшма Штатларга кўчганингизни айтиб ўтдингиз. Нима учун кўчиб ўтганингиз ва қачон Италияни тарк этганингиз тўғрисида батафсилроқ айтиб бероласизми бизга?*

Модильяни: Эфиопия уруши ва Испан фуқаролар урушида фашистлар бартараф этилгандан сўнг, фашистларга қарши кучли ғояни ва Италияни тарк этишни ўйлашни бошладим, лекин Муссолини ва Гитлернинг яқин бирлашуви натижасида ҳосил бўлган ва Италияда мутлақо салобатли яшашни имконсизлаштирган антисемитизм қонунлари менга охири зарба бўлди.

Ўша пайтда мен аллақачон бўлажак рафиқам Серенани учратган ва биз унаштирилган эдик. Унинг отаси анчадан буён фашистларга қарши эди ва Италиядан кетишга тайёргарлик кўрарди. Ўша қонунлар ўрнатилганда, биз дарҳол нарсаларимизни жойлаб, Францияга жўнаб кетдик.



Биз Қўшма Штатларга 1939 йилнинг августида, Германияни Россия устига ҳужум қилишга етаклаган Сталин ва Гитлер ўртасидаги машҳур келишув ўрнатилган кунда етиб бордик. Мен Қўшма Штатларга университет билан олдиндан келишувларсиз келдим. Мен иқтисодий ўрганишни жуда ҳам хоҳладим. Университет кўплаб интеллектуал антифашистларга эга эди, улардан бири машҳур антифашист қочоқ Макс Ассоли менга ижтимоий изланишлар учун Янги мактабдан грант олишимга кўмаклашди.

Барнетт: *Франко, сиз Италиядан кетганингиздан сўнг диссертациянгизни ҳимоя қилиш учун Италияга яна қайтишингиз керак эди. Лекин диссертациянгизни ҳимоя қилиш учун қайтишингизга боғлиқ бирор хавф кузатилмадими?*

Модильяни: Ҳа, биз Римдан Парижга кетганимизда илмий даражамни олиш учун мен ҳамма имтиҳонларимни топшириб бўлгандим, лекин илмий ишимни ҳали ёқламаган эдим. 1939 йилнинг июлида, Париждан Қўшма Штатларга жўнаб кетишдан олдин, ҳамма ёзувларимни тугатишни истадим ва илмий ишимни ҳимоя қилиш учун Римга қайтишга қарор қилдим. Албатта, мазкур жараён хавфдан холи эмасди, чунки ўша пайтда мен қўлга олинашим мумкин эди. Мен антифашист гуруҳлар билан бўлган алоқаларимни Парижда сир сақламадим, шунинг учун гумондалигим ёки қамоққа олинашим эҳтимоли бор эди. Бахтимга ҳеч нарса содир бўлмади. Қайнотам жуда ташвишланди ва ҳар қандай яқинлашаётган хатар ҳақида код орқали бизларни огоҳлантиришига келишиб олдик. Код шунчаки Бен Амакидан иборат эди. Агар у ўзини яхши ҳис қилмаётган бўлса, биз кетишга тайёр бўлишимиз керак эди. Агар у ўлса, биз дарҳол жўнаб кетишимиз лозим эди. Бизга ҳеч қачон у кодни ишлатишга зарурат бўлмади, лекин илмий ишимни тамомлашга муваффақ бўлганимда хотиржам бўлдим ва кейин кеч августда биз Қўшма Штатларга жўнадик.

Барнетт: *Машҳур ҳайкалтарош ва рассом Амедео Модильяни Италиянинг Ливорно шаҳрида 1884 йилда тугилиб, 1920 йили Парижда вафот этган. Уни сизнинг оилангиз билан боғлиқлиги бор эдими?*

Модильяни: Ундай боғлиқлик бўлмаган.

Солоу: *Франко, биринчи навбатда, сизнинг 1944 йилги «Эконометрика» газетасидаги «Барҳам бериш афзалликлари, фоиз ва пул назарияси» номли мақолангиз ҳақида гапирмоқчиман. Уни ёзаётганизда 25 ёшда эдингиз, шундайми?*

Модильяни: Ҳа, шу ёшлар атрофида. Италияда айтарли фойдали нарса ўрганмадим. Иқтисодийнинг бирор-бир фойдали ўқитишлари йўқ эди. Нимадир ўқитилган бўлса ҳам корпоратив давлат тўғрисида эди.



Стокголмда, Нобель совриндорларининг қайта йиғилишида. Чандан ўнга Кеннет Эрроу, Ф.Модильяни, Пол Самуэлсон ва Роберт Солоу. 1991 йил, декабрь

чингиз Жасча Марсчак бўлган, шундайми?

Модильяни: Жасча Марсчак менинг ўқитувчим бўлган. Биз унинг дарсларида Кейнс ва умумий назарияни ўрганганмиз. Мен икки хил семинарга қатнашганман, лекин қўшимчасига ундан маслаҳат ва кўмаклар олганман. У менга ўқув дарсликларини маслаҳат берди ва бироз ҳисоб ўргануви ва Р.Г.Д. Алленнинг буюк китоби «Иқтисодчилар учун математик ускуналар»ни чуқур тушуниб, жиддий статистикани ўрганиш (Колумбияда Авраам Цолд маърузаларига қатнаб) оқибатида эгалланган математик усулларнинг аҳамиятини тушунтирди ва, ниҳоят, у менинг ўзидан ташқари Тьяллинг Купманс ва Оскар Ленгга ўхшаган одамлар қамраб олинган ажойиб норасмий семинарда қатнашимга ҳомийлик қилди. Лекин, бахтга қарши, Марсчакнинг 1942 йилда Нью-Йоркдан Чикагога кетиши жуда ташвишлантирди мени. Унинг ўрнига бошқа зукко, Абба Лернер келди. Мен у билан Кейнс ҳақида кўплаб муҳокамалар ўтказганман. Ўша вақтларда Абба функциявий молия деб номланган иш устида бош қотирар эди.

Солоу: *Ҳа, машҳур «штурвал».*

Модильяни: Функциявий молия мени 1944 йилги мақолани ёзишга ундади. Функциявий молияда фақат фискал сиёсатнигина умумий талабга таъсири бўлиши мумкин. Мен Лернер билан баҳслашиб, унга Кейнс ундай демаганини тушунтиришга ҳаракат қилардим.

Солоу: *Энди, Марсчак биланми ё Лернер билан, Кейнс иқтисодиётининг дастлабки математик моделларини, шунингдек, Хискс ёки Оскар Ленг мақолаларини ўқиганмидингиз?*

Модильяни: Хўш, мени адабиётдан хабарим бўлган ва, албатта, мақолаларимдан ҳам маълумки, адабиёт менга ўз таъсирини ўтказган. Хискснинг Кейнс ва классиклар ҳақидаги мақоласи ажойиб мақола эди

Шундай қилиб, ҳамма ўрганганларим Нью-Йоркдаги Ижтимоий изланишлар янги мактабида Якоб Марсчакнинг йўл-йўриқлари натижасида бўлди.

Солоу: *Бу қачон бўлган эди?*

Модильяни: 1939 йилдан 1941/1942 йиллар оралиғида.

Солоу: *Шундай қилиб, сизнинг асосий йўлбош-*



ва у мақоламнинг бошланиш нуқтаси эди. Фақатгина Ҳиксинг ойликлар устидаги қаттиққўллиги қайта ишланмаган маълумот сифатида олинган эди, муқобил версияларга эътибор қаратилмаган эди.

Солоу: *Ҳа, у кейинчалик «ўзгармас нархдаги модел» деб атаган.*

Модильяни: У ўзгармас нархни номинал шартларда, яъни улар ҳақиқий бўлишига қарамай ишлаш учун қилган. Пул таъминоти ҳам ҳақиқий ва номинал нархлардадир.

Барнетт: *Массачусетс технологиялар институтига келишингиздан аввал, сиз бир нечта Америка университетида бўлгансиз, Ижтимоий изланишлар янги мактаби, Аёллар учун Нью-Жерси коллежи (ҳозирги Дуглас коллежи), Колумбия университетининг Бард коллежи, Чикаго университети, Иллинойс университети, Карнеги технология университети (ҳозирги Карнеги-Меллон университети), Шимолӣ-Фарбий университет шу рўйхатни ўз ичига олади. Массачусетс технологиялар институтидан олдин, Қўшма Штатлардаги сиз учун энг сермахсул вақт оралиги қандай бўлган?*

Модильяни: Энг сермахсул давр, сўзсиз, Карнеги Течда фавқулудда рағбатлантирувчи факультет ва талабалар гуруҳи билан ўтган 8 йил (1952–1960) бўлди: гуруҳ икки ажойиб инсон, декан Г.Л.Бач ва Герберт Саймон томонидан бошқарилган. Ўшанда замонавий бизнес мактабларининг дарс тузилмасини қайта тузиб чиқишдек ажойиб топшириқ устида ишлардик ва ажойиб ҳаяжонларга бой йиллар эди. Ўша ишлардан баъзилари ҳаёт цикли гипотезаси ҳақидаги ишлар, Модильяни ва Миллер ишлари Нобель мукофотига лойиқ деб топилди.

Барнетт: *Эшитишимча, Янги мактабда ўқитаётганингизда ўша вақтдаги энг зўр иқтисодчилар бўлими бўлган Гарвард университетининг Иқтисодиёт бўлиmidан таклиф тушган экан. Лекин факультетни ҳайрон қолдириб таклифни рад этгансиз. Нега шундай қилгансиз?*

Модильяни: Чунки, бўлим бошлиғи – профессор Бурбанк. Мен кейинроқ у ҳақда унинг антисемитизм кайфиятидалиги ва чет эллик муҳожирлардан кўркиши билан донг чиқарганини эшитиб, мени яхшигина таклифни рад этишимга ишонтирди. Чунки, факультет мени кўндириш учун уни мажбур қилган эди. Унинг тушунтиришича, мен ёш мутахассислар, масалан: Александр, Гудвин кабилар билан беллаша олмас эканман. «Кичик кўлда катта балиқ бўлиб юрганингизга шукр қилинг». Аслида, таклифни рад этишга ишонтирилишимга унча кўп вақт кетмади. Бурбанк билан бўлган учрашувимдан кейин улар билан қўшилганимни нишонлаш учун кутаётган Ҳаберлер ва Леонтьевлар билан тушлик белгиладим. Бироқ, улар мени том маънода Бурбанк мени осонгина ўзи-



га оғдиришига йўл қўйиб беришди. Шунга қарамай, ҳақиқатда мен ҳеч қачон ўз қароримдан афеусланмадим. Ўша вақтда Гарвардда жуда кам маош тўланарди, агар таклифни қабул қилганимда карьерам анча тез ривожланган бўларди.

Барнетт: *Машҳур футболчи қизил танли фермер (Сакраб чоғувчи Арвоҳ) сизнинг Иллинойс университетини ташлаб кетиш билан боғлиқ қарорингизга таъсир кўрсатганми? Иллинойс университетини да нима содир бўлдики сизни кетишингизга сабаб бўлди?*

Модильяни: Қисқача қилиб айтганда, «Боуэн урушлари» профессияда эпизод бўлиб келди. Университет президенти янги, ажойиб декан Ҳовард Боуэнни Тижорат коллежи Иқтисодиёт бўлимига бошлиқ қилиб олиб келди. Лекин, эски ва рақобатсиз факультет Боуэн олиб келган биринчи даражали инсонлар Леонид Хурвикс, Маргарет Рейд, Дороти Брайдларга чидаб туришолмади. Эски факультет Боуэнни, машҳур бўлмаган сенатор Жозеф Маккарти бошчилигидаги жодугарлик овининг бир қисми сифатида чиқариб ташлашга муваффақ бўлишди.

Маккарти қанотини сийлаган ишончли етакчиси, машҳур, қизил танли фермер эди. Мен кейин нафратлана бошладим, маҳаллий нашрлардаги портлаш билан чиққаним ҳали ҳам эсланади: «Ва, ниҳоят, энди тижорат коллежида тинчлик бўлади, лекин бу ўлик тинчликдир». Мени кетишим эски касбдошлар томонидан хурсандчилик билан ўзларининг укувсизликларига мос кутиб олинди. Бироқ, 40 йилдан кейин университет мени шарафли даражага лойиқ кўрди.

Солоу: *Яхши, унда 1944 йилги ишга қандай изоҳ берасиз? Агар қайта ёзганингизда уни қатъийлик билан ўзгартирган бўлармидингиз?*

Модильяни: Ҳа! Мазмунан эмас, балки намойиш этишда. Ўз автобиографиямда қилаётган ишим каби. Мен у ишни тўлиғича қайта кўриб чиқяпман ва бошқа ўзим фойдали деб кўрган йўл билан бошляпман. Мен уни тушунчадан бошляпман, классиклар ва Кейнс ҳам пул моделининг классик талабидан келиб чиқиб, иқтисодиётдаги энг эски ва яхши ўрнатилган намуналардан биридир.

Пул учун талаб трансакциялар қиймати билан ўзаро мутаносиб, ҳар қандай нуқтада номинал иш ҳақи нисбатида тахмин этилиши мумкин (ҳақиқий иш ҳақи нарх даражасига кўпайтирилган). Номинал пул таъминоти ташқи омилдир. Шунинг учун, пул бозори номинал иш ҳақидаги ўзгаришлар орқали барқарор нуқтага етиши керак. Номинал иш ҳақи пул бозорини тозалайдиган ўзгарувчи омилдир.

Классик ва Кейнс иқтисодиёти ўртасидаги фарқ қаердан келиб чиқди унда? Оддий: классикчилар ойликлар юқори даражада мослашувчан ва маҳсулотлар тўлиқ ишчилар билан ўрнатилган деб тахмин қилишади. Шу



ердан, пул миқдорининг маҳсулотларга ва нархни белгилашга унчалик таъсири йўқ, номинал пул таъминотига нисбатан, албатта (пул миқдори назарияси). Бошқа тарафдан, Кейнс ойлик маошларни ўзгармас (куйига йўналган) деган реалистик ғояга ишонишади. Бу дегани, улар ошиб кетган ишчи таклифига зудлик билан жавоб бериш учун қисқартиришмайди. Қачонки ишсизлик керакли даражадан ошиб кетса, ишчилар номинал маош талабларини пасайтиришмайди, фирмалар ҳам маош таклифларини туширишмайди. Унда пул бозорини нима тозалайди? Яна айтаманки, бу номинал даромаддаги пасайишдир. Лекин, нархлар асосан ўзгармас бўлгани учун, бу пасайиш ҳақиқий даромадда ва қисман иш билан таъминланиш даражасида рўй бериши лозим. Агар номинал пул таъминоти танқислиги барча пул талабини таъминлай олмаса, бозор маҳсулот ва иш билан таъминланганликдаги пасайиш билан тўғриланади. Кейнс айтганидек, фундаментал масала шуки, нархлар мослашувчан эмас.

Солоу: *Лекин, тез ўзгарувчан эмас.*

Модильяни: Бу тўғри. Улар жуда секин жавоб бериши мумкин, лекин ҳақиқий пулдаги жуда секин ўзгариш тезкор барқарорлаштириш учун зарур бўлган ҳақиқий пул таъминоти кенгайишини келтириб чиқара олмайди. Унда нима барқарорлаштиришни қайта ўрнатади? Маошлар ва нархлар ўзгармас бўлганидан кейин, номинал даромаддаги тушиш фақатгина ҳақиқий даромад ва иш билан таъминланганликдаги тушиш орқали содир бўлиши мумкин. У ерда пул талабини пул таклифи билан тенглаштирувчи ва бозорни тозаловчи ҳақиқий даромаднинг ягона даражаси бўлади.

Солоу: *Фоиз даражаси ҳақида ҳеч нарса йўқми?*

Модильяни: Фоиз даражаси кейинги ўринда барқарорлаштирувчи механизм сифатида келади. Фактда эса, Кейнснинг ягона эришган ютуғи фақатгина ишсизликнинг бозорни тозаловчи омиллигини кўрсатишдан иборат эмасди, у пулга бўлган кучли талабни маҳсулотдаги пасайишга сабаб бўлувчи ва шундан пулга бўлган талабни ҳам, пулга бўлган талаб пул таъминоти билан тенглашгунча бўладиган механизмни ҳам пухта ишлаб чиқди. Механизмни ишлаб чиқиш жараёнида, классикчиларга номаълум бўлган ҳолда, у янги иқтисодиёт соҳасини яратди. Бу макроиқтисодиёт эди.

Макроиқтисодиёт ёки пул таъминоти иш билан таъминланганликни аниқловчи, ҳозиргача кўп иқтисодиётчиларга маълум бўлган 4 та устунга асосланадиган механизмдир. Улар:

1. Бартараф этиш афзалликлари.
2. Инвестиция функцияси.
3. Истеъмол ва жамғариш функцияси.



4. Жамғарма ва инвестиция тенглиги.

Баргараф этиш афзалликлари шунчаки пулга бўлган талаб, фоиз ставкасига боғлиқ дегани эмас. У улкан хатони ёритишга олиб келади, классик пул назариясини тахмин қилишда, яъни пул нархи унинг товарларни сотиб олиш кучи (бир долларга лойиқ саватлар). Бу дегани, пул танқислиги унинг сотиб олиш кучида тезкор ўсишга олиб келиши лозим (нарх даражасида пасайиш). Энг аҳамиятлиси, «пул келажакда», унинг нархи пулнинг эртанги нархи билан бугунги нархида ҳисобланади, оддийгина қилиб айтганда $(1 + p)$, p тегишли фоиз ставкасидир.

Шунингдек, тажрибалар шуни кўрсатадики, молиявий бозорлар бозор ҳолатларига жуда ҳам сезгир: Фоиз ставкалари (айниқса, қисқа вақтда) юқори даражада мослашувчан. Шундай қилиб, пулга бўлган талаб таъминотда кам бўлса, тезкор равишда омборни йўқотиш ёки кечки овқатдан тежаб қолиш, товарлар нархини куч билан тушириш эмас, балки келажакдаги пулга бўлган даъво портфелига барҳам бериш (ёки келажакдаги пулнинг қарзга олиншини ошириш), бугунги ва келажакдаги пул ва савдонинг ошишига етаклаш, фоиз ставкаларидаги ошишни назарда тутати. Ва бу инвестициядаги тушиш орқали содир бўлган кам миқдордаги маҳсулотга етаклайдиган занжирни бошлайди, шунда даромад билан таъминланганлик ҳам пасаяди. Бу тушиш, фоиз ставкаларидаги ўсиш билан биргаликда, пулга бўлган талабни унинг таъминотига етказмагунча камайтиради.

Солоу: *Ҳа, демак, фоиз ставкаси асосий нарх бўлиб ҳисобланар экан-да.*

Модильяни: Аслида, бу бир ва фоиз ставкасининг йиғиндисидир. Агар сизда ва тизимда пул танқислиги бўлса, у, биринчи навбатда, кўпроқ пул олишга, нақд пулларни йўқ қилиш орқали ёки қарз олиш орқали бугунги пулни эртанги пулга алмаштиришга ҳаракат қилади. Фоиз ставкалари инвестицияни тушириб оширади, сўнгра ажойиб тенглик пайдо бўлади: инвестиция омонат кассаларда йиғилган пулга тенглашади, ҳозиргача бўлган классик қарашдаги нуқтаи назар тенглигига ҳатто улар ҳам ишонишмаган эдилар.

Солоу: *Тўғри.*

Модильяни: Даромад ҳам пул талаби билан таъминот тенглашиши учун ўзгаради. Бу ҳам фоизлардаги ўсишни ва даромаддаги тушишни келтириб чиқаради. Бу иккови талаб ва таклифнинг тенглашишига хизмат қилади. Энди қанча миқдорда фоизлар ўсади-ю, даромад пасаяди? Бу системанинг параметрларига (талаб эластиклиги) боғлиқ.

Солоу: *Ҳозирги айтганингиз, битта ҳикояни турли йўл билан айтиб, нима муҳимлигини таъкидлашга ўхшайди. Лекин, бу, асосан,*



1944 йилги мақоладан ёки IS-LM аппаратидагидан фарқ қилмайди, менимча.

Модильяни: Мутлақо тўғри. Лекин мен шуни таклиф қиламанки, яъни ишсизлик ҳақида ўйлаш юқумли касаллик эмас, балки бозорни то-залайдиган, фойдали ва улкан янгилик, ўзгарувчи кучдир. Ишсизлик эса, тенглаштирувчи механизмдир. Биз иқтисод фақат иш билан таъминла-нишни тўлиқ даражага етказиши керак деб ўйлаганимиз учун ишсизлик биз учун керак эмасдай туюлади. Лекин ишсизлик иқтисодиётнинг тизим хусусияти бўлиб, трансакцияларни амалга ошириш учун пулга таянади. Ишсизликнинг олдини олиш учун пул таъминотини тўғри йўлга қўйиш керак ёки фоиз ставкасини тўғрилаш керак. Тўлиқ иш билан таъминлан-ганликка етказувчи бошқа йўл йўқ. Бошқа автоматик нарса йўқ.

Барнетт: *Пул сиёсати устида олиб борилган баъзи ишлар пул ўтказиш механизми кредит канали орқали ишлайди деган эҳтимолликка урғу берди. Бу илмий ишнинг туб мақсади пул сиёсати истеъмолчи ва бизнес харажатига таъсир қилиши мумкин, чунки бу орқали у фоиз ставкаларига эмас, балки агентлар учун яроқли бўлган кредит миқдорига таъсир ўтказилади. Бу иш кўпинча баъзи кузатишлар орқали кучайтирилади, яъни харажатнинг фоиз эластиклиги пул сиёсатининг катта таъсирини ҳақиқий иқтисодий ҳаракат деб ту-шунтириш учун жуда озлик қилади. Нима деб ўйлайсиз, пул сиёса-тида бирор муҳим кредит канали борми?*

Модильяни: Менинг бу саволга муносабатим, унинг устида кўплаб ишлар олиб борган бўлсам-да, охирида бу савол амалийдир, назарий эмас. Пул сиёсатининг банклар савдо қарзлари сифатида таъминлайди-ган кредит миқдорининг ўзгариши орқали қисман ҳамда унинг нархи орқали ишлашига ишониш мумкин. Бу йўл билан уни бозор фоизлари сифатида ҳаракат қилишида бироз таъсири бўлиши мумкин, аммо фо-изларни катта силжишларга сабабчи бўлиши шарт дегани эмас. Ўйла-шимча, келгусидаги илмий ишлар буни тузатишга ёрдам беради. Бироқ, ечим чексиз бўлмайди, ечим молиявий воситачилар структураси ва уларни бошқарувчи қонунларга таянган бўлади.

Солоу: *Яна бир сўрамоқчи бўлган саволларимдан бири, менимча, аллақачон жавоб бериб улгурдингиз. Бугунги кунда Кейнсчи бўлиш-нинг маъноси нимада? Лекин, тушунишим бўйича, ҳозиргина айт-ганингиздек, Кейнс иқтисодиётининг негизиде, сиз ўзингизни Кейнс иқтисодиётининг намояндаси деб ҳисоблайсиз?*

Модильяни: Мутлақо тўғри. Мен ўзимни кейнсчилардан деб ҳисоблайман. Менинг фикримча, Кейнс иқтисодиёти ҳақиқий улкан таъсирга эга бўлибгина қолмай, балки янги ва улкан ғоялар мажмуи си-



фатида буюк инқилобга эришди. Мен ўзимни асосий кейнсчилардан деб хисоблайман, яъни тизим автоматик равишда маълум бир қоидаларсиз ишсизликка барҳам бермаслигини биламан.

Нарх мослашувчанлиги тўлиқ иш билан бандликни келтириб чиқармайди, шу сабабли ишсизлик доимо ҳақиқий пул етишмаслиги оқибатида бўлади. Бироқ, тан олиними керак, шундай ҳолатлар бўладими, Марказий банк керакли миқдордаги пулни етказиб бера олмайди. Масалан, Италиядаги ҳолат жуда қизик бўлган.

Ишсизлик ҳақиқий маошларнинг жуда баландлиги туфайли содир бўлади, улар тўлиқ иш билан бандликда етарлича салбий соф экспортни келтириб чиқаради. Ундай ҳолатларда, агар Марказий банк кўпроқ умумий талабни ва иш ўринларини яратмоқчи бўлиб пул таъминотини кучайтирса, савдо баланси молияга оид бўлмаган дефицитларга олиб келади ва, оқибатда, Марказий банк шартнома тузишга мажбур бўлади. Демак, сиз ҳар доим ҳам пул таъминотини ошириш имкониятига эга эмассиз. Лекин, бу пул таъминоти осонлик билан ошириладиган ва ишсизлик ҳақиқий пул етишмовчилиги оқибатида бўладиган Европадаги ҳолат эмас.

Солоу: *Биласизми, мен сизнинг шу фикрингизга қўшилган бўлардим.*

Модильяни: Фоиз ставкалари жуда юқори. Пул етарлича таъминланаётгани йўқ. Буни тушунишмаяпти. Бу эса, Европа ишсизлигининг асосий манбаидир. Ишчи кучи бозоридаги бир қанча ислохотлар, шунингдек, маош мослашувчанлиги ёрдам бериши мумкин эди, лекин умумий талабдаги улкан ўсиш бўлмаса, бирор иш чиқмайди.

Солоу: *Тўғри, лекин буни европалик банкирларга тушунтирмайсиз-да.*

Модильяни: Европада, узоқ давом этадиган ишсизлик ҳозирги юқори даражага ҳисса қўшади, чунки у иш қидиришни камайтиради ва узоқ ишсизликка сабаб бўлади деган тушунчани қабул қилишган. Йўқ, жаноб. Бу – ўта чекланган сиёсатнинг оқибати.

Барнетт: *Сиз баҳслашган, биржа пуфакчалари баъзан капитал йиғимлар сақланадиган амалдаги даромадларнинг бир қисми (амалий фойдага доимий қўшимча) сифатида кўрсатишдан келиб чиқади. Нима деб ўйлайсиз, ҳозирги воқеа-ҳодисаларга ишонасизми ёки ҳозирги биржа бозори қийматлари асосийлари билан мосми?*

Модильяни: Мен пуфакчаларга жуда қизиқаман, улар ҳақида кўп ўйлайман, уларнинг борлигига ишонаман. Улар бозор механизмнинг нотўғри ишлаши манбаидир. Бу пуфакчалар негизи шуки, амалий капитал йиғимлари фойда билан алмаштирилиб, нотўғри тушунилади,



бунинг натижасида, акциялар кўпроқ жалб этувчи бўлиб боряпти ва ҳоказо. Аслида, эса Кўшма Штатлардаги биржа бозори жиддий пуфакчалар исканжасида. Ўйлашимча, акцияларни ортиқча баҳолаш 25 % тартибда, жараён табиатига кўра, бутун тизим қачон қулашини олдиндан айтиш мумкин эмас. Фикримча, агар ортиқча баҳолаш сезиларли даражада бўлса ва у секинлик билан йўқолмаса, бу унинг қулаб тушишига сабаб бўлади.

Барнетт: *Унда сизнинг изланишларингиз Шарқий Осиёдаги охириги беш йил ичида содир бўлган номўтадил иқтисодий ҳолатни тушунишимизга қандай ёрдам беради?*

Модильяни: Менинг бу борадаги фикрим пуфакчалар табиатига жуда ўхшайди, кутилган юкори фойдалар капитални жалб этади. Капиталнинг жалб этилиши алмаштириш ставкалари савдо балансидаги катта дефицитларни келтириб чиқариб ушлаб турибди, капитал оқими алмаштириш ставкаларини капитал инвестицияларни кўпроқ жалб этувчи бўлишини кўллаб-қувватлади. Демак, одамлар ўша фойдаларини доимий эмаслигини англамагунча сиз қобикда ўралиб қоласиз. Ўйлашимча, пуфакчалар ривожлана олмайдиган ёки кийинчилик билан ривожландиган, шунингдек, қисқа вақт капитал инвестициялари учун талаб этиладиган захиралар тизимини ўрнатиш халқаро ҳолатнинг келажаги учун муҳим деб ҳисоблайман.

Солоу: *Энди, иш ҳақи бўйича фикрингизни сўрамоқчи эдим. Бугун номинал ёки ҳақиқий иш ҳақини қандай моделлаштирган бўлардингиз?*

Модильяни: Бу, ўйлашимча, бугун биз дуч келаётган энг асосий муаммолардан бири, чунки менинг моделимда, иш ҳақи ва нарх даражаси ташқи омиллардир. Чунки, нархлар асосан даромадларга таянади, маошлар эса мослашувчан эмас. Иш ҳақи сўзсиз ишсизликка қарши жавоб бераётгани йўқ. Хўш, унда маошларни нима қилиш керак? Ўйлашимча, маошларнинг қаттиқлиги тарихийдир. XIX асрдаги ҳолат бугунгидан тубдан фарқ қилганининг эҳтимоли катта. Ўша асрда рақобатдош санатларнинг, шунингдек, қишлоқ хўжалигининг роли катта эди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам, маош нарх даражасининг асосий таркиби ҳисобланади. Унда маошни нима белгилайди? Хўш, энди Европадаги бирлашмалар кучли бўлганлигидан муаммоларга дуч келдик. Улар шунчалик номаъқул бўлишдики, маошларнинг кўтарилишига сабаб бўлди. Лекин, менинг фикрим шуки, узоқ вақт ичида биз реал иш ҳақи, номинал иш ҳақи, муҳокама қилинадиган ойлик ва нархларнинг умумий келишувига келишимиз керак. Бу Италияда содир бўлган ҳолатдир.

Солоу: *Шу ҳақда кўпроқ гапириб берсангиз.*



1985 йил, Стокгольм. Нобель мукофотини қабул қилгандан кейин.

Модильяни: Қийматсизлаштиришдан олдин содир бўлган дахшатли ҳодисада Италия сир сақлаган нарса ишчилар нарх дастури билан биргаликда номинал маошни уч йилга ўрнатишга келишган факт эди. Бу келажак, чунки нархларнинг ўсиш суръати ҳақида бошқа нима дейишни билмайман.

Солоу: *Кейнснинг ишчи кучи ҳақиқий маошнинг ёлгон бўлишини аниқлолмайди деган изоҳидир.*

Модильяни: Бу тўғри. Ҳа-ҳа.

Солоу: *НАИРУ (ишсизликни тезлаштирмайдиган инфляция) ставкаси ҳақидаги ҳозирги фикрингиз қандай?*

Модильяни: Ўйлашимча, агар ишсизлик жуда пасайиб кетса, унда инфляция кучаяди, шунчаки инфляциянинг юқорироқ даражаси эмас, балки инфляция ўзгаришининг юқорироқ даражаси деган тушунча тўғридир. Лекин, агар ишсизлик кўтарилиб кетса, номинал иш ҳақининг тушишига ишонмайман. Маошларнинг жуда секин жадаллашишига ёки кимирламаслигига эришишингиз мумкин. Бироқ, юқори даражадаги ишсизлик маошлардаги ёмон ўзгаришларга олиб келишига ишонмайман.

Солоу: *Биз ҳатто бироз муддатга тушаётган маошларга эга бўлишимиз мумкин, лекин аниқ маошлардаги жадал пасайишига эришмаймиз. НАИРУга ишонганларнинг бирортаси тенгламанинг бу тарафи ҳақида гапиришни ҳеч қачон истамайди.*

Модильяни: Бу гапингиз тўғри. Демак, ўйлашимча, бу қарашлар тизимнинг ҳар доим инфляцияга тушиш мойиллигига мос тушади. Марказий банк инфляция нол бўлиши керак деган доимий ўйловларсиз тўлиқ иш билан бандлик сиёсатини давом эттириши мумкин. Бугунги куннинг асл фожиаси сифатида Европа банклари бошқа кўплаб банклар, бирёқлама нарх мўътадиллашувига ўтган фактини келтиришим мумкин. Бу Европа фожиаларининг асосий манбаларидан биридир.

Солоу: *Яхши, сиз, ўйлашимизча, бу, асосан, хато ва масъулиятдан қочишнинг оддий йўли.*

Модильяни: Тўппа-тўғри. Ўйлашимча, улар асосий мақсадни «биринчи ишсизлик» дейишлари керак, нарх мўътадиллиги ҳам муҳим. Шундай ҳолатлар бўладики, сиз ёки инфляцияни жойлаштиришга ёки



уни вақтинчалик ишсизлик эвазига тўхтатишга мажбур бўласиз. Ундан кейин ишсизликни мен инфляция қобиғини очувчи вақтинчалик бир куч сифатида қабул қилган бўлардим. Лекин, нарх турғунлиги ягона мақсад деган тушунча хато деб ҳисоблайман.

Солоу: *Демак, ҳозир НАИРУ Францияда 13 % лигига ишонмайсиз?*

Модильяни: Мутлақо йўқ, ёки бу давлатда уни 4 % лик пастлигига ҳам ишонмайман. НАИРУ турғунлигига кучли шубҳалар бор менда, лекин уни ҳисоблаш бўйича бу мос йўл.

Барнетт: *Массачусетс технологиялар институтида талаба бўлганимда, корпоратив молиядан магистр курсларини олишга рухсат олдим. Модильяни-Миллернинг капитал нархи устидаги ишини магистрлар билан бўлишдим. Ўша соҳага киришингизга нима сабабчи бўлди?*

Модильяни: Кейнс ҳақидаги 1944 йилги мақоламдан бери, Кейнс структурасининг амалий тестларига қизиқиб қолдим. Ҳаммага маълум бўлганидек, ўша структуранинг асосий қисмларидан бири инвестиция функцияси бўлиб, у инвестицияни фоиз ставкаларида, яъни капитал нархида тушунтиради.

Кейинчалик мен корпоратив молия экспертларининг фондлар нархи фирманинг қандай йўл билан молиялаштирилганига боғлиқ деган қарашларидан таъсирландим. Агар сиз акция чиқарган бўлсангиз, нарх ўша капиталдаги фойда бўлади, 10 % бўлиши мумкин, лекин сиз қимматли қоғоз чиқарган бўлсангиз, фоиз фақатгина 5 % бўлиши мумкин. Жавоб ишонарли бўлиб туюлмади. Кейинчалик, капитал нархи қанча эди: 5 % ми ёки 10 %? Иқтисодчи учун талаб қилинган фойдани қарз билан молиялаштирамоқчи бўлсангиз 5 %, агар қимматли қоғоз билан бўлса, 10 % бўлади деб айтиш тўғри эмас. Дэвид Дуран таклиф қилган «моҳият назарияси»ни ўқиб, бозор қиймати молия структурасидан мустақил бўлишига секин-секин ишондим. Бу эса, кейинчалик Модильяни-Миллер теориясининг исботига айланди. Мажбуриятларнинг бозор қиймати унинг структурасига таянмайди, чунки инвестор молиявий структурани осонлик билан қарз бериш орқали тузатиб олиши мумкин (агар солиқ тўсиқлари бўлмаса). Натижада, акция ишлатиш ёки қарз олиш ўртасида фарқ қолмайди.

Шунга қарамай, қарзнинг нархи енгилроқ, талаб қилинган фойда ставкасини оширади, шу бирлашишдан икковини ўртача нархи ўзгармайди. Мен ўз исботимни Миллер аудитор бўлиб қатнашган дарсда кўрсатдим. У бунга ишонди ва мажусийларга қарши солиб юришларида менга қўшилишга қарор қилди.

Ҳозирда ҳаммага маълум бўлган теорема тахминан 30 саҳифада исбот қилинган. Ишчанликнинг сабаби қисман эди, чунки теорема кор-



поратив молиянинг негиз қонунларига қарши эди, оптимал капитал тузилмаси фани. Биз уларни ишонтириш учун «ишчан» исботни кўрсатишимиз керак эди. Бахтга қарши, кўп МБА талабаларининг айтишича, улар бу курсни ўқишга мажбур бўлишган ва бу курс энг қийин курслардан бири бўлган. Бу жуда ёмон эди, чунки ҳозир бу теорема ҳамма учун жуда осон, ҳаттоки бу теорема икки карра Нобель мукофотига арзирмиди деб ўйлаб қоламан. Теоремада айтилмоқчи бўлган нарса шуки, фирма қиймати ўз мажбуриятларининг бозор капиталлашуви билан унинг мол-мулклари қийматига тенг бўлиши керак.

Даъволар композицияси ўзгариши мумкин, лекин уларнинг умумий қиймати ўзгармайди. Бу – мол-мулклар қиймати. Бу, албатта, сиз инвестицияни қандай йўл билан киритганингиз аҳамиятсизлигини кўрсатади. Демак, биз талаб қилинган фойдани, яъни капитал нархини ҳисоблаётганимизда, молиявий композицияларнинг майда деталлари билан қайғуришимизнинг ҳожати йўқ. Бу борада, Йоргенсон ҳақ.

Сўнгги йилларда, Модильяни-Миллер теоремаси ҳосилалар устидаги илмий ишларга асос бўлиб хизмат қилди. Фирманинг ост қиймати унинг амалдаги мажбуриятлари структурасидан озодир. Теоремани ушлаб турган баъзи фаразларни эслатиб ўтсам. Алоҳида шахсларнинг оладиган корпоратив фойдалари – солиқ тўсиғига учрамаслиги. Агар шундай таъсирлар бўлганда, ҳолат бундан-да чигаллашган бўларди, мен ва Миллер ўртасида келишмовчилик бўларди. Мен солиқлар турли инструментларга фарқ олиб кириши мумкин деб ишонаман, Миллер эса йўқ. Кўшимча қилишим керакки, солиқлар турли инструментларга таққослама фойдалар беради, Миллер билан айтамикки, ҳозирги солиқ тизими билан бу фарқлар қўллаб-қувватланмайди.

Солоу: *Энди бироз ҳақиқий бизнес айланмаси назарияси ҳақида нутқ билдирсангиз. Кейнс иқтисодиёти ўрнига келган макроиқтисодий назарияга сиз ва мен ёшларнинг хаёлидаги ҳақиқий бизнес айланмаси назариясидек қараймиз.*

Модильяни: Ҳақиқий иқтисодиётда бизнес айланмаси борлигини тушунишда қийинчилигим йўқ. Сиз пулга муҳтож эмассиз, мен ҳам, шундай моделлар урфда бўлганда уларни яратганман. Хикс ҳам бу ҳақда мақола ёзган, Сидней Александр ҳам пулсиз айланма яратиш мумкин бўлган йиғинди ҳақида қизиқарли мақола ёзган.

Фикримча, унинг Кейнс ишсизлиги билан унчалик боғлиқлиги йўқ. Мисол учун 30-йилларда катта пул етишмовчилигидан келиб чиққан улкан депрессия мавжуд эди. Милтон ва мен келишган бир фикр борки, яъни Федерал захира бу борада даҳшатли хатога йўл қўйган. Ўшанда жиддий пул танқислиги ва пул таъминотига нисбатан масъулиятсиз



феъл-атвор бор эди. Ишсизлик, кўпинча, маошларнинг қаттиқлиги ва ҳолатларнинг ўзгариши туфайли содир бўлади. Шу сабабдан, Марказий банк тарафидан тезкор ўзгартириш қилиниши зарур бўлади.

Солоу: *Ҳақиқий бизнес айланмаси назариясининг фарқли томони шундаки, у шунчаки пул механизмлари айланмалар билан ҳеч қандай боғлиқлиги йўқ демайди, балки улар иқтисодийнинг қутилмаган шокларга нисбатан тайёрлаган оптимал реакцияларидир.*

Модильяни: Ҳа. Албатта, бунинг кўпи рационал қутилмаларга олиб боради ва менинг рационал қутилмаларга қарашим шуки, у – ажойиб теория. Шунингдек, у классик теориянинг устунидир. Классик теория қутилмаларга оптимал жавобни айтади. Лукас ва компания қутилмаларнинг оптимал шаклини кўшади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий теория нима дея олишидан қониқдим ва мен рационал қутилмаларнинг муҳимлигида қутилмаларнинг мавжудлиги каби муҳим тушунчага ҳисса қўшганимдан фахрланаман.

Солоу: *Ўзини тасдиқлашми?*

Модильяни: Ўзини тасдиқлаш? Йўқ, ўзликни тасдиқлаш, ички уйғунлашув.

Солоу: *Мен нима учун ўзликни тасдиқлашни назарда тутдим. Қутилмаларнинг ҳар тўплами эмас, уларнинг битта тўплами ўзликни тасдиқлашдир.*

Модильяни: Тўғри, одатда, ўзликни тасдиқлаш у сиз уни кутганингиз учун содир бўлади деган маънони беради. Бу сабаб эмас. Шунингдек, менимча, бу дунёнинг тасвири эмас. Мен дунёнинг кескин маънода рационал ҳаракатланишига ишонмайман ва бу модел қўлланилмайдиган кўплаб вазиятлар мавжуд. Асосан, мен бу модел давлат бажараётган ҳар қандай иш ёмон деган хулосани тасдиқлашига ишонмайман.

Солоу: *У фарқланади ва восита аллақачон ҳақ, шунинг учун, эҳтиёткорлик сиёсати ёмон.*

Модильяни: У шовқин чиқаради, шунинг учун ҳукумат нима қилганда ҳам бу ёмон. Юқоридаги хулосага қарши турувчи ягона мукамал мисол, бу – мен учун ойликнинг турғунлигидир. Ҳеч қачон ҳар хил турдаги тахмин билан сиз маош турғунлигини тахмин қилолмайсиз. Агар ўша контракт пухта ўйланган бўлса, демак маошлар ҳам турғун бўлади ва бу яхшироқ назарияда ва сиёсатда ҳисобга олинганда ёки ўша заиф контракт яхши рационал бўлмаса, Чикаго дунёсида узоқ вақт олдин йўқолиши керак эди.

Барнетт: *Модильяни-Миллер теоремасига ўхшаш бўлган ва баъзи усулларда сизни ҳаётингиз давомида насл қолдиришингиз керак деган назария билан бир хил бўлган. Аслида, у 1969 йилда сизнинг*



Массачусетс технологиялар институтида ўтган дарсингизни тилга олган. Лекин, мен шуни тушуниб етдимки, сиз Барронинг ҳукумат молияси ҳақидаги қарашларига қўшилмайсиз. Нега?

Модильяни: Барронинг Рикардиан эквивалентлиги назариясида Модильяни-Миллер теоремаси билан муҳим боғлиқликдан ташқари умумий ҳеч нарса йўқ. Модильяни-Миллер теоремасида бу капитал структура ва Барро теоремасида эса, бу – ҳукумат етишмовчилиги. Менимча, Барро назарияси элегантлигига қарамасдан унда моҳият йўқ. Мен тушунмайман, нимага кўпчилик тахминга ишонтирилгандек туюлади. Далил ҳайрон қоларли даражадаги тахмин остида туради, ҳамма киши меросхўрига эътибор қаратади, худди ўзига ғамхўрлик қилгандек. Агар ушбу тахминни ташласак, бу ерда ҳеч қанақа даъво қолмайди. Тўғри, хулқ-атворга асосланган назария ҳимоясиздир. Лекин, шунақа турдаги назария жуда оз ва умумий бўлолмайди. Шунчаки ўзингдан сўраб кўр, нима бўлган бўларди. Келинг, 2 та оилани мисол қилиб оламиз, биттасида умуман бола йўқ, биттасида 10 бола бор. Рикардиан эквивалентлигига кўра, иккала оила турлича бўларди. Солиқлардан фойдаланишда ва иқтисодий етишмовчиликда. Аммо, шу нарса аниқки, боласи йўқ оила етишмовчиликни афзал кўрарди ва наригиси солиқни. Ҳаттоки, нимага боласиз оила кўпроқ тежайди, қачонки ҳукумат етишмовчилик муаммоларини бошдан кечирганда. Мен афсусдаманки, бирон-бир ёнма-ёнлик бўлганда доим Модильяни-Миллер ва Рикардиан эквивалентлиги ўртасида қилинади.

Мен, аслида, тажрибамдаги далилни таклиф қилдим ва уни аниқ кўпчилиги шуки, ҳукумат қарзини капиталдан қайтаради, уй эгалари эса мажбуриятдан ва иқтисоддан. Менинг мақолам бироз эски, гарчи у нашрсиз изланишда кўчириб олинган бўлса-да. Лекин, яқин тарихда бир эпизод бор, бу зўр имкониятни таъминлайди. Барронинг умр узоклигига тахминий меъёрнинг ёнига қарши ҳеч қандай юксиз модел – тартибсизлик таъсири. Мени назаримда, жуда зўр бажарилган. Рейган томонидан солиқларни қисқартириш ва харажатни ўстириш 1981- ва 1992-йиллар орасида содир бўлган. Федерал қарз 3,25 марта, номинал иш ҳақи 117 % ўсди (Президентнинг 1994 йилдаги баёноти).

Мени моделимга кўра, шахсий мулк қатъий равишда соф солиқ фойдасига ёнма-ён ва бу 117 % ўсиши ҳам керак эди, ички соф нархга боғлиқ тарзда, албатта. Лекин миллий мулк 117 % фоизга қазрлардан ҳолис ҳолда кўтарилиши керак эди ёки $117 - 23 = 94$ % га. 23 % соф фойда эса ҳукумат қарзи сифатида чиқариб ташланади умр узоклиги тахминига кўра. Миллий ғазнанинг аниқ ўсиши 88 % бўлади, бу, албатта, менинг тахминимга кўра. Бошқа тарафдан олганда, агар ҳукумат қарзи миллий



1985 йилда Стокгольмда Нобель мукофотини қабул қилгандан сўнг. Чандан ўннга: Серхио Модильяни (ўғли), Лея Модильяни (набираси), Франко Модильяни, Швеция қироличаси Силвия, қирол Густав Адольф, Серена Модильяни (рафиқаси), Сузанна Модильяни (Серхионинг рафиқаси), Андре Модильяни (ўғли), Жулия Модильяни (набираси).

ғазнадан чиқариб ташланмаса, натижада, Барро тахмин қилганидек, ўсиш ўша жойда касб билан бир хил бўлиши керак ёки 117 % ни 88 % билан таққослаганда. Аниқ ўсиш 111 % жуда яқин тахминимча. 111 % ва ундан ташқари, кичик бурилиш қарама-қарши йўналишда Барро тахминига кўра.

Нимага шунчалик кўп иқтисодчилар Барронинг умр узоклиги гипотезасига кўп эътибор беришда давом этади?

Солоу: *Яхши, келинг, давом этайлик. Менимча, биз суҳбатлашишимиз керак бўлган кейинги масала Америка Иқтисодий Ассоциациясига бўлган сизнинг президентлик нутқингиз. Сизнингча, 1944 йилги мақола сизнинг ҳозирги ва кейинги ишингизга қандай боғлиқ.*

Модильяни: Олдин мен Кейнс ҳақида гапирганимдек, мен бутунлай ўзимни қарашимга ишонаман, мустаҳкам иқтисодни ўрнатиш учун сиз кучли сиёсатга муҳтожсиз. Молиявий сиёсат, биринчидан, автоматик мустаҳкамловчи бўлиши шарт. Иккинчидан, молиявий сиёсат экстремал ҳолатларда пул сиёсати химоясига кириши шарт. Лекин, меъёрий равишда биз тўлиқ ишчи кучини ўрнатишга ҳаракат қилишимиз керак ва молиявий инвестиция учун жамғармалар қилишимиз керак, молия етишмовчилигига эмас. Биз тўлиқ ишчи кучига эришиб, баланслаштирилган бюджет билан пул сиёсатига ишонишимиз керак. Лекин битта нарсани кўшишни хоҳлардим, бу менга урушдек туюляпти. Менинг маслаҳатим эҳтиёткорона фойдаланишга ва Фридманнинг маслаҳати ҳам эҳтиёткорликни рад қилиш эди. Менинг маслаҳатим, қоидаларга



кўра, ютишга нишона берди. Ҳеч қандай механик қонундан фойдаланадиган давлат йўқ дунёда.

Солоу: *Демократик давлатда бун тасаввур қилиш қийин.*

Модильяни: Бу ерда ҳеч қандай эҳтиёткорлик билан фойдаланмайдиган мамлакат йўқ.

Солоу: *Сиз президентлик ҳақидаги гапларингизни монетаризмга қандай боғлайсиз? Бу монетаризм тарафдорлари томонидан рағбатлантирилган. Сиз эски монетаризм ва ҳозирги Милтон Фридманнинг монетаризмига қандай қарайсиз?*

Модильяни: Агар пул бошқаруви томонидан бир киши пул муаммоларини назарда тутса, мен бу фикрга қўшиламан. Аслида, ҳозирги фикрим шуки, ҳақиқий пул, бу – энг муҳим ўзгарувчи. Лекин, ўйлашимча, турғун пул бирлиги қонуни, бу – хато. Бу бироз муҳим бўлиши мумкин, жудаям турғун пайтда яхши бошланиш нуктаси бўлиши мумкин. Лекин, мен бу ғояни қабул қилмаган бўлар эдим. Шунинг учун бу ягона йўл, умуман олганда, иқтисодий сиёсатни амалга ошириш учун.

Солоу: *Фридман вақт ўтган сари эластиклик фоизига бўлган пул талабини тополмаганини доим ҳам гапирмас эди.*

Модильяни: Мен ўша мавзуда бир нечта мақолалар қилдим ва рад этдим. Ўша тасдиқни хоҳлаган жойдан топиш мумкин. Ким уни топишни хоҳласа, ажойиб тарзда топа олади ва ҳеч қандай муаммосиз.

Солоу: *Сизда Федерал захиранинг МПС чораклик макроиқтисодий моделини яратиб учун асосий йўналиш бор. Ҳозирги катта иқтисодий моделлар ҳақида нима деб ўйлайсиз? Бир вақтлар баъзилар Боб Ҳоллнинг макроиқтисодий моделини келажак деб ўйлаб келишарди. Бу ерда бошқа изланишлар учун ҳам жой бор. Барча изланишларнинг модели ҳолатига қараб амалга оширилади.*

Модильяни: Тўғри, мен яхши биламан. Мен шуни тасаввур қиламанки, биринчидан, тежамкорлик тушунчаси, бу – фойдали тушунча. Бу инсон жуда катта бўлмаган моделлар яшашга ҳаракат қилиши керак, ҳажм жиҳатдан каттароқ. Менимча, ҳозирда ҳам бу моделлар фойдалидир, ҳалиям келажак ҳақидаги тахминлар беришади ва, айниқса, жавобларни баҳолаш йўллари муқобил сиёсатларга жуда муҳим. Лекин, айрим халқаро ҳолатлар остида баъзи мамлакатларда ички пул сиёсати ҳам жой йўқ. Бундай мамлакатда иқтисодий модел фойдали бўлмаслиги мумкин. Лекин, иқтисодий модел турли иқтисодий сиёсатларда баъзи маънода фойдали бўлади.

Барнетт: *Ёш иқтисодчиларни бошқариш касбингизда обрўйингизни оширишда аҳамият касб этганми?*



Модильяни: Талабаларим билан боғлиқлигим ҳозирда аҳамият касб этади, бу ҳаётимнинг ёрқин лаҳзалари бўлиб келган. Мен ўқитишни ёқтираман, айниқса, талабалар билан ишлашни яхши кўраман, уларни ишимга жалб қилиб, ҳаммуаллифликда мақолалар тайёрлашни хуш кўраман. Сабаби шундаки, менинг бирон-бир изланувчи шогирдларимдан бири қизиқарли ғоя яратса, мен уларнинг исмларини ҳаммуаллифдек ёзиб қўйишлигини хоҳлайман.

Солоу: *Ҳозир агар сиз ёш иқтисодчига ПХДни олиш ҳақида маслаҳат берсангиз, нима деган бўлар эдингиз? Ҳозирги кунда макроиқтисодиётдаги энг ҳосилдор замин ҳақида нима деган бўлардингиз?*

Модильяни: Менимча, бугунги кунларда қизиқишларимга, асосан, мен очик иқтисод ва, айниқса, халқаро молия сари ҳаракатланиб келяпман. Бу жуда қизиқарли жой ва бу ерда маош турғунлиги жуда муҳим. Ҳозир фарқ жуда кескин номинал маош турғунлиги ва ҳақиқий маош турғунлиги ўртасида.

Солоу: *Тушунтириб берсангиз шуни.*

Модильяни: Номинал маош турғунлиги билан сиз валюта алмашиш фоизлари яхшиланишини хоҳлайсиз. Ҳақиқий ишсизликни ҳеч нима қилолмайсиз. Мен мамлакатларнинг тажрибаларини кузатганимда баъзилари ўзгармас валюта қийматидан ва бошқалари ўзгарувчан валюта қийматида фойдаланишарди. Бундан мен шуни топдимки, иккала тажриба ҳам яхши ривожланмаган. Европа жуда ҳам оз даражада фойдаланиб келган.

Барнетт: *Сиз муҳим изланувчи бўлиб келгансиз, халқаро пул тизимида АҚШнинг роли, Европа ичидаги ҳолатга мен шунга амин бўлдимки, сиз Европа пул бирлашмасини ҳимоя қилиб келгансиз? Халқаро пул тизимининг келажаги ҳақида нима дея оласиз? Яқиндаги иқтисодий инқироз ва ундаги валюта алмашинуви ҳақида-чи?*

Модильяни: Ҳа, мен Европани ҳимоя қилиб келганман, бироқ унинг сиёсий кўринишлари Европадаги тинчлик, тўлиқ иқтисодидан кўра кучли. Бироқ, мен алоҳида эътибор бердимки, системадаги қийинчиликларга ўзгармас алмашинув фоизлари қандай бўлгани, шу иш учун у катта миқдордаги мосликни талаб қилади, мустақил мамлакатларнинг маош белгилашларида ва бу давлатлар турли хил маҳсулдорликнинг ўсиши ва ташқи стресс ҳолатларига дуч келишларига сабаб бўлган. Мен яна шуни назарда тутдимки, бирлашув мос вақтда яратилмаган. Марказий банкнинг ўйнаб келган роли сифатида қонуний бўлмаган, аммо, де-факто, Бундес банк томонидан доимий равишда нотўғри пул сиёсатини юритиш орқали Европа ишсизлигини келтириб чиқарган ва бу ҳозирги кунда 12 % га етган, балки ундан кўпроқ ҳам. Ҳозир сиёсат катта дара-



жада ишонтирилиб келиняпти, лекин Европа Марказий банки томонидан яқин орада бунга кўп ваъда берилмайди.

Солоу: *Ҳозир биз гаплашаётган мавзу умр узоқлиги назарияси жамғармаси ҳақида эди ва мен оддий умр узоқлиги моделига фикр билдиришни хоҳлардим, биттаси сиз ва Альберт Андо фойдаландингиз. Тажрибали мақсадлар учун ҳеч қанақа авлодларсиз бу албатта.*

Модильяни: Яхши авлодлар хафа бўлиш даражасида муҳим хисобланишмайди. Авлодлар умр узоқлигининг бир қисмидир, лекин бу тўғрида сиз хоҳлаганингизча узоқ кета оласиз, авлодларсиз қизиқарлироқ йўналишда давом этиш учун. Қайси моделда авлодлар муҳим эмас, бутун кўринишдаги оқибатларни келтириб чиқаради. Бу бутунлай сезилмаган Модильяни-Брунберг мақолаларидан олдин. Бу ерда умр узоқлиги тахмини мисолида бир неча ўзгаришлар бор. Бошланишида анъанавий жамғарма назарияси камаяди, жамғарилган фойданинг бир қисми фойда билан ўсади. Бой одамлар жамғара олади, камбағаллар жамғара олмайди. Нимага бойлар пул йиға олади?

Худо биледи, авлодларни тарк этиши мумкин. Маълум даражада сиз фикр олдингиз, яъни бойлар пулни сақлай олади ва камбағаллар сақлай олмайди, ёмон ғоя шуки, камбағаллар абадий жамғара олмайди, лекин умр узоқлиги тахминидан келиб чиқиб сизда бир гуруҳ яхши натижалар бор. Микродаражада доимий маош натижалари бор ҳаммада, қуйидаги фактда шу истемол доимий маошга боғлиқ ва биз бир вақтнинг ўзида жамғарма вақтинчалик маошга боғлиқ: катта миқдорда пул йиғадиганлар бой эмас, лекин вақтинчалик бой.

Умр узоқлиги ва доимий жамғарма ўртасидаги фарқ шуки, ҳозирги ҳаракатлар қисқа вақтли ҳаракатни таҳлил қилиш мақсади мавжуд, умр 50 йил давом этадими ё абадий, фарқи йўқ. Шунинг учун ҳам сизда ҳозирги оила даромадини тежашнинг стандарт йўлига оид нотўғри тушунча бўлиши мумкин. Аммо, ҳақиқатан, даромаднинг қисқа вақтли ёки узоқ вақтлиги ҳеч қандай маъно бермайди. Фермерларнинг тежашли уларнинг яхши тежамкор эканликларидан эмас, балки даромадлари беқарорлиги туфайли давлат ишчилариникидан анча кўпроқ. Далил ўз ичига олган, кўплаб машҳур сўровлардан топилган бошқа натижалар шуки, авлодлар тежамсиз, яъни ҳар қандай берилган даромад даражасида сақлай олмайдигандай бўлиб туюлади. Бу хулосаларнинг барчаси ҳозирги ва қисқа вақтли даромад ўртасидаги боғланиш натижасидир.

Энди сизда бойлик ва тежамкорлик ҳақида тушунчалар мавжуд. Қуйида ҳаёт даври ва доимий даромаднинг муҳим бўлиб бориши ўртасидаги фарқ хусусида гап боради. Ҳаёт даври тахминлари билан шахснинг тежамкорлиги унинг аниқ умри давомида фарқланади, чунки аниқ умр



билан даромад ва истеъмолнинг ҳаётлик даврида келади: ёшлик, ўрта ёшлик, болалик, қарилик, ўлим ва мерос. Мана шунинг учун ёшликда озроқ тежамкорлик бўлади. Ўрта ёшларда эса кўпроқ тежашлар ва қариганингизда эса ҳеч қандай тежашлар бўлмайди. Ноаниқ умр билан ҳеч қандай ҳаёт даври мавжуд эмас. Барча тежашлар ҳаёт даври ва демографияси. Барча тежашларнинг ўсишига сабабчи бўлувчи, ўхшаш авлод моделлари билан кўрсатилган маҳсулдорлик ўртасидаги боғланишга таъсир кўрсатади. Буларнинг барчаси амалий кўмакни қабул қилиш учун кўрсатилган.



Бостондаги Кеннеди кутубхонаси, Испания қироли билан суҳбатда, 1998 йил.

Солоу: Тежамсизлик ва қариликни ҳамми?

Модильяни: Тўғри, энди бунга изоҳ берай. Баъзи инсонлар ҳаёт даври модели нотўғрилигини кўрсатиш учун жуда кўп вақт сарфлашади, чунки қариликдаги одамлар тежашмайди. Мана шунинг учун чорасизлар бунини нотўғри қилишади. Улар ижтимоий ҳимоя ёрдамига мажбурий тежамкорлик ўрнига даромад солиқ тури сифатида қарашади ва пенсияни йиғилган пенсия мурожаатномаларининг камайиши деб эмас, тарқатма сифатида кўришади. Агар ижтимоий ҳимояга тежаш меъёрини топилган даромад (шахсий солиқлар фойдаси)дан истеъмолнинг айрилмаси сифатида қаралганда, одамларнинг қарилик даврларида қанчалик кўп даражада тежамсизлик қилишларини кўрасиз. Даромадсизликларидан улар пенсияларини кўп миқдорда сарфлаб юборишади. Ўзларининг ижтимоий ҳимоя воситаларини камайитиришларига қўшимча тарзда улар озроқ миқдорда ўзларига тегишли бўлган нарсаларни ҳам камайитиришади. Агар ижтимоий ҳимояга бойликни қўшсангиз, у катта ўрқачга эга. У 55-60 ёшлар атрофида чўққига чиқади ва кейин тез пастга тушади. Бу нарсаларнинг ҳаммаси тўлақонли исботланган. Энди сизга бойликнинг мавжудлигини ва бошқа муҳим тушунчани тушунтириш учун мероснинг кераги йўқ.

Ҳатто мероссиз бизда мавжуд бўлган катта миқдордаги бойликни тушунтириб бера оласиз. Бу ҳеч қандай мерос йўқ деган маънони бермайди. У бор. Менинг барча ҳаёт даври тахминларимга доир ишларимда меросни қандай қилиб киритишни тушунтирадиган изоҳлар мавжуд.

Солоу: Уни қандай қилиб кирита олардингиз?



Модильяни: Тежамкорликнинг ҳаёт даври даромадига эмас, балки ҳозирги даромадга боғлиқ экани айни ҳақиқат. Даромадга мерос қилинган бойлик улуши даромаднинг қанчалик ўсиши мумкинлигига қарамасдан барқарор сақланади. Бу ҳаёт даврининг тежамкорлик даражаси даромадга эмас, даромаднинг ўсишига боғлиқ доимий даромад тахминларида мавжуд бўлмаган катта ишораларни эслаб қолиш учун муҳим. Доимий даромад тахмини, аслида, ҳеч қандай нарсага эга эмас; У Фридманнинг: Ўсиш, бу –тежамкорликни камайтиради деган хулосасини такомиллаштиришни бошлайди. Нима учун? Чунки қутилаётган ўсиш натижалари шуки, келажакдаги даромад ҳозирги даромаддан ортади. Лекин, аниқ ҳаёт даври билан нафақага чиқишнинг ва тежамсизликнинг тўхтатилиши ҳамда ўсиши тежамкорликка олиб келади.

Яна бир бор мероссизликнинг содалаштирилган ҳолати ҳақида ўйлаб кўринг. Ҳар бир шахс ҳаётлик даври мобайнида тежамкорликка эришмайди. Агар ўсиш бўлмаса, ёшга қараб тежаш ҳаёт мобайнида тежашлар билан бир хил. Лекин, айтайлик, аҳоли ўсиб бормоқда, тежамсизликда қарилардан кўра, тежамкорлик даврида кўпроқ ёшлар мавжуд. Шунинг учун, барча тежаш даражаси ижобий ва ўсиш билан биргаликда ошмоқда. Бу маҳсулдорликнинг ўсишида ҳам кўринади, чунки ёшлар нафақага чиққанларидан кўра, ёшлар даромаддан кўпроқ завқланишади. Умуман олганда, ҳаёт даври модели агрегат бойликнинг агрегат даромадга пропорционалликка ишора беради. Ўсиш ва тежамкорлик даражаси ўртасидаги ҳаёт даври тахминининг энг муҳим ва инноватив боғлиқлиги муҳимдир.

Барнетт: *Ижтимоий ҳимоя тизимида доир кўплаб изланишлар музокаралар бўлди. Бу борада сизнинг фикрингиз қандай?*

Модильяни: Менинг қизиқишим ва навбатдаги ишим ижтимоий ҳимоя тизими муаммоларидир, чунки, менинг фикримча, у катта аҳамиятга эга; Гарчи менинг фикримча, муаммони барча учун ижобий томонга ҳал қила олсак-да, олдинда фожиа кутмоқда. Бошқача айтганда, биз фойдасиз ва самарасиз бўлган «нарх ошувида тўлаш» тизимини чеклашимиз ва уни тўла фондли тизим билан алмаштиришимиз лозим. Шундай қилсак, ижтимоий ҳимоя кўмагини кейинги аср ўрталаригача бўлиши мумкин бўлган 18 % дан 6 % дан камроқ даражага тушира олишимиз керак ва мен бу ўтказма устида ишладим.

Барнетт: *Биз ҳали қарамаган бошқа мавзулар ҳам борми?*

Модильяни: Балки бу инфляция таъсирлари билан боғлиқдир. Қутилган таъсирлар остида шуни айтиш жоизки, инфляция эшлашга арзигулик ҳеч қандай ҳаққоний таъсирга эга эмас, мен унинг кенг ва жуда катта таъсирга эга эканлигини кўрсатаётганимдан мамнунман. Бу иш



Стэн Фишер билан инфляция таъсирлари мавзусидаги ҳамда Рич Коэн билан қилинган ҳисоботларда акс этган. Ҳисоботлар шуни кўрсатадики, номинал ва Фишер фоизини фарқлаш қобилияти мавжуд эмаслиги туфайли инвесторлар инфляцияга тўлақонли жавоб бера олишмаяпти. Шу сабабли, инфляция систематик равишда ҳаққонийлик қийматини сусайтиради.

Шунингдек, мен бир хил сабаб туфайли инфляция тежамкорликни камайтиришини кўрсатиб бердим. Ҳар иккала ғоя кўплаб тезкор жавоблар орқали қўллаб-қувватланди. Оммавий молияда ҳақиқий даража ўрнига номинал даражани қўллаш орқали қарздорлик хизматини ҳисоблаш даромадга юқори қарздорлик мавжудлигида ўрта етмишлардан эрта саксонлар нисбати каби юқори инфляция даври мобайнида даромадга-камомад нисбатини юқори баҳолашга олиб боради. Корпоратив молияда эса, у фирмаларнинг фойдаларини етарли баҳоламайди.

Барнетт: *Сизнинг оммавий ҳаётингиз камида ҳаётингизни бирор нуқтасида бошланиб, жуда кескин бўлиб келган. Тахминимча, сиз, иқтисодчилар фақат техник мутахассислар бўлиши кераклигига ва сиёсатнинг шаклланишида фаол бўлмасликларига ишонадиган Вальраснинг фикрига қаршисиз. Иқтисодчиларни «омма хизматчилари сифатида» изоҳлаган бўлармидингиз?*

Модильяни: Менимча, иқтисодчилар иқтисоднинг 2 қисмини тан олишлари керак. Бири, иқтисодий назария. Яна бири, иқтисодий сиёсат. Иқтисодий назария қонунлари умумий ва биз барчамиз иқтисодчилар сифатида иш юритишимиздек, уларнинг тарафдори бўлишимиз керак. Иқтисодий сиёсатда биз тарафдор бўлмаймиз ва бу зарур ҳам эмас, балки бир нимани ёқтиришимиз ҳақидаги қимматли фикрлар билан иш юритамиз. У фақатгина умумий даромадни эмас, балки даромаднинг тарқатмаси билан ҳам иш юритади. Бу икки тушунчани улар аралаштириб юбормаслик мақсадида эҳтиёткор бўлишларидек иқтисодчилар сиёсатда қатнашишга тайёр туришлари лозим, лекин улар қандай қисм уларнинг фикри билан боғлиқлигига ва иқтисоднинг ишлашига қандай билим зарурлигини фарқлашда эҳтиёткор бўлишлари лозим.

Барнетт: *Сиз иқтисодий сиёсатга қайта-қайта тўхталаянсиз. Сизнингча, сизнинг маслаҳатингиз давлат ва халққа сезиларли таъсир кўрсатган намуналар борми?*

Модильяни: Ҳа, мен бир қатор вазиятларни айта оламан. Биринчиси, Италия билан боғлиқ ва кулгилироқ. 60–70-йилларда, Италия ойлик шартномалари жуда юқори ўрам билан боғлиқ эскалаторга эга эди. Лекин, 1975 йилги нефт тақчиллигининг ўрталарида бирлашмаларда нархлардаги x % кўтарилиш ишчи ойлигининг x % ўсишига эмас, балки



ишчиларнинг ўртача ойлигининг $x\%$ га кўпайишига барча учун бир хил миқдорда лиралар янги турдаги эскалатор тузилмаларга талаб хусусида ажойиб ғоя бўлган. Ва бу юқори миқдорда ойлик олувчиларга хуш кайфият бағишлади.

Мен Думсдэй (*ингл.* Doomsday, Қиёмат куни)ни эълон қилиш ва ақлсизликни тушунтириш учун бир жуфт мақола ёздим. Таажжубки, у италиялик касбдошларим ёрдамимга келишларидан олдин бироз вақт олди. Ўша касбдошларимдан бири, қайси вақтда бўлмасин, барчага бир хил яшаш қиймати берилиши исботланиши керак, барча ҳақиқий машаққат тез орада деярли бир хил бўлади, инфляциянинг юқори даражаси учун меъёр иқтисодий исботга эга деган таклифи билан «ажойиб» мақолага ҳисса қўшди! Яшаш қийматининг тўғрилануви, охир-оқибат, бекор қилинишидан ва уни оммалаштирувчилар хатоларини тан олишларидан олдин иқтисодий тартибсизлик бир неча йил давом этди. Бу яшаш қиймати мослашуви буткул бекор қилинишидан олдин эди ва 1993 йилгача давом этди.

Иккинчи мисол, 1996 йилда Италиянинг еврога ўтиш талабини қондиришга кўмак берган, эришиш мумкин бўлган сеҳр Эль Мираколо Поссибиле номли мен ва яна 2 муаллиф китобидаги тавсияномалардир. Буни ўша даврда умумий тушуниш имконсиз эди, чунки 3% дан юқори бўлган дефицит мавжуд эди. Ғайриоддий қарздорлик даромади нисбати ($11/4$)нинг мавжудлигига ўсган инфляция номинал фоизининг фойдаланилиши туфайли дефицит сохталиги борасида баҳслашдик, лекин мўлжал инфляциянинг кескин тушиши ва номинал нисбатларда мос пайишлар орқали нарх инфляцияси ва минимал ойликни дастурлаштириш орқали катта қийматларсиз эришиш мумкин. Бу иш берди, китобда қўрилган кўра кўпроқ натижа бергани изоҳланди ва Италия бошидан еврога кирди.

Учинчи мисол, менинг Европа ишсизлигига ва нотўғри пул сиёсати орқали ўйнаган ролига қарши юришимдир. Мен Европа ва Америка иқтисодчиларидан иборат гуруҳ нашр қилган «Европа Иттифоқи иқтисодчиларининг ишсизлик манифести» бир йил олдин босиб чиқарилди. Гарчи у, биз умид қилгандек, самарали бўлмаса-да, қайсидир маънода прогрессияга эришяпти.

Хулоса шуки, мен биз мўлжаллаган ижтимоий ҳимоя ўзгариши муҳим таъсирга эга бўлади деб умид қиламан.

**Сухбатни Уильям А. Барнетт ва
Роберт Солоу олиб боришди.**

1999 йил 5–6 ноябрь



МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
ВАСИЛИЙ ВАСИЛЬЕВИЧ ЛЕОНТЬЕВ	5
МИЛТОН ФРИДМАН	21
ПОЛ ЭНТОНИ САМУЭЛЬСОН	59
ЖЕЙМС ТОБИН	83
РОБЕРТ ЖЕЙМС ШИЛЛЕР	95
КИЧИК РОБЕРТ ЛУКАС	140
РОБЕРТ ЖОН АУМАНН	150
ТОМАС ЖОН САРЖЕНТ	184
КРИСТОФЕР АЛЬБЕРТ СИМС	207
ПОЛ ВОЛКЕР	223
СТЕНЛИ ФИШЕР	254
ДЭВИД КАСС	274
ЖАК ДРЕЗ	302
ФРАНКО МОДИЛЬЯНИ	326

ҚЎҚОН УНИВЕРСИТЕТИ

ИҚТИСОДИЁТ ИЛМИ ОСМОНИДА ЮЛДУЗГА АЙЛАНГАНЛАР

*Турли йилларда иқтисодиёт бўйича Нобель
мукофотиغا сазовор бўлган олимлар билан
қизиқарли суҳбатлар жамланмаси*

ИЛМИЙ-ОММАБОП РИСОЛА

Тошкент – «Маънавият» – 2021

Мухаррир С. Холбеков
Мусаххих Ш. Назарова
Мусаввир С. Шухрат
Компьютерда тайёрловчи Ш. Соҳибов

© «Маънавият» нашриёти. 2021. Лицензия АІ №189, 10.05.2011 йилда берилган.
Босишга 11.03.2021 йилда рухсат этилди. Бичими 70x100 ¹/₁₆. Таймс гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 28,38. Нашр т. 23,1.
300 нусха. Буюртма № 21-19. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 07-21.